

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ



---

ҲОМЕР  
ИЛИАДА



ҲОМЕР

---

# ИЛИАДА



Русчадан  
**ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ**  
таржимаси

ТОШКЕНТ  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

**«ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ»  
СЕРИЯСИНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

---

Зулфия  
Эркин Воҳидов  
Азиз Ҷаюмов  
Матёқуб Қўшжонов  
Жамол Камол  
Омон Матжон  
Қодир Мирмуҳамедов  
Мирмуҳсин  
Асқад Мухтор  
Ғайбулла Саломов  
Рубен Сафаров  
Александр Удалов  
Улмас Умарбеков  
Ўткир Ҳошимов  
Озод Шарафиддинов  
Шоислом Шомуҳамедов

**Масъул муҳаррир**

**Хуршид Даврон**

Г 4703000000—1  
М 352 (04)—88 2—88

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й., (Тарж.)

## КУХНА ДУНЁ ҚОМУСИ

Қадим Юонининг ilk афсоналарига асосланган Ҳомер эпослари — «Илида» билан «Одиссея» адабиётнинг туб маъносини, образли тафаккурнинг буюк миссиясини, бадий сўзнинг қудрати ва ўлмаслигини минг йилларга эслатиб, таъкидлаб, исботлаб келмоқда. У даврларда бу буюк асарлар ахлоқ ва тарбия муассасаларининг ҳам, дорилфунунларда фалсафа ва тарих дарсликларининг ҳам ўрнини босган, қадим дунё қомуси деб аталган. Ҳомернинг ўзи эса ҳаётнинг барча вазиятлари учун олий ҳакам ҳисобланган. Классицизм вакиллари-нинг бу дostonларга нисбатан такаббурона беписандликларини ҳисобга олмаганда, улар ҳаммаша, айниқса, Европа маънавий дунёсининг бош манбаларидан бири ҳисобланиб келган. Сўнги юз йил ичида эса, Троя, Микена, Пилос шаҳарларининг Крит оролининг харобалари, Ахиллес ва Одиссей саргузаштларининг аён излари топилгач, бу асарларни ўрганиш кенг тармоқли фанга айланди, юзлаб, минглаб китоблар ёзилди, ҳомершунослик кашфиётларининг ҳали-ҳамон охири кўринмайди.

Бундай боқий ҳаётийликнинг сирини нимада? Аввало, албатта, шундаки халқ афсоналари ва тарихий воқеаларга асосланган бу дostonларда қаҳрамонлик ва хиёнат, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, садоқат ва интиқом, ҳижрон, вафо, тақдир, виждон, гуноҳ каби азалий инсоний муаммолар юксак бадий-эпик ифодасини топгандир.

Бизнинг йил ҳисобимиздан 1200 йилча аввал Кичик Осиёнинг ғарби-шимолидаги Трояда ёрларида, унинг пойтахти Троя (ёки Илион) шаҳри учун бўлган жанглар билан боғлиқ кўп қадимги воқеалар юнонлар хотирасида афсоналар силсиласи сифатида сақланиб қолади. Бу хотираларда қаҳрамонлар ҳақидаги тарихий воқеалар афсоналарга чулғаниб, худолар ҳақидаги мифлар билан қоришиб, диний тасавурлар поэтик фантазия билан қўшилиб кетиб, бўлғуси буюк эпослар учун беҳисоб бой асос пайдо бўлади. Буюк юнон эпослари мана шу бой асосда аввал оғзаки ижроларда, кейин ёзма тарзда яна бир неча юз йиллардан сўнг юзага келади.

Маълумки, тарихий ўтмишдаги муҳим воқеалар тўғрисида қаҳрамонлик дostonлари ҳамма халқларда, жумладан, ўзбек халқида ҳам бор. Бу ўринда ўхшашликлар кўп. Қадим юнон эпосларининг ижрочилари ҳам ўн минглаб сатрларни ёддан биладиган қувваи ҳофизаси ноёб одамлар бўлган, улар туркум-туркум дostonларни авлодлардан авлодларга олиб ўтиб, унга ўз даврларининг таъсирини, юқи ва унсурларини сингдириб бойитиб, асарлар билан бирга ўз санъатларини ҳам, усул ва анъаналарини ҳам мерос қолдириб келганлар.

Ҳомер ана шундай ижрочиларнинг энг сўнгиларидан, тўғрироғи дostonчи-

ликнинг янги даврини бошлаб берган халқ даҳоси эди. У катта эпик меросни сақлабгина қолмай, уни бутун антик дунёнинг маънавий сарчашмаси сифатида доҳиёна поэтик системага солиб, икки ўлмас эпосни ижод этди. Булар кўп асрлик анъанавий бадиҳа ижоднинг яқуни — катта халқона эпоснинг дастлабки ёзма ёдгорликлари эди.

Ҳомер ўзи афсонавий шахс. Унинг таржимаи ҳолидаги деярлик барча фактлар баҳсли. Бу ном қадим юнон тилида «кўзи ожиз», «сўқир» деган маънони беради. Демак, куйчи ҳомерлар кўп бўлган. Аммо улардан бири, ҳақиқий Ҳомер бутун антик дунёда машҳур бўлиб, Ҳомер ватани деган шарафли ном учун талашган шаҳарлар ўнлаб ҳисобланади. Бир қарашда, бу — умумлашган бир ном. Аммо воқеалари, даври, услуби, образлар дунёси жиҳатидан бир-бирининг давоми бўлган икки дostonнинг ҳар бири 24 қўшиқдан иборат, бир вазндаги буюк эпосларнинг бу номга қибс қилиниши ҳамма жиҳатдан шу қадар табиий эдики, Ҳомернинг реал шахслигига ҳеч ким етарли далил билан эътироз билдирилмади.

«Ҳомер масаласи»ни ҳали ҳам тамом ҳал қилинган деб бўлмайди; у — ўзи бир фан. Чунки бу эпосларнинг яратилишида ягона авторнинг мавқеини камситувчилар ҳали ҳам кўп. Таҳрир қилган, тартибга солган, гоҳо эса ҳеч қандай Ҳомер бўлмаган, бу дostonлар халқ қўшиқлари сифатида, бадиҳа тариқасида вужудга келган, деган фикрлар ўтган асрларда кўп айланиб юрди. Ҳомерни икки буюк дostonнинг ягона ва доҳиёна муаллифи сифатида тан олишда фанга эпосларнинг ўзидаги яхлит бадиий бутунлик, ноёб талантга хос ижодий индивидуаллик, юксак бадиий воситаларнинг бетакорлиги ёрдам берди. Бу масалада буюк рус олимлари ва адиблари ҳал қилувчи роль ўйнадилар. В. Белинскийнинг айтишича, инсоният ҳозирги маънавий балоғати учун Ҳомердан, «Илиада»даги ўша тонг софлигидан қарздордир. Лев Толстой Ҳомер эпосларини оригиналда ўқиш учун кекса ёшида атай қадим юнон тилини ўрганди. Ҳомер поэмалари, Ҳорақий ва Овидий китоблари Пушкиннинг, Гоголнинг севиб ўқийдиган асарлари эди.

Ҳомер, ҳар қандай сеvimли шоирдек, аввало ҳар бир китобхоннинг шахсий эмоционал туйғуларига мурожаат қилади. Унинг қарашларида абадий ва азалий муаммоларгина эмас, кейинги барча замонларга тегишли даъватлар ҳам сезилади. Бизнинг кунлар китобхони ҳам бу қадимий эпосларда давримизнинг энг долзарб муаммоси — уруш ва тинчлик ҳақида ўзини ҳаяжонлантирадиган мулоҳаза ва ҳис-туйғуларни топади. Ҳар қандай жангнома сингари, Ҳомернинг «Илиада»си ҳам уруш ҳақида. Аммо халқ даҳоси бўлган буюк инсонпарвар куйчи урушни энг ёрқин маънавий ва жисмоний кучларини намойиш этувчи оғир имтиҳон сифатидагина тасвирлаб қолмай, у келтирган беҳисоб қулфатларга, урушнинг ғайри инсоний, хунук оқибатларига, инсон қадрини ерга урувчи қонли қирғинларига нафрат уйғотади. Европа халқлари адабиётларининг энг яхши намуналари эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари билан шуъллаланар экан, бунда қадим юнон сарчашмаларининг таъсири йўқ деб бўлмайди. Қўлингиздаги китобни ўқиганда сезарсиз, Ҳомер ҳатто ўзининг энг сеvimли қаҳрамони Ахиллеснинг ҳам интиқом изтиробида эс-ҳушини йўқотиб ваҳшиёна қон тўкишини кечирмайди. У меҳмондўст қўшнисига хиёнат қилиб уруш бошланишига сабаб бўлган трояликларга ҳам инсоний бир шафқат тилайди, ўз шаҳарларини, бо-

лаларини, ҳаётларини ҳимоя қилишга мажбур бўлган, ўз шаҳзодаси Париснинг касрига қолган трояликларга хайрихоҳлик билдиради. Бироқ оддий кишиларга бўлган бу хайрихоҳлик ҳеч бир жойда ёвузликни оқлаш, хиёнатни ҳас-цўслаш тусини олмайди. Ахлоқий позициянинг бундай мустаҳкамлиги, ҳаётбахшлиги, эзгулик ва ҳалолликка, жаҳоний уйғунлик ва мангу гўзалликка интилиш — бу дostonларнинг умрбоқийлигини таъмин этган.

Уларнинг барча халқлар, барча замонлар учун барҳаётлиги сабабларидан яна бири — шеърият даҳосининг қалам ва калом қудратидир. Ҳомернинг ўткир кўз қарашида энг оддий воқеалар, энг оддий нарсалар ҳам ўзгалар тасав-вурига нисбатан тиниқроқ, маънодорроқ, ёрқинроқ кўринади. Бу ўринда қадим юнонларнинг, Маркс айтган болалик софлигини шеърият даҳосининг ҳаётбахш қуёши ёритиб турганини ҳам айтиш керак. Турғун ва ҳаракатдаги маъҳум ва конкрет тасвирлар илоҳий ва оддий инсоний, маиший лавҳаларнинг бу қадар мураккаб ва миқёсли қоринмасини шундай қуёш нури билангина қамраш мумкин эди. Ҳомернинг идроки, ижодий хаёллари бениҳоя эркин: тарих ва афсона, худолар ва одамлар, дин ва асотирлар... бари унинг ихтиёрида; илоҳий кучлар, худолар ҳам одамлар сингари гоҳо кекчи, шуҳратпараст, гоҳо қудратли, гоҳо эса заиф ва содда. Ҳомернинг бадий тўқима қуввати туфайли Олимп ҳақидаги анъанавий тасаввурлар ҳам, юнон мифологияси ҳам анча бойиди. Иккала дostonда китобхонни ҳозиргача ҳайратга соладиган минглаб психологик кашфи-ётлар, инсон вужудини титратувчи тасвирлар, кулфат ва фожиалар, ҳаёт ишқи, муҳаббат ва оддий инсоний қувончлар асрлардан асрларга ўтиб келади. Гегелнинг айтишича, Ҳомернинг образлар дунёсида қаҳрамонона ҳолат ҳамisha устун, бу ҳолатнинг бир қисми бўлган қаҳрамонлар идеалга яқин туради. Шу билан бирга, хусусий ва умумий хусусиятларнинг бирлиги туфайли улар ҳамма вақт ҳаётий-дирлар.

Ҳомер дostonларини, айниқса «Илиада»ни ўқиганда, шундай катта миқёс-ли материалнинг ажойиб маҳорат билан пухта композиция қилинганини кўра-сиз. Кўп қаватли сюжет чизиқлари, барча мавзу ва мотивлар, барча персонаж-ларнинг тақдирлари бош ғояга хизмат қилиб, маънодор яқун топади. Фабула тугуни фожианинг бадий ечими, баённинг кескин бурилишлари, ҳамма эпизод ва персонажлар, барча бадий воситалар бош мавзу ва бош қаҳрамон образи атрофида бирлашган жипс системани ташкил этади. Эпик услубдаги «Ҳомерга хос сокинлик» ҳақида кўп гапирадилар. Лекин шуниси ҳам борки, айниқса «Илиада»да воқеалар сиққ, гоҳо ҳис-туйғулар туғғни китобхонни минг кўйга солади.

Ҳомер дostonларининг ҳамма замонларга хос инсонпарварлик ғояларини, халқчиллиги, юксак бадий сифатларини буюк рус классиклари юксак баҳо-лаганлар. Бу эпосларнинг рус тилига дастлабки таржималари XVIII асрда пайдо бўлган эди. Ундан кейин Е. Костров, Н. Гнедич, И. Мартынов, Н. Мин-ский, В. Вересаев, Б. Пастернак ва бошқалар қайта-қайта таржима қилдилар.

Булар ичида оригиналнинг энг муҳим жиҳатларини, қадимий Юноннинг тил хусусиятлари, табиатга яқин тасвир воситалари ва бадий ўзига хослигини анча тўла акс эттиргани — Н. И. Гнедич таржимаси ҳисобланади. Қўлингиздаги китобнинг таржимони Қодир Мирмуҳамедов ҳам асосан ўтган асрнинг бошла-рида нашр этилган ана шу таржимадан фойдаланган. Бу «Илиада»нинг ўзбек

тилидаги биринчи тўла нашридир. Қодир Мирмуҳамедов бу асар устида қарийб ўн йил ишлади. Бу дoston таржимасига дастлаб қўл урган Ойбек ва Миртемир каби устозларнинг тажрибалари унга сабоқ бўлди. Ун олти минг сатрга яқин ҳажмдаги буюк қомусий эпоснинг тўла таржимаси ва нашри республикамиз маданый ҳаётида қувончли воқеадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Қодир Мирмуҳамедов бадиий таржима соҳасида анчадан бери баракали ижод қилиб келаётган, таржимани чинакам санъат деб билиб, таланти, қобилиятини шу йўлда сарфлаб, яхши натижаларга эришаётган адабларямиздандир. «Илиада» таржимасига қўл уришдан олдин у кўплаб насрий, шеърий ва драматик асарларни маҳорат билан ўзбек тилига ўгириб, малага ва тажриба ҳосил қилди. Унинг таржималари орасида жаҳон адабиётининг дурдонасига айланган Ж. Боккаччининг «Декамерон» номли асари, Л. Толстойнинг «Ешлик» автобиографик повести, В. Гюгонинг «Бюг Жаргаль», Ж. Лондоннинг «Мартин Иден», Р. Тагорнинг «Хонадон ва жаҳон», «Сўнги дoston» романлари, М. Горькийнинг «Клим Самгиннинг ҳаёти» номли эпопеяси, шунингдек, Т. Шевченко, К. Чапек, М. Шолохов, М. Булгаков сингари атоқли ёзувчиларнинг асарлари бор. Қ. Мирмуҳамедов таржимасида саҳналаштирилган драмаларнинг ўзи ўндан ортиқ, у таржима қилган киносценарийлар сонини эса бир юз элликка етади.

Қодир Мирмуҳамедов таржимадан таржимага маҳорати ошиб, қалами сайқал топиб бормоқда. У ўзининг ҳар бир янги таржимаси билан тил соҳасидаги ижодкорликнинг алоҳида қирраларини кашф этади, қайта яратиш санъатининг имкониятларини рўёбга чиқаради. Қ. Мирмуҳамедов ҳақиқатан ҳам бадиий тил усталаридандир, у асарнинг қурилиш материали бўлиши тилнинг ифода қудрати, тасвирий жозибаси стихиясини нозик ҳис этади ва таржималарида бундан унумли фойдалана олади. Таржимон ҳар бир асарнинг услубий хусусияти ва уни ўқийдиган китобхонлар диди, категориясини ҳисобга олиб, сўз танлайди, лисоний ижодкорлик қилади. Шу боис унинг таржималари худди маҳоратли ёзилган ўзбекча оригинал асардай завқ билан ўқилади, китпига ҳузур бағишлайди. Қодир Мирмуҳамедовнинг таржимонлик маҳорати, айниқса, «Илиада»да янги қирралари билан намоён бўлди. Маълумки, асар қанча мураккаб, қанча қадимий бўлса, унинг масъулияти ҳам шунча катта ва жиддий бўлади. Таржимоннинг маҳоратигина эмас, чидам ва саботи, меҳнатсеварлиги, таъбир жоиз бўлса, гражданлик позицияси, эзгу эътиқодлари ҳам шундай ҳолларда кўзга ташланиб туради. Таржимон қадимги Юнистон тарихини, буюк Ҳомер даври, адабий меросини ва у ҳақдаги тадқиқотларни обдан ўрганиб чиққанлигини ҳис этиш мумкин. Эпоснинг архаиклашган тили, тасвирий усуллари, мифологик тушунча — тасаввурлари киноя-ишораларнинг нозик маъноларигача барча хусусиятларни чуқур англаб етиб, «Илиада»нинг улугвор мусиқий олами, Ҳомернинг шеърий даҳоси руҳига кириб бориб, уни ўзбек шеърияти оҳанглари билан ифодалаш шарафига муяссар бўлган. «Илиада»нинг вазни, ритми ўзига хос, у денгиз мавжларини эслатувчи салобатли шеърий система — ҳекзаметр вазида ёзилган бўлиб, рус таржимони Н. Гнедич ҳам ана шу вазни сақлашга ҳаракат қилган. Ўзбек таржимони Қодир Мирмуҳамедов бўлса бармоқ вазиининг ўн етти ҳижоли, тўрт туроқли системасидан фойдаланган ва шу орқали эпоснинг кўтаринки, жангномалар ритмини акс эттирувчи маромини бера ол-



ган. «Илиада»нинг шеърий нафосати, қадимги дунё одамларининг характери ва кечинмалари, жўшқин, шиддатли ҳиссиётларини сезиб турамиз.

Одатда бундай таржималарда асарни Шарқ жангномалари услубига солиш, тилингина эмас, барча реалийларини ҳам ортиқча «ўзбекчалаштириш»га уриниш иллатлари учрайди. Қодир Мирмуҳамедов таржимаси бундан холи. Бу таржимада, интернационал руҳ (шундай дейиш ўринли деб ўйлайман), ўзга халқлар маданиятига эҳтиром сақланган. Қадимий адабий ёдгорликни «енгил-лаштириш»га уриниш ҳам йўқ, зеро маълумки, бу кўҳна поэтик қомус «енгил китобхонлик»ка мўлжалланган эмас. Таржимон уйдаги юнон мифологиясига хос баланд услуб билан бирга, Ҳомерга хос кутилмаган дунёвий-маиший тафсилотларни ҳам яхши сақлаган. Умуман, қадимги эпослар таржимасида тилдан фойдаланишнинг катта қийинчиликлари бор. Чунки ўша давр руҳи, асар лексикаси, ибораларини бизга етказадиган, шунга мувофиқ келадиган ўзбекча иборалар, сўзлар қўллаш талаб қилинади. Аммо бу ишда меъёр сақланмаса, ғализлик, сохтакорлик келиб чиқishi ҳеч гап эмас. Қ. Мирмуҳамедов, назаримда, ана шу зарурий меъёрни кўздан қочирмаган.

«Илиада»да ҳозирги ўқувчилар тушунмайдиган тушунчалар, мифологик номлар, воқеа-ҳодисалар жуда кўп. Таржимон буни эътиборга олиб, мавжуд илмий ишлар асосида қадимги Юнон мифологиясини изоҳлаб берадиган махсус рисола ёзиб таржимага илова қилишдан ташқари, нотаниш сўзларнинг шарҳини ҳам тузган. Бу катта изоҳий аппарат китобхонни асарнинг маъзини тушуниб етишга кўмаклашиш билан бирга, унга мўл-кўл маърифий маълумотлар ҳам беради. Хуллас бу таржима илҳом, меҳнат ва тадқиқотнинг, кўп йиллик ижодий изланишнинг меvasи, ўзбек таржимачилигининг янги ютуғидир.

Инсоният даҳолари яратган маънавий хазинасини ташналч билан ўқиб ўзлаштираётган, сўз санъатига азал-азалдап ихлосманд ўзбек китобхонларига дунёнинг биринчи буюк шоири кекса Ҳомер «Илиада»си — неча-неча авлодларни ҳайратга солиб келган бу шоҳ асар Қодир Мирмуҳамедов таржимасида манзур ва мақбул бўлади, деган умиддаман.

*АСҚАД МУХТОР*

Устоз шоир Миртемирнинг порлоқ  
хотирасига бағишланади.  
Мутаржим

## ТРОЯ ЖАНГИНИНГ ИБТИДОСИ

Хурматли китобхон, Хомернинг «Илиада» достонида Троя (Илион) шаҳри бўсағасида юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлган ўн йиллик урушнинг охириги ўнинчи йили тасвирланган. Бинобарин, достонда баён қилинган воқеаларни тушунишингиз осон бўлсин учун, биз Троя жангининг бошланишига сабаб бўлган воқеаларни Сизга насрий мисраларда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шунга кўра, қадимги юнон мифологиясига мурожаат қилайлик.

### 1. СОҲИБЖАМОЛ ЕЛЕНА

Қадим-қадим замонларда Спартанинг<sup>1</sup> шавкатли шоҳи Тиндар Этолия подшоси Тестийнинг қизи маъбудамонанд Ледага уйланган эди.

Леданинг тўрт фарзанди бор эди. Улардан иккиси: соҳибжамол Елена билан Полидевк — чақмоқлар тангриси Зевснинг, яна иккитаси — Клитемнестра билан Кастор — Тиндарнинг болалари эди.

Елена гўзалликда беқийс қиз эди. Фоний аёллар орасида ҳусну тароватда унга тенг кела оладигани йўқ эди. Ҳаттоки маъбудалар ҳам бу дилбар қизга ҳасад билан қарар эдилар. Еленанинг гўзаллиги овозаси бутун Юнон элига таралди. Натижада чор атрофдан аслзода куёвлар Тиндар саройига совчи бўлиб келавердилар. Лекин Тиндар қизини совчи бўлиб келган қаҳрамонларнинг биронтасига ҳам беришга журъат эта олмади, негаки у, агар қизимни умид билан келган шу қаҳрамонлардан биронтасига хотинликка берсам, қолганлари ҳасад қилишиб, бахти кулган куёв билан жанг қилишлари ва оқибатда катта нифоқ бошланиши мумкин, деб хавотир қиларди. Ниҳоят, Тиндарнинг тараддудда қолганини кўрган кошиф каромат қаҳрамон Одиссей ўртага чиқиб, унга шундай маслаҳат берди:

— Майли, зулфи сумбул Елена кимга турмушга чиқишини ўзи ҳал қилсин. Унга уйланишни ихтиёр қилган йигитлар бунга монелик қилмайдилар. Балки, ҳозирнинг ўзида, ўшал хушсаодат паҳлавонга қарши ҳеч қачон қурол кўтармаймиз, бильякс, бирон фалокат содир бўлиб, у ёрдам сўраб наъра тортса, ҳаммамиз унга ёрдамга келамиз, деб қасамёд қилурлар.

Тиндар Одиссейнинг маслаҳатига қулоқ осди. Ҳамма куёвлар Одиссей айтганидек онт ичдилар, шундан кейин, Елена паҳлавонлар орасидан энг ўктам йигитни — Атрей ўғли Менелайни тандади.

Катта тўй-томоша бўлиб, Менелай Еленага уйланди. Тиндир оламдан ўтгандан кейин эса у Спартага подшо бўлди. У Тиндарнинг муҳ-

<sup>1</sup> Исмлар ва жойларнинг номларига китоб охирида алифбе тартибида изоҳ берилган (Ред.).

ташам қасрида тинч ва осуда ҳаёт кечира бошлади. Соҳибжамол Еленага уйланиб ҳам ўзининг, ҳам бутун юнон элининг бошига не-не кулфатлар орттирганидан ёш подшо ҳали беҳабар эди.

## 2. ПЕЛЕЙ ВА ФЕТИДА

Менелай билан Елена даврон суриб, саодатли ҳаёт кечириб юра-вериршсин. Энди гапни Олимп тоғининг чўққисини маскан қилган худолардан эшитайлик.

Кунларнинг бирида титан Прометей каромат қилиб, худоларга улкан бир сирни очди:

— Агар сарпадар Зевс маъбуда Фетида билан қовушса, улардан шундай ўғил дунёга келгайки, у ўз падаридан ҳам қудратлироқ бўлиб, отасини юксак тахдан қулаггай, — деб башорат қилди у ва тангриларга юзланиб, Фетидани донишманд Эакнинг ўғли ботир Пелейга эрга беришни маслаҳат қилди, — гар шундай қилсак, Фетида билан Пелейдан энг буюк қаҳрамон дунёга келади, — деб илова қилди у.

Худолар ҳам бу маслаҳатни маъқул кўриб, Пелей билан Фетиданинг никоҳ тўйини кентавр Хироннинг улкан ва ҳашаматли ғорида ўтказишга қарор қилдилар.

Тўй ниҳоятда шукуҳли бўлди. Олимпдаги жамики худолар бу тўйга ташриф буюрдилар. Тўйда Аполлоннинг олтин кифараси баралла янгради, бу мусиқа садосига музалар жўр бўлишиб, Пелей билан маъбуда Фетидадан дунёга келадиган паҳлавоннинг улкан шон-шавкати ҳақида куйладилар. Базми жамшид авжида эди. Бу тўй дастурхони атрофида фақат бир маъбуда — адоват худоси Эрида кўринмас эди. У тўйга таклиф этилмаганидан хуноби чиқиб, аламини ичига ютиб, ёлғиз ўзи Хироннинг ғори оғзига санқиб юрарди. У ўч олиш ҳақида ўйларди. Ниҳоят, Эрида, тангрилардан қандай интиқом олиш ва улар орасига қандай низо солиш йўлини ўйлаб топди. У қўлига олтин олма олди. Олмага «энг гўзал маъбудага» деб ёзилган эди. Сўнг у ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан тўй бўлаётган эрга кирди-да, нознеъматлар тўла дастурхонга ўша олмани думалатиб юборди.

Тангрилар олмани қўлларига олиб, ундаги ёзувни ўқидилар. Лекин қайси маъбуда энг гўзал экан? Шу заҳоти, уч маъбуда ўртасида баҳс бошланди. Булар: Зевснинг хотини — Ҳера, жанговар маъбуда Афина ва муҳаббат маъбудаси зулфизар Афродита эдилар. Уларнинг ҳар қайсиси олмани ўзига олишни истар ва бир-бирларига бўш келишни хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Ниҳоят улар бу можарони ажрим қилиб беришни худолар ва одамларнинг султони олампаноҳ Зевсдан илтимос қилдилар.

Ва лекин Зевс бу ишда ҳакамлик қилишдан бош тортди. У олмани ўғли Ҳермеснинг қўлига тутқазди ва маъбудаларни Троя яқинидаги юксак Ида тоғининг ёнбағрига бошлаб боришни буюрди. Олтин олманинг қайси бир маъбудага тегишли эканлигини, уларнинг қай бири энг соҳибжамол эканлигини ўша ерда, Троя шоҳи Приамнинг ўғли Парис исмли йигит ҳал қилиб беришни керак эди. Пелейнинг никоҳ

тўйи шу йўсинда маъбудалар низоси билан тугади. Бу низо одамзод бошига жуда кўп кулфатлар солиши керак эди.

### 3. ПАРИСНИНГ ҲУКМИ

Ҳермес ва уч маъбуда дарҳол Ида тоғи сари парвоз этдилар. Приам ўғли Парис бу пайтда пода боқиб юрган эди.

Бунинг сабаби бор эди. Париснинг онаси Ҳекуба унга ҳомиладор бўлиб ой-кунни яқин қолган пайтда бир кун ёмон бир туш кўради: тушида мудҳиш ёнғин бутун Троя шаҳрини қамраб олаётганмиш. Бундан қўрқиб кетган Ҳекуба тушининг тафсилотини эрига айтиб беради. Приам тушни таъбирловчи коҳинга юзланади, коҳин эса, Ҳекуба ўғил тугади ва бу ўғил Троянинг ҳалокатига сабабчи бўлади, деб қаромат қилади. Шунга кўра, Ҳекубанинг кўзи ёриган заҳоти, Приам ўз қули Агелайга, чақалоқни юксак Ида тоғига олиб бориб хилват ўрмонга ташлашни амр этади. Лекин чақалоқ нобуд бўлмайди — бир она айиқ уни ўз сути билан боқиб ўлимдан асраб қолади. Орадан бир йил ўтгач, тасодифан ўша тоққа бориб қолган Агелай болани топиб олиб, уни ўз фарзандидек боқиб тарбиялай бошлайди. Унга Парис деб исм беради. Парис чўпонлар орасида ўсиб улғаяди ва ҳуснда тенги йўқ азамат йигитга айланади. У ўз тенгқурлари орасида қудрати, жасорати билан ажралиб турарди. Бора-бора у на фақат подаларни, шунингдек ўз ўртоқларини ҳам ваҳший ҳайвонлар ҳамласидан, қароқчилар ҳужумидан халос ата бошлади, у ўз қудрати ва жасорати билан шундай доврўқ қозондики, ёр-дўстлари уни Александр (мардларни маҳв этувчи) деб атаб бошладилар. Шу тарзда Парис Ида ўрмонларида хотиржам яшаб юраверди. У ўз қисматида мамнун эди.

Мана, қутилмаганда унинг қошига Ҳермес маъбудаларни бошлаб келди. Парис уларни кўриб чўчиб кетди. У қочиб қолмоқчи ҳам бўлди, лекин хаёлдек учқур Ҳермесдан қочиб қутилиб бўлармиди? Ҳермес Парисни тўхтатиб, унинг қўлига олтин олмани тутқазаркан, мулойим оҳангда шундай дели:

— Сен, Парис, манави олмани ол. Кўряпсанми, қаршингда учта маъбуда турипти. Улардан қай бирини энг дилбар, энг гўзал деб ҳисобласанг, олмани ўшанга бер. Сарпадар Зевс бу маъбудалар баҳсини ажрим қилишни сенга амр этди.

Парис хижолат бўлди. У маъбудаларга тикиларкан, қайси бири гўзалроқ эканлигини ҳал қила олмай, боши қотар эди. Шунда ҳар қайси маъбуда олтин олма учун ғоятда улкан мукофот ваъда қила бошлади. Ҳера унга, бутун Осиёга султон бўласан, деб ваъда қилди, Афина — жанговар шон-шухрат ва мангу музаффарият ваъда қилди. Афродита эса фоний аёллар ичида энг соҳибжамол бўлган Еленани унга хотин қилиб олиб беришни ваъда қилди. Парис, Афродитанинг шу ваъдасини эшитгач, кўп ўйлаб ўтирмай олмани унга берди. Шундай қилиб, Парис маъбудалар орасида энг соҳибжамоли Афродита деб эътироф этди. Шу пайтдан бошлаб Парис Афродитанинг арзандаси

бўлиб қолди ва у Парисга ҳар бир ишда мададкор бўла бошлади. Ҳера билан Афина эса Парисни, Трояни ва барча трояликларни ёмон кўриб қолишди, натижада улар бу шахри азимни ҳам, унинг бутун аҳолисини ҳам барбод ва нобуд қилмоқчи бўлдилар.

#### 4. ПАРИС ТРОЯГА ҚАЙТАДИ

Парис маъбудалар билан учрашганидан кейин кўп вақт ўтмай Ида ўрмонларини тарк этди. Шоҳ Приам хотини Ҳекубанинг кўнгли ҳеч тасалли топмаётганини ва ҳамон йўқотиб юборилган ўғлини кўмсаб, куюнаётганини кўриб, ўша нобуд бўлган ўғли шарафига Трояда улкан ва дабдабали ўйинлар уюштирди. Бу ўйинларда голиб чиққанга Приам подасидаги энг яхши буқа мукофот учун тайинланган эди. У буқа айнан Парис боқиб юрган пода ичида эди. Париснинг ўзи ҳам бу буқани жуда яхши кўрарди. Ундан ҳеч айрилгиси келмагани учун уни ўзи шаҳарга етаклаб борди. Парис Трояда уюштирилган мусобақада ботирларнинг беллашувини кўрди. Унинг ҳам мусобақага қатнашгиси келди. Натижада, у мусобақада ҳамма қаҳрамонларни, ҳаттоки қудратли Ҳекторни ҳам енгиб, совринга муяссар бўлди.

Приамнинг ўғиллари, қандайдир бир чўпондан энгилганлари учун жуда ғазабланиб кетдилар. Приамзода Деифоб шамширини ғилофидан суғуриб, Парисни ўлдирмоқчи бўлади. Қўрқиб кетган Парис ўзига паноҳ қидириб Зевс меҳробига киради. Меҳроб қошида уни Приамнинг ғойибдан хабар берувчи қизи Кассандра кўриб қолиб, бу чўпон йигитни дарҳол танийди. Приам билан Ҳекуба йўқолган фарзандларининг топилганидан севиниб кетишиб, зўр тантана билан уни саройга бошлаб борадилар. Кассандра отасини огоҳлантириб, тақдирини азалга кўра Троянинг ҳалокатга учрашига шу Парис сабабчи бўлади, деб қанча гапирса ҳам, Приам унинг гапига қулоқ солмайди. Каромат соҳибаси Кассандранинг айтганларига умуман ҳеч ким эътибор бермайди. Зеро тангри Аполлон Кассандрани аянчли қисматга маҳкум этган эди: шунга кўра ҳеч ким унинг башоратларига ишонмасди, ваҳоланки, унинг ҳар бир каромати ҳамisha рўёбга чиқарди.

#### 5. ПАРИС ЕЛЕНАНИ УҒИРЛАЙДИ

Мана, Париснинг ўз отаси паноҳига қайтиб келганига ҳам анча вақт бўлди. У ўз ҳаётида юз берган бу улкан ўзгариш туфайли Афродита ваъда қилган мукофот — соҳибжамол Еленани ҳам гўё унутиб юборгандай кўринарди. Энди у ҳеч ким танимаган оддий подачи эмас, балки шахзода эди. Лекин бир кун келиб Афродитанинг ўзи унга Еленани еслатди ва арзандаси Парисга ғоятда муҳташам кема қуришда кўмаклашди. Кушлар ўтиб Парис Елена яшаб турган Спартага отланди. Приамнинг соҳибкаромат ўғли Ҳелен, бу қилиминингнинг оқибати сени ҳалокатга олиб боради, деб инисини қанча огоҳлантирмасин, Парис қулоқ солмади. У кемага чиқиб, ўз ёр-дўстлари билан олис сафарга равона бўлди. Парис кемасининг соҳилдан узоқлашаётганини кўрган Кассандра қўлларини кўкка чўзиб фарёд қилди:

— О, фалокат! Муаззам Троянинг ва жамики трояликларнинг шўри қурийди энди! Мушоҳада қиялпман: муқаддас Илион аланга ичида, унинг маҳв этилган ўғлонлари қора қонларига беланиб ерпарчин бўлиб ётулар! Ана, хориждан келган ғанимлар троялик хотин, қизларимизни оҳу зорлари, дод-фарёдларига қарамай, асира айлаб ҳайдаб кетмоқдалар!

Каромат соҳибаси Кассандра шундай нола қиларди, ammo унинг бу кароматига ҳам ҳеч ким парво қилмади. Ҳеч ким Парисни тўхтаб қолишни ўйламади ҳам.

Парис эса ҳамон кенг денгизда қушдек тез сузиб борар эди. Ҳатто кўтарилган мудҳиш тўфон ҳам уни йўлидан тўхтатолмади. У бадавлат Фтия элидан, Саламин ва Микена ёнидан ўтиб, ниҳоят Лакония соҳилига етди. Парис Эврот дарёсининг денгизга қуйилиш жойида лангар ташлаб, ўз қадрдон дўсти Эней билан соҳилга тушди ва меҳмон сифатида шоҳ Менелай қасрига йўл олди. Бироқ шоҳ Париснинг қора ниятидан буткул беҳабар эди.

Шунга кўра, у Парис, Энейни худди азиз меҳмонлардек очиқ чеҳра билан кутиб олди. У меҳмонлар шарафига анвои ноз-неъматлар тўла дастурхон тузади. Мазкур зиёфат пайтида Парис биринчи марта гўзал Еленанинг жамолини кўришга мушарраф бўлди ва унинг илоҳий ҳуснига маҳлиё бўлиб қолди.

Елена ҳам Париснинг ҳуснига ром бўлиб қолган эди, орадан бир неча кун ўтди. Бу аснода Менелайнинг зудлик билан Крит оролига жўнаши лозим бўлиб қолди. У жўнаб кета туриб, хотини Еленага: «Мен тезда қайтиб келаман, сен меҳмонларга ғамхўрлик қил, ҳеч бир нимадан сиқилмасинлар», деб тайинлади. Лекин Менелай жўнаб кетган заҳоти, Парис фурсатдан фойдаланишга аҳд қилди. У Афродита кўмагида, ширин-шакар сўзлар билан гўзал Еленани эрининг уйини тарк этиб, ўзи билан Трояга қочишга ундади. Елена ҳам Париснинг илтимосига рози бўлди. Шундан кейин, Парис Еленани хуфиёна ўз кемасига олиб чиқди: у меҳмондўст Менелайнинг хотинини, у билан бирга бутун хазинасини ҳам ўғирлаб кетди. Елена Парисга бўлган муҳаббати туфайли эрини ҳам, қадрдон Спарта шахрини ҳам, қизи Ҳермионани ҳам унутиб юборган эди.

...Беҳисоб ўлжалар ортган Париснинг кемаси денгиз тўшини тилиб, елдек учиб борарди. Севинчдан унинг боши кўкка етган эди, зеро у жаҳонда энг соҳибжамол аёл — Еленани Трояга олиб кетаётган эди... Кема сокин уммон бўйлаб, Афродита паноҳида яна уч кун тўхтовсиз сузди. Боди мурод унга мадад бериб турди. Ниҳоят, у эсон-омон Троя соҳилига етиб келиб лангар ташлади.

## 6. МЕНЕЛАЙ ТРОЯГА ҚАРШИ ЖАНГГА ШАЙЛАНАДИ

Елена хиёнаткор Париснинг макрига учиб, Менелай қасрини тарк этган ҳаманоқ, тангрилар ўз дарақчилари Иридани Менелай ҳузурига йўлладилар. Ирида ҳам Олимпдан парвоз этиб, ўзининг ҳарир қанотларида кўз очиб-юмгунча Менелай истиқболига етиб борди ва унинг

бошига оғир мусибат тушганини хабар қилди. Менелай дарҳол юрти Спартага қайтиб келди. Еленанинг бевафолик қилганини ва хазина-сидан беҳисоб бойликлари ўғирлаб кетилганини кўрган Менелай қаттиқ дарғазаб бўлди. У зудлик билан ўз оғаси Агамемнон ҳузурига йўл олди ва хиёнаткор, кўрнамак Парисдан қандай ўч олиш керак, деб унга маслаҳат солди. Агамемнон ўз инисига бир вақтлар кўмаклашишга онт ичган қаҳрамонларни йиғишни ва улар билан биргаликда Трояга қарши юриш қилишни маслаҳат берди.

Менелай оғасининг маслаҳатига кириб, у билан биргаликда юнон қаҳрамонларини жамлашга киришди: улар биринчи навбатда Пилосга, мўйсафид шоҳ Нестор ҳузурига равона бўлдилар.

Қария Нестор энг донишманд юнонлардан эди. Унинг жанговар ишлардаги тажрибаси бениҳоя ўткир эди.

Нестор оға-ини қаҳрамонларни очиқ чеҳра билан самимий қарши олди. Рўй берган воқеани эшитгач эса, Парисдан қаттиқ ранжиди. Унинг ўзи ҳам Атрейзодалар билан бирга Юнонистонни айланиб, барча қаҳрамонларни Трояга қарши юришга даъват этмоқчи бўлди.

Юнон қаҳрамонларининг аксарияти бу юришга иштирок этишга рози бўлдилар. Жумладан, Аргос шоҳи Диомед, Эвбеянинг донишманд шаҳзодаси Паламед, Крит шоҳи Идомей, Ҳераклниинг дўсти Филоктет, икки Аякс: Саламин шоҳи паҳлавон Аякс Теламонзода ва Локрида шоҳи Оилейнинг ўғли Аякс ва яна жуда кўп марди майдонлар Трояга қарши юришга қатнашмоқчи бўлдилар. Энди Итака шоҳи кошиф каромат Одиссейни ҳам бу ҳарбий юришга жалб этиш лозим эди. Лекин Одиссей ўз жонажон юрти Итакани тарк этишни истамас эди. Зеро у яқингинада соҳибжамол Пенелопага уйланган ва ундан ўғил қўриб, Телемах деб исм қўйган эди. Наҳотки мана шу осуда ҳаётини, суюкли хотини ва азиз фарзандини ташлаб, олис Троя бўсағаси сари тубсиз ва сертўлқин уммонда сузишга мажбур бўлса? Ким билсин, балки ўз ватанига қайтиб келиш насиб қилмас унга. Шунга кўра, Менелай, Агамемнон, Нестор ва Паламедларнинг Итакага келгани даргани эшитган айёр Одиссей, ўзини уларга жинни қилиб кўрсатмоқчи бўлди: омочга ҳўкиз билан эшакни қўшиб, далага чиқди ва ер ҳайдаб шудгор қилиб, дон ўрнига туз сепи бошлади. Одиссейнинг айёрлик қилаётганини биринчи бўлиб Паламед пайқаб қолди ва йўртакланган Телемахни олиб бориб, Одиссей ер ҳайдаб келаётган эгатга ётқизиб қўйди. Одиссей ўз фарзандини кўриб тўхтаб қолди. Унинг Итакада қолиш истаги қанчалик зўр бўлмасин, бу истагига ёлғиз фарзандини побуд қилиб эришишга ҳадди сизмади. Одиссейнинг айёрлиги шу йўсинда фош бўлди. Оқибат, Одиссей жонажон юрти Итакани, хотини ва ўғлини ташлаб, жуда узоқ фурсатга Трояга жўнашга мажбур бўлди. Шу пайтдан бошлаб Одиссей Паламедни ёмон кўриб қолди ва шу қилмиши учун, ундан, албатта, қасос олажagini дилига тугиб қўйди.

## 7. АХИЛЛ

Трояга қарши уюштирилган юришга яна бир қаҳрамонни жалб

этиш шарт эди. Бу подшо Пелей билан маъбуда Фетиданинг ўғли навқирон Ахилл (Ахиллес) эди. Соҳибкаронат Калхас Троя юришига Ахилл иштирок этган тақдирдагина, ул шаҳри азимни забт этишингиз мумкин, деб башорат қилган эди Атрейзодаларга. Фалак мапгу шоншавкат бахш этган эди Ахиллестга. У Троя остонасида жанг қиладиган қаҳрамонлар орасида энг буюги бўлиши керак эди. Ахиллеснинг жасоратлари ғоятда улур бўлади, аммо у Троядан тирик қайтмайди, у айни навқирон ёшида камон ўқидан ҳалок бўлиши керак. Маъбуда Фетида ўғлининг қисматига нималар ёзилганини яхши биларди. Шунга кўра, у бу машғум қисматни даф этиш учун астойдил ҳаракат қилди. Ахилл чақалоқлик чоғида унинг баданига муаттар анбар мойи суриб, оловда тоблади. Онанзор шу тарзда унинг баданини ўқ шикастламайдиган қилиб чиниқтирмоқчи ва шу йўл билан уни боқий қилмоқчи бўлган эди. Лекин бир кун тунда Фетида Ахиллни оловга тоблаб қўйганида ногаҳон уйрониб кетган Пелей, ўз жигарбандининг оловга ташланганини кўриб ҳайратга келди. У дарғазаб, шамширини яланғочлаб хотини Фетидага ташланади. Маъбуда бу таҳдиддан қўрқиб, Пелей қасридан қочади ва денгиз қаърида истиқомат қилувчи ўз падари Нерейнинг қошонасида паноҳ топади. Шундан кейин, Пелей ўғли Ахиллни ўз дўсти кентавр Хиронга тарбияга берди. Хирон Ахиллни айиқ мияси ва шер жигари билан боқди. Оқибат Ахилл энг қудратли қаҳрамон бўлиб улғайди. У олти ёшлик чоғидаёқ ваҳший арслонларни ва тўнғизларни маҳв эта бошлади, елдек учқур буғуларга този итларсиз ўзи қувиб ета бошлади — Ахилл шунчалик чаққон ва тез югурар эди. Қурол ишлатишда ҳам Ахиллга тенг келадиган паҳлавон топилмасди. Хирон Ахиллга яна хушсадо кифара чалишни, ажойиб қўшиқлар куйлашни ҳам ўргатган эди. Фетида ҳам ўз фарзандини унутмади. У ўғли билан дийдор кўришмоқ учун бот-бот денгиз қаъридан чиқар ва ҳамisha унга ғамхўрлик қилар эди.

Ахилл улғайиб, ғоятда ўктам йигит бўлиб етилган бир пайтда, Менелай юнон паҳлавонларини Трояга қарши юришга даъват этмоқда, деган овоза бутун Юнонистонга тарқалди. Ўғлининг қисмати қандай хавф остида эканлигини тасаввур қилган Фетида, уни Аскирос оролига, шоҳ Ликомеднинг қасрига яширди. Ахилл аёллар либосини кийиб, ўша ерда шоҳ қизлари орасида яшаб юраверди. Унинг қаерга яширинганини ҳеч ким билмас эди. Лекин бу сирни Менелайга соҳибкаронат Калхас очди. Бундан огоҳ бўлган Одиссей билан Диомед дарҳол йўлга чиқдилар. Йўл-йўлакай Одиссей бир ҳийла ўйлаб топди. Улар Аскирос оролига етиб боришгач, икковлари савдогар қиёфасида Ликомед қасри сари йўл олдилар. Улар шоҳ қизлари олдида ўзлари билан олиб келган турли-туман молларни: кимхобу шойи матолар, олтин маржонлар, тилла исиргалар, зарришта билан тикилган чойшабларни ёйиб ташладилар, бу моллар орасида яна шамшир, дубулға, қалқон ва ўзга жанг аслаҳалари ҳам бор эди. Шоҳ қизлари олтин тақинчоқлар, қимматбаҳо матолар тепасида уймалаша бошладилар. Аммо Ахилл жанг аслаҳаларидан кўзини узмасди. Шу чоқ



бирдап кўчадан жангга даъват этувчи бурғу садоси ва қурол-яроғларнинг шарақ-шуруқи эшитилди. Бу нарса Диомед ва Одиссейнинг ҳамроҳлари томонидан атайлаб уюштирилган эди. Шоҳ қизлари бу жанговар даъватни эшитиб, қийқиришганча қочиб кетишди, Ахилл бўлса дарҳол қўлига қилич билан қалқон олиб, душманлар томон отилди. У Ликомед қасрига ёв ҳужум қилди, деб ўйлаган эди. Одиссей билан Диомед Ахиллни шоҳ қизлари орасидан шу йўсинда таниб олган эдилар.

Ахилл Трояга қарши бошланган юришда иштирок этишга бажону дил рози бўлди. У садоқатли дўсти Патрокл билан донишманд қария Фениксни ўзи билан бирга сафарга олиб кетди. Пелей ўз ўғлига бир вақтлар маъбуда Фетидага уйланган пайтида худолар томонидан совға қилинган жанг анжумлариши, шунингдек, Хирон тортиқ қилган найзани тутқазди. Бундан ташқари, тангри Посейдоннинг туҳфаси— тулпор отларни ҳам берди.

## 8. ТРОЯ

Юнон қаҳрамонлари юриш бошлаган Троя шаҳри ғоятда буюк ва қудратли эди. Унга Зевс ўғли Дарданнинг эвараси Ил асос солган эди. Кунлардап бир кун Ил Фригияда паҳлавонлар мусобақасига қатнашиб, ҳамма қаҳрамонларни бирма-бир енгади. Ушбу музаффарияти эвазига Фригия шоҳи Илга эллик нафар йигит ва эллик нафар навниҳол қиз тортиқ қилади. Бундан ташқари шоҳ унга бир тарғил сигир ҳам беради-да, Илга шу сигир кетидан эргашиб кетаверишни ва у тўхтаган ерда шаҳар тиклашни амр этади. Фригия шоҳининг айтишича, соҳибқаромат коҳин, ўшал шаҳар улкан шон-шавкатга муяссар бўлгай, деб башорат қилганмиш. Ил шоҳ буюргандек иш кўрди. У сигир кетидан кетаверди. Сигир юриб-юриб, охири маъбуда Атэ тепалигида тўхтади. Ил ҳам мана шу тепаликни манзил айлаб, у ерда шаҳар тиклай бошлади. Шу шаҳарга, шоҳ Ил шаънига Иллион (Троя) деб от қўйдилар. Ил подшолик қилган даврда Троянинг тепаликдаги қисмигина девор билан ўралган эди: аммо шаҳарнинг тепа этагидаги қисми ғанимлардан ҳеч қандай ғов билан муҳофаза қилинмаган эди. Шаҳарнинг бу қисмини Илнинг ўғли шоҳ Лаомедонт даврида тангрилардан Посейдон ва Аполлон метин девор билан ўрадилар. Бул деворни тиклашда уларга қаҳрамон Эак кўмаклашди. Азим шаҳар Трояни қуршаган метин деворнинг фақат бир ерини (Эак ишлаган ерни) шикастласа бўларди.

Юнон қаҳрамонлари Трояга қарши юриш бошлаган пайтда бу ерда Илнинг набираси Приам ҳукмронлик қиларди. У ғоятда бадавлат подшо эди. Унинг қасри ҳам, ўз хотини малика Ҳекуба билан истиқомат қилиб турган кошонаси ҳам бениҳоя ҳашаматли эди. Приам билан унинг элликта ўғли ва келини, элликта қизи ва куёви бирга яшардилар. Приамнинг ўғиллари орасида саховатли Ҳектор ўз дилварлиги ва қудрати билан бошқалардан ажралиб турар ва элга доврақ таратган эди.

Троя ниҳоятда қудратли шаҳар эди. Юнон қаҳрамонлари билан жанговар трояликлар ўртасида ҳали кўп машаққатли жанглар бўлади, лекин айни пайтда, трояликларни енгиб, шаҳарни забт этганларни беадад шон-шухрат, беҳисоб ўлжа кутарди.

## 9. ЮНОНЛАР АВЛИДАДА

Жамики юнон қаҳрамонлари ва уларнинг лашкарлари Трояга юришни бошлаш олдидан Авлида бандаргоҳига тўпланишди. Денгиз соҳилига тўпланган бу қўшин миқдори юз минг кишидан ортиқ бўлиб, улар 1186 та кемада Троя томон сузишлари керак эди. Сафарга жўнаш олдидан жами қўшинларнинг лашкарбошилари, буюк қаҳрамонлар худолар йўлига қурбонлик қилиб, улардан боди мурод бахшида қилишни илтижо этмоқ учун асрий чинор кўланкасига тўпландилар. Шу пайт бирдан меҳроблардан бирининг остидан ниҳоятда мудҳиш, худди қон сингари қип-қизил бир илон ўрмалаб чиқди. У баҳайбат гавдасини биланглатиб, чинорга чирмашиб, унинг қир учига чиқа бошлади. Дарахнинг қир учига қуш уяси бўлиб, унда бир қуш саккизта полопонини қанотлари остига босиб ўтирарди. Кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай бояги қизил илон қушни ва унинг саккизта полопонини ютиб юборди, лекин шу заҳоти ўзи ҳам тошга айланиб қолди. Бу ҳолни кузатиб турган саркардалар ҳанг-манг бўлиб қолдилар: улар худоларнинг бу аломати маънисини тушунишга ожиз эдилар. Лекин пуркаромат коҳин Калхас бу ишоранинг боисини уларга изоҳлаб берди:

— Илон тўққизта қушни ютди, бинобарин, сизлар Троя шаҳрини тўққиз йил қамал қилиб жанг қилгайсиз, фақат ўнинчи йилга ўтгандагина, кўп машаққатлар чекиб, бисёр қурбонлар бериб, муаззам Трояни забт этгайсизлар,— деди у.

Калхаснинг бу башоратини эшитган юнонлар суюниб кетишди. Бу бошлаган юришларининг оқибати хайрли тугашига умид боғлаб, кемаларни сувга туширдилар...

Бироқ улар Авлида бандаргоҳидан бир қадам ҳам нари сузиб кета олмадилар: шамол тескари томонга эсаётган эди, зеро маъбуда Артемида муқаддас оҳусини ўлдириб қўйган Агамемнондан дарғазаб бўлиб, унинг кемаларига тескари шамол йўллаган эди. Қаҳрамонлар боди мурод эсишини узоқ кутишди, аммо шамолнинг йўналиши сира ўзгармади. Ниҳоят, улар бекорчиликдан зерика бошладилар. Қароргоҳда касалликлар тарқалди, лашкарлар орасида норозиликлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг исён кўтариши хавфи ҳам туғила бошлади. Ниҳоят, коҳин Калхас юнон саркардаларига шундай деб юзланди:

— Маъбуда Артемиданинг кўнглини юмшатиш учун бирдан-бир йўл — Агамемноннинг гўзал қизи Ифигенияни унга бахшида этиб қурбонлик қилишдир, шундагина маъбуда бизга раҳм қилгай.

Бу машъум башоратни эшитган Агамемнон ғамга ботди. У ўз қизини ўлимдан асраб қолиш учун ҳатто Трояга юришдан ҳам воз кечишга тайёр эди. Лекин Менелай, Артемиданинг продасига итоат

этноқ лозим деб, узоқ вақт акасига гап уқдирди: ниҳоят, Агамемнон укасининг илтимосига амал қилиб, Микенага, ўз хотини Клитемнестра қошига чопар юборди. Чопар асосий сабабни яширган ҳолда, Клитемнестрага Агамемноннинг амрини, яъни Ахилл жангга кириш олди-дан Ифигения билан никоҳ ўқитмоқчи, шул боисдан Клитемнестра қизини Авлидага бошлаб келмоғи лозим, деган фармонни етказди... Мана, орадан бир қанча вақт ўтгач, Клитемнестра ўз қизи Ифигения билан юнонлар қароргоҳига етиб келади. Бу хабарни дарҳол Агамемнонга етказишади.

Вужудини теран андуҳ қамраган Агамемнон хотини билан қизи истиқболига йўл олди. У ўзини хотиржам ва қувноқ қилиб кўрсатишга уринарди. Лекин Ифигения бир қарашдаёқ отасининг нимадандир қаттиқ хафа эканлигини пайқайди. У отасидан бу кайфият сабабини қанча суриштирмасин, Агамемнон қизига ҳеч нима айтмади. У хотини Клитемнестрага ҳам сирни очмади, фақат уни тезроқ уйга жўнаб кетишга ундай бошлади: Ифигениянинг қурбонлик учун сўйилишини хотинига сездирмоқчи эмас эди у. Ниҳоят, Агамемнон хотини билан қизини чодирда қолдириб, ўзи қоҳин Қалхас қошига жўнади: у қониндан, қизимни ўлимдан асраб қолишнинг ҳеч иложи йўқми, деб сўрамоқчи эди.

Агамемнон кетиши билан унинг чодирга уни қидириб Ахилл кириб келди. Авлидада бекор ўтириш Ахиллеснинг жонига теккан, шунинг учун, қачон Трояга юриш қиламиз, деб сўрагани келган эди у. Лекин Клитемнестра, эрини сўраб келган бу қаҳрамоннинг кимлигини билгач, Ахиллга юзланиб, у билан ўз қизининг қайлиғидек саломлашади. Ахилл бундан таажжуб қилади. Ахир у ҳеч қачон Агамемноннинг қизига оғиз солмаган эди-ку. Ахиллеснинг Ифигенияга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаганидан огоҳ бўлган Клитемнестра, йиғитга нима дейишини ҳам билмай, қаттиқ хижолат бўлади. Шу воқеа устига кириб келган чопар қул, Агамемнонни не мақсадда Ифигенияни Авлидага чақиртирганини ошқор қилишга мажбур бўлади. Бу шум хабарни эшитган Клитемнестрани даҳшат чулғайди. Демак, у қизидан жудо бўлиши керак экан. Энди у кимга сиғиниб, кимдан мадад сўрасин? У Ахилл олдида тиз чўкиб, юм-юм йиғлаганча унинг тиззаларини қучиб, оваси буюк Фетида ҳаққи, қизини муҳофаза қилишни илтижо қила бошлайди. Ахиллес Клитемнестранинг мушкул аҳволини кўриб, унга кўмаклашишга, Ифигенияни ҳимоя қилишга онтичиб, совут кийиб, қуроллангани чодирдан жадал чиқиб кетади. Бу аснода Агамемнон қайтиб келади. Шунда Клитемнестра фарзандини нубуд қилмоқчи бўлган эрига бутун ғазабини тўкиб солади.

Лекин Агамемнон хотинига нима ҳам қан деб жавоб қила оларди? Ахир у маъбуда Артемида йўлига қизини ўз ихтиёри билан қурбон қилаётгани йўқ-ку. Унинг ўзга иложи йўқ эди-да.

Бу маҳал лашкаргоҳда улкан ғулғула кўтарилади. Менга хотинликка аталган қизни худо йўлига қурбон қилишларига йўл қўймайман, деган Ахиллеснинг гапини эшитган лашкарлар уни тошбўрон

қилмоқчи бўладилар. Улар Одиссей бошчилигида Ифигения ўтирган чодирга отиладилар. Лекин Ахилл қўлида шамшир ва қалқон билан чодир олдида туриб, сўнгги томчи қони қолгунча Ифигенияни муҳофаза қилишга аҳд қилади.

Айни бу пайт қонли жанг бошлашга шайланган лашкарларни бу шум ниятдан Ифигениянинг наъраси тўхтатади:

— Низони бас қилинглар! Мен ўз ихтиёрим билан умум иши учун бўйнимни қурбонлик пичоғига тутиб беришга тайёрман. Зеро Зевснинг муаззама қизи Артемиданинг хоҳишига монелик қилишни истайман. Мени қурбонгоҳ меҳроб тепасига олиб боринглар! Токи юнон лашкарлари Трояни маҳв айлашгандан кейин, унинг харобалари мен учун мангу ёдгорлик бўлиб қолсин!

Шунингдек, у Ахиллдан ҳам, унинг ёнини олиб, ўзаро жанг бошламасликни илтимос қилди. Ахилл Ифигенияга қаттиқ ачинган бўлса ҳам, унинг амрига итоат этди; ҳолбуки, у омманинг эзгу иши учун ўз жонини қурбон қилишга қатъий аҳд қилган бу соҳибжамол қизни энди чин дилдан севиб қолган эди.

Мана, Ифигения маъбуда Артемида шаънига тикланган қурбонгоҳ томон хотиржам йўл олди. У беҳисоб лашкарлар сафи орасидан виқор ва салобат билан ўтиб бориб, қурбонгоҳ ёнида тўхтади. Агамемнон навниҳол қизнинг нобуд бўлишини ўйлаб йиғлаб юборди ва унинг жон бераётганини кўрмаслик учун бошини ридоси билан буркаб олди. Ифигения қурбонгоҳ олдида бошини адл кўтариб, хотиржам турарди. Ҳамма терап сукутга толган эди. Мана, қоҳин Қалхас қурбонлик учун ишлатиладиган пичоқни қинидан суғуриб, олтин саватга солиб қўйди. Қизнинг бошига гулчамбар кийдирдилар,— одат бўйича қурбонликка бағишланган жонивор меҳроб сари олиб борилаётганда, унга шундай гулчамбар кийдирдилар. Шу маҳал лашкарлар сафидан Ахилл чиқиб келди. У бир қўлига муқаддас сув тўлдирилган кўза, иккинчи қўлига туз аралаштирилган қурбонлик унидан бир сиқим олиб, сувни Ифигения бошидан ҳам, қурбонгоҳга ҳам шакароб қилиб себди, уни эса қизнинг бошидан сочи ва баланд овсз билан маъбуда Артемидага сиғиниб, юнон қўшнларининг Троя соҳилига бешкаст эсон омон етиб боришларида ва душман устидан вафар қозонишларида мададкор бўлишини илтижо қилди. Қалхас қўлига қурбонлик пичоғини олди. Ҳамма қимир этмай жим қолди. Қоҳин пичоқни Ифигениянинг бўғзига олиб борди. Мана, пичоқнинг дами қизнинг нафис бўйига тегди ҳам... Лекин айни шу дам буюк бир мўъжиза содир бўлди. Маъбуда Артемида Ифигенияни ўғирлаб кетган эди, унинг ўрнида меҳроб пойида Қалхаснинг пичоғи остида қурбон бўлган оҳу жон талвасасида типирчилаб, бутун қурбонгоҳни ўз қонига бўяб ётарди. Бу мўъжизадан ҳайратга келган жами қўшн бараварига қичқириб юборди. Бу ҳолдан суюниб кетган соҳибкаромат Қалхас лашкарларга юзланиб баралла деди:

— Чақмоқдор Зевснинг муаззама қизи Артемиданинг биздан талаб қилган қурбонлиги мана шу эди! Суюнинг, юнонлар! Маъбуда

бияга боди мурод йўллагай ва Троя устидан зафар қучишимизда мададкор бўлгай.

Дарҳақиқат, Артемида бахш этган оху ёғини қурбонгоҳда ҳали куйдириб улгуришмасданоқ шамолнинг йўналиши ўзгариб, лашкарлар учун хайрли шамол уфурди. Юнонлар пошилинч равишда узоқ сафарга отлана бошладилар. Лашкаргоҳда шодиена ҳукм сураб эди. Агамемнон ҳам дарҳол ўз чодирига бориб хотини Клитеместрага юз берган мўъжизани баён қилди ва уни тезда Микенага қайтишга ундади.

Энди гапни маъбуда Артемидадан эшитинг. У қурбонгоҳдан Ифигенияни ўғирлаб, олис Тавридага олиб бориб қўйди. У ерда соҳибжамол Ифигения маъбуданинг қоҳинасига айланди.

## 10. ФИЛОКТЕТ

Юнонларнинг Трояга сафари хотиржам ўтди. Боди мурод тинмай эсиб турди. Кемалар денгиз тўшини тилиб, елдек учиб борардилар. Ана, Лемнос оролининг соҳили ҳам кўзга ташлана бошлади. Шу яқин ўртада овлоқ Хриса ороли бўлиши керак. Ушал оролнинг пуштипановҳи санам Хрисага атаб бу ерда бир вақтлар қурбонгоҳ қурилган эдики, юнонлар мазкур қурбонгоҳни топиб, санам ҳаққига у ерда қон чиқаришлари лозим эди. Зеро қоҳинларнинг башорат қилишича, юнонлар Хриса оролида тўхтаб, у ерда қурбонликка жонлиқ сўйишган тақдирдагина Троя шаҳрини маҳв эта оларканлар. Троя сафарига чиққан юнонлар орасида ўшал қурбонгоҳ жойлашган ерни фақат бир киши — Ҳераклнинг содиқ дўсти Филоктет биларди. У қурбонгоҳни кўрсатишга рози бўлди. Саркардалар унинг орқасидан эргашдилар. Орол кимсасиз ҳувиллаб ётарди. Унинг ҳамма ёғини чакалзор қоплаган эди. Мана, ниҳоят, лашкарбошилар ярим харобага айланган қурбонгоҳни кўриб, унга яқин бордилар. Шу чоқ бирдан буталар орасидан бир илон ўрмалаб чиқиб, Филоктетнинг оёғини чақиб олди. Филоктет додлаб юбориб ерга «гурс» йиқилди. Ҳамма унинг тепасига ёрдамга югуриб борди, лекин улар кечиккан эдилар. Илоннинг захри Филоктетнинг баданига тарқалиб бўлган эди. Жароҳат чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ оғрий бошлади, ундан тинимсиз йпринг оқарди. Бахтиқаро Филоктетнинг оху войлари кечаю кундуз юнонларнинг тинчини бузарди. Лашкарлар орасида норозилик бошланди. Филоктет жароҳатининг бадбўй ҳиди бутун оролни тутган эди. Ниҳоят, саркардалар Лемнос ороли ёнидан сузиб ўтишаётганда, ухлаб ётган Филоктетни, Одиссейнинг маслаҳатига кўра, орол соҳилига олиб чиқиб, қоялар орасига ётқизишиб, ёнига камони ва ўқларини, шупингдек, кийим-бош ва озуқа қўйиб қўйишди. Юнонлар бу қаҳрамонни шу алпозда кимсасиз соҳилга ташлаб кетдилар, қолбуки, унинг ўқларисиз Трояни забт этиб бўлмаслиги тақдири азалда ёзилган эди. Филоктет бу бўм-бўш соҳилда тўққиз йил азоб-уқубатда яшайди. Лекия ҳали шундай пайт келадики, юнонларнинг ўзи унга одам юбориб, ундан мадад сўрашга мажбур бўладилар. Бу Троя қамалинини ўзинчи йилида юз берад.

## 11. ТРОЯ ҚАМАЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУҒҚИЗ ЙИЛИ

Мана, ниҳоят юнонлар Троя соҳилига ҳам етиб келдилар. Улар узоқ давом этган сафарнинг ниҳоят тугаганидан ғоятда мамнун эдилар. Бироқ улар соҳилга яқин бориб, бу ерда Ҳектор бошчилигидаги трояликларнинг қудратли қўшинини кўрдилар. Қўшин келган ёвни жанг билан кутиб олишга шай турарди. Қандай қилиб соҳилга яқин бориб, кемалардан тушиш мумкин? Биринчи бўлиб соҳилга қадам қўйган одам ҳалок бўлишини ҳамма юнонлар биларди. Шу боисдан улар соҳилга тушолмай тараддудда турардилар. Мана шунда, қув Одиссей лашкарни ўз орқасидан эргаштириш, аммо айна пайтда, ўзи ўлмай қолишнинг иложини топиб, соҳилга ўз қалқонини ташлади ва чаққонлик билан шу қалқон устига сакраб тушди. Юнонлар орасида Протесилай исмли навқирон, жасоратга ташна бир қахрамон йигит бор эди. У Одиссейнинг соҳилга биринчи бўлиб сакраб тушганини кўриб, юнонлардан бир киши Троя соҳилига оёқ қўйди, деб ўйлади ва кемадан сакраб тушиб, қиличини яланғочлаганча душман томонга отилди. Лекин шу пайт Ҳектор салмоқдор найзасини қулочкашлаб отиб, навқирон йигитни маҳв этди. Биринчи бўлиб Троя соҳилини ўз қони билан ювган юнон шу Протесилай бўлди, шунда юнонлар кемалардан сакраб тушишиб, душман устига бостириб бордилар. Мудҳиш жанг қизиб кетди, трояликлар ларзага келишди ва орқага чекиниб, Троя қалъаси ичига яшириниб олишди.

Эртаси куни ҳалок бўлган лашкарни жанг майдонидан йиғиб олиб дафн қилиш учун юнонлар билан трояликлар ўртасида вақтинчалик сулҳ тузилди.

Юнонлар дафн маросимини ўтказиб бўлиб, ўзлари учун қароргоҳ тиклашга киришдилар. Улар кемаларни сувдан чиқариб, соҳил бўйлаб қатор қилиб тиздилар. Сўнг ўз қароргоҳларининг Троя томинини узундан-узун юксак девор ва теран зовур билан муҳофаза қилдилар. Қароргоҳнинг қоқ ўртасида барча юнон лашкарларига олий саркарда этиб сайланган шоҳ Агамемноннинг муҳташам чодир қад кўтарди. Бу чодир олдида жамоа йиғинларини ўтказадиган кенг майдон бор эди.

Қароргоҳ тайёр бўлганидан кейин юнонлар музокара олиб бориш учун Трояга Менелай билан ҳийлагар Одиссейни элчи сифатида юбордилар. Юнон элчиларини донишманд Антенор ўз қасрида қабул қилиб, улар шарафига катта зиёфат берди. Антенор сулҳ тузиш ва Менелайга унинг хотини Еленани бутун мол-дунёси билан қўшиб қайтариб бериш тарафдори эди. Шоҳ Приам элчилар келганидан хабар топиб, бутун шаҳар аҳлини улкан маъракага тўплади. Бул йиғинга Менелай билан Одиссей ҳам қатнашдилар. Улар Троя халқига мурожаат қилиб, Еленани ва у билан бирга ўғирлаб келинган беҳисоб хазинани қайтариб беришни талаб қилдилар. Троя халқи элчилар талабини қондиришга розилик билдирди. Бундан ташқари соҳибжамол Еленанинг ўзи ҳам ўз қилмишидан пушаймон бўла бошлаган эди. Антенор ҳам халққа юзланиб, Менелайнинг талабини қондириш ке-

раклиги ҳақида гап уқдира бошлади. Зеро у трояликлар билан юнонлар ўртасида бўладиган қирғин халқ бошига қандай офат солишини яхши тасаввур қилаётган эди.

Аммо шоҳ Приамнинг ўғиллари, биринчи навбатда Парис, юнонлар билан сулҳ тузишни истамадилар. Парис халқ қарорига итоат этишдан бош тортди, ака-укалари эса, уни қўллаб-қувватладилар. Жамоа қандай қарорга келишни билмай тарадудда қолди.

Шу чоқ Троя элининг башоратчиси Приамзода Ҳелен ўртага чиқди ва «Тангрилар бизга мадад бермоқчилар, бинобарин, юнонлар билан бўладиган урушдан қўрқманглар!» деб айтди.

Халқ Ҳеленнинг башоратига ишонди. Шундан кейин бутун халқ Менелайнинг талабини қондиришдан воз кечди. Шундай қилиб, юнон элчилари Троядан қуруқ қайтдилар. Энди трояликлар билан юнонлар ўртасида энг мудҳиш қонли уруш бошланиши муқаррар эди.

Троя аҳли ўзининг метин деворли шаҳрига кириб яшириди, ҳаттоки паҳлавон Ҳектор ҳам шаҳардан чиқишга журъат эта олмади. Юнонлар эса Трояни қамал қила бошладилар. Улар шаҳарга уч марта кетма-кет ҳужум қилдилар, лекин шаҳарни забт этиш мумкин бўлмади. Шунда юнонлар Троя агрофидаги шаҳар ва қишлоқларни ғорат қилишга ва Троя билан иттифоқдош бўлган шаҳарларни забт этишга киришдилар. Бу жангларда Ахиллес улкан жасорат кўрсатди. Кунларнинг бирида у Фива шаҳрида беназир ўлжани қўлга киритди. У Аполлоннинг қоҳини бўлмиш Хриснинг гўзал қизини ҳамда Бриснинг соҳибжамол қизини асирга олди. Ўлжаларни бўлашиш пайтида Хрис қизи шоҳ Агамемнонга тортиқ қилинди. Брис қизини эса Ахилл ўзига олиб қолди.

Тўққиз йиллик уруш мобайнида Троя аҳли кўп машаққатларни бошидан кечирди. Жуда кўп мард ўғлонларига аза тутди. Лекин урушнинг энг мусибатли охириги ўнинчи йили ҳали олдинда эди. Ҳали энг мудҳиш фалокат — Троя ҳалокати бор эди.

Юнонлар ҳам тўққиз йил мобайнида кўп қийинчиликларга дуч келдилар. Кўндан-кўп азамат қаҳрамонлар жангларда ҳалок бўлишди. Улар қатори донишманд Паламед ҳам побуд бўлди. Бироқ у душман қўлида эмас, ўз ёр-биродарлари томонидан ўлдирилди.

Паламед юнонларга оқилона маслаҳатлар берар, жуда кўп мартаба улкан хизматлар кўрсатган эди. Ярадорларнинг жароҳатларини ва беморларни доривор гиёҳлар билан даволарди.

Хуллас, юнонлар қаҳрамон Паламедни иззат қилишар ва унинг маслаҳатларига бажонудил қулоқ осинар эди. Шу боисдан Одиссейнинг унга ғайирлиги келарди. Бундан ташқари, Одиссей урушга бормаслик учун ўзини жинни қилиб кўрсатиб, найранг ишлатганида, айнан шу Паламед унинг найрангини фош қилган эдики, буни Одиссей ҳанузгача кўнглига тугиб юрар эди: мана шу сабаблар Одиссейнинг Паламедга бўлган ғаразини янаям оширди. Одиссей кўп вақтгача қандай қилиб Паламедни нобуд қилиш тўғрисида ўйлаб юрди. Ниҳоят, Паламеднинг, урушни тарк этиб, уй-уйимизга кетайлик, деб

юнонларга берган маслаҳати Одиссейнинг эсига тушиб, маккорона бир режа ўйлаб чиқди. У кечаси Паламеднинг чодирига бир қоп олтив яшириб қўйди ва «Паламеднинг Трояни қамал қилишдан воз кечишга ундаётгани бежиз эмас, у Приамга сотилган, шунинг учун бизга бундай маслаҳат беришти», деб ҳаммага ўз фикрини уқдира бошлади. Аксар лашкарлар Одиссейнинг бу ифвосига лаққа ишондилар. Лекин Одиссей шунинг ўзи билан чекланиб қолмади. У ўзи Приам тилидан қилиб Паламед номига мактуб ёзди. Бу мактубда юнонларни ўз ваташларига қайтиб кетишга унатаётгани эвазига Приам томонидан Паламедга юборилган олтин ҳақида гап борар эди. Одиссей бу мактубни фригиялик бир асирга тутқазиб, уни Приамга элтиб беришга буюрди. Лекин у асир юнонлар қароргоҳидан чиқиши билан Одиссейнинг одамлари унга ташланиб ўлдирдилар ва ёнидан чиққан мактубни ўз соҳиблари Одиссейга олиб келиб бердилар. Одиссей бу мактубни олиб, дарҳол Агамемноннинг қошига равона бўлди. Бу хабардан огоҳ бўлган Агамемнон зудлик билан барча саркардаларни ўз чодирига кенгашга чақирди. Барча гапдан гофил Паламед ҳам бу ерга чақиртирилди. Одиссей шу ерда, кўпчилик олдида Паламедни хоинликда айблади. Паламед хоинлик қилишни хаёлига ҳам келтирмагани ҳақида қанча гапирмасин, ҳеч ким унинг гапларига қулоқ солмади. Одиссей бу билан ҳам чекланмади. У Паламеднинг хоинлигини исботлаш учун унинг чодирига тинтув ўтказишни таклиф қилди. Агамемноннинг фармони билан Паламеднинг чодирига юборилган одамлар, у ердан ҳақиқатан ҳам бир қоп олтин тошиб олдилар. Энди Паламеднинг сотқин эканлигига ҳеч кимда заррача шубҳа қолмаган эди. Уни тошбўрон қилиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Шўрлик бегуноҳ Паламедни занжирбанд этиб, денгиз соҳилига бошлаб келдилар. Бечора Паламед, менда гуноҳ йўқ, бундай шармандаларча қатл этманглар мени, деб юнонларга қанча ялиниб-ёлбормасин, ҳеч ким унинг ноласига парво қилмади.

Мана, мудҳиш қатл бошланди. Бироқ қотиллар Паламеднинг оғзидан на бир инграган, на бир ёлборган садо эшитдилар. Фақат жон бериш олдидан у оҳиста пичирлаб:

— О, ҳақиқат, шўринг қурсин, сен мандан олдин нобуд бўлган экансан!— дея олди, холос.

Юнон қаҳрамонлари орасида энг олижаноб, энг донишманд зот бўлган Паламед шундай деб оламдан кўз юмди.

Кейинчалик юнонлар бу адолатсиз қотилликлари учун ҳали жуда каттиқ изтироб чекадилар. Паламеднинг отаси — Эвбея шоҳи Навплий улардан интиқом олади.

Мана, Троянинг юнонлар томонидан қамал қилинганига тўққиз йил тўлиб, ўнинчи йилга кетди.

«Илиада»да баён қилинган воқеалар шу ўнинчи йилга мансубдир.



# ИЛИАДА

---

(Троя жангномаси)

# БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

## ЎЛАТ, ҒАЗАБ

О, маъбуда,\* Пелей ўғли Ахиллеснинг ғазабин мадҳ эт,  
Ул ғазабки, юнонларни қон қақшатиб қирди пашпадай,  
Сон-саноқсиз паҳлавонлар жонин йўллаб Аид қаърига,  
Жасадларин отди қонхўр иту оч қузғунларга.

5. Бошланганди бу мусибат — тангри Зевс хоҳиши ила  
Халқ чўбони\* Агамемнон ва серҳиммат, мард Ахиллеснинг  
Орасида ўшал илк бор низо чиққан даҳшатли кундан.

- Қайси тангри солибдийкин бу низони икки ўртага?  
Чақмоқдор Зевс ва Летанинг ўғли — Феб. У Агамемнондан
10. Қаттиқ ранжиб, қўшин ичра пуркаганди ўлат уруғин  
Ки Атрейзод Аполлоннинг қоҳинини этганди таҳқир.  
Ғап шундаки, оққўнгил чол — қоҳин Хрис асира қизин  
Халос этмоқ бўлиб, юнон кемалари бандаргоҳига  
Талай совға-салом ила келган эди бошин этиб хам.
15. У қўлига ушлаб Фебнинг лаъл боғичли олтин асосия\*,  
Елборгади юнонларга ва айниқса, Атрейонларга:  
«О, Атрейнинг ўғиллари, о, басавлат ахей мардлари!  
Мадад берсин Олимп тоғин маскан этган тангрилар сизга;  
Приам шаҳри — Трояни айлаб ғорат, ўз юртингизга
20. Қайтиб боринг эсон-омон: Зевс ўғли Фебни шарафлаб  
Эвазига тўлов олинг ва қайтариб беринг қизимни».

- Жами қўшин кекса қоҳин илтимосин инобат айлаб,  
Бир овоздан ҳайқирдилар\* тортиқларни қабул этмоққа.  
Фақат подшо\* Агамемнон хуш кўрмади бундай қарорни:
25. Такаббуру ғазаб ила мўйсафидга қилди дағдаға:  
«Иккинчи мен дийдорингни бу соҳилда кўрмайин, ай чол!  
Қадамингни қўя кўрма биз томонга бундан кейин ҳеч!  
Йўқса, сени қутқаролмас на асою на Феб боғичи.\*  
Эрк бермайман мен қизингга: у элидан, сендан йироқда —
30. Аргосдаги уйимда, то қариб-чириб кампир бўлгунча  
Чарх йигирур, ё мен билан бир тўшақда ётур, хоҳласам.  
Жаҳлим чиқмай кўз олдимдан даф бўл, агар жон ширин бўлса!»

\* Белгиси қўйилган сўзларга дostonда учраш тартиби бўйича китоб охирида изоҳ берилган. (Ред.)

- Шўрлик қоҳин Агамемнон таҳдидидан дағ-дағ қалтираб,  
Тентиб кетди кўпик сочиб, наъра тортган уммон ёқалаб.
35. Юрак-бағри хун бўлган чол кемалардан узоқлашаркан,  
Сумбул сочли Лета ўғли Аполлонга қилди илтижо:  
«О, муқаддас Килла элин, Хрисанинг пушти паноҳи,  
Тепедоснинг саодатли шоҳи — кумушкамон Сминфей!  
Гар рост бўлса ул саждагоҳ меҳробларинг безаганларим
40. Ва пойингга жонлиқларни тоғ-тоғ уйиб қурбон қилганим,  
Ягона бир илтимосим тинглагилу айлагил бажо:  
Кўз ёшим-чун камонингдан ўқ от, ўч ол аргосликлардан!»\*

- Шундай дея Аполлонга ёлборди у. Мана, чўнг мерган\*
- Қулок осиб чол зорига, ғазаб ила илди елкага
45. Камоний тирдонини ва Олимпдан туша кетди тез,  
Ҳар бир одим отишида шарақларди тирдонидаги  
Патли ўқлар\*, гўё тоғдан Аполлонмас, балки симсиёҳ,  
Зулмат босиб келар эди. У кемалар рўбарўсига  
Ўтирдию камон тортди — виз-виз учди қанотли ўқлар.
50. Даставвал у саёқ итлар, хачирларни қийратди, сўнгра  
Одамларнинг бошларига соча кетди ажал уруғин;  
Оқибатда, ҳамма ёқда лов-лов ёнди дафн гулхани\*.  
Бир кам ўн кун тири худо лашкарларни қийратди роса;  
Лек ўнинчи куни Ахилл халойиқни йиғди кенгашга.
55. Буни унинг юрагига сармаъбуда Ҳера солганди  
Ки у кўриб ахейларнинг қирилишин ранжиганди кўп.  
Халқ тўпланди лашкаргоҳга. Чаққоноёқ Ахиллес шунда  
Шахт ўрнидан туриб, айтди жамоага ўз дилидагин:  
«Назаримда, Агамемнон, денгиз оша ўз элимизга
60. Қуруқ қайтсак керак дейман, гар ажалга чап бера олсак:  
Зеро уруш ҳамда ўлат маҳв этмоқда аҳли юнонни.  
Лекки, дўстлар, аввал бирон қоҳин ёки соҳибкаромат  
Ё тушларни таъбирловчи сўзлаб берса (туш ҳам Зевсдан-ку):  
Не боисдан экан Фебнинг бизга қаҳри? Ё қурбонликка
65. Юзта тана\* атаб, кейин унутдикми? Ё мудҳиш ўлат  
Чангалидан бизни халос этмоқ учун тангри Аполлон  
Истармикин қўй, эчкилар хушбўй ёгин ёндирмоғимиз?\*

- Сўзлаб бўлиб ўтирди у. Шундан кейин чиқди ўртага  
Қушлар билан фол очишда тенги йўқ зот, донишманд Қалхас.
70. Воқиф эди у ўтмишдан, мавжуд кундан ва келажакдан,  
Юнонларни Аполлоннинг паноҳида денгизлар оша  
Илионга бошлаб келган ҳам шу соҳибкаромат эди.  
Ана, Қалхас эзгу ният ила сўзга киришди шу чоғ:  
«Шоҳ Ахиллес! Тангри Зевснинг эрка қули, сўзлаб берайми
75. Аполлоннинг не сабабдан бизга бунча ғазаб қилишин?  
Ҳай, таъбирлаб берай, эшит. Вале сен ҳам тилинг ва қўлинг

Ила мени муҳофаза қилмоққа сўз бермоғинг лозим.  
Зероки, мен соҳибқирон лашкарбоши Агамемноннинг  
Бу сўзим-ла, аччиғини келтираман дея қўрқаман.

80. У қудратли, унинг қаҳрин келтирганнинг аҳволига вой;  
Гар у жаҳлин чиққанини шу заҳоти сездирмаса ҳам,  
Юрагига тугиб юрар адоватин қасд олмагунча.  
Хўш, ёнимни оласанми?— аврал ўйлаб, сўнг айла жавоб».

- Саховатли Ахилл дарҳол жавоб қилди фолбин Калхасга:
85. «Дадил сўзла башоратинг, қай даража мудҳиш бўлса ҳам!  
Сенки Фебга сажда қилиб, бераркансан ғойибдан хабар,  
Мен ҳам тангри Аполлонни тилга олиб, оит ичай сенга!  
Кўзимда нур, қалбимда қўр, томримда қон бор экан, сенга  
Биропта зот таҳдид қилиб, қўл кўтармас бу лашкаргоҳда;
90. Ҳаттоки у — мазкур дамда жами юнон аскарларининг  
Саркардаси мутакаббир Агамемнон бўлганида ҳам».

- Бу гап маъсум авлиёга далда бўлиб, сўз бошлади у:  
«Қурбонликка юзта тана сўйилмаган учун эмас, йўқ,  
Балки қоҳин Хрисни сен — Агамемнон, ранжитганинг-чун
95. Дарғазабдир чўнг мерган Феб; рад этгансан чол илтимосин;  
Шуниг учун у лашкарни қийратмоқда, яна қийратур;  
О, халойиқ, тангри биздан шафқатини дари: тутмасин  
Ва даф эгин ёгаётган офатларни, десангиз агар,  
Шахло кўзли Хрис қизин қайтиб беринг холисанилло,
100. Ҳам қурбонлик қилинг, сўйиб юз танани худо йўлига».

- Калхас нутқи тугагандан кейин ботир шоҳ Агамемнон  
Ғазаб ила сапчиб турди. Юрагини қамраб адоват  
Урар эди алп кўксига. Ут чақнарди унинг кўзига.  
Даставвал у заҳрин сочди ўқрайганча маъсум Калхасга:
105. «Бадҳоқ фолбин, қачон сен ҳам эзгу сўз-ла кўнглим хушлайсан?  
Токай андуҳ улашасан шум хабарлар уруғин сочиб?  
Шу чоққача айтмадинг ҳеч икки оғиз илиқ сўз бизга,  
Энди бўлса, жамоага Феб каломин этиясан баён:  
Гўёки, мен қоҳин чолнинг гўзал қизи учун келтирган
110. Кўп антиқа тортиқларин рад этганим учун, Аполлон  
Пуркаётган эмиш ўлат халойиққа. Лекин қора кўз  
Моҳитобон юрагимдан урган бўлса, нима қил дейсан?  
Афзалроқдир у кўз очиб кўрган завжам — Клитемнестрадан.  
Қоҳин қизи қадду қомат, назокат ва ақл бобида
115. Хотинимдан ортиқ бўлса — ортиқдирким, асло кам эмас!  
Вале агар нафи бўлса, қайтаришга розиман уни,  
Зеро мен халқ ҳаловатин ўйлайдурман, ҳалокатинмас.  
Ҳай, розиман. Аммо менга дарҳол бошқа қиз топгайсизлар.  
Кўряпсиз-ку, мен ўлжамдан ажраяпман; уятдир, ахир
120. Шунча одам орасида мендек зотнинг қизсиз қолмоғи?»

Чаққоноёқ Ахиллес ҳам унга шу чоғ айлади жавоб:  
«О, шавкатли подшо, мардлар орасида энг ғаразгўй зот!  
Қандай топсин ундай муздни саховатли юнонлар сенга?  
Биласанки, ҳеч бир ерда ғамлаб қўйган бойлигимиз йўқ.

125. Неки ўлжа олган бўлсак забт этилган қалъалардан биз,  
Бўлашганмиз. Энди қайта тортиб олсак — бўлмасми уят?  
Яхшиси, сен ўз ўлжангни қайтариб бер худо йўлига.  
Кейин, гар Зевс мадад берса метиндевор Троя шаҳрин  
Забт этмоққа, улушингни уч-тўрт ҳисса қилиб олгайсан».

Ахиллесга соҳибқирон Агамемнон жавоб айлади:

130. О, диловар Ахиллес, сен маъбудсифат бўлсанг ҳам гарчи,  
Муғомбирлик қилма, мени на ўзингга оғдиrolасан,  
На панд бериб, лол қўясан. Истайсанки, Хрис қизини  
Отасига тошпирсаму қолаверсам ўзим шўшпайиб?
135. Хўп, розиман, лек ахейлар фазилатда, кўнгили хушлиқда  
Бу ўлжамдан кам бўлмаган дилбар топиб берсинлар менга.  
Агар бунга кўнмасалар, унда ўзим ё Одиссейнинг,  
Ё Аякснинг, ёки сенинг маъшуқангни тортиб олурман;  
Бас, кимнингки чодирига кирсам, унинг қуригай шўри!
140. Лек бу ҳақда биз бафуржа гаплашсак ҳам бўлаверади.  
Ҳозир эса туширайлик шўх денгизга қора кемани,  
Ҳекатомба\* ортиб унга, қирмизчеҳра Хрис қизин ҳам  
Ўтқазайлик. Билаги зўр эшкәкчилар танлаб, кемага —  
Заковатли ва донишманд юнонлардан Идоменейми,
145. Одиссейми, ё Аяксни ва ё сени, эй дарғазаб эр,  
Сарвар этиб тайинлайлик! Токи тангри бу эҳсонларни  
Кўриб кўнгли юмшасину шафқат қилсин биз юнонларга!»

Жавоб қилди Пелейзода ўқрайганча Агамемнонга:

- «Ҳаёсиялик либосини кийган, маккор, музднараст подшо!  
150. Юнонлардан бирон зот ҳам рози бўлмас бул истагинга,  
Яъни ҳеч ким сафарга ҳам отлапмагай, душман билан ҳам  
Мардонавор жанг қилмагай сенинг учун майдони ҳарбда!  
Қани, айт-чи: ўзим учун келибманми бу даргоҳга мен?  
Йўқ, Троя ўғлонлари ҳеч ёмонлик қилмаган менга.
155. Улар менинг уюрларим, подаларим ҳайдаб кетмаган,  
Саодатли Фтиямда экинзорим поймол этмаган:  
Боз устига, орамизда юксак тоғлар қад кўтаргану  
Жўшқин денгиз ястангандир. Йўқ, биз сенинг ва Менелайнинг  
Номусини муҳофаза қилмоқ учун келганмиз, безбет
160. Ва лекин сен итбашара,\* қадримизга, етмайсан ҳеч;  
Бу ҳам камдек, яна менинг муздимни ҳам тортиб олмоққа  
Қўл чўзясан, лек юнонлар уни менга жангда кўрсатган  
Мардлигим-чун туҳфа қилган эдилар-ку. Инсофинг борми?  
Лашкаримиз Троянинг бирон шаҳрин қилганда ғорат,\*

165. Ҳеч сенчалик улкан ҳисса олмаганман. Жангу жадалда  
 Гарчи жами оғирлиқлар тушса ҳамки менинг елкамга.  
 Тақсимотга келганда гал, доимо энг ёғлиқ улушни  
 Сен оласан, ҳолбуки мен насибамга қаноат қилиб,  
 170. Бундан кўра, елдек учқур кемаларда ўз Фтиямга  
 Кетганим соз, беобрў қилмоқдасан мени ҳар лаҳза,  
 Энди сенинг хазинагни тўлдирмоқни истамам зинҳор!»

- Дарҳол жавоб қилди унга Агамемнон — мардлар султони:  
 «Гар ниятинг қочмоқ бўлса, хўп, қочавер, ёлбормам, қол деб,  
 175. Ўзга мардлар қолур; шулар ва Зевс менга бергайлар мадад  
 Ва лекин сен шоҳлар аро мен учун энг манфур подшосан!  
 Сенга фақат адовату нифоқу жанг бўлса кифоя.  
 Рост, «довюрак» деб доврўғинг кетган элга, лек довьораклик  
 Парвардигор инояти. Хўп, майли, сен лашкарингни ол,  
 180. Кемага туш ва юртингга бориб, давронингни сур!  
 Кетганингдан қайгурмайман! қаҳрингдан, ҳам кўрқмайман асло.  
 Билъакс, ўзим сенинг додинг бергум; ҳозир Хрис қизини  
 Йигитларим кемада Феб даргоҳига элтиб қўюрлар;  
 Ундан кейин ўзим бориб чодирингга, сенинг муздингни  
 185. Ўзим олиб чиқиб кетгум, токи мен-ла тенг эмаслигинг  
 Хўп яхшилаб билиб қўйгин, токи ҳар бир ювон фарзанди  
 Мендек зот-ла баҳслашмоқдан, тенглашмоқдан ҳайиқиб турсин!»

- Деди у, — ва ғамга толди Пелейзода: бу зотнинг ёлдор  
 Тўшидаги жўшқин қалбин забт этганди икки оғир ўй:  
 190. Не қилсин у — шамширини суғирсину Агамемнонни  
 Шафқат туймай ўлдирсинми, ёки сиёҳ бўлган қалбига  
 Таскин бериб, теран қаҳрин юмшатсинми бу маъракада?  
 Бу ўйлардан ақли шошиб, асаб тори таранг тортилиб,  
 Суғурмоқчи бўлганда у филофидин мудҳиш шамширин,  
 195. Афинея ерга инди. — Юборганди оқбиллак Ҳера,  
 Зероки у бирдек севиб, паноҳида бирдек асарди  
 Агамемнон билан ботир Ахиллесни; гўзал Афина  
 Ортда туриб, Ахилл сочин астагина силъай бошлади,  
 У сесканиб, шахт бурилди ва таниди Эгнох қизин;  
 200. Валекин у кўринмасди ҳеч кимсага Ахиллдан ўзга.  
 Кўзларида мудҳиш оташ ёнаётган Афинеяга  
 Баландпарвоз сўзлар билан бир гап айтди у марди майдон:  
 «О, Зевс қизи, не мақсадда бунда тушдинг Олимп тоғидан?  
 Атрей ўғлин бешармлигин ўз кўзинг-ла кўрмоқчимисан?  
 Гапим эшит, айтганларим оз фўрсатда юзага чиқур:  
 Такабурлик бошин ейди бу беҳаё осий банданинг!»

- Зевснинг шахло кўзли қизи жавоб қилди Пелей ўғлига:  
«Иккингини бирдек севиб, паноҳида бирдек асровчи  
Олтин тахтли Ҳера мени ҳузурингга юборди; агар
210. Маъбудларга қулоқ осанг, таскин бермоқ эрур ниятим,  
Низони тарк эт, Ахиллес ҳовурингдан тушмоқ учун сен  
Майли, сўкин тўйиб-тўйиб, лекин қўлинг урма шамширга.  
Башоратим тингла: тезда шу қилинган ранж эвазига  
Уч ҳисса кўп туҳфа тортиқ этажаклар: бу можарога
215. Чек қўй, тан бер тақдирга сен, итоатгүй бўл боқийларга».
- Пелей ўғли Ахилл яна илоҳага юзланди шунда:  
«О, Зевс қизи, ғазаб қалбим ўртаётган бўлса ҳам гарчи,  
Тангриларга итоаткор бўлгум, чунки агар уларга  
Бўйин эгсам, тангрилар ҳам қулоқ осур менинг зоримга».
220. Афинанинг сўзи билан Ахиллес ўз кумушбанд шопин  
Ғилофига солиб қўйди; сўнг маъбуда парвоз айлади  
Олимпдаги маъбудларнинг ул серзие издиҳомига.  
Ахилл эса, ғазабининг жиловини яна бўш қўйиб,  
Атрей ўғлини ерга уриб, бадном қилиб, таҳқирлай кетди:
225. «Итбашара, кийикюрак,\* бадкор махлуқ, бадбахт шаробхўр!  
Сен жанггоҳда бирон марта саркардалик қилмадинг, баттол  
Ва довиюрак йигитлар-ла пистирмада ётмадинг ҳатто:  
Чунки мумкин ҳалок бўлмоқ ундай ерда — сенга жон ширин,  
Ундан кўра, лашкаргоҳда юриб, амринг бажо қилмаган
230. Ахейларнинг муздин тортиб олмоқ юз бор осондир сенга,  
Номард подшо халқ офати! Номардларга муносиб шоҳсан,—  
Йўқса, бугун сўнги марта дилозорлик қилган бўлардинг!  
Онт ичаман: илдизини тоғ бошида мангу қолдирган  
Шу туфайли энди барг ҳам, новдалар ҳам чиқаролмовчи
235. Бинобарин аёзпи ҳам менсимовчи, пўстлоқларини  
Ўткир пичоқ шилиб, ажиб жило берган ва эндиликда  
Адолатли ҳакамларнинг қўлларида Зевс қонунларин  
Муҳофаза этаётган шу салтанат ҳассаси ила  
Онт ичаман\*, Агамемнон, шу жамоа шоҳидлигида:
240. Вақт келади, аҳли юнон эъвозлагай Ахиллни мақтаб;  
Аммо, сен-чи? Гарчи қалбинг ачишса ҳам, қаттол Ҳекторнинг  
Зарбасидан ер тишлаган данайларга ёрдам бермоққа  
Қурбинг етмас; ана шунда, энг довиюрак юнон ўғлини  
Ноҳақ бадном этганингдин дилинг ранжиб, пушмон бўлурсан».
245. Дея Ахилл олтин михлар қадалган ул залвар асони  
Ерга отди ва подшолар даврасига бориб ўтирди.  
Қаршисида ўтирарди Агамемнон қайнаб ғазаби;  
Шунда турди ширинсухан ажиб воиз — пилослик Нестор:  
Унинг ҳар бир айтган сўзи болдек тотли эди барчага,
250. Бу чол билан ҳам замондош, ҳам ватандош бўлган авлоднинг

- Икки пушти ўлиб кетган; у учинчи авлодга энди  
 Хукмронлик қилар эди, умри бўлиб пири бадавлат,  
 Шу покният нуроний чол жамоага қилди воизлик:  
 «О, тангрилар! Мушкул савдо тушмоқдадир эллар бошига!  
 255. Ёру дўстлар! Гар Приам ёки унинг авлод-аждоди  
 Сизнинг, яъни юнон аҳли ўртасида ҳам маъракада  
 Ва ҳам жангда пешвоз бўлган икки алпнинг, — можаролашиб  
 Қолганингиз эшитсалар, турган гапни, бўлурлар хурсанд,  
 Огир бўлинг, паҳлавонлар! Иккингиз ҳам ёшдурсиз мендан:  
 260. Учратганман мен авваллар сизлардан ҳам зўрроқ зотларни;  
 Улар билан мен дўстона ва самимий суҳбат қурганман.  
 Йўқ, кўрмадим ва кўрмасман энди ундай жавонмардларни.\*  
 Пирифой ва халқ сардори Дриасдек саркардаларни,  
 Ё Эскадий, полвон Кеней, маъбудсифат Полифемлардек  
 265. Ва ё Тесей каби тангримонандларни учратмам асло!  
 Улар замин ўғлонларин доврўгини элга таратган  
 Паҳлавонлар эди! Зеро маҳобатли тоғ хилқатларин\*  
 Ер-ла яқсон қилгандилар гоят мудҳиш жангу жадалда!  
 Мен Пилосдан жўнаб, улар ҳузурида бўлганман меҳмон,  
 270. Ки ўзлари дўстлашмоқ-чун таклиф этган эдилар мени.  
 Мен ҳам бир оз улар билан беллашганман ва лекин ҳозир  
 Ер юзида мавжуд бўлган полвонлардан кимнинг юраги  
 Дов берарди беллашувга ундай мудҳиш махлуқлар билан?  
 Айтганимга юрар эди ҳатто ўшал паҳлавонлар ҳам.  
 275. Бинобарин, сиз ҳам тингланг ўгитларим — наф қўпдир бунда.  
 Сен, Атрейон, бўлсанг ҳамки соҳибқирон, Брис қизини  
 Тинч қўй. Чунки ул хушрухсор Ахиллеса тортиқ этилган.  
 Сен ҳам, Ахилл подшо ила ўчакишма: Зевс ардоқлаган  
 Шоҳлар ичра бўлмаган ҳеч мўътабар зот Агамемнондек.  
 280. Бўлсанг ҳамки энг қудратли, бўлса ҳамки онанг маъбуда,  
 Бу даргоҳда беқиёс куч соҳиби — шу Агамемнондир.  
 Ҳоврингдан туш, Агамемнон, сен ҳам қулоқ ос каломимга,  
 Ахиллесни хафа қилма; бу баттарин уруш пайтида  
 Юнонларга шул паҳлавон бўлур руки, яккаш мададкор».
285. Мардлар шоҳи Агамемнон дарҳол чолга айлади жавоб:  
 «О, қария, адолатли, оқилона гаплар гапирдинг;  
 Лекин билсанг бу одамзот ҳаммамиздан баланд келмоқчи,  
 Бутун халққа бош бўлмоқчи, лашкарларга эса саркарда  
 Хуллас, ҳукмин ўтказмоқчи; анойи йўқ бўй ёгадурган!  
 290. Ёки мени таҳқирламоқ учунгина бундай доврўрак  
 Қилиб ёруғ жаҳон узра яратганми худолар уни?»

Ғазаб ила унинг сўзин бўлиб деди ҳимматли Ахилл:  
 «Сенинг барча гапларингга гар «гинг» демай этсам итоат,  
 Менга «қўрқоқ», «олчоқ» дея одилона от қўйишарди.



295. Мутеликни ўзгалардан талаб эт, ҳей, мутакаббир зот,  
 Сен соҳиблик қилма менга: энди асло этмам итоат!  
 Сенга бошқа гап айтаман, қулоғингга қуйиб ол уни:  
 Банди қиз-чун жанг қилмайман сен билан ҳам, бошқа билан ҳам:  
 Ўзларингиз қилган тухфа — ўзларингиз тортиб оляпсиз!
300. Лекин менинг қора кемам қаршисида турган беҳисоб  
 Ўлжаларга қўл теккиза кўрмагайсан ижозатимсиз?  
 Гар қўл урсанг, ўзингдан кўр, оқибатин кўрсин жамоа:  
 Нақ кўксингга найзам сагчиб, бўягайман қора қонингга!»

- Шу тариқа даҳанаки жанг қилишиб, икки саркарда
305. Жойларидан қўзғалдилар, маърака ҳам тарқади шу дам;  
 Шоҳ Ахиллес ўз элининг кемалари томон йўл олди,  
 Патрокл ҳам ҳамроҳ бўлди мирмидонли лашкари ила  
 Агамемнон эса енгил кемасини денгиз тўшига  
 Индирдию йигирмата эшкакчини ўтқазди унга.
310. Ул кемага, Аполлоннинг назрин ортиб, етаклаб чиқди  
 Соҳибжамол Хрис қизин: сардор бўлди доно Одиссей,  
 Сўнг, тўлқинлар тўшин тилиб, елдек учди муҳташам кема.  
 Агамемнон юнонларга поклапмоқни амр этди бу пайт,  
 Аҳли юнон чўмилишиб, понокликдан бўлдилар фориғ;
315. Сўнгра улар ўлик денгиз ёқасида, Фебга аталган  
 Юзта эчки ва буқапи қурбонликка сўйдилар; шунда  
 Ўтда ёнган ёғнинг ҳиди тутун бирла етди фалакка.

- Ҳамма меҳроб\* атрофига тўпланган, лек шоҳ Агамемнон  
 Қаҳрин тиймай, ўч олмоқни ўйлар эди Ахиллдан ҳамоп.
320. Мапа, подшо ўз вафодор ҳамдастлари: Талфибей билан  
 Эврибатни чақиртириб, буйруқ берди гумбирлаб чунон:  
 «Менинг содиқ ҳамдастларим, дарҳол бориб Ахилл чодрига,  
 Брис қизин билагидан ушлаб, бунда етаклаб келинг:  
 Гар бермаса, қайтиб келинг — ўзим бориб тортиб олурман.
325. Ана унда Ахиллеснинг аҳволига йиғлагай маймун».

- Шундай дея, даҳшатнок шоҳ элчиларни юборди қизга;  
 Улар тошқин денгиз бўйлаб, оёқ тортмай кетдилар юриб  
 Ва ниҳоят, мирмидонлар майдонига келиб, кўрдилар  
 Ғамга ботган Ахиллесни ўз чодири бўсағасида.
330. Ахилл кўриб элчиларни, қувонмади. Улар ийманиб,  
 Ҳукмдордан ҳайиқишиб, гап сўрамай, хабар ҳам айтмай,  
 Нарироқда сукут сақлаб турардилар юрак дов бермай.  
 Олийҳиммат Ахилл деди элчиларнинг англаб аҳволин:  
 «Хуш келибсиз, боқийлару фонийларнинг хабарчилари!»
335. Қўрқмай яқин келаверинг, айб сиздамас, Агамемнонда!  
 Сезмоқдман, юборган у сизни менинг Брисендамга.  
 О, Патрокл жавонмард дўст, бошлаб чиққил Брис қизини  
 Майли, олиб кетсинлар: лек бир кун келиб, қирғинбаротда

- Мисли тутдек тўкилётган юнонларни халос эт, дея,  
 340. Яна менга ялинсалар... шу жарчилар шоҳидлик қилур  
 Ҳам маъбудлар жамоаси, ҳам мардумлар, ҳам шу баттол шоҳ  
 Ҳаршисида: бул нобакор қутурмоқда йўқотиб эсин:  
 Шу боисдан «ўтмиш» билан «келажак»ни этолмай қиёс,  
 Бандаргоҳда жанг қилётган лашкарга у қай тариқада  
 345. Мадад бермоқ иложини топа олмай, бўлмоқда гаранг».

- Ахиллесга қулоқ осиб содиқ дўсти Менетийзода,  
 Ичкаридан бошлаб чиқди сарвқомат Брис қизини  
 Ва топширди элчиларга; улар эса маҳзуна қизни  
 Етаклашиб йўл олдилар Агамемнон истиқболига;  
 350. Бироқ Ахилл, дўстларини тарк этди-да, мўйсафид уммон  
 Ёқасига бориб инди ва қўлларин чўзиб сув томон  
 Оқ сут берган онасига бўзлаб-бўзлаб қилди илтижо:  
 «Онажоним! Наҳот мени фоний этиб туққанинг учун  
 Олампаноҳ Зевс этмаган менга насиб иззату икром?  
 355. Бугун эса боридан ҳам маҳрум этди! Иқтидорли шоҳ  
 Мутақаббир Агамемнон менинг жангда олган муздимни  
 Ўзиники қилиб олиб, фарзандингни айлади бадном!»

- Шоҳнинг аччиқ фарёдини теран денгиз қаърида ётган  
 Нерей қизи эшитдию шу заҳоти мисли беғубор  
 360. Булут янглиғ сув бетига қалқиб чиқди ва дилшорасин  
 Бошин силаб, эркалади серлатофат қайноқ меҳр ила:  
 «Нечун бўзлаб йиғлайдурсен? Не савдолар тушди бошингга?  
 Яширмасдан баён айла дардларингни менга, чирогим!»

- Ахиллес оҳ уриб, инграб, онасига айлади жавоб:  
 365. «О, башорат соҳибаси, барча гапдан воқиқсан ўзинг\*  
 Нени сўзлай? Юриш қилдик бир кунн биз Фива шаҳрига\*  
 Қунпаякун қилиб унц, жами топган молу дунёни  
 Лашкаргоҳга йиғдик; сўнгра ўлжаларни бўлашдик ҳалол:  
 Чол Хриснинг сулув қизи насиб этди Агамемнонга.  
 370. Қўн вақт ўтмай Аполлоннинг содиқ қули мўйсафид Хрис  
 Банди қизин халос этмоқ мақсадида, мис яроқ тутган  
 Юнонларнинг бандаргоҳи яқинига кўп совға-салом  
 Олиб келди; у қўлига Аполлоннинг алвон боғичли  
 Зар асосин ушлаб олиб, юнонларга, ундан ҳам кўпроқ  
 375. Ака-ука саркардага зор-зор йиғлаб илтижо қилди.  
 Гарчи қўшин шовқин солиб, чолнинг ажиб тортиқларини  
 Қабул айлаб, илтимосин қондирмоқлик лозим, деса ҳам,  
 Мутақаббир Агамемнон бу қарорни кўрмади мақбул:  
 У қоҳинни ҳақоратлаб ва ранжитиб ҳайдаб юборди.  
 380. Қоҳин ўқиб қайтиб кетди: вале хиёл ўтмай Аполлон  
 Қабул айлаб қариянинг муножотин, қирон келтирди

- Ахейларга; зеро коҳин эди Фебнинг эрка бандаси,  
Хуллас калом, халқ бошига тири худо ёга бошлади  
Ва лашгаргоҳ тўлиб кетди ўликларга. Авлиё Калхас
385. Шунда Фебнинг хоҳишини баён этди ўртага чиқиб.  
Даставвал мен, Аполлондан шафқат сўраш керак, деб айтдим,  
Лек Атрейон қони қайнаб, туриб кетди сапчиб ўрнидан  
Ва ўшқириб, эл олдида мени ноҳақ ҳақорат қилди!  
Ҳозир коҳин қизи билан Аполлоннинг назир-ниёзин
390. Ортган кема Хрисага елдек учиб кетмоқда. Аммо  
Ичи қора Агамемнон чодиримга элчи юбориб,  
Юнонларнинг менга қилган гоят ноёб армуғонини —  
Соҳибжамол Брисейдани чодирига олдириб кетди.  
О, онажон! Ўғлонингга паноҳгоҳ бўл! Қудратли Зевснинг
395. Кўнглин эзгу сўз ё иш-ла хушлаганинг рост бўлса агар,  
Дарҳол юксак Олимпга чиқ, ялин, ёлбор бузрук маъбудга.  
Зероки, мен эшитгандим ёшлигимда отам қасрида:  
Тангрилардан шоҳ Посейдон, Афина ва малика Ҳера.  
Бадният-ла занжирбанд этишмоқчи бўлганда Зевсни,
400. Сен жонига кириб оро, бадномликдан парвардигорни,  
Асраб қолган экансан, юз қўлли девни (худолар уни  
Бриарей деб, бандалари — Эгеон деб чақиршаркан).  
Кўп чўққили Олимп тоққа зудлик билан қўмакка чорлаб,  
Юз қўлли дев куч-қудратда зўрроқ экан қадир Зевсдан ҳам.
405. Етиб келиб, ўтирганда у керилиб тангри ёнига,  
Дев турқини кўриб ортга чекинганмиш бадният зотлар...  
• Узинг сўзлаб берган эдинг бу гапларни; энди она, сен  
Зевс тиззасин қучиб, унинг эсига сол булар барини,  
Яна айтки, парвардигор Трояга бир мадад бериб,  
Ахейларни қон қақшатиб, тирқиратсин бандаргоҳгача
410. Токи ахей ўғлонлари билиб қўйсин ўз саркардасин  
Қимлигини ва шувингдек, жоҳил, тахтга ўч Агамемнон  
Ўзин бадхоҳ ва ноинсоф эканлигини ошкор билсин-да,  
Мард ахейни ноҳақ бадном этганидан бўлсин пушаймон!»
- Юм-юм йиғлаб жавоб қилди фарзандига она — Фетида:
415. «Ўғлим! Умринг изтиробда ўтар экан, негаям туғдим?  
Бошгинангдан соқит этсин ғам-кулфатни парвардигорим.  
Зероки сен умри қисқа бандадурсен — паймонанг тўлган,  
Сен барчадан фониёроқсан, шум толесан — айниқса ҳозир.  
Шўрим қурсин, сени кўшқда қаро кунда туққан эканман!
420. Майли, қорли Олимпга мен парвоз этай; чақмоқ худоси  
Зевсга ҳамма гапни айтай; шояд қулоқ осса зоримга.  
Сен, эркам, ҳеч ерга жилмай, жангга кирмай ўтир шу ерда.  
Чақмоқдор Зевс кеча талай боқийлар-ла Океан оша  
Жўнаб кетган занжиларнинг масканига меҳмондорликка;
425. Ун икки кун деганда у қайтиб келур арши аълога;

Шунда Зевсинг мис кўшкига чиқиб, унинг оёқларига  
Йиқилгайман, тизин қучиб ёлборгайман папоҳгоҳимга».

- Шундай дея, маҳзун ўғлин танҳо ташлаб ғойиб бўлди у;  
Ахилл эса Агамемнон тортиб олган қирмизи камар
430. Боғлаган қиз ташвишида юрак-бағрин ўртаб йиғларди.  
Бу аснода Одиссей ҳам Феб назри-ла етди манзилга.  
Қушдай енгил кема теран бандаргоҳга кирди шувиллаб.  
Елканларни туширдилар, тахтладилар қора кемага,  
Шоша-пиша қулатишиб, жойладилар елкан дориши;
435. Сўнг кемани эшкак эшиб, соҳил томон йўналтирдилар;  
Лангар ташлаб, боғладилар чўнг кемани соҳилга етгач;  
Сўнг ўзлари жўшқин денгиз қиргоғига қўйишиб қадам,  
Қум соҳилга туширдилар Аполлоннинг ҳекатомбасин;  
Хрис қизи ҳам изма-из тушиб келди она тупроққа.
440. Шунда меҳроб сари бошлаб борди уни доно Одиссей  
Ва топширди отасининг қучоғига, айтиб илиқ сўз:  
«Феб қоҳини! Фарзандингни қайтармоқ-чун ҳамда қурбонлиқ  
Қилмоқ учун Феб ҳаққига, Агамемнон юборди менч;  
Шояд бизга раҳм айласа у зиёбахш тангри Аполлон
445. Ва даф этса бошимизга солган кулфат-азобларини».

- Шундай деди; шодмон чол ҳам эрка қизин босди бағрига.  
Бу орада қурбонликка келтирилган юзта танани  
Қатор қилиб тиздилару ажиб меҳроб теварагига,  
Сўнгра ювиб қўлларини туз ва арпа ҳовучладилар.
450. Хрис кўкка чўзиб қўлин қироат-ла қилди муножот:  
«О, муқаддас Килла элин, Хрисанинг пушти папоҳи,  
Тенедоснинг қодир шоҳи — кумушкамон Аполлон, тингла!  
Сен яқинда инobatга олиб менинг илтимосимни,  
Вабо пуркаб ахейларга, қўллагандинг содиқ бандангни;
455. Энди яна арзим тинглаб, мазкур влни зўр фалокатдан  
Халос этгил, — мен мўйсафид сўзин ерда қолдирма зинҳор».

- Ёлборди чол — кумушкамон Аполлон ҳам эшитди сасин.  
Сўнг юнонлар қурбонликка келган моллар бошидан туз ва  
Арпа донин сочдилар-да\* улар бошини кўкка қайириб.
460. Бўғизлашди; териларин шилиб олиб, сон гўштини тез  
Чарви ёққа икки қават қилиб ўраб, улар устига  
Калла-поча, жаз-безларни теришди, сўнг қоҳин ўт қалаб,  
Гўшт устидан шафақранг май сепиб турди; панжшоҳ тутган  
Йигитлар шай турардилар теграсида. Ўтга қўйилган
465. Гўштар куйгач, ёш-яланглар татиб кўриб калла-почада,  
Қолган гўштни сихга тортиб чўғда бир-бир қилдилар кабоб.  
Сўнг бошланди базми жамшид\* дастурхонлар бўлгач муҳайё,  
Бу сернеъмат зиёфатда барча бирдай сурди айшини;

470. Ҳамма тотли таом бирла тўйғизгандан сўнг қоринларин,  
 Успиринлар ҳар кишига лим-лим тўла улкан жомлардан  
 Май сундилар қадаҳларда ўнг томондан тартиби билан.  
 Сўнг кечгача Аполлонга ҳамду сано ўқидилар кўп,  
 Ёшу яланг ажиб куйлар ижро этди Фебнинг шаънига.  
 Аполлон ҳам хушнуд бўлди қулоқ солиб бу мақтовларга.
475. Қуёш ботиб, ер юзига қора чойшаб ёйганда зулмат,  
 Эшқакчилар ухлаб қолди бандаргоҳда, кема пойида,  
 Лекин Эос — пуштиқокил тонг элчиси келиши билан  
 Лашкаргоҳга қайтмоқ учун отландилар яна сафарга;  
 Қўтарилган заҳот лангар, Феб йўллади боди муродни
480. Ўриатилди елкан дори ва ёйилди опшоқ елканлар,  
 Ўрта елкан лунжин шамол шиширди ва забардаст кема  
 Тўлқинларнинг тўшин тила кетди ўткир тумшуғи ила,  
 Кема мовий тўлқинларда из қолдириб, ўқдай учарди.  
 Мана, етиб ҳам келдилар қароргоҳга олис сафардан;
485. Сўнг кемани сув сатҳидан тик соҳилга тортиб чиқдилар,  
 Қумлоқ ерда уни баланд тўсинларга ўрнатдилару\*  
 Ўз чодирин, ё кемасин томон бир-бир тарқаб кетдилар.

Бу аснода Зевс бандаси чаққоноёқ Ахиллес ҳамон  
 Қонин қайнаб ўтирарди сув бўйида бўлиб даргазаб.

490. Энди у на мард доврўғин оширувчи маъракаларга  
 Ва на мудҳиш жанг-жадалга қатнаб эди, бекорчиликдан  
 Чекар эди у изтироб, мудом жанггоҳ ва жапғини қўмсаб.

- Ниҳоят, ўн икки кун ҳам ўтиб кетиб, мунаввар Олимп  
 Яна гавжум бўлди Зевс-ла бирга қайтган маъбудлар билан.
495. Унутмаган эди ўғлини илтимосини Фетида — она.  
 Субҳидамда у кўпикли шўх денгиздан отилиб чиқиб,  
 Тонгги туман бирла учиб Олимпдаги арши аълога;  
 Қарасаки, чақмоқотар Зевс бир ўзи серчўққи тоғнинг  
 Энг юксак бир зирвасида ўтирипти хаёлга ботиб,
500. Фетида Зевс қаршисида тиз чўқдию олампадохнинг  
 Тиззаларин сўл қўли-ла қучоқлади, ўнг қўли билан  
 Сарпадарнинг иягига тегиб қўйиб\*, қилди илтижо:  
 «Бузрук отам! Гар тапгрилар орасида дардингни бирон  
 Сўз ё иш-ла олган бўлсам, бажо келтир бир тавалломни!
505. Ўғлим учун ўч ол: унинг паймонаси тўлай деб қолган;  
 Мардлар шоҳи Агамемпон эса уни этганмиш бадном;  
 Ўғлим муздин тортиб олиб ўзиники қилиб олганмиш;  
 Атрейондан ўғлим учун интиқом ол, пушти папоҳим!  
 Яъни, уни иззат қилиб то бош эгиб келишмагунча,  
 510. Троялик лашкарнинг сен қўлини баланд қўй юнонлардан».

Аммо ҳамон булутқувар Зевс чурқ этмай ўтирар эди;  
Опаизор қўйвормасдан шунда унинг тиззаларини,  
Яна ўксиб сўзлай кетди бошин қўйиб тангри пойига:  
«Қатъий бир сўз айт, падарим, бошинг ирғат аҳдинг тасдиқлаб  
515. Ёки рад эт: сен қўрқувни билмайсан-ку; айт, билиб олай  
Қанчалик паст эканлигин эътиборим арши аълода».

Маъбудага жавоб қилди нуроний Зевс чуқур хўрсиниб:  
«Ахвол чатоқ! Тезляяпсан менга қарши инжиқ Ҳераини;  
Мана, энди жаврайвериб, роса ейди қулоқ-миамни;  
520. Шундоқ ҳам у маъбудларнинг даврасида трояликлар  
Тарафини оляпсан, деб мудом таъна қилмоқда менга  
Хўп, энди кет бу даргоҳдан, сени Ҳера кўриб қолмасан;  
Неки айтдинг, барчасини бажарурман, бўлгин, хотиржам;  
Қара, бошим ирғатаман, сенинг кўнглинг тўқ бўлсин учун —  
525. Бу ишора, боқийларнинг орасида қилган аҳдимнинг  
Қатъийлигин билдиради: қайтиб бўлмас мўътабар аҳддан.  
Менки бошим силкирганман, чиқмай қолмас рўёбга ваъда».

Зевс ўз сўзин исботламоқ учун тўсдек қошин учирди:  
Сарпадарнинг ул беқазо бошидаги муаттар сочи  
530. Бир елпинди ва серчўққи Олимп тоғи келди ларзага...

Олампаноҳ ва маъбуда шундай аҳд-ла видолашдилар,  
Сўнг Фетида юксак тоғдан тубсиз уммон қаърига дарҳол  
Шўнғиб кетди; чақмоқдор Зевс кўшкка қайтди; шунда боқийлар  
Курсилардан дик турдилар дилдан қутлаб бузрук падарни  
535. Ҳеч ким журъат этолмади ўтирганча қарши олишга.

Олимплик Зевс тахтга чиқиб ўтирди, лек малика Ҳера  
Ўз эрининг кумушоёқ Фетида-ла суҳбат қурганин  
Кўрган эди ва тушунган эди бўлган гапнинг барига.  
Жиғибийрон бўлиб Ҳера Зевсга заҳрин соча бошлади:  
540. «О, маккор эр, қай маъбуда эди сен-ла маслаҳат қурган?  
Ҳа, биламан, яширмоққа уринасан менад сирларинг,  
Шунинг учун ҳанузгача бирон марта ўз ҳоҳишинг-ла  
Менга ошкор қилганинг йўқ дилингдаги сирру асроринг!»

Жавоб қилди боқийлару фонийларнинг парвардигори:  
545. «Уриниб ҳам кўрма Ҳера, билмоққа сен дилим асрорин,  
Сенга оғир ботади у, бўлсанг ҳамки умр йўлдошим!  
Сен билмоғинг лозим бўлган жами гапни на бандаларим  
Ва на само маъбудлари биладилар сендан олдинроқ.  
Аммо ёлғиз ўзим учун мансуб бўлган пинҳон гапларни  
550. Биламан деб уринма ҳам, кўп койиниб суруштирма ҳам».

- Яна Зевсга юзланди ул сигиркўзли маъбуда\* Ҳера:  
 «Не деурсан ўзинг менга о, тошбағир булутқувар Зевс?  
 Мен ҳеч қачон сирларингни билишни ҳам истамаганман,  
 Суриштириб ҳам жиғингга тегмаганман: нени фикрлаш  
 555. Ихтиёринг: фақат ҳозир бир нарсадан хавотирдаман:  
 Ёху, сени ўз ёнига оғдирмоқчи бўлди шекилли  
 Нерей қизи? Эрталаб у тизларингни қучоқлаганди;  
 Билишимча, сен Ахилнинг қасдин олмоқ ва юнонларни  
 Сув бўйида қийратмоққа рози бўлиб бошинг ирғатдинг».
560. Ҳерапинг бу гапларига булутқувар Зевс жавоб қилди:  
 «Тавба қилдим! Кўрмаган ҳам, билмаган ҳам нарсанг йўқ сени.  
 Лек кузатиш билан мени, ҳеч нимага эришолмайсан:  
 Билъакс, кўнглим совутасан ва оқибат — ўзинг панд ейсан!  
 Шу ишга қўл урибманми, шубҳасиз, у мақбулдир менга!  
 565. Ундан кўра жим ўтиргин қулоқ солиб каломларимга!  
 Гар аччигим чиқиб, сенга кўтаргудек бўлсам илкимни.  
 Мадад бера олмас сенга Олимпдаги биронта маъбуд».

- Шавҳаридан қўрқиб кетган сигиркўзли маъбуда Ҳера  
 Ғазабини ичга ютиб, жим ўтирди олтин тахтада.
570. Хўрсинишиб ўтирарди қолганлар ҳам Зевс мақомида.  
 Гап бошлади шунда меъмор маъбуд — Ҳефест; зеро нияти  
 Таскин бермоқ эди азиз ва гулбадан волидасига.  
 «Агар сизлар бандаларни деб ҳам низо қилсангиз энди,  
 Бунга бардош қилиб бўлмас, ундан хайр ҳам кутиб бўлмас!  
 575. Гар муттасил жанжаллашиб, бошингизга арши аълони  
 Кўтарсангиз, гар адоват ўртангизда қилса тантана,  
 Унда қандай кўнгилхушлик бўлур бизнинг базми жамшидда?  
 Она, эшит, гарчи ўзинг барча гапдан бўлсанг-да воқиф;  
 Зимистонга айланмасин бу мунаввар зиёфатимиз,  
 580. Десанг, Зевсинг кўнглин хушлаб, ғазабни бос, зеро отамиз  
 Қудратлидир — у хоҳласа тангриларнинг барини тахтдан  
 Улоқтурур! Ширин гап-ла юпат, она, қодир тангрини,  
 Ана унда олампаноҳ бизга шафқат юзин ўгирур».

- Шундай дея Ҳефест турди ўрнидан ва тилла қўшқадаҳ\*
585. Тутиб туриб онасига, айтди яна икки оғиз сўз:  
 «Онажоним, қанча оғир бўлса ҳамки сабр қил, чида!  
 Отам сени калтаклашин кўриш менга насиб этмасин.  
 Акс ҳолда, сенга ёрдам кўрсатишга қанча уринмай,  
 Қурбим етмас; негаки, бас келиш мушкул парвардигорга!  
 590. Эсингдами, бир маҳаллар сенинг ёнинг олганимда, у  
 Оёғимдан ушлаб отган эди осмон бўсағасидан:  
 Ўшанда мен то кечгача учиб юриб, қуёш ботганда

Бориб тушган эдим Лемнос тупроғига чалажон бўлиб,  
Хайриятки, Синтий аҳли топиб олиб, берганди шифо».

595. Ўз ўғлига жилва қилди сармаъбуда гулбадан Ҳера  
Жилва қилиб туриб шаффоф қадаҳ олди унинг қўлидан.  
Ҳефест суниб қолган ҳамма маъбудларга улкан жомлардан  
Обиҳаёт шарбатини, ўнг томондан узатиб чиқди.  
Саодатли аҳли само кўшк саҳнида пилдираган ланг
600. Косагулдан қаҳ-қаҳ уриб кудди\* кўкни кўтариб бошга.

- Саодатли аҳли само то ботгунча нурафшон қуёш  
Мудом яйраб, хўп маишат қилди. Ушбу базми жамшидда  
Аполлопнинг бениҳоя нафосатли сози — лираси  
Ва лирага жўр бўлувчи латофатли Муза қизларнинг
605. Ғоят ажиб қўшиқлари ором берди худовандларга.

- Мана, порлоқ қуёш ботди; ҳар бир тангри ором олгани  
Ўз кўшкига кириб ётди. Доно Ҳефест маҳорат ила  
Қуриб берган эди ҳар бир кўшкни боқий тангрилар учун.  
Олимп тоғда энг сервиқор тангри — Зевс ҳам туриб ўрнидан,
610. Кириб ётди ўз муҳташам кошонаси — оромгоҳига,  
Сумбул сочли Ҳера ётар эди унга ёстиқдош бўлиб.



## ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

### ТУШ. БЕОТИЯ ЕКИ КЕМАЛАР САНОҒИ

Тангрилар ҳам, лашкарлар ҳам туни билан ухлашди қотиб;  
Фақатгина Зевс кўзига келмади ҳеч оромбахш уйқу.

Парвардигор, қай йўсинда Ахилл учун интиқом олсам  
Ҳам қай тарзда юнонларга бандаргоҳда қирон келтирсам

5. Кўпроқ кўнгил тўларкин, деб бутун тунни ўтказди бедор;  
Ва, ниҳоят, Агамемнон ҳузурига юбормоқ лозим  
Қалбаки Туш, деган ғоят мақбул фикр келди бошига.  
Сўнг шу Тушни чақиртириб, айди унга ҳикматли сўзлар:  
«Қалбаки Туш, ғизиллаб уч юнонларнинг бандаргоҳига
10. Ва сездирмай оҳиста кир Атрей ўғли қароргоҳига:  
Ҳозир сенга велар десам, қулогига қуй ҳаммасини:  
Жингалаксоч\* юнонларни ўзинг жангга бошлармишсан, де,  
Жами лашкар қўзғолсин, де. Ниҳоят, сен гавжум Илион  
Шаҳрини забт этарсан де; Олимп тоғда маскан қурганлар
15. Орасида мухалифат қолмади, де. Маъбуда Ҳера  
Ўз фикрини ўтказди, де, самодаги илоҳийларга,  
Приам элин бошига Зевс зўр фалокат ёғдирмоқчи, де».

Туш фармонга қулоқ осиб, парвоз этди мисли шамолдек

20. Юнон баҳрий кемалари турган ерга ва Агамемнон  
Чодирига кириб, уни маст уйқуда ётганин кўрди.  
Туш подшонинг боши узра кекса Нестор қиёфасига  
Кириб турди\* ки Атрейон иззатларди пилослик шоҳни;  
Илоҳий Туш гап бошлади Нелей ўғли қиёфасида:  
«Асов отни тизгинловчи\* Атрей ўғли, ухляяпсанми?»
25. Зиммасига халқ қисмати ва ташвиши тушган бир пайтда  
Одобданми доно эрнинг ўтказиши тунни ғафлатда?  
Эшитиб ол: ҳузурингга Зевс юборди мени самодан;  
Мудом сенинг ташвишингни қилмоқдадир раҳмдил тангрим;  
Жингалаксоч юнонларни ўзинг жангга бошлар эмишсан,
30. Жами лашкар қўзғолсинмиш. Ниҳоят, сен гавжум Илион  
Шаҳрини забт этажаксан; Олимп тоғин маскан этганлар  
Орасида мухалифат қолмади ҳеч. Маъбуда Ҳера  
Ўз фикрини самодаги худоларга ўтказди охир;  
Приам элин бошига зўр фалокатлар ёғдирмоқчи Зевс.
35. Юрагингда сақла жами айтганларим ва ёдингда тут,  
Ширин уйқунг қочган заҳот, бу гаплар ҳам бўлмасин унут».

- Шоҳнинг қўйини пуч ённоққа тўлдириб Туш йўқолди кўздан.  
 Аё, тентак! Гофил банда! Трояни забт этмоқчисан;  
 Вале Зевснинг шум ниятин билмайдурсан: ул бузрук падар
40. Яна юнон лашкарининг ва Илион фарзандларининг  
 Бошларига мудҳиш жангда ёғдирмоқчи кўп уқубатлар!  
 Уйқу қочди; лек илоҳий овоз ҳамон шоҳ қулоғида  
 Янграг ади; у ўрнидан туриб, нафис оҳорли кўйлак  
 Кийиб, сербар ридосини елкасига ташлади; сўнгра
45. Маҳкам боғлаб кафшларини оппоққина оёқларига,  
 Елкасига осиб олди кумуш нақшли обдор шамширин;  
 Қўлга олиб отасининг ҳукмронлик асосини, у  
 Ҳетди юнон кемалари манзил қурган соҳил ёқалаб.

- Тонг элчиси — зар кокилли Эос балқиб юксак Олимпга,
50. Бузрук Зевсга ҳамда ўзга маъбудларга таратди зиё;  
 Агамемнон шунда, ахей лашкарини зўр маъракага  
 Йиғинлар, деб фармон берди жарчиларга. Улар чор ёққа  
 Тарқалдилар жар солишиб. Одамлар ҳам тўпланди дарҳол.  
 Вале бундан хиёл олдин Агамемнон Нестор кемаси
55. Турган ерга улуғларни чақиртириб, маслаҳат солди:  
 «Бугун, дўстлар, мен муаттар тун қўйнида кўрдим ажиб Туш;  
 Тушнинг бўйи, ҳаракати ўхшар ади Несторга гоят!  
 Илоҳий Туш бошим узра туриб, шундай деди рўй-рост:  
 — Асов отни тизгинловчи Атрей ўғли, ухлайдурсанми?»
60. Зиммасига халқ қисмати ва ташвиши тушган бир пайтда  
 Одобданми доно эрнинг ўтказмоғи тунни ғафлатда?  
 Эшитиб ол: ҳузурингга Зевс юборди мени самодан;  
 Мудом сенинг ташвишингни қилмоқда ул раҳмдил тангрим;  
 Жингалаксоч юнонларни ўзинг жангга бошлар эмишсан,
65. Жами лашкар қўзғолсинмиш. Ниҳоят, сен гавжум Илион  
 Шаҳрини забт этажаксан; Олимп тоғин маскан этганлар  
 Орасида муҳолифат қолмади ҳеч. Маъбуда Ҳера  
 Ўз фикрини самодаги тангриларга ўтказди охир.  
 Приам элин бошига зўр мусибатлар ёғдирмоқчи Зевс.
70. Сен унутма бу гапларим,— дея кўздан ғойиб бўлди Туш.  
 Кароматли уйқун тарк этиб мен ҳам, очдим кўзимни.  
 Дўстлар! Келинг, баҳамжиҳат бўлиб, юнон ўғлонларини  
 Қай йўсинда жангга даъват этмоққа биз режа тузайлик.  
 Ҳар галгидай, мен гап билан синаб кўрай уларни аввал —
75. Таклиф қилай лашкаргоҳдан кемаларга тушиб қочмоқни  
 Ва лекин сиз аскарларни бу жанггоҳда қолишга унданг».

- Шундан кейин, қумлоқ Пилос шоҳи Нестор чиқди даврага  
 Ва хушният билан шундай калом айтди оқсоқолларга:  
 «О, азишлар! Мард данайлар сардорлари, ҳукмдорлари!»
80. Бундай тушни ўзга ахей айтганида бизга мабодо,

Ундай касни бўхтончи деб, нафратлаган бўлардик албат.  
Модомики, Тушни ахей лашкарининг бош саркардаси  
Кўрибдийкан — ори ростдир; йигитларни, бас, шундай экан,  
Дам ғанيمات, жанг майдонга даъват этмоқ йўлин ўйлайлик».

- Шундай деб, у элдан бурун чиқиб кетди бу маъракадан  
Мақбул кўрди Атрейзода фикрин барча салтанатпаноҳ;  
Бу орада оломон ҳам тўп-тўп бўлиб кела бошлади.  
Тоғу тошга уя қурган бол арилар узум бошидек  
Ғуж-ғуж бўлиб гул-чечаклар тепасида чарх айлангани,  
90. Виз-виз этиб, гоҳ у, гоҳ бу ёққа тинмай учгани каби,  
Ахейларнинг лашкари ҳам ўз чодир, кемаларидан  
Чиқиб, турнақатор бўлиб, тизилишиб, теран денгизнинг  
Соҳилидан галалашиб, гурунглашиб келавердилар;  
Юракларни ғулғулага солган хабар парвона эди  
95. Халқ бошида; йиғилдилар; лашкаргоҳда ғужғон ўйнарни  
Яроқдорлар; инграрди ер халқ пойида; шов-шув тинмасди;  
Тўққиз жарчи халқ ичида юриб, уни тартиб сақлашга  
Ва Зевс қавми\* — шоҳлар гапин тингламоққа даъват этарди.  
Секин-аста шов-шув тиниб, жой-жойига ўтиргач ҳамма,  
100. Ушлаб шоҳлик асосини Агамеон чикди ўртага,  
Ушбу обдор чўнг асони олимплик ланг Ҳефест ясаган  
Ва чақмоқдор Зевсга тортиқ қилган экан; Зевс эса уни  
Берган экан тангриларнинг хабарчиси бўлмиш Ҳермесга;  
Ҳермес уни асов отни тизгинловчи ботир Пелопсга;  
105. Чўнг чавандоз Пелопс эса халқ ҳоқони Атрейга берган;  
Атрей эса ўлаётиб қолдирганкан уни Фiestга;  
Фiest уни туҳфа қилди жиянига — Агамеонга,  
Сон-саноқсиз оролларга ва Аргосга султон бўлсин, деб,  
Шоҳ шу ажиб чўнг асога суянганча юзланди халққа:  
110. «Дўстлар, данай ўғлонлари, о, Арейнинг хизматкорлари!\*  
Чақмоқдор Зевс мени ғоят мушкул ҳолга қилди гирифтор.  
Илгари у, сен сарбаланд минорали Илион шаҳрин  
Ғорат айлаб, элга ғолиб қайтгайсан, деб бош ирғатганди;  
Энди бўлса, у бадният, шунча халқим нобуд бўлганда,  
115. Айди менга: Аргосингга жўнаб кет, деб, шармандаларча!  
Қодир Зевсининг кўнгли шуни тусаб қопти баногоҳ, дўстлар;  
Қудратининг чеки йўқдир; Троянинг у анча-мунча  
Қалъаларин вайрон этди, ҳали кўпин айлагай вайрон!  
Ваҳоланки, юнонларнинг сиздек кучли мард лашкарининг  
120. Оз миқдорли душман билан самарасиз жанг қилганидан  
Ва тўққиз йил мобайнида тўккан қони зое кетгандан  
Ҳатто узоқ келажакда яшагуси авлодларимиз  
Воқиф бўлса, ўшалар ҳам уялурулар қилмишимиздан!  
Зеро, агар Троянинг фуқароси ва аҳли юнон  
125. Узаро сулҳ тузишсаю одамларин санаб чиқишса;

- Сўнг Троя аҳолиси битта қолмай, жам бўлса бари;  
 Бизлар эса бўлинишсак ўнта-ўнта бўлиб тўшларга  
 Ва ҳар ўнлик учун соқий тайинласак трояликдан,  
 Аминманки, соқий етмай қолур эди кўпгина тўпга!
130. Биз шу қадар кўпмиз, дўстлар, Троянинг аҳолисидан,  
 Лек шаҳарга чор атрофдан найзабардор — марди майдонлар  
 Тўлланишган; ана шулар — Приамнинг ёру дўстлари —  
 Трояни забт этмоқ-чун менга имкон бермаётирлар.  
 Парвардигор Зевснинг, мана тўққиз йили ўтиб ҳам кетди,
135. Кемаларнинг оғочлари, арқонлари чирий бошлади;  
 Тўққиз йилки, уйда бизни хотин, бола-чақаларимиз  
 Зор-интизор кутмоқдалар: бизлар эса, тўққиз йилдирки,  
 Ўлтирибмиз бу жанггоҳда сустлик қилиб, қучолмай зафар,  
 Винобарин, қулоқ осинг гапларимга ва айланг бажо:
140. Қочмоқ лозим! Дарҳол қайтиб кетмоқ зарур жонажон элга;  
 Барибир, забт этолмаймиз Троядек шаҳри азимни!»

- Шундай дея Агамемнон оқсоқоллар маъракасида  
 Қатнашмаган ахейларни солиб қўйди зўр гулгулага.  
 Нот бирла Эвр таггри Зевснинг булутидан Икар баҳрига
145. Эсиб тушиб, тўфон ҳосил қилганидек уммон сатҳида,  
 Еки Зефир, чаман бўлиб яшнаб турган экинзорларга  
 Дабдурустдан эсиб келиб, шафқат билмай зироатларни  
 Босиб пайҳон қилганидек, халқ ҳам бирдап қалқди оёққа —  
 Саркарданинг нутқи уни солган эди шундай ваҳмага;
150. Ҳамма мудҳиш наъра тортиб, чопа кетди бандаргоҳ томон;  
 Халқ пойидан кўтарилган чангдан кўкда яралди булут;  
 Уйларига ошиққанлар ҳайқириғи етди фалакка;  
 Улар зовур тозалашар,\* тиргакларни чиқаришарди;  
 Кемаларни тезроқ сувга туширинг, деб бақаришарди.
155. Қисматига зид ўлароқ ўз элига қайтарди лашкар,  
 Агар Ҳера Афинага бундай дея юзланмаганда:  
 «Бу қандай гап, о, чақмоқдор Зевснинг доно, муҳориб қизи!  
 Наҳот юнон лашкарлари ўркач-ўркач тўлқинлар оша  
 Чўнг уммондан юртларига қочиб қолса ушбу жанггоҳдан?»
160. Наҳот улар Троянинг мутакаббир аҳолисини,  
 Шоҳ Приамни хушнуд этиб, Еленани ташлаб кетсалар?  
 Ахир ўшал Елена деб қурбон бўлган эмасмидилар  
 Туман-туман аҳли дапай Илионнинг остонасида?  
 Мис совутли данайларнинг қошига сен парвоз эт қушдек!
165. Ҳар бир мардга ширин сўз-ла гап уқдирки, юнон қўшшини  
 Туширмасин денгиз узра эшмаги кўп кемаларини».

Деди Ҳера: Афина ҳам қулоқ осди соҳибасига:  
 У Олимпнинг чўққисидан тикка шўнғиб рўйи заминга,  
 Зудлик ила мис зирҳли кемаларга етиб борди-ю,

170. Заковатда Зевсга монанд Одиссейни топди у ерда:  
Лаэрт ўгли руҳан, қалбан ғамга ботиб, паришон ҳолда  
Турар эди ўз серҳашам кемасининг рўбарўсида.  
Унга яқин бориб, айди Эгиоҳнинг шаҳло кўз қизиг:  
«О, лутфкор Лаэртзода, заковатли, ботир Одиссей!
175. Наҳот сизлар, кўп ўринли кемаларга чиқиб чинданам,  
Қочмоқчисиз юртингизга бу жанггоҳдан шармандаларча?  
Наҳотки сиз Троянинг мутакаббир аҳолисини,  
Шоҳ Приамни хушшуд этиб, Еленани ташлаб кетсангиз?  
Ахир ўшал Елепа деб жон беришган эмасмидилар.
180. Туман-туман аргосликлар Илионнинг остонасида?  
Дарҳол югур юнон аҳли ҳузурига; иш кўр астойдил:  
Хар бир мардга ширин сўз-ла гап уқдирки, юнон кўшини  
Туширмасин денгиз узра кўп эшқакли кемаларини».
- Одиссей ҳам Афинанинг янгроқ упин таниган заҳот
185. Шамол янглиғ елиб кетди эгиндаги ридони отпб;  
Лек кўтариб олди уни итакалик жарчи Эврибат.  
Одиссей-чи, йўл-йўлакай тўқнаш келиб Агамемнонга,  
Ота мерос ҳукмдорлик ҳассасини сўраб олди-да,  
Аҳли юнон манзил қурган бандаргоҳга равона бўлди;
190. Йўл-йўлакай у қай шоҳни ё киборни учратас ногоҳ,  
Сухандонлик қилиб, уни тутди гапга хушчеҳра билан:  
«Аё, ботир! Сенки қўрксанг не бўлади? Уят-ку ахир!  
Сен, яхшиси, ўзингни бос, ўзгаларга бергил тасалли;  
Ғофил банда, назаримда беҳабарсал чоғи, бор гапдан;
195. Лақиллатмоқ бўлиб деди Агамемнон элга бу гапни;  
Зеро сизлар беҳабарсиз мажлисгоҳда у айтган гандан;  
Шу боисдан бўлинг огоҳ ғазабидан Агамемноннинг.  
Парвардигор арзаңдаси — бул жувонмард билмайди шафқат  
Ки Зевс ўзи иззат-иқром ато этган, суйган қўлига».
200. Гар Одиссей кўрса бироп ғаламисини оломон ячра,  
Ҳасса уриб гарданига, койир эди дағдаға ила:  
«Ўчир унинг, баски, ўзинг на жапггоҳда, на маърақада  
Иззат-обрў қозонмаган ножанговар, ожиз бандасан,  
Азизларнинг маслаҳатин хап ўтириб тинглагил, бадбахт,
205. Ҳамма подшо бўлолмайди айни вақтда, тушунмоқ даркор!  
Подшо битта бўлмоғи шарт, хосияти бўлмас кўшининг  
Ки, салтанат ҳассасига кимпи насиб этган экаи Зевс,  
Ёлғиз ўшал подшо бўлгай, ҳукмронлик қилгай барчага».
- Шу тарзда у йўл-йўлакай лашкарларга уқдириб гапин
210. Кетаверди; халқ ҳам чиқиб кемалари, чодирларидан,  
Гўё тинмай урилгучи долғалардек юксак соҳилга,  
Наъра тортиб, пайдару пай келаверди мажлисгоҳ томон,

- Мана, барча ўз ўрнига ўтирдию толди сукутга,  
 Бу сукутда ёлғиз Терсит жаврагани эшитиларди;
215. Густоҳона сўзлар бижғиб ётар эди унинг дилида.  
 Шу боис, важ ахтарарди тарк этиб у шарми-ҳаёни,  
 Подшоҳларни таҳқирлашга ки кулдирмоқ учун оммани  
 Ҳеч нарсадан тап тортмасди; Илионга ёв бўлиб келган  
 Юнон аҳли орасида у эди энг бадбашараси.
220. Кўзи ғилай, оёғи ланг, кифти букир, икки елкаси  
 Тор кўксиди туташганди; найза янглиғ чўққи бошида  
 Тук ўсарди сийраккина. Одиссей-ла адоватдайди,  
 Бу ҳам камдек, тиш-тирноқ-ла қарши эди Ахиллесга ҳам.  
 Икковини ёмонларди мудом; энди Агамемнонни
225. Қоралашга тушди сурбет айюҳаннос солиб эл аро;  
 Ахейлар ҳам Атрейоннинг рафторига терс эди зимдан,  
 Мана, Терсит Атрейзодга густоҳона шанғиллай кетди:  
 «Яна недан зорланасан, сўйла дардинг, недир истагинг?  
 Хазинанг лиқ мису зарга, чодирларинг асираларга
230. Ки ул дилбар қизларни биз шаҳарларни горат этганда  
 Элдан бурун тахлаб олиш ҳуқуқини берганмиз сенга.  
 Ёки олтин тусайдими кўнглинг яна? Ё истайсанки,  
 Илионлик биронта мард, мен ё ўзга юнон аскари  
 Асир олган ўғли учун олтин билан бож тўламоғин?
235. Ё овлоқда кўнгилхушлик қилмоғинг-чун бирон навниҳол  
 Гўзал жувон етмагандир? Йўқ, Атрейон, одобдан эмас  
 Саркарданинг дуч этмоғи ғам-кулфатга ўз лашкарини!  
 Баски, бизлар лашкар эмас, қўрқоқ, шалтоқ хотин экапмиз,  
 Кетайлик уй-уйимизга; Агамемнон ўзи шўппайиб
240. Қолсин бунда, кўмилганча ўз ортирган ўлжаларига;  
 Шояд унга жапнда мадад бўлганимиз англагай шунда.  
 Яқинда у ўзидан ҳам диловарроқ Ахиллесни қилди ҳақорат:  
 Сурбетларча тортиб олиб унинг муздин сурмоқда ишрат!  
 Ахилл билмас адоватни; оғир карвон у, йўқса, сенинг
245. Ҳаётингда бўлур эди энг сўнггиси бу густоҳлигинг!»

- Авбош Терсит халқ чўбонин шундай дея қилди ҳақорат,  
 Лек Одиссей дабдурустдан ҳамла қилди фосиқ бандага.  
 Кўзларидан ўт чақнатиб шундай деди дағдаға ила:  
 «Бадбахт Терсит, шанғи потиқ, жим ўтир сен ўчириб унинг!
250. Тилингни тий, поҳақ бадном қилмоқликдан ҳукмдорларни.  
 Аминманки, Атрейзодлар ила бунда келган юнонлар  
 Орасида топилмагай сендай манфур, бадқирдор бунда.  
 Сен, яхшиси, мажлисларда шоҳлар ҳақда жаврашини бас қил,  
 Қоралама ҳам уларни, уйга қайтиш чоғин ҳам кутма!
255. Хўш, қайси зот бизга аниқ айтур бу жанг оқибатини?  
 Бахтиёрми ёки бадбахт қайтамиз биз уй-уйимизга?  
 Лек сен, фосиқ, маъракада доғлаяпсан Агамемноннинг

- Пок номини, аҳли юнон унга бисёр музд берган, дея!  
 Бу билан сен эл олдида шоҳни бадном қилмоқдадурсан!  
 260. Гапларимни қулоғингга ҳўб қуйиб ол: гар бугунгидек  
 Шоҳнинг номин булғаб яна эл ичида қилсанг шанғилик,  
 Тутиб олиб, елкангдаги рўдапонгни, ҳатто уятинг  
 Яширувчи лозимингни чок этмасам шармандаларча,  
 265. Қалтаклаб халқ орасидан соҳил сари тирқиратмасам,  
 Майли, жудо бўлсин бошим шу қудратли танамдан менинг,  
 Майли, ўшал қувдан бошлаб ота бўлмай мен Телемахга».

- У Терситнинг букрига ва гарданига тушира кетди  
 Асо билан. Маржондек ёш тўкди Терсит бўлиб гужанак;  
 Зероки қон талашганди гар букриси олтин асодан;  
 270. У қўрқувдан дағ-дағ титраб, бадбашара афтин оғриқдан  
 Бужмайтириб, кўз ёшини артганича чўкди ўрнига.  
 Роса кудди Терситдан халқ, кайфияти нохуш бўлса ҳам;  
 Айрим шахслар шундай дерди ёнларида ўтирганларга:  
 «Дарҳақиқат, беададир Одиссейнинг эзгу рафтори;  
 275. У жанггоҳга бошловчи ҳам, яна доно маслаҳатчи ҳам.  
 Аммо бу кун у кўрсатган жасоратнинг йўқдир қиёси;  
 Зероки у оғзи бузуқ бир ҳангининг берди додини.  
 Бундан буён то ўлгунча густоҳона тилини Терсит  
 Тийса керак фосоқ сўзла қарғашдан Зевс арзандаларин!»
280. Шундай дерди юнон. Соҳибқирон Одиссей эрса,  
 Дик ўрнидан турди ушлаб олтин асо; шунда Паллада  
 Бир хабарчи сиймосида жим бўлишга ундади халқни.  
 Токим яқин ва олисда ўтирганлар Одиссей нутқин  
 Тинглаб, таҳлил қила олсин маслаҳатин холисанилло.  
 285. Одиссей ҳам хуш ният-ла нутқ бошлади оломон ичра:  
 «Агамемнон! Турли тилда сўзлашувчи жами эл аро  
 Сенга иснод ёғдирмоқчи фуқароинг, салтанатпаноҳ  
 Ки тарк айлаб Элладани келганида сен-ла бу жангга,  
 Қайтмагаймиз элга, токи Трояни бесару сомон  
 290. Қилмагунча, дея берган сўзидан воз кечмоқчи энди.  
 Ҳозир улар мисли мурғак гўдақлардек, тул хотинлардек  
 Қачон уйга қайтамиз деб бир-бирига зорланмоқдалар.  
 Ваҳоланки, жанг-жадалдан мағлуб қайтмоқ оғирдир ғоят.  
 Чун ёр васлин бир ойгина кўролмаган сайёҳ ҳам ҳатто  
 295. Қиш бўрони ва долғалар банд айлаган кема қошида  
 Ўзин қайга қўяр билмай, нола чекар безовталаниб.  
 Бизлар эсак тўққиз йилки жанг қиламиз бу жанггоҳ аро.  
 Нолимайман юнонларнинг ўз ватанин кўмсашидан, йўқ.  
 Лек уят-ку бесамар жанг ёки уйга қайтиш безафар.  
 300. Йўқ, сабр айланг, биродарлар, пича кутиб, олайлик билиб  
 Қалхас қилган башоратга ишонмоқ ё ишонмасликни.

305. Ёдимизда ул башорат: шоҳид эрур бунга ажалнинг  
 Чангалига дуч келмаган аргосликлар. Хотирангиздан  
 Гар ўчмаган бўлса, юнон кемалари Авлидага жам  
 Бизлар ажиб заранг дарахт соясида, чашма бўйида  
 Худоларга атаб қурбон қилган эдик юз нафар тана;  
 Ўшал заранг томиридан қайпаб чиқар эди зилол сув.  
 Бир мўъжиза содир бўлиб, шунда меҳроб пойидан бирдан  
 310. Маҳобатли олачиפור, қонхўр плон ўрмалаб чиққан  
 Ва бул қодир Зевс махлуқи чирмашганди азим дарахтга,  
 Ул дарахтнинг қир учида, япроқларнинг кўланкасида  
 Қўйган эди чумчуқ уя, унда саккиз нафар полопон  
 Ва уларни энди очиб чиққан она чумчуқ бор эди...  
 315. Илон ютиб юборганди бир ҳамлада полопонларни;  
 Она чумчуқ жудо бўлиб шунда жигар пораларидан,  
 Зор чирқиллаб чарх ургади уя узра бўлиб парвона;  
 Илон эса чўзиб бошини, ютган эди ул шўрликни ҳам.  
 Вале ютиб улгурмасдан у чумчуқ ва полопонларни,  
 320. Зевс намоён этган эди бир мўъжиза: қошиф каромат  
 Крон ўғли айлантирган эди тошга ул шум махлуқни.  
 Бизлар эсак дол қолганча кузатгандик бул кароматни  
 Ки, самовий бир мўъжиза юз берганди меҳроб бошида.  
 Буни кўриб Қалхас дарҳол берган эди ғойибдан хабар:  
 325. — Элладанинг жингалаксоч ўғлонлари, хомушсиз нечув?  
 Бу нишона ила тангри истиқболдан бермоқда дарак,  
 Гарчи уни кутсак ҳамки узоқ, бўлгай охири бахайр!  
 Неча нафар паррайдани ютган бўлса бул қонхўр илон  
 (Жами саккиз полопону она чумчуқ билан тўққизта),  
 330. Шунча йил биз жанг қилгумиз Троянинг бўсағасида,  
 Лек ўнинчи йил келганда Илионни қилурмиз ишғол.  
 Қалхаснинг бул башорати мана ҳозир чиқмоқда тўғри.  
 Бардам бўлинг, обдор қалқон тутган дўстлар, биз кетмагаймиз!  
 Бу жанггоҳдан Трояни токи яксон айламагунча!»  
 335. Тангримонанд Лаэртзода Одиссейнинг бул каломини  
 Мақбул айлаб аҳли юнон ҳайқирдики, теварак-атроф  
 Ва кемалар бул наърага берди чунон мудҳиш акс-садо.  
 Шу чоқ мажлис аро туриб сўз бошлади илоҳий Нестор:  
 «Тавба! Бизлар маъракада жанг нелигин тушунмайдиган  
 340. Гўдаклардек чуғурлаймиз, валекин ул аҳду паймонлар  
 Ва муқаддас онтларимиз не бўлади энди, ўғлонлар?  
 Ёки меҳроб бошида май паймо қилиб, қўлга қўл бериб\*  
 Тузилган аҳд ва режалар энди сувга кетгайми уриб?  
 Тўғри, бизлар оғиз билан жанг қилишга устамиз фақат.  
 345. Шу бойсдан тўққиз йилки силжимайди олға ишимиз,  
 О, мунаввар Атрейоп, сен аввалгидек собит эрдурсан,



- Юпонларга яна ўзинг саркарда бўл майдони ҳарбда,  
 Гар аларнинг орасидан чиқса битта-иккита кўрқоқ,  
 Гумдон айла, — ки рўёбга чиқмагай ҳеч кўрқоқ нияти:
350. Йўқ, Аргосга қайтмагаймиз билмагунча Кронзод — Зевснинг  
 Бизга берган ваъдасининг ёлғон ёки тўғри эканин  
 Ки Троя аҳолисин қирғинбарот қилмоқ қиятда  
 Аргосликлар елдек учар кемаларга ўтирган кунда  
 Бизга қодир Зевс башорат қилган эди зафар қучишни:
355. Ўнг ёнда у чақмоқ чақиб, кўрсатганди эзгу нишона.  
 Йўқ, ҳеч битта ахей ўғли истамайди уйга қайтишни  
 То бағрига босмагунча Троянинг хотинларини\*,  
 То интиқом олмагунча Еленанинг кўз ёши учун.  
 Гар бирон шахс ўз элини қўмсаб, қочмоқ бўлса мабодо,
360. Кўп эшакли кемасига қўл учини теккизиб кўрсин,  
 Ундай кўрқоқ шу топдаёқ элдан олдин топгай қазосин.  
 О, шоҳ, ўзинг бер маслаҳат, лек қулоқ эм ўзгаларга ҳам.  
 Мен қилмоқчи бўлган ўғит хайрлидир, эмас бефойда.  
 Сен, Атрейон, қўшинларни уруғлару насабларга бўл;
365. Токн кўмак берсин насаб-насабга-ю уруғ-уруғга.\*  
 Агар шундай қилолсангу лашкарингга ўтказолсанг сўз,  
 Тез орада сен, қай бир эл ё саркарда энг довурагу  
 Қайси бири кўрқоқлигин тушунгайсан: ки унда ҳар ким  
 Жон куйдиргай ўзи учун; шунингдек, сен Илюн шаҳрин
370. Худоларнинг амри-лами ё қўшиннинг ношудлигидан,  
 Хуллас, нечун забт этолмай ётганингни билиб олгайсан!»

Агамемнон шул заҳоти Пелейзодга айлади жавоб:

- Сен, чол, доим ром этасан ахейларни машваратнинг-ла!  
 «О, падар Зевс, чўнг мерган Феб ва Афина-Паллада, кошки
375. Бўлса эди менда кўпроқ Нестор янглиғ мушовирлардан,  
 Тез орада Приамнинг метин девор қалъаси бизга  
 Таслим бўлиб соврулган бўлур эди кули самога!  
 Лек негадир чақмоқдор Зевс йўллар менга мудом бадбахтлик;  
 Ундар мени у бесамар ихтилога, шум адоватга.
380. Мен довлашиб қолдим, дўстлар, Ахилл билан асира қиз деб;  
 Оқибатда ўз бошимга ҳам орттириб бўлди кўнглим ғаш.  
 Бир кун келиб ул ботир-ла гар ярашсак, аминманки мен,  
 Ҳеч бир кимса Трояни ҳалокатдан қололмас сақлаб!  
 Ҳозир ҳамма бориб, тўйиб овқатлансин, сўнг бошлаймиз жанг.
385. Жамп лашкар чархласин ва текисласин пайза-қалқонни;  
 Елдек учар отларга ем берилсин хўб, жангаробалар  
 Пухта кўздан кечирилсин жангу жадал тараддудида.  
 Биз кун бўйи қилгаймиз жанг бу даҳшатли муҳорабада  
 Ки аскарый сафларга дам берилмагай қош қорайгунча,
390. Фақат зулмат ажратмоғи мумкин бугун довлашганларни.  
 Ботгай терга кўкракдаги ул халоскор қалқон тасмаси;

- Найза тутган билаклар ҳам толгай буткул; жангаробага  
Қўшилган от чўмгай опшоқ кўпикларга батамом, дўстлар.  
395. Лек бордию биронтанинг жангдан қочиб, денгиз бўйида  
Қолганини кўриб қолсам, кейин мендан қилмасин ўпка,  
Зотан ушбу қароргоҳда ем бўлгай у қузғун, кўшпакка!»

- Деди у ва мажлис аҳли долғаларни юксак қояга  
Олиб келиб урғувчи ул шиддатнок Нот — жануб шамоли  
Янглиг гурра ҳайқирдики, ором билмас ўшал долғалар  
400. Чор томондан эсан жўшқин қуюнлардан кўпиргай, тошгай.  
Халқ оёққа қалқиб бирдан тез тарқалди кемалар аро,  
Овқатлана бошладилар давраларда гулханлар ёқиб.  
Тескари қил ажал юзин, ўзинг асра Арей зарбидан,  
Дея ҳар ким қиларди ўз тангрисига\* бисёр қурбонлик.  
405. Атрейзоднинг ўзи эса қодир Зевснинг шаънига атаб,  
Қурбонликка беш ёшли бир буқачани бўғизлатгирди.  
Сўнгра таклиф этди ажиб чодирига ахей лашкарип  
Энг эъвозли, энг мўътабар, ёши улуғ оқсоқолларин:  
Даставвал чол Нестор билан Крит шоҳи Идоменийни,  
410. Сўнгра икки Аякс билан шавкатли зот Тидейзодани,  
Ундан кейин панд-ўғитда Зевсга моназд шоҳ Одиссейни.  
Лек Менелай оғасининг қалбан ғусса чекаётганин  
Англаб, ўзи етиб келди, бўлса ҳамки чақирилмаган.  
Барча тана теграсига турди, арпа ҳовучлаганча;  
415. Шунда Зевсга сиғинди ул давлатпаноҳ айлаб илтижо:  
«О, қудратли чақмоқдор Зевс, арши аъло бузрук тангриси!  
То мен кўркам Илионнинг кулин кўкка совурмагунча;  
Токи унинг қопқаларип сўнмас ўт-ла ёндирмагунча;  
То Ҳекторнинг совутин мис найзам-ла чок этмагунимча\*  
420. Ҳамда унинг сон-саноксиз дўстларин ер тишлатмагунча  
Тавалломга қулоқ осиб, офтобни сен боткизмай тургил  
Ва заминни буркамай тур қора зулмат пардаси ила!»

- Атрейоннинг таваллосин инобатсиз қолдирди лек Зевс:  
Даргоҳида қабул қилган бўлса ҳамки қурбонлигини.  
425. Оғир савдо солмоқ бўлди яна унинг бошига тангри.  
Дуодан сўнг қурбонлик мол устидан туз, арпа сепдилар,  
Сўнг қайириб мол бошини, пичоқ билан бўғизладилар.  
Ва терисин шилдилар-да сон гўштини нимталаб дарҳол,  
Чарвисига қўш қаватлаб ўрадилар яна кўп гўштни.  
430. Қовжираган шох-шабадан ўт қалашиб этдилар кабоб;  
Кейин эса панжшоҳга мол ичин санчиб, тутдилар ўтга.  
Молнинг сони куйгач, улар пишган ўпка-жигардан тотиб,  
Қолган гўштни ҳам жаз қилиб пиширдилар сихларга тортиб.  
Шу зайлда аҳтиётлаб кабоб қилиб жамики гўштни,  
435. Дастурхонлар тузаб дарҳол бошладилар баъзи жамшидни;

Бу сернеъмат зиёфатда барча бирдай қилди маишат.  
Ҳамма шароб ва овқатга тўйгандан сўнг Ҳерениянинг  
Шоҳсувори\* Нестор туриб, шундай деди Агамемнонга:  
440. «О, номдор шоҳ, соҳибқирон Агамемнон! Рухсат эт энди,  
Биз борайлик ва бошлайлик парвардигор буюрган ишни.  
Буюр, дарҳол жарчиларинг жар солишиб, жами лашкарни  
Бандаргоҳга йиғилишга даъват этсин, бизлар бўлсамиз  
Қўшинларни жангга ундаб юрайлик кенг қароргоҳ бўйлаб».

- Агамемнон бажонудил қулоқ осди чолнинг сўзига:
445. Шу он-оқ у фармон берди янгроқ овоз жарчи аҳлига  
Мис совутли данайларни жангга даъват этмоқ ҳақида.  
Жарчилар жар солган заҳот жам бўлдилар бутун аскарлар.  
Зевснинг суйган бандалари — Атрейоннинг атрофидаги  
Шоҳлар халқни сафга тиза бошладилар; бу чоқ Паллада
450. Бебаҳо ва мангу гўзал қалқон тутиб бўлди намоён:  
Безатилган эди қалқон юзлаб нафис зар гажим ила  
Қи арзирди ҳар бир гажим энг камиди ҳекатомбага.  
Маъбуда шул қалқони-ла омма аро айланиб юриб,  
Ҳар бир мардни ундаб жангга, билагига уфуарди куч,
455. Чарчаш билмай олишсин деб ғаним билан зафар қучгунча.  
Оқибатда қонли оруш лаззатлироқ туюлиб кетди  
Бул мардларга она юртга толпинувчи хуш армондан ҳам.  
Машъум ёпғин энг юксак тоғ бошидаги қуюқ ўрмонни  
Қийратганда, кўрингандек олисларда упинг шуъласи,
460. Саф-саф бўлиб ҳар ёқ юрган лашкарнинг ҳам мис яроқлари  
Қамаштириб эл кўзини, акс этарди ҳатто фалакда.  
Осиёнинг шўх Каистр жўшиб оққап воҳаларида  
Маскан қурган ёввойи ғоз ва турналар ё бўйни узун  
Оққушларнинг сон-саноқсиз галалари кўк гумбазида
465. Шўх сайрашиб, гала-гала, тўп-тўп бўлиб, қилгандек парвоз,  
Гурра учиб тўрт томонга, қўнишгандек майсазорларга,  
Юнонлар ҳам чиқиб шу чоқ кемалару чодирларидан,  
Шовқин солиб борардилар Аскамандр ўтлоғи томон;  
Инграр эди замин отлар ва лашкарнинг пойи остида,
470. Аргосликлар мисли азим бир дарахтнинг япроқларидек  
Ё баҳорда чаманзорда қулф урган гул-чечаклар янглиғ  
Аскамандр воҳасига жам бўлдилар ҳеч бекаму кўст.

- Ҳазирама қиём чоғда қишлоқдаги мол қўраларда  
Соғилган сут билан тўлган хурма ҳамда хурмачаларнинг
475. Тепасида ғужғон ўйнаб, ғув-ғув учган пашшалар каби  
Зирҳ совутли юнонлар ҳам жанг майдонда трояликлар  
Қаршисида «янчамиз», деб наъра тортиб турар эдилар.

Лекин дашту биёбонда ўтлаб юриб қоришиб кетган  
Қўй-эчкилар уюрларин аҳли чўпон ҳеч қийналмасдан

480. Ажратгандек, саркардалар ҳам ўз аҳли сафларга тизиб,  
Шайлардилар барин жангга; бу паҳлавон лашкарбонилар  
Орасида боши ҳамда боқиллари чақмоқдор Зевсга,  
Алл кўкраги Посейдонга, қадди-баста буюк Арейга  
Ўхшагучи Агамемнон алоҳида турарди ажраб.
485. Ки беҳисоб говмушларнинг орасида девқомат буқа  
Яққол кўзга ташлангандек, бузрук Зевс ҳам Агамемнонни  
Бу жапгоҳда сон-саноксиз ботирлардан қўйганди устун.

- О, олимплик Музалар, сиз айлап баён кўрганларнингиз:  
Ҳар ерда сиз, маъбудалар, ҳозирдирсиз, ҳар гапдан огоҳ;  
490. Бизлар эса гофилдирмиз, беҳабармиз кўп нарсалардан.  
Айтиб беринг ном-баном сиз юнонларнинг ҳукмдорларин;  
Лек гар тилим бўлса ўнта, япа шунча кекирдагим ҳам,  
Гар овозим мангу ўчмас ва юрагим мисдан бўлса ҳам,  
Ожиздурман лашкарларни мен бирма-бир санаб чиқмоққа.
495. Трояга жанг-ла келган юнонларни биттама-битта  
Фақат сиз, о, Зевс қизлар қодирдирсиз тилга олмоққа,  
Лек мен фақат санаб чиққум саркардалар ва кемаларни.

- Беотия лашкарини жангга бошлаб келган эдилар  
Аркесилай, Профенор, Пенелей ва Лент, Клоний.
500. Булар тошлоқ Авлидада, Гирияда ва Схенада,  
Ўрмони кўп Этеонда, Греяда ва Фесияда  
Сколда-ю Микалесснинг кенг даштида яшовчиларга;  
Ҳам Илезий, ҳам Гарма, ҳам Эритранинг аҳолисига;  
Гил, Элеон, Окалея, Петен ва гоят муҳташам
505. Медеонда, Эвтрезда, каптари мўл Фисба шаҳрида,  
Короней, Галлиартнинг хушманзара ўтлоқларида  
Кун кўрувчи фуқарога, Глисс ҳамда Платеянинг  
Даласида терлар тўкиб экин эккан деҳқон аҳлига;  
Посейдоннинг меҳробгоҳи — хушманзара ўрмонзор Опхест
510. Ҳамда ажиб Ҳипофила халқларига, булдан ташқари,  
Ўзумзори мўл Арна-ю, Мидеяда, кўркам Ниссада  
Ва ниҳоят, чекка элат Афедонда яшовчиларга  
Сардор бўлиб келгандилар. Улар бошлаб келган кемалар  
Эллик нафар эди, ҳар бир кемада юз йигирматадан
515. Беотия ўғлонлари ўтирарди — навқирон ва мард.

- Аспледону Орхомендек шаҳарларнинг аҳолисига  
Арейзодлар: Аскалаф ва Иялмеллар саркарда эди;  
Бу икковин бокира қиз Астиоха ота уйида  
Туққан эди: ки бир вақтлар унинг юксак кошонасига
520. Қодир Арей ташриф этиб, қовушганди у-ла пинҳона,  
Булар жангга ўттиз кема лашкар билан келганди этиб.

- Шундан кейин фокидалик лашкарларга бўлиб саркарда,  
Ифитзотлар: Схедий ва Эпистроф келдилар бирга;  
Ботир Навбол насабидан бўлган бу мард эрлар авлоди
525. Кипарисда ва Пифосда, Криссанинг ҳамда Давлисининг  
Хушманзара воҳасида, Панопея, Гнамполада,  
Зироатзор Анеморий атрофида, табаррук дарё  
Кефиссанинг бўйларида, Лилеяда яшар эдилар.  
Бу элатнинг лашкарлари бўлганди жо қирқта кемага.
530. Қўш саркарда Фокидадан бошлаб келган ўз лашкарини  
Сафлантирди Беотия кемаларин чап қанотиға.

- Локр элига Оилейнинг ўғли Аякс йўлбошчи эди:  
Лек у асло ўхшамасди Теламонзод ботир Аяксга:  
Кўн совутли бу Аякснинг анча кичик эди жуссаси.
535. Илло моҳир найзаандоз эди ғоят эллиплар аро.  
У Каллиар, Кинос, Опус, Весса, Скарф ҳам Авгеянинг  
Хушманзара воҳасида яшагувчи қабилаларга,  
Шўх Воаргий бўйларида кун кўрувчи Фроний, Тарфа  
Элларига сарбон бўлиб қора биқин қирқта кемада
540. Пурмуқаддас Эвбеяга қўшни бўлган Локр юртидан  
Талай-талай лашкарларни ўзи билан келганди олиб.

- Эвбеянинг кўп жангари одамлари — абант халқини —  
Эретрия, Халкида ва Гистиея аҳолисини,  
Денгиз шаҳри Коринфда ва Диумадек баланд қалъада,
545. Стир ҳамда Кристада истиқомат қилувчиларни,  
Халкодонлар наслидан ва шоҳ Арейнинг қавмидан бўлган  
Мард абантлар саркардаси Элефенор олиб келганди.  
Сочин фақат энсасида ўстирувчи, билаги пайдор,  
Мис совутли душман кўксин найзаси-ла чок айлагувчи,
550. Юрагида ўти бўлган бу абантлар қирқта кемада  
Илионга келгандилар Элефенор бошчилигида.

- Шоҳ Эрехтей она ердан бунёд бўлиб қадим замонда,  
Камол топган эди мудом Палладанинг парваришида,  
Сўнг маъбуда уни кўркам Афинага стаглаб кириб,
555. Ўз муҳташам маъбадига ўтказганди; Афина аҳли  
Шундан буён уни ҳар йил охирида эъюзлаб чунон,  
Қурбонликка сўяр эди қўю тана унинг пойида;  
Ушбу обод Афинанинг мард эрлари моҳир саркарда  
Петейзода Менесфей-ла Трояга келган эдикки,
560. Ер юзида биронта зот на отларни, на лашкарларни  
Жанг-жадалга ҳозирлашда Менесфейга келолмасди тенг,  
Елғиз кекса Нестор у-ла бу борада беллашоларди.  
Петейзод-ла лашкар тўла эллик кема келганди олиб.

Саламиндан йигирмата кема билан келган паҳлавон  
565. Теламонзод афиналик лашкарларнинг сафига турди.

Аргослик мард ўғлонларга, метиндевор Тиринф аҳлига,  
Гермиона ва Азина бандаргоҳи халқларига ҳам,  
Трезена, Эион, токзор Апидавр шаҳарларида,  
Масета-ю, Эгинада яшагучи ёш-ялангларга

570. Машҳур жангчи Диомеду Капанейнинг диловар ўғли  
Мард Сфенел, тагин подшо Талайзод алп Мекестейнинг  
Маъбудсифат ботир ўғли ёш Эвриал эди саркарда,  
Лек Диомед бузрук сардор эди ҳамма устидан турган:  
Саксон кема лашкар ила келган эди улар жанггоҳга.

575. Ҳашаматли Микенада, бой-бадавлат, гўзал Коринфда,  
Данғиллама уйлари кўп Клеонада яшовчиларни;  
Шоду хуррам Арифрея ва Орпия аҳолисини,  
Бир замонлар Адраст ҳоким бўлган кўҳна Искион шаҳрин,  
Ҳиперея элин жами халқларини, юксақ қояли

580. Ҳоносса фуқаросин; Пелленада ва Эгионнинг  
Теграсида, бутун денгиз соҳилида ҳамда бепоён  
Геликасинг атрофида яшагучи барча элларни  
Юз кемада Агамемнон сарбон бўлиб келганди бошлаб.  
Мўл ва афзал эди у-ла келган лашкар ҳамманикидан;

585. Шу боисдан Агамемнон ғоят ажиб мис совут кийиб,  
Мартабасин юксаклиги ва лашкарин сонсизлигидан  
Мағрурланиб эл ичида виқор билан юрарди бугун.

Гўзал Фара, Спартада, тоғ ораси Лакедемонда,  
Турфа қаптар галаси-чун хушмаскан ул Месса шаҳрида;

590. Брисия ўлкасида, Авгиянинг ғоятда гўзал  
Воҳасида кун кўрувчи элатларни; яна Амикла  
Қалъасида ва денгизнинг бўйидаги Ҳелос шаҳрида;  
Лаасда-ю, Этил шаҳрин атрофида яшовчи халқни,—  
Шулар барин Атрейзода чўнг паҳлавон Менелай ботир

595. Бошлаб келиб бу жанггоҳга нақ олтмишта теран кемада,  
Қўйган эди алоҳида бандаргоҳга этиб саф-басаф  
Ва ҳар жангда лашкарини жанггоҳ сари бошларди ўзи;  
Зероки бул диловар зот ўғирланган ҳур Еленанинг  
Тортган ситам-нолалари учун ёвдан интиқом олмоқ

600. Орзусида ёнар эди астойдил, ҳаммадан кўпроқ.

Данғиллама уйлари кўп Эпи шаҳри, Кипариссия,  
Ўта гавжум Аренаю Пилос, Ҳелос, Амфигения  
Фриосу Птелеос, Алфей бўйи ва Дорионнинг  
(Бир замонлар музалар шу Дорионда фракциялик

605. Зўр хонанда Фамирга дуч келиб, уни эгашлар хароб:  
Зеро Фамир Эхалия шоҳи Эврит истиқболдан

Қайта туриб керилганкан: гар истасам, хонаваликда  
Зевс қизлари Музалардан устун чиққум муқаррар, дея.  
610. Кўр қилишиб, тангри ато этган янгроқ хуш овозидан,  
Кифараси — шўх созидан тамом маҳрум этган эканлар) —  
Шу ўлкалар фуқаросин кекса Нестор тўқсон кемада  
Турнақатор сафга тизиб ўзи билан келганди бошлаб.

615. Подшо Эпит дафн этилган зиёратгоҳ Аркадияда,  
Яъни юксак Қилленанинг этагида яшовчиларни,  
Фенос, Рипа, Стратия, чорваси мўл Орхомен аҳлин,  
Жўшқин дарё Эниспанинг бўйларида, Мантинейда  
Ҳам Тегея қўрғонида истиқомат қилувчиларни;  
620. Стимфаллик мардларни ва Парразия деҳқонларини, —  
Булар барин Анкейзод шоҳ Агапенор олтмиш кемада  
Сардор бўлиб олиб келди; ҳар бир кема лиқ тўла эди  
Жангга моҳир, иқтидорли Аркадия ўғлонларига,  
Вале улар баҳрийликда бўлганичун тамом уқувсиз,\*  
Денгиз оша Трояга борадиган барча кемани  
625. Мардлар марди Агамемнон жиҳозлаган эди улар-чун.

Улардан сўнг энг муқаддас Элидада, Вупрас шаҳрида,  
Гирминаю овлоқ Мирзин, Алезия тепалигида,  
Оления қоясида яшовчи эл қирқта кемада  
Тўртта гуруҳ бўлиб келди тўрт сардорнинг бошчилигида.  
630. Бу халқларга Ктеатзод Амфимаҳу Актор наслидан  
Эврит ўғли ботир Фалпий, Амаринкзод паҳлавон Диор  
Ва шунингдек, чўнг ҳукмдор Агасфеннинг ўғли Авгийнинг  
Набираси тангримонанд Поликсенлар сарбон эдилар.

Элиданинг қаршисида, чексиз уммон ортида ётган  
635. Дулихийнинг, зиёратгоҳ Эхинаднинг лашкарларига  
Бошлиқ эди ботир Мегес. Бу зот — қочиб ота қаҳридан,  
Дулихийда паноҳ топган тангриларнинг эрка бандаси  
Мард Филейнинг ўғли эди: Ареймонанд бу азаматнинг  
Орқасидан лашкар тўла қирқта кема келганди елиб.

640. Кефалленияликларни, қуюқ ўрмон билан бурканган  
Нерит элин, Итака-ю, Крокилея фуқаросини  
Тақир-тошлоқ Эгилипа ерида қўш ҳайдовчиларни,  
Закинф, Эпир, Самос юрти ва нариги соҳил аҳлини  
Бошлаб келди Шоҳ Одиссей — машваратда нақ Зевсга монанд.  
645. Бу паҳлавон ўн иккита қизил тўшлик кема-ла келди.

Андремоннинг ўғли Фоас ҳам Оленда, ҳамда Пиленда,  
Плеврону Қалидонда, соҳил шаҳар Халкидада ҳам  
Яшагучи Этолия аҳолисин бошлаб келганди.

- Зеро Иней ҳамда унинг алшкелбат мард ўғлонлари:  
650. Мелеагр билан Тидей ўтган эди бу пайт оламдан;  
Демакки шоҳ эди Фоас Этолия салтанатида.  
Ўзи билан у қирқ кема лашкар олиб келганди бунда.

- Крит аҳли найзабардор Идоменей келганди бошлаб;  
Кносдаю Ликт, Милетда, сардевор-ла ихоталанган  
655. Гортинада, оқ уйлари мўл Ликастда ҳам юз қалъали  
Крит элин Ритий ва Фест каби ғоят шавкатли, гавжум  
Ва поёнсиз ерларида маскан қурган элатларига  
Кўп юртларга донғи кетган соҳибқирон Идоменей-ла  
Ареймонанд Мерион шоҳ қилардилар лашкарбошилиқ.  
660. Критликлар келган эди саксон қора кема лиқ тўлиб.

- Отасидек ҳам алшкелбат, ҳам паҳлавон Ҳераклзода  
Тлиполем мутакаббир Родос элин тўққиз кемада  
Олиб келди; бу халқ Родос оролида уч уруғ бўлиб  
Кун кечирди Липд, Иялис ва оқ уйли Камир шаҳрида:  
665. Ҳераклнинг қуввасию навниҳол қиз Антиохадан  
Бунёд бўлган ўғлон — буюк пайзабардор, жангда рақибга  
Шафқат билмас Тлиполем саркардайди бу элатларга;  
Ки Ҳеракл Зевснинг хушбахт бандаларин сону саноксиз  
Шаҳарларин ғорат этиб юрган чоғда, Эфирадаги  
670. Селлеиснинг соҳилидан топган эди бу гўзал қизни.  
Лек бу ўғлон Ҳераклнинг саодатли хопадонида  
Ўсиб-унгач, отасининг Арейваш, лек мункиллаб қолган  
Амакиси Ликимшийни ўлдирганди бир кун тўсатдан.  
Шунда баттол Тлиполем қўрқиб кетиб ўз қилмишидан,  
675. Ҳераклнинг қуввасидан хешларининг интиқомидап,  
Бошин олиб қочган эди кўп лашкар-ла она ватандан  
Ва Родосга етган эди чекиб роса йўл азобини;  
Мусофирлар бўлинишиб бу ўлкада учта уруққа,  
Кун кечири бошладилар одамзоднинг бузрук падари  
680. Зевснинг эрка бандалари қабилида, ки Олимпли Зевс  
Сочиб турди мудом неъмат ва беадад давлат аларга.

- Триполем орқасидан уч кемада Сим ўлкасидан  
Этиб келди ёш эр Мирей — шоҳ Хароп ва Аглая ўғли;  
Илионга келган ушбу ўғлон Нирей Ахиллесдан сўнг  
685. Ўктамликда энг хушқомат, энг хушчеҳра бўлса ҳам гарчи,  
Ботирмасди, боз устига лашкари ҳам оз эди жуда.

Низир, Қазос, Крапаф элин, шоҳ Эврипил шаҳри Коссинг  
Ҳам Калидий ороллари фуқаросин икки саркарда:  
Фидипп ила жангда тенгсиз Антиф келган эди бошқариб:



690. Иккови ҳам Ҳераклзод шоҳ Фессалнинг ўғлонларийди.  
Чиройли саф тортган ўттиз кема билан келганди улар.

Энди санай пеласгларнинг Аргосида яшовчиларни —  
Мирмидонлар, ахейлар ва эллилар деб юритилувчи  
Алос, Алоп, Трахина, қир-адирли Фтия элли,  
695. Соҳибжамол қизлари-ла донг таратган Эллада аҳлин —  
Булар барин бошлаб келган эди Ахилл эллик кемада.  
Илло улар жангу жадал ҳақда ҳозир ўйламасдилар;  
Ки йўқ эди бу сертахдид сафни жангга бошлагувчи эр.  
Зеро Ахилл бандаргоҳда, чўнг кемалар кўланкасида  
700. Сумбул сочли Брис қизин хуморида ўтдай туюқиб  
Қовоқ солиб ётар эди захга бериб ёлдор тўшини.  
Бу қизга у Фива янглиғ азим девор билан қуршалган  
Лирнес шаҳрин айлаб ғорат, шоҳ Селепнинг набиралари —  
Эвэнзотлар — найзабардор Эпистроф билан Минесни  
705. Машаққатли жапгда енгиб, бўлган эди охир муяссар,  
Ҳозир Ахилл андуҳ чекиб ётар эди шу қиз кўйида;  
Лек ҳадемай наъра тортиб, шахт ўрнидан тургай паҳлавон.

Филакия эрларига ва чаманзор Пираз аҳлига,  
Итонея подаларин пушт-паноҳи Деметра суйган  
710. Хушманзара ўтлоғи мўл Птелейнинг, баҳрий Антроннинг  
Халқига мард Протосилай қилар эди лашкарбошилик;  
Эвоҳ, энди ул азамат ётур қаро ернинг қаърида.  
Олис юрда дийдаси хун хотинини, чала битган иморатини  
Ташлаб келган бу мард ўғлон лашкарлардан биринчи бўлиб  
715. Троянинг тупроғига қадам қўйган ва шу заҳоти  
Приам ўғли мард Ҳекторнинг найзасидан бўлганди побуд.  
Гарчи лашкар жудо бўлган бўлса ҳам ўз саркардасидан,  
У бесарбон қолмаганди; лашкарларни энди жанггоҳга  
Қумуш юнгли қўй-қўзилар пушт-паноҳи Ификл ўғли,  
720. Шоҳ Филакнинг набираси, қурбон бўлган Протесилайнинг  
Ўз туғишган укажони мард Подаркес бошлаб борарди;  
Лек Подаркес акасидан сал заифроқ, нимжонроқ эди:  
Бинобарин ҳамон қўшин изтироб-ла қўмсарди уни —  
Лашкар тўла қирқта кема билан келган Протесилайни.  
725. Фера ва Беб, Глафира-ю Бебеид кўл қиргоқларида,  
Иморати кўп муҳташам Ияолкда яшовчиларни  
Елдек учар ўн бир кема олиб келди; бу қўшинларга  
Адмет ила Алкестанинг ўғли Эвмел эди саркарда;  
Опа-сингил қизлар ичра энг дилбари Алкеста эди.  
730. Мефон аҳлин, Фавмакия деҳқонларин, Мелибеяда  
Ва бадҳаво Олизоннинг қир адрида яшовчи элли —  
Шулар барин моҳир мерган мард Филоктет етти кемада

- Олиб келди; ҳар кемада элликтадан билаги пайли,  
 Жангга ташна эшкакчилар ўтирарди. Вале Филоктет
735. Бу аснода хушбахт Лемна оролида чекарди азоб.  
 Ки заҳарли илон чақиб, дучор бўлгач бедаво дардга,  
 Шу оролга ташлаб кетган эдилар ул ситамдийдани.  
 Лек ахейлар сал вақт ўтмай Филоктетни эслашгай яна.  
 Гарчи лашкар ҳеч қолмаган бўлса ҳамки лашкарбописиз,
740. Мудом барча қўмсар эди ул паҳлавон шоҳ Филоктетни.  
 Бул қўшинга Оилей ва гўзал Рена фарзанди Медон —  
 Оилейнинг гаъри никоҳ ўғли Медон — эди саркарда.

- Подшо Эврит салтанати Эхалия, тоғли Ифима  
 Ва Трикка аҳолиси донишманд шоҳ Асклепийнинг
745. Икки ўғли — икки табиб Подалир ва Махаонларнинг  
 Етагида келгандилар саф-саф бўлиб ўттиз кемада.

- Ормения, Астерия ва Титаннинг қорга бурканган  
 Чўққисида, Ҳиперия чашмасининг сўлим бўйида
750. Маскан қурган фуқарога Эвемоннинг серзийнат ўғли  
 Мард Эврипил сардор бўлиб, улар барин қирқта кемада  
 Ўзи билан эргаштириб елдек учиб етиб келганди.

- Аргисса-ю Гиртонанинг чор ёғида, Орфа элида,  
 Азим Элон шахрида ва биполари ғоят сарбаланд
755. Олооссон қалъасида яшагучи фуқароларга  
 Боқий Зевснинг зурриёти — Пирифойнинг ўғли Полипет —  
 Энг довурак лашкарбоши сарбон бўлди. Кентаврларни  
 Қонли жангда мард Пирифой маҳв этган кун, шу Полипетни  
 Туққан эди унинг барно рафиқаси Ипподемия;
760. Пирифой ҳам ёлдор ёвни\* Пеллиондан тирқиратганча  
 Қувган эди дам бермайин то эфиклар юртига довур.  
 Сардорликда ёлғизмасди: Кеней ўғли — Корон авлоди  
 Метин юрак, Ареймонанд Леонтей ҳам эш эди унга.  
 Қирқта кема келган эди бу ўғлонлар бошчилигида.

- Боз йигирма икки кема келди Гуней бошчилигида;
765. Бу мард бошлаб келган эди Эн аҳлини ҳамда урушқоқ  
 Перребларни, қиш-қировли Додонада яшовчиларни,  
 Жўшқин дарё Титаресий бўйида ер ҳайдовчиларни  
 (Титаресий кумуш янглиғ зилол сувин Пенейга томон  
 Оқизаркан, ҳеч омиқта бўлмай ўшал дарё сувига,
770. Гўёки мой янглиғ оқар эди сувнинг сатҳи юзалаб,  
 Ки Пенейнинг сарчашмаси эди мудҳиш Стикс дарёси\*).

Тендредоннинг ўғли бўлмиш Профоой Пеней ерида,  
 Ва ўрмонли Пеллионда яшагучи магнет қавмига

Сардор бўлиб жангга бошлаб келган эди улар барини;  
775. Қирқта қора кема тўла лашкар олиб келганди ул мард.

- Шундай эди мис совутли данайларнинг ҳукмдорлари.  
Сўйла, Муза, Атрейзодлар ила келган қай бир саркарда  
От-улови ёки ўзи билан кўзга ташланди яққол?  
Жами отлар орасида Ферет ўгли Эвмел ботирнинг
780. Қушдек учар тулпорлари ажраб турар эди жанггоҳда;  
Бир хил эди бу отларнинг туси, ёши, бўйи-баста ҳам;  
Арейона даҳшатли бу йилқиларни Аполлон ўзи  
Парваришлаб боққан эди Пиерия ўтлоқларида.
785. Соҳибқирон Ахилл гамнок ва газабнок бўлгандан буён;  
Аслида-ку, шоҳ Ахиллес Теламонзод Аяксдан анча  
Зўрроқ эди; тулпорлари тенгсиз эди бу жанггоҳ аро.  
Вале Ахилл ўлтирарди кемаларин кўланкасида  
Атрейзодга адоватдан алп юраги оташдек ёниб;
790. Лашкарлари эса уммон соҳилида бекорчиликдан  
Лаппак ўйнаб, найза, камон отишарди. Саркардаларнинг  
Жангга ташна тулпорлари пишқиришиб, жангаробалар  
Қаршисида нилуфар ем, беда кавшаб бекор турарди.  
Жангароба ва отларнинг афзаллари саркардаларнинг
795. Даҳлизиди саранжомлаб қўйилганди йиғиштирилиб;  
Сардорларнинг ўзи эса муҳтож бўлиб мард раҳнамога,  
Зерикишиб, тентирашиб юрардилар қароргоҳ аро.

Мана, лашкар юрди олға — буркангандай бўлди ер ўтга;  
Чақмоқотар Зевс Тифейни\* Аримада (уни шу тоғда  
800. Маскан қурган деб айтурлар) ўз қаҳрига олгандек гўё,  
Воҳа фарёд чекар эди; ки заминнинг энг теран ери  
Зирқирарди бу водийдан жадал ўтган лашкар пойида.

- Бу аснода Зевс элчиси — Ирида шум хабар-ла елдек  
Учиб келди Троянинг казо-казо аҳли қошига.
805. Улар бари — ёшу қари жам бўлишиб Приам қасрида,  
Ўтказишар эди кенгаш. Ул илоҳа — Зевс даракчиси  
Халқ давраси ўртасида туриб Приам ўгли Политнинг  
Овози-ла элга қилди мурожаат: лек Полит ўзи  
Бу пайт даштда, энг мўйсафид Эзиетнинг қабри бошида
810. Ўтирволиб, ишонганча ўзин чаққон оёқларига,  
Кузатарди соҳил ёқдан данайларнинг ҳужум қилишин.  
Зевс элчиси нутқ сўзлади ўшал Полит қиёфасида:  
«Муҳтарам чол! Сен ҳали ҳам хуш кўрасан бир вақтдагидек  
Эзмаликни: таҳдид солур мудҳиш уруш ахир бошингга!
815. Кўп юрганман жангларда мен, лек ҳеч қачон кўрмаган эдим  
Лашкарларнинг шунчалик кўп бўлишини! Улар беҳисоб

Ўрмондаги япроқлардек, соҳилдаги қум заррасидек;  
Шаҳринг томон ёпирилиб келмоқдалар мўру малаҳдек.  
820. Ҳектор, сенга бир фойдали кенгашим бор — амал қил унга:  
Ҳам элати, ҳамда тили бошқа-бошқа бўлган мутаффиқ  
Қабилалар беҳисобдир Приам шоҳнинг салтанатида.  
Ҳар элатнинг, ҳар бир халқнинг ўз сардори, ҳукмдори бор;  
Шу сарбонлар ўз халқларин тизиб сафга, бошласин жангга».

Айди санам; бул баёнчи маъбудани таниди Ҳектор:  
825. Маърака ҳам тарқатилди. Қуролланди Троя аҳли.  
Ланг очилди дарвозалар; пиёда ва отлиқ аскарлар  
Саф-саф бўлиб даштга чиқди; сурон босди еру осмонни.

Троянинг қаршисида, кенг далада доирасимон  
Бир сарбаланд тепа бўлиб, бир хил эди ҳамма томони.  
830. Ватнея деб атарди барча одам қадимдан уни,  
Лек таугрилар Миринанинг қабри дерди. Худди шу ерда  
Икки ёққа ажралишди Приам эли ва муттафиқлар.

Мис дубулға кийган Ҳектор троялик паҳлавонларга  
Лашкарбоши эди жангда; бу довюррак найзабардорлар  
835. Руҳи тетик, қиличлари қонсираган йигитлар эди.  
Улардан сўнг дарданларни Анхиз ўғли қудратли Эней  
Бошлаб борди; у таваллуд топган эди Афродитадан,  
Ки ям-яшил, юксак Ида ўрмонида дилбар маъбуда  
Дабдурустан фоний Анхиз ила бир кун қовушган эди.  
840. Елғизмасди Эней; у-ла Антенорнинг икки фарзанди  
Акамас ва Архелохлар қилардилар лашкарбошилиқ.

Юксак Ида этагида, Зелияда яшаб, Эзепнинг  
Лойқа суви ичувчи бой аҳолига ёйотар Пандар —  
Яъни ботир Ликаонзод раҳнамолик қилар эдики,  
845. Уни маҳвор камон билан тақдирлаган эди Аполлон.

Адрастея, Питиея ҳамда Аpez қишлоқларининг  
Ундан кейин, юксак тоғли Терееянинг аҳолисига  
Сарбон эди совет кийган Адраст ила Амфий — паҳлавон.  
Иккови ҳам перкоталик шоҳ Меропнинг ўғли эдилар.  
850. Мероп соҳиббашорат зот бўлгани-чун фарзандларининг  
Қирғинбарот жанггоҳига боришига бўлмади рози;  
Лек фарзандлар тингламади ўғитларин кекса падарнинг:  
Ки уларни мудҳиш ўлим сари бошлаб борарди қисмат.

Перкогада, Практионнинг теграсида, Сестос, Абидос  
855. Ва муқаддас Арисбада истиқомат қилувчи элни  
Гиртак ўғли мардлар марди Азий жангга келганди бошлаб;  
У Селлеис бўйидаги Арисбадан кўп маҳобатли,  
Олов тусли айғирларда келган эди Илион сари.

Хиппофоой қир-адирли Лариссанинг серфайз, серҳосил  
860. Ерларида яшагувчи пеласгларга бош бўлиб келди;  
У-ла Пилей лашкарбоши бўлиб келган эди бу ерга;  
Леф фарзанди, шоҳ Тевталнинг набираси эди иккови.

Шўх Хеллеспонт оқиб ўтган Фракия вилоятининг  
Барча элин Акамас ва Пирос жангга бошлаб келганди.

865. Зевс эркаси Трезеннинг ўғли бўлмиш Эвфем паҳлавон  
Найзабардор кикон элин бошлаб келди бу жанггоҳ томон.

Перихм ҳам азим дарё Акий оққан олис Амидон  
Ўлкасидан эгрикамон пеонларга бош бўлиб келди;  
Акий зилол суви билан суғорарди талай ерларни.

870. Мард Пилемен пафлагонлар лашкарига қилиб сардорлик,  
Улар барин ҳам Китордан, ҳам Сесамдан, асов хачирлар  
Ўтлаб юрган Генетдан ва Парфенийнинг соҳилларидан,  
Дангилама уйлари кўп Кромнадан ва Эгналдап,  
Чўнг Эрифин қоясидан тўп-тўп қилиб келганди йиғиб.

875. Кумуш кони ғоятда бой Алибадек йироқ ўлкадан  
Годий билан Эпистроф бошлаб келди гализонларни.

Мизиянинг халқларига Хромий ва фолбин Энномос  
Сарбон бўлди; вале фол ҳам сақлаб қола олмади уни  
Ёвуз ажал чапгалидан: бўлди унинг қотили Ахилл —  
880. Бу паҳлавон жўшқин дарё соҳилида Троя аҳлин  
Ҳамда ўзга элатларни шафқатсиз маҳв этган чоғида.

Форкис билан мард Асканий — жангга ташна икки паҳлавон  
Фригия элин бошлаб келди олис Аскапиядан.

Гигей кўлин фарзандлари\* Пилемензод Антиф ва Месфл  
885. Осмонўпар Тмол тоғин этагида таваллуд кўрган  
Меония элларига келгандилар саркарда бўлиб.

- Настес эса, ғайри тилда\* сўзлашувчи Қария элин,  
Яъни Милет ва ўрмонзор Ффир тоғи аҳолисини,  
Меандрнинг соҳилида, Микаланинг сар чўққисиди  
890. Кун кўрувчи уруғларнинг барин йиғиб келганди бунда;  
Диловор зот Номшоннинг фарзандлари Амфимах билан  
Настес эди бош бу элга; Настес ҳатто жангга ҳам худди  
Хонимлардек олтин, кумуш тақинчоқлар тақиб кирарди.  
Шўрлик! Машъум ўлимни даф этолмади олтин билан ҳам.  
895. У Ахиллес шамширидан нобуд бўлиб, оқди жасади  
Шўх дарёда; олтинлари ўлжа бўлди ғолиб Ахиллга.

Сарпедон ва мутакаббир Главк олис Ликиядаги  
Теран Ксанф соҳилидан бошлаб келди саноқсиз лашкар.

## УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

ҚАСАМЕД. ЮНОН ҚЎШИНЛАРИНИ ШАҲАР ДЕВОРИ УСТИДАН КУЗАТИШ.  
АЛЕКСАНДР БИЛАН МЕНЕЛАЙНИНГ ЯКҚАМА-ЯКҚА ЖАНГИ

- Иккала халқ икки ёқда кўриб бўлгач жанг тараддудин,  
Қушлар янглиғ уввос солиб гурра қалқиди Троя аҳли:  
Одатда қиш бўронидан ё аёзли куз ёмғиридан  
Қочиб, кўкка парвоз этган турналар шу тарзда қичқиргай;
5. Қушлар жўшқин уммон оша учарканлар юксак самола.  
Ғанимлари пигмейларга\* офат йўллаб осмон-фалакдан,  
Мудҳиш ғазаб ила ҳамла қилардилар улар устига.  
Лек ахейлар адоватли ҳансирашиб келардилар жим  
Бир ёқадан бош чиқариб жанг қилмоққа аҳд қилган ҳолда.
10. Нот шамоли тоғу тошни ўғрилар-чун зулматдан афзал,  
Чўпонларга кони зиён туман ила буркаганида,  
Кўролмайсан отган тошинг бориб тушган ердан нарини, —  
Худди шундай қуюқ эди лашкар пойи остидан чиққан  
Чанг, тўзон ҳам; кенг водийдан улар жадал ўтдилар юриб.
15. Икки тараф қўшинлари бир-бирига келгач рўбарў,  
Троялик тангри келбат Александр чиқди олдинга;  
Елкасида қошлоп тери, эгри камон, ёнида шамшир,  
Қўлларида икки найза — виқор ила шундай деди у:  
— О, ахейлар, бўлса агар даврангизда бирон азамат,
20. Майдоп аро чиқсин мен-ла беллашгали шафқатсиз жангда!  
Лекин шу чоқ саф ичидан кибр ила чиққан Парисни  
Кўриб қолди тангри Арей арзандаси — Менелай подшо,—  
Кўрди-ю, нақ шохдор кийик ё ёввойи дашт тақасига  
Тўқнаш келган шердек, кўзи чақнаб кетди; агар чор ёқдан
25. Овчилару този итлар ўраб олган бўлганида ҳам,  
Парво қилмай, ўлжасини ямламасдан ютар бундай шер:  
Менелай ҳам қувнаб кетди кўрган заҳот Александрни  
Ва бу хотин ўғрисида қасд олмоқ-чун жангаробадан  
Сакраб тушиб, чошиб борди Александр рўбарўсига.
30. Аммо Парис кўзи тушиб Менелайнинг важоҳатига,  
Терак барги янглиғ титраб, чиқаёзди юраги қиндан;  
Сўнгра лашкар орасига шўнғиб кетди ўлимдан кўрқиб.  
Рутубатли тоғ дарасин ўта хилват бир гўшасида  
Дабдурустдан аждаҳога тўқнаш келган сайёҳ кўрқувдан

35. Дағ-дағ титраб, ранги ўчиб орқасига қочгандай жадал,  
Ўктам Парис ҳам қўрққандан Атрейзода важоҳатидан,  
Троянинг мутакаббир ўғлонлари орасига урганди ўзин.

Бу иснодни кўрган Ҳектор койий кетди ўз инисини:

«О, хотинбоз, бадбахт Парис, кўринишинг экан додюрак!

40. Бундан кўра, яхши эди келмаганинг ёруғ жаҳонга!  
Эл оғзида бўлганингдан кўра бадном, уйланмай ўтсанг,  
Ўзингга ҳам соз бўларди, менга ҳам бу тушарди маъқул!  
Жингалаксоч аргосликлар кулишмоқда, қара, устингдан.  
Зеро улар важоҳатинг кўриб, сени энг зўр паҳлавон,
45. Мард ўғлон деб ўйлашганди. Ҳа, ўктамсан, қадди-бастинг соз  
Лек қалбингда на жасорат, на қудрат бор билакларингда!  
Бироқ шундай номард эрсанг ҳамки, талай дўстларинг ила  
Ўйнг уммондан кемаларда сузиб ўтиб, бегона элат  
Ишончини қозонганинг ва эл юртинг энг соҳибжамол
50. Аёлини — пайзабардор Менелайнинг суюк қалиғини  
Олиб қочиб келишга жаҳд қилганлигинг таажуб ғоят;  
Ҳолбуки бу ила элнинг, салтанатнинг, падаримизнинг  
Номига доғ туширдинг ва ғанимларнинг кўнглини хушлаб,  
Ўзингни сен, Александр, шармандай шармисор этдинг!
55. Нечун, номард, Менелайни қурол ила қарши олмадинг?  
Шунда билиб олардинг сен қандай марднинг гўзал ёрига  
Кўзинг олайтирганингни. Шунда қора тупроққа ботган  
Жасадингга на кифаранг, на хуш ҳуснинг, на гўзал сочинг,  
На маъбуда Афродита сенга берган сонсиз тортиқлар  
Малҳам бўла олар эди. Ҳа, журъатсиз ўзи халқимиз,
60. Йўқса сени аллақачон қилган бўлур эди ташбўрон —  
Юрт бошига бундай машъум бахтсизликлар солганинг учун!»

Тангрисифат Александр дарҳол жавоб қилди Ҳекторга:

«Танбеҳларинг тўғри, оға, гапларинг ҳақ, мен гуноҳкорман.

Баҳрий кема учун ёғоч йўнган уста билакларига

65. Куч бахш этган ўткир болта янглиғ сенинг алп кўксингдаги  
Ироданг ҳам букилмасдир. Сен зулфизар Афродитанинг  
Шаънига ҳеч тил теккизма. Тангриларнинг жамики шоён  
Тухфалари беқусурдир ва уларнинг ихтиёрисиз  
Ҳеч бир кимса ул неъматга бўлолмагай мушарраф асло.
70. Энди, магар сен менинг жанг қилишимни этсанг ихтиёр,  
Айт, тинглашсин Троянинг ўғлонлари ҳамда ювонлар;  
Сўнг майдонга қўшин аро чиқар мени ва Менелайни, —  
Эл олдида жанг қилгумиз соҳибжамол Елена учун  
Иккимиздан қай биримиз зафар қучсак, ўшал ботирга
75. Насиб этсин Елена ҳам, унинг барча мол-давлати ҳам.  
Сизлар дўстлик аҳди тузиб, дориломон яшанг ватанда;



Лекин ганим жўнаб кетсин йилқиси мўл гўзал Аргосга, —  
Аёллари ғоят сулув Ахайяга бўлсин равона».

- Ҳектор Парис каломига қулоқ солди ва бўлди мамнун;  
80. Сўнг ўртага чиқиб дарҳол, найзасининг ушлаб белидан.  
Троянинг лашкарига таскин берди — тинчиди барча.  
Бу аснода Приамзодни аргосликлар олиб нишонга,  
Камонлардан отдилар ўқ ва тошбўрон қилдилар чунон.  
Шу чоқ элга наъра қилди Агамемнон янгрқок сас ила:  
85. «О, аргослик дўстлар, тўхтанг! Бас қилинглар дарҳол қирғинни!  
Дубулғаси шоён гўзал буюк Ҳектор сўзламоқчи нутқ».

- Ахейлар ҳам дарҳол жангни тўхтатдилар ва қолдилар жим;  
Шунда бузрук Приамзода лашкар аро нутқ бошлади:  
«Сердабада совут кийган ахейлару трояликлар!  
90. Тингланг, ушбу можаронинг сабабчиси Парис таклифтин.  
У дейдики, икки тараф лашкарлари она заминга  
Тўп-тўп қилиб уюб қўйсин жами яроқ-аслаҳаларин;  
Ўзи эса шу даврада соҳибқироп Менелай ила  
Соҳибжамол Елена деб жанг қилмоқчи яккама-якка.  
95. Хуллас, икки марддан кимки ғолиб чиқса, ўшал бахтиёр  
Еленага ҳамда унинг давлатига бўлгайдир соҳиб;  
Бизлар эсак боғлагаймиз дўстлик ипин қудсий опти-ла».

- Деди Ҳектор, — ахей аҳли сукут сақлаб жим туриб қолди;  
Чиқиб шунда майдон аро нутқ сўзлади фотиҳ Менелай:  
100. «Энди менинг сўзим тингланг, мудҳиш алам тирнар қалбимни;  
Кўпдан орзу қиламан меп; ахейлару трояликлар  
Ўзаро сулҳ тузмоғи шарт; сиз Париснинг шум жинояти  
Ҳамда менинг адоватим касрига кўп чекдингиз андуҳ.  
Қай биримиз қисмати гар ўлим бўлса, шу бўлсин ҳалок!  
105. Сизлар эса, о ёронлар, галга солмай, тузинг дарҳол сулҳ.  
Қуёш ила замин учуп қурбонликка шаҳри азимдан  
Бир оқ қўзи ва қора қўй келтирсинлар, Зевс йўлига боз  
Сўйгумиздур ўзга жошлиқ. Ҳа, шунингдек, шоҳ Приамни ҳам  
Чақирсинлар, токи ўзи бўлсин шоҳид ичилган оптига.  
110. (Зеро унинг ўғиллари мудом бебурд, калондимоғдир).  
Шунда ҳеч ким Зевсга ичган қасамига хиёнат қилмас:  
Зотан ёшлар енгилтак ва беқарордир; магар бу аҳдга  
Аралашса қария, у мулоҳаза билан иш тутиб,  
Икки ёққа ҳам бир хилда наф берувчи қарор чиқаргай», —  
115. Деб Менелай икки элнинг кўнглин бирдан кўтарди тоғдек,  
Зеро ҳамма сезган эди машъум уруш тугаётганип...  
Отларни жам айладилар сакраб тушиб жангаробадан;  
Ечиб қурол-яроғларни тўп-тўп қилиб уйдилар барин.  
Оқибатда, икки тараф орасида қолди тор майдон.

120. Ҳектор дарҳол йўналтирди Илионга икки жарчини —  
 Приам шоҳни чорламоқ ва қўю кўзи олиб келмоққа.  
 Айни шу чоқ фармон берди Талфибийга Агамемнон ҳам  
 Қурбонликка қўй келтирмоқ борасида бандаргоҳ ёқдан;  
 Талфибий ҳам қулоқ осиб ул фармонга, шошганча кетди.
125. Энди гапни сиз оқбилак Еленадан тингланг: у кўшқда  
 Қўшқаватли нафис алвон мато тўқиб, унга жанггоҳда  
 Жон олиб, жон бераётган ахейлару трояликлар  
 Жасоратин тасвирини тикар эди рангин зар ила,—  
 Ки Елена туфайли рўй берган эди бул машъум қирғин,
130. Шу чоқ унинг қаршисида энг суюкли қайинсинглиси —  
 Приамнинг энг арзанда, соҳибжамол, навниҳол қизи  
 Лаодика (Аntenорнинг келини, шоҳ Хеликаоннинг  
 Рафиқаси) тимсолида пайдо бўлди чаққон Ирида  
 Ва шундай деб Еленага юзланди ул тангри элчиси:
135. «О, санам, сен ташқари чиқ, троялик суворийлару  
 Данайларнинг ўртасида содир бўлган мўъжизага боқ.  
 Боя, Арей даъвати-ла бир-бирини қийратмоқ, янчмоқ  
 Учун жангга кирган икки лашкар энди қилт этмай турур:  
 Жанг тўхтаган; жами лашкар найзаларин қадаб заминга,
140. Суянгандир қалқонларга. Лек паҳлавон Александр ва  
 Мард Мешелай сен туфайли жанг қилмоққа яккама-якка  
 Совут-қалқон киймоқдалар. Кимки жангда зафар қозопса,  
 Ўшал сени ўз суюкли маҳбубаси дея айтажак».
- Шундай деб у Еленанинг сийнасида тотли ҳиссиёт
145. Уйғотдию илк маҳбубин, она шаҳрин, қон-қардошларин  
 Кўп мунаввар сиймоларни кўз олдига келтирди бирдан.  
 Елена шахт туриб, ҳарир оқ матога ўранди шоша  
 Ва хонадан жадал чиқди кўз ёпини тўкиб шашқатор;  
 Питей қизи — садақатли оқсоч Эфра билан шахло кўз
150. Климена — жорнялар эргашди ўз соҳибасига.  
 Улар Аскей қопқасига зум ўтмайин келдилар етиб.  
 Ушбу қопқа устидаги минорада юрт оталари:  
 Шоҳ Приам, саховатли Фимет, Панфой ва илоҳий Ламп,  
 Клитию Хикетаоп, бир-биридан фаросатлироқ
155. Укалегон ва паҳлавон Антенорлар қурганди давра.  
 Мўйсафидлар гарчи заиф бўлсалар ҳам энди жанггоҳда,  
 Машваратда кўп беназир эрдиларким, яшил ўрмонни  
 Бошларига кўтаргудек янграгувчи чирилдоқларга  
 Қийс қилса бўлур эди ул зотларни. Шундайин бузрук
160. Оқсоқоллар жамоаси жам бўлганди сар минорада.

Улар шу ёқ келаётган Еленани кўриб қолдилар,  
 Сўнг ўзаро пичирлашиб шундай мақтов сўзлар айтдилар:

«Йўқ, азизлар, Троянинг ўғлонлари ва мард ахейлар  
Шунча йиллар шу жувон деб азоб чеккан, жанг қилган экан,  
165. Асло айбга йўйиб бўлмас бунинг учун улар рафторин:  
Ори ростки, гўзалликда у тенг келур маъбудаларга!  
Шундай дилбар бўлса ҳамки кетсин, майли, Элладастига  
Ва даф бўлсин бошимиздан машъум ўлат абадул-абад!»

Шоҳ Приам келинини ўз қошига чорлади шодон:  
170. «О, келавер, азиз бўтам! Қўн ёнимга. Бу ердан яққол  
Кўрингай илк шавҳаринг ҳам хешларингу ёру дўстларинг.  
Сен форигсан гуноҳлардан: маъбудларда барча айб фақат:  
Зеро улар тезлаганди ахейларни менинг юртимга!  
Ўтир қизим ва исмип айт анов турган девқомат зотнинг:  
175. Ким бўлди у сафдан чиқиб, қаддин тоғдек тик тутган йигит?  
Гар ахейлар орасида бўлса ҳамки ундан дарозлар,  
Бундай ўктам ва иззатманд зотни ҳеч вақт кўрмаганман мен.  
Рафторидан у подшога ўхшаб кетар, гар янглишмасам.»

Мўйсафидга шундай деди маъбудона хушчеҳра аёл:  
180. «Мухтарам зот, мен учун сен ҳам эъзозли, ҳам даҳшатлисан!  
Мен ўз никоҳ кўшкимни тарк этиб, қувноқ дугоналарим,  
Жажжи қизим, оға-иним висолидан юз ўгирган пайт  
Бунда келмай, азоб чекиб жон берганим минг афзал эди!  
Лек ўлмадим: шул бойсдан кўз ёш тўкиб чекурмен заҳмат!..  
185. Мендан савол сўрадинг сен,— бажонудил айлағум жавоб:  
Сен айтган эр — донишманд шоҳ ва диловор лашкарбоши деб  
Элладада шавкат қучган шоҳлар шоҳи Агамемпондир.  
У қайноға эди менга; кошки қолса шундайлигича!»

Деди аёл ва қария Агамемнон томон юзланди:  
190. «Агамемнон, о масъуд зот, о иқболи сарбаланд банда!  
Беададир бу жанггоҳга сен-ла келган ахей лашкари!  
Бир замонлар бўлганимда тоқзори мўл Фригияда,  
Уларнинг мен елдек учар қўшғилдирак сувориларин,  
Атрейнинг ҳам, тангримонанд Мидоннинг ҳам қўшинларини  
195. Манзил қуриб туришганин кўрган эдим Сангарий бўйлаб;  
Бўлган эдим ўшал ерда мен муттафиқ дўст сифатида —  
Маҳв бўлганди ўша куни йигитмонанд амазонқалар,  
Ўшанда ҳам бунча кўпмас эди лочин кўзли данайлар».

Сўнг Приамнинг кўзи тушиб Одиссейга, айтди, бир калом:  
200. «Бўтам, сўйла, энди анов йигит ҳақда: кимдир ул данай?  
Бўйи бузрук Атрейондан бир қарич наст бўлса ҳам, илло  
Назаримда яргиндорроқ кўринади, кўкси ҳам кенгроқ.  
Баракатли ерда ётур дубулғаси, жанг аслаҳаси;  
Ўзи эса лашкар сафин айланмоқда мисли қўчқордек.

205. Дарҳақиқат, у наздимда қумуш юнгли қўю-қўзилар  
Сурувига сардор бўлган бароқ юнгли қўчқорга ўхшар».

Мўйсафидга яна жавоб қилди Зевсинг қизи Елена:  
«Бул жувонмард — Лаэрт ўғли Одиссейдир, о бузрук падар,  
Тошлоқ ўлка Итаканинг сувин ичиб улғайган бу эр

210. Машваратда беқиёсу беназирдир ҳийла-найрангда».

Еленага фаросатли Антенор ҳам гап қотди шу чоқ:  
«Ори ростдир жами айтган каломларинг, о сулув жувон:  
Кўп йил бурун бу шавкатли Лаэртзода Менелай ила  
Сен туфайли келгандилар шаҳримизга элчи бўлишиб.

215. Мен уларни ўз уйимда кутиб олиб меҳмон қилгандим;  
Кузатгандим икковининг рафторини, заковатини.

Улар бизнинг йиғинларга бирга келиб, елкама-елка  
Туришганда, шоҳ Менелай яғриндорроқ кўринар эди;  
Лек Одиссей басавлатроқ эди бирга ўтиришганда.

220. Гар жамоа олдида ўз фикрларин айлашса баён,—  
Шоҳ Менелай қисқа қилиб, дона-дона гапирарди-да,  
Нутқини тез тугатарди; Зеро камгап эди Атрейон.  
Гарчи ёшроқ бўлса ҳамки топиб сўзлар эди гапларни.  
Вале доно Одиссей нутқ сўзламоққа тикласа қаддин.

225. Кўзин ерга тикканича жим турарди бошчи эгиб ҳам;  
Илкидаги ҳукмдорлик ҳассасини силкимас, аммо  
Мисоли бир мардум янглиғ маҳкам сиқиб ушлаб турарди.  
Шундай чоғда уни қайсар деб ўйлардинг ва ёки овсар.

230. Илло унинг алп кўксига қудратли сас янграй бошлагач,  
Жўшқин нутқи отиларди лабларидан қор қуюнидек!  
Йўқ, Одиссей билан ҳеч ким фасоҳатда беллашолмасди;  
Ўзгарарди шу даража Лаэрт ўғли нутқ сўзлаганда».

Чол учинчи паҳлавонни кўриб, деди ўз келинига:

«Ким бўлди у алпдек ботир, важоҳатли азамат ўғлон?»

235. Бўйи баланд, яғрини ҳам кенгроқ экан барчапикидан».

Қарияга жавоб қилди жаҳон аро машҳура аёл:  
«Бу эр — буюк Теламонзод данай элин таянчи Аякс.

Нарироқда, Крит элин лашкарлари ва сардорлари  
Орасида қад кўтарган паҳлавон эр Идомейдир.

240. Бул зот доим ўз шавкатли ватанидан келган чоғида,  
Шоҳ Менелай уйимизда меҳмон қилар эди эъвозлаб.  
Кўрмоқдамен яна бисёр ўткир кўзли ахей мардларин;  
Бир боқинда танигайман, ҳатто айтгум барин ном-баном,  
Фақат икки саркардани кўрмаётир кўзим ҳеч ерда:

245. Кўринмайди оғаларим — бир қориндан талашиб тушган —  
Асов отлар тизгинловчи Кастор билан ботир Полидевк.

- Ё улар тарк этмаганлар ўз юртлари — Лакедемонни,  
Ёки етиб келганлару бу жанггоҳга қора кемада,  
Мен туфайли бадном бўлиб, маломатга қолганларидан  
250. Мардлар ила жанг қилишга ийманурлар очиқ майдонда!»

Афсус, унинг қондош, жондош оғаларин Лакедемонда  
Ўз бағрига олган эди аллақачон меҳрибон замин.

- Шу чоқ шаҳар кўчасидан элчилар ҳам ўта бошлади  
Муқаддас аҳд-паймон учун қурбонликка аталган қўзи  
255. Билан қўйни ҳамда бир меш хушқайф майни кўтарган ҳолда;  
Жарчи Идей қўлларида — шаффоф жом ва олтин қадаҳлар;  
У Приам қаршисида тўхтаб, чолга юзланиб деди:  
«О, бузрук шоҳ, ўрнингдан тур, биз билан юр жанг майдонига,  
260. Сени чорлар икки томон лашкарининг акобирлари,  
Ки муқаддас қасамёдга сен шаҳодат берар эмишсан,  
Зеро бугун ўғлинг Парис соҳибжамол Еленани деб  
Узил-кесил жанг қилмоқчи Менелай-ла яккама-якка.  
Ғолиб чиққан эга бўлур хотинга ҳам, бисотига ҳам;  
265. Бизлар эса, дўст тутиниб, Троянинг соҳиб бўлиб  
Қолгумиздир: аргосликлар жўнаб кетгай хотин-қизлари  
Ғоят сулув Ахайяга, йилқиси мўл гўзал Аргосга».

- Қўрқиб кетган шоҳ Приам амр қилди маҳрамларига  
Аробага от қўшмоқни, бажарилди подшоҳ амри;  
Сўнгра чиқиб шоҳ Приам аробага, торгди тизгинни;  
270. Дарҳол шоҳнинг ёнбошида турди обдор аробасида  
Антенор ҳам; кейин улар чиқиб Аскей дарвозасидан,  
Шамол янглиғ учирдилар тулпорларин жанггоҳ томонга.  
Етиб улар икки тараф қўшинлари жам бўлган ерга,  
Қўшгилдирак аробадан тушдилару она заминга,  
275. Икки қўшин ҳосил қилган тор йўлакдан юрдилар олға.  
Агамемнон ва Одиссей мўйсафидлар истиқболига  
Пешвоз чиқиб келаверди; шу чоқ икки мўътабар жангчи  
Олиб келди қурбонликка бағишланмиш жонлиқларни ҳам;  
Обдор жомда май шошириб, сув қуйдилар шоҳлар қўлига,  
280. Агамемнон шу чоқ ўткир пичоғини суғуриб қиндан  
(Уни доим шамширининг ғилофида сақлаб юрарди),  
Бир тутам тук кесиб олди жонлиқларнинг бароқ бошидан,  
Икки жарчи саф оралаб ул тукларни улашиб чиқди —  
Троя ва Ахайянинг аслзода киборларига.  
285. Агамемнон қўлин чўзиб, тангриларга сизинди шундай:  
«О, қодир Зевс, арши аъло ҳукмдори, о, бузрук падар!  
О, Ҳелиос, кинотнинг мушоҳиди, дингқулоқ қувва!  
О, дарёлар, она замин ва онт ичиб онтини бузган  
Мардумларнинг жонин дўзах азобига солгувчи Аид!

290. Шоҳид бўлинг онтимизга ва муқаддас сақланг сиз уни:  
Атрей ўғли Менелайни Александр маҳв этса агар,  
Елена ҳам, унинг бутун бойлиги ҳам Парисда қолур  
Ва биз бахрий кемаларда Троядан кетгаймиз жўнаб.  
Магар жангда голиб чиқса олтин сочли ботир Менелай,
295. Шаҳар аҳли қайтиб бергай Еленани ва хазинани;  
Яна бизга мўмайгина жарима ҳам тўласинларким,  
Ибрат бўлсин бу бадкорлик келгусида авлод-аждодга.  
Приам ва Приамзодлар, Парис мағлуб бўлгандан кейин,  
Менга ўлпон тўламоқдан бош тортгудек бўлсалар агар.
300. Яна жангни бошлагумдир то ўлпонни ундирмагунча;  
То урушининг интиҳосин кўрмагунча қолгумдир шунда!»—

Дек ўткир мис ничоқ пла бўғизлади қўзичоқларни  
Ва жон уза типирлагап жонлиқларни ётқизди ерга:

305. Мис ничоқнинг ўткир дами маҳв этди жониворларни,  
Сўнг Ахайя ва Троя мардумлари қадаҳларига  
Олтин жомдан шароб суниб ичдилар ва тўқдилар ерга,  
Сўнг баралла тангриларга топиндилар айлаб тавалло:  
«О мушарраф, қудратли Зевс ҳамда барча боқий тангрилар!  
Шоҳид бўлинг, қайси бевурд бузса гар бул муқаддас онтни,  
310. Фарзандларин мияси шул майдек қаро ерга қоринсин,  
Соҳибжамол хотинларин эса қучсин келгинди ёвлар!

Вале улар илтижоси бўлмади ҳеч ижобат Зевсга.  
Бу пайт кекса Приам шоҳ халойиққа қилди такаллум:  
«О, Троя ва Ахайя ўғлонлари, тингланг гапларим:

315. Камина бул ердан жўнаб, қайтгум ҳозир чўнг Илионга.  
Ўз ўғлимнинг Ареймонанд Менелай-ла яккама-якка  
Муросасиз курашини кузатишга йўқ менда мажол.  
Бу бедариг жангда кимнинг куни битиб, ким соғ қолиши  
Бузрук Зевсу ўзга боқий тангриларга аёндир фақат».
320. Нуроний чол аробага қурбонликни ташлаб, ўзи ҳам  
Чиқди унга ва отларнинг тизгинини олди илкига:  
Антенор ҳам чиқди ўзин фусункор жангаробасига.  
Сўнг отларни буриб улар, Илионга кетдилар суриб.

Бунда эса, мурувватли Одиссей-ла Ҳектор жанг учун

325. Жой тавлашди: Икки марддан ким биринчи найза отишин  
Аниқлаш-чун дубулгага қуръа солиб силкитдилар сўнг.  
Аҳли лашкар қўлларини чўзиб кўкка қилди илтижо,  
Зеро бундай дуогўйлар кўп эдилар икки ёқда ҳам:  
«О, қодир Зевс, арши аъло ҳукмдори, о бузрук падар!  
330. Ушбу қирғин ва низога ким сабабчи бўлса, сен маҳв эт  
Ва Аидга равона қил уни, сўнгра мадад бер бизга  
Дўст тутинмоқ ва муқаддас онтга содиқ қолмоқлик учун!»

- Буюк Ҳектор терс ўгрилиб икки қуръа солинган масқул  
 Дубулғани силкитганди, чиқди аввал Парис қуръаси.
335. Икки тараф лашкарлари аргумоқлар ва жанг анжоми  
 Тўп қилинган ерга дарҳол ўтирдилар қатор тизилиб,  
 Бу пайт сулув Еленанинг ёш шавҳари мард Александр  
 Сердабада яроқларин елкасига ила бошлади.  
 Аввал опшоқ болдирига обдор пойбанд\* тақиб, уларни
340. Қумуш боғич билан маҳкам боғлади, сўнг алп қоматига  
 Ўз оғаси Ликооннинг мис совутин кийган эди, у  
 Лоппа-лойиқ келди\*; энди Александр совут устидан  
 Елкасига осди аввал қумуш нақшли мис шамширини;  
 Кейин улкан ва мустаҳкам қалқонини олди илкига.
345. От ёлидан жигаси бор дубулғасин кийди бошига:  
 Бул жиганинг силкинганин кўрганларни қучарди даҳшат;  
 Зилдек оғир бўлса ҳамки қўлига мос найза таялади.  
 Айнан шундай шайланарди Менелай ҳам аёвсиз жангга.

- Ҳар икки мард ўз лашкари даврасида шайлангач жангга,
350. Кўзларидан ўтлар чақнаб, икки қўшин оралигида  
 Белгиланган майдончага чиқди. Шунда аргослик ҳамда  
 Троялик лашкарларнинг юрагини чулғади даҳшат.  
 Икки рақиб майдон аро қўлларида найза ўйнатиб  
 Яқин борди таҳдид солиб бир-бирини еб юборгудек.
355. Александр отди узун найзасини биринчи бўлиб,  
 У қаттиқ зарб билан теккан бўлса ҳамки шоҳ Менелайнинг  
 Қалқонига, метинга бас келолмасдан кетди қайрилиб.  
 Шоҳ Менелай ғанимига найза билан қиларкан ҳамла,  
 Нидо қилди эл соҳиби бузрук Зевсга оташ сўз ила:
360. «О, Зевс, менга мадад бергил маҳв этмоққа кўрнамак ёвни!  
 Сен ер билан яқсон қилгин менинг қўлим ила Парисни,  
 Ки бўлғуси авлодлар ҳам бундан ибрат олиб, бад ният  
 Ила ҳеч вақт тошташмасин меҳмондўстлик эзгу одатин».

- У узун мис найзасини қулочкашлаб туриб, куч ила
365. Рақибининг доираваш қалқонига санчди беаёв,  
 Найза масқул қалқонни, сўнг ҳашаматли совутни тешиб,  
 Александр либосини йиртиб, унинг човига тегди;  
 У чап бериб зўрға ўзин асраб қолди машъум ўлимдан.  
 Атрейзода қумуш нақшли шамширини жадал суғириб,
370. Қулочкашлаб туриб урди Александр дубулғасига;  
 Вале шамшир дубулғага дош беролмай уч-тўрт порага  
 Бўлинди-ю учиб кетди Менелайнинг метин қўлидан.  
 Шоҳ Менелай кўзларини тикиб кўкка зорланди бундай:  
 «О, Зевс, сенга тенг келолмас ҳеч бир тангри бадкирдорликда!

375. Мен, ниҳоят маҳв этдим, деб ўйлагандим нонкўр Парисни;  
Лек шамширим бўлак-бўлак бўлиб кетди, отган найзам ҳам  
Зое кетди: не надомат, ғанимимни ўлдиролмадим!»
- Деб ташланди Парисга ва ушлаб ёлдор дубулғасидан  
Судраб кетди оёғига пойбанд таққан ахейлар томон.
380. Соқолининг остидаги дубулғанинг гулдор тасмаси  
Приамзодни хиппа бўғди унинг нозик бўйнига ботиб.  
Гар Зевс қизи Афродита ўз эркасин машғум аҳволин  
Кўрмасайди, Менелай ҳам рақибини кўзланган ерга  
Судраб бориб, шон-шавкатга бўлур эди муяссар албат:
385. Лек Киприда келиб дарҳол кўн тасмани узиб юборди,—  
Менелайнинг қўлларида қолди фақат ёлдор дубулға.  
Атрейон ул дубулғани отган эди чирпирак қилиб  
Аргосликлар турган ёққа, содиқ дўстлар илиб олдилар.  
Ўзи эса найза олиб яна ҳамла қилди Парисга;
390. Вале гўзал Афродита оппа-осон Александри  
Қора булут билан рақиб нигоҳидан ниҳон айлаб, сўнг  
Элтиб қўйди муаттар ҳид анқиб турган оромгоҳ кўшкка:  
Ўзи эса чиқиб кетди Еленани бошлаб келгани,  
Уни юксак минорада троялик аёллар ичра
395. Учратдию ажиб хушбўй ридосидан оҳиста тортди;  
Сўнгра кириб бир нуроний кампир хотин қиёфасига  
(Ўшал кампир бир пайтлари Спартада Елена учун  
Жун йигирар ва чин қалбдан эъвозларди бу ҳур малакни),  
Гап бошлади Афродита ўшал кампир қиёфасида:
400. «Уйингга қайт, о Елена, сени Парис чорлар қошига,  
Кутмоқда у ҳозир сени оромгоҳда, кенг чорпоёда,  
Унинг рўйи ва либоси шундай гўзал ва зиёбахшки,  
Жанг майдондан қайтган дебмас, сайргоҳга отланган деб ё  
Сайргоҳдан қайтиб ҳордиқ чиқармоқда, дея ўйлайсан».
405. Шундай деб у қутқу солди Еленага: у маъбуданинг  
Тароватли бўйниини-ю латофатли сийналарини,  
Эҳтирос-ла чақнаётган кўзларини кўрган ҳамоно  
Кўрқиб кетди ва шундай деб илоҳага таважжух этди:  
«О, шафқатсиз! Яна йўлдан оздирмоқми мени ниятинг?
410. Ё бундан ҳам олисроққа, Фригия ё Меония  
Элидаги бирон гавжум шаҳарга жазб этмоқми кўнглинг?  
Балки эрка бандаларинг бордир сенинг уёқларда ҳам?  
Эндигина шоҳ Менелай жангда энгиб Александри,  
Олиб кетмоқ бўлиб эди уйига мен бахти қарони.
415. Нечун ахир маккорона шум ният-ла келдинг қошимга?  
Яхшиси, сен қадам қўйма чўнг Олимнга, маъбудаликдан  
Воз кечгилу жўна ўшал эрка банданг Парис қошига,  
То у сени жорня, ё маҳбуба деб атамагунча



Мудом ўшал ҳукмдоринг эркала-ю, хизматида бўл!  
420. Ул қочоқнинг қошига ҳеч бормам, ҳатто ётмам у билан  
Бир тўшакда: Троянинг аёллари кулмоқда мендан:  
Қалбим шунча ғаму андуҳ, изтироблар чеккани етар!»

Лек дарғазаб Афродита Еленага бундай ғам қотди:  
«Жим бўл, бадбахт! Йўқса қаҳрим қайнаб, сендан юз ўгиргиму  
425. Бурун қандай эъюзлаган бўлсам, энди шундай дуч ётгум  
Ғазабимга ва икки эл нафратини қаратгумки, сен  
Бесаодат, бибизоат кун кечириб хазон бўлгайсан!»

Шундай деди. — Елена ҳам қўрқиб кетди ва кумуш янглиғ  
Товланувчи ўртуғига ўрандию Афродитанинг  
430. Орқасидан эргашдики, сезмади ҳам аёллар буни.  
Мана, улар етдилар ҳам ҳашаматли Парис уйига:  
Дарҳол рўзгор иши билан машғул бўлди икки жория.  
Юксак кўшкка аста чиқди соҳибқарам жувон одимлаб.  
Афродита латофатли жилва билан Елена учун  
435. Курси олиб келиб қўйди Александр рўбарўсига.  
Зевсинг қизи Елена ҳам шул курсига келиб индию  
Юаини терс ўгирганча маломат-ла деди эрига:  
«Ҳа, қочдингми жангдан, бадбахт! Бу кунингдан, биринчи  
завжим

Қўлида сен риоятсиз жон берганинг минг афзал эди!  
440. Сенмасмидинг авваллари, Менелайдан ҳам куч-қувватда,  
Ҳам қуролу аслаҳада мард эрурман, дея керилган?  
Гар мард эрсанг, қайт жангоҳга ва қайтадан жангга даъват эт  
Атрейзодни; лек маслаҳат бермам сенга; ундан кўра сен,  
Жим ўтиру бундан буюқ ўзингни тий майдони ҳарбда  
445. Олтин сочли Атрейзод-ла жанг қилмоқдан ва тортишмоқдан:  
Йўқса унинг чўнг найзаси маҳв этажак, сени бир зумда!»

Еленага жавоб айлаб бундай деди пурвиқор Парис:  
«Сен, дилбарим, қалбим эзма бундай аччиқ таъналар билан:  
Афинанинг мадади-ла зафар қучди бугун Менелай,  
450. Эртага мен энгум уни; бизда ҳам бор ҳомий тангрилар.  
Кел, энди биз пар тўшакда сурайлик ишқ лаззатин обдан  
Ҳатто хушбахт Спартадан елдек учқур кемаларимда  
Сени олиб қочганим ул саодатли дақиқада ҳам,  
Қранайда иккимиз ишқ риштаси-ла қовушганда ҳам  
455. Ёнмаганди юрагимда севгим ўти, инон, бунчалик,  
Бугун яна куймоқдаман тотли севги армонида мен!»  
Дея парку тўшак томон йўл олди у, ортидан юрди  
Елена ҳам. Улар ажиб чорпояга ётдилар бирга.

- Атрейзода бу пайт ваҳший ҳайвон янглиғ жанг майдон аро
460. Югураркан, чор атрофга кўз ташларди излаб Парисни.  
Вале на бир троялик, на уларнинг мутаффиқлари  
Приамзоднинг қайдалигин Менелайга кўрсатолмасди.  
Ҳеч ким уни яширмаган бўлур эди дўст сифатида,  
Зероки у мафсур эди барча учун бало-офатдек.
465. Мурожаат қилди шунда Агамемнон бутун оммага:  
«Троялик дарданлару мутаффиқлар, тингланг каломим!  
Кўрдингизлар Ареймонанд Менелайнинг ғолиб чиққанин.  
Қайтиб беринг энди бизга Еленани ҳамда ўғирлаб  
Келтирилган бутун молу давлатни ҳам, алқисса яна
470. Шарглашилган хирожни ҳам дарҳол тўланг пайсалга солмай,  
Ки Елена можароси ибрат бўлсин кўп наслларга».

Шундай деди Агамемнон,— ҳамд айтдилар унга ахейлар.

## ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

### ҚАСАМГА ХИЕНАТ. АГАМЕМНОН ҚҰШИНЛАРНИ КҮРИҚДАН ҮТКАЗАДИ

Мусоҳаба қургандилар таңгрилар Зевс шоҳсупасида;  
Гўзал Ҳеба обиҳаёт сунар эди давра оралаб;  
Ҳамд айтишиб бир-бирига олтин қадаҳ тутган худолар  
Трояни мушоҳада қилардилар арши аълодан.

5. Ногаҳон Зевс ўз завжаси Ҳеранинг бир жигига тегиб,  
Бирон аччиқ калом ила таҳқирлашни этди ихтиёр:  
«Менелайга ҳомий Ҳера ва Афина-Алалкомепа, —  
Икковлари таскин бериб ўзларига, бамайлихотир  
Кузатмоқда жанг майдонин хотиржамлик ила; ҳолбуки
10. Афродита кўмаклашур арзандаси Парисга мудом,  
Аритур у доим унинг бошидан кўп фалокатларни,  
Мана, ўлим чангалидан халос этди бугун ҳам уни.  
Лек Парисдан Менелайнинг қўли баланд келгани аниқ.  
О, таңгрилар, бу вазият интиҳосин ўйлайлик, келинг.
15. Яна мудҳиш жанг бошланиб, яна қиргин бўлаверсинми,  
Ё икки халқ ўртасинда тузайликми хушкўнгил битим?  
Гар шу фикр таңгриларга бўлса мақбул, ҳам бўлса манзур,  
Вайронага айланмагай Приамнинг шаҳри Троя,  
Шоҳ Менелай олиб кетгай Еленани ўз ватанига».
20. Шундай деди Зевс, хўрсинди Афина ва Ҳера дарғазаб;  
Қандай офат ёғдирмоқни Илионнинг халқи бошига  
Ўйлаб икков ўтирарди. Афинадан чиқмасди садо;  
Ваҳоланки, бузрук падар Зевсга қарши адоватидан  
Қаҳру ғазаб уйғонганди соҳибкарам дилида унинг.
25. Вале Ҳера қаҳрин ичга яширолмай, юзлапти Зевсга:  
«О, тошбағир Кронзода! Қандай калом чиқди оғзингдан?  
Шунча қилган меҳнатиму тўккан терим кетсинми зое?  
Ахир не-не лашкарларни қурбон бердим, не аргумоқлар  
Ҳолдан тойди фақат қирон келтирмоқ-чун Приам зотига.
30. Билганинг қил; лек таңгрилар бу фикрингга қўшилмагайлар».

Булутбон Зевс, бундай жавоб қилди бадқаҳр рафиқасига:  
«О, шум хотин! Приаму унинг авлод ва аждодлари  
Не ёвузлик қилибдими, сен доимо аҳли мардумнинг  
Чўнг мақоми Илионни яқсон қилмоқ ниятидасен?

35. Назаримда, тўлса керак кўнглинг, ушбу шаҳри азимга

Кириб бориб, Приамни ҳам, унинг жами авлодини ҳам,  
Бугун шаҳар аҳлини ҳам ямламасдан ютганиндан сўнг!  
Қилгил кўнглинг буюрганин; тагин бу талх мубоҳасамиз  
Бора-бора орамизга адоватли низо солмасин.

40. Яна бир сўз айтгум сенга, тугиб қўйгил уни дилингга:  
Агар мен ҳам қаҳрим қайнаб сенинг суюқ бандаларингнинг  
Бирон шахрин бир кун келиб горат этмоқ ихтиёр қилсам,  
Сен ҳам менинг ғазабимга ғов бўлмагил, эрк бергил шунда!  
Қалбим пора айлаб, бердим Илионни ихтиёрингга.
45. Зеро порлоқ қуёшу ой ва юлдузлар остидаги бу  
Баракатли ер саҳнида бандаларим шахри қанча кўп  
Бўлса, мен-чун улар аро энг азиси шу Илиондир,  
Унинг шоҳи мард Приам ва ул шоҳнинг фуқаросидир.  
Зотан унда қурбонликсиз, май-шаробсиз ва тангриларни
50. Эъзозловчи оқ тутунсиз қолган бирон меҳробим йўқдир».

Шахло кўзли Ҳера яна Зевс — падарга этди такаллум:

«Менинг-чун энг суюклиси учта шаҳар шаҳарлар ичра:

Яъни, Аргос, адири мўл Спартаю, гавжум Микена.

Шуларни сен айла вайрон, гар ғазабинг жўшгудек бўлса;

55. Мен уларни ёқламам ҳеч ва сендан ҳам ранжимам асло.  
Гарчи сенга кўрсатсам ҳам мен монелик, ўтмагай амрим,  
Зеро ғоят қудратлисан Олимпдаги тангрилар аро.  
Вале зое кетмаслиги шартдир менинг уринишим ҳам.  
Мен ҳам сендек тангридурмен, бир онанинг фарзандларимиз;
60. Боз устига, соҳибкарам Кроннинг мен катта қизимап.  
Лойиқдирмен икки ҳисса ҳамд-савога: негаки барча  
Тангриларнинг шоҳи бўлмиш сенга сингил ва хотиндурмен.  
Кел, яхшиси, даф этайлик адоватни, ён босайлик бир-биримизга,  
Токи қолган тангрилар ҳам ибрат олсин бизнинг рафтордан.
65. Афинага амр эт ҳозир, у қонга ғарқ жанггоҳга тушсин;  
Ва ундасин мутакаббир ахейларга берган онтидан  
Хойнона воз кечишга\* Троянинг саркардаларин».

Завжасига қулоқ осди само ила ер султони Зевс;

Сўнг чақмоқкўз Афинага шундай ўткир сўз-ла юзланди:

70. «Афина, сен, шамолдек уч икки тараф лашгаргоҳига  
Ва ундагил мутакаббир ахейларга ичган онтидан  
Хойнона воз кечишга Троянинг саркардаларин».

Деб амр этди Афинага унинг армон қилган ниятин:

У ҳам дарҳол қуюн явглиғ учди Олимп сарчўққисидан.

75. Тангри Зевснинг мўъжизакор нишонаси порлоқ юлдуздай  
Баҳрийлару ҳарбийларга мудом шуъла сочиб кўрингай;  
Афина ҳам шу юлдуздек учиб тушиб жанг майдонининг  
Ўртасига инди; шунда бедовсувор трояликлар  
Ҳам мис совут кийган юнон аҳли бундан келди ҳайратга;

80. Аксар лашкар бир-бирига қараб дерди: «Ё қудратингдан!  
Наҳот яна бошланғуси Троянинг бўсағасида  
Машғум уруш, қонли қирғин? Ё бандалар ўртасидаги  
Мухораба сарҳаками қодир Зевс сулҳ риштаси ила  
Аҳли данай ва Троя ўғлонларин қовуштирмоқчи?»
85. Ҳам у, ҳам бу лашкароҳда шундай эди кўпчилик фикри.  
Бу аснода Антенорзод Лаодоннинг қиёфасига  
Кириб, кезди троялик паҳлавонлар аро Афина,  
Тангрисифат Пандарни у суриштириб, қидира кетди;  
Уни топди: Ликооннинг диловар ва тамизли ўғли
90. Турар эди зич саф тортган қалқонбардор мардлар олдида,  
Ушбу лашкар келган эди унинг бирла Эсеп бўйидан.  
Шундай ўткир сўзлар айтди Пандарга дуч келиб маъбуда:  
«О, муҳориб Ликоонзод, этгаймисан менга итоат?  
Дов берурми мард юрагинг Менелайга отмоқча новак?»
95. Гар шунга сен журъат этсанг, мангу бўлмай миннатдор сендан  
Троянинг жами халқи, Парис эса ундан ҳам зиёд.  
Гар у сенинг повакингдан ғориб бўлиб гулханга мазҳун  
Чиқаётган\* муҳориб эр Менелайни кўрса, о Пандар,  
Энг беназир армуғонни сен олгайсан Александрдан.
100. Қани, олға, Пандар! Ўлди, мутакаббир шох Менелайни!  
Лек сен аввал ликиялик қумушкамон Фебнинг шаънига  
Ота юртинг Зелияга қайтгач, зотдор қўзичоқлардан  
Қурбонликлар қилишга онт ичу назр-ниёз бериб қўй».

Шундай дея Афина бу лақма зотни кўндирди гапга.

105. Ботир Пандар ўз сержило камонини олди қўлига,—  
Мазкур камон ясалганди тоғ такасин ажиб шохидан;  
Бир вақтлар пистирмада пойлаб Пандар ушбу такапи,  
У қоядан сакрамоқча шайланганда қоқ кўксин пойлаб  
Камонидан ўқ отганди ва маҳв этган эди жонворни.
110. Ул таканинг ҳар бир шохни ўн қаричдан эмас эди кам.  
Шохкор уста бу қўш шохни моҳирона қилганди пайванд,  
Жилолаган эди роса, тилла суви бериб сиртига.  
Шу сержило камалакни эгиб Пандар, тортди чилласин;  
Лашкар унинг бу жунбушин тўсиб турди қалқонлар ила,
115. Зеро, Арей малайлари — ахейзодлар кўриб бу ҳолни,  
Менелай маҳв этилмасдан олдин уни ўлдирмасинлар,  
Даб хавотир олардилар. Пандар эса бу чоғ тирдонин  
Қоққоғини очиб, ундан олдин машғум тири ҳалоҳил  
Ва новакни дарҳол қўйди камалакнинг тарағ ишига;
120. Шундан кейин ликиялик қумушкамон Фебнинг шаънига,  
Ота юрти Зелияга қайтгач, зотдор қўзичоқлардан  
Қурбонликлар қилишга онт ичиб, назр-ниёз атади.

- У камоннинг ипин тортди кўксигача ёйсифат эгиб  
(Ип эшилган эди ҳўкиз пайларидан), патли новакни  
125. Босган эди чўнг камонга, шох қисирлаб ип зингиллади  
Ва ажалкаш новак учди ғанимларнинг тўдаси томон.

- Вале сепи, о Менелай, аҳли само — боқий худолар  
Ва шаҳлокўз қиз Афина беҳимоя қолдирмадилар:  
У олдинга чиқиб, ажал элтаётган тиғи парроннинг  
130. Йўлин тўсди; гўё ширин ухлаб ётган арзандасининг  
Паишасини қўриётган раҳмдил бир онаизордек.  
Ўқ йўлини буриб четга, Менелайнинг камар тўқаси  
Ва қўшқават зирҳи томон йўналтирди уни Афина:  
Бул ажалкаш ўқнинг тиғи тешиб ўтди ғоятда ажиб  
135. Зар камарни, ундан кейин қалқонсифат мис пешбандни ҳам,  
Менелайнинг эғнидаги совутни ҳам тешиб зарб ила  
(Муҳорибни шул мис совут асрар эди кўпроқ ўлимдан),  
Оқибатда, паҳлавоннинг баданини сал ялаб ўтди;  
Анорранг қон Менелайнинг ярасидан оқди тизиллаб,  
140. Карня ва Меония аёллари — вафодор ёрлар  
Алвон рангга бўялган фил суйгидан арғумоқлар-чун  
Ясаб обдор яноқпўшлар\*, асрайдилар ўз уйларида:  
Ки энг лазиз армонидир бул яноқпўш кўп суворийнинг;  
Лек бедовлар учун безак, чавандозга шон келтирувчи  
145. Бу бебаҳо ва шоҳона абзал ётур уйда эғасиз,—  
Сенинг ҳам ул миқти сонинг, гўзал пойинг тўпигинггача  
Айнап шундай олранг қонга бўялдилар, Менелай, ногоҳ.

- Эл султони — Агамемнон ўз жигарин жароҳатидан  
Қоп-қора қоп оққанини кўрган ҳамон келди ларзага.  
150. Мард паҳлавон Менелайнинг вужуди ҳам ваҳшатга тўлди;  
Вале кўриб новак тиғин баданига ботмаганини  
Сийнасида жўшди яна жасоратнинг кучли туйғуси.  
Агамемнон оҳ уриб ўз инисининг икки қўлидан  
Ушлаганча шундай деди, лашкарлар ҳам осдилар қулоқ:  
155. «Троянинг лашкарига бир ўзингни қилиб рўбарў,  
Қўйган шартим бало бўлди бошгинангга, азиз жигарим!  
Улар сепи жароҳатлаб, воз кечдилар ичган қасамдан;  
Йўқ, қон тўкиб, қурбон бериб, шароб ичиб, қўлга қўл бериб  
Ичилган у вафодорлик қасамёди бўлмагай поймол.  
160. Олимплик Зевс бу қабоҳат учун ҳозир гар олмаса ўч,  
Бир кун албат у интиқом олгай, шунда трояликлар  
Хотин, бола-чақалари, ипчунун ўз бошлари билан  
Жавоб бериб, мутеона тўлагайлар ғоят улкан музд.  
Менинг қалбан ҳамда руҳан комилдирки имоним шунга,  
165. Бир кун албат вайронага айлангуси юксак Троя.  
Приам ва унинг халқи битта қолмай қирилгусидир.

- Муқаррарки, юксак само султони Зевс бул гаддорликдан  
 Ҳаҳри қайнаб, эчки тери қалқонини трояликлар  
 Боши узра қаттиқ силкиб, густоҳларга йўллагай ажал.
170. Лек, жигарим, қўйгайсан сен мени тераи андуҳга солиб  
 Гар шу ерда кунинг битиб, кўзинг юмсанг ёруғ жаҳондан;  
 Унда оғир маломатга қолиб қайтгум ташна Аргосга!\*
175. Ахейларнинг барчаси ҳам қўмсаб қолур она ватанни.  
 Бизлар эсак масрур айлаб Приамни, шаҳар аҳлини.  
 Қолдиргаймиз бу даргоҳда соҳибжамол Еленамизни;  
 Ҳамда сенинг суяқларинг чириб ётгай дашт-биёбонда,  
 Демакки биз армоқ қилган хушниятлар чиқмас рўёбга.  
 Ана унда соҳибкарам Менелайнинг топтаб қабрини  
 Қандайдир бир троялик ғурур билан дейди мақтаниб:
180. — О, кошкийди. Агамемнон ғазаблауса ҳамиша шундай!  
 Зое кетди Илионни олмоқ учун қилган ишлари;  
 Энди бўлса жўнаб кетди ўз юртига бўш кемаларда  
 Жигарбанди Менелайнинг ўлигини қолдириб бунда. —  
 Дейишса гар, ер ёрилиб, қаро ерга кирганим афзал!»
185. Менелай ҳам таскин берди оғасининг кўнглини кўтариб:  
 «Бардам бўлгил, оға, ахей лашкарини солма таҳдидга;  
 Хатарсиздир новак зарби; унинг кучин қирқди аввало  
 Сербезак зар камар, кейин темирчилар ҳафсала билан  
 Тайёрлаган мис пешбанд ҳам муҳофаза қилди ўлимдан».
190. Шу чоғ жавоб қилди унга мардлар шоҳи Агамемнон ҳам:  
 «Азиз иним, қанийди, шу айтганларинг рост чиқа қолса!  
 Мен табибни чақиртиргум, кўриб чиқиб жароҳатингни,  
 Тозалагай ва аламини қолдиргувчи малҳам босгай у».
- Агамемнон шундай дея юз ўгирди Талфибий томон:
195. «О, Талфибий, дарҳол бориб, қўшинимиз ҳозиқ табибин, —  
 Асклепей зурёдини — Махаонни бошлаб кел буён.  
 Лашкарбоши Менелайнинг жароҳатин кўриб қўйсин у.  
 Жигаримни новак ила яралади бир номвар мерган  
 (Биронта бир троялик бўлса керак ё ликиялик),
200. Ки ахейни маҳзун қилиб, масрур этди трояликни.
- Шунда шоҳнинг каломига қулоқ осди жарчи Талфибий:  
 У атрофга олазарак бўлиб жадал кетиб бораркан  
 Дабдурустдан кўзи тушди Махаонга лашкарлар аро:  
 Турарди у йилқиси мўл Трикидан ўзи бош бўлиб
205. Олиб келган қалқондор мард лашкарининг зич даврасида.  
 Сердабада сўзлар айтди унга яқин бориб Талфибий:  
 «Юр мен билан, о Махаон, Агамемнон чорлайди сени;  
 Сен Аргослик лашкарбоши Менелайни кўриб қўюрсан,  
 Паҳлавонни новак ила яралабди бир машҳур мерган,

210. (Биронта бир троялик бўлса керак ё ликиялик),  
Ки ахейни маҳзун қилиб, масрур этди трояликни!»

- Шундай дея гулгулага солди жарчи Махаон қалбин.  
Улар дарҳол йўлга чиқиб, дапайларнинг ғоят мислсиз  
Лашкаргоҳин тикка кесиб, шоҳ Менелай жароҳатланган
215. Ерга етиб келишганда, ахейларнинг кўп казо-казо  
Сардорлари тўпланганди паҳлавоннинг теварагига.  
Аммо ади тутар эди у тангриваш қиёфасини,  
Табиб қалин зар камардан тортиб олмоқ бўлди новакни;  
Вале ўқнинг ўткир тиғи ҳадеганда чиқавермади.
220. Шундан кейин, Акслений ўғли шоша ечди камарни,  
Маҳоратли мисгар аҳли чўкичлаган мис пешбандни ҳам  
Ечиб ташлаб, бадхоҳ ўқнинг жароҳатин кечирди кўздан;  
Ҳаром қонин сиқиб ташлаб, жароҳатга малҳам босдики,  
Бу ҳунарин бир замонлар отасига донишманд Хирон
225. Қадрдон дўст сифатида ўргатганди холисанилло.

- Ҳамма унинг тепасида турганида бўлиб парвона  
Троянинг қалқонбардор халқи яна ўтди ҳужумга;  
Яна қўлга қурол олиб аргосликлар, кирди жанггоҳга.  
Бу аснода кўрмасдинг сен Атрейзода Агамемнонни
230. Ғафлатда ҳам, юраксиз ҳам, жангга лоқайд, беҳафсала ҳам:  
Мана, ўқдай отилди у шону шавкат манбаи — жангга.  
У обдор жангаробани отлар билан қолдирди четда;  
Пишқирган бу тулпорларни тутар эди мард Эвримедон, —  
Пираосга набираю фарзанд эди Птолемейга
235. Бу жиловдор, Агамемнон шай туришни амр этди унга,  
Зеро шоҳнинг оёқ-қўли толиқса гар, асқатарди у.  
Кейин подшо лашкарларни кузатаркан юриб пиёда,  
Учратса гар жанггоҳ сари шошаётган суворийларни,  
Кўнгиларин хушлагувчи эзгу сўзлар айтарди шу чоқ:
240. «О, Аргоснинг ўғлонлари, яна бир бор кўрсатинг мардлик!  
Йўқ, ҳеч қачон паноҳига олмагай Зевс пок қасамёдни  
Поймол қилиб, хиёнат-ла бузган разил аҳли номардни,  
Уларнинг оқ танларини жанг майдонда чўкигай зоғлар;  
Бизлар эса асир олиб ёвнинг гўдак болаларини
245. Ва гулбадан хотинларин, кемаларда олиб кетгаймиз  
Юртимизга, метиндевор Трояни забт этган ҳамон».

- Лек жангдан бош товлаб турган номардларни кўрса у ногоҳ  
Қаҳри қайнаб, таънаомуз сўзлар билан койиб берарди:  
«Уялинглар, о аргослик бешарм, беор новакандозлар!  
250. Нечун ҳурккан охулардек тўплангансиз саросимада?—  
Кенг далада чопавериб толиққандан кейин охулар  
Ҳам жасорат, ҳам қувватдан маҳрум бўлиб туришади ғуж —



- Сиз ҳам ўшал охулардек ваҳм босиб, жангни пайсалга  
Солиб бунда турибсизлар. Ёки Зевснинг сизларга қандай  
255. Паногоҳлик қилишини кўрмоқ учун, мўсафид уммон  
Бўйида саф тортиб турган ҳашаматли кемаларимиз  
Олдигача ёвнинг босиб боришини кутмоқдамисиз?»

- Қўшинларни айланаркан у шундайин фармонлар берди.  
Сўнгра ёриб саф орасин яқинлашди критликларга:  
260. Улар жангга шайланарди Идоменей бошчилигида;  
Қобондек зўр Идоменей турар эди қўшин бошида;  
Орқа ёқда Мерион ўз лашкарларин ундарди жангга;  
Буни кўриб Агамемнон бениҳоя шодланиб кетди  
Ва критлик саркардага деди шундай лазиз каломлар:  
265. «Идоменей, мен учун сен ахейзодлар жамоасида  
Шоён азиз зотдурсенки, ҳам жанггоҳда, ҳам базмгоҳда  
Тепг келолмас сенга бирон ҳам азамат, зеро акобир  
Аргосликлар бундай базмда майга сувни омихта қилиб\*  
Ичишганда, бунинг зидди ўлароқ сен мендек дамодам  
270. Қадаҳингни лим-лим қилиб, сипқарардинг дил кўтаргунча.  
Бўл, жангга кир, аввалгидек жасоратга интил, азамат».

- Критликлар сардори ҳам жавоб айтди Агамемнонга:  
«Садоқатли дўстинг бўлиб қолгайдирмен, о, шавкатли шоҳ.  
Авваллар ҳам онг ичгандим бу борада сенга сўз бериб.  
275. Лек сен ўзга данайларни ҳам даъват эт тезроқ урушга,  
Жангни тезроқ бошлайлик биз; қасамёдга хиёнат қилди  
Троянинг ўғлонлари! Қасам урғай уларни энди;  
Бошларига бало-офат ёғдирғай бу бедиенатлик!»

- Кўтарилиб кўнгли тоғдек, нари кетди мард Агамемнон;  
280. Қўшин аро юриб бориб, дуч келди у икки Аяксга:  
Улар жангга шайлар эди сон-саноқсиз пиёдаларни.  
Тоғ бошида сурув боқиб юрган чўпон денгиз устида —  
Бўрон қувиб келаятган нақ қатрондек тим қора ҳамда  
Бениҳоя маҳобатли булутларни олисдан кўриб,  
285. Ваҳимага тушгай ва тез сурувларин ҳайдагай ғорга, —  
Худди шундай, икки Аякс ортидан жанг сари толпинган  
Қалби оташ мард йигитлар найза-қалқон олиб қўлларга,  
Гўё ўшал мудҳиш қаро булут янглиг босиб борарди,  
Ёв устига саф-саф бўлиб, така-пука қилиб юракни.  
290. Шоҳ бу марди майдонлардан масрур бўлиб, саркардаларга  
Шундай оташ, дабдабали сўзлар билан этди таважжух:  
«Мис совутли данайларнинг сарбонлари, ботир Аякслар!  
Сизларга мен, халқни бошланг, деб беҳожат бермаймон фармон.  
Зеро халқни қизғин жангга ўзингиз ҳам ундай олурсиз.  
295. О, олимпли Зевс, Афина, о, Аполлон — кумушкамон Феб!  
Гар ҳар лашкар билагида Аякслар қудрати бўлса,

Шу мардларнинг қудрати-ла тез фўрсатда Илион шаҳри  
Маҳв этилган ва соврулган бўлур эди кули самога!

- Шундай дея, у йўл олди ўзга қўшин сафлари сари.
300. Йўлда унга пилослик шоҳ моҳир нотик Нестор учради.  
Сафга тизиб у қўшинин, жанг қилмоққа руҳлантирарди.  
Теграсида Пелагону Аластору Хромий, япа  
Муҳориб шоҳ Ҳемон билан халқ сардори Биант турарди.  
У олдинги сафга тизди жангароба минган лашкарни;
305. Беадад мард пиедани жўшқин жангда таянч бўлсин деб  
Орқа сафга қўйди; лекин қўрқоқларни қоқ оралиққа  
Тўпладики, жанг қилишга улар мажбур бўлур эдилар  
Исташсаю иташмаса. Олд сафдаги суворийларга  
У ваъз айтиб отларни бир текис ушланг, деб фармон берди.
310. «Ҳеч ким ўзлн маҳорати, қудратига ишониб, сафдан  
Чиқмасин ҳам, ёв билан жанг қилмасин ҳам яккама-якка,  
Орқага ҳам чекинишни ўйламасин: ожизликдир бу.  
Кимда-ким жангаробада ғанимнинг жангаробасига  
Тўқнаш келса найза сурсин: отлиқлар-чун аъло усул бу.
315. Шу тарзда жанг қилиб, кўҳна қўрғонларни вайрон айлашган,  
Шаҳарларни забт этишган бизнинг авлод-аждодларимиз,  
Вале ақл-идрокни ҳақ сақлаганлар диловар кўксда!

Жанг-жадалда тобланган чол шундай дерди лашкарларига.

320. Агамемнон буни кўриб кўнгли кундай ёришиб кетди  
Ва Несторга юзланганча гоят ажиб бир калом айтди:  
«Кошкийди, чол, оёқларинг кўксингдаги қалбинг сингари  
Толиқишни билмасаю куч-қувватинг мўл бўлса мудом!  
Лек қарилик руҳинг эзур; бундан кўра ўзга эркаклар  
Қариса-ю, сен йигитлар гули бўлиб қолсанг яхшийди!»
325. Ҳеренпя шаҳсувори — Нестор айтди Агамемнонга:  
«Рост айтасан, Агамемнон, бир замоплар Эревфальонни  
Енгган эдим курашиб мен, — ўша кучим бўлсайди ҳозир.  
Лек тангрилар бандаларга айни пайтда барча неъматни  
Ато этмас экан; бурун мен ёш эдим, қаридим энди,
330. Лек шунда ҳам жангга киргум киргум лашкар ила ва қўшинимни  
Руҳлантиргум, далда бергум унга сўзим, ўгитим билан;  
Шудир мудом қариликнинг иззати ҳам, фазилати ҳам.  
Найзаларни эса мандан сўнг таваллуд кўрган навқирон  
Ахейзодлар қўлга олсин — бақувватдир алар билаги».
335. Агамемнон нари кетди кўнгли тоғдек юксалиб бундан:  
Кетатуриб у сувори Менесфейни учратди ногоҳ —  
Афиналик муҳориблар даврасида турарди мағрур.  
Заковатли Одиссей ҳам шунда эди; Кефалления

- Лашкарлари ғуж бўлишиб қуршапганди ўз саркардасин,  
 340. Лек хотиржам эди улар жанг дарагин эшитмагандан:  
 Зеро энди бошлашганди Троянинг ва ахейларнинг  
 Отлоқлари сар ҳужумни. Шул боисдан икки саркарда  
 Икки томон лашкарларин тўқнашувин кутар эдилар, —  
 Шу қонли жанг бошланган он ўтмоқчийди улар ҳужумга.  
 345. Агамемнон булар бариш шу беташвиш аҳволда кўриб,  
 Хуноб бўлди ва сервиқор сўзлар айди саркардаларга:  
 «О Менесфей, — шоҳ Петейнинг мард ўғлони, Зевс дастпарвари!  
 Шунингдек, сен, о Лаэртзод, қув найрангбоз, маккор Одиссей!  
 Нечун бунда турибсизлар бошқалардан ўтиб панага?  
 350. Саркардалар орасида айнан сиздан биринчи бўлиб  
 Лозим эди ўтли жангга юз тутмоқлик, бориб олдинда.  
 Гар улуглар ҳурмати-чун биз зиёфат уюштиргудек  
 Бўлсак, сизлар бу даракни элдан сиввал эшитардингиз.  
 Зиёфатда қоврилган гўнит, кабоб ошаб тўйгунингизча,  
 355. Хушбўй, ўткир майлар ичиб, кайф қилишни хуш кўрардингиз;  
 Бунда бўлса, хуш ёқаркан сизга ўнлаб ахей сафини  
 Ғаним билан жанг қилишин кузатмоқлик бир четда туриб».

- Шунда номвар Одиссей ҳам кўзларидан ўт чақнаб деди:  
 «Не деяпсан, Агамемнон? Гапирсанг-чи оғзингга қараб!  
 360. Бизни жангдан бош тортган, деб ўйладингми? Гар биз, ахейлар,  
 Арейона ғазаб ила ҳамла қилсак трояликка,  
 Кўрурсан сен, Телемахнинг падарини трояликлар  
 Зич сафига элдан олдин яшин янглиғ ёриб кирганин,  
 Ҳа, кўрасан гар хоҳласанг, ҳамда жангга қотишсанг ўзинг;  
 365. Ваҳоланки, айтганларинг бари қуруқ сафсата, ғийбат!»

- Одиссейнинг жаҳлин кўриб Атрейзода жилмайиб қўйди  
 Ва бошқача муомала қилди энди юзланиб унга:  
 «О Лаэртнинг соҳибкарам ва мард ўғли ҳозиқ Одиссей!  
 Қилмагайман сенга таъна, бермагайман амр-фармон ҳам.  
 370. Саҳоватли қалбинг тўлиқ эканлигин эзгу ниятга  
 Мен биламан, зероки биз маслақдошимиз бир-биримизга.  
 Жангга, дўстим! Ўртамизда яхши-ёмон гап ўтган бўлса,  
 Тез фаромуш айласишлар кўнглимиздан уни тангрилар!»

- Агамемнон хайрлашди улар билан ва нари кетди.  
 375. Сал нарида учратди у Тидей ўғли мард Диомедни;  
 У ўзининг жангга тайёр, гумбир, гўзал жапгаробаси  
 Яқинида Капанейзод Сфенел-ла қурганди суҳбат.  
 Мардлар шоҳи Агамемнон уларни ҳам койиди қаттиқ:  
 Диомедга юзланиб у гап бошлади такаббурона:  
 380. «Асов отни тизгинловчи, марди майдон, Тидейнинг ўғли,  
 Қўрқяпсанми? Нечун кўзинг олазарак боқур жанггоҳга?»

- Шоҳ Тидейнинг одатида йўқ экан ҳеч бундай номардлик,  
 Ганим билан жанг қилганда у қўшиннинг бошида турган;  
 Кўрганлар дер бу гапларни; вале менга насиб этмаган
385. Уни кўрмоқ ва у билан бирга жангда жавлон урмоқ ҳам;  
 Деюрларки, бўлмабдийкан бир паҳлавон ундан қудратли.  
 Қадимда у Микенага гангримонанд Полиник икков  
 Жанг биланмас, жаҳонгашта сифатида борган эканлар —  
 Лашкар йиғмоқ ва муқаддас Фива қасрин ғорат айламоқ
390. Мақсадида муттафиқлар сўраш учун микенликлардан.  
 Улар рози бўлибди ҳам илтимосни бажо айлашга,  
 Валекин Зевс йўл қўймабди кўрсатиб бир мудҳиш нишона.  
 Шунда икки соҳибқирон кетиб бундан, Асоп дарёси  
 Бўйидаги қамишзор ва майсазорда қурганкан манзил;
395. Сўнг Фивага мард Тидейни элчи этиб жўнатибдилар.  
 У Фивага қайтиб бориб, кўрипти шоҳ Этеоклнинг  
 Саройида базм қурган сон-саноқсиз кадм қавмини\*.  
 Тидей гарчи бўлса ҳамки бир мусофир шунча эл ичра,  
 Қўрқмабди ҳеч бу даргоҳга ёлғиз ўзи кириб боргани:
400. У бирма-бир кураш тушиб қасрдаги жами эл билан,  
 Барин осон енгган экан, Афинанинг мадади ила.  
 Йилқичи кадм фарзандларин дили озор чекиб Тидейдан,  
 Қирқ йигитни хуфиёна пистирмага қўйган эканлар.  
 Тидейга ғов бўлган ўшал йигитларга иккита сардор:
405. Навжувон мард Ҳемонзода Меон ила шоҳ Автофоннинг  
 Жангга тўймас номвар ўғли мард Ликофон бўлган экан бош.  
 Вале Тидей уларга ҳам ҳозирлабди мудҳиш интиҳо:  
 Йигитларнинг барин қириб, қолдирибди фақат биттасин;  
 Меонни соғ қолдирганкан башоратга қилиб риоя.
410. Шунақа мард экан Тидей! Лекин ўғли жанговарликда  
 Отадан паст, гапдонликда ундан устун бўлиб чиқяпти».

- Лек Диомед бу сарбаланд мартабали Агамемноннинг  
 Таъналарин мутеона тингладию бир сўз демади;  
 Валекин тек туrolмасдан, гап қайтарди Капанейзода:
415. Йўқ, Атрейзод, ҳақ гап турган ерда ёлғон сўзлама зинҳор,  
 Инсоф билан айтсақ, бизлар аждодлардан довурақроқмиз:  
 Ки оз миқдор лашкар билан азим шаҳар пойига келиб,  
 Худоларнинг каромати ҳамда Зевснинг мадади ила  
 Ғорат этдик ўшал етти дарвозали азим Фивани\*.
420. Лек нодонлик қилиб, нобуд бўлгандилар оталаримиз.  
 Бинобарин, улар шонин қиёс қилма бизнинг шавкатга!»

- Саховатли шоҳ Диомед аҳбобига боқди ўқрайиб:  
 «Сеп, Сфенел, аралашма, қулоқ солиб гапимга, жим тур!  
 Соҳибқирон Агамемнон данайларни тезларкан жангга,
425. Бу қилмиши учун уни айбситмам мутлақо, дўстим.

Ахейларнинг қўли ёвдан баланд келиб, муаззам шаҳар  
Илионни забт этсалар — мадҳу сано раҳнамомизга;  
Вале бизлар мағлуб бўлсак, маломатга қолур фақат у.  
Яхшиси, кел, биз ҳам қўмсаб жасоратни, кирайлик жангга!»

430. Шундай деб, у қўлда қурол сакраб тушди жангаробадан,  
Унинг кўксин қоплаган мис совут мудҳиш жаранглаб кетди,  
Ки ҳар қандай ботир кўрса, чўчир эди важоҳатидан.

- Уммоннинг қоқ ўртасида зоҳир бўлиб, гумбирлаган ва  
Соҳил сари Зефир қувган ўркач-ўркач долгалар каби
435. (Улар юксак қояларга пайдар-пай зарб ила урилиб,  
Парчаланиб, то самога етгудек оқ кўпик сочурлар)  
Данайлар ҳам саф ортидан саф тортишиб кетма-кет жангга  
Ёпирилиб борардилар; ҳар саркарда ўз лашкарига  
Амр этарди; лекин қўшин борар эди теран сукутда;
440. Ки бу ҳолни кўрган кимса; булар ўзи гунг эмасмикин,  
Дея савол бермасдан ҳеч туролмасди. Ҳолбуки, лашкар  
Ўз сардорин ҳурматини қилиб сукут сақлаб борарди:  
Бир текисда борарканлар, абзаллари жилоланарди.  
Бошқачайди лек Троя аҳли,— улар ўхшаб кетарди
445. Чорвадор бой кўрасида қўмсаб жажжи кўзичоқларин,  
Соғин пайти маърайвериб безор қилган юзлаб совлиққа.  
Шундай наъра тараларди Троянинг қароргоҳида,  
Вале қўшин таркибида бўлганйичун ҳар ёқдан келган  
Тили бошқа, эли бошқа муттафиқлар, турли оҳангда
450. Янграб эди жангоҳ аро бу наъралар ва чинқириқлар.  
Арей жангга ундар эди бу тарафни, аргосликларни —  
Афинаю бадбахт Даҳшат, Ваҳима ва тамагир Низо, —  
Яъни уруш худосининг шум синглиси ва дугонаси.  
Аввалига кичик қуртдай ўрмалайди Низо — Эрида,
455. Кейин боши кўкка етиб, замин узра отади одим.  
Икки тараф лашкарлари орасида изғиб юриб у  
Ҳамма ерда сочар бадкор ҳам ғазаб, ҳам ажал уруғин.

- Тўқнашдилар бир-бирига яқин келиб довлашган кучлар,  
Тўқнашдилар бир-бирига кўнлар\* ҳамда ўтқир найзалар.
460. Бошдан-оёқ совут кийган лашкарларнинг дўнг қалқонлари  
Бир-бирига урилганда янграб кетди мудҳиш гулдурос.  
Музаффарлар наъраси-ю, ўлётганлар оҳу ноласи  
Бир-бирига қоринди ва замин сатҳи фарқ бўлди қонга.  
Гўё икки тошқин дарё бир воҳага қуйилганидек,  
465. Қўш дарёнинг тубсиз жарда ваҳимали уввос солиши  
Ҳаттоки тоғ бошидаги чўпонга ҳам эштилгандек,  
Жанг майдонин сурони ҳам уйғотарди шундай бир даҳшат.

- Аввал бошдан шоҳ Антилох энг олдинда жанг қилаётган  
Троялик Фализийод Эхеполни яксон айлади.
470. Унинг ёлдор дубулғасин мўлжал олиб, ёрди манглайн:  
Найза тиғи ёриб кириб Эхеполнинг бошчаноғини,  
Шу заҳоти қорайтирди кўз олдини ва оқибатда,  
Жанг аро у мисл юксак минорадек қулади ерга.  
Ҳаҳри қаттиқ абант элин жангга ташна лашкарбоҳиси
475. Халқодонвод Элефенор тортиб шу чоғ мурда пойидан,  
Унинг совут-қалқонини ўлжа олмоқ ниятида, тез  
Ўқ ёмғири остидан бир чеккароққа судрай бошлади.  
Зое кетди лек бу иши: унинг ўлжа судраётганин  
Кўрган бадқаҳр Агенор, у энкайганда қалқон остидан
480. Очилган оч биқинига савчиб найза, қирқди пайини —  
Элефенор тил тортмайин ўлди, шунда трояликлар  
Ва ахейлар ўртасида бешафқат жанг бошланиб кетди:  
Муҳориблар бўрилардек ташланарди бир-бирларига;  
Одам билан одам итдек ғажижарди бу жанггоҳ аро.
485. Шу чоғ Аякс Телемоний навқирон мард Симоисийнинг  
Гулдек умрин хазон қилди. Бир замонлар унинг онаси  
Симоиснинг соҳилида ўтлаб юрган қўй-эчкилардан  
Хабар олмоқ учун яқин хешлари-ла юксак Идадан  
Тушганида, ногоҳ кўзи ёриганди шул фарзандига;
490. Шул боисдан Симоисий деб от қўйган эдилар унга,  
Лек меҳрибон ота-она олдида у фарзандлик бурчин  
Ўтолмади: қирқди умрин Аякс отган найзанинг зарби.  
Йингит олға ҳамла қилган чоғда Аякс унинг кўксига  
Мис найзасин зарб-ла чунон санчган эди, у тешиб ўтиб
495. Симоисий кўкрагини елкасидан ёриб чиқди-ю,  
У заминга, сув бўйида қад кўтариб, фақат қир учи  
Шохлаган ул силлиқ азим терак янглиғ қулади гуппа,  
Ки одатда аравасоз, гумбир тўгин ясамоқ-чун жангаробага  
Шундай терак ахтарур ва топиб уни болтаси ила
500. Қўлатарди, сўнг у анча фурсатгача дарё бўйида,  
То етгунча вақт-соати ғубор босиб ётур қовжираб —  
Шу теракдек хор ётарди қаро ерда ёш Симоисий, —  
Аякс шилиб олган эди унинг жами қалқон-совутин.  
Бу пайт бирдан олачипор совут кийган Приамзод Антиф
505. Аякс томон найза отди, лек нишонни олди нотўғри;  
Найза бориб Одиссейнинг содиқ дўсти Левкнинг човига  
Қадалганди, — бир ўликни судраб борар эди Левк бу чоғ, —  
Унинг жони узилди ва шу ўлик-ла ётди ёнма-ён.  
Қайнаб кетди Одиссейнинг қаҳри дўстин ўлганин кўриб
510. Ва отилди у олдинга ярақлатиб мис совутини;  
У жасаднинг тепасида тўхтаб, кўзин тикди атрофга

- Ва куч билан найза отди; ёвлар ўзин олди панага  
 Бу паҳлавон зарбасидан; вале найза зое кетмади —  
 Бориб тегди Приамнинг ўғай ўғли Демоконга —
515. Абидосдан келган эди жанг қилгани бу йилқибоқар.  
 Мўлжал қилган эди унинг қоқ чаккасин ғазабнок сардор:  
 Одиссейнинг тиғи тешиб чиқди унинг у чаккасидан —  
 Шунда қотил кўзларида сўпиб зиё, она заминга  
 Дабдурустдан қуладики, жаранглади совут-қалқони.
520. Буни кўриб чекиндилар ғанимлар ҳам, ботир Ҳектор ҳам;  
 Наъра тортди ахейзодлар, ўликларни оширгач ортга,  
 Улар олға ҳамла қилиб, ёв устига босиб бордилар;  
 Буни Пергам чўққисидан мушоҳада қилган Аполлон  
 Ғазабланиб, трояликларга айтди руҳафзо сўзлар:
525. «Олға, мардлар! Бўш келманг ҳеч ул такаббур ахейзодларга;  
 Улар кўкси тошдан эмас, баданлари метипданмаски,  
 Қайтаришга қодир бўлсин тиғи ўткир найзаларингиз.  
 Боз устига, сумбул сочли Фетиданинг ўғли Ахилл ҳам  
 Жанг аро йўқ, у ғазабнок ўтирибди ҳамон соҳилда».
530. Шундай калом йўллар эди, ғазабнок Феб ўз маконидан.  
 Лек Афина ахейларнинг сафи аро парвоз этаркан,  
 Қўрқоқларни руҳлантириб жангга даъват этарди барни.

- Паймонаси тўлди шу пайт Амарикзод мард Диорнинг ҳам:  
 Серқирра тош келиб тегиб, ўнг тиззасин мажақлаб кетди:
535. Фракия саркардаси Пирос отган эди ул тошни, —  
 Имбразод Пирос жангга Эп шаҳридан етиб келганди.  
 Тиззасининг икки пайи ва суяги шафқатсиз тошдан  
 Тамомила мажақланган Диор ерга йиқилар экан,  
 Жонҳолатда чўзди титроқ қўлларини ҳамдастлар томон;
540. Шу чоқ уни яралаган Пирос етиб келиб бошига,  
 Найзасини бор кучи-ла ботирдию унинг қорнига  
 Ичак-чавоқларин тешиб, қаро парда тутди кўзига.

- Пирос кўксин пойлаб найза отди Фоас — этолиялик,  
 Тешиб ўтди найза унинг ўпкасини; Фоас шитоб-ла
545. Етиб бориб қурбонининг тепасига, унинг кўксидан  
 Тортиб олди найзани ва яланғочлаб обдор шамширин,  
 Қиндигини пойлаб санчиб, ёв жонини суғуриб олди,  
 Лекин унинг совутини улгурмади ечиб олишга:  
 Ки саркарда жасадини ўраб олиб фракиялик
550. Кокилдор халқ, найзаларин ўқталдики чор атрофига,  
 Зарра яқип йўлолмади важоҳати мудҳиш Фоас ҳам;  
 Оқбатда, орқасига чекинишга мажбур бўлди у.

- Шундай қилиб, Фракия ва Элида муҳорибларин  
Найзасидан ер тишлади икки сардор; улар ёнма-ён
555. Ётардилар сон-саноқсиз лашкарларнинг жасади аро.  
Бу жангларга шоҳид бўлган зот агарки ўткир найзадан  
Ҳали шикаст кўрмагану жавлон уриб ҳали жанггоҳда  
Юрган эрса ва Афина уни тиғи паррондан сақлаб  
Қолган бўлса, ул зот асло айбситмас бундай ҳолатни.
560. Ўшал куни аксарият данайлар ва трояликлар  
Замин узра ётардилар қаро қонга ботиб паёпай.



# БЕШИНЧИ ҚҰШИҚ

## ДИОМЕДНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ

Шу чоғ жами ахёйзодлар орасида иқтидори-ла  
Ажраб турсин ва мушарраф бўлсин юксак иззат-ҳурматга,  
Деб Афина ато этди Диомедга кучу жасорат.

Унинг обдор қалқонию дубулғасин қилди шуълавор,

5. Ки шуъласи ўхшар эди Океанда оройиш олган  
Юлдузларнинг орасида энг порлоғи — нажми ҳазонга\*,—  
Тидейзоднинг кифтин, бошин шул нур ила айлаб чароғон,  
Элтди уни жанггоҳнинг қоқ ўртасига бузрук маъбуда.

Илионда Дарес отли давлатманд ва шавкатманд бир зот

10. Яшар эди — у Ҳефестнинг энг беқусур қоҳини бўлиб,  
Унинг Фегес, Идей отли икки ўғли эди пири жанг —  
Оға-ини мисли қуюп отилдилар жангаробада  
Диомедга; Тидейзода эса яёв бошлади ҳужум.  
Икки тараф бир-бирига яқин боргач, биринчи бўлиб
15. Фегес узун найзасини улоқтирди Тидейзодага:  
Ялтироқ тиг найза ботир Диомеднинг чап кифти оша  
Учди, бироқ, ўтди тегмай; навбат келди Тигей ўғлига —  
Ул мард найза отган эди, ҳаракати кетмади зое:  
У Фегеснинг қоқ кўксига санчилдию қулатди ерга.
20. Буни кўриб Идей урра қочди ташлаб жангаробасин;  
Қўрққанидан кўриқлолмайд қолди ҳатто оға жасадин;  
Ки ўзи ҳам дуч бўлиши мумкин эди машъум балога,  
Гар Ҳефест тун пардасига ўраб уни яширмаганда;  
Ана унда фарзанд доғи маҳв этарди падарни буткул.
25. Бу аснода тутиб олиб тулпорларни ботир Диомед,  
Амр этди ўз кемасига ўлжа этиб ҳайдаб кетмоқни.  
Чол Дареснинг битта ўғли орқасига қўрқиб қочганин  
Ҳамда яна бири қулаб аробадан ер тишлаганин  
Кўрган ғаним лашкарининг тушиб кетди жанговар руҳи:
30. Шунда Арей қўлларидан ушлаганча, деди Паллада:  
«Қаҳҳор Арей, қонхўр тангри, о ғоратгар, эл кушандаси!  
Не бўларкин, сен билан биз, ахейлару трояликлар  
Жанжалига қотипмасак? Қай томонни афзал кўришни  
Биз-чун бузрук Зевснинг ўзи ҳал қилгани маъқул эмасми?
35. Яхшиси, биз четга чиқиб турайлик, Зевс қаҳридан қочиб».

Шундай деб у, жанг худосин олиб чиқиб кетди жанггоҳдан  
Ва ўтқазиб қўйди уни Аскамандр тик қирғоғига.

Данайларнинг қўли баланд келди шунда; ҳар бир ахейзод  
Биттадан ёв аскарига бўлди қаттол; биринчи бўлиб

40. Мардлар шоҳи Агамемнон Гализонлар лашкарбошичи  
Мард Годийга ҳамла қилиб йиқди ерга жангаробадан,—  
Жанг майдондан қочганди у элдан бурун; Атрейон отган  
Найза тегиб икки курак орасига, чиқди тўшидан;  
У гурсиллаб йиқилганда совутлари жаранглаб кетди.

45. Идоменей Меония шаҳзодаси Фестни ўлдирди,  
Баракатли Тарнадан у келган эди ушбу жанггоҳга.  
Шаҳзода жангаробага чиқаётган пайтида бирдан  
Идоменей найза отган эди унинг ўнг яғринига:  
Қулаб Фест жангаробадан ер тишлади. Унинг совутин
50. Жадал ечиб олдилар шоҳ Идоменей муқарриблари.

Айни чоғда, Менелайнинг талх найзасин зарбидан ногоҳ

Ҳалок бўлди овчи йигит Строфийзод Аскамандрий;  
У маъбуда Фебадан кўп сабоқ олиб, ўрмону қирда,

- Тоғу тошда ҳайвонларни ов қилгувчи зўр мерган эди;  
55. Вале бунда, унга паноҳ бўла олди на бир ғойиб куч,  
На маъбуда Феба, ҳатто на ўзининг зўр мерганлиги:  
Бул йигитча Менелайнинг яқинидан чопиб ўтганда,  
Кифтининг қоқ ўртасига санчди ул мард ўз найзасини  
Шунда найза қонга бўяб ёриб чиқди унинг кўксини:  
60. У заминга «гурс» қулади жаранглатиб қалқон-совутин.

Лашкарбоши Мерион ҳам Ҳармон ўғли, — қўли гул уста  
Фереклини гумдон қилди — Палладанинг эрка бандасин;

Парис учун мазкур қирғин ибтидоси бўлмиш кемани\*  
Ясаган ҳам шул кемасоз эдики, у бутун Илион

65. Аҳлининг ҳам, Париснинг ҳам бошига кўп бало-офатлар  
Солган эди шу иши-ла ва мушарраф бўлмаган эди  
Тапгриларнинг иқболига. Етиб олиб Мерион шунга,  
Найзасини санчди унинг думбасига, ажалкаш найза  
Чуқур ботиб кириб унинг қовуғини ёриб юборди:  
70. У чинқириб чўкди — ўлим ўраб олди ўз қафанига.

Ботир Мегес гумдон қилди Антенорнинг ўғли Педейни,  
У беникоҳ ўғил бўлса ҳам, Феана қилиб эрининг  
Изатини, ўз ўғлидек парваришлаб ўстирган эди.

- Ҳа, Филейзод Мегес шердек ҳамла қилиб Педейга, чунов  
75. Жимжимадор найзасини энсасига санчдики, найза  
Пидейнинг чўрт узиб тилин, ёриб чиқди тиш орасидан:  
У қулади ерга, қаттол тигни маҳкам тишлаганича.

- Эвемонзод шоҳ Эврипил ғориб этди Долопионзод  
 Ҳипсенорни; Долопион роҳиб эрди Аскамандрда
80. На эл уни халқ ичидан чиққан тангри деб эъозларди.  
 Диловар зот Эврипил шул мардни қувиб бориб ортидан,  
 Шамширини ўнг кифтига солган эди, унинг мушақдор  
 Қўли шартта елкасидан узилди-ю қора тупроққа  
 Бир бўлак ғўшт бўлиб тушди ва ботиригинг шўх кўзларига
85. Қонхўр Ҳлим билан қодир Қисмат қаро парда ташлади.

- Шундай мардлик кўрсатдилар саркардалар оташин жангда.  
 Илло соҳиб Диомеднинг қайси жойда ва кимлар билан —  
 Троянинг лашкари-ла ё ахейлар лашкари билан —  
 Жанг қилмоқда эканини мутлоқ маҳол эди аниқлаш.
90. Жанггоҳда у мисли кузда тошиб, кўприк ва тўғонларни  
 Қўпоргувчи асов дарё янглиғ ҳар ён қиларди ҳамла;  
 Зевс раҳмати — ёмғир ёғиб сел тошган чоғ унинг йўлини  
 На кўприклар, на тўғонлар тўса олмай, ва поймол бўлмай  
 Ёш-ялангнинг терлар тўкиб барпо этган зироатлари,—
95. Худди шундай, Диомеднинг ҳамласига дош бера олмай  
 Троялик эрлар сафи ҳам ҳар ёққа қочди тирқираб.

- Қаҳрамоннинг ёлғиз ўзи бу жанг аро ёв лашкарини  
 Тирқиратаётганини кўриб қолди шу маҳал Пандар;  
 Камонини ўқлаб у тез, Диомедни олди нишонга,
100. Ўқ ҳужумкор азаматнинг совутини тешиб ўтдию  
 Ўнг кифтини яралади: совут шу чоқ бўялди қонга.  
 Бундан Пандар ғурурланиб, хушнуд бўлиб чинқирди чунон:  
 «О, отларни халаловчи\* троялик дўстларим, олга!  
 Аргослик мард яралади; гар рост бўлса мени Аполлон
105. Бу жанггоҳга Ликиядан келтиргани, Диомед узоқ  
 Дош беролмас мен камондан отган кучли тири парронга!»

- Деб керилди; лек Диомед бош эгмади бул жароҳатдан:  
 У тисланиб биров ортга, от қўшилган жангаробага  
 Яқинлашди ва Капаней ўғлонига қилди таважжуҳ:
110. «О, Сфенел, бир зумга сен аробадан тушу елкамга  
 Ботган машъум ажал тиғин, қадрдоним, суғуриб ташла».

- Шу заҳоти Сфенел ҳам сакраб тушди жангаробада;  
 Орқасига туриб унинг, тортиб олди машъум новакни;  
 Диомеднинг мис ҳалқали совутидан қон сирқиб чиқди;
115. Афинага сиғинди қўл чўзиб шунда жасур паҳлавон:  
 «О, чақмоқдор Зевснинг қизи, қодир тангри! Агар қачондир  
 Эгу ният бирла менга ё отамга майдони ҳарбда  
 Мадад берган эрсанг, яна дариг тутма лутфингни мендан!  
 Анов мени яралаган мақтанчоқни ўқим етгулик

120. Масофага келтиргилки, маҳв этайин мен ул қаттолни —  
Токи энди керилмасин Диомедни «ўлдирдим, дея».

Афина ҳам қулоқ осиб паҳлавоннинг таваллосига,  
Қувват ато этди унинг аъзолари, оёқ-қўлига

Ва шундайин ширин сўзлар айтди яқин келиб қошига;  
125. «О, Диомед, мард бўл энди ва ёв билан мардона жанг қил!  
Кўксингга мен отанг Тидей жасоратин қўйдимки солиб,  
Ул қалқондор фарқ қилган шул жасорат-ла ағёрларида;  
Хиралашган кўзларингдан мен даф этдим қора пардани;  
Ки энди сен тангрини ҳам, бандани ҳам кўргайсан аниқ.  
130. Қани, жангга, Тидейзода! Илло боқий тангри қаршингдан  
Чикса, асло унинг бирла урушмоққа жаҳд қила кўрма  
Ким бўлса ҳам, «вале агар Афродита жанггоҳга тушса,  
Жароҳатла ул санамни шафқат қилмай мис найзанг ила».

Шундай дея кетди нари чақмоқдорнинг шахло кўз қизи.

135. Тидейзод ҳам чекинди-ю, илғорлар-ла турди бир сафда.  
У аввал ҳам ёвлар билан жанг қилмоқлик иштиёқида  
Ёнган эди, энди эса ғайрати ўн ҳисса ошдики,  
Қумуш юнгли қўй-қўзилар кўрасига ҳамла қилган шер  
Сағалгина яраланса тез тутоқиб кетарди шундай,

140. Зеро унинг кучига куч қўшар эди енгил жароҳат;  
Шунда, шерни даф қилишга кўзи мутлоқ етмаган чўпон  
Уйга қочиб кирар, лекин бежаво ва бепапоҳ қўйлар  
Маърардилар кўра ичра зир югуриб, бир-бирин босиб;  
Дарғазаб шер шунда ғовдан ошиб тушиб ҳамла қиларди —

145. Диомед ҳам ёв ичига ёриб кирди шундай ғазаб-ла.

Шу лаҳза у ер тишлатди Астинойни ва Ҳипенорни;  
Биринчисин сийнасига санчди ўткир мис найзасини.  
Иккинчисин елкасига солиб ўткир мис шамширини,  
Бир кифтини танасидан жудо қилди бўйни аралаш.

150. Шундан кейин у тушларни таъбирловчи чол Эвридамнинг  
Икки ўғли: Абас ила Полидга ташланди бирдан.  
Шўрлик ота таъбирлолмас энди улар тушин ҳеч қачон;  
Диомед тез ечиб олди қурбонларнинг яроқ-совутин.

Сўнг ташланди у Фенопнинг қартайганда кўрган қўш ўғли;  
155. Қсанф билан Фоонгаки, ошин ошаб ёшин яшаган  
Қариянинг меросхўри йўқ эди шу мардлардан бўлак.  
Лек Тидейзод шафқат билмай бахти қаро оға-инининг  
Жонин олди ва отага кўз ёш ила мунгли ғам-андуҳ  
Қолдирдики, қонли жангдан чол бағрига қайтмади улар;  
160. Оқибатда чол мулкига эга бўлган эди ағёрлар.

Сўнг Диомед ҳамла қилди Хромийга ва Эхемонга —  
Приамзодлар жанг қиларди туриб битта жангаробада;

Даҳшатли шер кенг далада ўтлаб юрган шохдор молларга  
Ҳамла қилиб, буқачанинг ё сигирнинг бўйнидан ғарчча  
165. Тишлагандай — Диомед ҳам аробадан Приамзодларни  
Шафқатсиз зўр зарба билан қулатди-ю тунпроққа қорди  
Жасадларин, ечиб олди совутларин, отларни Ҳса,  
Олиб кетинг соҳил томон, деб амр этди ёронларига.

Шу чоқ Эней кўриб қолди Диомеднинг қиронкорлигин:  
170. Ўқ ёмғири остида у тангринамо Пандарни излаб,  
Жангоҳ ичра ҳар томонга олазarak бўлиб югурди;  
Кўп ўтмай у кўриб қолди Ликаоннинг шавкатли ўғлини,  
Келиб унинг қаршисига, маломат-ла шундай гап қотди:  
«О Пандар! Айт, қани сенинг камонингу учар ўқларинг?  
175. Қани шону шуҳратларинг? Ахир ҳеч бир троялик ё  
Ликиялик журъат эта олмасдику сендан ўзмоққа?  
Қани, қўлинг чўзиб Зевсга илтижо қил, тири парронинг  
Ўз анави паҳлавонга, ким бўлса ҳам; йўқса Троя  
Лашкарини қийратмоқда, кўп мардларнинг пайин қирқди у!  
180. Эҳтимол у Трояни ғазабига олган биронта  
Қодир, қаҳҳор худованддир? Худо қаҳри даҳшатнок бўлу!»

Ул шавкатли Ликаонзод жавоб қилди Энейга дарҳол:  
«Троянинг саховатли мушовири, довьюрак Эней!  
Назаримда, ўхшайди у мард Тидейнинг қодир ўғлига:  
185. Қалқонидан танидим ва дубулгасин кўз тешигидан;  
Отларин ҳам кўрмоқдаман, лек айтолмам ким экашнинг.  
Агар ул зот, айтганимдай, метинбилак Тидейзод бўлса,  
У тангрининг мадади-ла иш кўрмоқда; унинг қошида,  
Пайқашимча, бир худованд ниҳон айлаб ўзин абр ила  
190. Унга паноҳ бўлмоқдаким, Диомедга йўналтирилган  
Жами ўқни четга буриб юборган ҳам ўшал боқийдир.  
Мен ҳам унга новак отиб, ўпг елкасин жароҳатловдим,  
Аниқ кўрдим ўқим унинг қалқонини тешиб ўтганин.  
Суюгандим ул ботирни жўнатдим деб Анд қаърига;  
195. Аммо билсам, янглишибман! Демак унга тангри паногоҳ!  
Ҳозир бунда отларим йўқ жанг қилмоқ-чун, жангаробам ҳам;  
Лек яп-янги, жозибали, нурафшон жангаробалардан  
Ўн биттаси шай турипти Зелияда, отам уйида;  
Теграсида жанг либоси осилган бул жангаробалар  
200. Ёнларида иккитадан учқур тулпор арпа-буғдой еб  
Пишқаришиб, ер депсиниб турибдилар охур бошида.  
Йўқ, муҳориб отам — кекса Ликаоннинг ўз мақомиди  
Мени жангга кузатганда айтган гапи эмаскан бежиз:  
Троялик лашкарларга сардор бўлиб гар жангга кирсанг,  
205. Жангароба билан киргин, деганди у; лек таассуфки,  
Осмагандим қулоқ унинг пандларига, — оссам бўларкан.

- Мен отларни аягандим, қуршовдаги эл охуридан  
Тўйиб, ташлаб ем еёлмай сиқилгайлар овқатдан, дея.  
Шул боисдан, отлар қолиб, ўзим яёв чиққандим йўлга,  
210. Умид боғлаб камонимнинг қудратига, — лек бўлмади наф!  
Икки машҳур саркардага, Диомеду шоҳ Менелайга  
Мен ўқ узиб камонимдан, икковин ҳам жароҳатладим,  
Лек бешбаттар қутиртирдим чоғи, тўкиб қирмиз қонларин.  
Прям ўғлин шод этмоқ-чун Трояга лашкарларимни  
215. Олиб келдим, лек чамаси, хосиятсиз кунда қўлимга  
Камониму тирдонимни бу сафарга олган эканман.  
Онт ичаман, она юртга гар соғ-омон қайтиб борсаму  
Насиб этса яна кўриш хотинимни, ота мақомиц,  
Майли, юртим босган ёвлар бошим этсип тавимдан жудо.  
220. Гар жанггоҳда наф бермаган шу камалак ила ўқларни  
Ташламасам мен гулханга пора-пора айлаб синдириб!»

Жавоб қилди шоҳ Пандарга троялик саркарда Элей:

- «Бу гапни қўй, азиз Пандар! Бошқа ишга қўл урмагаймиз  
То иккимиз чиқиб битта аробага, ўшал беҳаё  
225. Паҳлавонни яроғимиз билан гумдон этмагунча ҳеч.  
Кел, менинг жангаробамга чиқиб, тургил мен-ла ёнма-ён;  
Шунда шоҳид бўлгайсан сен жанг майдонда Трос отларин  
Қушдек енгил учишига ҳам ҳужумда, ҳам чекинганда.  
Зевс Диомед қўлин агар яна баланд қилгудек бўлса,  
230. Бу тулпорлар шаҳар томон бизни елдек учириб кетгай.  
Кел, азизим, ол қўлингга қамчи ила гўзал афсорни,  
Мен жанг қилмоқ учун ерга тушай, ёки сен ёвлар билан  
Жанг қилгилу меп бошқарай тулпорларни жангаробадан».

Ликаоннинг хушфазилат ўғли унга қилди эътироз:

235. «Афсорингни ўзинг ушла, отларингни ҳам бошқар ўзинг:  
Зеро отлар ўз эгасин яхши таниб, тезроқ чопгайлар —  
Гар олдига тушиб қочип тўғри келса мард Диомеднинг.  
Билъакс, улар эшитмаса ўз соҳибип таниш «ҳай-ҳай»ин,  
Хуркиб кетиб талмовсираб тўхтагайлар, ёки бўлмаса,  
240. Бизни шаҳар ёққа олиб кетажаклар истар-истамас.  
Ана унда ҳамла қилиб шижоатли Диомед бизга,  
Иккимизни ўлдиргай ва ўлжа олгай отларимизни.  
Шунинг учун, сен, Анхиззод, тизгин ушлаб, отларни бошқар,  
Мен эсам ул ҳужумкорни қарши олгум ўтқир найзам-ла».  
245. Шул қарорга келиб икков, аробага чиқдилар сакраб  
Ва шамолдек учирдилар тулпорларни Диомед томон.  
Бундан огоҳ бўлган ботир Капанейнинг ўғли Сфенел  
Шундай ажиб калом айтди Диомедга қилиб таважжух:  
«О довюрак Тидейзода, о қадрдон, эъзозли дўстим!  
250. Сенинг билан беллашгани мард ўғлонлар келмоқда елиб,

Икковининг қудрати ҳам беандоза; бири Ликия  
Шоҳин фахри ва фарзанди қодирандоз Ликаонзоддир;  
Иккинчиси — Анхиз ила Афродита фарзанди — Эней.  
Аробага чиқ, азизим, чекинайлик; сен кўп дарғазаб

255. Бўлиб олға интилмагил, гар истасанг омон қолмоқни!»

Таҳдидона қараб унга, жавоб қилди қўрқмас Диомед:  
«Чекинмоқдан очма оғиз! Мени бунга ундай олмайсан!

Йўқ, жанггоҳдан чекинмоқ, ё қўрқиб ўзни панага олмоқ,  
Ёт одатдир Диомедга; билагимда кучим кўп ҳали!

260. Аробага чиқишни ҳам истамайман; мана, кўрасан,  
Улар билан мен пийда жанг қилгайман; Афина далда  
Бермоқдадир юрагимга. Демак, учқур отлар уларни  
Жанг майдондан омон олиб қочолмаслар; иккала ўғлон  
Бугун биздан қутулолмас, гар бирови тирик қолса ҳам.

265. Сенга бошқа гап айтгум мен, шуни пухта сақла дилингда:  
Гар Афина насиб этса менга бугун икки ботирни  
Маҳв этмоқни, у чоқда сен шунда қолдир отларимизни  
Жангароба тутқичига боглаб қўйиб улар афсорин;  
Ўзинг эсанг дарҳол Эней отларининг олдига югур

270. Ва уларни жадал ҳайда данайларнинг қароргоҳига.  
Бир замонлар Зевс Тросга унинг ўғли Ханимед учу  
Асл зотли отлар берган — бул бедовлар ўша зотдандир;  
Булардан зўр аргумоқ ҳеч топилмагай рўйи заминда.  
Анхиз эса Лаомедон уюрига ўз бияларин

275. Хуфиёна юбортириб ноил бўлган эрди бу зотга:  
Олтита той туғилди сўнг шоҳ Анхизнинг отхонасида;  
У тўрттасин олиб қолиб парваришлаб боқди уйда;  
Жанг майдонда жавлон урган бул иккисин берди Энейга.  
Гар уларни қўлга олсак, шон-шуҳратга бўлгумиз эга!»

280. Булар шундай мусоҳаба қилиб турган аснода, ёвлар  
Яқин келиб қолгандилар учирганча олов отларни.  
Аввал Пандар гап бошлади Диомедга таважжух қилиб:  
«О оташқалб, мард муҳориб, Тидей шоҳнинг номдор ўғлони!  
Мен камондан оғули ўқ отиб сени маҳв этолмадим;

285. Энди найзам отиб кўргум, шояд аниқ олсам мўлжални».  
Шундай дея, қулочкашлаб маҳобатли найзасин отди;  
Ўткир учли найза паррон этиб бориб, тешиди қалқонни  
Ва Диомед эғнидаги зирҳга тегди чунон қарсилаб.

290. Ликаоннинг соҳибкамол ўғли масрур бўлиб ҳайқирди.  
«Тешиб ўтди найза човинг! Энди узоқ чекмассан азоб;  
Ниҳоят мен сени мағлуб айламоққа бўлдим мушарраф!»  
Соҳибкарам Диомед ҳам дадил жавоб қилди шу заҳот:  
«Зое кетди зарбанг! Лекин йўқ деганда, иккингдан биринг

Қонга ташна Арей нафсин ўз қони-ла қондирмагунча,  
295. Аминманки, дам олишни унутгайсиз икковингиз ҳам!»

Шундай деб у найза отди; ва Афина унинг найзасин  
Пандарнинг қоқ қаншарига йўналтирди: ул нобудкор тиф  
Ўтиб оппоқ тишлар аро, юмшоқ тилни тагидан узди  
Ва бошоғи тешиб чиқиб тўхтаб қолди ияк остидан.  
300. Шунда Пандар аробадан «гурс» қулади ва эғнидаги  
Кўп антиқа ва ранго-ранг совутлари жаранглаб кетди;  
Олов отлар ҳуркиб кетди; Пандарнинг ҳам узилди жони.

Ана, Пандар жасадини ахейлардан қўриқламоқ-чун  
Эней қалқоп, найза бирла сакраб тушди жангаробадан.  
305. У жасаднинг теграсида юрар экан қудратли шердек,  
Яқин келмоқ ниятида бўлганларга найза ўқталиб:  
«Ким жасадага яқинлашса, ҳеч аямай, суғуриб олгум  
Унинг жонин», дея таҳдид солар эди ахейзодларга.  
Шу чоқ қодир Тидейзода ердан зилдек бир харсанг олди —  
310. Ки ҳозирги одамлардан иккиси ҳам кўтаролмасди —  
Диомед шу харсангтошни қулочкашлаб чунон отдики,  
Харсанг паррон этиб бориб, Анхиззоднинг сонига тегди;  
Бу зарбадан Энейнинг тос суюғи ҳам мажақланганди,  
315. Пайлари юз пора бўлиб, териси ҳам шилинган эди.  
Маҳв этилган мард тиз чўкиб, қўлларини тираркан ерга,  
Кўзин олди бўлиб сиё, вужудини қамради зулмат.

Битар эди халқ сардори мард Энейнинг куни шу заҳот,  
Агар кўриб қолмаганда Афродита — онаизори, —  
Бу Зевс қизи шу Энейга бўйда бўлган эди Анхиздан.  
320. Маъбуда оқ билаклари билан ўғлин боғрига босди,  
Сўнг, биронта бедовсувор ахей найза санчиб кўксига,  
Ўғлонимни жондан жудо қилмасин, деб ёйди сержилло  
Чодрасининг қатларини ва шу тарзда Анхиззодани  
Жанг майдондан ғойибона олиб чиқиб кетди маъбуда.

325. Бу орада Капанейзод Сфенел ҳам бажо айлади  
Тидей ўғли Диомеднинг фармонини: ўз метингуёқ  
Отларини олиб бориб жанг қайнаган ердан нарироқ,  
Араванинг тутқичига банд айлади узун тизгинин;  
Сўнг Энейнинг узун ёлли отларига ташланиб жадал,

330. Ҳайдаб кетди бедовларни ахейларнинг қароргоҳига.  
У ерда у топиб ўзин содиқ дўсти мард Диепилни,  
Буюрди бул тулпорларни бандаргоҳга олиб бормоқни;  
Ўзи эса сакраб чиқиб аробага, обдор тизгинни  
Ечди-да, шоҳ Диомеднинг орқасидан учириб кетди

335. Отларини, Тидейзода эса жадал қувиб борарди



- Бу аснода ғоят бадқаҳр найзаси-ла Афродитани,  
 Зеро, унинг жангга қатнаб, лашкарларни бир-бирларига  
 Тезлагувчи Афинадек, ё ғораткор Энио каби  
 Қудрати зўр маъбудаларданмаслигин яхши биларди.
340. Довюрак зот Диомед зич оломоннинг орасин ёриб,  
 Маъбудага етган заҳот ҳамла қилиб найзаси ила,  
 Унинг нозик билагини дабдурустан жароҳатлади:  
 Найза унинг эгнидаги Харитларнинг ўзи тўқиган  
 Хушмуаттар ёпинчиқди тешиб ўтиб, билак терисин
345. Шилган эди; Киприданинг боқий қони оқди чакиллаб,—  
 Бундай ажиб, ноб суюқлик бўлгай фақат аҳли самода:  
 Зеро, улар на ошу нон еядурлар, на май ичурлар;  
 Шул боисдан, қонлари йўқ ва боқийлар деб аталурлар.  
 Маъбуда жон аччиғида чинқирди-ю, ташлаб юборди
350. Қучоғидан фарзандини: шу заҳоти Аполлон уни  
 Илиб олиб, ғойиб қилди қора булут ичига буркаб,  
 Биронта бир бедовсувор ахей унинг алп кўксига  
 Найза санчиб, жондан жудо айламасин, деган мақсадда.  
 Бу пайт таҳдид қилди янгроқ овоз ила мард Тидейзода:
355. «Даф бўл, кўздан, ҳей, Зевс қизи! Қоранг ўчир, жанг майдонидан,  
 Ё каммиди мудом йўлдан оздирганинг заифаларни?  
 Гар, сен яна аралашсанг ҳарб ишига, аминманки мен,  
 Тепа сочинг тикка бўлгай «уруш» сўзин эшитган чоғинг!»

Маъбуда ҳам ранги ўчиб нари кетди теран ғуссада.

360. Бу аламли дарддан ҳушин йўқотаёзган Афродитани  
 Қўлтиқлабон олиб кетди Ирида тез; гўлбадан сўлди!  
 Киприда шул чоқ жапғоҳнинг сўл ёнида кўрди Арейни;  
 У ўлтирар; мотамсаро эди унинг боқий отлари;  
 Афродита огасининг қаршисида тиз чўкиб, унга,
365. Зар абзалли отларингни бериб тур, деб ёлборди титраб;  
 «Оғажопим, қўллаб юбор, отларингни жангаробангни  
 Бериб тургил, етиб олай тангригоҳга — арши аълога.  
 Жароҳатим азоб берур; мени фоний банда Диомед  
 Яралади. У Зевс-ла ҳам олишмоқдан тоймайди, чоғи!»
370. Шунда Арей берди унга олтин абзал арғумоқларин;  
 Дили вайрон Афродита сакраб чиқди жангаробага,  
 Унинг бирла Ирида ҳам чиқиб қўлга олди афсорни;  
 Ва отларга қамчи босди, муте отлар учди шамолдек;  
 Боқийларнинг Олимпдаги масканига етдилар зумда
375. Ва Ирида — Зевснинг учқур хабарчиси жангаробадан  
 Тулпорларни чиқардию охурларга солди амбар ем\*.  
 Бу аснода Афродита зор-зор йиғлаб, онаизори

- Дионанинг қаршисида тиз чўқди, у бағрига босиб  
Эркалади ҳур қизини сўнг юзланиб гапирди унга:  
380. «Қизалоғим, қайси тангри сенга бундай густоҳлик қилди?  
Е ёмонлик қилибмидинг сен ошкора бирон боқийга?»

- Деди ханда соҳибаси Афродита зорланиб унга:  
«Аргосликлар саркардаси мутакаббир Диомед мени  
Яралади, сабаб — кўзим оқ-қораси эркам Энейни  
385. Жанг ичидан олиб чиқмоқ бўлган эдим, бор гап шу холос.  
Ҳовир уруш Троя ва Ахайянинг ўртасидамас,  
Худолару данайларнинг ўртасида бормоқда, билсанг!»

- Жавоб қилди ўз қизига соҳибкамол, софдил Диона:  
«Қизгинам, сен дадил бўлгил, юрагингни не изтироблар  
390. Тирнаётган бўлса ҳамки, сабр қилгил, зеро, Олимпда  
Маскан қурган биз худолар билан фоний бандалар аро  
Бўлиб турган нифоқ-пизо бошимизга бир бало бўлган.  
Чунончи, шоҳ Алоейнинг икки ўғли: Эфиальтес ва  
Атос икков Арейни кўп изтиробга солган эдилар.  
395. Мис завжирга боғлаб қўйиб: Арей ўн уч ой мис зиндонда  
Шу кишанбанд аҳволида чеккан эди кўп машаққатлар.  
Гар лутфкор Эрибея — зулмкорлар ўгай онаси  
Ушбу сирни яширигча айтмаганда эди Ҳермесга,  
Жангга ташна Арей балки шу зиндонда бўларди побуд:  
400. Озиб-тўзиб, чўп устихон бўлиб қолган жанг худосини  
Ўшал машъум зимистондан Ҳермес олиб қочиб чиққанди.  
Ҳера ҳам шу каби азоб чеккан эди Амфитрионнинг  
Мард ўғлидан\*; у уч тишли талх ўқ ила яралаганди  
Маъбуданинг сийнасини. Шундан кейин узоқ вақтгача  
405. Сармаъбуда бу аламдан ғоят қаттиқ чекканди азоб!  
Худовандлар ичида энг даҳшатлиси Аид ҳам ҳатто  
Тири паррон аламини тортган эрди. Уни ҳам ўшал  
Мард Диомед жанг пайтида яралабон қопқа олдида,  
Кўп азобу уқубатлар солган эди унинг бошига.  
410. Шунда руҳан маҳзун Аид чидай олмай оғриққа асло,  
Учиб чиққан эди Зевснинг масканига — юксак Олимпга;  
Ки Аиднинг елкасига чуқур ботган ўқ изтиробга  
Солар эди унинг қалбин. Вале, ўшал шум жароҳатга  
Ҳақим Пеан малҳам қўйиб оз фўрсатда дардин олдию,  
415. Боқий бўлиб туғилган бул худовандга бахш этди шифо.  
Густоҳ банда! Ҳайиқмасдан дилозорлик қилганди, нодон:  
Юксак Олимп аҳлига у камони-ла солганди таҳдид.  
Диомедни сенга, қизим, гиж-гижлаган Афина эрур.  
Тентак банда! Билмайднки ул диловар, худовандларга  
420. Қўл қўтарган бандаларнинг умри қисқа бўлур муқаррар;  
Барибир у бу қонли жанг майдонидан ўз ватанига

Қайтмагай ва фарзандлари тиззасига ўтирмагайлар,  
«Дада» деб ҳам айтмагайлар. Ундан кўра бул паҳлавон зот  
425. Қудратлироқ зот у билан куч сынашга тушса майдонга.  
Тағин Адраст қизи, унинг вафодори Эгиалея  
Бир кун келиб тун паллада ўз навқирон ёстиқдошини  
Қўмсаб бирдан фарёд солиб бутун элни этмасин бедор».

Шундай деб у артар эди боқий қонни қизи қўлидан:  
430. Киприда дард кўрмагандай бўлди бирдан оғриги қолиб.  
Бу аснода, барча гапдан воқиғ бўлган Афина билан  
Ҳера икков пичинг отиб, Зевс гашига тегмоқ бўлдилар;  
Афина сўз олди бошлаб — ул шахло кўз жангкор маъбуда:  
«Бузрук падар, қудратли Зевс, бир гап айтсам чиқмасми жонинг?  
435. Шу тўғрими, Афродита бугун яна бир юпон қизин  
Оғдирганмиш ўз ардоқли троялик ўғлонларига?  
Балки ўшал қизни суйиб, ўз илоҳий либосидаги  
Олтин тўғноғич-ла нозик билагини тирнаб олгандир?»

Тангрилару бандаларнинг падари Зевс жилмайиб қўйди.  
440. Ва қошига чорлаб олтин Кипридани, айтди бир калом:  
«Эрка қизим! Жангу жадал тушган эмас сенинг зимманга.  
Сенинг ишинг машғул бўлмоқ лаззатбахш ишқ-муҳаббат ила;  
Ҳарб ишини Арей ила Афинага қўйиб берайлик».

Шу тариқа суҳбат қуриб ўтирарди боқий тангрилар.  
445. Бу маҳал мард Тидейзода ҳамла қилди яна Энейга:  
Билса ҳамки у Энейга Аполлоннинг паноҳ эканин,  
Шу қудратли худодан ҳам ҳайиқмади; унинг нияти  
Энейни қатл этиб, ечиб олмоқ эди обдор совутин.  
Диомед уч марта ҳужум қилди уни ўлдирмоқ бўлиб;  
450. Лек Аполлон уч марта ҳам даф айлади унинг зарбасин;  
Тўртинчи бор ул тангриваш шайланганда яна ҳамлага,  
Чўнг мерган Феб мудҳиш овоз билан унга қилди дағдаға:  
«Эсингни йиғ, боқийлар-ла тенглашмоқни хаёлингга ҳам  
Келтирма ҳеч, о мағрур зот! Ки самовий тангрилар билан  
455. Рўйи замин бандаларин муқоиса қилиб бўлмас ҳеч!»

Тидейзода қўрқиб кетиб Аполлоннинг дағдағасидан,  
Бир оз ортга тисарилди. Феб ҳам шу пайт жанг орасидан  
Анхиз ўғлин олиб чиқиб Пергамнинг энг чўққисидagi  
Ўз муҳташам маъбадига келтирди-ю, ётқизди аста:  
460. Лета ила маҳорибкор Феба ушбу ибодатгоҳда  
Анхиззодага уфурдилар иқтидору илоҳий жамол.  
Айни пайтда, Феб — Аполлон бунёд этди сохта бир рўё —

- У ҳам жонли Эней эди, ўхшар эди аслаҳаси ҳам.  
Ушбу рўё теграсида ҳам Троя, ҳам Юнон аҳли
465. Тўқнашдилар ва қоришиб кетиб, ҳўкиз теридан бўлган  
Кунгирадор оғир, енгил қалқонларни ёрдилар торс-торс.  
Кумушкамон Феб таважжух этди тангри Арейга шу чоқ:  
«О багдакуш, қалъларнинг ғоратгари, о қонхўр Арей!  
Бул муҳориб Тидейзодни қувмайсанми ахир жанггоҳдан?»
470. Зевс билан ҳам жанг қилишдан тоймайди у, гар қўйиб берсанг.  
Боягина Киприданнинг билагидан жароҳатлади;  
Сўнг менга ҳам нақ илоҳий қувва янглиғ ҳамла қилди у!»—

- Шундай дея, Пергамнинг сар чўққисига инди Аполлон;  
Ёвуз Арей эса шунда Фракия лашкарбошиси
475. Чаққоноеқ Агамасга ўхшаб олиб, Приамзодларга  
Янгроқ овоз билан шундай баландпарвоз нутқ сўзлади:  
«Соҳибқирон Зевс паноҳи остидаги о Приамзодлар!  
Токайгача халқингизни ахейларга хўрлаб қўясиз?  
Ёки улар жанг қилсинми Илионнинг бўсағасида?»
480. Тангримонанд Ҳектор янглиғ эътиборли диловар Эней —  
Шоҳ Анхизнинг номвар ўғли қолди жангнинг қоқ ўртасида!  
Қани, дўстлар, қутқарайлик паҳлавонни қиёмат жангдан!»

- Шундай дея уйғотди у ҳар кимсада ғайрат, жасорат.  
Вале энди шоҳ Сарпедон таъна тошин отди Ҳекторга:
485. «Қайда қолди, Ҳектор, сенинг бир замонги диловарлигинг?  
Сенмасмидинг, Илионни элу юртсиз, муттафиқларсиз  
Ёлғиз ўзим, куёвларим, иниларим билан ҳимоя  
Қилажакман, деб керилган? Қани ўша ипиларинг, айт?  
Мен улардан биронтасин кўрмадим бу жанг майдонида.
490. Ҳаммалари шердан қўрққан лайчалардек пана-панада;  
Бу жанггоҳда жанг қилётган бизлардирмиз — мададкор эллар:  
Чунончи, мен бир муттафиқ сифатида келдим олисдан,  
Зеро, Ксанф дарёси ҳам, Лиқия ҳам йироқдир бундан,  
Унда қолган менинг суюк хотиним ва жажжи ўғилчам,
495. Хасисларнинг жасадини уйғотувчи улқап хазинам.  
Гарчи, бунда юнонларга ўлжа бўлғич хазипам йўқдир,  
Шунда ҳам ёв билан жангда олишувдан бош тортмам асло.  
Ва лекин сеп шаҳардаги хотин-халаж, бола-чақани  
Ғанимлардан муҳофаза қилмоқ учун ўз лашкарингни
500. Жангга ундаш ўрнига, қўл қовуштириб турибсан ҳамон.  
Эҳтиёт бўл, Ҳектор, тагин ҳаммаларинг бешафқат ёвнинг  
Шум домига илинибон, асир бўлиб қолманглар яна!  
Ана унда ёвлар ажиб шаҳрингизни қилгайлар ғорат!  
Сен шул ҳақда кеча-кундуз қайғурмоғинг, жанг майдонига
505. Мудом даъват этмоғинг шарт саркардалар, муттафиқларни,  
Дағдағая таъналардан эса соқит бўлмоғинг лозим!»

Сарпидоннинг бу гаплари қаттиқ ботди Ҳектор қалбига:  
Қўлда қурол билан ул мард сакраб тушди Жангаробадан:  
Найзасини силкитганча, руҳлантириб жангга барчани,  
510. Кезиб чиқди лашкаргоҳни ва бошлади шафқатсиз қирғин!  
Жами лашкар ортга қайтиб, ахейларга юзма-юз турди;  
Ахейлар ҳам зич саф бўлиб ёв ҳамласин кутди мардона.

Зар кокилли Деметранинг нафасидан уйғонган шамол,  
Ул муқаддас хирмонларда дон шопирган аҳли деҳқонни,  
515. Бошдан-оёқ кўмганидек олтин буғдой тўпони билан,  
Юнонлар ҳам бошдан-оёқ бурканганди чангу тўзонга;  
Чанг жанггоҳда елдек учиб, шахт бурилган отлар туёғи  
Остидан то мис самога\* етган эди; аробакашлар  
Ўз забардаст қўллари-ла йўллардилар отларни ёвга;  
520. Лек Троя мададкори жўшқин Арей лашкарлар сафин  
Кезиб юриб, бутун жангни буркаб олди қора пардага.  
У Аполлон амрин бажо айлар эди; Ки Феб ахейлар  
Паноҳгоҳи Афинанинг жангни ташлаб кетганин кўргач,  
Амр этганди ундамоқни троялик лашкарни жангга.  
525. Ўзи эса Анхез ўғли ул муборак ибодатгоҳдан  
Олиб чиқиб, куч ва ғайрат уфурди тез унинг кўксига.  
Эней шу чоқ ўз дўстлари даврасида бўлди намоён;  
Ҳамма уни куч-ғайратда бекусуру тани-жони соғ  
Ва бешикаст ҳолда кўриб масрур бўлди, лек ҳеч ким ундан  
530. Ҳолу аҳвол сўрамоққа улгурмади; зероки ҳамма  
Машғул эди зарур иш-ла: ушбу ишга кумушкамон Феб,  
Қонхўр Арей ва низокаш Эридалар қистар эдилар.

Саркардалар — икки Аякс, Одиссей ва Диомед шу пайт  
Ахейларни ундардилар жидду-жаҳд-ла жангга кирмоққа;  
535. Ваҳоланки, ахейзодлар шундоқ ҳам ҳеч қўрқмас эдилар  
Ғанимларнинг қудратидан ва даҳшатли ҳайқирғидан.  
Серкўланка булутларни ўз шиддаткор нафаси билан  
Фазо узра учирувчи Борей ҳамда ўзга шамоллар  
Маст уйқуда ётган тинч ва осуда пайт, чақмоқотар Зевс  
540. Индиарди булутларни ғоят юксак тоғлар бошига —  
Ахейлар ҳам айни шундай булут янглиғ қилт этишмасдан,  
Ғанимларнинг ҳужумини қўрқув билмай кутар эдилар.  
Агамемнон сафлар аро елдек учиб берарди далда:  
«Мард бўлинглар, биродарлар, бўлсин доим руҳингиз тетик;  
545. Ҳар бирингиз ор қилингиз жанг пайтида бир-бирингиздан?  
Ки ори бор жангчи кўпроқ омон қолгай, бўлмагай нобуд;  
Лек қочоқлар эришгайлар на шавкатга ва на нажотга!»

Шундай дея энг олдинда келаётган Деикоонга  
Найзасини итқитди у; бу Пергаснинг ўғли, Энейнинг  
550. Энг қадрдон дўсти эди; Трояда Приамзодлардек

- Иззат-ҳурмат қилардилар: ки у мудом биринчи бўлиб  
 Жанг қизиган ерга ёриб киришга кўп ишқибоз эрди.  
 Агамемнон отган найза бориб тегди ёв қалқонига;  
 Лек қалқон дош беролмади; найза уни ёриб ўтди-ю  
 555. Камарини чўрт уёди ва қовурига ҳам ёриб кирди;  
 У заминга «гурс» йиқилди, совутлари жаранглаб кетди.

- Шу чоқ Эней ҳам иккита аргосликни — шоҳ Диоклеснинг  
 Икки ўғли Орсилох ва Крефонни айлади яксон.  
 Шоҳ Диоклес яшар эди гўзал Фера шаҳрида, умри  
 560. Ва давлати бўлиб фузун; бошланганди унинг насаби  
 Азим дарё Алфейдан, — у Пилиядан ўтарди оқиб.  
 Туғилганди шу дарёдан диловарлар шоҳи Орсилох;  
 Орсилохдан туғилганди шоҳ Диоклес — соҳибкамол хот;  
 Диоклесдан эгиз ўғил — Орсилох ва жасур Крефон  
 565. Туғилганди; улар турли савашларда моҳир эдилар,  
 Икки дуркун йиғит жангда Агамемнон ва Менелайнинг  
 Иснодини ювмоқ учун Иллиога келган эдилар  
 Улкан қора кемаларда; лек уларнинг икковлари ҳам  
 Бахти қаро акаларки, шу заминда топдилар қаҳо.  
 570. Баланг тоғлар чўққисида, қуюқ ўрмон ичкарисида  
 Она шернинг сутин эмиб катта бўлган ва атрофдаги  
 Қўраларни фораг қилиб, бўрдоқи қўй ҳам эгри шохли  
 Қорамолни тортиб кетиб кун кечирган ва лекин бир кун  
 Ботир овчи отган ўқдан ер тишлаган икки баҳайбат  
 575. Шердек — улар қуладилар алп Энейнинг маҳвор зарбидан,  
 Қуладилар замин узра икки азим чинор сингари.

- Буни кўриб, шоҳ Менелай сикитганча қўлда найзасин,  
 Совутларин ярақлатиб саф олдиға чиқди отилиб:  
 Арей уни тезлаганди бунга, шояд Эней қўлидан  
 580. Ажал топса Диомед ҳам деган ният ила ниҳоний.  
 Лек Несторзод кўриб қолди буни шу чоқ — хуш дил Антилох;  
 Ва отилиб чиқди у ҳам саф олдиға, халқ чўбонини  
 Бирон ғаним маҳв этмасин тагин, шунча тўкилган қонлар,  
 Шунча хатти-ҳаракатлар хайф кетмасин, деган шубҳа-ла.  
 585. Бу пайт мардлар астойдил шайланиб беаёв жангга,  
 Найзаларин ўқталишиб турардилар қарама-қарши.  
 Лек Менелай ёнида тез пайдо бўлди Антилох бирдан,  
 Буни кўрган Эней қанча зўр муҳориб бўлса ҳам, лекин  
 Бир-бирига таянч бўлган икки алпдан чекинди орта.  
 590. Алплар ёса олиб қайтиб мурдаларни лашкароғ томон,  
 Шўрликларни қолдирдилар маҳзун дўстлар ихтиёрида;  
 Сўнг жангтоҳга қайтиб, яна жанг қилдилар олдинги сафда.

Жангда улар Пафлагонья лашкарининг азим сарбони  
 Арейсифат Пилемени зор қақшатиб ғориб этдилар.

595. Шавкати зур найзаандоз Менелай ўз рўбарўсида  
 Турган ушбу паҳлавоннинг ўмровига санчганди найза;  
 Шоҳ Антилох йиқди ерга бу пайт унинг аробакаши  
 Атимнийзод Мидонни ҳам; у отларни буриб, қочмоққа  
 Шайланганда, Антилох тош отиб унинг метин тирсагини
600. Мажақлади; фил суякли тизгин тушиб кетди қўлидан,  
 Антилох бир сакраб, Мидон чаккасига урди шамширин;  
 У оғир бир ихрадно аробадан мук тушди ерга  
 Ва боши-ла елкагача қумга ботиб, то ҳурккан отлар  
 Жойларидан қўзғалгунча шу алпозда тиккайиб қолди;
605. Сўнг Антилох бедовларни ахейларнинг қароргоҳига  
 Қамчи билан саваб ҳайдаб кетганида, мурда қулади.

- Бул мардларни кўрган Ҳектор энг қаҳрли ҳайқириқ билан  
 Улар томон ҳамла қилди; троялик азаматлар ҳам  
 Орқасидан қўзғалдилар; бу беҳисоб лашкар аҳлига
610. Қонхўр Эней ва золима Эпиолар эдилар сардор:  
 Важоҳатли найзасини силжитганча бандакуш Арей,  
 Ҳектордан гоҳ ўзиб кетар, гоҳ югурар эди ортидан.

- Жанг худосин кўриб қолиб, бу муҳориб даҳшатга келди,  
 Поёни йўқ саҳро бўйлаб кетатуриб, нақ дабдурустан
615. Кўпик сочиб ва шовуллаб чўнг денгизга қуйилаётган  
 Шўх дарёни кўрган ношуд сайёҳ каби у шу заҳоти  
 Орқасига тисарилди ва халқига юзланиб деди:  
 «Дўстлар, бугун тангринамо Ҳектор асл найзабардордек  
 Ва беқийёс паҳлавондек жанг қиларкан, ажабланмоқ не?»
620. Унга паноҳ бўлиб мудом жанг худоси, ўлимни ҳайдар!  
 Хануз Ҳектор ёнида у жанг қилмоқда фоний бандадек!  
 Биродарлар, ғанимлардан юз ўгирмай жанг майдонидан  
 Чекининглар, тангрилар-ла олишмоқдан бўлинг эҳтиёт!»

- Бу аспода яқин келиб қолган эди трояликлар.
625. Ҳектор битта аробада жанг қилётган қўш муҳорибни —  
 Чаққон ва мард Менесф ила Анхиални ўлдирди шу чор.  
 Теламоний буюк Аякс кўп ачинди бу ўлганларга;  
 Яқин бориб у ёв сари, яшиндек тез найзасин санчди  
 Селаг ўғли Амфийнинг қоқ киндигига; мўйсафид Селаг
630. Яшар эди экинзори мўл Песода; ва лекин тақдир  
 Унинг ўғли Приамзодлар учун жангга ундаган эди.  
 Аякс отган найза унинг қовуғига кирганди ботиб;  
 У гурсиллаб йиқилди ва голиб Аякс унинг совутин  
 Ўлжа олмоқ ниятида тепасига борди югуриб;
635. Аммо ёвлар ёғдирдилар найзаларин нисли ёмғирдек;  
 Қалқонида тирноқча жой қолмаганди новак тегмаган.  
 Шунда ҳам у оёғини босиб туриб ўлик кўксига,  
 Мис найзасин ёв танидан тортиб олди; лек улгурмади

У Амфийнинг бошқа яроқ-аслаҳасин ечиб олмоққа:  
640. Ки у қўрққан эди найза ўқталганча босиб келётган  
Сон-саноқсиз троялик қуршовида қолиб кетишдан;  
Гарчи Аякс не алпкелбат, не паҳлавон бўлса ҳам, ёвлар  
Уни ортга тараддудда чекинмоққа этдилар мажбур.

Шу йўсинда оташ жангга киришдилар яна қўшинлар.

645. Бу аснода Ҳераклнинг мард ўғлони Тлиполемни  
Ёвуз тақдир тўқнаштирди марди майдон Сарпедон ила —  
Зевснинг машҳур ўғли билан набираси рўбарў келди\*,  
Аввал бошдан Сарпедонга Ҳераклзод гап отди шундай:

«О Ликия шоҳи, жангнинг нималигин билмаган ношуд,  
650. Бу жанг аро дағ-дағ титраб юришингдан не ҳожат сенга?  
Елгончидир, сени Зевснинг фарзанди деб гап тарқатганлар!  
Йўқ, йўқ, Зевсдан бир замонлар бунёд бўлган азамат эрлар  
Орасида сен эурсан энг заифи, рамақижони;

Ва аксипча, — дейдиларки, — менинг отам ўта диловар,  
655. Шерюрак зот — шоҳ Ҳеракл куч-қудратда экан бепазир!  
Бир вақт отам оз миқдорли лашкар билан олти кемада  
Бу даргоҳга отлар сўраб келганида Лаомедондан,  
Илионни айлаб ғорат, ҳувиллатиб кетган экан у!\*

Сен қўрқоқсан, лашкарингни ўлим сари келурсан бошлаб.  
660. Йўқ, менимча, троялик учун мадад бўлолмайсан ҳеч:  
Янглишгансан Ликиянгни тарк этиб сен; агар юз чандон  
Қудратлироқ бўлганингда ҳам, ажалинг менинг қўлимда.  
Зеро Анд қопқасига этгум сени бугун равона!»

Сарпедон ҳам жавоб қилди Ҳераклзод Тлиполемга:

665. «Тўғри, отанг саодатли Илионни вайрон этганди,  
Сабаби, шоҳ Лаомедон ўз лафзидан қайтган эди-да:  
Аҳмоқ шоҳ ўз халоскорин таҳқирлаган ва ваъда қилган  
Отларини олис элдан келган зотга бермаган эди.

Лекин энди сенга келсак, амипманки, умринг тутаган;  
670. Ҳа, қотилинг мен эурман — ушбу найзам олур жонингни,  
Бахш этгайсан менга шавкат, тулпори мўл Лидга — рудинг».

Шундай деди шоҳ Сарпедон. Тлиполем кўтарди баланд  
Ўз найзасин отмоқ бўлиб; бирдан икки рақиб найзаси  
Бир пайтда учди қўлдан; Сарпедоннинг машъум найзаси  
675. Рақибининг қоқ бўйнига бориб тегиб, энсдан чиқди:  
Тлиполем кўзи олди сиёлашиб, жон берди дарҳол.  
Лекин у ҳам айни пайтда Сарпедонни яралаганди;  
Найза унинг баданини чок айлабон қадалган эди  
Тос суякка; лек падари Зевс сақлаб қолди ўлимдан.

680. Ёронлари Сарпедонни жанггоҳдан тез олиб кетдилар  
Авайлашиб; аммо найза қаттиқ азоб берарди унга;



- Қахрамонга паноҳ бўлган ёру дўстлар шошганларидан  
 Ўйлашмади бад найзани жароҳатдан тортиб олмоқни;  
 Ярадор ўз оёғи-ла юрур эди шундай қилишса;
685. Ул ёқда ҳам Тлиподем жасадини данайлар жадал  
 Олиб чиқа бошладилар жанг майдондан; бу ҳолни кўрган  
 Шижоатли Одиссейнинг чўнг қалбида ўт олди газаб;  
 У, чақмоқдор Зевс ўғлини қувиб етиб маҳв этсаммикин,  
 Ё Ликия лашкарини битта қўймай қийратсаммикин
690. Тутдай тўкиб бу жанг аро, дея бир оз ўйланиб қолди.  
 Илло Зевснинг иқтидорли ўғлини найза билан маҳв этмоқ  
 Соҳибназар Одиссейга буюрмаган экан тамоман,  
 Ки Паллада қаратганди унинг қаҳрин ликияликларга.  
 Жанг бошлаб у, Керан, Галий, Аластору Хромийларни,  
 695. Ноемону Алкандрни, Пританни ўлдирди бир-бир;  
 Шоҳ Одиссей кўч лашкарнинг қуритарди яна ёстигин —  
 Шу пайт обдор дубулғали Ҳектор уни кўрмаганида:  
 Мис совутин ярақлатиб у саф ёриб отилди олға  
 Данайларга солиб даҳшат. Дўстин кўриб суюнган Зевсод —
700. Шоҳ Сарпедон ҳазин овоз билан унга юзланди шундай:  
 «Дўстим Ҳектор! Жасадимни ахейларга ўлжа қолдирма;  
 Ҳимоя қил! Ундан кўра, кўзим юмай сизнинг дилбаста  
 Шаҳрингизда; қараб турсам, пешонамга ёзилмаганкан  
 Киндик қоним тўкилган ўз ватанимга қайтиб бормоғу
705. Масрур бўлмоқ рафиқаму ўғилчам-ла кўришиб дийдор!»

- Аммо Ҳектор жавоб қилмай Сарпедоннинг илтижосига,  
 Олга томон елиб кетди — ошиқарди унинг мард қалби  
 Тезроқ юнон лашкарини даф қилмоғу маҳв этмоққа.  
 Сарпедонни бу пайт дўстлар ўтқаздилар далада ўсган
710. Зевс дарахти — ғоят хушқад азим шамшод кўланкасига\*.  
 Бунда унинг энг суюкли ва диловар дўсти Пелагон  
 Торғиб олди баданига чуқур боған узун найзани:  
 Сарпедоннинг жони чиқиб, кўз олдлари қоронгулашди.  
 Бир оздап сўнг яна чуқур тин олди ва салқин шаббода
715. Уни яна жонлантириб, базўр нафас ола бошлади.

- Аргосликлар Арей билан мард Ҳекторнинг рўбарўсида  
 Зич туришар, соҳил томон бирортаси қочмас эди ҳам,  
 Олдинга ҳам ҳамла қилмас эди лекин Приамзодларнинг  
 Тарафида жанг худоси борлигидан воқиф бўлишиб,
720. Юзни ортга ўғирмасдан борардилар чекиниб аста.

Иқтидорли Ҳектор ва жон кушандаси Арей шу куни  
 Не-не азиз одамларнинг бошларига етмади дейсиз?  
 Булар: Орест — бедовсувор, сўнг Тевфрас — тангримонанд эр,  
 Қўрқув билмас Эномаос, Этолия найзабардори

725. Трех, Эноп ўгли Ҳелен, олачипор белбоғ таққап мард —  
Орезбийдир; мол йиғишда суюғи йўқ бу гилалик зот  
Кефис кўли соҳилида истиқомат қиларди аксар  
Бой-бадавлат оилалар қаторида — беотиялик.

Айни шу пайт ахейларнинг қонли жангда қирилётганин  
730. Кўриб қолди ул оқбилак сармаъбуда Ҳера Олимпдан  
Ва шу заҳот Афинага бундай сўз-ла этди таважжух:  
«О маъбуда, бузрук Зевснинг жангкор қизи, қандай фалокат!  
Агар дарҳол чек қўймасақ қаттол Арей ғазабига биз,  
Менелайга, Трояни ғорат этиб ғолиб қайтгайсан  
735. Ўз уйингга, дея айтган сўзларимиз пуч чиққай мутлоқ!  
Ушбу уруш борасида, кел, ўзимиз бош қотирайлик!»

Шундай деб у Зевснинг шаҳлокўз қизини унатди гапга;  
Лекин бузрук Крон насли сармаъбуда Ҳеранинг ўзи  
Олтин абзал тулпорларни аробага қўша бошлади.  
740. Ҳеба эса аробанинг темир ўқин икки бошига  
Кегайлари саккизтадан, қўш ғилдирак кийдирди мисдан;  
Ғилдирақлар айланаси олтин бўлиб, улар устидан  
Қопланганди пухта этиб мис гардишлар ғоятда турфа!  
Ярақларди гулчаклари — гир айлана кумуш қопланган;  
745. Зар ва кумуш тасмалар-ла ўқ устига маҳкам боғланган  
Кажавага ёй шаклида икки тутқич ўрнатилганди;  
Пайванд эди кажавага кумуш шоти; ки Ҳеба унга  
Гўзал олтин бўйинтуруқ, олтин абзал илди — нурафшон;  
Шунда бутун вужуди-ла жанг майдонга толпинган Ҳера  
750. Ўз беқазо тулпорларини қўшди жадал жангаробага.

Айни шу пайт Афина ҳам Зевс кўшикида ҳарир ўртигин  
Елкасидан аста ерга туширдик, маъбуда уни  
Ўз қўли-ла тўқиб, унга ўзи ажиб гуллар тикканди;  
Ўртугининг ўрнига у чақмоқдор Зевс совутин кийиб,  
755. Бошдан-оёқ қуролланиб, ҳозирланди андуҳкор жангга.  
Кифтга илди кунгираси шершокила тангри қалқонин, —  
Бу қалқоннинг ҳаммаёғин чулғаганди бебадал Ваҳшат:  
Бунда Нифоқ ва Иқтидор, қўрқоқларга ғоят ўч — Таъқиб,  
Қодир падар тангри Зевснинг мўъжизаси — баҳайбат махлуқ  
760. Горгонанинг таҳдидона, машъум боши муҳайё эрди!  
Тўрт жигали зар дубулға кийди бошга маъбуда шу чоқ —  
Унда юзта паҳлавоннинг тасвири акс эттирилганди.  
У оташин аробага чиқиб, улкан, серқувва, залвар  
Найза олди илкига-ки, бу яроқ-ла Афина қаҳрин  
765. Келтирган ул мардлар сафин пароканда этса бўларди.

Қамчи босди учар отлар сағрасига Ҳера ҳам шу чоқ;  
Ўз-ўзидан қалдир-қулдур очилди ул само қопқаси.

- Ушбу қопқа булутларни тарқатмоқ ё жамламоқ учун  
Берилганди Олимпнинг ва кенг фазонинг нозиралари —
770. Ҳераларнинг измига; шу дарвозадан икки маъбуда  
Отларини шиддат ила ҳайдаб, елдек учиб чиқдилар;  
Тезда улар Олимпнинг энг чўққисиди чақмоқдор Зевснинг  
Тангриларсиз танҳо ўзи ўлтирганини кўриб қолдилар.  
Шу ерда оқбиллак Ҳера отларини тўхтатиб таққа,
775. Соҳибқирон Зевсга шундай калом айтди таважжуҳ айлаб:  
«Наҳот қаҳринг қайнамаса Арейнинг бул бадкорлигидан?  
Юнонларнинг у беҳисоб асилзода азаматларин  
Шафқат билмай нобуд қилди зўрлик билан! Мен андуҳдамен,  
Зотан бу пайт Киприда ва Феб икковлон тентак Арейни
780. Жангга тезлаб, вақтичоғлик қилмоқдалар бамайлихотир.  
О, падар Зевс! Гар Арейни мажбур этсам шармандаларча  
Калтаклабон жанг майдонни тарк этмоққа, чиқмасми жаҳлинг?»

- Булутларнинг қошифи Зевс жавоб берди Ҳерага шу дам:  
«Яхшиси, сен Палладани тезла ўшал қаттол Арейга;  
785. У ўрганиб қолган Арей бошига шум савдо солмоққа».

- Шу заҳоти бўйин эғди бу пайғомга гулбадан Ҳера;  
У отларга қамчи босди ва илоҳий отлар қуюндек  
Елиб кетди юлдуз тўла само билан ер орасида.
790. Туриб юксак минорада бепоён ва тунд денгиз сатҳин  
Кузатётган одам кўзи бир қарашда фазонинг қанча  
Масофасин илгаса, ул гажак бўйин учқур отлар ҳам  
Одимлаб ҳар сакраганда шунча ерни босиб ўтарди.  
Трояга етиб улар Симоис ва Аскамандрининг  
Шўх сувлари туташган бир ерда манзил қурдилар, шунда
795. Чпқариб жангаробадан тулпорларин гулбадан Ҳера.  
Буркаб қўйди қора булут пардаси-ла; бу отлар учун  
Симоис ўз соҳилида ўстирганди лағиз амбар ўт.  
Маъбудалар бу пайт эрка бандалари — аҳейзодларнинг  
Бошларидан даф айламоқ учун бало-офатни тезроқ,
800. Пилдир-пилдир борардилар бамисоли мусичалардек.  
Мана, Ҳера ва Афина етиб келди энг асилзода,  
Мард йигитлар ила турган Тидейзода истиқболига;  
Улар ваҳший шерлар янглиғ, ё қудратда тентгсиз қобонлар  
Сингари гуж турардилар, буни кўрган гулбадан Ҳера
805. Наъра тортди кириб жарчи Стенторнинг қиёфасига,  
Наъраси нақ эллик жарчи овозидек гулдурос эди:  
«Фақат сирти ялтироқ о аргосликлар, уялмайсизми?  
Бир вақтлар соҳибқирон Ахиллес жанг қилган чоғларда  
Троялик Троянинг қопқасидан чиқмасди ташга:
810. Ахиллеснинг маҳвор ул найзасидан қўрқар эдилар!  
Энди эса кўп олис-да, бандаргоҳда қилмоқдалар жанг!»

- Шундай деб, у ҳар жангчида уйғотди куч ҳамда жасорат.  
 Диомеднинг қошига бу маҳал яқин келди Афина;  
 Шоҳ ўзининг аробаси ва отлари ёнида туриб,
815. Совутарди Пандар отган мис найзанинг жароҳатини,  
 Терлаб кетган эди унинг дўнг қалқопинг тасмаси ости:  
 Шу боисдан кучи кетиб увишмоқда эди қўллари:  
 У тасмани кўтарибон артар эди ярасин қонин.  
 Зевснинг қизи отлар ёли оша унга шундай гап айтди:
820. «Йўқ, Тидейдан бўлган ўғил ўхшамайди ўз отасига!  
 Бўлса ҳам у пақанароқ, гоят буюк муҳориб эрди!  
 Бир замонлар у бир ўзи ахейлардан Фива шаҳрига  
 Элчи бўлиб борган эди,— серфуқаро Кадм қошига.  
 Ушанда мен унинг жўшқин қалб оташин бир оз сўндириб,
825. Амр этгандим шоҳ қасрида осойишта шират қилмоқни;  
 Вале Тидей жасорати мудом жўшқин бўлганлигидан,  
 Даъват этиб курашга ёш-ялангларни, ҳаммаларини  
 Осонгина енган эди; унга ўзим бергандим мадад!  
 Шу сингари, сенга ҳам мен бўлиб паноҳ, Фракиянинг
830. Лашкари-ла мардона жанг қилишининг тарафдориман;  
 Лек билмадим, ё тинимсиз қонли жанглар силланг қуритган,  
 Ё беҳаё қўрқув қамраб олган бутун вужудинг сенинг!  
 Шундай экан, деб бўлурми сени бузрук Тидей фарзанди?»
- Соҳибкарам Диомед ҳам маъбудага айлади жавоб:
835. «О! Танидим, Зевснинг шаҳло кўзли қизи, сени бир зумда!  
 Ҳеч бир сирни яширмасдан, ҳамма гапни айтгумдир ошкор:  
 Мени тутиб турган нарса на чарчоқлик ва на қўрқоқлик,  
 Балки сенинг ўғитларинг,— улар бари ҳануз ёдимда:  
 Саодатли аҳли само билан асло жанг қилмасликни
840. Уқтиргандинг менга, фақат Афродита аралашса гар,  
 Унигина найзанг ила жароҳатла, деб амр этгандинг.  
 Шул боисдан чекиндиму жами юнон лашкарига ҳам  
 Урушни тарк этиб; бунда жам бўлмоқни амр этдим дарҳол:  
 Кўрмоқдамен мен Арейни; бош бўлмоқда бу қирғинга у».
845. Диомедга деди яна Эгиохнинг порлоқкўз қизи:  
 «О муҳориб, Тидейзода, Афинанинг эрка бандаси!  
 Йўқ, энди сен ҳайиқма ҳеч Арейдан ҳам, ўзга қудратли  
 Тангрилардан ҳам қўрқмагил; ўзим бўлгум сенга мададкор!  
 Мард бўл, эркам, метинтуёқ отларингда Арей устига
850. Бостириб бор, дадил тўқнаш, зарба бер ул телба худога,  
 Ул қаҳдорнинг касби-кори ёвузлигу хиёнат фақат!  
 Ул бурди йўқ куни кеча сўз берганди мен-ла Ҳерага,  
 Трояга қарши ахей томонида жанг қилгум, дея;  
 Бугун бўлса Трояни ёқламоқда аҳдидан кечиби!»

855. Шундай деб у, аробадан Сфенелни тортиб туширди —  
 Дарҳол ерга сакраб тушди итоат-ла аробакаш ҳам;  
 Маъбуданинг ўзи энди ёниб уруш иштиёқида,  
 Аробага чаққон сакраб чиққан эди, ароба ўқи  
 Афина ва Диомеднинг залваридан инграб юборди.
860. Қамчинни ҳам, тизгинни ҳам қўлга олиб Афина ўзи,  
 Дабдурустан Арей томон йўналтирди олов отларни,  
 Бу аснода қонхўр Арей Этолия шоҳи алпқомат  
 Перифаснинг совутларин ечар эди, маҳв этиб уни;  
 Лек Афина кийди Аид дубулғасин\* кўринмаслик-чун.
865. Қонга ташна тангри Арей Диомедни кўрган ҳамоноқ  
 Этолия шоҳи донгдор Перифаснинг улкан жасадин  
 Улоқтириб, тикка босиб борди унинг устига жадал.  
 Довлашганлар бир-бирига яқинлашгач, уруш худоси  
 Мис найзасин от абзали, тизгин оша чупон отдики,
870. Мақсад — жондан жудо этмоқ эди ботир Тидей ўглини;  
 Валекин Зевс қизи учиб келаётган найзани тутиб,  
 Отди четга ва Арейнинг ҳаракати бўлди бесамар.  
 Шунда қўрқмас Диомед ўз мис найзаси билан Арейга  
 Хужум қилди; Паллада ҳам уни тўғри жанг худосининг
875. Чови томон йўналтирди — мис пешбанд-ла иҳоталанган;  
 Шоҳ Диомед шу ерига найза санчиб, боқий жисмини  
 Яралагач, яна уни тортиб олди; Арей оғриқдан  
 Шундай додлаб юбордики, машъум жангга кирган минг-минглаб  
 Лашкарларнинг наърасидек гумбирлади унинг фарёди!
880. Ҳам Троя, ҳам Аргоснинг лашкарлари ларзага келди  
 Чўчиб кетиб: шундай нола қилган эди бандокуш Арей.
- Дамни ичга қайтаргулик саратонда қора булутдан  
 Обу ҳаво қандай нохуш ва бадқовоқ кўринса кўзга,  
 Қора қонга бўялган ва само сари парвоз айлаган
885. Мис совутли шум Арей ҳам Диомедга кўринди шундай.  
 Боқий тангри учиб чиқиб тангриларнинг сар мақомига,  
 Ғоят нохуш кайфиятда соҳибқирон қошига чўкди  
 Ва кўрсатиб ярасидан оқаётган беқазо қонни,  
 Нола чекиб тангри Зевсга айтди шундай юксак каломлар:
890. «Наҳот қаҳринг келмаса шул бадкорликни кўра туриб, Зевс?  
 Биз боқийлар одамзодга қиламиз деб яхшилик, мудом  
 Еғдируرمىз бир-биримиз бошимизга мудҳиш офатлар;  
 Ҳаммамизни рапжитдинг сен: хаёлида фақат бадкорлик  
 Бўлган ўша офаткаш ва густоҳ қизни яратган сенсан!
895. Бул мунаввар Олимпдаги ундан ўзга ҳамма худолар —  
 Ҳаммамиз ҳам доим сўзсиз бажаргаймиз айтганларингни.  
 Лек шу қизинг тергамайсан амалда ҳам, калом билан ҳам;  
 Билъакс, кўп эрк бериб қўйдинг ўшал бадкор қизингга, танграм!

- Мана, бугун у Тидейзод Диомедни ўчакиштирди  
900. Ваҳшиёна ғазаб билан само аҳли — худовандларга!  
Аввало у Кипридани яралаган эрди илқидан;  
Кейин мисли қуюн янглиғ ҳамла қилди менга ҳам, ғаддор!  
Фақат чаққон обқларим халос этди мени балодан,  
Йўқса тоғ-тоғ жасадаларнинг орасида ҳанузга қадар  
905. Азоб чекиб ётар эдим, шум найзадан бўлиб чалажон!»

Чақмоқдор Зевс дағдаға-ла қараб унга шундай сўз айтди:  
«Ўчир унинг, о, бурди йўқ! Қашқир янглиғ увлама бунда!  
Мен учун сен арши аъло аҳли ичра энг маразисан!

- Сенга фақат адовату нифоқу жанг бўлса кифёя!  
910. Сен бебошсан ва ўжарсан — феълинг ўхшар онанг Ҳерага,—  
Ки мен уни базўр гапга кўндираман койиб, уришиб!  
Бу куйга ҳам тушган бўлсанг керак онанг касрига қолиб!  
Вале қараб туролмайман сенинг азоб чекишинга ҳеч:  
Зеро менга жондошдурсен, онанг сени туққандир мевдан.  
915. Сен бадқирдор бўлсанг эди ўзга тангри фарзанди агар,  
Аиднинг энг теран ери — Уранзодлар ётган ердан ҳам  
Чуқурроқ\* ер — бўлар эди аллақачон маконинг сенинг!»

Сўнг Арейни даволашни буюрди у табиб Пеанга.

- Пеан яра оғриғини даф этгувчи малҳам қўйдию  
920. Шу он шифо берди боқий худованднинг боқий жисмига.  
Гар анжирнинг шарбатига сут омихта қилиб чайқалса,  
Бир зумда сут чириб қотар (қоракуя қуйилган қондөк), —  
Шундай тезлик билан Пеан даволади бемор тангрини.  
Ҳеба уни ювиб-тараб, ғоят ажиб либос кийдирди,  
925. Алқисса, боз ўрин олди мағрур Арей Зевснинг ёнидан.

Ана шундан кейингина Ҳера билан Алалкомена  
Этиб поймол ва бартараф Арейнинг жон кушандалигин,  
Қайтиб чиққан эдилар ул бузрук Зевснинг кошонасига.

# ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

## ҲЕКТОРНИНГ АНДРОМАХА БИЛАН УЧРАШУВИ

Довлашганлар жанггоҳини тарк этдилар бу чоқ тангрилар;  
Валекин ул Ксанф ила Симоиснинг оралигида —  
Кенг воҳанинг гоҳ у, гоҳ бу гўшасида бири-бирига  
Найза отган лашкарларнинг жанги ҳамон эди шиддатли.

5. Аввал Аякс Теламоний — юнонларнинг суянган тоғи  
Ёв сафини ёриб кириб, йўл очди ўз ёронларига  
Ва маҳв этди Фракия лашкарларин энг паҳлавони  
Ҳам девқомат, ҳам қудратли Эвсор ўғли — шоҳ Акамасни;  
У зарб уриб Акамаснинг от ёлли мис дубулғасига\*,
10. Бош чаноғин шамшири-ла чок айлади ва шу ҳамоноқ  
Акамаснинг кўзи олди бўлиб сиё, жон берди ногоҳ.

- Мард муҳориб Диомед ҳам маҳв айлади Тевфрис ўғли  
Аксилни: у обод шаҳар Арисбада яшаркан шодол,  
Мудом ҳаёт лаззатидан баҳраманд ва ўтган-кетганин
15. Йўл бўйида қад кўтарган ҳашаматли қасрида бирдай  
Очиқ юз-ла қарши олиб, саховат-ла қиларди меҳмон.  
Вале ўшал ёру-дўстдан биронтаси дафъ этмади ҳам  
Бу офатни, ҳеч ким унга мадад қўлин узатмади ҳам;  
Шоҳ Диомед упи ҳамда, унга қўшиб аробакаши
20. Калезийни гумдон қилиб ер қаърига этди равона.

- Мард Эвриал қатл айлаб Дрес ила Офедтийни бот,  
Жадал босиб борди эгиз Эсен ила Педас устига —  
Буколион — ота эди, оналари — Абарбарая;  
Никоҳсиз ва хуфийёна туғилганди Лаомедоннинг
25. Тўнғич ўғли Буколион — бул мард сурув боқиб юрганда  
Қовушганди санам билан, оқибатда, туғилган эди  
Икки ўғил; мард Эвриал шу қўш ўғил руҳин ва жисмин  
Маҳв этди-ю, зум ўтмайин ечиб олди совутларини.

- Астиални енгди шу чоқ мард Полипет — жангда устувор;
30. Шоҳ Одиссей мағлуб этди перкоталик жангчи Пидитни;  
Тевкр эса жанг-жадалда монанди йўқ Аретаонни.  
Нестор ўғли Антилох ҳам найза ила Аблерни йиқди:  
Мардлар марди Агамемнон ер тишлатди Элатни бул чоқ

- (Суви зилол Сатнионнинг бўйидаги чўнг қалъа Педас  
35. Юрти эди шоҳ Элатнинг). Паҳлавон Лент Филакни қувиб  
Гумдон қилди; Меланфейни ечинтирди чаққон Эврипил.

- Найзабардор шоҳ Менелай тирик асир олди Адрастни:  
Жангу жадал суронидан ҳуркиб кетган унинг отлари  
Айиқтовон бутасига чунон уриб жангаробани,  
40. Шотисини таг-тубидан синдирганча шаҳарга томон  
Елдек учиб кетдиларким, эргашдилар ўзга отлар ҳам.  
Адраст қаттиқ зарбдан учиб аробадан юзтубан тушиди  
Гилдиракнинг нақ пойига; зум ўтмасдан унинг бошида  
Пайдо бўлди шоҳ Менелай ғоят узун найза ўқталиб.  
45. Вале Адраст шоҳ пойидан қучиб, унга қилди тавалло:  
«О, Менелай, сақла жоним, ҳадсиз тоvon тўлашгай мен-чун!  
Падаримнинг молу мулки номаъдуддир хазинасида,  
Лак-лак эрур мису зарлар ва анвойи темир буюмлар.  
Агар отам асирликда соғ эканим эшитса поғоҳ,  
50. Бадалимга бажону дил сенга бисёр тўлагай товон!»

- Шундай деб у Менелайни кўндирган ҳам эди гапига,  
Менелай ҳам аҳбоб топиб бандаргоҳга юбормоқ бўлиб  
Турган эди бу бандини, дабдурустан югуриб келган  
Агамемнон таққа тўхтаб, инисига бақира кетди:  
55. «О, оққўнгил иним, нечун бугун ёвга мушфиқсан бунча?  
Остонанга аҳбоб бўлиб қадам қўйиб, ағёр ишини  
Қилган шулар эмасмиди? Йўқ ҳеч бир кас машъум қирғинда  
Қўлимиздан соғ чиқмагай, ҳатто она қорнида ётгап  
Чақалоқ ҳам йўқ қилингай! Троянинг жами мардуми  
60. Қабр кўрмай бепом-пишон йўқ қилингай рўйи замипдан!»

- Шу ҳаққоний каломи-ла ботир оға ўз инисини  
Ниятидан тез қайтарди; жингалаксоч шоҳ Менелай ҳам  
Бир сўз демай, даф айлади пойин қучган банди Адрастни;  
Шунда мағлуб қорнин пойлаб Агамемнон сапчди найзасин;  
65. Адраст зарбдан гурс йиқилди ва Атрейзод мурда кўксига  
Оёқ тираб ўз найзасин бир силташда суғуриб олди.

- Бу чоқ Нестор ахейларни жангга қўзғар эди баралла:  
«О, дўстларим, аҳли юнон, о, Арейнинг мард бапдалари!  
Жанг чоғида ғаниматни ўйламай ҳеч, юринглар олға.  
70. Кемаларга ташимоқчи бўлсангиз гар йиққан ўлжангиз,  
Сафдан ортда қолажаксиз. Аввал ёвни этайлик яқсон;  
Сўнг баҳузур мурдаларни ечинтириб олаверасиз».

Ҳар мардни у руҳлантириб жасоратга йўллади шундай.  
Бу оснода руҳи тушиб мағлуб бўлган трояликлар



75. Қонсираган данайлардан шаҳар ичра қочган бўларди,  
 Гар Приамнинг қушлар ила фол очувчи ўғлини Ҳелен  
 Бермаганда Эней ила мард Ҳекторга доно маслаҳат:  
 «Ҳектор, Эней! Огоҳ бўлинг, Троянинг бутун ташвиши  
 Икковингиз зиммангизда; зероки сиз — икки саркарда
80. Беқийессиз ҳар жабҳада: хоҳ жанггоҳда, хоҳ тафаккурда.  
 Жангдан қочган лашкарларни йўлатманг ҳеч қопқага томон,  
 Ки номардлар ҳар тешикка ўзин уриб, хотин қўйнига  
 Қирмасинлар элдан бурун, ғанимларга бўлиб шарманда!  
 Троялик лашкарни сиз руҳлантириб саф кезиб чиқинг
85. Сўнг бу ерда аргосликлар билан яна жанг қилгумиздир,  
 Улар бизни қанча сиқиб келишса ҳам: йўқ ўзга чора.  
 Аммо, Ҳектор, Илионга елдек уч сеп ва онамизга  
 Баён эт бул маслаҳатим: Троянинг энг соҳибқарам  
 Аёлларип чашми шаҳло Афинанинг азиз маъбади
90. Қаршисига — Акрополга йиғсин. Сўнгра муқаддас боргоҳ  
 Қопқасини очиб, шоҳнинг қасридаги энг жозибали,  
 Опам ўзи энг хуш кўрган турфа гулли ҳарир чойшабни  
 Олиб келиб Афинанинг тиззасига ташласинларким,  
 Гар маъбуда инобатга олса улар таваллосини
95. Ва даф этса фалокатни шаҳримиздан, хотинларимиз,  
 Беайб гўдақларимизнинг бошларидан, гар важоҳатли  
 Диомеднинг башарасин Троядан қилса тескари  
 (Назаримда, энг муҳориб зот шу эрур ахейлар аро!  
 Ки эрларнинг энг сараси — маъбудадан дунёга келган
100. Ахиллес ҳам бизга таҳдид солмаганди Диомедчалик!  
 Жасоратда беқийес бул Тидейзода ошмоқда ҳаддан!),  
 Қасам ичсин бир яшарлик таналардан ўн иккитасин  
 Шу даргоҳда дарҳол қурбон айламоққа тангри йўлпга».

- Қулоқ осди жасур Ҳектор инисининг маслаҳатига;  
 105. Қўлда қурол ила жадал сакраб тушди жангаробадан;  
 Силкитганча чўнг найзасин айланаркан лашкар сафини,  
 Руҳлантирди жами эли қиргинбарот мудҳиш урушга.  
 Яна ёвга юз ўгириб жанг бошлади трояликлар;  
 Буни кўрган аргосликлар чекиндилар чек қўйиб жангга,  
 110. Ки аларнинг назарида туюлганди сернажм самодан  
 Бирон тангри пинҳон тушиб ёв тарафда жанг қилётгандай;  
 Троянинг лашкарлари шу даража эди шиддатнок.

- Яна Ҳектор наъра тортиб халқни жангга жунбиш қилдирди:  
 «Троянинг шоввозлари, о шавкатли муттафиқларим!  
 115. Мард бўлинглар, унутмангким, жўшқин қувва соҳибидирсиз.  
 Мен ғизиллаб Илионга бориб келай; айтай суюкли

Хотинларимизга ҳамда машваратчи қарияларга:  
Тангриларга сизгинишин, қурбонликка атаб юз тана».

- Деб равона бўлди Ҳектор ярақлатиб дубулғасини;  
120. Орқасига осиб олган чўнг қалқонин чарм гажимлари  
Товони ва энсасига тегар эди у юрганида.

- Бу аснода Ҳипполоҳзод Главк билан номвор Диомед  
Давра аро чиққандилар жанг қилмоққа яккама-якка.  
Паҳлавонлар бир-бирига яқин келгач, биринчи бўлиб  
125. Гап бошлади муҳориб эр, куч-қудратда тенгсиз Диомед:  
«О банди замиң, кимсан, падаринг ким сен довуракнинг?  
Аввалари жанггоҳ аро кўрмовдим ҳеч сен паҳлавонни;  
Баски, узун найзам сари тик келишга этибсан журъат,  
Биламанки, афзалдирсан жасоратда барча мардлардан.  
130. Лек унутма, фақат бахти қаро одам беллашгай мен-ла!  
Ошқора айт, гар самодан тушган боқий тангри бўлсанг сен —  
Ҳаддим сизмас олишмоққа Олимпдаги тангрилар ила,  
Ликургдайин паҳлавон ҳам бу жаҳонда кўп яшамади  
Тангриларга кўтариб қўл, кўп густоҳлик қилгани учун.  
135. Ушал ғаддор хушкайф Ваххнинг мураббияларига бир кун  
Ҳужум қилиб тирқиратган эди қудсий Нисса ёқалаб:  
Улар яшил асоларин отиб ерга, қаттол Ликургнинг  
Шум қамчиси зарбасидан фарёд чекиб қочган эдилар;  
Кўрқиб қалт-қалт титраган Вахх отган эди ўзин денгизга  
140. Ва Фетида ўз бағрига олиб уни берганди таскин.  
Ҳаловатни хуш кўргувчи худовандлар шунда Ликургдан  
Ғазабланди; Зевс эса кўр қилиб қўйди ғаддор Ликургни;  
Кейин эса тангриларнинг қарғишига қолиб, ҳаётнинг  
Лаззатидан маҳрум бўлди то ўлгунча. Йўқ, саодатли  
145. Тангрилар-ла жанг қилишни истамайман! Лек эрсанг мардум  
Ва улгайган бўлсанг замиң неъматидан бўлиб баҳраманд,  
Кел яқинроқ, машъум ўлим сарҳадига етгайсан шитоб».

- Жавоб қилди дарҳол унга Ҳипполоҳхнинг паҳлавон ўғли:  
«О, Диомед, нечук сўраб қолдинг менинг наслу насабим?  
150. Одамзод ҳам дарахтларнинг баргларига ўхшайди, билсанг.  
Кузда алар айримини ел учириб ер узра тўкса,  
Баҳор келиб аксар дарахт яна либос кийур барглардан;  
Одамзод ҳам шу: бировлар ўлар экан, биров туғилар.  
Гар истасанг, ўз насабим кимлигини сўзлаб бергумдир;  
155. Алқисса, бир саодатли шаҳар бордир олис Аргосда,  
У — Эфира; Сизиф отлиқ мутафаккир яшарди шунда;  
У Эолнинг ўғли бўлиб, ўзи эди Главкка ота.  
Главк фарзанд кўриб, отин Беллерофонт қўйди; тангрилар  
Бу афифга бахш этдилар эзгу мардлик, бебадал ҳусн:

160. Вале Прет бул бегуноҳ йигитчани ўлдирмоқ бўлди:  
Ғазаб ила уни элдан қувғин қилди (зероки бул зот  
Ахейларнинг энг қудратли шоҳи эди, боз устига, Зевс  
Бутун халқни тобе қилган эди унга). Хуллас, гап шуки,  
Шоҳ Претнинг ёш хотини Антия бу ўктам йигитга
165. Ғамза қилиб, пинҳона ишқ лаззатини сурмоқ бўлганди;  
Лек учмади диёнатли Беллерофонт бундай жодуга  
Ва шарманда бўлган аёл тухмат қилиб айтди эрига;  
— Ўлганинг соз, Прет, агар ўлдирмасанг Беллерофонтни;  
Зероки у мени зўрлаб номусимга тегмоқчи бўлди.—
170. Шоҳ дарғазаб бўлди тинглаб маликанинг қуруқ тухматин;  
Лекин қўли бормади ҳеч қаттолликка; қўрқди исноддан;  
Бериб унга шум белгилар қайд этилган букма тахтакач\*,  
Ликияга, қайин ота ҳузурига жўнатди уни;  
Қайнотаси ўлдирмоғи лозим эрди ўқиб тахтакач.
175. Йўлга тушди Беллерофонт тангриларнинг хуш паноҳида.  
Эсон-омон етиб олди Ликияга, Ксанф бўйига;  
Очиқ чехра билан пешвоз чиқди унга Ликия шоҳи;  
Сўнг, ҳар куни сўйиб тана, меҳмон қилди уни тўққиз кун.  
Жамолини ўзинчи бор кўрсатганда заркокил Шафақ,
180. Шоҳ меҳмондан тахтакачни сўраб қолди — куёв юборган;  
Суюк куёв битган машъум белгиларни кўздан кечиргач,  
У амр этди йигитчага, авваламбор тангри қавмидан  
Бўлган ўта ёвуз махлуқ Химерани маҳв айламоқни;  
У — боши шер, думи аждар, бели эчки бир махлуқ эрди,
185. Даҳшатли ўт сочар эди у оғзидан яқин борганга.  
Йигит уни маҳв айлади мадад эмиб парвардигордан.  
Иккиламчи, мағлуб этди у шавкатли солим халқини,  
Ки кўрмабди, айтишича, бунга монанд шиддатнок жангни;  
Учинчидан, у мардона Амазонкаларни маҳв этди.
190. Ва лекин шоҳ яна фитна уюштирди у қайтар пайти:  
Ликийанинг энг довжурак йигитларин саралаб олиб,  
Беллерофонт келадиган йўлга қўйди пистирма қилиб;  
Лек этмади пасиб бошқа бул эрларга ўз уйин кўрмоқ:  
Барчасини ер тишлатди беқусур эр мард Беллерофонт
195. Шунда имон келтирди шоҳ унинг боқий эканлигига  
Ва саройда олиб қолиб, куёв қилди уни қизига.  
Ярмин берди ўз шоҳона иззати-ю салтанатининг;  
Даврон суриб яшасин деб эъзозли зот; Ликия халқи  
Ғоят ажиб зироатзор, сермуҳассал ерлар ажратди.
200. Учга фарзанд дунё кўрди шул хирадман Беллерофонтдан:  
Исандру Хипполох ҳам соҳибжамол Лаодамия.  
Бу қиз ила қодир падар чақмоқдор Зевс ҳамтўшак бўлди —  
Ки сапаннинг тангримонанд Сарпедонга кўзи ёриди.  
Таажжубки, Беллерофонт ўзи кейин аҳли самонинг
205. Нафратига учраб\*, Алей саҳросида сарсон-саргардон,

- Девонаваш тентиб юрди ўз ёғига қоврилиб ўзи.  
 Беллерофонт жанг қилган чоғ солим халқи билан беомон,  
 Тўнғич ўғил Исандрни маҳв этганди бандакуш Арей.  
 Қизи эса олтинкамон Артемида ғазабига учраб жон берди.  
 210. Ҳипполохдан мен дунёга келгандурмен — мағрурмен ғоят.  
 Отам мени Трояга жўнатаркан, мудом ағёрдан  
 Қўлинг баланд бўлсин жангда, шижоатинг кўрсат дамодам,  
 Доғ туширма Эфираю Ликияда саодат қучиб  
 Донг таратган аждодимиз шаънига, деб қилганди ўғит.  
 215. Шундай эрди менинг авлод-аждодларим, гар сенга айтсам».

- Диомеднинг кўкси тоғдек кўтарилди бу шодмонликдан;  
 Баракатли замин узра санчиб узун мис найзасини,  
 Табрик сўзин қилди баён лашкарбоши Главкка бундай:  
 «Ҳипполохзод! Бобом ёқдан сен меҳмоним экансан менинг!»  
 220. Ки бир замон менинг бобом Иней машҳур Беллерофонтни  
 Ўз уйида йигирма кун саховат-ла қилганкан меҳмон.  
 Яна ажиб совғалар-ла бир-бирларин тақдирлашганкан:  
 Бобом Иней сержозиба лаъл камар этганкан тухфа;  
 Беллерофонт эрса унга бахш этганкан олтин қўшқадаҳ;  
 225. Жангга жўнаш олдида ул қўшқадаҳни қолдирдим уйда;  
 Илло отам Тидейни мен эслолмайман — Фива остида  
 Ахейлар маҳв этилганда гўдакликда қолганман етим.  
 О, мард ўғлон! Энди дўстим, меҳмонимсан Аргосда мудом,  
 Лисияга борсам агар мен ҳам сенинг меҳмонинг бўлгум.  
 230. Энди бизлар қурол билан тўқнашмаймиз жанггоҳда зинҳор,  
 Етарлидир мен учун ёв лашкари-ю, муттафиқлари;  
 Янчадурман худо насиб этганини, қувиб етганим.  
 Юнонлар ҳам сероб сен-чун, қийратавер хоҳлаганингча,  
 Дўстим Главк! Алмашайлик қуролларни, ки мард боболар  
 235. Дўстлигини ардоқ этиб юрганимиз кўрсин жамоа!»

- Улар шундай дейишди ва сакраб тушиб жангаробадан,  
 Қўл олишиб аҳду паймон қилишди дўст бўлмоққа мангу.  
 Айни шу пайт чақмоқдор Зевс Главк ҳушин ўғирлаб қўйди:  
 Алмаштирди у юз буқа турадиган олтин совутин  
 240. Диомеднинг тўққиз тана турадиган мис совутига.

- Бу пайт Ҳектор етиб қолган эди Аскей дарвозасига.  
 Троялик хотин-халаж борар экан Ҳекторни қуршаб  
 Фарзандларин, маҳбубларин, огаларин сўрарди ҳолни;  
 Ҳектор эса таңгриларга сиғининг, деб таскин берарди:  
 245. Зероки жанг майдонида лашкар ҳоли таңг эди ғоят!

Мана, Ҳектор Приамнинг кўп муҳташам, олди сидирга  
 Равон бўлган ҳовлисига етиб келди (бу улкан ҳовли

- Теграсида силлиқ тошдан қад кўтарган эллик хобхона  
 Бир текисда турар эди: Приамнинг элликта ўгли
250. Яшарди шул хоналарда ўз гулчеҳра хотинлари-ла;  
 Кенг ҳовлининг ул бетида Приамнинг ўн икки нафар  
 Қизи учун мрамартошдан қурилган ва битта том билан  
 Туташилган ўн иккита хос хонада шоҳ куёвлари  
 Турардилар ўз беқусур, соҳибжамол завжалари-ла);
255. Бунда Ҳектор ўз онаси Ҳекубани, арзанда қизи  
 Лаодика хонасига кетаётган ерда учратди;  
 Она ўглин қўлларидан ушлаганча қилди такаллум:  
 «Нечук, қўзим, шундай пайтда ташлаб келдинг майдони ҳарбни?  
 Исканжага олдимми ёв йигитларни шаҳар пойида?
260. Сен бунда қалб даъвати бошлаб келган: ки Акрополда  
 Туриб Зевсга сизинмоқчи бўлсанг керак — шундайми, қўзим?  
 Хиёл сабр қилгил, Ҳектор, бир жом шароб олиб чиқай мен  
 Сарпадар Зевс ҳамда ўзга тангрилар-чун паймо қилгали;  
 Сўнг ўзинг ҳам майи нобдан қиттай ичсанг яхши бўларди:
265. Куч бағишлар одатда май заҳмат чекиб толиққан мардга:  
 Сен, тойчоғим, муҳофаза қилиб халқинг, толиқдинг обдан».

- Дубулғаси обдор Ҳектор онасига айлади жавоб:  
 «О, эъозли онажоним, тутма зинҳор менга ширин май!  
 Май қирққай куч: кетгай қувват билакдану мардик юракдан.
270. Зевс шаънига нопок қўл-ла паймо қилмам қирмизи майни  
 Ундан кейин, буюк Зевсга қон ва чангга булганган қўл-ла  
 Сано демоқ, ё сизинмоқ, ё тавалло қилмоқ гуноҳдир.  
 Лек сен, она, йиғиб кибор аёлларни, хайрияга ўч  
 Афинанинг боргоҳига бориб унинг қопқасин оч-у
275. Хушбўй гиёҳ тутат; сўнг шоҳ қасридаги ғоятда латиф,  
 Она, ўзинг энг хуш кўрган, турфа гулли нафис чойшабни  
 Олиб келиб Афинанинг тиззасига ташласинларким,  
 Гар маъбуда инобатга олса сизинг таваллоғизни  
 Ва дафъ этса фалокатни шаҳримиздан, хотинларимиз,
280. Беайб гўдақларимизнинг бошларидан, гар серважоҳат  
 Диомеднинг башарасин Троядан қилса тескари,  
 Қасамёд қил, бир яшарлик таналардан ўн иккитасин  
 Шу даргоҳда дарҳол қурбон айламоққа худо йўлига.  
 Хўп, она, сен Афинанинг маъбадига борақол тезроқ;
285. Бориб Парис қошига мен, ундай уни жанггоҳга, шояд  
 Кирса гапга. О! Яхшийди ул бадбахтни юганида ер!  
 Олимпик Зевс, падаримиз Приамнинг, биз Приамзодларнинг  
 Бошимизга, Трояга шум бадбахтлик ёғдирмоқ учун  
 Паноҳида асраганкан, билишимча, ул касофатни!
290. Гар мен унинг дафъ бўлганин кўрсам эрди Лид қаърига,  
 Ўйлайманки, унут бўлиб кетар эди бу ғам-андухлар!»

- Шундан кейин Ҳекуба ҳам чақиртирди жорияларин:  
Улар шаҳар кезиб, кибор аёлларни йиғдилар дарҳол.  
Она эрса бу аснода ўз муаттар кўшкига кирди;
295. Сақланарди ғоят нафис, турфа гулли чойшаблар унда —  
Бу — сидонлик аёлларнинг нафис иши, — уларни Парис  
Олиб келган эди ўзи қилганида денгизга сафар.  
Соҳибжамол Еленани ҳам ўшанда олиб қочганди.  
Шу тахлоглик чойшабларнинг энг тубида ётган, қайсики,
300. Гуллари нақ самодаги юлдузлардек ярақлагучи  
Энг каттасин, энг нодирин танлаб олиб Ҳекуба, шунини  
Олиб кетди маъбудаи-чун — ҳамроҳ бўлди кибор аёллар.

- Акрополга — Афипанинг маъбадига етганда улар,  
Антенорнинг рафиқаси, Киссей қизи барно Феано
305. Пешвоз чиқиб, очди қаср қопқасипи. Уни Троя  
Эркаклари сайлаганди Афинага коҳина этиб.  
Аёллар қўл чўзиб кўкка, сиғиндилар Афинеяга;  
Анор юзли Феано ҳам Ҳекубадан олиб чойшабни,  
Зулфн зебо Афипанинг тиззасига келтириб қўйди
310. Ва сиғиниб сартангрининг бул қизига, шундай сўз айтди:  
«О, улкан куч соҳибаси, шаҳримизнинг ҳимояткори!  
Диомеднинг найзасин тез синдир, сўнгра шундай қилгилки,  
Ер тишласин шу кун Аскей мивораси қаршисида у!  
Гар даф этсанг фалокатни шаҳримиздан, хотинларимиз,
315. Беайб гўдақларимизнинг бошларидан, онт ичгумизки,  
Қўш кўрмаган бир яшарлик таналардан ўн иккитасин  
Шу даргоҳда дарҳол қурбон қилгумиздир сенинг йўлингга!»

- Лек Афина коҳинанинг ибодатин этмади қабул.  
Троялик аёллари Зевс қизига сиғинётган пайт
320. Бузрук Ҳектор етиб борди ҳашаматли Парис уйига.  
Қурган эди уни Парис бир вақт, бутун Троядаги  
Донги кетган қўллари гул меъморларни қақриб келиб:  
Акрополда, Приамнинг ва Ҳекторнинг қасри ёнига  
Александр учун ўшал аҳли меъмор ғоят серҳашам
325. Хобхона-ю, меҳмонхона, данғиллама ҳовли қурганди.  
Тангримонанд Ҳектор қўлда ўн бир газли найзаси ила  
Кириб борди уй ичига; найзасин қир учиди мис тиг  
Ярақларди ва, шунингдек, олтин ҳалқа — тиг теграсида.  
У кирганда, Парис ўзин ҳашаматли эгри камони,
330. Қалқони-ю совутини кийиб, тақиб ясанар эди.  
Соҳибжамол Елена ҳам шу ердайди, каштачи қизлар  
Даврасида ўтириб иш буюрарди уларга турли.  
Шунда Ҳектор инисига таҳқирона маломат қилди:  
«Ҳой, сен бадбахт, келиб-келиб шу маҳалда аразлайсанми?»
335. Юксак девор орқасида, шаҳримизнинг бўсағасида

Даҳшатли ёв билан жангда қон тўқмоқда азиз халқимиз;  
Теграмизда жўш урган бу уруш фақат сен туфайли-ку;  
Гар учратсанг мудҳиш жангдан юз ўтирган бирон номардни,  
Койиб берган бўлар эдинг уни ўзинг. Тур, урушга кир,  
340. Илионга ёв ўт қўйиб, уни вайрон этмасдан олдин».

Тангрисифат Александр дарҳол унга айлади жавоб:  
«Мени тўғри койидинг сен, оға! Бунга ҳаққинг бор албат;  
Юрагимни ёзай сенга, ўтир, қулоқ сол каломимга:  
Мени, бунда одамлардан ранжигани, аразлагани  
345. Учун бекор ўтиришти, дема, мен ҳам чекмоқдадурмен.  
Боя завжам майин сўз-ла мени жангга ундаган эди;  
Энди бўлса бу ҳолимдан жанг қилганим маъқуллигини  
Пайқаб қолдим: зеро зафар эл ичида эмас барқарор.  
Бўлса агар иложинг, кут, совутларим кияй шитоб-ла;  
350. Ё бўлмаса, сен кетавер мен орқангдан етиб олгумдир».

Лекин оға-бузрук Ҳектор чурқ этмади унга жавобан.  
Елена сўз айтди шунда Ҳекторга хуш таважжуҳ айлаб:  
«Қайин оғам, тингла бадбахт ва беҳаё келчининг сўзин!  
Гар онамнинг кўзи менга ёриган дам бадкирдор қуюн  
355. Бекас тоққа ё қутурган, серталотум уммонга элтиб  
Ташлаганда ва тўлқинлар ўз домига тортганда менп,  
Бўлмас эди бу қирғинлар, тўкилмасди мардумлар қони!  
Бас, тангрилар ёзган экан пешонамга бу андуҳларни,  
Бўлмасмиди риоятли, одамларнинг маломатини  
360. Тан олғувчи соҳибкамол, соҳибдил эр ато этсалар?  
Бу эр эса ҳануз тентак, тузалмас-ов бундан кейин ҳам;  
Шу феълига яраша у, ўйлайманки, тортгай жазосин!  
Лек сен киргил ичкарига, нафасингни ростла ўтириб;  
Қалбинг эзган менинг қусрим ва Париснинг гувоҳи эрур:  
365. Зевс шўр этиб яратганкан иккимизнинг пешонампзини,  
Ки ўлсак ҳам ношоиста қолгай биздан хотира мангу».

Еленага жавоб қилди шу чоқ Ҳектор: «Мени ундама,  
Ўтирмайман, қилсанг ҳамки менга дилдан хушмуомала;  
Бутун фикру зикрим олган жанггоҳдаги ҳамшаҳарларим;  
370. Улар мени муштоқ бўлиб кутмоқдалар. Сен ҳам эрингни  
Бунда олиб ўтирма кўп: жанг майдонга отлансин жадал;  
Тез орқамдан етиб олсин, мен шаҳардап чиқиб улгурмай.  
Бирров уйга киргум ҳозир рафиқаму лазиз ўгилчам,  
Уй ичларим, жориялар билан дийдор кўришмоқ учун:  
375. Ким билади, яна уйга омон қайтиш бўларми насиб,  
Ё тангрилар бу гал мени маҳв этарми данай қўли-ла».

Шундай дея дубулғаси обдор Ҳектор тарк этди уйни.  
Зум ўтмайин ўз муҳташам қасрига у етиб ҳам олди;

- Вале уйда тополмади у гулбадан Андромахани.
380. Хотин жажжи ўғилчаси ва бир башанг энага ила  
Минорага чиқиб, унда маҳзун йиғлаб, урар эди оҳ.  
Ҳектор уйда ўзин жуфти ҳалолини топмагач, дарҳол  
Остонага чиқиб сўрди ишлаб юрган жориялардан:  
«О, аёллар, тезроқ айтинг менга ростин; қани хотиним?»
385. Ёстиқдошим Андромаха қайга кетди остона ҳатлаб?  
Чиқдимиди у қайинсингли ё овсини олдига бирров,  
Ё Афина маъбадига йўл олдимиди аксар аёллар  
Билан бирга ўшал жангкор маъбудага қилгали сажда?»

- Шунда унга жавоб қилди садоқатли калитдор хотин:
390. «Ҳектор, баски, сен амр этдинг, баён этгум мен ҳақиқатни.  
Хотининг на қайинсингли, на овсини олдига чиқди,  
На Афина маъбадига йўл олди у аксар аёллар  
Билан бирга ўшал жангкор маъбудага қилгани сажда,—  
Минорага чиққанди у: ахейлардан трояликлар
395. Енгилмоқда эмиш, деган шум хабардан бўлиб безовта;  
Эшитдию худди телба бўлгандек у, шаҳар девори  
Томон чопди; энага ҳам кетди бирга ўғлинг кўтариб».

- Шундай деди, Ҳектор уйдан нақ шамолдек отилиб чиқиб,  
Ўзи келган хушманзара кўчалардан қайтди орқага.
400. У шаҳарни кесиб ўтиб, энди Аскей дарбозасига  
Яқинлашиб қолганида (чиқиларди шундан жанггоҳга),  
Дуч келди у рўбарўдан елиб келган ҳур маъшуқаси —  
Этионнинг мақомида ўсиб-унган Андромахага.  
Шоҳ Этион ўрмонзори қуюқ Плак тоғин пойида —
405. Плакия Фивасида килик элин султони эрди;  
Мис совутли Ҳекторга шул шоҳнинг қизи бўлганди завжа.  
Шу хотин-ла тўқнашди у: орқасида унинг энага  
Турар эди қўлда мурғак чақалоқ-ла — чўлпон юлдуздек  
Хушрўй гўдак икковларин якка-ёлғиз фарзанди эди.
410. Ҳектор унга Аскамандрий деб от қўйган, трояликлар —  
Астианакс\*; зеро Ҳектор Троянинг паноҳи эрди.  
Ота ўғлин жамолига боқиб, аста жилмайиб қўйди;  
Қаршисида турарди ҳур Андромаха — кўзлари гирён  
Ва маҳбубин билагидан ушлаб унга айтарди калом;  
«Бошгинанга кошки бало бўлмасайди диловарлигинг!
415. Азиз ёрим, аяйсан на ўғилчангни, на мен шўрликни.  
Кўнглим сезур, ёвлар сени маҳв этгайлар бостириб келиб  
Яқин кунда, ўшанда мен, бахти қаро қолгайман бева!  
Яшагандан кўра сенсиз қаро ерга кирганим афзал:  
Сенсиз менга бу дунёнинг шавқу завқи қолмагай мутлоқ:
420. Ёзмишим ғам-андух бўлгай! Ки менинг на меҳрибон онам,  
На отам бор! Чаққоноёқ Ахиллес қатл этганди уни



- Килик элин, чўнг қошқали ҳур Фивани ғорат қилган кун.  
У отамни ўз қўли-ла ўлдирганди, лек совутларин, —  
Одамларнинг дашноמידан қўрқди чоғи, — ечиб олмовди;
425. Отамни у бутун совут-яроғи-ла ёндирган эди  
Чўнг гулханда; ва қабр уйган эди хоки тўкилган ерда,  
Ўшал қабр атроғига Зевс қизлари — тоғ санамлари  
Қайрағочнинг ниҳолларин ўтқазмишлар бир текис қилиб.  
Етти нафар қондош оға-иниларим қолганди уйда —
430. Улар бари бир маҳалда рихлат этди Аид қаърига:  
Сўқим моллар, оқ юнгли қўй-қўзиларни оралаб юриб,  
Тошиб олган ва қиличдан ўтказганди уларни Ахилл.  
У онамни — юксак Плак пойидаги жаннат малагин  
Банди айлаб олиб кетди чодирига ўлжалар билан,
435. Аммо кейин беандоза тўлов олиб, эрк берди унга,  
Лек бари бир онам жонин олди Феба\* отам уйда!  
Ҳектор, энди мен учун сен — ҳам отамсан, ҳам азиз онам,  
Елғиз оғам ҳам, суюкли маҳбубим ҳам ўзингсан, жоним!  
Раҳминг келсин менга, мурғак фарзандингга, қолгин биз билан,
440. Ўғилчангни етим, мени — хотинингни тул қилма зинҳор;  
Лашкарингни қўйгил анжир дарахтига яқин: шу ерда  
Наҳра борки, душман учун ҳамла қилмоқ қулайдир унда:  
Икки Аякс, Идоменей, Атрейзодлар, ҳатто Диомед  
Уч бор ҳамла қилгандилар шаҳримизга шу наҳра оша.
445. Наҳра ҳақда шишигандир балки бирон қошиф каромат  
Е қалбларин даъвати-ла тошгандирлар аҳтимол уни».

Дубулғаси обдор Ҳектор хотинига айлади жавоб:

«Иштибоҳда кўнглим менинг; лек гар ўзим бош тортсам жанг-  
дан,

- Унда ҳар бир троялик ва ҳар узун кўйлакли аёл
450. Олдида мен хижолатдан бош кўтариб юраман қандай?  
Виждоним йўл қўймас бунга; мен мардликка одатланганман,  
Троялик эрлар аро мардона жанг қилиб, падарим  
Ва ўзимга шон орттирмоқ одатимдир — бу сенга аён!  
Таассуфки, мен ҳам фикран, ҳам қалбан ҳис этмоқдадурман:
455. Бир кун эмас, бир кун келиб вайрон бўлгай азим Троя,  
У-ла бирга ҳалок бўлгай Приам ҳам, бутун халқи ҳам.  
Валекин, бил, келгусида Троянинг, отам Приамнинг;  
Кекса онам Ҳекубанинг бошларига тушажак мудҳиш  
Савдодан ҳам, қутурган ёв зарбасидан ер тишляжак
460. Қондош, жондош иниларим ва беҳисоб ёш-ялангларнинг  
Ғоят машъум тақдирдан ҳам, эй хотин, сенинг қисматинг  
Қалбим кўпроқ изтиробга солмоқдадир! Бешафқат ғаним  
Шашқатор ёш тўкишингга қарамасдан сени эркиндан  
Маҳрум этиб, ўз юртига олиб кетгай асира этиб!
465. Сен Аргосда чўри бўлиб ёв хотинга тиккайсан кашта,

- Мессеис ё Ҳиперейнинг чашмасидан сен қалбинг нолон,  
 Кўзинг гирён, сув ташийсан; мажбур этгай бахти қаролик!  
 Асоратда қон-қон йиғлаб юрганингни кўрганлар дерлар:  
 — Бу ожиза Илионда бўлган жангда диловарликда
470. Беқиёс ва соҳибкамол мард Ҳекторнинг хотини эди!  
 Шундай дея яна қалбинг жароҳатин янгилағайлар:  
 Яна ногоҳ эслагайсан паногоҳинг — эринг Ҳекторни!  
 Йўқ, асира бўлганингни кўриб, ҳазин нолаларингни  
 Эшитгандан, минг афзалдир қатил бўлиб кирганим гўрга!»
475. Шундай деб у ўғилчасин қучмоқ учун чўзди қўлларин;  
 Аммо гўдак қўрқиб кетиб — ўз падарин қиёфасидан,  
 Дубулғасин ярақлаши ва чўққида елпиниб турган  
 От ёлидан, — чинқирганча энагага ёпишиб олди.  
 Буни кўриб жилмайдилар суюк ота, меҳрибон она.
480. Шунда бошдан ечди обдор дубулғасин илоҳий Ҳектор,  
 Уни ерга қўйиб, ширин ўғилчасин олди қўлига,  
 Эркалади, ўпди, босди бағрига ва баланд кўтариб,  
 Самодаги тангриларга шундай сўз-ла илтижо қилди:  
 «О, Зевес, о, худовандлар! Зорим тинглаб шундай қилингни,  
 485. Шу суюкли ўғлим худди мендек номвар бўлсин эл аро;  
 Худди мендек диловару Трояда қудратли подшо.  
 Ки вақт келиб, жанг майдондан қайтётганин кўрган одамлар:  
 — Отасидан ўтиб кетди!— деб айтишсин холисанилло.  
 Ҳар доим у жангдан қонли ўлжа билан қайтсин мардона  
 490. Ва меҳрибон онасининг кўнглин мудом айласин хушнуд!»
- Дея Ҳектор маҳбубасин пок илкига тутди ўғлини;  
 Кўзида ёш, лабда жилва онаизор босди гўдакни  
 Ўз муаттар сийнасига. Уни қучди эр кўнгли ийиб  
 Ва зулфидан силаб туриб унга шундай такаллум этди:
495. «О, дилбарим! Андуҳ чекиб юрагингни кўп эзаверма,  
 Ҳеч ким мени маҳв этолмас, тақдир азал вид бўлса агар;  
 Лек жаҳонга келган бирон эр, хо у мард, хо қўрқоқ бўлсин.  
 Қочиб тақдир таъқибидан жонин сақлаб қола олмаган.  
 Сен борақол, жоним, уйга, ўзинг овут рўзгор иши-ла;  
 500. Ишингни тик, кашта тўқи, жориялар хизматин кузат;  
 Уруш эса бул муқаддас Илионда таваллуд топган  
 Эркаклар-чун фарз ҳам қарзидир, мен учунку — инчунун,  
 бўлсанг».
- Ҳектор ёлдор дубулғасин олди ердан тугатгач сўзин;  
 Чашми гирён Андромаха йўл оларкан уйига томон,  
 505. Қараб-қараб қўяр эди орқасига — шўрлик, безабон.  
 Тез орада у Ҳекторнинг серҳашамат уйига етди;  
 Уйда жами жориялар жам эканин кўрган заҳоти,  
 Андромаха улар барин мажбур этди увлаб йиғлашга:

- Ки очдилар аза улар ҳозирданоқ тирик Ҳекторга.  
510. Зеро унинг мудҳиш жангдан соғ чиқиши ва қаҳқор ёвнинг  
Кўлида маҳв бўлмасига аёлларнинг етмасди кўзи.

Бу пайт Парис ҳам тарк этди данғиллама уйини жадал.  
Ҳаммаёғи ярақловчи дабдабали совут кийган бу  
Бодпо йигит шаҳар бўйлаб ела кетди мисли бўрондек.

515. Ки ҳозир у ўхшар эди арпа ем еб кўп туриб қолган  
Ва юганин узиб энди поёнсиз дашт бўйлаб юрган,  
Шўх дарёда бошин ади тутиб дадил сузган айғирга;  
Бундай отнинг узун ёли ҳилпирайди гажак бўйида,  
У мағрурдир ўзин гўзал эканидан; шу боисдан ҳам
520. Туёқлари уни елдек учирарди хоним биялар  
Ҳамда таниш от уюри ўтлаб юрган ўтлоққа томон:  
Сердабдаба қуролланган жингалак соч Александр ҳам  
Илионнинг ул сарбаланд қасридан нақ порлоқ офтобдек  
Чеҳрасидан нур ёғилиб, шоду хуррам чиқиб борарди;
525. Оёқлари ғоят илдам Парис тезда етди Ҳекторга;  
Ҳектор мўъмин рафиқаси билан оз вақт дийдор кўришгач,  
Эндигина видолашиб жўнаганди учрашган ердан.  
Аввал-бошдан Александр оғасига юзланди шу чоқ:  
«Азиз оғам, мен кутдириб қўймадимми сени бу ерда?»
530. Тайинлаган вақтингдан кеч қолмадимми танбаллик қилиб?»

Унга обдор дубулғали бузрук Ҳектор айлади жавоб:

- «О, жигарим! Биронта ҳам номусли зот сенинг аскарий  
Ишларингни қоралолмас: сен диловар муҳорибдирсан;  
Фақат аксар пайтларда сен сусткашсан ва ишга ялқовсан;  
535. Сен туфайли заҳмат чекиб жанг қилётган азаматларнинг  
Дашномини эшитсам гар, юрагим хун бўлар исноддан.  
Ҳозир жангга шошилайлик, кейин, агар Троямиздан  
Ахейларни даф қилишни ва ўз овод мақомимизда  
Тангриларга ҳамду сано ўқимоқни насиб этса Зевс,  
540. Ана унда гаплашгаймиз баҳамжиҳат, бамайлихотир».

# ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

## ҲЕКТОР БИЛАН АЯКСНИНГ ЯККАМА-ЯККА ЖАНГИ

Шундай дея нажиб Ҳектор дарвозадан чиқди отилиб;  
Чиқди Парис ҳам у билан: оға-ини ёнарди қалбан  
Жанггоҳ аро мардонавор жанг қилмоқлик иштиёқда.

- Эшкак эшиб денгиз кўксин тилиб мудом юзган баҳрийлар  
5. Билаклари толиққандан, ел туришин интизор ила  
Қутишганда, тангри ногоҳ боди мурод йўллаганидек, —  
Икки сардор ҳам жанггоҳда пайдо бўлди айни пайтида.

Жанг бошланди: Парис Арно фуқароси мард Менесфийни —  
Гурзибардор шоҳ Арейфой ва қора кўз Филомедува

10. Икковларин жигарбанди — шаҳзодани айлади яксон.  
Ҳектор эса жонин олди лашкарбоши Эионейнинг,  
Найза санчиб ихотасиз қолган унинг очиқ бўйнига.  
Ликиянинг саркардаси Ҳипполохзод бешафқат жангда  
Дексий ўғли Ифинойнинг елкасига санчи пайзасин —  
15. У бостириб келётганди тулпорларин Главк устига —  
Ва у қулаб аробадан, тарк айлади руҳи жисмини.

Мудҳиш жангда данайларнинг ёвузона қирилётганин  
Кўрган шаҳлокўз маъбуда Афиней, қилолмай тоқат,  
Отди ўзин Олимпдан ва келиб тушди мисли қуюндек

20. Ул муборак Трояга; маъбудани кўрган Аполлон  
Пешвоз чиқди Пергамдан; у Трояга истарди зафар.  
Икки тангри учрашдилар келиб кекса болут тагига;  
Қумушкамон Феб — Аполлон гап бошлади биринчи бўлиб:  
«Нечун бунча безовтасен, о қудратли Зевеснинг қизи?»  
25. Олимпни тарк этдинг нечун? Не истайди ул оташ кўнглинг?  
Ё ноҳалол зафар ато этмоқчисан Аргос аҳлига?  
Наҳот шафқат қилмасанг сен шўринг қурғур трояликка?  
Ҳеч бўлмаса, маслаҳатим тингла — шояд тегса ҳаёни:  
Бугун жангга ва элларнинг қирғинига қўййлик биз ҳад;  
30. Кейин, майли, то Троя ер-ла яксон этилмагунча  
Жангни давом эттирсинлар, баски, сиздек ҳур маъбудалар  
Истар экан вайронага айланишин гулдек шаҳарнинг».

Зевеснинг шаҳло кўзли қизи дарҳол жавоб қайтарди Фебга:  
«Ҳа, чўнг мерган, шундай бўлгай, мен шу ният ила Олимпдан

35. Учиб тушдим ваҳшатли жанг бўлаётган ушбу майдонга.  
Лек баён эт, сен қандай ҳад қўймоқчисан муҳорабага?»

Кумушкамон Феб — Аполлон маъбудага жавоб айлади:  
«Биз Ҳекторнинг мардлигини этгумиздир яна зиёда.

У қочириқ қилиб данай эрларига шундай гап қотсин:  
40. — Орангизда гар яккама-якка жангда мен-ла олишмоқ  
Истагини билдирган мард бўлса, қани, чиқсин ўртага!  
Мис пойбандли юнонларга бу гап қаттиқ тегиб кетади.  
Ва ўзлари танлайдилар муборизни Ҳекторга монанд».

Феб таклифин маъқуллади тангри Зевснинг шаҳлокўз қизи.  
45. Соҳибназар Приамзода Ҳелен руҳан сизди Аполлон  
Ва Афина ўртасида бўлиб ўтган бу хуш кенгашни,  
Яқин бориб шундай деди у оғаси Ҳектор қошига:  
«Халқ чўбони, машваратда Зевсга монанд ҳамзодим Ҳектор!  
Осурсанми қулоқ сен ўз инингнинг хуш маслаҳатига?»  
50. Амр эт, жами троялик ва аргослик ўтирсин ерга;  
Ўзинг лашкар аро чиқиб, узил-кесил, яккама-якка;  
Жангга даъват эт ахейлар орасидан энг диловарин.  
Қўрқма, бугун ўлмагайсан, паймонанг ҳам тўлмаган ҳали;  
Мен самовий тангриларнинг сасларини туйдим шу тонда».

55. Шу заҳоти Ҳекторнинг бул гапдан кўнгли ёришиб кундай,  
Найзасини ушлаб белдан, олдга чиқди, — трояликлар  
Сафи таққа тўхтаб қолди; ерга инди тинчиб ҳаммаси.  
Қарши ёқда Агамемнон ҳам тўхтатди аргосликларни.  
Бу аснода Афина ва кумушкамон Аполлон икков  
60. Мисли йиртқич қарчиғайдай паррон этиб чақмоқдор Зевснинг  
Кекса, азим болутига қўндилар-да жами лашкарни  
Жим кузата бошладилар; мудҳиш қалқон, ўткир найзалар,  
Дубулғалар кийган, таққан лашкарлар зич ўтирардилар,  
65. Мавж тубида денгиз қаъри сиё бўлиб кўринганидай,  
Троялик ва аргослик лашкарларнинг сафлари ҳам нақ  
Уммон янглиғ мавжланарди; сафлар аро сўзларди Ҳектор:  
«О, Троя ўғлонлари, мард ахейлар, тингланг каломим;  
Баён этгум сизларга мен саховатли қалбим даъватин:  
70. Сарпарлар Зевс қасамёдни бажармоққа бермади имкон,  
Ул бадният сизу бизга яна офат ҳозирламоқда:  
Ки сиз бизнинг метиндевор шаҳримизни забт этмагунча,  
В биз сизни бандаргоҳда тамомила маҳв этмагунча,  
Мудом давом этар эмиш бу даҳшатнок, офаткаш уруш.  
75. О, ахейлар, орангизда мард, азамат қахрамонлар кўн;  
Ҳимки мен-ла холисона жанг қилмоққа билдирса хоҳиш,  
Майли, чиқсин даврага у — шайдир жангга илоҳий Ҳектор.

- Мен шундай шарт қўймоқдамен, бу лафзимга Зевс ўзи шоҳид.  
 Гар рақибим ўз офаткаш найзаси-ла маҳв этса мени,
80. Майли, яроқ, совутларим олиб кетсин ўз кемасига;  
 Лёк жасадим қайтиб берсин, токи сўнг бор ҳамшаҳарларим  
 Менга иззат кўрсатишиб, аза тутиб, ўтда ёқсинлар.  
 Гар мен енгсам Аполлоннинг таҳсинига бўлиб мушарраф, —  
 Рақибимнинг совутларин ечиб олиб, муқаддас шаҳрим
85. Илионда, Аполлоннинг маъбадига осиб қўйгумдир;  
 Жасадини қайтаргумдир ул сөрәшкак кемаларига.  
 Жингалаксоч аргосликлар дафн этишиб уни Хеллеспонт  
 Соҳилига, турбатини балад қилиб кўтарсинларким,  
 Замоналар ўтиб, буздан кўп эшкакли азим кемада
90. Сузиб ўтган янги авлод бул даҳмани кўриб гапирсин:  
 — Бу — қадимда ҳалок бўлган муҳорибнинг сағанасидир...  
 Уни жангда маҳв этгапти Приам ўғли — илоҳий Ҳектор! —  
 Шу зайлда шоп-шавкатим эл оғзида қолажак мангу».

- Вале бутун аҳли Аргос теран сукут сақлаб ўтирди:
95. Ҳектор шартин рад этмоқдан уялишар, қабул қилмоқдан  
 Қўрқардилар. Шунда дили вайрон бўлган Менелай бирдан  
 Шахт ўрнидан туриб, барча данайларга қилди маломат:  
 «Қандай уят! Мақтанчоқлар! Эркак эмас, хотин эканси!  
 Ҳектор билан беллашмоққа бироптангиз чиқмасангиз гар,
100. Шум иснодга қолур бутун аҳли юнон абадул-абад:  
 Бундап кўра, ҳаммаларинг сувдек оқиб, қумдек сочилиб  
 Кетганларинг афзал эди, бедибнат, о шарманда халқ!  
 Ўзим жангга отлангумдир Ҳектор ила! Зафар қуръаси,  
 Биламан мен, фақат қодир худоларнинг измида мудом».
105. Шундай деб у сержозиба яроқларни тақди шошганча;  
 Гар ўшанда, о Менелай, ҳукмдорлар ва саркардалар  
 Сени ушлаб қолмаганда эди, ширин жонингдан жудо  
 Бўлур эдинг сендан юз бор қудратлироқ Ҳектор қўлида:  
 Соҳибқирон Агамемпон инисининг ушлаб илкидан,
110. Бу шаштидан қайтармоқ-чун гап уқдира бошлади унга:  
 «Саховатли Менелай, ҳой! Сен эсингни еб қўйганмисан?  
 Жаҳл чиқса, ақл кетур — такаббурлик қилмагил зинҳор,  
 Шайланиб сен олишмоққа ўзингдан кўп қудратли мард-ла, —  
 Ҳектор ила беллашмоққа ўзгалар ҳам ютолмас юрак!
115. Ҳаттоки у билан жангда Ахиллес ҳам юрак ҳовучлаб  
 Тўқнашади, ваҳоланки, у кўп марта қудратли сендан!  
 Бор лашкаринг даврасига, Зевс бандаси, босиб ол ўзинг;  
 Орамиздан унга монанд муборизни топгаймиз бошқа;  
 Ки ўшал мард қанча ботир, қанча жангга бўлмасин ташна,
120. Аминманки, бул даҳшатнок беллашувдан чиқса безиён,  
 Жон-жон дея тизин буккай тангриларга айтиб шукрона!»

- Шу ҳақ сўз-ла инисини ниятидан қайтарди оға;  
 Менелай ҳам бўйин эгди; жўралари бўлиб кўп хушнуд,  
 Унинг ажиб қуролларин шоша-пиша еча кетдилар.
125. Бу пайт Нестор ростлаб қаддин, қайғу ила бир калом айтди:  
 «О, тангрилар! Шум надомат босгай энди ахейлар элин!  
 Энди аччиқ кўз ёш тўккай, Мирмидоннинг доно нотиғи,  
 Мушовири, мард чавандоз саодатли мўсафид Пелей.  
 Ки у бир вақт ўз уйида мендан сўраб жангга отланган
130. Ҳар ахейнинг насабини, кўнгли тоғдек кўтарилганди.  
 Мана энди, ахейларнинг барин битта Ҳектордан қўрқиб,  
 Лол қолганин эшитса у, икки қўлин чўзгай самога  
 Ва ғамзада руҳи тезроқ ғориб бўлгай Аид қаърига!  
 О, тангрим Зевс, о, Аполлон, о, Афина! Қанийди ҳозир
135. Мен бир вақтлар жўшқин Ярдан бўйидаги Феа қалъаси  
 Яқинида пилосликлар Аркадия лашқари ила  
 Жанг қилишган чоғдагидек қирчиллама йигит бўлсам.  
 Аркадия лашқарига сардор бўлган Эрефалион,  
 Бутун элда — ҳам эркаклар, ҳам аёллар оғзида бирдай, —
140. Гурзибардор деб танилган Арейфойнинг қалқон-совутин  
 Кийган эди ҳамда унинг гурзисини олганди тақиб.  
 Арейфой на новак отар ва на узун найза тутарди,  
 У ёв сафин ёриб, метин гурзиси-ла соларди даҳшат.  
 Ликург уни маҳв этганди: куч биланмас, макр ишлатиб
145. Тор дарада; гурзи ора киролмади марднинг жонига;  
 Рўбарўдан келган Ликург фойдаланиб шул вазиятдан,  
 Арейфойнинг киндигига найза санчиб, тоғдек қулатди.  
 Ечиб олиб унинг Арей туҳфа этган чўнг гурзисини,  
 Сўнг тақиб ҳам чиққан эди ареёна беллашувларда.
150. Вале кейин Ликург қариб, кучи кетиб ўтириб қолгач,  
 Берган эди ул гурзини жангдош дўсти Эрефалионга:  
 Ушанда у гурзиси-ла мағрурланиб Пилос мардларин  
 Чақирганди ўзи билан жанг қилмоққа. Ҳамма зир титраб,  
 Ҳеч ким юрак кютолмаган эди унга пешвоз чиқмоққа;
155. Шунда қалбим жўш урдию жазм қилдим ўшал мард ила  
 Олишмоққа, гарчи кичик бўлсам ҳамки сафдошлар аро.  
 Ҳа, қилгандим жанг у билан — бахш этганди зафар Афина!  
 Ҳа, энг улкан, энг қудратли одамни мен ўлдирган эдим!  
 Оламжаҳон ерни туғиб чангга ботиб ётарди жисми,
160. Ҳозир ҳам мен ўшандай ёш, билакларим бўлсайди бақват,  
 Дубулгаси обдор Ҳектор қолмас эди бунда берақиб!  
 О, данайлар, орангизда довюраклар бисёр бўлса ҳам  
 Топилмади биронта мард Ҳектор ила беллашадиган!»

- Қариянинг дашномидан тўққиз ботир қалқди оёққа:  
 165. Мардлар марди Агамемнон ирғиб турди биринчи бўлиб;  
 Ундан кейин иқтидорли Тидейзода жасур Диомед;

- Сўнг Аякслар — иқтидорда қиёси йўқ икки саркарда;  
 Кейин густоҳ Идомейей ҳамда унинг бадқаҳр сафдоши  
 Лашкарбоши Мерион шоҳ — Ареймонанд кушандалиқда;
170. Эвемоннинг номвар ўгли диловар зот Эврипил; сўнгра  
 Андремон ўгли Фоас, кейин тангримонанд Одиссей.  
 Соҳибкамол Ҳектор ила беллашмоқ-чун шунча мард қалқди.  
 Шунда яна кекса Нестор калом айтди диловарларга:  
 «Дўстлар, қуръа ташлайлик биз холисона, у кимга чиқса,
175. Ўшал ботир, аминманки, хушнуд этар ахейлар кўнглин  
 Ва ўзи ҳам бўлгай шодмон, — бунга комил имоним менинг, —  
 Омон чиқса оташ жангдан ва даҳшатли муборизликдан»

- Шул таклифдан кейин ҳар бир диловар зот ўз қуръасига  
 Белги қўйиб, ташлади шоҳ Агамемнон дубулғасига.
180. Аҳли лашкар қўлларини чўзиб кўкка қилди ибодат;  
 Кенг фазога кўз тикканча қилардилар шундай тавалло:  
 «Мадакдор бўл ўзинг, о, Зевс! Қуръа чиқсин ё Диомедга,  
 Ё Аяксга, ё олтинга кон Микена ҳукмдори Агамемнонга».

- Нестор эса эл олдида дубулғани силкитар эди;
185. Шунда жами эл хоҳиши бўлди содир — Аякс қуръаси  
 Учиб чиқди; жарчи уни ўнгдан бошлаб, ҳаммага бир-бир  
 Кўрсатганди, тап олмади ул қуръани ҳеч бир саркарда,  
 Ниҳоят у яқин борди бул қуръани мис дубулғага  
 Ташлаган зот — Бузрук Аякс Теламоний истиқболига;
190. У қўл чўзди; жарчи яқин бориб, унга қуръа узатди;  
 Аякс нигоҳ ташлади-ю ўз қуръасин таниди дарҳол  
 Ва шодликдан ерга отиб қуръани у қичқирди шундай:  
 «О, юнонлар, меники бу! Хурсандликдан осмонда бошим!  
 Зеро эзгу армонимдир мағлуб этмоқ бузрук Ҳекторни.
195. О, ёронлар, то мен бунда таққунча жанг аслаҳаларим,  
 Қодир Зевсга сиз ибодат қилиб туринг; лек ичингизда,  
 Чиқармай ун сиғинингким, эшитмасин трояликлар.  
 Йўқ, баралла сиғининглар: биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз асло!  
 Ҳеч ким мени на куч қўллаб, на жанговар маҳорат ила
200. Қайтаролгай ушбу жангдан; зеро отам мақомида мен —  
 Саламишда нодон бўлиб туғилмаган бўлсам кераг-ов!»

- Данайлар ҳам сиғиндилар шу заҳоти қудратли Зевсга.  
 Кенг самога тикиб нигоҳ сиғинганлар эрди зиёда:  
 «О, Иданинг ҳукмдори, шавкатли ва бузрук падар Зевс,  
 205. Ҳам ғалаба, ҳам порлоқ шон ато этгил ўзинг Аяксга!  
 Ҳекторни ҳам бандам десанг, бўлсанг агар унга ҳам мушфиқ, —  
 Баб-баробар қудрат ва шон бахш айлагил икковларига!»

Бу аснода сержило мис совутларин киярди Аякс,  
 Тақиб бўлган заҳот ботир ўз жанговар аслаҳаларин,



210. Ёв томонга юра кетди; ки одатда даҳшатли Арей  
Жангга шундай киришарди, қодир Зевснинг иродаси-ла  
Иккита халқ низолашиб қонли уруш бошлаган чоғда:  
Эл таянчи, маҳобатли Аякс мудҳиш тиржайганича  
Ва заминни зириллатиб катта-катта одим отганча,
215. Чўнг найзасин силкиб кўкда, рақиб сари юра бошлади.  
Аргосликлар кўриб унинг рафторини қолдилар қойил;  
Лек Троя лашкарининг вужудида қалтироқ турди;  
Ҳекторнинг али кўксидаги юраги ҳам увишди ҳатто;  
Бироқ энди у на ёвдан қоча олар, на қўшин ичра
220. Яширолар эди ўзин — пиширганди бу ошни ўзи.  
Аякс қалқон тутиб, мисли минорадай келарди жадал,—  
Ушбу етти қат теридан моҳирона ишланган қалқон  
Гила элин фуқароси кўнчи Тихий\* маҳсули эди;  
Маазкур қулай қалқонга у етти қават хўкиз териси
225. Қоплаганди, саккизинчи — устки қават эса мис эди.  
Қодир Аякс Теламоний шул қалқонни тутиб кўксига,  
Яқин борди Ҳектор томон ва гулдирос овоз-ла деди:  
«Ҳектор, энди ўзинг шоҳид бўлурсанки, ахейлар ичра  
Ёв сафини чок этгувчи ул шерюрак Ахиллдан ўзга
230. Ҳали яна бисёр эрур қалби оташ мард муборизлар!  
Ҳозир Ахилл мирмидонлик лашкарининг қароргоҳида,  
Кемалари соясида ётур ранжиб Агамемнондан.  
Вале сен-ла олишмоққа жазм айлаган ахейлар кўпдир!  
Қани, Ҳектор, бошла энди сен, яккама-якка курашни!»
235. Аммо обдор дубулғали бузрук Ҳектор деди Аяксга:  
«О, Теламон ўғли Аякс, соҳибкарам, халқ ҳукмдори,  
Мени худди гўдакдек, ё жапг ишидан мутлақо гофил  
Қиздек билиб гапиряпсан — булар бари сафсата паққос.  
Кўп кўрганман мен жангни ҳам, қон кечилган қирғинларни ҳам!
240. Метин залвар қалқонимни ҳам ўнг ёққа, ҳамда сўл ёққа  
Йўналтира оламан мен ҳордиқ билмай жанг қиларканман;  
Мен Арейнинг шум наъраси даъвати-ла гоҳи пиёда,  
Гоҳ гумбир жангаробада елдек учиб жанг қилолурмен.  
Бироқ сендек муҳорибга пистирмадан пинҳона ҳамла
245. Қилмоқни ҳеч истамайман, олишгайман очиқчасига».

- Приам ўғли қулочкашлаб туриб узун найзасин отди,  
Найза паррон етиб бориб Аякснинг чўнг қалқонидаги  
Мис қопланган саккизинчи қатламга зарб ила қадалди  
Ва қалқоннинг олти қатин тешиб ўтиб офаткаш найза,
250. Еттинчи қат кўнга бориб туриб қолди. Шул зарбдан кейин  
Бузрук Аякс Теламоний отди узун найзасин ногоҳ!  
Найза ботди Приамзоднинг доираваши мис қалқонига:

- Ўткир найза қалқонни ҳам, Приамзоднинг ғоятда гўзал —  
 Совутиг ҳам тешиб ўтиб, дандонасин сал пастроғига —
255. Қовурғага яқин ерин ялаб ўтиб йиртди либосин:  
 Аммо Ҳектор ушбу машъум фалокатга чап бериб қолди.  
 Икковлари яна узун найзаларин суғуриб олиб,  
 Яна қонхўр шерлар янглиғ, ёки осон жон бермайдиган  
 Ул ёввойи қобонлардек ташландилар бир-бирларига.
260. Ҳектор Аякс қалқонининг қоқ ўртасин олди нишонга,  
 Вале найза мис қатламни тешолмасдан қайрилиб кетди.  
 Шунда Аякс бир ҳамлада ёв қалқонин ўз найзаси-ла  
 Тешиб ўтиб, даф айлади ҳужум қилмоқ бўлган Ҳекторни,—  
 Унинг найза ялаб ўтган бўйнидан қон оқди тирқираб.
265. Илло жангни тўхтатмади қалби оташ қаҳрамон Ҳектор:  
 Фақат бир оз тисарилиб, ерда ётган қора ва машъум  
 Харсангтошни кўтарди-да метин қўл-ла, кучин борича  
 Шоҳ Аякснинг етти қават кўн қопланган чўнг қалқонининг  
 Ўртасига зарб-ла урди; ки жаранглаб кетди мис қатлам.
270. Аякс ҳам кўп маҳобатли харсанг олди дарҳол қўлига;  
 Кучанганча, қулочкашлаб отди уни,— рақиб қалқонин  
 Ериб ўтган тегирмонтошнамо харсанг Ҳектор тиззасин  
 Яралади: у чинордек «гурс» қулади чалқанчасига,  
 Мис қалқони босди уни; лек Аполлон яна оёққа
275. Турғазди тез Приамзодни; шунда улар бир-бирларини  
 Шамшир ила қиймалаган бўлурдилар, агар Зевс ҳамда  
 Мардумларнинг жарчилари ҳозиқ Идей билан Талфибий  
 Икки ёқдан вакил бўлиб келмаганда мардлар қошига.  
 Ҳукмдорлик ҳассаларин чўзди улар рақиблар аро,
280. Сўнг Троя хабарчиси маслаҳатчи Идей гап очди:  
 «О, эъвозли ўғлонлар, бас, барҳам беринг энди жангга сиз:  
 Сарпадар Зевс учун бирдек азиздурсиз икковингиз ҳам;  
 Икковингиз беназирсиз жасоратда — келтирдик имон.  
 Вале кириб келмоқда тун; на хуш унга этмоқ итоат!»
285. Лек алпқомат Теламоний жавоб қилди дарҳол жарчига:  
 «Идей, амр эт, шу каломинг такрорласин Приамзода ҳам;  
 Зеро бизнинг йигитларни жангга даъват этган шу эди;  
 У бошласин: гар истаса, мен тайёрман рози бўлишга».

- Шунда обдор дубулғали бузрук Ҳектор айлади жавоб:
290. «Шундай, Аякс, тангри сенга шону шавкат, иқтидор, идрок  
 Ато этган; боз устига, эл ичра зўр найзаандозсан.  
 Бугунчалик ҳад қўяйлик биз курашга ва олишувга!  
 Тўқнашурмиз кейин яна, ана унда жанг қилгумиздир  
 Иккимиздан биримизга тангри зафар бахш этмагунча.
295. Ҳозир кириб келмоқда тун; на хуш унга этмоқ итоат.  
 Кемаларинг қошига бор, хушнуд этгил аҳли юновни

- Ва айниқса, яқин хешу азиз ёру биродарларни;  
 Мен ҳам азим Трояга бориб, унда жами эркалар  
 Ва мен учун Афинанинг маъбадида сизгинаётган
300. Узун кўйлак кийган жами аёлларнинг хушлагум кўнглин.  
 Теламоний! Эсдалиқ-чун алмашайлик буюмларимиз.  
 Трояда ва Эллада ўғлонлари замонлар ўтиб:  
 — Бул ботирлар жанг қилишган бўлса ҳамки шафқат  
 билмасдан,  
 Лек дўстона ажрашганди, деб юришсин, масрур бўлишиб».
305. Ҳектор сўзлаб бўлиб, ўзин қумуш нақшли ажиб шамширин  
 Ғилофи ва ғоят нафис елка банди ила узатди;  
 Аякс эса тутди унга қирмизи ранг нақшин шамширин.
- Мардлар шундай ажрашишгач, — бири юнон лашкаргоҳига,  
 Иккинчиси Трояга йўл олди тез; Троя аҳли
310. Теламонзод қуввасидан, унинг метинбилак зарбидан  
 Омон қолиб, соғ, беозор қайтаётган Ҳекторни кўриб,  
 Қалбан хушнуд бўлди ғоят; Приам ўғлин тирик кўрмоқдан  
 Умид узган мардум уни бошлаб кирди азим шаҳарга.  
 Гўзал пойбанд таққан юнон лашкари ҳам айнан шу қабил
315. Бошлаб кетди ғолибият шуҳратидан озги қулоқда  
 Бўлган мағрур шоҳ Аяксни Агамемнон истиқболига.
- Эл султони Агамемнон чодирда тўплашганлар-чун,  
 Қодир Зевсга бахшида, деб беш ёшли бир семиз танани  
 Қурбонликка бўғизлатди. Тез шилдилар тана терисин,
320. Гўштин жадал нимталашди, кейин тўғраб кўп жаз қилишгач,  
 Сихга тортиб лаққа чўғда аста-секин айлангирганча  
 Пиширдилар кабоб, кейин тайёр бўлгач олдилар ўтдан.  
 Кўриб ҳамма тадорикни бошладилар дарҳол зиёфат:  
 Ҳамма бирдай ишрат қилди, камситилган бўлмади асло;
325. Лекин мезбон — ахейларнинг ҳукмдори шоҳ Агамемнон  
 Аяксни меҳмон қилди энг тотли гўшт — сарпанжа ила.  
 Зиёфатда ҳамма ичиб-еб, қоринлар тўйгандан кейин,  
 Кекса Нестор ўз фикрини баён этди биринчи бўлиб  
 Бу кенгашда: ки у мудом машваратда эди беназир;
330. Хуштафаккур чол оммага шундай дея солди маслаҳат:  
 «Шоҳ Атрейзод, о, ахейлар лашкарининг саркардалари!  
 Жингалаксоч юнонларнинг кўпи қурбон бўлди жанггоҳда.  
 Қаҳқор тангри Арей улар қонин тўкиб Ксанф дарёсин  
 Соҳилига, ғориб этди руҳларини Аид қаърига.
335. О, Атрейзод, тонг отган чоғ жангни таққа тўхтатмоқ лозим.  
 Биз ҳаммамиз жанг майдонда ётган лашкар жасадларини  
 Хўкизлару хачирлар-ла судраб келиб бу қароргоҳга,  
 Кемаларнинг яқинида ёндирайлик ёқиб гулханлар:

- Токи ҳар ким, фарзандларга ёдгорлик, деб она-Ватанга  
 340. Олиб кетсин қурбон бўлган оталарнинг азиз хокини  
 Сўнг жасадлар куйдирилган даштда барча ўлганлар учун  
 Бир ягона улкан қабр тиклайликки, унинг ёнига  
 Ғоят баланд, серминора узун девор кўтарайлик биз  
 (Кемаларга ва лашкарга хизмат қилсин учун ғов бўлиб),  
 345. Ўрнатайлик унга метин табақали улкан дарбоза,  
 Ки бемалол ўтсин ундан ҳам отлар, ҳам жангаробалар.  
 Сўнг шул девор ёқалаб биз теран зовур қазийлик — сиртдан;  
 Агар мағрур ёв ҳужумга ўтмоқ бўлса, ул теран зовур  
 Йўл қўймасин ўтишига хоҳ отлик, хоҳ пнеда ҳолда».
350. Саркардалар кекса Нестор машваратин этдилар маъқул.  
 Бу аснода Троянинг эрлари ҳам Пергам ичида, —  
 Приам қасрин қаршисида шовқин солиб кенгашардилар.  
 Хуштафаккур Антенор гап бошлади бу ерда энг аввал:  
 «О, Троя ўғлонлари, тингланг, сиз ҳам, о, муттафиқлар!  
 355. Қулоқ осинг, айлай баён кўксимдаги дил сўзларимни:  
 Яхшиси, биз Еленани бутун молу давлати бирла  
 Маҳобатли Менелайга топширайлик бўлиб ҳамжиҳат;  
 Биз муқаддас қасамёдни буздик ахир ва хойнона  
 Жаиғ қилурмиз; аминманки, бундан хайр кутиб бўлмагай,  
 360. То мен айтган маслаҳатга амал қилиб, иш кўрилмаса».

- Деб жойига ўтирди у; ана шунда жамоа аро  
 Қад кўтарди соҳибжамол Еленанинг шавҳари Парис;  
 Антенорга у шундайин баландпарвоз каломлар айтди:  
 «О, Антенор, номақбул гап айтдинг мен-чун! Ҳолбуки сендан  
 365. Кутган эдик барчамизга хуш келгувчи эзгу маслаҳат!  
 Гар шу айтган гапларингни чин юракдан сўзлаган бўлсанг,  
 Шубҳасизки, ақлинг олиб қўйибдилар боқий тангрилар!  
 Менинг очиқ каломим шу троялик диловарларга:  
 Естиқдошим Еленани бермам асло! Лек мен Аргосдан  
 370. Олиб келган хазинага келсак; барин бергумдир қайтиб,  
 Ҳатто, лозим бўлса, яна қўшиб бергум ўз хазинамдан».

- Деб жойига ўтирди у; ана шунда жамоа аро  
 Қад ростлади машваратда тангрига тенг соҳибдил Приам.  
 У шундайин хуштафаккур кенгаш солди мажлис аҳлига:  
 375. «О, Троя ўғлонлари, тингланг, сиз ҳам, о, муттафиқлар!  
 Қулоқ солинг, айлай баён кўксимдаги дил сўзларимни:  
 Ҳозир сизлар шаҳар ичра шомлик қилинг бир вақтдагидек;  
 Соқчи қўйинг, бўталарим, бедор турсин ҳар ким ўрнида.  
 Эрта эса жарчи Идеи бориб баҳрий кемалар ёққа,  
 380. Иқтидорли Менелай ва Агамемнон қошига кирсин,  
 Баён этсин бу низонинг сабабчиси Парис ниятин.

- Яна шундай оқилона бир фикрни қилсин у таклиф:  
То ўлганлар жасадини йиғиб ўтда ёққунимизча,  
Улар бир оз дам олсинлар бу шафқатсиз муҳорабадан;  
385. Кейин яна тўқнашурмиз, ана унда жанг тўхтамагай  
То бизнинг қай биримизга тангри зафар бахш этмагунча».

- Шундай деди, — барча унинг гапларига этди итоат.  
Сўнгра лашкар тўп-тўп бўлиб, давра қуриб қилди тановул.  
Идей эса тонг чоғида кетиб баҳрий кемалар ёққа,  
390. Агамемнон кемасининг соясида бутун жанговар  
Данай аҳлин маъракага жам бўлганин кўрди погаҳон.  
Саркардалар аро Идеи шундай деди жарангдор сас-ла:  
«О, Атрейзод, о, сиз, юнон лашкарининг мард сардорлари!  
Приам ва Троянинг энг ақобир мансабдорлари  
395. Бул низоинг сабабчиси бўлмиш шоҳзод Парис пиятин  
Сизга баён этмоқликни буюрдилар, қулоқ оссапгиз:  
Аргосдан чўнг кемаларда ортиб келган молларни Парис  
(О, кошкийди, бундан кўра ўша ёқда қолса ўлиги!)  
Барин сизга қайтармоқчи, ўз молидан қўшиб ёнига;  
400. Валекни у Менелайнинг гулюз ёрин қайтармоқчимас,  
Унга қанча ёлборишган бўлса ҳамки жами одамлар.  
Яна айтиб юбордилар: то ўлганлар жасадин ўтда  
Ёққунгача бир оз ҳордиқ чиқармоқни истамайсизми?  
Кейин яна тўқнашурмиз, ана унда жанг тўхтамагай  
405. То бизнинг қай биримизга тангри зафар бахш этмагунча».

- Идей сўзин тинглаб ҳамма толди теран сукутга бирдан.  
Лекин шу чоқ иқтидорли Диомеднинг саси янгради:  
«Йўқ, ҳеч бир зот қабул этмас Париснинг мол-давлатини ҳам,  
Еленанинг бойлигин ҳам! Зеро ҳатто телбаларга ҳам  
410. Аёндирким, ҳадемайин Троянинг битади куни!»

- Асов отни тизгинловчи\* Тидейзода шоҳ Диомеднинг  
Жавобидан завққа тўлган ахей эли қийқирди шодон.  
Ана шунда соҳибқирон Агамемнон деди Идеига:  
«Доно жарчи, юнонларнинг фикрин ўзинг эшитдинг, мана,  
415. Халқимизнинг жавоби шу, айнан шундай ўзимники ҳам.  
Марҳумларни куйдиришга келсак энди, бунга монелик  
Қилмам асло. Бу дунёда яшаб бўлган бандалар учун  
Ҳеч нимани аямасдан, улар руҳин дарҳол ўт ила  
Шод айламоқ тирикларга энг муқаддас фарздор ҳам қарадир.  
420. Бу аҳдимга Ҳера ёри чақмоқотар Зевс бўлсин шоҳид!»

Шундай деб у ҳукмдорлик ҳассасини кўтарди кўкка;  
Идей ҳам тез қайтиб кетди ул муқаддас Илион сари.  
Бу чоқ улкан маъракага тўпланганди трояликлар:

- Сабрсизлик билан улар кутардилар Идей қайтишин.
425. Мана у эл аро туриб, баён этди келтирган гапин;  
Мажлис аҳли тинглаб бўлиб унинг гапин шайланди ишга,—  
Биров ўлик тапимоққа, биров ўтин олиб келмоққа.  
Ахейлар ҳам бандаргоҳдан шундай жадал тарқай бошлади,—  
Биров ўлик тапимоққа, биров ўтин олиб келмоққа.
430. Ўз самовий сафарига шайланган ва сокин уммоннинг  
Энг тубидан эндигина бош кўтарган нуркокил қуёш  
Кенг далани илк нури-ла ёритган чоқ жанг майдонида  
Икки тараф учрашдилар. Бунда ётган кўп жасадаларнинг  
Ағёрми, ё аҳбоблигин билиб олиш кўп маҳол эди.
435. Жасадаларнинг юзин қондан ва тупроқдан ювишгачгина,  
Таниб, қайноқ кўз ёш тўкиб ортардилар аробаларга;  
Приам хўнграб йиғламоқни ман этганди: шунинг-чун улар  
Жасадаларни унсиз, руҳий изтироб-ла куйдирардилар,  
Сўнг қайтдилар Трояга мурдаларни куйдириб бўлгач.
440. Ул ёқда ҳам мис совутли аргосликлар айнан шу тарзда  
Жасадаларни унсиз, руҳий изтироб-ла ўтда ёқдилар,  
Сўнг қайтдилар бандаргоҳга мурдаларни куйдириб бўлгач.
- Эртаси кун ғира-шира тонг ёриша бошлаган пайтда  
Юнонларнинг сараланган йигитлари киришди ишга.
445. Ўлганларни куйдиришган ерда улар ғайрат қилишиб,  
Бир ягона улкан қабр тикладилар; унинг ёнига  
Ғоят баланд, серминора узун девор тиклади улар  
(Кемаларга ва лашкарга хизмат қилсин учун ғов бўлиб),  
Ўрнатдилар яна метин табақали улкан дарбоза,
450. Ўн бемалол ўта олсин ҳам отлар, ҳам жангаробалар.  
Сўнг шу девор бўйлаб сиртдан ҳамма ери ҳам кенг, ҳам теран  
Зовур қазиб, тубларига қозиқ қоқиб қилдилар тўсиқ.  
Даштда шундай тер тўкишди жингалаксоч ахей мардлари.
- Бу аснода Зевс қошида давра қурган жами худодлар.
455. Ахейларнинг улкан ишин кўриб ҳайрон қолган эдилар.  
Шу чоқ ерни тебратгувчи Посейдон гап бошлади туриб:  
«Чақмоқдор Зевс, энди қай бир банда ушбу рўйи заминда  
Ўз армонин ва ниятин тангриларга айтгай ошкора?  
Ва ёки сен жингалаксоч ахейларнинг ўз кемалари
460. Қаршисига бир кечада юксак девор тиклаганини,  
Олд ёғига теран зовур қазиганини кўрмайсанми?  
Ахир улар тангриларга ҳекатомба аташмади-ку!  
Бул деворнинг шони энди тонг шафағи зиё таратган  
Жами ерга тарқалажак; ҳолбуки, шоҳ Лаомедон-чун
465. Мен Аполлон ила қурган азим девор бўлгайдир унут!»

Посейдонга жавоб қилди ғазаб ила Зевс хўрсиниб:

- «О, заминни тебратгувчи қодир тангри нелар деурсан?  
 Сендан қалбац ва қувватац кўп марота заифроқ бўлган  
 Худовандлар ҳайиқсинлар бу сингари фикр-ўйлардан!
470. Сенинг шонинг тонг шафағи етган жами ерга таралган;  
 Кўнглинг тўқ тут: жингалаксоч ахей аҳли чўнг кемаларда  
 Жўнаб кетгач ўз туғилиб ўсган она юртига, дарҳол  
 Ўшал юксак деворни буз ва итқитиб денгизга паққос,  
 Поёни йўқ бу соҳилга тўша яна денгиз қумини,
475. Токи асар ҳам қолмасин ахей эли қурган девордан».

- Худовандлар шу зайлда гурунглашиб ўтирардилар.  
 Қуёш ботди, юнонлар ўз улкан ишин тугалладилар,  
 Қароргоҳда мол сўйдилар кечлик овқат тараддудида.
480. Айни шу чоқ бу соҳилга келиб инди кема карвони:  
 Лемнос шоҳи Эвней ушбу кемаларда Атрейзодларга  
 Тухфа этиб юборганди ўз майдан минг ўлчовини  
 (Эвней — подшо Ясон ила Ипсипила фарзанди эрди).  
 Ўзга юнон йигитлари майни молга алмашиб олди:  
 Биров сафид темир берди, жарангдор мис яна бириси,
485. Биров ҳўкиз терисини, ё ҳўкизининг ўзини берди,  
 Биров берди ўз асирин. Сўнг бошланди хушкайфият базм.  
 Аргосликлар қилдилар базм лашкаргоҳининг ҳамма ерида,  
 Трояда эса — унинг аҳолиси ва муттафиқлар.  
 Лек олимплик Зевс бутун тун шум ният-ла сурункасига
490. Чақмоқ чақиб базм аҳлига таҳдид солди, ўчирди рангин.  
 Қадаҳлардан май тўкарди мардлар, зеро биронта ҳам зот  
 Зевс учун май паймо қилмай май ичишга этмасди журъат\*  
 Ниҳоят эл лаззат топди ётиб уйқу армуғонидан.

## САККИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

### ТАНГРИЛАР КЕНГАШИ. БҮЛИНГАН ЖАНГ

- Заррин либос кийган Шафақ таралганда рўйи замнига,  
Чақмоқсевар Зевс тўшлади тангриларни зўр маъракага;  
У серчўққи Олимп тоғин зирвасига ўтириб олиб,  
Бир сўз айтди; сукут сақлаб тингладилар боқийлар уни.
5. «Каломимга қулоқ осинг, о, маъбудлар ва маъбудалар:  
Сизларга мен сийнамдаги қалб сўзларин айлагум баён;  
Лек на илоҳ, на илоҳа каломимга асло монелик  
Кўрсатмасин; барчангиз ҳам менга бирдек этинг итоат,  
Зеро амрим муқаддасдир, унга амал қилгумдир албат!
10. Бирон боқий гар густоҳлик қилиб, юнон ё Трояга  
Мадад бермоқ бўлиб ерга инсаю, мен пайқасам буни,  
Тортиб олгум уни дарҳол калтаклабон шармандаларча!  
Ва ё уни заминнинг энг теран қаъри — олис Тартарга  
Улоқтиргум: ки қанчалик йироқ бўлса осмон заминдан,
15. Дарвозаси темирдану бўсағаси мисдан, зим-зиё  
Ул Тартар ҳам шунча теран жаҳаннамдан! Ул ерга тушган  
Ўзи кўрур қанчалик зўр эканлигим аҳли самодан!  
Каломимнинг ҳақлигини, майли, синаб кўринг, тангрилар:  
Шу тоздаёқ олтин занжир туширингиз осмон-фалақдан,
20. Сўнг занжирга битта қолмай осилишлар ҳам маъбудалар,  
Ҳам маъбудлар; ўшанда ҳам арши аъло меъмори Зевсни,  
Минг урининг, ерга тортиб туширмоққа етмас кучингиз!  
Ва лекин мен бутун замин ва уммонни ўшал занжир-ла  
Кўкка тортиб, бир учини Олимпнинг энг серчўққисига
25. Боғлаб қўйгум гар астойдил шунга истак билдирсам ногоҳ;  
Ана унда бутун олам кенг фазода қолгай муаллақ —  
Тангрилару бандалардан мен шунчалик қудратлидурмен!»
- Лол қолдилар худовандлар ҳайратланиб Зевснинг нутқидан;  
Зеро унинг гулдирраган саси шундай ваҳшатли эди;
30. Илло шу чоқ оғиз очди сукунатни бузиб Афина:  
«О, қодир Зевс, о, сарпадар, олампаноҳ, олий ҳукмдор!  
Жуда яхши билурмиз биз: қудратингнинг йўқ ниҳояси;  
Не қилайлик, гар шавкатли ахейларга ачинса кўнгли?  
Тезда улар, талх тақдирга тан беришиб, бўлгайлар нобуд.
35. Майли, сен амр этаркансан, бизлар жапга аралашмаймиз,  
Фақат Аргос эрларига бир маслаҳат бермоқчимизким,



Сенинг машъум газабингдан қирилмасин уларнинг бари».

- Жилва ила жавоб қилди Афинага булутқувар Зевс:  
«Эрка қизим, қўрқмагил ҳеч, бадхоҳлик йўқ асло гашимда,  
40. Ва инчунун, сенга, қўзим, тамомила раҳмдилдурмен».

- Шундан сўнг у, зар ёллари товланувчи бўрондек учқур  
Мис туёқли тулпорларин қўшиди тез жангаробасига;  
Ўзи ҳам зар либос кийди; ва қўлига олиб ғоятда  
Бежирим бир олтин қамчи, чиқди масқул жангаробага;  
45. Қамчи босди отларга у ва тулпорлар Зевс амри билан  
Замин ила юлдуз тўла само аро этдилар парвоз.  
У отларни йўналтирди жонзодларнинг серсув онаси —  
Идадаги Гаргар номли тепалиққа; бунда серсоя  
Ўрмон ичра турар эди тангри Зевснинг хушбўй меҳроби.  
50. Коннотнинг ҳукмдори отларини тўхтатди шунда  
Ва уларни аробадан чиқардию қуюқ зулматнинг  
Оғушига яшириб тез, ўзи Ида сарчўққисига  
Виқор ила бориб инди. У ердан Зевс Троя шаҳрин  
Ва мис зирҳли данайларнинг кемаларин кузатди аста.

55. Бу пайт ахей ўғлонлари нонуштани қилиб бўлишиб,  
Қуроллана бошладилар шитоб ила шайланиб жангга.  
Ул ёқда ҳам кўрарди жанг тараддудин трояликлар,  
Қамчил эди улар, аммо шай эдилар қақшатқич жангга  
Хотин, бола-чақаларни қўриқламоқ учун ағёрдан.  
60. Лапг очилиб дарбозалар, пиёдаю отлик лашкарлар  
Мисли селдек оқиб чиқди; мудҳиш эрди бу эл сурони.

- Икки тараф лашкари бир жойга келиб юзма-юз турди;  
Шунда қалқон кўнларию найзалару мис совут кийган  
Муҳориблар бир-бирига дуч келдилар бирваракайга  
65. Ва лашкарнинг шум сурони кўтарди жанг майдонин бошга.  
Ғолибларнинг наъраси ва мағлубларнинг оғу фарёди  
Аралашиб кетди; оқди қон дарёси замин юзалаб.

- Узоқ фурсат — тонг чоғидан то ёйилиб кетгунича кун —  
Икки тараф новак отиб, бир-бирини қийратди роса.  
70. Бузрук Қуёш самонинг қоқ марказига — қиёмга келгач,  
Парвардигор Зевс илкига олди олтин тарозусини;  
Одамзодни мангу уйқу оғушига солгучи Ўлим  
Қуръасидан иккитасин қўйди унга; сўнг тарозуни  
Кўтаргани, аён бўлди юнонларнинг куни битгани —  
75. Сербарака замингача тушиб борди улар палласи,  
Троянинг қуръаси-чи? — кўтарилди осмон-фалакка.

- Зевс Идадан туриб ахей лашкарига дағдага ила  
Тинмай оташ чақмоқ ота бошладики, аргосликларнинг  
Ранглиридан қочди қони бу балокаш даҳшатдан қўрқиб.
80. Қола олди жангтоҳда на Идомей, на Агамемнон,  
На Арейнинг шогирдлари икки Аякс — икки саркарда.  
Бу жанг ичра қолди фақат Нестор — мардлар пуштипаноҳи —  
Ночорликдан: унинг оти ёв ўқидан яраланганди.  
Сумбул сочили Еленанинг эри Парис отнинг бошини —
85. Жоиворнинг узун ёли бошланган энг хатарли ерни —  
Қаншарини кўзлаб новак отган эди; от миясига  
Кирган ўқнинг аламига чидай олмай, орқа оёқда  
Тикка турди ва ҳуркитди чир айланиб ўзга отларни.  
Нестор отнинг абзалини тезроқ кесиб юбормоқ учун
90. Аробадан сакраб тушди; бироқ Ҳектор — номвар ҳукмдор  
Тулпорларин елдек қувиб келаверди жангаробада  
Жанг қилётган оломоннинг орасини ёриб бу томон!  
Бу пайт чолнинг жондан жудо бўлмоғи ҳақ эди, агарда  
Иқтидорли шоҳ Диомед кўрмаганда бу машъум ҳолни.
95. Наъра тортиб диловар зот Одиссейга юзланди бундоқ:  
«О, Лаэртнинг соҳибидрок, ҳозиқ ва мард ўғли Одиссей!  
Юраксиздек қочмоқдасан нечун ёвга кўрсатиб орқанг?  
Эҳтиёт бўл, яғринингга санчилмасин яна шум найза.  
Тўхта, ахир! Бадхоҳ эрдан муҳофаза қилайлик чолни!»
100. Бу даъватни эшитмади саховатли бадҳол Одиссей  
Ва ёнидан елдек учиб ўтиб кетди бандаргоҳ томон.  
Лек Диомед ёлғиз қолган бўлса ҳамки отилди олдга;  
Нестор отин жиловидан ушлаб, унга шундай сўз айтди:  
«О, қария, ғаним сепи исканжага олибди ёмон!
105. Дармонинг ҳам қолмаган ҳеч, панд берган шум кексалик сента;  
Тулпорларинг ҳам толиққан, мажолсиздир аробакашинг.  
Чиқ менинг жангаробамга; жангда Трос аргумоқларин  
Ҳам у ёққа, ҳам бу ёққа — ҳам ҳужумда, ҳам чекинганда  
Нечоғлик хушрафторлигин ўзинг кўриб бўлгайсан иқрор.
110. Буларни мен ўлжа этиб олган эдим кеча Энейдан.  
Сен ўзингнинг отларингни ҳавола қил муқаррабларга;  
Сўнг иккимиз ёвга ҳамла қилгумизки, Ҳектор менинг ҳам  
Қўлларимда найза бадқаҳр бўлишини бир кўриб қўйсин».
- Шундай деди; Ҳерения чавандози берди розилик;
115. Сфенел ва Эвримедон — қариянинг муқарраблари —  
Паҳлавонлар тез олдилар отларни ўз ҳимоятига.  
Икки сардор бирга чиқди Диомеднинг аробасига;  
Нестор қўлга олиб дарҳол сержозиба тизгинни, ногоҳ  
Қамчи босди тулпорларга — мана, улар Ҳектор қошида.

120. Найза отди тикка босиб келаётган мардга Диомед;  
 Лек нишонни кўзломлади; найза Ҳектор аробакаши —  
 Жилвдори Фебей ўғли Эниопей кўксига ботди;  
 Аробадан қулади у ва тулпорлар кетдилар ҳуркиб;  
 Жилвдорнинг шу чоқ руҳи ва қувваси тарк этди жисмин.
125. Бу жудолик Ҳектор қалбин изтиробга солди тамоман;  
 Лек андуҳнинг пайтимасди! Шунинг учун Ҳектор ҳар ёққа  
 Нигоҳ ташлаб, қидирди бир аробакаш; Тулпорлар бебош  
 Қолмадилар; тез топила қолди шу чоқ матлуб жилвдор:  
 Соҳиб қувва Ифитзода Архептолем; Ҳектор амр этди
130. Аробага сакраб чиқиб от тизгинин қўлга олмоқни.

Шу чоқ мудҳиш қирғинбарот бошланмоғи, трояликлар,  
 Машъум офат арафаси қўтонларга ҳайдаб кирилган  
 Қўйлар янглиғ, шаҳар сари қочмоқлари муқаррар эди,  
 Агар огоҳ бўлмаганда ушбу ҳолдан парвардигор Зевс.

135. У даҳшатли қалдироқ-ла яшин отди ва оташ чақмоқ  
 Тўғри келиб Диомеднинг тулпорлари пойига тушди:  
 Қўрқинчли ўт чақнаб кетди замин узра лоп этиб бирдан;  
 Ҳуркиб кетган отлар дағ-дағ титраб, орта тисарилдилар;  
 Чол илкидан тушиб кетди отларнинг кўп ажиб тизгини:
140. Қапалаги учган Нестор Диомедга юзланди шундай:  
 «Қадрдоним, тулпорларни бур орқага, қочайлик тезроқ  
 Бугун Зевснинг сянга ҳуши йўқлигини сезмаяпсанми?  
 Парвардигор бугун фақат Ҳектор қўлин қилмоқда баланд.  
 Шояд кейин кўнгли эриб бизга ҳам шон бахш айласа у.
145. Ки одамзод қанча кучли бўлмасин, Зевс иродасини  
 Ўзгартмоққа ожиз, албат, зероки у кўп маротаба  
 Қудратлироқ эрур жами тапгрилару бандалардан ҳам!»

Бироқ унга жавоб қилди чўнг муҳориб, машҳур Диомед:  
 «Қаломларинг, о, қария, одилона ва оқилона;

150. Лек шафқатсиз бир дард қалбим ва руҳимни кемирур мудом!  
 Бир кун келиб Ҳектор азим Троянинг аҳолисига:  
 — Шоҳ Диомед мenden қўрқиб қочган эди кемалар ёққа,—  
 Деб мақтанса, бу кунимдан қаро ерга кирганим афзал!»

- Яна Нестор — Пилос шоҳи жавоб қилди шоҳ Диомедга:  
 155. «О, жангбардор Тидей ўғли, шерюрак мард, нелар деюрсан?  
 Агар Ҳектор сени қўрқоқ ва заиф деб атаганда ҳам,  
 На Троя фуқароси, на дардавлар ишонгай бунга;  
 Ва айниқса, сенинг билак кучинг ила ҳалок этилган  
 Троялик қалқонбардор йигитларнинг рафиқалари».

160. Шундай деб у метянтуёқ тулпорларни ортга бурди-да,  
 Қочаётган оломоннинг орасига ҳайдади; шунда

- Мудҳиш наъра тортиб Ҳектор ҳамда унинг азаматлари,  
 Чақмоқнамо патли ўқлар ёғдирдилар ғаним бошига.  
 Дубулгаси обдор Ҳектор ҳайқирди нақ момақалди роқ:
165. «О, Диомед! Аҳли данай мудом сени эъзозлар эди:  
 Базмларда тўрдан жойу гоят тотли нозу неъматлар  
 Ва май тўла қадаҳлар ҳам сенинг учун муҳайё эди;  
 Энди ит ҳам боқмас қиё: номардлигинг кўрсатдинг элга!  
 Манфур, беор, хотинчалиш! Сен мени маҳв этиб, муқаддас
170. Шаҳримизни забт айлашинг, ё асирга хотинларимиз  
 Олишингдан олдин, сени мен дафъ этгум жаҳаннам сари!»
- Шу сўздан сўнг, Тидейзода Ҳектор ила олишимоқ учун  
 Бурсаммикин отларни, деб тараддудда қолди тамоман.  
 У уч дафъа шу қарорга келиб кўрди ақлан ва қалбан;
175. Уч дафъа ҳам Зевс Иданинг чўққисидан мудҳиш гумбирлаб,  
 Трояга аён қилди иштибоҳли зафар белгисин.  
 Ҳектор яна наъра тортиди лашкарларин ундаб жанггоҳга:  
 «Троялик, ликвиялик азаматлар, о, Дардан қавми!  
 Мард бўлингиз, унутмангиз собиқ диловарликларимиз!
180. Сезмоқда мен, Зевс менга шу иқтидорли гулдирос ила  
 Зафар ва шон, ахейларга — иснод, ўлим бахш айламоқда!  
 Ул тентаклар мудофаа учун девор қурибдилар мўрт,  
 Нописанд у мардга; менинг қудратимга бўлолмагай гов!  
 Отларимиз эса осон сакраб ўтгай зовурларидан.
185. Ёдингизда бўлсин, дўстлар! Мен юнонлар бандаргоҳига  
 Етганимда, қўлга олинг лов-лов ёнган машъалаларни.  
 Мен ўт қўйгум ахейларнинг жамики бор кемаларига  
 Ва ўзларин тутун ичра маҳв этгумдир шу бандаргоҳда!»

- Шундан кейин у юзланиб деди ўзин тулпорларига:
190. «Тулпорларим Ксанф, Подарг, илоҳий Ламп, ҳайбатли Эфон!  
 Парваришлаб боққанимнинг ҳиссасини чиқаринг бугун:  
 Аксар пайт Этионнинг қизи, мепинг Андромахам  
 Берар эди сизларга ем гоят нодир, хуштаъм буғдойдан,  
 Яна, менадан — ўз навжувон маҳбубидан олдин, сизларга  
 Шароб элтиб емга қориб берар эди сиз хоҳлаганча!
195. Энди елдек учинг, отлар; ғанимларга биз етиб олиб,  
 Чол Несторнинг донги кетган қалқонини тортиб оламиз,  
 Эмиш унинг ҳаммаёғи — гардиши ҳам, банди ҳам олтин;  
 Шунингдек, биз Диомеднинг сержозиб ажиб совутин —
200. Тапгри Ҳефест маҳсулини — елкасидан олурмиз ечиб!  
 Гар шуларни қўлимизга киритсак биз, ҳеч шубҳа йўқки,  
 Шу тундаёқ қочгай учқур кемалари томон ахейлар!»

Деб мақтанди; иқтидорли Ҳера бундан бўлди дарғазаб,  
 Ки тахтида сал қўзғолган эди Олимп келди ларзага.

205. Шундан сўнг у бузрук тангри Посейдонга қилди таважжуҳ:  
«О, заминни тебратгувчи қодир худо, наҳот юрагинг  
Қирилётган юнонларнинг ҳолин кўриб эзилмаса сал?  
Ён босил сен шу мардларга! Эгада ҳам, Геликада ҳам  
Сенга мапзур қурбонликлар эҳсон этган шулар-ку ахир!
210. Агар бизлар — юнонларнинг ҳомийлари, — бўлиб ҳамжиҳат,  
Троянинг лашкарини даф этсайдик, чақмоқотар Зевс.  
Шу заҳоти ғамга ботган бўлар эди Идада ёлғиз!»

Зилзилакор қодир тангри аччиқланиб деди Ҳерага:  
«Густоҳкалом Ҳера! Нелар сўзламоқда забонинг сенинг?  
Йўқ, истамам тангрилардан бирортасин чақмоқдор ила

215. Олишмоғин; иқтидори беназирдир унинг бағоят!»

Шундай гурунг борар эди Олимп узра тангрилар аро.  
Бу чоқ Зевсинг паноҳида шавкат топган саркарда Ҳектор  
Юнопларнинг лашкарию отларини бандаргоҳ томон —

220. Зовур ила юксак девор оралиғи — катта майдонга  
Сиқиб келаётган эди ҳамла айлаб мисли Арейдек.  
Шу келишда у ўт қўйган бўлур эди кемаларга ҳам, —  
Зевс завжаси Ҳера агар солмаганда Агамемноннинг  
Юрагига, лашкарни тез жанггоҳ сари даъват этмокни:
225. Ваҳоланки, Агамемнон ҳам шул ҳақда қотирарди бош:  
Мана, алвон ридосини у қудратли қўлига олиб,  
Катта-катта одим отиб, қароргоҳга бўлди равона.  
Овозимни жами лашкар — ҳатто Аякс ва Ахиллеснинг  
Лашкари ҳам бирдек яхши эшитсин, деб у Одиссейнинг
230. Қоқ ўртада турган қора кемасига чиқди отилиб.  
Гап шундаки, Аякс билан Ахилл — икков ўз жасорати  
Ва қучига ишонишиб эшкаги кўп кемаларини  
Қўйгандилар бандаргоҳнинг ўнг қанот ва сўл қанотига.  
Атрейзода янгроқ сас-ла юнонларга юзланди шундай:
235. «Уят сизга, аргосликлар! Сирти ботир, қўрқоқ бандалар!  
Лемнозда сиз, энг довурак азаматлар бизлар бўламиз,  
Деб керилган эдингиз-ку! Қайда қолди ул мардлигингиз?  
Баэмларда катта-катта ошаб нозу неъматларни сиз,  
Қадаҳларни лим-лим қилиб шаробларни сиққараркансиз,
240. Ҳар биримиз юзта, ҳатто икки юзта троялик-ла  
Жанг қилмоққа тайёرمىз, деб мақтагансиз! Холбуки мана,  
Ҳаммамиз ҳам бас келолмай гарангдурмиз битта Ҳекторга!  
О, тангрим Зевс, айтгил, рўйи заминдаги қайси қудратли  
Шоҳни меңдек жазолаган, бадном этган эдинг сен яна?
245. Ахир мен, Зевс, ушбу бадбахт жанггоҳ сари қора кемамда  
Сузарканман, меҳробларинг биронтасин ўтдимми ёнлаб?  
Йўқ, ҳар битта меҳробингда сенга атаб қурбонлик қилдим  
Метиндевор Трояни ғорат этмоқ орзусида мен.

- Энди, о Зевс, жилла қурса, бир истагим айлагил бажо.  
250. Ҳеч бўлмаса, имкон бергил ёвдан омон қолишимизга;  
Бу мусофир юртда хўрлаб ўлдирма сен аргосликларни!»

- Тангри Зевснинг раҳми келди чашми гирён Атрейзодага  
Ва башорат қилди юнон халқин нобуд бўлмаслигини:  
Панжасига кийик қўзи чангаллаган бургутни (соҳиб  
255. Қароматлар учун ғоят матлуб қушни\*) туширди кўкдан.  
Ажиб меҳроб узра келиб, ташлади у кийик қўзисин,  
Ки шул ерда сигинарди соҳибкарам Зевсга юнонлар.  
Улар Зевсдан эзгу дарак келганини кўришган заҳот,  
Яна ёвга ташландилар, яна оташ жанг давом этди.  
260. Гарчи бунда данайлар кўп бўлсалар ҳам, фақат Диомед  
Отларини ҳайдаб ўтди кенг зовурдан ҳаммадан олдин  
Ва ёв билан энг биринчи тўқнашмоққа бўлди мушарраф.  
У аввало троялик мард Агелай Фрадмонзонди  
Маҳв айлади: қочмоқ бўлиб у отларин бураётганда,  
265. Тидейзода курақлари орасига санчди найзасин;  
Найза тиғи қон аралаш ёриб чиқди унинг кўксини:  
У қулади аробадан, совутлари кетди жангглаб,  
Диомеддан кейин икки Атрейзода ташланди жангга;  
Улардан сўнг энг қудратли икки Аякс ўтди ҳужумга.  
270. Икки Аякс орқасидан Идоменей ва унинг дўсти  
Арейона сертахдид зот шоҳ Мерион кирди жанггоҳга;  
Ундан кейин мард Эврипил — Эвемоннинг шавкатли ўғли.  
Тўққизинчи бўлиб жангга кирган Тевкр, Теламон ўғлин  
Чўнг қалқони панасида туриб тортди камон чилласин.  
275. Аякс бот-бот қалқонини четга сулар, шунда мерган Тевкр  
Ёвлар ичра нишон таплаб, уни дарҳол жароҳатларди:  
Жароҳатдор қулаб ерга жон берарди; лек Тевкр шу чоқ  
Худди гўдак кирганидек онасининг иссиқ пинжига,  
Ўтар эди онасининг чўнг қалқони паноҳига тез.  
280. Хўш, кимларни маҳв айлади энг аввало паҳлавон Тевкр?  
Энг аввало Орсилоху Офелесту паҳлавон Ормен,  
Сўнг Детору мард Хромий, тангрисифат жангчи Ликофонт,  
Иқтидорли Меланипп ва Ҳамопаон Полиемонзонд  
Ер тишлашди Тевкр отган талх ўқлардан биттама-битта.  
285. Унинг новак отиб ёвнинг сафларини қийратганини  
Кўриб қолган Агамемнон шодмон бўлди, яйради дили;  
Сўнг Тевкрнинг яқинига келиб шундай мақтов сўз айтди;  
«О, диловар Теламонзонд! О, беназир соҳибандоз! Сен  
Ёвни шундай маҳв этсанг гар, аҳли юнон ичра шон қучиб,  
290. Кекса отанг Теламоннинг армон қилган фахри бўлгайсан:  
Бўлсанг ҳамки сен беникоҳ фарзанд унга, болалигингдан  
Отанг сени ардоқлаб, ўз паноҳидан қувмади зинҳор:

Уйлайманки, догламайсан йироқдаги падаринг номин?  
Мен асам бир сўз айтаман ва чиқаман сўзим устидан;  
Приамнинг кўркам шаҳри Трояни чақмоқотар Зевс  
295. Ва Афина забт этмоқни насиб этса мабодо менга,—  
Узимдан сўнг, аввал сени тақдирлагум ноёб музд ила.\*  
Ё бежирим сепоями, ё қўш отли жангаробами,  
Ё сен ила бир тўшакда ётадурган навнихол қизми».

300. Юраги пок Тевкр жавоб қилди дарҳол Агамемнонга:  
«О, Атрейнинг машҳур ўғли, нечун мени ўзим иптилган  
Жасоратга чорлайдурсан? То бор экан билгимда куч,  
Зум ҳам бекор ўтирмаймак; бизлар ёвни Илион сари  
Қувиб борган чоғимиздан мудом уни қийратмоқдамен.  
305. Узун тишли новаклардан саккизтасин отдим ғанимга  
Ва саккизта энг навжувон ақобирни маҳв этдим қатор:  
Лек нишонга ололмадим ҳеч анави қутирган итни!»

Шундай деди, камонидан мард Ҳекторни нишонга олиб  
Яна янги ўқ узаркан; армонийди уни маҳв этмоқ;  
310. Лекин яна тегмади ўқ; бироқ новак Приам ўғли  
Бефутур ва кўп диловар Горгифион кўксига тегди  
(Туққан эди бул ботирни Приамнинг маъбудамонанд  
Соҳибжамол рафиқаси эзималик Кастианира).  
Чаманзорда ғарқ очилиб, баҳор сувин мириқиб эмган  
315. Қизил лола вазмин бошин эганидек, Горгифионнинг  
Ҳам дубулға кийган боши аста оға бошлади ёнга.

Тевкр эса камонидан мард Ҳекторни олиб нишонга,  
Яна янги новак узди: армонийди уни маҳв этмоқ,  
Лек яна ўқ зое кетди. Аполлон даф этганди уни;  
320. Бу сафар ўқ оташқалбли Архептолем кўксини тешди —  
Жанга кирган бу мард Ҳектор жилводори ва дўсти эди:  
Аробадан қуларкан у, отлар ҳуркиб кетдилар ногоҳ,  
Шунда унинг қувваси ҳам, руҳи ҳам тарк этди жисмини.  
Бу жудолик изтиробга солди Ҳектор қалбини қаттиқ;  
325. Лек андуҳнинг мавридимас эди ҳозир: у нарироқда  
Ўз иниси Кебрионни кўриб қолиб, амр этди унга —  
Тез отларни бошқаришни, — у ҳам дарҳол этди итоат.  
Ўзи эса наъра тортиб кўп бежирим жангаробадан  
Сакраб тушди ва илкига олиб харсанг, Тевкр томонга  
330. Чопа кетди, ўлдирмоқлик мақсадида новакандозни.  
Бу пайт Тевкр тирдонидан олиб патли ажалкаш новак,  
Илди камон чилласига; у Ҳекторнинг ўмвор суягин —  
Яъни бўйини кўкрагига улаб турган энг хавфли ерни  
Энди мўлжал қилганди ҳам, Ҳектор отиб серқирра харсанг,  
335. Узди камон чилласини; Тевкр қўли шалвираганча,

- Камалаги тушиб кетди, ўзи эса тиз чўкиб қолди.  
Телемонзод шикаст кўрган инисини қўймади ташлаб;  
Етиб келиб тўсиб турди уни курра қалқони ила.  
Бу пайт Тевкр ёронлари — Ехий ўгли Мекистей билан
340. Аласторлар жароҳатдан инграётган ўз дўстларининг  
Қўлтиғидан ушлаб, уни бандаргоҳга кетдилар олиб.

- Троянинг лашкарига Зевс бахш этди яна жасорат;  
Ахейларни терап зовур томон қувиб кетди у шунда;  
Ўз кучидан мағрур Ҳектор энг олдинда борарди елиб,  
345. Шикор чоғи елдек чопқир този шерни, ёки қобонни  
Қувиб етиб, у қанчалик чап бермасин, гоҳ биқинидан,  
Гоҳ сонидан азда-базда олганидек, — обдор дубулга  
Қийган Ҳектор ҳам паёпай данайларнинг ортидан қувиб,  
Энг орқада қолганини найза санчиб маҳв этар эди.
350. Лек данайлар алгов-далгов тўполонда кўп лашкарини  
Қурбон бериб, ўтиб олгач зовурдан ва юксак девордан,  
Ниҳоят, ўз кемалари қаршисига индилар бориб.  
Шу ерда бир-бирларига далда бериб, қўл чўзиб кўнка,  
Астойдил сиғиндилар Олимпдаги худовандларга.
355. Горгона ё қаттол Арей каби Ҳектор кўз ташлаб ҳар ёқ,  
Елдор отлар қўшилган жангаробада зир югурарди.

- Юнонларнинг бу аяпчи ҳолин кўрган маъбуда Ҳера  
Шу заҳоти Палладага юксак парвоз йўллади калом:  
«О, чақмоқдор Зевснинг қизи ҳур Афина! Наҳот сен-ла биз
360. Шўрнинг қурғур юнонларга беролмасак кўмак хиёл ҳам?  
Назаримда, улар барин қисмати талх, ҳаммалари ҳам  
Ажал топгай бир одамдан; ки Ҳекторнинг аргосликларга  
Ғазабин йўқ ниҳояси, қилмади у не-не ёвузлик!»

- Унга дарҳол жавоб қилди чақмоқдор Зевс қизи Афина:
365. «Падарим Зевс данайларни олмаганда ўз ғазабига,  
Приам ўгли ота юртда аллақачон жудо ҳам бўлиб  
Қуввасидан ва жонидан, юнонлардан тошарди ажал.  
Маккор, қаҳҳор отам доим барбод этур ниятларимни;  
Лекин оғир азоб чекиб Эврисфейнинг қўлида банди
370. Бўлган ўглин\* неча марта қутқарганим эсламайди ҳам.  
Тавалло-ла фарёд этиб қўлин чўзган ўғлонига, Зевс  
Мадад бермоқ учун мени туширганди арши аълодан.  
Гар олдинроқ билганимда унинг метин қопқа Айдга  
Эврисфейнинг амри билан, Эребдан — шум тангри Аиднинг
375. Қўл остидан, унинг итин ўғирлашга\* борганини мен,  
Энг офатли терап Стикс домида у бўлар эди фарқ.  
Энди мени хуш кўрмай Зевс, Фетидага осмоқда қулоқ:



- Ки у Зевсдан Ахиллесга шону эъзоз ато этмоқни  
 Сўраганиди тизин қучиб, соқолига қўл учин уриб.
380. Падарим Зевс яна менга меҳр қўйгай, кези келганда!  
 Ҳера, тез қўш метинтүёқ тулпорларни жангаробага;  
 Унғача мен Зевс қўшкига чиқиб жангга кўрай ҳозирлик,  
 Кийиб совут, тақиб мудҳиш яроқларни; кўриб қўяйлик,  
 Ушал обдор дубулғали мағрур Ҳектор — Приам ўгли
385. Бўлармикин хурсанд кўриб жанггоҳ аро биз иккимизни?  
 Илоё! Ул Троянинг аксар халқи юнонларнинг бандаргоҳида  
 Ер тишласин ва ем бўлсин саёқ итлар билан зоғларга!»

- Афинанинг бул фикрини маъқуллади гулбадан Ҳера;  
 Сўнг шу заҳот маъбудалар маликаси, Кроннинг қизи
390. Абзали зар тулпорларни аробага қўша бошлади.  
 Айни шу пайт Афина ҳам Зевс кўшкида ҳарир ўртуғин  
 Елкасидан аста-секин туширдик, маъбуда уни  
 Ўз қўли-ла тўқиб, унга ўзи ажиб гуллар тикканди;  
 Ўртуғининг ўрнига у чақмоқдор Зевс совутин кийиб,
395. Бошдан-оёқ қуролланиб, ҳозирланди андуҳдор жангга.  
 Сўнгра у жангаробага чиқиб, улқап, серқувва, залвар  
 Найза олди илкигаки, бу яроқ-ла Афина қаҳрин  
 Келтирган ул мардлар сафин пароқанда этса бўларди.  
 Қамчи босди учар отлар сағрисига Ҳера ҳам шу чоқ;
400. Ўз-ўзидан қалдир-қулдур очилди ул само қопқаси,  
 Ки бул қопқа булутларни тарқатмоқ, ё жамламоқ учун  
 Берилганди Олимп ҳамда кенг фазонинг нозиралари —  
 Ҳераларнинг измига; шу дарвозадан икки маъбуда  
 Отларини шиддат ила ҳайдаб, елдек учиб чиқдилар;
405. Зевс Идада ўтирганди; кўриб қолиб қаҳри қайнади,—  
 Ва зар қанот Иридани улар ёққа йўллади дарҳол:  
 «О, Ирида, уч, уларни қайтариб кел, олислашмасдан;  
 Ё бўлмаса, бўлгай беҳайр жанггоҳдаги тўқнашувимиз!  
 Айт уларга каломимни — айтган сўзим отилган ўқдир;
410. Отларининг оёқларин синдириб мен, аробаларин  
 Мажақлагум, ўзларини улоқтиргум рўйи заминга!  
 Ҳаттоки йил ўн марота айланса-да, ул маъбудалар  
 Шифо топа олмагайлар чақмоғимнинг жароҳатидан.  
 Падарига бош кўтармоқ оқибатин зинҳор-базинҳор
415. Унутмагай Афиней! Лек хафа ҳам ва дарғазаб ҳам  
 Эмасдурман мен Ҳерадан, зеро унга теккан касалдир  
 Мен ўйлаган ишни доим барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ!»

- Қуюнмонанд Ирида тез учди Зевснинг амрин бажариб;  
 Парвоз қилди у Иданинг чўққисидан Олимпга томон
420. Ва муаззам Олимпнинг илк дарвозаси бўсағасида  
 Ҳера ила Афинани тўхтатиб, Зевс каломин айтди:

- «Ниятингиз недур? Недан даргазабдир боқий қалбингиз? Зевс ман этди жингалаксоч юнонларга ён босмоқликни. Ул сарпадар шундай деди — чиқар айтган сўзин устидан:
425. Отларингиз тиззаларин синдирармуш, жангаробангиз Мажақлармуш, ўзларингиз отар эмиш рўйи заминга. Хаттоки йил ўн марога айланса ҳам, икковларингиз Шифо топа олмасмишсиз Зевс чақмоғин жароҳатидан. Сен — Афина, отанг сўзин икки қилиб еган танбеҳинг
430. Тоабад ҳеч унутмайсан! Сармаъбуда Ҳерадан эса, Даргазаб ҳам, хафа ҳаммас, зеро унга теккан касалмиш Зевс ўйлаган ишни доим барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ! Сен бадният нобакорсан, бешарм итсан, агар чинданам Падарингга улкан найза кўтармоқчи бўлган экансан!»
435. Қуюнмонанд Ирида шу заҳот яна айлади парвоз. Хукми равон Ҳера эса, Афинага бир калом айтди: «Йўқ, о, Зевснинг шаҳло қизи, бундай ишни истамам асло, Крон ўглин райига зид, бандаларни қўллай олмайман! Тақдир-азал дерлар буни; бир ёқ агар қирилиб кетса,
440. Иккинчи ёқ қолсин омон; Зевс келишиб ўз қалби билан, Икки томон устидан ҳам билганича хукм чиқарсин!»
- Шундай деб у елдек учқур отларини бурди орқага. Ҳералар тез тулпорларни чиқардилар аробалардан Ва уларни боғладилар амбар озуқ тўла охурга;
445. Тирадилар сўнг кошиндор деворга жангаробаларни; Маъбудалар ўзи эса боқийларнинг жамоасига Маҳзун қалб-ла кириб бориб ўтирдилар зар тахтларига.
- Ида ёқдан Зевс ҳам гўзал ғилдиракли жангаробада Етиб келди Олимп тоққа — боқийларнинг анжуманига.
450. Посейдон Зевс отларини аробадан чиқарган заҳот Аробани чорпояга қўйиб, парда ёпди устига. Гулдириси оламшумул Зевснинг ўзи олтин тахт сари Юрар экан, бутун Олимп зириллади пойи остида. Зевсдан анча нарироқда Афина ва гулбадан Ҳера
455. Сўз айтмоққа тиллари лол, андуҳ чекиб ўтирардилар. Лек Зевс улар дилидагин қалбан пайқаб, юзланди ўзи: «Нечун ғамнок кўринасиз, о, Афина, о, Ҳера — икков? Эр йигитлар иши бўлмиш жангда сизлар кўп бўлдингизми? Қанчасини маҳв этдингиз сизга манфур трояликдан?
460. Ҳа, унутманг, билак кучим, иқтидорим шундай беназир, Енголмаслар мени жами боқийлар бир тараф бўлса ҳам! Сизлар эса жанггоҳни ҳам, шум жангни ҳам қўрмасингиздан Қалбингизни ва хушқомат жисмингизни чулғади қўрқув. Каломим шу (рўёбга ҳам чиқарардим айтган гапимни):
465. Мабодо сиз чақмоғимнинг зарбига дуч келганингизда

Тангриларнинг сармақоми Олимпга жангаробангизда  
Қайтиб келиш насиб этмас эди сизга абадулабад!»

- Хера ила Афина Зевс сўздан лол ўтирардилар  
Хўрсиниб ва ғазабланиб: икковлари кенгашардилар
470. Қандай қилиб Трояни балога дуч айламоқликни.  
Гарчи бадқаҳр адоват-ла ёнаётган бўлса ҳам қалби,  
Афиней чурқ этмади, падарига гап қайтармади.  
Вале Хера яширолмаи ғазабини деди эрига:  
«Бадқовоқ Зевс! Не каломлар айтмоқдасан ўзинг, бераҳм?
475. Ўзимиз ҳам биламиз хўб иқтидоринг беназирлигин;  
Аммо бизнинг ул диловар юнонларга келур раҳмимиз,  
Ки уларнинг паймонаси тўлган, нобуд бўлгайлар тезда!  
Лекин сен амр этаркансан, бизлар жангга аралашмаймиз;  
Фақат юнон эрларига бир маслаҳат бермоқчийдикким,
480. Сенинг машъум ғазабингдан қирилмасин уларнинг бари».

- Булутларнинг соҳиби Зевс хотинига таважжуқ қилди:  
«Эртага тонг отган заҳот, о, сигиркўз, шаддод Хера, сен  
Ўзинг шоҳид бўлажаксан Зевс қудратин беҳадлигига:  
Жасур данай эрларининг яна кўпин маҳв этар эринг!
485. Хуллас калом, икки қўшин кемаларнинг пойида Патрокл —  
Жасадининг атрофида босиб-янчиб бир-бирларини,  
Энг даҳшатли жанг қилган кун чаққоноёқ Ахилл оёққа  
Қалқмагунча, жанг қилишдан тўхтамагай қудратли Ҳектор.  
Бу ҳақ қисмат! Сенинг оташ ғазабингдан эса кўрқмам ҳеч.
490. Сен ғазаб-ла ҳатто замин ва уммоннинг энг чеккасига —  
Япет ила отам Крон юксак офтоб шуьласидан ҳам,  
Ғир-ғир эсган шамолдан ҳам бўлиб мангу бенасиб ётган  
Ўшал мудҳиш теран Тартар қаъригача етиб борсанг ҳам!  
Такрор айтгум, ҳаттоки шу даражага етганингда ҳам
495. Қанча беор бўлмагил сен, парво қилмам жаҳолатингга!»

- Зевс каломин тингладию чурқ демади гулбадан Хера.  
Порлоқ Қуёш ботар экан айни чоғда Океан сари,  
Баракатли замин узра ёпди зулмат Тун пардасини.  
Бу қоронгу тундан хурсанд бўлмаса ҳам трояликлар,  
500. Юнонлар-чун дид армони ҳамда айни муддао бўлди.

- Саодатли мард Ҳектор ҳам кемалардан анча олисда  
Уликлардан холи бўлган кенг далада, дарё бўйида  
Троянинг лашкарини йиғиб кенгаш ўтказди бу чоқ.  
Мана, улар нутқ тингларди тушиб бари аробалардан.
505. Бузрук Ҳектор эди нотик; у ўн бир газ узунликдаги  
Найзасини ушлаб турар; найзанинг қир учида мис тиг,  
Олтин ҳалқа ярақларди, зулматда ҳам тиг атрофида.

- Шу найзага таянганча баландпарвоз нутқ айтди Ҳектор:  
«О, фуқаро дарданзодлар, о, муттафиқ лашкарлар, тингланг!
510. Ахейларни қириб бугун кемаларни ёндириб паққос,  
Илионга зафар ила қайтурмиз деб қилганим ният.  
Вале оқшом бевақт тушди; ёлғиз шу тун туфайлигина  
Омон қолди юнонлар ҳам, улкан баҳрий кемалари ҳам.  
О, ёронлар, энди биз ҳам зулмат тунга бўлайлик тобе:
515. Шунда кечлик қилайлик биз; муҳориблар, аробалардан  
Чиқарингиз тулпорларни ва ем беринг саховат ила;  
Ўзларингиз тез шаҳардан сўқим тана, бўрдоқи қўйлар,  
Кўнгилларни хушловчи май яна нон ҳам олиб келинглр;
- Сўнг тоғ қилиб уйиб шоҳу шаббаларни, гулхан ёқинги,  
520. Бутун кеча то Тонг заррин кокилини ёйгунга қадар  
Ланғиллаган бул гулханнинг шуълалари етсин самога,  
Жингалаксоч ахейлар ҳам фойдаланиб зим-зиё тундан,  
Кенг уммоннинг тўшин тилиб уйларига қочиб қолмасин,  
Ё тинчини кўзлаб, дарҳол кемаларга чиқиб олмасин.
525. Йўқ, кемалар томон қочган ахейларнинг аксарияти  
Бизнинг найза ё қапотли ўқимиздан жароҳатланиб,  
Ўз юртида узоқ фурсат шифо излаб бўлсин овора;  
Токи эллар бу муаззам Трояга қарата яна  
Машъум уруш очмоқликдан ҳайиқсинлар абадулабад!
530. О, жарчилар, Зевсинг эрка бандалари, шаҳарга бориб  
Ва жар солинг, жами ўсмир ва кексалар азим шаҳарнинг  
Деворига чиқиб, тангри бунёд этган минораларда  
Мижжа қоқмай ғанимлардан Трояни қўриқдасинлар;  
Лек заифа аёлларнинг ҳар бири ўз хонадонида
535. Ўчоқларга ўт ёқсинлар ланғиллатиб; ки бу алапга  
Шаҳримизга ёриб кирмоқ бўлган ёвни фош айласин бот  
Мен не десам, шундай бўлур, о, жангбардор трояликлар!  
Бугун сернаф сўз айтдим мен троялик паҳлавонларга,  
Лек эртага бошқа сўзлар айтурман мен муҳорибларга.
540. Зевс ва ўзга боқийларни паноҳ айлаб умид қилгумким,  
Даф айлагум улкан қора кемаларда Троядага  
Шум тақдирнинг даъвати-ла босиб келган итлар галасин.  
Лек тунда биз лашкаргоҳда қўриқлайлик ўзимизни ҳам;  
Тонг отган чоқ совут кийиб, қурулланиб, юнонлар билан
545. Кемаларнинг пойида биз бошлагаймиз яна қирғин жанг.  
Кўрайлик-чи, иқтидорли Диомедми мени соҳилдан  
Қувиб шаҳар деворига олиб бориб қисиб қўйгувчи,  
Ёки менми азим шаҳар Илионга мард Диомедни  
Найзам ила маҳв айлаб қонли ўлжа билан қайтгувчи?
550. Эртага у диловарлик кўрсатажак, мен отган ўққа  
Дош берса гар; вале умид қиламанки, у ҳам албатта  
Жонсиз мурда бўлиб ётур, ҳалок бўлган ёр-дўстларининг

- Жасадлари орасида қуёш ҳали кўтармасдан бош.  
Эртанги кун юнонларга офат олиб келмоғи аниқ,  
555. О, тангрим Зевс! Қани эди шундайин ҳақ бўлса менинг ҳам  
Аполлон ё Паллададек шавкатли ва боқий бўлишим!»

- Ҳекторнинг бул сўзин тинглаб, ҳайқирдилар трояликлар;  
Сўнг терлаган тулпорларни чиқардилар аробалардан  
Ва ҳар бирин аробанинг шотисига боғлаб қўйдилар.  
560. Айни шу чоқ шаҳар ёқдан сўқим тана, бўрдоқи қўйлар,  
Кўнгилларни хушлагувчи май, бисёр нон олиб келдилар;  
Сўнг жуда кўп шох-шаббани тоғ-тоғ уйиб худовандларга  
Атаб қон ҳам чиқардилар, куйдирдилар ҳекатомбалар.  
Ки уларнинг хушбўй иси шамол билан етди самога;  
565. Вале масъуд тангриларга бу қурбонлик бўлмади манзур;  
Қудсий шаҳар Троя ҳам, Приам шоҳ ва Приамнинг  
Жами халқи ҳам уларга бўлиб қолган эдилар манфур.

- Мағрур армон билан бедор ўтказдилар трояликлар  
Бутун тунни: кенг майдонда ёнар эди сонсиз гулханлар.  
570. Ҳаво сокин ва беғубор бўлган пайтда нажми соқиблар  
Тўлин ойнинг теграсида ғоят ажиб бўлиб кўринур,  
Шу сингари, тоғу тошлар, дала-даштлар — бутун табиат  
Яққол кўзга ташланади; фазо ҳадсиз; чароғондурлар  
Юлдузлар ҳам; чўпон ҳам бу манзарадан хушнуд бағоят,—  
575. Чўнг кемалар билан жўшқин Ксанф аро, трояликлар  
Ёққан жами гулханлар ҳам кўринарди шундай чароғон.  
Кенг майдонда минглаб гулхан ёнар эди ва ҳар бир гулхан  
Теграсида ўтирарди элликтадан муҳориб лашкар.  
Отлар эса аробалар яқинида оппоқ арпаю  
580. Тотли буғдой ер эканлар кутардилар зулфизар Тонгни.

# ТУҶҚИЗИНЧИ ҚУШИҚ

## ЭЛЧИЛИККА БОРИШ (САФОРАТ)

- Шундай огоҳ сақлардилар қароргоҳни тройликлар;  
Ахейларни эса, само солар экан мудҳиш таҳдидга,  
Ундар эди, вақт борида бу жанггоҳдан қочиб қолмоққа;  
Машъум андуҳ энг довирак мардларга ҳам берарди азоб.
5. Фракия томонидан эсган жўшқин Борей ва Зефир  
Бир-бири-ла тўқнашганда, балиғи мўл теран уммонда  
Кўтарилиб маҳобатли қора қуюн, унинг қаъридан  
Юзиб чиққан сув ўтлари бўлганидай пора ва пора.  
Соҳибкарам данайларнинг ҳам қалблари эди минг пора.
10. Юрагига талх надомат ништар урган шоҳ Агамемнон  
Лашкаргоҳни кезар экан, жарчиларга, саркардаларни  
Жар солмасдан маъракага битта-битта чақирмоқликни  
Амр этарди; хабарчилик қилар эди шоҳнинг ўзи ҳам.  
Мажлисгоҳга тўшланганлар ғамнок эди. Шоҳ Агамемнон
15. Бамисоли юксак қоя чўққисидан шовуллаб оққан  
Зилол чашма янглиғ шу чоқ кўзёш тўкиб турди ўрнидан.  
Дийдаси хун шоҳ хўрсиниб юнонларга юзланди бундай:  
«Дўстлар, юнон элин доно соҳиблари, ҳукмдорлари,  
Чақмоқдор Зевс мени гоят мушкул ҳолга қилди гирифтор!
20. Илгари у, сен кўкўпар минорали Илион шаҳрин  
Ғорат айлаб, элга ғолиб қайтгайсан, деб бош ирғатганди:  
Энди бўлса, ул бадният, шунча халқим нобуд бўлганда,  
Айди менга: Аргосингга жўнаб кет, деб шармандаларча!  
Қодир Зевсинг кўнгли шуни тусаб қошги баногоҳ, дўстлар;
25. Қудративинг чеки йўқдир: Троянинг у анча-мунча  
Қалъаларин вайрон этди, яна кўпин айлагай хароб.  
Бинобарин, қулоқ осинг гапларимга ва айланг бажо:  
Қочмоқ лозим! Дарҳол қайтиб кетмоқ зарур жонажон элга;  
Барибир забт этолмаймиз Троядек шаҳри азимни!»
30. Шундай деди, — ҳамма теран сукут сақлаб ўтирарди лол;  
Руҳи тушган юнон аҳли узоқ фурсат қолди безабон.  
Ва ниҳоят гап бошлади жавонмард шоҳ Диомед туриб:  
«О, Атрейзод! Бу бехирад нутқингга мен этгум эътироз

- Энг аввало. Таомили шу кенгашнинг, ранжимайсан-да.
35. Куни кеча лашкар аро мени номард, деб камситгандинг;  
Яна қўрқоқ, жангга ношуд, деб айтгандинг; лек қанчалик ҳақ,  
Ёки ноҳақ эканлигинг яхши билур ҳар бир ёш-қари.  
Сенга қошиф каромат Зевс ато этган фақат бир нарса:  
У шоҳона асо ила шавкатингни қилди зиёда,
40. Лек бермади одамзоднинг чўнг қувваси — диловарликни!  
О, юраксиз! Бизни почор, жангга ношуд, заиф, деб айтдинг, —  
Наҳотки сен ўзинг айтган шу гапларга ишонсанг чиндан?  
Гар ниятинг ўз юртингга тезроқ қайтиш экан, кетавер!  
Йўлинг очик, Микенадан ўзинг бошлаб келган кемалар
45. Амрингга шай. Илло барча мард юнонлар қолгайлар бузда  
Троянинг кулин кўкка совургунча! Гар она юртин  
Қўмсаганлар бўлса яна, ҳай, улар ҳам жўнайверсинлар!  
Сфенел-ла икков қолиб жанг қилурмиз то Трояни  
Ер-ла яксон этмагунча; тангри ёр ва мададкор бизга!»
50. Бўлиб ҳангу манг, қичқирди жами юнон лашкари шунда  
Соҳибқудрат Диомеднинг дадилона бу сўзларидан.  
Бу пайт туриб хуштафаккур Нестор калом айтди эл аро:  
«Тидей ўғли, сен жанг аро қандай ботир муҳориб бўлсанг,  
Машваратда ҳам тенгларинг орасида беқиёсдирсан.
55. Бу ердаги ахейлардан биронтаси айтган нутқингни  
Айбламоқчи, ёки унга қарши сўз ҳам айтмоқчи эмас;  
Фақат шуки, — нутқингни сен етказмадинг ниҳоясига.  
Ҳали ёшсан, ҳатто менга кенжа ўғил бўлишинг мумкин;  
Лек барибир, шоҳлар аро оқилона нутқ айтдинг букун:
60. Зеро барча айтган гапинг одилона, ҳаққоний гапдир.  
Энди эса, сендан ёшим анча улуг бўлгани сабаб  
Мағрурланиб шул гап ила каломимни тугаллайманким,  
Инкор этмас уни ҳеч кас, ҳатто сендек соҳибқирон ҳам:  
Фақат нокас, ҳаромзода, ватангадо, ножинсларгина
65. Хуш кўрурлар мардум аро офатангиз низо кўзгаши.  
Қош қорайди, — тунга тобе бўлайлик биз: шомлик тановул  
Қилсин лашкар; лек соқчилар тўп-тўп бўлиб девор ташига  
Чиқиб, зовур қирғоғида қўриқчилик қилсинлар сергак.  
Буни ёшлар бажарсинлар. Шундан кейин сен, Агамемнон,
70. Улуғларга зиёфат бер: орамизда юксак рутбали  
Ҳоким сенсан, — ки ҳам осон, ҳам муносиб бу иш сен учун;  
Чодирингда шароб мўл-кўл; ҳар кун сенга Фракиядан  
Олиб келиб турадилар кемаларда аргослик мардлар;  
Кўп элларга ҳукмдорсан — қурбинг етар зўр зиёфатга,
75. Қулоқ солгил, зиёфатга келганлардан қайси бирининг  
Маслаҳати мақбул эркин: ҳозир бизга эзгу ва доно  
Машваратлар гоят зарур: ана, ёвлар кемаларимиз  
Яқинида манзил қуриб, ёқмоқдалар беҳисоб гулхан;

80. Ахир ким ҳам хурсанд бўлур бундай ҳолдан? О, диловарлар!  
Бу сие тун юракларни ё маҳв этгай ва ёки халос!»

Нестор нутқин халқ диққат-ла тинглаб, фикрин эътироф этди.  
Қўлга қурол олиб чиқди соқчиликка юнон эрлари;  
Пилос элин шаҳзодаси Фразимед — Несторнинг ўгли;  
Унинг бирла Арейвашлар: мард Аскалаф ила Иялмен  
85. Ва критлик Мериону Диепиру қўрқмас Афарей  
Ҳам Крейон ўгли жасур, олийҳиммат сардор Ликомед, —  
Мазкур етти саркарданинг ҳар қайсиси юзтадан йигит  
Бошлаб борди соқчиликка — тик найзалар мисли тароқдек.  
Улар тўхтаб зовур ила юксак девор ораллиғида,  
90. Гулхан ёқиб, пиширдилар кечлик овқат ўзлари учун.

Агамемнон улуғларни бошлаб кириб ўзин шоҳона  
Мақомига, таклиф этди хушкайфият зўр зиёфатга.  
Меҳмонлар ҳам хуштаъм нозу неъматларга узатдилар қўл;  
Ҳамашалари еб-ичишиб, қоринлари тўйгач тамоман,  
95. Кенгашдаги эрлар аро энг биринчи сўз олди Нестор, —  
У аввалги чоғларда ҳам машваратда эди беқийёс.  
Жамоага шундай нутқ-ла юзланди бул соҳибтафаккур:  
«О, шавкатли барқарор шоҳ Агамемнон, мардлар султони!  
Нутқим севдан бошлаб, сен-ла тугатгумдир: сен кўп элларнинг  
100. Иқтидорли шоҳидурсен, ки халқларга паногоҳ бўл, деб  
Зевс, салтанат асосини ва қонунлар жорий қилмоқни  
Елғиз сенга насиб этган. Бинобарин, ҳаммадан кўпроқ  
Сен сўз айтиб, ҳаммадан кўп сен тинглашинг лозим эл фикрин.  
Агар кимдир астойдил берса бирон эзгу маслаҳат,  
105. Унга қулоқ осмогинг шарт, бажарсанг ҳам, бажармасанг ҳам.  
Ҳозир сенга, чамамда, мен кўп хайрли маслаҳат бергум,  
Ки бундайин хуш фикрни айтолмагай бирон ҳам кимса;  
Бул фикрни, о Зевсмонанд, кўпдан бери — сен Брис қизин  
Ул ғазабнок Ахиллесдан тортиб олган чоғингдан буён  
110. Сақлаб келдим ўз дилимда. Ушанда сен қулоқ осмовдинг  
Қаломимга. О, печа бор ёлборгандим, шаштингдан қайт, деб;  
Лек ғуруринг амрига сен тобе бўлиб, лашкар ичида  
Тапгрларнинг эъзозига мушарраф, энг диловар эрни  
Бадном айлаб, маҳрум этган эдинг уни ҳалол муздидан.  
115. Кеч бўлса ҳам, бизлар энди кенгашайлик, о, қудратли эр,  
Қандай қилиб Ахилл кўнглин хуш туҳфалар, дўстона сўзлар  
Ила лутфан овламоқни, ўзимизга ён бостирмоқни».

Дарҳол унга жавоб қилди Агамемнон — мардлар султони:  
«О, қария, қусурларим борасида гапларинг ҳақдир.  
120. Ҳа, бўйнимга олгум айбим! Банда агар мушарраф бўлса  
Зевс меҳрига, у бутун бир халққа тенгдур, парвардигор ҳам  
Ахиллесни ёрлақаб, мард данайларни айлади залил.



- Баски, ўзим ўз гурурим даъвати-ла қилибман гуноҳ,  
Унга сону саноқсиз музд инъом этиб, ювгум айбимни.
125. Ўшал совга-тортиқларни мен ҳозироқ айтгум ном-баном:  
Йигирмата тоғорада кумуш, яна ўн талант олтин,  
Ҳали ўтга қўйилмаган етти дона сепоя ўчоқ,  
Ўн иккита совриндор от — пойгаларда музаффар мудом —  
Бу отларим пойгаларда ғолиб чиқиб олган совринлар
130. Қимда бўлса, у ҳеч қачон қашшоқликнинг юзин кўрмагай,  
Зар-олтинга ғарқ бўлгаю ҳеч нарсага муҳтож бўлмагай!  
Тухфа қилгум етти нафар иффатли ва чевар аёлни —  
Ахилл вайрон қилганида чаманзор эл — Лесбосни, ўзим  
Танлагандим ер юзида беқиёс бу дилраболарни.
135. Шуларни мен бергум; ўзим тортиб олган Брис қизин ҳам  
Қайтарурмен айни пайтда; яна шуни айтай онт ичиб:  
Эру хотин ўртасида бўладурган мулоқот бизда  
Бўлмаган ҳеч,— ётмаганман бир тўшакда у билан асло.  
Шулар барин олгай ҳозир; яна шуки, тангрилар бизга
140. Ул муаззам Трояни забт этмоқни насиб қилган кун  
Унинг ўзи кўриб турсин ўлжаларни тақсимлашимиз  
Ва кемаси тўлгунича, майли, олсин мису олтинлар.  
Троянинг қизларидан (лек Елена истисно бундан)  
Энг ҳурларин танлаб олсин, гар хоҳласа, йигирматасин.
145. Саодатли юнон эли — Аргосга гар қайтиб борсак биз,  
Уни куёв қиладурмен ва уйимда хушҳол ўётган  
Якка ўғлим Орест каби кўриб уни, ардоқлагаймен.  
Уйда яна учта қизим бўйи етиб топмоқда камол:  
Лаодика, Хрисфемиса, ва навнихол Ифианасса.
150. Қай бирига кўнгили қўйса, шуни олсин завжаликка у.  
Сепни эса ўзим бергум, ки ҳеч бир зот ўз қизи учун  
Бундайин мўл, сердабдаба сепни ҳеч вақт бермаган бўлсин.  
Яна етти фаровон ва гавжум шаҳар армуғон этгум:  
Кардампла, Энопа ва ўтлоқзори мўл Хера шаҳрин,
155. Тангри севган Ферани-ю кенг воҳали Анфеяни ҳам,  
Бошдан-оёқ тоқзор Педас ва муҳташам Эпееяни ҳам.  
Булар бари қумлоқ Пилос ила қўшни — денгиз бўйида;  
У ерларда истиқомат қилур фақат чорвадор бойлар,  
Улар уни худо янглиғ иззат қилиб, бергайлар эҳсон
160. Ва тўккайлар унинг шоҳлик пойи узра беназир ўлпон.  
Шулар барин бажаргаймен, у нифоқни тарк этган захот.  
Бас, қайсарлик қилмасин у; Аид қайсар, Аид бешафқат;  
Энг бадқаҳр тангри шудир бандалар-чун худолар ичра.  
Айтинг, менга ён боссин у; зероки мен шаҳаншоҳлигим  
Ва ёшимнинг улуғлиги билан ундан кўп афзалдурмен.

Пилос шоҳи Нестор жавоб қилди шунда Агамемнонга:  
«О, Атрейнинг номвор ўғли Агамемнон, мардлар соҳиби!

- Ахиллесга бермоқ бўлган тухфаларинг гоятда аъло.  
 Дуруст, дўстлар! Ундай бўлса, Ахиллеснинг ҳузурига биз
170. Борадурган элчиларни саралайлик биттама-битта.  
 Келинг, ўзим танлай қолай; мен гапирсам йўқ демагайлар:  
 Элчиларга сардор бўлсин тангриларнинг эркаси Феникс;  
 Эш бўлсинлар Теламоний Аякс ила Одиссей унга;  
 Эврибат-ла Ҳодий борсин улар билан муждакаш бўлиб.
175. Қани, қўлга сув қуйинглар, сўнг муқаддас сукутга толиб,  
 Тангри Зевсга сизгинайлик, шояд бизга айласа шафқат!»

- Шундай деб у барча элнинг кўнглин хушлаб эзгу сўз айтди.  
 Жарчилар ҳам сув қўйдилар улуғларнинг қўлларига тез;  
 Эш-яланглар хушбўй шароб тўлдирилган жомлар келтириб,
180. Ўнг томондан бошлаб бир-бир жамоага сундилар қадаҳ,  
 Элчилар ҳам худовандлар йўлига май паймо айлашиб,  
 Сўнг ичдилар ўзлари ҳам мириққанча; ҳамма баробар  
 Чиқиб подшо Агамемнон мақомидан, тушди сафарга.  
 Оқилона маслаҳатлар берди Нестор кетётганларга;
185. Не бўлмасин, Ахиллесни кўндиринглар, демоқчидек у  
 Ҳар элчига, алалхусус, Одиссейга, кўз қисиб қўйди.

Улар тинмай шовулловчи денгиз бўйлаб борар эканлар,  
 Мутакаббир Ахиллеснинг кўнгли бугун шояд юмшаса,  
 Деган ўй-ла зилзилакор Посейдонга сизинардилар.

190. Улар келиб қарасалар мирмидонлар қароргоҳига,  
 Ахилл янгроқ лира чалиб кўнгилхушлик қиларди унда,—  
 Бу шохлари кумуш кажак ила туташ этилган гўзал  
 Лирани у Этионни забт этганда ўлжа олганди,—  
 У дилхушлик қилар эди мадҳ айлабон мардлар шавкатин.
195. Ахиллеснинг қаршисида ўлтирарди ёлғиз Патрокл  
 У қўшиқнинг ниҳоясин кутар эди\* бамайлихотир.  
 Бу аснода Одиссей бош элчилар ҳам келишиб яқин,  
 Ахиллеснинг қаршисида тўхтадилар: шоҳ таҳайюр-ла  
 Қўлида соз, туриб кетиб, пешвоз юрди меҳмонлар томон.
200. Патрокл ҳам элчиларни кўрган заҳот дик туриб кетди.  
 Мард Ахиллес қўл узатиб, меҳмонларга шундай сўз қотди:  
 «Салом, дўстлар! Келибсиз дўст тутиб мени! Юз берди не ҳол?  
 Аҳли ахей қаттиқ хафа қилди мени; шундай бўлса ҳам  
 Мен учун сиз улар ичра энг эъзозли, энг ардоқлисиз».
205. Шундай дея хушдил Ахилл меҳмонларни бошлади тўрга  
 Ва ўтқазди олранг гилам узра момиқ курсичаларга.  
 Сўнг шул ерда ҳозир бўлган Патроклга юзланиб деди:  
 «Азиз дўстим, улканроқ жом ҳозирла сен; майни яхшилаб  
 Омихта қил, ҳар бир меҳмон олдига қўй олтин қадаҳлар:
210. Кўнглимга энг яқин эрлар келди бугун ошиёнимга!»

- Патрокл ҳам қулоқ осди қадрдони шоҳ Ахиллесга.  
У хонтахта қўйиб улкан, ланғиллаган ўчоқ ёнига,  
Бўрдоқи қўй ва эчкининг сарпанжасин ташлади унга,  
Яна ёғи ялт-ялт қилган семиз қобон нимтасини ҳам;
215. Автомедон ушлаб турди нимталарни, Ахиллес чопди,  
Сўнг чапдастлик ила майда тўғраб гўштни, сихларга тортди.  
Бу аснода тангримонанд Патрокл ўт ёқди ўчоққа.  
Ўтинлар ҳам ёниб бўлиб лаққа чўгга айланди охир.  
Шунда Ахилл чўғни титиб муқаддас туз сепди сихларга
220. Ва уларни олов узра айриларга илди кўндаланг.  
Айлантириб пиширгач у, кабобларни қўйди тахтага.  
Бу пайт Патрокл нону неъмат қўйиб чиқди саватчаларда;  
Кабобларни эса Ахилл ўзи тортди меҳмонларига.  
Шундан кейин тангримонанд Одиссейнинг рўбарўсига
225. Ўтираркан, таом олдин худоларга бахш айламоқни  
Амр этди у Патроклга. У ҳам ўтга май паймо қилиб,  
Жаз ташлади. Сўнг меҳмонлар қўл чўздилар ноз-неъматга;  
Улар бир оз еб-ичишгач, имо қилди Фениксга Аякс;  
Одиссей тез пайқаб буни, қадаҳини тўлдирди майга
230. Ва Ахиллнинг қўлларидан ушлаб, уни табриклай кетди:  
«Саломат бўл, дўстим Ахилл! Зиёфатинг бўлди беқийёс.  
Асло каммас халқлар шоҳи Агамемнон зиёфатидан;  
Кўнғил торган жами неъмат муҳайёдур дастурхонингда;  
Вале ҳозир гап хушчақчақ зиёфатлар борасидамас.
235. О, Зевеснинг дастпарварди, бошимизга тушажак мудҳиш  
Фалокатдан қўрқмоқдамиз, ки сен совут кийиб жанггоҳга  
Отланмасанг, айтолмайман, кемаларнинг ҳоли не кечур!  
Троялик мағрур эрлар ва уларнинг муттафиқлари  
Нелиб қолган бандаргоҳга, паноҳимиз — девор пойига;
240. Улар гулхан ёқиб ҳар ёқ, кемаларга ҳужум қилмоқ-чун  
Ҳеч қандай куч тўхтатолмас бизни, дея солурлар таҳдид.  
Зевс ҳам чақмоқ чақур тинмай ёвга омад бапорат айлаб!  
Ҳектор эса ўз қудратин пеш қилмоқда, Зевсга суяниб  
Қуғирмоқда; тангрини ҳам, бандани ҳам менсимай қўйган.
245. Дуо қилур, фақат тезроқ келсин, дея, мунаввар Шафақ.  
Ки эртага у ўт қўйиб кемаларга, тутун ичида  
Зир югурган ахейларни маҳв этмоқчи шафқат билмасдан.  
Худовандлар Ҳекторнинг бу таҳдидларин ногоҳ рўёбга  
Чиқармасми экан ҳамда ўз жонажон ватанимиздан
250. Олис ёқда, Троянинг нақ пойида суякларимиз  
Ётмасмикин чириб, дея қўрқаман мен, о қудратли зот!  
Гар сен мушқул қолга тушган данайларни трояликлар  
Сиқувидан қутқармоқчи бўлсанг, туру жанггоҳ сари юр.  
Фурсат ўтган ўзинг аттанг деб қолурсан, аммо бўлур кеч —
255. Содир бўлган ёвузликни тузатмоқлик маҳолдур ғоят.  
Сен, яхшиси, фалокатни дафъ этмоқни олдиндан ўйла.

- Дўстим! Сени кекса отанг Фтиядан кузатар экан  
 Агамемнон кўшинига, қилгапдику бундай насиҳат:  
 — Истасалар, диловарлик бахш этгайлар, ўғлим, Ҳера ҳам,  
 260. Афина ҳам; илло оташ кўксингда сен такабуурликни  
 Тушовлаб қўй; ки сафоли камтаринлик афзалдир минг бор.  
 Сўнг бадният низолардан ҳаминқадар юргил нарироқ,  
 Ана шунда ёшу қари аргосликлар эъвозлар сени,—  
 Деб васият қилган эди бузрукворинг; унутдингми ё?  
 265. Бас, қалбингда шафқат уйғот, ғазабни қув! Гар шундай қилсанг,  
 Агамемнон тортиқ қилур гоят бисёр, бебаҳо муздрлар.  
 Гар истасанг, шу ёронлар даврасида Атрейзоданинг  
 Сенга тортиқ қилмоқ бўлган туҳфаларин айтгум ном-баном:  
 Йигирмата тоғорада кумуш, яна ўн талант олтин;  
 270. Ҳали ўтга қўйилмаган етти дона сеоя ўчоқ,  
 Ўн иккита совриндор от-пойгаларда музаффар мудом.  
 Бу тулпорлар пойгаларда голиб чиқиб ютган совринлар  
 Қимда бўлса, у ҳеч қачон қашшоқликнинг юзин кўрмагай,  
 Зар-олтинга кўмилгай ва ҳеч нимага муҳтож бўлмагай!  
 275. Туҳфа қилур яна етти нафар ҳур ва чевар аёлини —  
 Сен вайрона қилганингда ул чамапзор Лесбосни, ўзи  
 Танлаганкан ер юзида қиёси йўқ ул сапамларни.  
 Шулар барин сенга берур; тортиб олган Брис қизини  
 Ҳам қайтарур айни пайтда; яна шунинг айтди онт ичиб:  
 280. Эру хотин ўртасида бўладиган мулоқотни у  
 Қилмаганмиш, ётмаганмиш бир тўшақда Брис қизи-ла.  
 Шулар барин ҳозир берур; яна шуки, тангрилар бизга  
 Ул муаззам Трояни забт этмоқни насиб этган кун  
 Ўзинг кўриб тураркансан ўлжаларнинг тақсимланишин  
 285. Ва то кеманг тўлгупича оларкансан мису олтинлар.  
 Троянинг қизларидан (лек Елена истисно бундан)  
 Танларкансан, гар хоҳласанг, йигирмата энг гўзалини.  
 Саодатли юнон эли — Аргосга гар қайтиб борсак биз,  
 Сени куёв қиладирмиш ва уйида хушҳол ўсётган  
 290. Якка ўғли Орест каби кўриб, гоят ардоқлагаймиш.  
 Уйда яна бўйи етиб камол топур унинг уч қизи:  
 Лаодика, Хрисфемиса ва навнихол Ифианасса.  
 Қай бирига кўпгил қўйсанг, завжаликка олурсан шунини,  
 Сепни унинг ўзи берур, ки ҳеч бир зот ўз қизи учун  
 295. Бундайин мўл, дабдабали сепни ҳеч вақт бермаган бўлсин.  
 У етгита фаровон ва гавжум шаҳар берур сеп қилиб:  
 Кардамила, Эпопа ва ўтлоқзори мўл Ҳера шаҳрин,  
 Тангри севган Феранию кенг воҳали Анфеяни ҳам,  
 Бошдан-оёқ тоқзор Педас ва муҳташам Деяни ҳам.  
 300. Булар бари қумлоқ Пилос ила қўшни денгиз бўйида;  
 У ерларда истиқомат қилур фақат чорвадор бўйлар;  
 Улар сени худо янглиғ иззат қилиб бергайлар эҳсон

- Ва тўқкайлар ул шоҳона пойинг узра беназир ўлпон.  
 Бажаргай у шулар барин, сен нифоқни тарк этган заҳот.
305. Гар сен учун Агамемнон — унинг ўзи ва тухфалари  
 Ғоят маъфур бўлсалар ҳам, лашкаргоҳда сиқувда қолган  
 Юнонларга ачин; улар иззатлашур сени тангридек;  
 Шу лашкарнинг даврасида шон-шавкатинг бўлгай зиёда!  
 Сен Ҳекторни маҳв этгайсан! Телбаона қутуриб келур
310. У қошинга; Трояга келган жами юнонлар аро  
 Ўзимга тенг келадиган ботир йўқ, деб керилмоқда у!»

- Чаққоноёқ Ахиллес ҳам унга жавоб айлади бундай:  
 «О, соҳиб дил Лаэртзода, иқтидорли, закий Одиссей!  
 Лозим эрур ўз фикримни сенга ошкор баён этмогим,  
 315. Неги дилга туққан бўлсам, шуни бажо айлагум, токи  
 Минғир-минғир сўзлар билан емангизлар қулоқ-миями:  
 Қай кишики тили бошқа бўлиб, дили бўлса бошқача,  
 Менга маъфур эрур ул кас жаҳаннамнинг қопқаси янглиғ.  
 Вале пени эъвозлашим сизга ошкор айтгум мен бу кун:
320. Йўқ, ёролар, на қудратли Агамемнон, на ўзга юнон  
 Ийдиролур юрагимни: қани, айтишг, қандай каромат  
 Кўрсатдингиз ҳордиқ билмай жанг майдонда ёвни қирганга?  
 Бир хил улуш олур сизда шоввозлар ҳам, ландаворлар ҳам;  
 Баб-баробар шарафлайсиз қўрқоқни ҳам, диловарни ҳам;
325. Паҳлавон эр ўладими ва ё тапбал — барибир сизга!  
 Қандай муэд-ла тақдирландим мен жонимни қўйиб хатарга,  
 Кун-уззукун машаққатли жанг қилганим учун жанггоҳда?  
 Ўз мушкулун ўйламасдан, темирқанот полапонларин  
 Боқмоқ учун эртаю кеч типим билмай оғзида дон, сув
330. Ташмалаган қушдай мен ҳам Троянинг бўсағасида.  
 Кўп тунларни бедорликда, қошга ғарқ кўп купларни эса  
 Ёвлар билан шафқат билмай жанг қилганча ўтказдим паққос,—  
 Фақат фақат Менелайнинг хотинини қутқармоқ эди.  
 Кемаларда ғорат қилдим мен ўн икки гавжум шаҳарни;
335. Қуруқликда жанг қилиб, забт этдим ёвнинг ўн бир қалъасян.  
 Уларнинг ҳар қайсисидан беадад ва бебаҳо бойлик  
 Ўлжа олдим ва барини тақдим этдим шоҳ Атрейзодга;  
 Ҳолбуки, у жангдан ортда — кемаларнинг пойида қолиб,  
 Ўлжаларни қабул қилар, бисёр қисмин ўзига олиб,
340. Озгинасин улашарди паҳлавонлар, саркардаларга:  
 Бу қандайин бедодликки, бутун данай аҳли ичида  
 Фақат менинг маҳбубамни тортиб олса ул шахватпараст!  
 Айтинг, нечун аҳли юнон жанг қилмоқда Троя ила?  
 Нечун лашкар тортиб келди Агамемнон Приам устига?
345. Соҳибжамол Еленани деб эмасми буларнинг бари?  
 Ё мардумлар ичра жуфти ҳалолни фақат Атрейнинг  
 Ўғиллари севармилар? Йўқ, ҳар битта соҳибидрок ва

- Соҳибдил эр жондан севар ва ардоқлар ўз ёстиқдошин  
 Мен ардоқлаб севганимдек соҳибжамол Брис қизиби:
350. Ҳа, севардим уни, жангда ўлжа қилиб олган бўлсам ҳам!  
 Қизни тортиб олиб, мени мулзам қилди шоҳ Атрейзода.  
 Лек овора бўлмасин у, гел қилолмас мени ҳеч қачон!  
 Ундан кўра, о, Одиссей, сен-ла ҳамда ўзга шоҳлар-ла  
 Бош қотирсин қандай қилиб кемаларни машъум ёнғиндан
355. Халос этмоқ борасида. Рост, ўзи ҳам кўп ишлар қилди:  
 Юксак девор тиклади у ва кенг, узун зовур қазитиб,  
 Зовур ичра маҳобатли зич қозиқлар қоқтирди учли!  
 Лек бефойда! Дош беролмас бу гов қаттол Ҳектор зарбига.  
 У шаҳардан олисроқда жанг қилмоққа этмасди журъат
360. Мен юнонлар орасида жангга кирган чоғимда сира:  
 Келолганди фақат Аскей қопқасию эман пойига;  
 Бир гал у дуч келиб менга, аранг қочиб қутулган эди.  
 Мен илоҳий Ҳектор ила жанг қилмоқни истамам зинҳор.  
 Зевс ва ўзга тангриларнинг ҳаққи, эрта қурбонлик қилиб,
365. Ўлжа ортан кемаларим туширгайман жўшқин денгизга.  
 Гар қизиқсанг ва хоҳласанг, кўражаксан ўз кўзинг билан  
 Эрта тонгда эшкаги кўп менинг азим кемаларимнинг  
 Балиғи мўл денгиз тўшин тилаб сузиб кетаётганин.  
 Ато этса боди мурод гар қудратли Посейдон менга,
370. Кенг адирли Фтиямга етгум, шаксиз, уч кун деганда.  
 У ёқдаги мол-давлатим беназирдир; яна бу ердан  
 Ўлжа олиб кетмоқдаман қирмизи мис, сафид темир-у  
 Талай олтин, асирлар ва ол белбоғли ҳур асиралар;  
 Булар бари ўз насибам; лек Атрейзод таҳқирлаб мени,
375. Тортиб олди ўзи тортиқ қилган қизни шоҳона куч-ла!  
 Бул гапларим бориб айтинг унга эллар шоҳидлигида,  
 Ки бешармлик либосига бурканган шоҳ мабодо яна  
 Ўзга юнон мардига ҳам шундек риё қилмоқчи бўлса,  
 Ўшал мард ҳам нафратлансин худди мендек ул бетамиздан!
380. Вале энди менга келсак, аминманки, ит янглиғ безбет  
 Бўлса ҳам у, журъат этмас кўзларимга тик қарамоққа!  
 Унинг бирла на ишда, на маъракада сўзлашмам ҳаргиз!  
 Рост, бир марта лақиллатди, таҳқирлади мени у маккор,  
 Етар, энди гел қилолмас, хап ўтирсин! Битди иззати!
385. Парвардигор Зевс тамоман олмиш унинг ақлу шуурин.  
 Ҳа-я, ундан нечун ранжий, кас ўрнида ҳисобламасам!  
 Гар у бутун давлати, боз орттиражак ўлжаларидан  
 Ўн, йигирма карра кўпроқ музд тавсия қилганида ҳам,  
 Ҳаттоки у Орхоменга, ё ҳар қайси хонадониди
390. Молу давлат бебадал ул юз қопқалик азим Фивага  
 (Ҳар қопқадан тулпор отлар қўшилган жангаробаларда  
 Икки юзлаб мард паҳлавон чиқиб келур мисли қуюндек)

- Эҳсон этиб келтирилган бойликларни берганида ҳам,  
 Ё зар берса оёғимиз остидаги қум заррасича,—
395. Ушанда ҳам юрагимни исканжага олган аламни  
 Даф этолмас Агамемнон ва беролмас кўнглимга таскин!  
 Унинг қизин эса асло хотинликка олмам, ҳаттоки,  
 Гўзалликда баҳслашса ҳам соҳибжамол Афродита-ла,  
 Чеварликда шаҳло кўзли Афинага бўлса ҳам монанд!\*
400. Яхшиси, у аҳли юнон орасидан бирон шоҳона  
 Мартабили ва мустаҳиқ қайлиқ топсин арзандасига.  
 Гар тангрилар паноҳида эсон-омон она юртимга  
 Қайтиб борсам, менга лойиқ қайлиқ топгай падарим ўзи.  
 Элладада, саодатли Фтияда тагли-зотли гулчеҳра қизлар
405. Кўпдир жуда — заминдорлар ва ҳокимлар фарзанди улар:  
 Мен улардан дил тортганин атагайман суюк ёрим деб.  
 О, қачонки мен покдомон ёрим ила никоҳ риштасин  
 Боғлаб, кекса отам йиққан бойликлардан баҳраманд бўлсам  
 Ва бол ҳаёт айшин сурсам биргаликда, ўшандагина
410. Ушалажак, азиз дўстлар, саховатли қалбим армони.  
 Ҳеч бир нарса бўлолмагай ҳаётчалик ширин ва азиз:  
 На бу азим Илионнинг бойликлари (эммиш, юнонлар  
 Истилоси бошланмасдан, унда бойлик экан беназир),  
 На Пифосда, Аполлоннинг маъбадида, мудҳиш қоялар
415. Панасида ётган олтин хазиналар тенгдир ҳаётга.  
 Ҳар нарсага эга бўлмоқ, сотиб олмоқ мумкин ҳар нени:  
 Шохдор моллар, кумуш юнгли қўйлар, ипак ёлли тулпорлар  
 Ҳамда олтин сепоялар — булар бари топилур пулга.  
 Илло ҳаёт қайтмас ортга, сотилмас у ҳар қанча пулга,
420. Тутиб бўлмас қайта жовни учиб чиққач дудоқларингдан.  
 Шундай деган эди менга кумушоёқ онам Фетида:  
 Ёзилганмиш қисматимга қазо қилмоқ икки йўсинда:  
 Трояни фатҳ этмоқ-чун бунда қолиб жанг қилсам агар,—  
 Она юртга қайтмай ўлгум, аммо сўнмас мангу шуҳратим.
425. Гар уйимга, азиз она-ватанимга қайтгудек бўлсам,  
 Унут бўлгай шон-шуҳратим, аммо умрим бўлгай зиёда,  
 Зеро мени машъум ажал ўз домига тортмагай бевақт.  
 Бинобарин, ахейларнинг барчасига маслаҳатим шу:  
 Дам ғанимат, жўнангизлар уйингизга; чақмоқдор падар
430. Мадад берур Троянинг лашкарига илкани чўзиб,  
 Шу бойсдан кўролмайсиз Илионнинг ҳалокатини.  
 Лашкароғҳа қайтиб сизлар, саховатли аҳли юнонга  
 Ошкор айтинг жавобимни, бажо айланг элчилики бурчин.  
 Улар кенгаш чақирсину қандай қилиб чўнг кемаларни
435. Ва соҳилда исканжага тушиб қолган ўз лашкарини  
 Фалокатдан халос этмоқ учун топсин ишончли тадбир;  
 Лек бенафдир ахейлар-чун улар тузган бугунги режа:  
 Ки собитман ўз қаҳримда. Бунда қолгай қария Феникс.

Ором олиб, таскин топсин, гар хоҳласа,— илло зўрламам,—  
440. Эрта мен-ла чўнг кемамда ватан сари чиққай сафарга».

- Меҳмонлар ҳам ҳайратланиб Ахиллеснинг эътирозидан,  
Узоқ фурсат лол қолдилар, зеро нутқи серваҳшат эди.  
Ниҳоят, кўз ёшларини дув-дув тўкиб мўйсафид Феникс  
Гап бошлади: хавотирда эди юнон кемаларидан:
445. «Баски, сен, о, ҳамиятли Пелесфозда, қайтиб кетмоқни  
Ният қилсан ва даргазаб жўшқин қалбинг кемаларимиз  
Муҳофаза қилмоқликни истамапти маҳвор ўтдан,  
Бунда сенсиз ёлғиз ўзим қандай қолгум, о, азиз ўғлон?  
Кекса отанг Эакзода Агамемнон лашкаргоҳига
450. Кузатаркан, топширганди сени менинг ихтиёримга.  
Сен ёш эдинг, офаткаш жанг нималигин тушунмас эдинг,  
Тажрибанг йўқ эди ҳали кенгашларда нутқ сўзламоққа.  
Маъракада ўткир нотик, омилкор мард муҳорабада  
Бўлсин, дея юборганди мени отанг сабоқ бергани.
455. Йўқ, о, бўтам, бунда қолмам, қолишни ҳам истамам, ҳатто  
Қудратли Зевс менга яна, ўз падарим чол Аминторнинг  
Ғазабидан кўрқиб, ғоят соҳибжамол қизу жувонлар  
Ила машҳур Элладани тарк айлаган ўшал навқирон  
Йигит даврим қайта бошдан қайтармоқни ваъда қилса ҳам.
460. Отам мендан инак сочли бир қизни деб ғазабланганди:  
Ўшал қизни у зўр ҳирс-ла севиб, онам шўрликни қаттиқ  
Хўрлаганди: шунда онам ёлборганди тизларим қучиб:  
Сен олдин ёт жория-ла, ки отангдан нафратлансин у.  
Мен итоат этдим унга; огоҳ бўлиб бундан падарим,
465. Оқ қилди ва бир умрга мендан бўлган набираларин  
Тиззасига олмасликка Эринийлар ҳаққи, онт ичди: \*  
Отам ичган онт ижобат бўлди, қаҳҳор Персефония  
Ва ер қаъри Зевси ёқдан. Шунда қайнаб ғазабим менинг,  
Обдор тиг-ла қатл этмоқчи бўлган эдим кекса отамни;
470. Лек тангрилар даф этдилар ғазабимни: агар ахейлар  
Падаркуш деб эл ичида тарқатсалар овоза, борми,  
То ўлгунча бадном бўлиб қолурсан, деб кўзим очдилар!  
Вале ўшал чоқдан бошлаб тунд отамга рўбарў келмоқ  
Ва ғуссада кун кечирмоқ мушкул бўлди менга бу уйда.
475. Еру дўстлар ва хешларим атрофимда парвона бўлиб,  
Мудом мени олиб қолмоқ бўлардилар ота уйида.  
Кўп бўрдоқи қўй-қўзилар, гажак шоҳли семиз буқалар  
Қурбонликка сўйилдилар, чўчқаларнинг ҳовли саҳнига  
Кенг ёйилган оқ мойлари куйдирилди лов-лов оловда;
480. Қанча-қанча хумлардаги мусалласлар ичилди бунда.  
Еронларим тўққиз кеча атрофимдан жилмадилар ҳеч;  
Уйимизда гуни билан чироқ ёнди; навбатма-навбат  
Навбатчилик қилди дўстлар: агар бири қопқа оғзида



- Кенг ҳовлида турса, бири хобхонанинг остонасида.
485. Лек ўнинчи зулмат кеча бошланганда, мен хобхонанинг  
Эшигини аста бузиб ташга чиқдим ва девор ошиб  
Қочиб қолдим сездирмасдан соқчиларга, жорияларга;  
Сўнг поёнсиз Элладанинг даштларидан югурдим узоқ  
Ва ўтлоқзор Фтияга — қўй, ачкилар ҳур ватанига
490. Етиб, тўғри кириб бордим шоҳ Пелейнинг истиқболига.  
Подшо мени лутфан қутлаб, қартайганда кўрган ягона  
Суянчиғи ва вориси сен — ўғлидек кўп эъозлади.  
Кўп бойликлар инъом этди, соҳиб қилди сопсиз элларга.  
Фтиянинг сарҳадида ҳоким бўлдим долоп қавмига;
495. Ушал ерда тангримонанд этиб сени тарбияладим!  
Ардоқлардим сени гоят: меҳмонларнинг истиқболига  
Чиқардинг мен ила ёлғиз, то тиззамга ўтқазиб олиб  
Гўшт жазларин, май қадаҳин ўзим сенга тутмагунимча,  
На бурда пон, на қултум май олар эдинг ўзга қўлидап.
500. Неча-неча мароталаб сен, Ахиллес, болалигингда  
Оғзингдан май оқизибон, булғагансап усту бошимни.  
Кўп меҳпатим сингган сенга, кўп овора қилгансан мени,  
Ўйлардимки, бас, тангрилар фарзанд ато этмабди менга,  
Тангримонанд, о Ахиллес, сени ўғлим дея атагум;
505. Шояд бир кун фалокатдан мени халос этсанг баногоҳ.  
Мард бешафқат бўлмас асло, тарк эт, ўғлим, кибру ҳавони!  
Тангрилар ҳам мойилдурлар мушфиқликка, гар бўлсалар ҳам  
Гоят юксак маҳобату, салобату қудратда биздап.  
Лек ул қаҳқор тангриларнинг ҳам кўнглини юмшатур гумроҳ,
510. Осий банда — гоҳ қурбонлик, гоҳ май паймо қилиб, гоҳида  
Ис чиқариб чин дилдан, гоҳ ибодат-ла хокисорона.  
Бузрук Зевснинг шикастнафс қизлари бор — Муножот отли —  
Оёғи ланг, юзи ажин, кўзи гилай бўлиб барининг,  
Мудом Озор орқасидан юрадилар изма-из ғамгин.
515. Аммо Озор қудратли ва чаққоноёқ; Муножотлардап  
Ўзиб кетиб, ҳамма ерда жароҳатлар у бандаларни;  
Муножотлар эса, бориб шифо берар ул мажруҳларга.  
Кимки эъвоз-аҳтиром-ла қарши олса Зевс қизларини,  
Кўмаклашур қизлар унга, қулоқ солур илтижосига.
520. Кимки бағри тошлик қилиб юз ўғирса маъбудалардап,  
Қизлар бориб Зевс қошига, арз қилурлар, шунда Озор ҳам  
Тушиб шаккоқ пайига тез, зёён-заҳмат етказар унга.  
Бўтам, сен ҳам ибрат олиб саховатли аҳли мардумдан,  
Рутбасига монанд иззат-ҳурмат қилгил муножотларни.
525. Қилмаганда эди ваъда Агамемнон сенга мўл туҳфа  
Ҳам аввалги кажбаҳслигин ҳозир ҳам тарк этмагандайди,—  
Мен ҳам сепга ёлбормасдим: воз кеч одил ғазабингдану  
Муҳофаза қил ёрдамга муҳтож шўрлик юнонларни, деб.  
Шоҳ ҳозир кўп туҳфа берур, яна ваъда қилур бисёр музд;

530. У қошипга ҳақирона илтижо-ла асл мардларни  
 Ва даһайлар орасида сенга азиз бўлган зотларни  
 Юбордики, сен ҳам улар такаллумин қолдирма ерда,  
 Қадамларин қутлуғ бил. Сен аввал ҳақли ғазаблангандинг.  
 Эшитганмиз биз мозийда ўтган шонли мардлар ҳақида:
535. Жўшқин ғазаб қамраганкан уларнинг ҳам бузрук қалбини;  
 Лек юмшаган улар қалби беназир музд, хуш каломлардан.  
 Гоят кўҳна ва қадимги бир воқеа тушди ёдимга:  
 Унинг қандай рўй берганин баён этгум сизларга, дўстлар.  
 Этолия аҳли уруш бошлаганди куретлар билан,
540. Калидоннинг теграсида бўлган эди қирғинбарот жанг:  
 Ул шаҳарни гонат этмоқ эди курет лашкарин аҳди,  
 Этолия аҳли эса, жон олиб, жон бериб, ўзининг  
 Суюк шаҳри Калидонни муҳофаза қиларди қаттиқ.  
 Бу офатни Артемида солган эди улар бошига:
545. Иней унга ўз боғининг илк ҳосилин бахшида қилмай,  
 Ҳекатомба ила ўзга тангриларни эъвозлаганди;  
 Зевснинг фақат шу қизига қилмаганди Иней қурбонлик;  
 Ё унутган, ё лоқайдлик қилганди у ботиб гуноҳга.  
 Шунда Зевснинг новакандоз қизи Феба дарғазаб бўлиб,
550. Йўллаганди ўшал боққа сўйлоқ тишли ваҳший тўнғизни.  
 Тўнғиз Иней боғларига бисёр зиён етказган эди:  
 Гулга кириб яшнаб турган азиз олма дарахтарини  
 Айқаш-уйқаш қўпорганди илдизи-ла ул малъун ҳайвон.  
 Ниҳоят мард Инейзода Мелеагр йиғиб жамики
555. Овчиларни итлари-ла, ўлдирганди йиртқич тўнғизни.  
 Зеро уни оз куч билан маҳв этмоқлик эди кўп маҳол!  
 Кўп одамнинг ёстиғини қуритганди бу машъум ҳайвон.  
 Шунда низо солган эди Феба икки ёв орасига —  
 Оқибатда, довлашганлар жанг қилдилар ваҳший тўнғизнинг
560. Мудҳиш боши, дағал тукли терисини талашиб чунон.  
 Соҳибқудрат Мелеагр, ёнин олиб ўз юртдошларин  
 Жанг қилганда, куретларнинг тамомила қуриди шўри:  
 Гар довурак бўлсалар ҳам қўрғон ичра,— шаҳар ташида  
 Узоқ қолиб кетишликдан қўрқардилар улар бағоят.
565. Лек энг закий эрларнинг ҳам юрагига ғулу солгувчи  
 Машъум ғазаб Мелеагр қалбин чулғаб олган бир пайтда  
 (У онаси Алфейдан қаттиқ ранжиб дилтанг бўлгандан,  
 Соҳибжамол рафиқаси Клеопатра бирла ётарди.  
 Клеопатра — нафисоёқ Марписсанинг ва ул замонда
570. Мардум ичра энг диловар ҳисобланмиш Иднинг қизийди.  
 Ўз завжаси гўзалоеқ санамни деб соҳиб қувва Ид  
 Қўл кўтарган эди ҳатто кумушкамон Аполлонга ҳам:\*  
 Шундан бошлаб Клеопатранинг отаси ва волидаси  
 Қизларини Алкиона\* дея атай боплаганларки,
575. Онаизор Феб томондан ўғирланган пайтда, ўзи ҳам

- Кун-уззукун кўз ёш тўкиб, ул маҳзуна Алкионанинг  
Талх қисматин кечирганди ўз бошидан кўп машаққат-ла.  
Мелеагр хуноб бўлиб онасининг таваллосида,  
Қаҳри қайнаб ётар эди хотинининг хобхонасида:
580. Мотамсаро она мудом худоларга қилиб илтижо,  
Маҳв этилмиш оғасийчун сўрар эди қасос олмоқни.  
У тиз чўкиб ўтираркан, қўлларини аччиқ алам-ла  
Ҳадеб ерга урар, дув-дув кўз ёшлари намларди кўксин,  
Фарёд чекиб у Аиддан ҳамда бадқаҳр Персефоньядан
585. Ўз ўғлига ўлим тилар; оқибатда, дўзах қаърида  
Учиб юрган Эриния қулоқ осди унинг зорига),  
Дабдурустан калидонлар дарвозаси олдида душман  
Ҳамласидан миноралар қасур-қусур сина бошлади.  
Этолия улўғлари Мелеагр истиқболига
590. Энг эъвозли қоҳинлардан элчи йўллаб, унинг ғанимдан  
Она юртни қўриқлашин сўрадилар тавалло қилиб.  
Тоғ-тоғ туҳфа ва музд ваъда қилгандилар ботирга улар.  
Калидоннинг энг хушҳаво, хушманзара еридан улар  
Ярми токзор, ярми эса, зироатбоп кенг шудгор бўлган
595. Эллик ботмон энг ҳосилдор ер бермоқни ваъда қилдилар.  
Кўп ёлборди ўз ўғлига кекса Иней — паҳлавон падар;  
Чиқиб ота Мелеагр хобхонасини бўсағасига,  
Дарвозани қоқар экан ўз ўғлига қилди тавалло.  
Ёлбордилар сингиллари ҳам, азиза онаизор ҳам;
600. Энг қадрдон ёронлари ҳам илтижо қилдилар унга;  
Баттар терслик қиларди у. Ҳеч уйғотиб бўлмасди унинг  
Тош бағрида раҳму шафқат, то чор ёқдан бостириб келган  
Ёв зарбидан хобхонаси келмагунча қаттиқ ларзага,  
Ки қуретлар кириб бу чоқ ўт қўйганди азим шаҳарга.
605. Ана шунда навниҳол ёр юм-юм йиғлаб, Мелеагрга  
Халқ бошига маҳв этилмиш шаҳарда не кулфат тушарин  
Бир-бир санаб чиқди: шўрлик одамларни ёвлар қиличдан  
Ўтказурлар, бутун шаҳар ўт ичида қолгай муқаррар,  
Гўдақлару жувонларни асирликка кетурлар ҳайдаб.
610. Мард руҳини таҳликага солганди бу шум фалокатлар;  
У ташқари чиқмоқ бўлиб кийди обдор совутин чаққон.  
Шу тарзда у қалб амри-ла қуретларнинг шум ҳамласини  
Даф этганди: ваҳоланки, Мелеагр ваъда қилинган  
Совгаларни олмаса ҳам ҳали қўлга, даф қилди ёвни.
615. Лек сен бундай хаёлотта борма! Шайтон васвасасига  
Ҳам учма ҳеч! Жўшқин ёнғин бошланса гар кўп мушкул бўлур  
Кемаларни халос этмоқ; о мард, чиқиб армуғонларни  
Қабул айла! Шунда эллар шарафлагай сени тангридай.  
Бордию сен вочорликдан жангга кирсанг, бундайин ҳамддан
620. Маҳрумдирсан, гарчи ёвни қувган бўлсанг ҳамки узоққа).

- Қарияга чаққоноёқ шоқ Ахиллес жавоб қилди тез:  
«Феникс, отам, мўътабар зот! Ундай ҳамдга эмасмен муҳтож;  
Шундоқ ҳам мен мушаррафмен, Зевс амри-ла, ҳамду санога!  
Бу шавкатим, номусимни сақлагаймен қўшин олдида  
625. То сийнама қалбим тепар, пойларимда бор экан дармон.  
Сенга бошқа калом айтгум, қулоғинга қуйиб ол уни;  
Атрейзодга ёқаман деб, бунда йиғлаб, ранжитма кўнглим;  
Кўп ҳам меҳр қўйма унга, чунки сени жондан зиёда  
630. Севган одам сийнасида уйғотурсан ўзингга нафрат.  
Сен таҳқирла мени ноҳақ бадном этган малъун одамни!  
Мен ила тенг ҳукмрон бўл, бирга баҳам кўр шавкатимни.  
Жавобимни булар элтур Атрейзодга; сен шу ерда қол,  
Чодиримда ороминг ол зар тўшақда; тонг отгач эса,  
Жўнаб кетмоқ ё шу ерда қолмоқ ҳақда ўйлаб кўрурмиз».
635. Шундай деб у Патроклга қош учуриб бир имо қилди:  
Сен Фениксга тўшак солки, тезроқ чиқиб кетсин қолганлар  
Чодиримдан, демоқчидек. Қўзғаларкан шунда ўрнидан  
Тапгримонапд бузрук Аякс Теламонзод, бир калом деди:  
«О, Лаэртзод, саховатли ва донишманпд ўғлон Одиссей!  
640. Биз кетайлик; кўряпмапки, кўзланилган мақсадга асло  
Етолмаймиз бу йўл билан. Лек жавобни етказмоқ керак.  
Ахейларга, гарчи похуш ва шум хабар бўлса ҳамки у;  
Юнон аҳли бизни кутур. Мирмидонлар шоҳи Ахиллес  
Ҳаддан зиёд мутакаббир бўлиб кетган! Тошбағир банда!  
645. У аҳбоблар дўстлигини — бизлар унинг қароргоҳида  
Чин юракдан қадрлаган чин дўстликни менсимаётгир!  
Шафқат йўқдир бу бандада! Ўлган оға учун ини,  
Ҳатто ўғил учун ота тўлов олиб тушар ғазабдан;  
Бож тўлаган қотил эркин бош кўтариб юрар эл аро;  
650. «Қопга қон» деб юрган эса, воз кечажак, жарима олгач,  
Интиқомдан ва ғазабдан; лек тапгрилар бир қиз баҳона  
Юрагинга солган ғазаб энг бемаъни қайсарлик эрур!  
Ахир сенга бермоқдамиз тортиқ этиб етти дилбарни  
Ва беазир молу дунё! Кел, қалбингни тўлдир шафқатга!  
655. Ҳеч бўлмаса, иззат қилгил ўз уйингни; бизни қошинга  
Юнон халқи юбордики, мақсад — сен-ла дўстлик риштасин  
Маҳкам боглаб, ёъзозламоқ сени барча марддан ортиқроқ».

- Шу заҳоти жавоб қилди чаққоноёқ Ахиллес унга:  
«Халқ чўбони, бузрук Аякс, соҳибкарам Теламонзода!  
660. Сезмоқдамен, каломларинг чин юракдан, о, диловар дўст!  
Лек эсласам Атрейзоднинг мени бутун халқ ўртасида  
Ялангоёқ бир саяқдек бадном этиб хор қилганини,  
Қалбимда жўш урган ғазаб ва нафратим босолмам асло!  
Сизлар қайтиб орқангизга, жавобимни етказинг шоҳга:

665. Мен кирмоқни ўйламаймап қонли жанга то Приам ўғли  
Ул илоҳий Ҳектор юнон лашкарини тору мор этиб  
Ва ёндириб кемаларин, мирмидонлар қароргоҳию  
Бандаргоҳи яқинига келмагунча қўшинин бошлаб.  
Шунда Ҳектор қанча бевош ва шиддатнок бўлмасин охир
670. Тияр ўзин жанг қилмоқдап қора қорин кемам пойида».

Кейин ҳар бир мард илкига қўшқадаҳни олиб, май паймо  
Қилди дарҳол тангрилар-чун, сўнг Одиссей бошчилигида  
Ташқарига чиқди аста. Патрокл ҳам жорияларга  
Ва қулларга фармон берди Феникс учун тўшак тўшашни.

675. Таъзим бажо айлаб улар чорпояга момиқдек пўстак  
Тўшадилар ва устидан ғоят ҳарир чойшаб ёздилар.  
Феникс серхайр тонг отишин кутиб шунда кетди пинакка.  
Сўнг Ахиллес кириб ётди чодирининг пчкарисига;  
Форбас қизи авор юзли Диомеда бўлди ҳамтўшак —
680. Лесбосни забт этганида, уни асир олганди Ахилл.  
Патрокл бир четда ётди нафисбадан Ифиса ила, —  
Бу ҳур қизни Ахилл ғорат қилганида Энией шаҳри —  
Аскиросни, қадрдони Патроклга этганди тортиқ.  
Элчилар шоҳ Агамемнон чодирига етиб борган он
685. Саркардалар қўлда олтин қадаҳлар-ла пешвоз чиқдилар,  
Пешвоз чиқиб, элчиларни саволларга кўма кетдилар.  
Энг аввало мардлар шоҳи Агамемнон такаллум қилди:  
«О, данайлар, шон-шавкати бузрук дўстим Одиссей, сўзла,  
Даф этмоқчи бўлдимни у кемалардан офаткаш ўтни,  
690. Ё рад этиб илтимосим, адоватни тукканми қалбга?»

Жавоб қилди шунда машҳур жаҳонгашта Одиссей унга:  
«О, шавкатли ва мунаввар Агамемнон, мардлар султони!  
Йўқ, Ахилл тарк этмоқчимас адоватни; қаҳри нақ тўфон,  
Назарига илмади у ўзингни ҳам, муздларингни ҳам.

695. Соҳилдаги кемаларни ва у ерга қочган лашкарни  
Қандай қилиб фалокатдан сақламоқни кенгашармишсан  
Қўшин билан. Ўзи эса эртага тонг отган ҳамопоқ  
Эшкаги мўл кемаларин туширармиш теран уммонга.  
Қолганларга ҳам у уйга кетмоқликни берур маслаҳат;
700. Сизлар, дейди, ҳеч вақт азим Трояни маҳв этолмасиз,  
Чақмоқдор Зевс илкин чўзиб паноҳ бўлган, дейди, шаҳарга, —  
Шу боисдан унинг халқи сержуръат ва бадғустоҳ эмиш.  
Ахиллеснинг жавоби шу; гар истасанг ҳамроҳларим ҳам —  
Теламонвод ила икки доно жарчи такрорлар шуни.
705. Кекса Феникс ётиб қолди ўшал ерда, Ахилл амри-ла,  
Эртага у Ахилл ила чўнг кемада она юрт сари  
Йўлга чиқар, гар хоҳласа; хоҳламаса — зўрламас эмиш».

- Шу гапдан сўнг ҳайратланиб толди ҳамма теран сукутга  
Ки элчилар лашкаргоҳга хунук хабар келтирган өди.
710. Ҳа, ахейлар узоқ фурсат маънос ва гунг туриб қолдилар;  
Ва ниҳоят соҳибкарам Диомед сўз бошлади аста:  
«Бузрук подшо Агамемнон — паҳлавонлар соҳибқирони!  
Сен такаббур Ахиллесга ёлбормасанг яхши бўларкан  
Талай совға ваъда қилиб: шундоқ ҳам у кеккайган ғоят,  
715. Вале сен у димоғдорнинг гурурини оширдинг яна.  
Ҳай, у ҳақда бас қилайлик; у жанггоҳдан жўнаб кетурми,  
Ё қолурми — шубҳасизки, яна жангга кирар муқаррар  
Агар қалби даъват этса, қодир худо кўнглига солса!  
Таклифимга қулоқ осиб, ёронларим, маъқулланг уни:  
720. Ҳозир ухланг, лекин олдин еб-ичинглар қорин тўйгунча,  
Зероки май қувват берур, далда бўлур одамга мудом.  
Эрта эса зарқокил Тонг жамолини кўрсатган ҳамон,  
Сен сафга тиз бандаргоҳда ҳам отлиқ, ҳам пиёдаларни.  
Жами лашкар руҳин кўтар ва бош бўлиб ўзинг, жангга кир».
725. Диомеднинг бу мардона каломини лашкарбошилар  
Ҳайрат ила тингларканлар, айтганларин маъқулладилар.  
Сўнг ётгани тарқалдилар тангриларга май назр айлаб;  
Жами қўшин тотли уйқу тухфасидан бўлди баҳраманд.

## ЎНИНЧИ ҚЎШИҚ

### ДОЛОННОМА

Жами шоҳу қаҳрамонлар таслим бўлиб муаттар тушга  
Ухладилар тун бўйи ўз кемалари рўбарўсида.

Лек бузрук шоҳ, халқ чўбони Агамемнон бисёр хаёллар  
Оғушида ширин уйқу лаззатидан бенасиб эрди.

5. Сумбул сочили ҳур Херанинг шавҳари — Зевс кони зиён дўл,  
Ёки ёмғир ёғдирганда, ё кўтариб қуюн баногоҳ,  
Кенг саҳрони опшоқ қорға буркаганда, ёки ваҳшатли  
Жанг комини очганида, чаққанидек оташ чақмоқлар,—  
Агамемнон ҳам дам-бадам оҳ урарди ёниб юраги:
10. Зир қақшарди унинг бутун важоҳати похуш ўйлардан;  
Ки у назар ташлар экан ғанимларнинг қароргоҳига,  
Ёнаётган гулханларнинг кўплигидан, наю сибизга  
Садосидан, оломоннинг ғавғосидан ваҳми келарди.  
Сўнг, ахейлар ётган сокин қароргоҳни кузатар экан,
15. Аламидан сочили юлиб, таангри Зевсга илкин чўзарди;  
Зеро унинг мағрур қалби чекар эди оғир изтироб.

Ниҳоят шоҳ Агамемнон шул тадбирни мақбул деб билди:

- Энг аввало Нелей ўғли доно Нестор ила учрашсам,  
Исканжага тушган ахей лашкарини машғум офатдан
20. Қандай халос этмоқ ҳақда унинг билан маслаҳатлашсам;  
У эгнига узуп кўйлак кийди жадал, туриб ўрнидан;  
Сўнг боғлади у бежирим кафшларин оёқларига;  
Елкасига ташлаб шерпинг, тўпигига етгудек узун  
Қонли, малла терисини, узун найза олди қўлига.

25. Менелай ҳам шундай таҳдид оғушида бедор ётарди;  
Безовтайди: мен туфайли денгиз оша, диловарона  
Жанг қилгани Трояга келган сонсиз ахей мардларин  
Бошига шум фалокатлар тушмасайди ишқилиб, дея.  
Туриб у, алп елкасига ёпди хол-хол қоқлон терисин,  
Ялтироқ мис дубулғасин кийди бошга, метин қўлига  
Найза олиб, жўнади тез аргосликлар бош саркардаси,  
Бутун мардум худо янглиғ эъвозловчи ораси ёққа.  
Бориб, кема пойида у оғасининг серҳашам совут  
Кийётганин кўрди, оға хушнуд бўлди кўриб жигарин.
35. Шунда шонли мард муҳориб шоҳ Менелай юзланди унга:

- «Азиз оғам, нечун совут киймоқдасен? Бирон айгоқчи  
Юбормоқми ёв ичига ниятинг ё? Лек кўрқаманки,  
Бундай ишга бел боғловчи ва зим-зиё тунда бир ўзи  
Ёв ичига дадил кириб борувчи мард топилмайдиёв,  
40. Гар топилса шундай ботир у ғоятда довурак зотдир».

- Мардлар шоҳи Агамемнон инисига жавоб айлади:  
«Муҳтождурмиз сен билан биз, о, соҳибдил укам Менелай,  
Машваратга — ахейларнинг лашкарию кемаларини  
Шум офатдан асрагувчи фаросатли зўр маслаҳатга:  
45. Ўзгаргандир Зевснинг феъли: у Ҳекторни ардоқламақда,  
Ки беназир қурбонлар-ла овлаган у сарпадар кўнглин!  
Йўқ, мен ёлғиз бир банданинг бир кун ичра шунча ахейни  
Ҳекторчалик, — на маъбуда, на маъбуднинг фарзанди бўлган  
Ҳекторчалик, — қийратганин на кўрганман, на эшитганман —  
50. Фақатгина Зевс эркаси Ҳектор қодир бу мўъжизага.  
Валекин у бошимизга шундай оғир кушларни солдики,  
Ахей аҳли эслаб бот-бот у кунларни фарёдлар чеккай!  
Сен, Менелай, тезроқ бориб бацдаргоҳга, Идоменейни,  
Аяксини топ, мен эъзовли Нелей ўғли Нестор қошига  
55. Бориб уни уйғотаман, шоядки чол қутлуғ соқчилар  
Жамоасин бориб кўриб, амру фармон берса аларга,  
Халқ итоат этгай кўпроқ Нелейзода: ки унинг ўғли  
Сардор эрур соқчиларга. — У-ла бирга Идоменейнинг  
Яқин дўсти Мерионни сарвар этиб тайинлаганмиз».
60. Оғасига савол берди шавкати зўр ботир Менелай:  
«Менга нени амр этурсен, қандай фармон берурсен, оға?  
Токи этиб боргунингча ўшал ерда кутайми сени,  
Ё амрингни бажарган он дарҳол қайтиб келайми бунда?»

- Менелайга мардлар шоҳи Агамемнон айлади жавоб:  
65. «Қароргоҳда сўқмоқлар кўп: қоронғуда бир-биримизни  
Кўрмай ўтиб кетмаслик-чун сен қолақол борган ерингда.  
У ерда сен ҳар бир мардни отасининг исмин, насабин  
Атаб чақир ва даъват эт одамларни хушёр бўлмоққа:  
Барча ила хушфеъл бўл, кеккаймагил ўзинг ҳам асло.  
70. Энди биз ҳам эл қатори тер тўкурмиз қисмат шу экан!  
Бизларни Зевс шўрпешона яратганкан ўзи аввалдан!

- Шундай доно ўғит айтиб инисини жўнатди оға;  
Ўзи эса йўл олди эл ҳукмдори Нестор қошига.  
Чол ётарди қора кема паноҳида, ўз чодирода  
75. Пар тўшакда: ёнбошида жанговар қўр-аслаҳалари:  
Дўнг қалқону икки найза ҳам нурафшон ажиб дубулға;  
Яна камар ҳам ранг-баранг ётар эди. Чол уни бот-бот



Белга боглаб, лашкарини бошлар эди бандакуш жангга:  
Зероки у ҳамон маҳзун кексаликка эгмас эди бош.

80. Нестор хиёл бош кўтарди тирсагини тираб ёстиққа  
Ва жарангдор овоз-ла савол берди Атрей ўглига:  
«Қимсан? Нечун зулмат тунда ёлғиз ўзинг кемалар аро  
Тентирайсан ҳамма ухлаб ётган чоғда қароргоҳ узра?  
Дўстингними ахтарурсен ва ё қочиб кетган хачиринг?  
85. Не истайсан? Жавоб бер тез, яқинлашма товушсиз, зинҳор!»

Жавоб қилди халқ чўбони Агамемнон чолга шу заҳот:  
«Муҳтарам зот, далайларнинг о, муаззам шону шавкати!  
Рўпарангда Атрей ўгли кўрмоқдасен, зеро тапгри Зевс,  
То кўксимда қалбим тепиб, оёқ-қўлим саломат экан,

90. Солгай менинг шум бошимга мангу андуҳ, бахтиқаролик.  
Шу боис мен саргардонмен, уйқу қочган мужгонларимдан,  
Хаёлимда фақат жангу юнопларнинг аччиқ қисмати!  
Безовтамен мен улардан, зеро руҳим ўз пойдорлигини  
Сақламоққа ожиз мутлақ, қалбим эса қиндан чиққудек  
95. Гурс-гурс тепар, тиззаларим ҳолсизликдан қалтирамоқда!  
Гар дилингда бўлса бир ўй (кўрмоқдамен — бедор ётибсен),  
Ўрнингдан тур, бориб ахей соқчиларин қилайлик тафтиш.  
Балки дилтанг соқчиликдан ва мудроқдан толиқиб улар  
Ҳушёрликни унутганлар ва пинакка кетгандирлар ҳам.  
100. Мутақаббир ёв лашкари қаршимизда: аҳтимолки, у  
Зулмат тундан фойдаланиб қилмоқчидир ҳамла баногоҳ».

Ҳерепия шаҳсувори Нестор жавоб қилди подшога:

- «О, шавкатли Атрей ўгли Агамемнон, мардлар султопи!  
Ўйлайманки, худовад Зевс мағрур Ҳектор ниятларининг  
105. Барини ҳам чиқармоғи амримахол рўёбга букун;  
Сезмоқдамен, улкан андуҳ солгай унинг бошига Зевес,  
Агар Ахилл тарк айласа ўз қалбидан машғум ғазабни,  
Бажонидил боргум сен-ла: юр, биз ўзга саркардаларни;  
Соҳибқудрат Диомедни, Одиссейни уйғотайлик тез,  
110. Яна чаққон Аяксин\* ҳам, Филей ўгли мард Мегесни ҳам.  
О, қанийди бирон бир кас бориб подшо Идоменей-ла  
Тангримонанд Аяксин\* ҳам чорлаб келса маъракамизга;  
Афеус, улар кўп йироқда,— бандаргоҳнинг чеккасидалар.  
Лек меп дўстим, қадрдоним Менелайдан ёзғирмоқчимен.  
115. Гарчи сени ранжитсам ҳам: йўқ, таънамни яширолмаймаен!  
Кн ташвишга солиб қўйиб сени, ўзи ухлар бепарво!  
Ҳозир айнап у елкама-елка туриб диловарлар-ла  
Тер тўкмоғи лозим эрди; мушкул дамлар келди биз учун!»

Мардлар шоҳи Агамемнон жавоб қилди яна Несторга:

120. «Бошқа маҳал «бир койиб қўй инимни», деб ўзим сўрардим;

- Ки у сусткаш, ишөкмасдай күринади аксар пайт күзга;  
 Лек подонлик, ё ношудлик эмас сабаб бу рафторига;  
 Мудом мендан узмас күзин, мудом мендан олур андоза.  
 Вале бугун у қошимга ўзи келди ҳеч кутмаганда.
125. Шу заҳоти сардорларни тўпламоққа юбордим уни.  
 Ўзимиз ҳам борайлик тез, аллақачоп улар тўпланган  
 Бўлса керак чўнг минора пойига, мард эрлар қошига;  
 Амр этдим, ўшал ерга жам бўлсин деб жами саркарда».
- Яна Нестор — Пилослик шоҳ жавоб қилди Агамемпонга:
130. «Бирон юнон таъна қилмас ундан асло, бас шундай экан;  
 Қулоқ осгай каломига амр этса ҳам, ё ман этса ҳам».
- Шундай дея у эгнига кенг қўйлагин кия бошлади;  
 Гоят ажиб кафшларин боғлади тез оёқларига,  
 Сўнг эгнига қирмизирапг, қўшқаватли, мўйна ҳошияли
135. Ридосини кийиб, барча тугмаларин қадади бир-бир;  
 Шундан кейин ўткир учли найза олиб қўлга, қария  
 Юра кетди кемалару чодирларни оралаб жадал.  
 Йўл-йўлакай, сердағдага наъра ила теран ғафлатдан  
 Уйғотди у машваратда Зевсга монанд мард Одиссейни.
140. Нестор саси етди дарҳол Одиссейнинг динг қулоғига;  
 Чиқиб келиб чодирдан савол берди саркардаларга:  
 «Не сабабдан лашкаргоҳда зулмат тунда юрурсиз ёлғиз?  
 Ё бирон ҳол юз бердим, туғилдим бирон зарурат?»
- Одиссейга Ҳерения шоҳсувори айлади жавоб:
145. «Лаэртзода, мардонавор, олиҳиммат иним Одиссей!  
 Сен ранжима: чўнг мусибат тушди букун қўшин бошига!  
 Биз ила юр, кенгашайлик, баҳамжиҳат: жанг қиламизми  
 Бугун ёв-ла, ё жанггоҳдан қочамизми дам ғаниматда».
- Шу гапдан сўнг, Одиссей ҳам чодирга кириб, елкага
150. Илиб чиқди нақшин қалқон ва эргашди ёронларига.  
 Сўнг Диомед ҳузурига бориб, уни силоҳий тарзда  
 Чодирдан нарироқда ётганини кўрдилар ухлаб;  
 Атрофида, қалқонларин болиш қилиб ётар дўстлари;  
 Ерга санчган найзаларин учи Зевсинг чақмоғи янглиг
155. Ярақларди зулмат тунда, Тидейзода ёввойи ҳўкиз  
 Терисини тўшаб, бошин пат гиламга қўйиб ухларди.  
 Кекса Нестор яқин бориб, Диомедни оёқ учи-ла  
 Аста туртди ва ғафлатдан уйғотаркан таъна сўз айтди:  
 «Турмайсанми? Наҳот бутун туп бепарво ухламоқчисан?»
160. Унутдингми, жанггоҳдаги тепаликни трояликлар  
 Забт этганин, оралиқда қолганини торгина майдон?»

- Диомед ҳам ғафлатни тарк этиб сакраб турди тўшакдан  
Ва сарафроз сўзлар айтди Херения шаҳсувориға:  
«Асло тиним билмайсан, чол мунча куйди-пишди бўлмасанг?  
165. Сафимизда ёш-яланглар йўқмидики, улар қароргоҳ  
Бўйлаб юриб, сардорларни уйғотишса биттама-битта?»

- Диомедга жавоб қилди пилослик шоҳ шаҳсувор Нестор:  
«Ҳа, Диомед, фикрларинг одилона ва оқилона.  
Ўғилларим бор азамат, беҳисоб халқ бордир амримда;  
170. Шулар даъват этсалар ҳам бўлур эди сизни кенгашга;  
Вале Аргос эрларининг бошига зўр кулфат тушмоқда!  
Бизлар ҳалок бўламизми, ё ўлимдан жон сақлаймизми:  
Илингандир ҳаммамизнинг қисматимиз шамшир тигиға!\*
175. Хай, сен бориб Филейода ва Аяксни чақир бу ёққа,  
Баски, менга раҳминг келар экан, яна ёшсан ҳам мендан».

Тидей ўғли елкасига ташлаб малла шер терисини  
(Тўпиғига тушарди у), пайзасини олди илқиға  
Ва тез бориб саркардалар барин бошлаб келди уйғотиб.

- Улар дарҳол этиб борди соқчилар жам бўлган сарҳадга,  
180. Соқчиларнинг бошлиқлари қарши олди уларни бедор,  
Сергак турар эди ёш-ёш аргосликлар қўлда қурол-ла.  
Тоғ бошидан ўрмон ичра тушаётган оч арслонни  
Пайқаб қолган соқчи итлар қўй кўраси олдида туриб  
185. Жонҳолатда овуллашиб, жами итлар ва одамларни  
Уйғотгани ва юракни ғулғулага солгани каби,  
Машъум тунда қароргоҳнинг чегарасин қўриқлаётган  
Йигитларнинг кўзидан ҳам қочган эди муаттар уйқу;  
Троялик ёвлар босиб келётгани йўқмикин яна,  
Даб муттасид кўзларини тикардилар дашт томон улар.
190. Чол қувониб кетди кўриб йигитларни ва ғоят ажиб  
Шодиёна сўзлар айтди далда бериб уларга шу чоқ:  
«Балли, азиз бўталарим, ҳушёр турунг, ухламоқликни  
Ўйламанг ҳам: ёвнинг хурсанд бўлмоғига имкон берманг ҳеч».

- Шундай дея у зовурнинг нарёғига ўтди; кенгашга  
195. Чақирилган барча шоҳлар эргашдилар унга пайдаршай,  
Мард Мерйон ила машҳур Несторзод ҳам улар ортидан;  
Чорлаганди машваратга бул мардларни шоҳларнинг ўзи.  
Кенг зовурдан ўтиб улар, ўтирдилар бир сайҳонликка —  
Фақат шу ер жанггоҳдаги маййитлардан холироқ эди.
200. Данайларни қириб Ҳектор шу ергача келганди этиб  
Ва орқага қайтган эди у қоронғу тушгандагина;  
Саркардалар шу майдонда давра қуриб суҳбатлашдилар,

- Жамоага серҳаён сўз айтди шунда муҳориб Нестор:  
 «Дўстлар! Айтгинг! Тошилуirmi орангизда шул қора тунда  
 205. Ёв ичига кириб бориб, овлоқ ерда тентираб юрган  
 Бирон касни тирик тутиб келадиган довьорак йиғит?  
 Ҳеч бўлмаса, душманларнинг қандай қарор қабул қилганин  
 Билиб келса ул довьорак, бўлур эди нур устига нур;  
 Қурмоқчими истеҳком ёв Троядан олисда — бунда  
 210. Ва ёки у, данайларни енгдик энди, дея керилиб,  
 Таскин топиб, кўзлайдими Трояга чекинмоқликни?  
 Гар ўшал мард бажо айлаб топшириқни қайтса бешикаст,  
 Ноил бўлур барча халқлар орасида, рўйи заминда  
 Энг сарбаланд шон-шухратга: совга олуr бағоят гўзал?!  
 215. Қанча сардор бўлса бизнинг кемаларда, улар ҳар бири  
 Тухфа этгай қора совлиқ кўзиси-ла биттадан унга.  
 Ки тенг келмас ҳеч қандайин молу давлат бундай тухфага;  
 Яна уни жами базму байрамларда эъвозлагайлар».

- Аммо ҳамма сукут сақлар, ҳеч бир зотдан чиқмасди садо  
 220. Мана, охир мард Диомед гап бошлади биринчи бўлиб:  
 «Бузрук Нестор! Жасур қалбим ва мард руҳим даъват этмоқда  
 Мени, тезроқ кириб бор, деб ганимларнинг қароргоҳига.  
 Лек ёнимда тагин битта шерик бўлса, яна зиндароқ  
 Ва хушҳолроқ бўлур эди менинг кўнглим. Гар икки нафар  
 225. Бўлиб борсак, иш кўрардик кўмаклашиб, маслаҳатлашиб;  
 Зеро ёлғиз киши қандай ўйламасин, мулоҳазаси  
 Анча заиф ва суст чиқур, қарори ҳам камҳаён бўлур».

- Диомед-ла жўнамоқни хоҳлаганлар кўп эди бунда;  
 Шахт турдилар Арейнинг мард бандалари иккала Аякс;  
 230. Мернон ҳам, Фразимед ҳам истарди бирга бормоқни;  
 Яна машҳур пайзаапдоз ул мушаввар шоҳ Менелай ҳам;  
 Шоҳ Одиссей ҳам хоҳларди ёв ичига кириб бормоқни —  
 Ки бул марднинг қалби мудом талпинарди серхатар ишга.  
 Лек такаллум қилди шу чоғ Агамемнон — мардлар султони:  
 235. «Тидейзода, саховатли ва эъозли дўстим Диомед!  
 Сен ўзингга йўлдош қилиб дидингга мос одамни танла:  
 Хоҳловчи кўл: кимни энг мард деб ўйласанг, олиб кет шуни.  
 Лекин бориб андишага, ташлаб кетма яхши одамни,  
 Кўнгли ўксиб қолур деб ҳам таъламагил заиф одамни;  
 240. Насабига қарама сен бўлса ҳамки шоҳона зотдан».

- Шундай деди Агамемнон инисидан хавотирланиб.  
 Шунда яна ул диловар Тидейзода қайтарди жавоб:  
 «Баски ҳамроҳ таъламоқни қилибсизлар менга ҳавола  
 Таъгриларнинг арзандаси Одиссейни қандай унутгум?  
 245. У бағоят уддабурон: мусибатда, оғир меҳнатда

Ғоят қатъий нажиб руҳи; пуштипаноҳ Афина унга!  
Ғар менга у йўлдош бўлса, ўт келса ўт, сув келса — сувдан  
Кечиб, омон қайтгумиздир: у шу қадар тадбиркор, зукко»,

Лек эътироз қилди унга ситамдийда помвар Одиссей:  
250. «Азиз дўстим, мени ортиқ мақтама ҳам, ёмонлама ҳам, —  
Мени яхши билишади ахейларнинг шоҳу мардлари.  
Яхшиси, тез жўнайлик биз! Тун ўтмоқда, тонг отур ҳали:  
Юлдузлар ҳам хиралашган учиб кетиб олис-олисга,  
Туннинг учдан икки қисми ўтиб\* бўлиб, бир қисми қолган»,

255. Шундай дея даҳшатона яроқларни тақдилар, икков.  
Нестор ўғли Фразимед ўз ханжари ва қалқонини  
Ечиб берди Диомедга (қолган эди уники уйда);  
Сўнгра ҳўкиз терисидан тикилган ўз сарпўшин берди —  
Ки одатда ёшу яланг кияр эди бундай бебезак

260. Ва бежига дубулгани тўсмоқ учун яноқларини,  
Шоҳ Мерноп Одиссейга берди шамшир, камон ва тирдон;  
Сўнг кийдирди чарм сарпўш Лаэртзоднинг мағрур бошига;  
Сарпўш ичра қат-қат тасма таранг қилиб тортилган эди,  
Тўнғизларнинг оқ тишлари қадалганди унинг сиртига,

265. Ки сарпўшга ҳўш қўшар эди бу зич терилган тишлар:  
Дубулганинг астари ҳам қалин, пухта кигиздан эди.  
Бу сарпўшни бир замонлар шоҳ Автолик Элеон бориб,  
Аминторнинг қўрғонини ғорат қилиб ўғирлаганди;  
Сўнг берганди Аскандийда Кифералик Амфидамасга;

270. Амфидамас тухфа қилган эди уни чин қалбдан Молга;  
Мол, ниҳоят, берган эди уни ботир Мерноп шоҳга;  
Энди ўшал машҳур сарпўш Одиссейнинг безади бошин.

Шу зайлда улар икков даҳшатона яроқ тақдилар,  
Саркардалар билан шунда хушланишгач, тушдилар йўлга;  
275. Шу заҳоти Афинея аён қилди эзгу аломат

Қўндирганча бир турнани катта йўлнинг ўнг ёқасига, —  
Кўрмадилар қўшни тунда, эшитдилар лек янғроқ сасин.  
Қўш сасидан хушшуд бўлган Лаэртзода қилди илтижо:  
«О, Афина, ҳар бир инда папогоҳим, тингла овозим;

280. Мен ҳам сендан тутмам асло сирларимни пинҳон, маъбудам;  
Лек энди сен, чақмоқдор Зевс қизи, қилгил мурувват менга?!  
Имкон берким, шавқат қучиб, ғанимларни доғда қолдириб,  
Бажо айлаб топшириқни, бандаргоҳга қайтайлик омон!»

Сўнг иккипчи муҳориб эр Диомед ҳам қилди тавалло:  
285. «Эгиохнинг қодир қизи, тингла мешинг овозимни ҳам!  
Отам Тидей Эллададан элчи бўлиб Фива борганда,  
Қандай мадад берган бўлсанг, ҳомийлик қил менга ҳам шундай:

- Отам Асоп соҳилида мис совутли аргосликларни  
 Қолдириб, сулҳ тузмоқ учун борган эди Қадм элига.
290. Лек қайғишда Қадм элидан отам, сенинг караминг ила  
 Одамизод эшитмаган энг даҳшатли ишлар қилганди.  
 Дариғ тутма кўмагингни паноҳингда асра мени ҳам!  
 Эвазига манглайи кенг, мўғизлари зарга бурканган,  
 Қўш кўрмаган тапачани меҳробингда қилгумдир қурбон».
295. Улар шундай сиғиндилар: маъбуда ҳам қаҳрамонларнинг  
 Таваллосин қабул қилди. Диловарлар сиғиниб бўлиб,  
 Жўнадилар мисли шердек журъат ила зулмат кечада  
 Жасадлару аслаҳалар ётган жанггоҳ узра қон кечиб.
- Бу чоғ Ҳектор ҳам Троя ўғлонларин тутарди ҳушёр:
300. Қўшин ичра у энг оқил ва тадбиркор саркардаларни,  
 Машварагда қисси йўқ доноларни йиғди кенгашга.  
 Сўнгра у жам бўлгашларга солди шундай доно маслаҳат:  
 «Орангизда ким қодирдур кўрсатмоққа улкап жасорат  
 Чўнг мукофот эвазига? Ул мукофот кўп бебаҳодир:
305. Гажак бўйин икки тулпор бергум қўшиб жангарабога,  
 Ки данайлар кемасидан ҳам учқурроқ эрур у отлар.  
 Ким шу зулмат тунда бориб аргосликлар қароргоҳига,  
 Билиб келса ахейларнинг кайфиятин: улар ҳали ҳам  
 Қўриқларми кемаларни ё дош бермай бизнинг қуввага,
316. Узаро жанг майдонидап қочмоқ ҳақда кенгашурларми?  
 Ё чарчаб жанг азобидан соқчиликдан воз кечмишларми?  
 Шуни билиб қайтган жўмард мустаҳқиқдир мунаввар шошга!»
- Деди Ҳектор, лек сукутда эди ҳамма, чиқмасди садо.  
 Лашкар ичра Долон отли одам бўлиб, мису зарга бой
315. Бул азамат ўғил эди троялик жарчи Эвмедга;  
 У бир ўғил эди беш қиз орасида, валекин хунук,  
 Бадбашара бўлса ҳамки, чаққон эди оёғи унинг.  
 Сафдан чиқиб шундай деди у саркарда Ҳекторга шу он:  
 «Ҳектор, менинг жасур қалбим ва мард рўҳим даъват этмоқда
320. Шу зулматда бориб билиб келмоқликни ёв кайфиятин,  
 Лек сеп, Ҳектор, ўз салтанат асонг ила қасам ич олдин:  
 Ул паҳлавон Ахиллеснинг роят ажиб тулпорларини,  
 Сержилло жангаробасин менга инъом қилмоғинг шартдур.  
 Сенга, балки, кўп фойдали янгиликлар олиб келармен;
325. У бошдан бу бошигача кезиб чиққум ёв қароргоҳин  
 Ҳатто боргум Агамемпон кемасининг пойига қадар;  
 Балки кенгаш қураётгандирлар унда лашкарбошилар  
 Жангни давом эттирмоқлик, ёки ундан қочмоқлик ҳақда».
- Шу заҳоти, Долонга опт ичди Ҳектор кўтариб асо:
330. «Хур Ҳеранинг ёстикдоши чақмоқдор Зевс шоҳид онтимга!

Илионда сепдан ўзга ҳеч ким мишмас у тулпорларга;  
Онт ичаман, у отларнинг соҳиби сен бўлурсен фақат».

Бўлса ҳамки бу онт сохта, лек Долонни ғайратлантирди.

Шу заҳоти у эгри ёй ва ўқдонни илди елкага.

335. Сўнг устидан бўз бўришинг бароқ юнгли терисин ёпди:

Сассиқ кузан терисидан қалпоқ кийди кейин бошига

Ва илкига найза ушлаб, жўнаб кетди кемалар томон;

Илло унга насиб бўлмас омон қайтиб, хабар келтирмоқ.

Долон жадал юриб кетди ташлаб бунда от, одамларни.

340. Салдан кейин, шоҳ Одиссей кўриб қолиб яқинлашётган

Айғоқчини, ўз ҳамроҳи Диомедга бир калом айтди:

«Назаримда, анов шарпа келмоқда ёв қароргоҳидан!

Гумонимча, у кемалар ёққа келур айғоқчиликка:

Ё қилмоқчи кафандуздлиқ, излаб бирон мурдани тунда.

345. Лек биз унинг сал олдинлаб кетишига имкон берайлик,

Сўнг изига тушиб, бирдан ҳамла қилиб қўлга олайлик:

Гар чап бериб қочмоқ бўлса, найзанг ила таҳдид сол унга

Ки орқага қочолмасин, қочсин бизнинг кемалар ёққа».

Шу қарорга келиб улар беркиндилар жасадлар аро,

350. Долон аса ёнларидан ўтиб кетди шициллаб, сезмай,

Лек у хачир бир ҳамлада тортган жўяк узунлигича

(Ки одатда, оғир карвон ҳўкизлардан кўра хачирлар

Узоқроққа тортиб борар терап эгат олиб омочни)

Ерга боргач, мардлар унинг орқасидан қува кетдилар.

355. Долон оёқ товушини эшитдию таққа тўхтади.

У, Ҳекторнинг амри билан ўртоқларим мени орқага

Қайтаргани келмоқдалар шекилли, деб ўйлаган эди.

Лекин ортда қолганида эллиқ-олтмиш қадам масофа,

Долон таниб ғанимларни, ура қочди шаталоқ отиб,

360. Одиссей ва Диомед ҳам қува кетди қочоқ ортидан.

Ўткир тишли икки този тоғ эчкисин ёки қуённи.

Ўрмон ичра тирқиратиб қувганида, у ҳовучлаб жон,

Чопганидек оёғини қўлга олиб чийиллаганча, —

Диомед ва Одиссей ҳам айғоқчининг Троя томон

365. Қочишига имкон бермай, борардилар қувиб кенг даштдан,

Лек у етиб қолган эди кемаларга ва зум ўтмасдан

Аралашиб кетар эди соқчиларга, — шунда Афина

Диомеднинг дилига чўнг ғулу солиб, ҳасад уйғотди:

Бирон кимса лашкаргоҳда менадан олдин уни яралаб

370. Шавкатимга шерик бўлса, хунук бўлур, — деб ўйлади у

Ва найзасин ўқталганча айғоқчига қилди дағдаға:

«Тўхта, йўқса тўхтатурман найза отиб! Менинг илкимдан

Маҳол қочиб қутилмоқлик — муқаррардир, ҳақдир ўлиминг!»

Шундай деб, у найза отди тегмайдиған қилиб жўрттага;

375. Троялик тақ тўхтади найза унинг ўнг елкасидан  
Яшин янглиг чақнаб ўтиб санчилган он она заминга:  
Пир-пир учди дудоқлари, такиллади тиши даҳшатдан;  
Мардлар уни ушладилар етиб келиб ҳаллослаганча —  
Шунда Долол бундай деди кўз ёшларин дув-дув тўкканча:
380. «Шафқат қилинг! Тўлов олинг мен учун сиз, уйимда зар, мис  
Беҳисобдир, ажиб темпир ашёлар ҳам кўлдир бағоят.  
Гар падарим билса асир эканлигим қўл остипгизда,  
Бажонидил тўлов тўлар сизга бисёр хазинасидан».

- Аmmo унга жавоб қилди ақли равон Одиссей бундай:
385. «Хотиржам бўл, ўлим ҳақда ўйламоқни кўнглингдан чиқар.  
Яхшиси, сен жавоб қайтар гапларимга, фақат рост сўзла;  
Не сабабдан ҳамма ухлаб ётган чоғда, шу зулмат тунда  
Ёлғиз ўзинг келаётган эдинг бизнинг кемалар томон?  
Жанггоҳдаги мурдаларни тунамоқдир балки пиятинг?  
390. Еки Ҳектор, ахейларнинг пиятини билиб кел, дея  
Юбордим сени? Ёхуд келурсанми ўз хоҳишинг-ла?»

- Жавоб берди шўрлик Долол тиззалари қалтираганча:  
«Шўрим қурсин, мени Ҳектор мажбур қилди йўлдан оздириб;  
У сўз берди менга бузрук Ахиллеснинг зараг тўёқли
395. Отларипи жангароба билан бирга туҳфа қилмоққа  
Эвазига, мен шу зулмат туп тугамай, қароргоҳингиз  
Томон келиб, билмоғим шарт эди шуни: яъни юнонлар  
Қўриқларми ҳамон ўзин ё дош бермай бизнинг қуввага,  
Ўзаро жанг майдонидан қочмоқ ҳақда кенгашурларми?  
400. Ё чарчаб жанг азобидан, соқчиликдан воз кечмишларми?»

- Жилмайганча деди шунда соҳиб идрок Одиссей унга:  
«Ие! Кўнглинг тусаб қопти дейман ҳали бебаҳо туҳфа —  
Мард Ахиллнинг тулпорларин! Улар ғоят саркашдир, йигит:  
Ул отларни жиловламоқ ва бошқармоқ маъбудазода
405. Ахиллесдан бўлак ҳеч бир фоний банда қўлидан келмас!  
Вале яна шуни айт-чи ҳақиқатни яширмай тезроқ:  
Сен бул ёққа жўнаганда қайда эди саркарда Ҳектор?  
Қайда ҳозир унинг қурол-аслаҳаси, учқур отлари?  
Қайда унинг қароргоҳи, соқчилари, бутуп лашкари?  
410. Улар нени кўзламоқда: Троядан олис — бу ерда  
Қолмоққа аҳд қилганмилар қатъий тарзда ё, ахейлардан  
Энди устун келдик, дея ўйлармилар ортага қайтмоқни?»

- Одиссейга жавоб қилди троялик айғоқчи Долол:  
«Бажонидил ҳақиқатни айтгум сенга, о, диловор зот;  
415. Мен жўнаган чоғда Ҳектор илоҳий Ил қабри ёнида,  
Хилватгоҳда азиз эрлар даврасида қуларди кенгаш;  
Лек соқчилар деярли йўқ — манзилгоҳни қўриқлагувчи.



- Кўряпсанми гулхапларни — пергамликлар ёққан барини.  
 Ундайдилар бир-бирларин улар тунда бедор бўлмоққа;  
 420. Лек олисдан келган бутун Троянинг муттафиқлари  
 Бошларидан соқит қилиб соқчилиқни, ухлаб ётурлар:  
 Ки уларнинг хотин, бола-чақалари қолган йироқда».
- Савол берди айғоқчига соҳиб идрок Одиссей яна:  
 «Муттафиқлар троялик лашкари-ла бирга ётурми,  
 425. Бошқа-бошқа жойдами ё? Сўйла шунн, билмоқ истаймн».

- Яна унга жавоб қилди троялик айғоқчи Долон:  
 «Хаммасини айтиб бергум яширмасдан, бор ҳақиқатни:  
 Денгиз бўйин маскан қилган лелеглару карияликлар.  
 Камонбардор пеонлару кавконлару мард пелагслар;  
 430. Фимбрага яқин ерда Ликия ва Мизия эли,  
 Фригия лашкари-ю Меония суворийлари.  
 Лек ҳар бирин бошқа-бошқа сўрамоқдин не ҳаён сизга?  
 Гар Троя қўшинининг орасига кирмоқ бўлсангиз,  
 Ана, четда манзил қурган янги қўшин — фракияликлар;  
 435. Улар шоҳи — Эйенойзод Рез ҳам бирга ётур халқ ичра.  
 Резнинг гўзал ва ҳайбатли отларини мен ўзим кўрдим, —  
 Қордек оппоқ, пойгаларда шамолдан ҳам учқурроқ отлар,  
 Бошдан-оёқ безалган зар, кумуш билан жангаробаси.  
 Резнинг ўзи ҳайратомуз, ажиб олтин совут кийганким,  
 440. Бундай совут ва яроқлар биздек фоний бандаларгамас,  
 Балки Олимп аҳли — боқий тангриларга ярашажакдур!  
 Сиз, яхшиси, ҳозир мени кемаларнинг пойига элтинг,  
 Ёки боғлаб оёқ-қўлим, ташлаб кетинг вақтинча бунда,  
 Ана унда гапларимнинг ҳақлиги ё ноҳақлигига  
 445. Шоҳид бўлиб қайтажаксиз ўзингиз ҳам, о, паҳлавонлар».

- Шу чоқ унга таҳдидона боқиб деди собит Диомед:  
 «Э, йўқ, Долон, гарчи бизга хушхабарлар айтган бўлсанг ҳам,  
 Қўлимизга тушибсанми, умидинг уз жон сақламоқдан.  
 Агар сенга биз эрк бериб, Трояга қўйиб юборсак,  
 450. Турган гапки, яна бизнинг бандаргоҳга айғоқчи бўлиб,  
 Ё ошкора жанг қилгали лашкар билан қайтиб келурсен,  
 Бинобарин, гар қўлимда жоп бергудек бўлсанг, у чоғда  
 Юнонларнинг бошига сен гаму офат ёғдиrolмайсан».

- Шунда Долон Диомеднинг иягига титроқ қўли-ла  
 455. Тегиб, унга ёлбормоқчи бўлганида, унинг бўйнига  
 Қулочкашлаб қилич солди Диомед ва чўрт узди бошин;  
 Шу он ерга юмалади ҳали гапдан қолмаган калла.  
 Айғоқчининг бошидаги мўйна сарпүш улжа олинди,  
 Яна: камон, улкан найза, бўри тери — елкасидаги.

460. Булар барин соҳиб камол Лаэртзода баланд кўтариб,  
 Ганиматбахш Афинага нидо қилди гулдирас сас-ла:  
 «О, Афина, хушнуд бўлгил бу назрдан! Буни энг аввал  
 Бизлар сенга бағишлаймиз Олимпдаги боқийлар ичра!  
 Яна битта тавалломиз бордир сенга: фракияликлар
465. Манзилига ва отлари турган ерга бошлаб бор бизни!»

Шундан кейин, шоҳ Одиссей илкидаги ганиматларни  
 Яшил майса узра қўйиб, қучоқ-қучоқ қамишу юлғун  
 Ҳоронғуда қайтаётиб кўрмай ўтиб кетмаслик учун.

470. Сўнг ўзлари йўл олдилар қон кечишиб, жасадлар оша.  
 Тез етдилар Фракия лашкарининг чет манзилига.  
 Ҳорғин лашкар рафлатдайди; лекин совут, аслаҳалари  
 Гоят ажиб тартибда уч қатор қилиб тизиб қўйилган  
 Ва ҳар бир тўп қаршисида бир жуфтдан от турарди боғлиқ.
475. Рез қўшинининг ўртасида ётар ухлаб, унинг қўш оти  
 Шу ерда — жангаробаниннг орқасига боғланган эди.  
 Одиссейнинг кўзи олдин Резга тушди ва шундай деди:  
 «Ана, ўшал мард Диомед, мана унинг ўшал отлари.  
 Биз ўлдирган Долон айтган Фракия тулпорлари шу.
480. Қани, бошла, кўрсат кучинг: зеро ўтқир яроқ бор экан  
 Бекор туриб бўлмас асло. Ё мардларни қиличдан ўтказ,  
 Ё отларни тез олиб кет: чопгум унда лашкарни ўзим.

Шу заҳоти Афина ҳам куч пуркади Тидей ўғлига:  
 У чор ёққа қилич солди: чопилганлар мудҳиш фарёди

485. Етиб борди нақ самога, бутун замин қонга ғарқ бўлди.  
 Диомеднинг Фракия лашкарига қилган ҳамласи  
 Ўхшар эди чўбони йўқ эчки ё қўй сурувин тунда  
 Босиб, барин шоша-пиша бўғизлаган шер рафторига;  
 Улардан ўн иккитасин ўлдирди у, Одиссей бу пайт

490. Диомеднинг шамшири-ла маҳв этилган ҳар бир жасадни  
 Оёғидан тортиб, жадал четга судраб чиқа бошлади,—  
 Ки даврандан тулпорларни, ҳали олиб чиқаётган чоғ,  
 Муҳораба кўрмаган бу жониворлар ҳуркиб кетмасин  
 Тагин босиб жасадларни, деган ўй-ла шундай қилганди.
495. Бу аснода мард Диомед етиб борди Рез теппасига  
 Ва ул шоҳнинг ширин жонин олди у ўн учинчи қилиб.  
 Оғир, ҳазин ингради Рез: у ёмон туш кўраётганди —  
 Афинаниннг амрила Диомед шоҳ бошида турди,  
 Бу аснода Одиссей Рез отларини еча бошлади;
500. Жиловларни қўшиб ушлаб, у отларни очик майдонга  
 Етақларкан, камони-ла ҳайдар эди (жангаробада  
 Етган обдор шоҳ қамчисин унутганди у шошганидан),  
 Шундан сўнг у Диомедни ҳуштак чалиб чақирди аста.

- Шоҳ Диомед бу пайт, яна қандай мардлик кўрсатсам экан:  
505. Кўп бебаҳо аслаҳалар ортилган Рез аробасинимга  
Шотисидан тортиб, ёхуд бошим узра кўтарганимча  
Кетсаммикин олиб, ёки Фракия ўғлонларининг  
Яна кўпин қирсаммикин, дея хаёл суриб турарди.  
Шундай хаёл оғушида турган марднинг рўбарўсида  
510. Афиянея пайдо бўлиб, шундай калом айтди ботирга:  
«О, соҳибдил Тидейзода, унутма сен ортга қайтмоқни!  
Дам ғанيمات, қоч кемалар ёққа тезроқ, ки адоватли  
Тангри магар Троянинг эрларини уйғотса шу чоқ,  
Насиб қилмас сенга мутлақ кемаларнинг пойига етмоқ».

515. Тидей ўғли маъбуданинг сасин таниб тез минди отга,  
Одиссей ҳам тулпорларни қамчилади камони ила;  
Сўнг довулдек учди улар ахейларнинг бандаргоҳига.

- Кумушкамон Феб ҳам бу пайт ҳушёр эди. У кўриб қолиб  
Афиананинг Диомедга қилаётган ҳомийлигини,  
520. Қаҳри қайнаб учди буюк Троянинг қўшини томон.  
Бориб у шоҳ Резнинг хеши фракияли Ҳиппокоонни  
Уйғотди тез; у ўрнидан сапчиб турди ва отлар турган  
Ернинг бўм-бўш эканини, майдонда жон талвасасида  
Етганларни кўриб қолиб, қути ўчди, оҳ-фарёд қилди  
525. Ва суюкли аҳбобининг отин атаб юм-юм йиғлади.  
Мудҳиш ваҳм босди бутун Троянинг қўшинларини;  
Зум ўтмаёқ тўплади халқ, аллақачон ўз кемалари  
Томон қайтган ёв қилмишин кўриб ҳамма ҳангу манг эди.

- Мардлар бу пайт етиб келди Долон қатл этилган ерга,  
530. Тангри севган шоҳ Одиссей тақ тўхтатди жўшқин отларни;  
Тидей ўғли сакраб тушиб, қонга ботган ғанيماتларни  
Одиссейга битта-битта узатди-ю сўнг яна ўзи  
Отга мишиб қамчи босди, ваҳоланки муте тулпорлар  
Беқамчи ҳам учардилар ахейларнинг манзили ёққа.

535. Бундай деди от дўпирин элдан бурун эшитган Нестор:  
«Азиз дўстлар, қўшинимиз сардорлари, саркардалари!  
Қалб буюрган гапни айтмай туrolма ҳеч — ҳақманми, ноҳақ;  
Ҳа, юрагим така-пука отларнинг бу туёқ сасидан,  
Қошқийди бу Лаэрт ўғли Одиссей ва Диомед бўлса —  
540. Троянинг жарангтуёқ отларини ҳайдаб келётган!  
Лек ёроплар, қўрқадурумён, энг диловар йиғитларимиз  
Ев ичида ғавғо қўзғаб, ўзлари маҳв бўлмадимикин!»

Чол гапини тугатмасдан, қахрамонлар келдилар етиб;  
Улар отдан ерга тушган заҳот шоҳлар масрур қўл чўзиб,

545. Пешвоз чиқиб, ботирларни хуш калом-ла олқишладилар.  
 Ҳерения шахсувори Нестор савол берди даставвал:  
 «О, Одиссей, қандай қўлга киритдинглар бу тулпорларни?  
 Дадил кириб бордингларми ўзи ғаним қароргоҳига?  
 Ё бу отлар сизга аён бўлган тангри армуғоними?»
550. Қаранг, мисли порлоқ офтоб шуъласига ўхшайди булар!  
 Мен кексайган бўлсам ҳамки, турганим йўқ қўл қовуштириб,  
 Мудом жангга кирмоқдамен троялик мардларга қарши;  
 Илло бундай бедовларни шу топгача кўрмагандим ҳеч!  
 Имон комил, тангри сизга туҳфа этган бу тулпорларни;
555. Зеро қодир чақмоқотар Зевс ҳам, унинг шаҳло кўз қизи  
 Афина ҳам иккингишни бирдай севиб, бирдай ардоқлар!»

Шоҳ Несторга соҳиб идрок мард Одиссей айлади жавоб:

- «О, Нелейнинг номвар ўғли, ахейларнинг шону шавкати!  
 Гар хоҳласа парвардигор, бу отлардан ҳам гўзалроғин  
 560. Ато этгай: тангриларнинг иқтидори кўп бебадалдир!  
 О, муҳтарам падар, булар жанг майдонга Фракиядан  
 Кеча келган отлардирким, Тидейзода улар шоҳин ҳам,  
 Бо ўн икки нафар асл дўстларин ҳам чошиб ташлади!  
 Ўн учинчи ёвни эса, ундан олдин, кемаларимиз
565. Яқинида ўлдиргандик — уни Ҳектор юборган экан  
 Шу қоронғу тунда бизнинг қароргоҳга айғоқчиликка».

Шундай дея бу шодмон ва такаббур зот хушвақт данайлар

- Қуршовида тулпорларни ҳайдаб ўтди зовур ортига.  
 Мардлар етиб бориб дарҳол Диомеднинг кенг чодирига
570. Бедовларни охурларга боғладилар кўн нўхта билан,  
 Диомеднинг кўп отлари бунда тотли буғдой еярди.  
 Шоҳ Одиссей кемасига олиб кетди Долоннинг қонли  
 Аслаҳасин,— ўйлаганди Афинага назр қилмоқни.  
 Сўнг икковлон чўмилдилар денгиз бориб, долғалар ичра
575. Покладилар тер ва чангдан оёқ-қўлу баданларини:  
 Вужудларин машъум тердан фориғ қилгач денгиз суви-ла  
 Ва шу зайил қалбларини тамомила тароватлашгач,  
 Икковлари ювиндилар яна силлиқ тоғораларда.  
 Улар шундай покланишиб, муаттар мой сурдилар танга.
580. Сўнг ёронлар ила базм қураarkanлар, лим-лим қадахда  
 Муаззама Афинага бол янглиғ май паймо қилдилар.

# ҮН БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

## АГАМЕМНОННИНГ ЖАСОРАТЛАРИ

Зулфизар Тонг ўқтам Тифон тўшагини тарк этган ҳамон  
Боқийлару фонийларга энг эъзозли зиё бахш этди.

Шунда Зевс Адоватни — илкига жанг нишонасини\*

Тутган бадкор даракчини,— аргосликлар томон йўллади,

5. Адоват ҳам бандаргоҳда қоқ ўртада турган Одиссей  
Кемасига келиб инди, — истарди у машъум овозин  
Бандаргоҳнинг ҳар иккала чеккасини қўриқлаб турган  
Аякснинг ҳам Ахиллнинг ҳам кемалари эшитишини.  
Шум Адоват ахейларга қараб наъра солди қудратли;
10. Сўнг ҳар бир мард қалбига у, чарчоқ билмай жанг қилсин, дея  
Жўшқин қудрат пуркадики, шу чоқ жами юнонлар учун,  
Кемаларда азиз она юртга жўнаб кетмоқликдан ҳам  
Тотли бўлиб туюлганди қон дарёси муҳорабалар.

Атрейон ҳам зўр ҳайқириб, даъват этди жами лашкарни

15. Қонли жангга бел боғлашга ва ўзи ҳам ҳарб либосини  
Кийди жадал. Энг аввало — у қудратли оёқларига  
Сердабаба зирҳ боғлади — боғичлари кумуш тўқадан.  
Шундан кейин алп кўксини тўсди машҳур бир совут билан,  
Ки бир вақтлар шоҳ Кинирас этган эди уни армуғон;
20. Зеро етиб борган эди Кипрга ҳам аргосликларнинг  
Кемаларда сузишга аҳд қилганлари Троя томон;  
Шунда шоҳга сифориш-ла у совутни қилганди туҳфа,  
Бул совутда мавжуд эди ропша-расо ўн йўл қора зоғ\*,  
Йигирма йўл оқ қалаю ўн икки йўл ялтироқ олтин;
25. Унинг икки томонидан нақ учтадан зангори илон  
Ёқагача бўй чўзиб, ёй янглиғ ҳосил қилган камалак,  
Зеро Зевс ўз бандаларин тақдирини қилганда аён,  
Булутларнинг оқ сатҳида шу йўсинда берур аломат.  
Агамемнон, банди олтин пистонлар-ла хўп безатилган
30. Зар қайишли, кумуш филоф шамширини илди елкага.  
Сўнг баҳайбат, ҳашаматли қалқонини олди қўлига:  
Теграсида ўн доира мис гардиш бор, гардиш ёқалаб  
Йигирмата ялтироқ оқ қалай тўқа ёпиштирилган;  
Қалқоннинг қоқ ўртасида дўмпайганди қора мис тўқа;

35. Горгонанинг бадважоҳат боши шунда тасвирланганди;  
Акс этганди Даҳшат ила Қочқин рамзи бош атрофида.  
Қалқоннинг кенг тасмаси соф кумушданди; тасма сатҳига  
Аждар акси солинганди бошдан-оёқ, узунасига  
Ва бу мудҳиш, зангори ранг жирканч махлуқ уч бошли эди.
40. У бошига тўрт қанотли, от ёли бор дубулга кийди,  
Дубулганинг чўққисида тебранарди мудҳиш зар жиға.  
Қўлларига мис учлари ярақлаган бир жуфт бақувват  
Найза олди, ки самода акс этарди улар шуъласи.  
Шунда Ҳера ва Паллада олтинга бой Микена шоҳи
45. Соҳибкамол Атрейзодни қутлаб, кўкда чақдилар чақмоқ.

Ҳар бир мард ўз шотирига амр этдики: жангаробага  
Тез от қўшиб, жангга тайёр турмоқ лозим зовур лабида.  
Лек ўзлари мис совутлар кийиб, қўлга яроқ-аслаҳа  
Ушлаганча шитоб билан жўнадилар пиёда ҳолда;

50. Кучли ғулув кўтарилди лашкароҳда тонг отмасданок.  
Мардлар жангга шай турдилар отлиқлардан олдинроқ бориб;  
Шундан кейин етиб келди жиловдорлар; чақмоқотар Зевс  
Қонли шабнам ёғдирдию ахейларнинг бошига шу чоқ,  
Ғулғулага солди халқни; зеро бугун кўп диловарлар
55. Жонин Аид қаърига у юбормоқчи қасд қилган эди.

Троянинг лашкари ҳам балад қирда жангга шай бўлиб,  
Бузрук Ҳектор, эл тангридек эъзозловчи Анхиззод Эней,  
Полидамас, Антенорнинг уч ўғлони: Агенор, Полиб,  
Ва тангриваш Акамаснинг атрофига бўлган эди жанм.

60. Ботир Ҳектор доираваш қалқони-ла эди олдинда  
Нажми завол\* гоҳ булутлар орасидан парпираб чиқиб,  
Гоҳо қора абр ичига кириб кўздан ғойиб бўлгандек,  
Лашкарбоши Ҳектор ҳам гоҳ олдги сафда бўларди пайдо,  
Гоҳ орқа саф орасида бўлиб зоҳир ундарди жангга;
65. Хуллас, Зевснинг чақмоғидек ярақларди у бошдан-оёқ.

Заминдор бой даласида ўрмоқ учун арпа ё буғдой  
Икки ёқдан тушиб келган ўроқчилар тўқ бошоқларни  
Бор-бор ўриб ташлаб, жадал интилгандек бир-бирларига,—  
Икки томон лашкари ҳам қисқартириб оралиқдаги

70. Масофани, бир-бири-ла жанг қиларди шафқатсизларча:  
Икки ёқ ҳам ўйламасди қўрқоқларча чекинмоқликни;  
Икки томон жаҳду жадал ила бирдек жанг қилар экан,  
Мисоли оч бўрилардек ғажитарди. Ёлғиз Адоват —  
Бул фалокат сабабчиси, — хушнуд эди ушбу қирғиндан.
75. Ки бир ўзи қатнашарди бу жанггоҳда худовандлардан.  
Қолганлари четга олиб ўзларини, Олимп тоғининг  
Ёнбағрида қад кўтарган энг нурафшон кошоналарда

Якка-якка ҳордиқ олиб ётардилар бамайлихотир.  
Ҳаммалари хафа эди булутларнинг султони Зевсдан.

80. Зеро зафар шавкатини Трояга бахш этганди у.  
Лек Олимпнинг ҳукмдори тапгрларга қилмасди парво;  
У ўзини олиб қочиб хилват ерга, мағрур ва шодон  
Қузатарди азим шаҳар Трояни, жанггоҳда жангни,  
Юношларнинг кемаларин, мис совутлар ярақлашини,  
85. Жангда қилич чопаетган ўлаётган азаматларни.

- Эрталабдан то найзага келгунича мунаввар қуёш  
Мудом тинмай икки ёқдан ёғди ўқлар, қирилди лашкар.  
Азим, йўғон дарахтларни кесавериб қўллари толган,  
Тотли таом қўмсаб, дили сал беҳузур бўлган ўтинчи
90. Салқин ерни топиб, ўзи учун тушлик пиширган чоғда,  
Аргосликлар ҳайратона ҳайқирганча, бир-бирларига  
Далда бўлиб қаттиқ куч-ла ёв сафларин ёриб кирдилар:  
Даставвал шоҳ Агамемнон ҳамла қилди ва мардлар шоҳи  
Бионорни бир зарб билан маҳв айлади, сўнг унга қўшиб
95. Жилвдорди Ойлейни ҳам ўлдирди. Чунки бул шотир  
Сакраб тушиб аробадан ташланганди Агамемнонга.  
Лек Атрейзоод пайза санчди унинг юзин олиб нишонга,  
Найза унинг салмоқли мис дубулғасин тик тешиб ўтиб  
Бошчаногин парчалади қора қонга қориб миясин, —
100. Шу тарзда у жилвдорнинг ҳамласини қилди бартараф.  
Агамемнон маҳв этилган ғабимларни тупроққа отиб,  
Ечиб олди тез уларнинг порлоқ совут-аслаҳаларин,  
Сўнг у бир жангаробада урушаётган Приамзодалар —  
Шаҳзода Из ва Антифни ўлдирмоқ-чун отилди олға;
105. Из отларни бошқарарди, жанг қиларди Антиф мардона;  
Бир замонлар Ида тоғи этагида булар қўй боқиб  
Юришганда Ахилл тутиб икковини банд этган эди,  
Кейин эса улар учун тўлов олиб озод қилганди.  
Вале ҳозир эл султони Агамемнон никоҳсиз ўғил —
110. Из кўксини ғоят узун найза ила жароҳатлади;  
Антифни жангаробадан ханжар уриб қулатди ерга.  
Шоша-пиша у ўлганлар совутини ечиб оларкан,  
Бул навжувон йигитларни мард Ахиллес ҳибса олиб  
Ида тоғдан бандаргоҳга ҳайдаб келган чоғин эслади.
115. Бадқаҳр шер шўрлик оҳу уясига бостириб кириб,  
Унинг мурғак гўдақларин шафқат қилмай ғажиганда ҳам,  
Онаизор яқин туриб, мурғакларин қутқаролмайди,  
Билъакс, ўзин қалбини ҳам машъум даҳшат солур ларзага;  
У чангалзор, қуюқ ўрмон оралаб шер бедодлигидан
120. Нола чекиб, қора терга чўмиб қочгай елдек югуриб —  
Шу сингари, шум ажалга тўқнаш келган Приамзоларга

Биропта ҳам троялик ёрдам қўлин чўзмади мутлақ;  
Йўқ, ўзлари қочардилар ёрдам бермоқ ўрнига жангдан.

- Шундан кейин Агамемнон Антимахнинг ўғиллариши —
125. Пизанр ва жангда жўшқин Хипполохни маҳв айлади  
Чол Антимах турфа ҳадя, олтину мис олганийчун Александрдан  
Кенгашларда Еленани Менелайга қайтармоқликни  
Таклиф қилган одамларга қарши чиқиб сўзларди доим.  
Шу одамнинг ўғлонларин Агамемнон тутиб олганди;
130. Улар бир жангаробада жидду жаҳд-ла жанг қилардилар;  
Икковлари ҳуркиб кетган тулпорларни бошқарётганда,  
Чиқиб кетиб қўлдан жилов, эсанкираб қолган эдилар;  
Айни шу чоғ Агамемнон шердек ҳамла қилди уларга.  
Ака-ука ёлбордилар тургапича жангаробада:
135. «Жонимизга қасд қилма, о, Атрейзода! Ки падаримиз  
Бизлар учун улкан товон тўлар сенга гар ўлдирмасанг.  
Антимахнинг қимматбаҳо буюмлари кўп бебадалдир:  
Мису олтин ва темирдан ясалган кўп антиқа моллар.  
Маълум бўлса отамизга бизнинг тирик эканлигимиз:
140. У бепазир тўлов тўлар сенинг ўзинг тилаганингча».

- Шундай шафқат сўрардилар улар шоҳдан илтижо қилиб.  
Лекин шоҳнинг ғайришафқат овозини эшитди улар:  
«Агарки сиз ёвуз ният Антимахнинг фарзандларисиз,  
Қасд олгаймен отангиздан маҳв этибон бугун сизларни —
145. Ҳа, эсимда, троялик оқсоқоллар машваратида,  
Одиссей-ла элчи бўлиб бирга борган шоҳ Менелайни  
Ўлдиришлар, деб маслаҳат берган эди ўшал нобакор!»

- Деб у кучли зарба билан Пизандрни қулатди ерга.  
Найза еб у кўкрагидан замин узра ётди чалқанча.
150. Аробадан сакраб тушган Хипполохни ҳам Агамемнон  
Шамшир пла бўйнин узиб, қўлин чопиб айлади гумдон;  
Шунда жасад мисоли бир гўла янглиг думалаб кетди.
- Сўнг қолдириб жасадларни, жанг авж олган томон юрди у  
Ва ортидан эргашдилар мис совутли далир ўғлонлар.
155. Пиёдалар маҳв этарди қочаётган пиёдаларни,  
Суворийлар — суворийни (ки отларнинг туёқ остидан  
Кўтарилган чангу тўзон буркаганди еру осмонни),  
Мис яроқлар қийратарди икки томон лашкарларини  
Вале қодир Агамемнон қочган ёвнинг ортидан қувиб,
160. Мудом янгроқ овоз билан ахейларга берарди далда.  
Машъум ёнғин чўнг ўрмонга шафқат қилмай қилганда ҳамла,  
Ҳатто азим дарахтлар ҳам қулайдилар ўт бўронидан —



- Худди шундай соҳибқирон Агамемнон дастидан қочган  
Троялик мардлар боши думаларди она заминга;
165. Аксар отлар жангтоҳ узра ахтарганча ўз суворларин  
Шалдиратиб қочардилар бўм-бўш қолган аробаларни;  
Ҳар томонда ўлиб ётган суворларни хотинларимас,  
Зоғлар кўпроқ эъзозларди бу жангтоҳда чўқиб кўзларин.
170. Лек бу маҳал сарпадар Зевс муҳофаза қилиб Ҳекторни  
Ўқдан, чангдан, қон тўкишдан, четлатганди машъум жангтоҳдан.  
Агамемнон эса бу пайт юнонларни ўз орқасидан  
Эргаштириб, ҳамон ёвни таъқиб қилиб борарди шитоб.  
Ёв қария Ил мозори ва саҳрода ўсган ёввойи  
Анжирнинг кенг соясидан тапир-туপুর чопиб ўтарди —
175. Дам ғанимат — тез шаҳарга кириб олмақ иштиёқида;  
Лек Атрейзод давом этиб ғанимларни таъқиб қилишда,  
Мудом метин билакларин бўяр эди улар қонига.  
Ёв эманга ҳамда Аксей қопқасига яқинлашганда  
Тўхтади ва орда қолган ўртоқларин кута бошлади.
180. Улар эса ярим тунда молхонага бостириб кирган  
Ваҳший шердан ҳуркиб қочган сигирлардек шаталоқ отиб,  
Кенг далада ҳар томонга тирақайлаб қочар эдилар;  
Лек улардан бири ўлим топмоғи шарт шер панжасида;  
Шер сигирнинг гарданига тишларини ботириб ғарчча,
185. Қолдирмасдан ҳатто ичак-чавағил ҳам, ютар ямламай,—  
Агамемнон ҳам шу шердек қувар эди ёвни бетўхтов  
Ки орқада қолган эрнинг қурир эди, муқаррар, шўри.  
Ёв қочаркан, кўпчилиги йиқиларди жангаробадан;  
Агамемнон найза тутиб, шундай қонли жанг қилар эди.
190. Зафар ила яқинлашгач у Троя бўсағасига,  
Боқийлару фонийларнинг падали Зевс тушиб фалакдан,  
Инди Ида чўққисига; у чақмоқлар тутиб кўлида,  
Елдек учқур, олтин қанот Иридага бир калом деди:  
«Сен, эй чаққон муждачи, уч Ҳектор сари ва айтгил унга:
195. Халқ чўбони Агамемнон лашкарини қийратётганин  
Кўрса ҳамки, ўзин тийсин ҳозирчалик жангга кирмоқдин,  
Вале даъват этаверсин ўзгаларни шафқат билмасдан  
Юнонларнинг лашкари-ла мардона жанг қилмоққа мудом.  
Лек Атрейон троялик найзасидан, ёхуд ўқидан
200. Яраланиб, жангароба томон юрган чоғ Ҳекторга мен  
Шундай қувва ато этгум, ки то қуёш ботиб заминга,  
Қудсий Зулмат ингунгача, бапдаргоҳда қийратгай ёвни»,

Қуюнмонанд Ирида ҳам Зевс амрига этди итоат:  
У Идадан қудсий шаҳар Трояга шўнғиди тўғри;

205. У ерда у суворийлар даврасида, жангаробада  
Турган бузрук Приамзода мард Ҳекторни учратди шу он;  
Ирида ҳам туриб унинг қаршисига, такаллум қилди:  
«Машваратда Зевсга монадд Приамзода Ҳектор, қулоқ ос!  
Келдим сенинг қошинга мен Зевс каломин баён этгали:  
210. Халқ чўбени Атрей ўғли лашкарининг қийратётганин  
Кўрсанг ҳамки, ўзингни тий ҳозирча сен жангга кирмоқдин,  
Вале даъват этавергил ўзгаларни шафқат билмасдан  
Юнонларнинг лашкари-ла мардона жанг қилмоққа мудом.  
Лек Атрейон Троялик найзасидан, ёхуд ўқидан  
215. Яраланиб, жангароба томон юрган заҳот, Зевс сенга  
Шундай қувва ато этгай, ки то қуёш ботиб заминга,  
Қудсий Зулмат ингунгача, бандаргоҳда қиргайсан ёвни».

Шундай дея учиб кетди қуюнмонанд Ирида орта.

220. Сакраб тушди ерга қўлда яроғи-ла қаҳрамон Ҳектор;  
У силкитиб найзаларин лашкар сафин айланар экан,  
Қўшин қалбин руҳлантирди; муҳораба авж олди яна;  
Ҷами лашкар ўгирилиб юнонларга юзма-юз турди,  
Юнонлар ҳам қарши ёқда сафларини мустаҳкамлади.  
Жанг тикланди; ёвлар яна тўқнашдилар; шоҳ Агамемнон  
225. Энг олдинда жанг қилмоқлик истаги-ла отилди олға.

О, Олимпда истиқомат қилгучи ҳур Музалар, сўзланг,  
Троянинг лашкаридан, ё шавкатли муттафиқлардан  
Қай муҳориб қарши чиқди Атрейзодга биринчи бўлиб?—

230. Майин жунли қўй-қўзилар вилояти — Фракияда  
Дунё келган Антенорзод Ифидамас — девқомат ботир.  
Ушал ерда уни гўзал Феананинг отаси Киссей —  
Чақалоқнинг бобожони боққан эди уни бешикдан.  
Вале йигит бўлганида Ифидамас ўсиб, улғайиб,  
Бобо берган эди унга ўз қизини. Лек куёв бола  
235. Тарк этганди никоҳ кўшкин жанг дарагини эшитиб қолиб;  
Угавди у Илионга ўн иккита қора кемада;  
Аммо улкан кемаларни Перкотада қолдириб, ўзи  
Лашкарини Илионга бошлаб кирган эди пиёда.  
Атрейонга элдан бурун қарши чиққан ҳозир шу эди,—  
240. Икковлари бир-бирлари сари яқин боришгандан сўнг,  
Агамемнон найза отди, лек нишонга теккизолмади.  
Ифидамас эса санчди найзасини Агамемноннинг  
Совут ости камарига ва куч ила ботирди уни.  
Ҳолбуки у тешолмади ҳашаматли камар тўқасин:  
245. Найза учи қўрғошинваши оқ кумушга тегиб қайрилди.  
Мардлар шоҳи Агамемнон, шунда найза бандидан ушлаб,  
Нақ қутурган шердек юлқиб олди уни ағёр қўлидан;  
Сўнг бўйнига қилич солиб жонин олди Ифидамаснинг.

- Шўрлик, пихол ва вафодор завжасининг васлига тўймай,  
 250. Кўрмай ҳали унинг меҳру навозишин, эркалашларин,  
 Яъники ўз саховатин натижасин (у тўёнага  
 Юзта ҳўкиз берган, яна мингта қўю эчки армуғон  
 Қилмоқчийди ўз беҳисоб сурувидан), бегона юртда  
 Дўстларининг ёнин олиб, кетган эди мангу ғафлатга.  
 255. Мана, унинг қип-яланғоч жисмин отиб жангга, Атрейзод  
 Ҳашаматли совутини олиб ўтди халқ орасидан.

- Атрейзодни кўриб қолди шу чоқ Коон — машҳур муҳориб,  
 - Антенорнинг тўнғич ўғли: у жигарин ўлиб ётганин  
 Кўрган заҳот қалбидаги талх аламдан кўзлари типди.  
 260. Найза ушлаб, у ўзини Атрейзоддан олди панага;  
 Сўнг тез ҳамла қилиб, унинг тирсагидан жароҳатлади;  
 Ялтироқ тиг тешиб ўтган эди қўлин Агамемноннинг.  
 Ки қўрқувдан бир сесканиб тушди шунда мардлар султони;  
 Лек шунда ҳам ўзин четга олмади у жангу жадалдан;  
 265. Хамла қилди у Коонга ўз устувор найзаси ила.  
 Бу пайт Коон суюк ука жасадини оёқларидан.  
 Судрар экан, дўстларини чақирарди ёрдан бермоққа,  
 Лек Атрейзод улкан қалқон панасида жасадни судраб  
 Кетаётган бул мардга мис найза санчиб, жонин олдию  
 270. Бошин чопди ётганида у инисин жасади узра.  
 Антенорнинг икки ўғли ўз қисматин ниҳоясига  
 Шу зайлда етказишиб, Аид сари эдилар рихлат,

- Илло қодир Атрейзоднинг ярасидан ҳали қайноқ қон  
 Оқар экан, троялик лашкар сафин у гоҳо найза,  
 275. Гоҳ шамшир, гоҳ харсангтош-ла қийратмоқдан тўхтамади ҳеч.  
 Аммо яра юзи қотиб, қон тўхтагач, Агамемноннинг  
 Қалбига шум изтиробли алам нишин санча бошлади.  
 Тўлғоқ тутган оналарга Зевс қизлари — Илифиялар  
 Кўз ёришин тезлатмоқ-чун ништар санчиб азоб бергандек, —  
 280. Шоҳ қалбида ҳам ниш урди шундай қаттиқ бетўхтов оғриқ.  
 Чиқиб у жангаробага, амр этаркан аробакашга  
 Ҳайдамоқни тулпорларни жадал баҳрий кемалар томон,  
 Ахейларга юзланганча қичқирди нақ момақалдироқ!  
 «О, ёронлар, данайларнинг сардорлари, доно шоҳлари!  
 285. Машҳум жангни бандаргоҳдан энди сизлар йироқлаштиринг;  
 Не иложки, Троянинг хаёнаткор лашкари билан  
 Кун ботгунча жанг қилмоққа менга имкон бермади Зевс».

- Шундай деди, — қамчи босди жиловдори ёлдор отларга;  
 Муте отлар ҳам шамолдек учди қора кемалар ёққа;  
 290. Ярадори жангдан олиб кетаётган отларнинг кўкси  
 Кўпик бўлиб, ботгандилар туёқлардан чиққан тўзонга.

Ҳектор кўриб Атрейзоднинг жанггоҳни тарк этаётганин,  
Дарҳол ўзин лашкарига далда берди янгроқ овоз-ла:

- «Трояю Ликиянинг ўғлонлари ва мард дарданлар!  
295. Бардам бўлинг дўстлар, энди жўшқин қувва соҳибидурсиз!  
Зеро энг мард юнон жангдан чиқиб кетди, Зевс эса менга  
Сарбаланд шон йўлламоқда; сиз ҳам метинтуёқ отларда  
Мутакаббир ёв устига босиб бориб, шон қучинг юксак!»
- Шул паъра-ла уйғотди у ҳар бир мардда журъат ва қувват,  
300. Бирон шерга ё қобонга тозиларин солган овчидек  
Троянинг эрларини ахейларга гиж-гижлатарди  
Қилмишлари — жонкушанда Ареймонанд қаҳрамон Ҳектор;  
Ўзи эса уммоннинг нақ қаъригача тўлқинлатгувчи  
Кучли тўфон янглиғ кирди жанг домига олдинги сафда.
305. Олимпик Зевс зафар ато этган чоғдан бошлаб Ҳекторга,  
Ким энг аввал, ким энг охир ўлим топди унинг қўлида?  
Аввал Ассей, ундан кейин Автоной ва жангари Опид.  
Клитийнинг ўғли Дилоп, Агелей ва қодир Офелтий,  
Оташ қалбли Ҳиппоноой, муҳориб Ор ва жасур Эзимн:  
310. Маҳв этганди ботир Ҳектор ушбу ахей саркардаларин  
Яна бисёр лашкарин ҳам: боди Зефир оқ булутларин  
Бир-бирига айкаштириб, боди Нотнинг шиддатнок, совуқ  
Ҳамласи-ла тилка-тилка қилганидек, чор ёқдан эсган  
Шамоллардан бетинч уммон узра мудом кўпик тўлқинлар  
315. Парчаланиб сачрардики, шу тариқа Ҳектор зарбидан  
Узиларди юнонларнинг бошлари ҳам тинимсиз чўрт-чўрт.

Машъум офат юз берарди ва, муқаррар, ахей лашкари  
Дош беролмай ёв зарбига чекинарди кемалар томон,  
Гар Одиссей Диомедни жанг майдонга ундамаганда:

320. «Нима қилиб турибмиз биз, Тидейзода, ё нутдиким  
Диловарлик шавкати? Кел буёққа, қўлдош бўл менга:  
Қолурмиз-ку исподга, гар кемаларни забт этса Ҳектор!»

Фаросатли Лаэртзодга жавоб қилди кўрқмас Диомед:  
«Менку бардош бергум албат, лек ҳаён кам марддигимиздан:

325. Зевс Троя қўшинига ён босмоқда бизлардан кўра!»

Деди у ва Фимбрейнинг қоқ кўксига найзасин санчиб,  
Қулатди жангаробадан: Лаэртзода шоҳ ҳамтовоғи  
Тангримонанд Молионнинг жонин олди. Аскарлик бурчин  
Ўтаб бўлган жасадларни улар шунда қолдирдилар-да,  
330. Лашкар сафин ёриб ўтиб, ғулгулага солдилар ёвни  
Ва тозилар таъқибидан қочаётган қобонлар бирдан

- Ўғирилиб тез орқага, қилганидек ҳамла итларга,  
Паҳлавонлар ҳам хужумга ўтдиларки, қаҳҳор Ҳекторнинг  
Таъқибидан қочаётган аргосликлар хурсанд бўлишиб,
335. Троялик лашкарларни ҳеч аямай қира кетдилар.  
Тутиб олиб Перкоталик фолчи Мерон ўғилларини,  
Найзаандоз Тидейзода шу заҳоти жангаробадан  
Қулатдию маҳв айлади улар руҳин ҳамда жисмини,  
Сўнгра ечиб олди ажиб либосларин ака-укасинг.
340. Ота рухсат бермаганди ўғилларин Троядаги  
Шум қирғинга бормоғига; лек фарзандлар тингламадилар  
Кеҳса падар ўғитларин, ки шўр экан пешоналарин.  
Шоҳ Одиссей ҳалок этди Ҳиперохни ва Ҳипподамни.  
Шунда, Ида чўққисидан жанг майдонин қузатётган Зевс
345. Икки тараф ўртасида мувозанат барпо қилдики,  
Довлашганлар бир-бирларин энди қира кетдилар бирдай.  
Найза санчди Тидейзода Пеон ўгли Агастрофга:  
Қоқ сонидан яраланган бул азамат жангаробасин  
Йўқлигидан (жиловдори нарироққа олиб кетганди)
350. Қаттиқ ғамга ботиб, ҳар ён югурарди кенг жанггоҳ узра  
Оқсоқланиб, лек ниҳоят, учиб кетди руҳи жисмидан.  
Кўриб қолиб икки мардни Ҳектор сафлар аро жанггоҳда,  
Наъра тортиб ўқдек учди ўшал ёққа: унинг ортидан  
Троялик йиғитлар ҳам эргашилди саф-саф бўлишиб.
355. Ҳулғулага тупди қалби буни кўрган Тидейзоданинг.  
Шу заҳоти юзланди у бунда турган Лаэртзодага:  
«Офат босиб келур — обдор дубулғали забардаст Ҳектор!  
Вале унинг ҳамласини даф этмоқ-чуп қолурмиз шунда!»

- Деди у, сўнг қулочкашлаб туриб узун найзасин отди.
360. Найза бориб Приамзоднинг тулпор ёлли дубулғасининг  
Чўққисига тегдию лек мисдан сачраб қайтди орқага.  
Аполлоннинг армуғони — бу уч қатли, кўз тешиги бор  
Дубулға ҳифз этган эди Приам ўғлини оқ баданини.  
Ҳектор қўшин орасига чекинди ва тиз чўкиб қолди;
365. Кўз олдлари мисли зулмат тупдек тамом қоронғулашди.  
Лек Диомед хийлагина олис жойга бориб санчилган  
Найзасини олмоқ бўлиб, у ерга то етиб боргунча, —  
Ҳектор ҳушин йиғиб олиб, тапланди жангаробасига  
Ва қўшини томон учиб шум ажалдан қутилиб қолди.
370. Мард Диомед наъра тортди найза ила қуваркан уни:  
«Яна, кўппак, сен ўлимдан қочиб қолдинг? Қодир Аполлон  
Халос этди бошинг узра чарх урган ул ажалдан сени,  
Ки сен Фебга жанг олдидан сизинмоқни қилгансан одат!  
Лек, барибир, қасдим олгум кейинги гал, ўлдириб сени,
375. Гар тангрилар орасида пушти-паноҳ топилса менга!  
Ҳозир, қувиб бошқаларни, жопин олгум қўлим етгани!»

- Деб энгашди у Пеонзод совутини ечиб олмоқ-чун,  
 Бу аснода сумбул сочли Еленанинг маҳбуби Парис  
 Дардан ўглин — бир замонлар кўп мўътабар зот ҳисобланмиш  
 380. Кекса Илнинг, — қабридаги азим қабр тоши ортида  
 Туриб олиб, халқ сардори Тидей ўглин нишонга олди;  
 У энгашиб эндигина Агастроф устига, унинг  
 Қалқонили, жимжимадор совутини, дубулғасини  
 Ечиб ола бошлаганди Александр камон чилласин,  
 385. Таранг тортиб ўқ узди ва отган ўқи кетмади зое:  
 Диомеднинг ўнг товонин тешиб ўтиб ерга қадалди.  
 Буни кўрган шодон Парис таптанавор қаҳ-қаҳ урганча  
 Пистирмадан чиқа солиб мағрурланиб деди зафардан:  
 «Яраландинг! Демак менинг отган ўқим бекор кетмади!  
 390. Жонингни ҳам олар эдим гар қорнингга теккизганимда!  
 Ана унда, сендан худди шердан ҳурккан қўзичоқлардек  
 Қўрққан аҳли Троянинг таскин топар эди сал кўнгли!»

- Саховатли Диомед ҳам жавоб қилди унга тортинмай:  
 «О, кокилдор повакандоз, о, қизларнинг шайдоси, малъун!  
 395. Гар ошкора чиққанингда рўпарамга, кўмак бермасди  
 Камонинг ҳам, дўлдай ёққан ўқларинг ҳам мутлақо сенга!  
 Халл менинг товонимни тирнаб, шунча керилмоқдасен;  
 Мен-чун бу ҳеч! Ҳатто чивин чаққандай ҳам оғригани йўқ!  
 Ки олчоқ ва ожиз эрнинг отган ўқи шундай заифдур!  
 400. Мен отган ўқ бошқачадир: унинг тиғи ағёр баданин  
 Албат тешиб ўтажак ва жонин олиб ер гишлатажак!  
 Бева қолган ёстиқдоши фарёд қилгай юзин тимдалаб,  
 Болалари уйда етим қолгай, ўзи чириб ётаркан.  
 Боши узра хотинлармас, шум қузғунлар парвона бўлгай!»

405. Шоҳ Одиссей яқин келиб, пана қилди дўстин ағёрдан:  
 Тидейзода тиз чўкди-ю, тортиб олди ўқни ярадан,  
 Шунда бутун вужудида изтиробли зирқироқ турди.  
 Дарҳол сакраб чиқиб у жангаробага, кемалар сари  
 Ҳайдамоққа фармон берди: қалби қаттиқ чекарди азоб.

410. Найзаандоз шоҳ Одиссей жанггоҳ аро қолганди ёлғиз;  
 Қўрқув жами ахейларни чор томонга тирқиратганди.  
 У хўрсиниб қўйиб, ўзин мардонавор қалбига деди:  
 «О, разолат! Оҳ не кечгай ҳолим менинг? Шарманда бўлгум  
 Гар ғанимдан кўрқиб қочсам; асир тушмоқ ундан ҳам ёмон:  
 415. Тирқиратиб юборди Зевс юнонларнинг барча лашкарин.  
 Вале нечун юрагимни изтиробга солур бу ўйлар?  
 Биламанки, фақат аблаҳ қочгай жангдан шармандаларча!  
 Аммо олийҳиммат одам, хоҳ енгсин, хоҳ уни енгсинлар,  
 Шубҳасизки, мардона жанг қилмоғи шарт чекиниш билмай!»

420. У шундайин теран ўйлар оғушида турган бир пайтда  
Троянинг қалқонбардор лашкарлари уни дафъатан  
Ҳар тарафдан қуршаб олди ўз бошига орттириб бало.  
Еш овчилар шикор чиқиб қуршаганда ваҳпий қобонни,  
Чиқиб келар у ўрмондан иршайтириб сўйлоқ тишларин;  
425. Лек овчилар, този итлар ҳайшқмай ҳеч, қилурлар ҳамла;  
Қобон эса тишларини таҳдидона тақиллатади;  
У нечоғлиқ зўр бўлмасин чекинмайди овчилар зипҳор,—  
Шу янглиғ шоҳ Одиссейга ҳам чор ёқдан трояликлар  
Ташланарди: лек Одиссей даф этарди ҳамма ҳужумни;  
430. Даставвал у Дейопитнинг елкасини жароҳатлади;  
Сўнг Фоонни ва Энномни бирип-кетин қулатди ерга,  
Херсидамга эса, у жангаробадап тушаётганда,  
Найза санчди, қалқон остин, яъни қорнин вишонга олиб;  
У заминга қуладю жонҳолатда чангаллади ер,  
435. Лаэртзода шундан кейин шавкатли мард Сокнинг иниси  
Азиз ҳамзот Ҳиппасзода Харонни ҳам ер тишлаттирди.  
Жигарига кўмаклашмоқ учун шошган тангримонанд Сок  
Шундай деди етиб келиб Лаэртзода истиқболга:  
«Шоҳ Одиссей! Ишда толмас ва найрангда беқиёс банда!  
440. Бугун ё сен маҳв этибон ака-ука Ҳиппасзодларни,  
Керилгайсан ечиб олиб бизнинг обдор совутларимиз,  
Ехуд ўзинг тошгайдурсен ажал менинг найзам зарбидан!»

- У Одиссей қалқонига қулочкашлаб урди пайзасин;  
Иқтидорли найза порлоқ қалқонни ҳам, бисёр безакли  
445. Совутни ҳам тешиб ўтиб, қадалди шоҳ қовурғасига;  
Лек Афина киритмади мард қорнига ул мис найзани.  
Лаэртзода, жароҳатин кўп хатарли эмаслигини  
Англаб бир оз чекинди-да, шундай деди Ҳиппас ўғлига:  
«Йўқ, бадбахт, сен бугун албат топгайдурсен ўз ажалингни!  
450. Йўл бермадинг бугун менинг ёвлар ила олишувимга;  
Лек барибир, юз тутмоғинг аниқ сенинг машъум ўлимга;  
Сен шу бугун, шу ердаёқ қатил бўлиб, менга шон-шуҳрат  
Ва Аидга ўз руҳингни бахш этурсан муқаррар, малъун!»

- Шундан сўнг Сок ўгирилиб орқасига қоча бошлади;  
455. Вале Лаэрт ўғли Сокнинг гарданига пайзасин санчди.  
Ки ул тигдор найза тешиб чиқди Сокнинг алп сийнасидан  
У гурсиллаб тушди ерга, қийқирворди шунда Одиссей:  
«Асов отни тизгинловчи Ҳиппаснинг о ботир ўғли, Сок!  
Бас, қисматинг ўлим экан, ундан қочиб қутилиб бўлмас!  
460. Ҳа, о бадбахт! Энди қора кўзларингни на муҳтарам  
Онажонинг, на падаринг юма олур: қонхўр қузғунлар  
Чарх уришиб бошинг узра, тилка-пора қилурлар жисминг!  
Лек мен ўлсам мард ахейлар иззат билан дафн этурлар!»

- Шундай дея соҳибкарам Лаэртзода муҳориб Сокнинг
465. Шум найзасин ўз танидан, қалқонидан суғуриб олди:  
Қон тизиллаб оқиб шу чоқ жароҳатдан, тойдирди ҳушдан,  
Одиссейнинг қонин кўрган троялик азамат эрлар  
Бақришиб, ҳаммалари отилдилар паҳлавон томон.  
Лек Одиссей наъра тортиб дўстларини чорлай бошлади.
470. Овозининг борича у уч марота ҳайқирди қаттиқ;  
Менелай ҳам эшитди уч марта унинг ҳайқирғини  
Ва ёнида турган ботир Аяксга юзланди шундай;  
«О соҳибдил Аякс, халқлар султони, о Теламонзода!  
Қулоғимга чалинмоқда Одиссейнинг янгроқ наъраси,
475. Овозидан, Троянинг йигитлари уни жанггоҳда  
Гўё қуршаб олиб, қаттиқ қийнаётган кўринадилар.  
Дўстим, жангга ёриб кириб, Одиссейни ҳифз қилайлик!  
Ёв ичра у шикастланиб қолмасайди ёлғизлик қилиб;  
Унда юнон қўшинининг бошига кўп мусибат тушгай!»
480. Деб у олға отилди тез, орқасидан тангриван Аякс.  
Салдан кейин Одиссейни кўрди улар: шоҳ теграсида  
Ёв ичра у шикастланиб қолмасайди ёлғизлик қилиб;  
Шохдор кийик атрофида оч бўрилар чарх урганидек;  
Гарчи қони қайноқ кийик оёқлари уни овчидан
485. Халос этган бўлса ҳамки, бешафқат ўқ унинг кучини  
Қирқар охир, шунда қуюқ ўрмон ичра, тоғ дарасида  
Бечорани оч бўрилар ғажийдилар хомталаш қилиб.  
Лек ғойибдан тангри шу чоқ, мудҳиш шерни қилур намоён,  
Ки бўрилар урра қочиб, шерга насиб бўлгайдур ўлжа,—
490. Мард Одиссей атрофида ҳам бир талай трояликлар  
Худди шундай изғишарди, ул мард эса ўз найзаси-ла  
Хамла қилиб, манъум дамни даф қиларди ўзидан мудом.  
Етиб келиб минорадек улкан қалқон кўтарган Аякс,  
Одиссейни пана қилди ва ёв ҳарён қочди тирқираб.
495. Соҳибкарам шоҳ Менелай Одиссейни илқидан ушлаб  
Олиб чиқди қуршовдан ва бошлаб борди жангаробага.

- Бу чоқ Аякс Дорикли — Приамнинг беникоҳ ўғлини  
Яралади: Айни пайтда Пандокни ҳам жонин олди у.  
Лизандрни, Пиразни ва Пилартларни қулатди яна.
500. Эриган қор Зевс неъматини — жала билан қовушиб, тоғдан  
Қудратли сел бўлиб тушиб дала-даштни ғарқ қилганида,  
Йўл-йўлакай қўпориб у кўҳна болут, қарағайларни,  
Пишқирганча олиб бориб отганидек денгиз қаърига,—  
Қодир Аякс ҳам ҳарёқни остин-устун қилди — отлару
505. Одамларни қийратаркан. Гофил эди лек бундан Ҳектор;  
У жанггоҳнинг чап ёнида олишарди, Аскамандрнинг  
Соҳилида; ўша ерда кўпроқ ғориб бўларди бошлар.



- Ўша ерда кекса Нестор ва паҳлавон Идоменейнинг  
Атрофида янграр эди энг жанговар наъралар кўпроқ.
510. Қодир Ҳектор ўша ерда жавлон уриб соларди даҳшат:  
Данайларни қийратарди найзаси-ла жангаробада.  
Қочмасдилар ҳам данайлар тарк этишиб жанг майдонини,  
Гар заркокил Еленанинг ёстиқдоши қаҳрамон Парис  
Паҳлавон эр Махаоннинг ўнг елкасини камон ўқи-ла
515. Жароҳатлаб, уни мажбур этмаганда жангдан чиқмоққа.  
Ишқилиб, бул машум жангда Махаонни ёв нобуд қилиб  
Қўймасин-да, деб қўрқарди жангга ташна жами данайлар.  
Шунда аввал Идоменей гап бошлади Несторга қараб:  
«О, шавкатли Нелейзода, юнон элпи улкан ғурури!
520. Тезроқ чиқ жангаробага: Махаон ҳам турсин ёнингда;  
Сўнг кемалар сари жадал ҳайда бодпо тулпорларингни.  
Ҳозир битта моҳир табиб афзалроқдир мингта ботирдан,  
Зеро ўқни тортиб олиб, жароҳатга малҳам босгай у».

- Идоменей сўзин ерда қолдирмади Нелейзода ҳам;
525. Зудлик ила чиқди у жангаробага; ҳозик ҳакимнинг  
Ўғли машҳур Махаон ҳам сакраб чиқди унинг ортидан.  
Қамчи босди чол отларга — улар елдек учди кемалар  
Турган ерга, ки икковин истаги ҳам шу эди айнан.

- Бу он Ҳектор билан бир жангаробада жанг қилаётган
530. Мард Кебрион лашкар аро ғулув кўриб шундай сўз айтди:  
«Ога! Қара, не фалокат! Биз жанггоҳнинг бу чеккасида  
Данайларни қиряпмизу, қўшишимиз саросимага  
Тушиб қолган у томонда: айқаш-уйқаш лашкару отлар.  
Бу — паҳлавон Аякс иши; бир қарашда танидим уни
535. Елкасига илиб олган минорадек чўнг қалқонидан.  
Кел, биз ҳам жангаробани ўшал ёққа йўналтирайлик;  
Отлиқлару пиёдалар тўқнашибон унда, қаҳр ила  
Бир-бирларин қирмоқдалар, фарёдлари етиб самога!»

- Деб Кебрион майин ёлли тулпорларга қамчи босдики,
540. Муте отлар жанггоҳ аро аробани учириб кетди  
Босиб-янчиб жасадлару қалқонлару дубулғаларни:  
Аробанинг мис ўқи ҳам, устидаги тутқичлари ҳам  
Ғилдираклар ва отларнинг туёқлари сачратган қовдан  
Бўялганди ол ранггаки, Приамзода ганим ичига
545. Ёриб кириб барин қириб ташламоққа шошарди шундай!  
Данайларни доводиратиб қўйганди у ўз найзаси-ла.  
Юнонларнинг яна ўзга сафларин ҳам тинч қўймади у  
Маҳв этаркан найза, шамшир, харсангтошлар билан уларни;  
Лек Аякс-ла олишмоқдан ўзин олиб қочарди мудом;
550. Зеро Зевснинг қаҳри келур эди ул мард ила жанг қилса.

- Парвардигор Зевс гулгула солди Аякс қалбига шу он:  
 У «тақ» тўхтаб, етти қатли қалқонини илди орқага  
 Ва ҳуркиган ҳайвон янглиг олазарак бўлиб ҳарёққа,  
 Ёв оралаб орқасига тисарилди хижолат бўлиб.
555. Ёслатарди у ҳўкизлар қўтонидан қопоғон итлар  
 Ва деҳқонлар томонидан даф қилинган мағрур арслонни:  
 Подачилар туни бўйи қўриқлашур оғилхонани  
 Лек гўштга суқ шер, тап тортмай ҳеч нарсадан, келаверади.  
 Аммо зое кетур унинг ҳаракати: зеро соқчилар
560. Камондан ўқ ёғдиурлар машғалалар отурлар тинмай;  
 Бу мардона қаршилиқдан бадқаҳр шер ларзага келиб  
 Тонг ёриша бошлаганда чекинади ортга ноумид,—  
 Худди шундай руҳи тушиб чекинганди дарғазаб Аякс;  
 Зероки у хавотирда эди ахей кемаларидан.
565. Экинзорга кирган эшак у ердаги қулф уриб ўсган  
 Экинларни пайҳон қилиб ўтлар экан бамайлихотир,  
 Ўраб олган болаларнинг ожизона калтакларини  
 Ҳаргиз парво қилмайдикки, фақат қорни тўйгандагина  
 Уни ҳайдаб чиқарурлар зўру базўр зироатзордан,—
570. Теламоннинг ўғли буюк Аяксни ҳам трояликлар  
 Ва беҳисоб муттафиқлар жидду жаҳд-ла жанг майдонидан  
 Қувардилар шундай, улкан қалқонига найза ёғдириб.  
 Ул мард эса гоҳо ўзи ўгирилиб ғаним томонга,  
 Ўз қуввасин ишга солар, троялик суворийларга
575. Ҳамла қилиб тириқтирар ва гоҳида ўзи қочарди.  
 Лек барибир тўсган эди ёв йўлини кемалар томон;  
 Кўпинча у икки қўшин орасида жанг қилар эди,  
 Ёи отилган найзаларнинг кўпи унинг оқ баданига  
 Етиб бормай, етти қатлам қалқонига санчилар эди,
580. Вале аксар мис найзалар қадаларди тушиб заминга.

- Найза дўли остида танг қолган ботир Аяксни шу чоқ  
 Кўриб қолди Эвемоннинг шонли ўғли сардор Эврипил;  
 Дўсти томон отилди у ва ялтироқ найзасин отиб,  
 Яраледи мард муҳориб Фавзода Аписаонни —
585. Найза унинг қоқ жигарин тешиб ўтиб, тизларин букди,  
 Шунда мағлуб совутини ечмоқ учун югурди ботир.  
 Эврипилнинг бул қилмишин кўриб қолган тангриваш Парис  
 Дарҳол камон чилласини таранг тортиб нишонга олди  
 Ва қанотли ўқи билан яраледи унинг ўнг сонин —
590. Ўқнинг банди синиб қолиб, ҳолсизланди марднинг оёғи.  
 У ўлимдан қочиб, тезроқ ўз лашкари томон чекинди;  
 Данайларга қарата у наъра тортди ҳайқирганича:  
 «О, ёронлар, юнонларнинг доно шоҳу саркардалари!  
 Троялик лашкар ила сиз юзма-юз турингу тезроқ
595. Соқит қилинг шум ажални ул муҳориб Аякс, бошидан;

Ўқ ёмғири остида у саранг бўлиб қолган чамамда,  
Унинг ўзи ожиз эрур қутилмоққа бу мушкулотдан!  
Дўстлар, ёвга юзланинглр Аякс учун, шаънимиз учун!»

- Яраланган Эврипилни дарҳол ўраб олди данайлар,  
600. Қалқон тутиб, найзаларин ўқталдилар ағёрга қараб;  
Аякс ҳам етиб келди бу даврага бешикаст, омон  
Ва ўгириб юзин ёвга, найзасини ўқталди у ҳам.  
Муҳориблар жанг қиларди гуриллашиб мисли ёнғиндек.

- Бу аснода чопавериб кўпик бўлган Нелей отлари  
605. Нестор ила Махаонни жанг домидан олиб қочарди.  
Ўз кемаси қуйруғида туриб, ахей лашкарларининг  
Оғир жангин ва жанггоҳдан қочётганин кузатиб турган  
Шоҳ Ахиллес кўриб қолиб қарияни, таниди дарров.  
Чақирди у азиз дўсти Патроклни кемадан туриб.  
610. Патрокл ҳам Ахиллеснинг янгроқ сасин эшитиб, дарҳол  
Чодиридан чиқдики,— бу фалокатнинг ибтидосийди.\*  
Савол берди Ахиллесга саховатли Менетийзода:  
«Нечун мени чақиргандинг, о, Ахиллес, не буюрурсан?»

- Чаққоноёқ Ахиллес ҳам унга жавоб айлади бундай:  
615. «О, ҳимматли Менетийзод, азиз дўстим, қалбим ғурури!  
Келса керак ахей халқи тизим қучмоқ учун ҳадемай;  
Пичоқ бориб устихонига қадалганга ўхшайди, кўрсам.  
Сен, Менетий ўғли, тезроқ бориб сўра Нелейзодадан,  
Ўзи олиб кетаётган ярадор мард ким бўлди экан?  
620. Орқасидан худди ботир Махаонга ўхшаб кетмоқда;  
Лек юзини кўролмадим: отлар елдек учиб ўтдилар.»

Шу заҳоти Патрокл ҳам қулоқ осиб дўст каломига.  
Чопа кетди баҳрий кема ва чодирлар ёқалаб жадал.

- Бу орада икки ботир етди Нестор оромгоҳига;  
625. Тушдилар жангаробадан саховатли заминга улар;  
Чол чоқари — Эвримидон аробадан чиқариб олди  
Тулпорларни; мардлар эса, кўйлакчан юз тутиб шамолга,  
Терларини қотирдилар туриб теран уммон бўйида;  
Сўнг чодирга кириб, момик курсиларга чўкдилар улар.  
630. Жингалак соч Ҳекамеда улар учун май тайёрлари,  
Ки Ахиллес Тенедосни забт этганда, ахей лашкари  
Машваратда қиёси йўқ Несторга бул Арсеной қизин  
Тухфа этиб берган эди. Утирганлар олдига аввал  
Ҳекамеда кўп антиқа курси қўйди — оёғи қора;  
635. Сўнг курсига мис товоқда газак учун лаззатли пиёз,  
Олтинранг бол ва муқаддас арпа уни келтириб қўйди;

- Яна олтин миҳлар ила парчинланган гўзал қадаҳлар —  
 Нелейзода ўз уйидан олиб келган эди уларни;  
 Қадаҳнинг тўрт банди бўлиб, ҳар бирида икки кабутар
640. Олтин донлар чўқийётган вазиятда тасвирланганди:  
 Зилдай оғир бул қадаҳнинг қўш оёғи бор эди тубда.  
 Ки май ила тўлдирилган ҳолда уни қўлга кўтармоқ  
 Душвор эди — осон эмас эди бу иш ҳамма учун ҳам;  
 Лек Пилослик Нестор уни осонгина қўлга оларди.
645. Маъбудаваши Ҳекамеда шул қадаҳда омихта қилди  
 Прамнидан келтирилган майни\* ҳамда эчки пишлогин  
 Мис қирғичда қириб, оппоқ арпа уни сепди устидан.  
 Ҳекамеда соҳибларни шул шаробга таклиф қилганди.  
 Саркардалар шароб ичиб қондиришгач чаңқоқларини,
650. Чаңчақлашиб ўтирдилар суҳбат қуриб, ҳордиқ чиқариб.

- Шу чоқ бирдан бўсағада зоҳир бўлди тангриваш Патрокл.  
 Нестор уни кўрган ҳамон ҳашаматли курсидан турди  
 Ва меҳмоннинг илкин олиб жой кўрсатди ораларидан;  
 Лек бош тортиб ўтиришдан шундай жавоб қилди у чолга:
655. «Ўтиришнинг пайти эмас, — зўрламагил, илоҳий Нестор.  
 Жанг майдондан кимни олиб чиққанингни билгани, мени  
 Юборган зот ғоят бузрук вале ўта дарғазаб эрур.  
 Энди ўзим ҳам кўрияшман — халқ сардори Махаон экан.  
 Хўп, мен тезроқ қайтай бун Ахиллесга хабар қилгали.
660. Ўзинг яхши биласан, у ғоят тажанг, жаҳли тез одам:  
 Ҳеч гап эмас унинг учун бегуноҳни гуноҳкор қилмоқ».

- Херения шаҳсувори унга дарҳол жавоб айлади:  
 «Нечун энди шоҳ Ахиллес ёв ўқидан жароҳатланган  
 Юнонларнинг ташвишини қилиб қолди? У лашкаримиз
665. Бошига не мусибатлар тушганидан беҳабарми ё?  
 Жанг майдонда ганимларнинг найзасидан ё камонидан  
 Нобуд бўлиб ётиптилар энг диловар йигитларимиз!  
 Яраланди мард саркарда Тидейзода қодир Диомед.  
 Одиссей ҳам яраланган, Атрейзода Агамемнон ҳам.
670. Елкасидан яраланган бул мардни ҳам ҳозир жанггоҳдан  
 Аранг олиб чиқдим ўзим. Лек қалъалар фотиҳи Ахилл,—  
 Қодир Ахилл ахейларнинг ганим эмас, шафқат ҳам қилмас!  
 Эҳтимол у, бу бесамар муҳораба ниҳоясида  
 Ахейларнинг мағлуб келиб, Ҳеллеспонтнинг қирғоғидаги
675. Кемаларни ёв томондан ёндирилиб юборилмоғин  
 Ва бизларнинг тамом ҳалок бўлмоғимиз кутиб ётгандир?  
 Қариб қолдим, мушақларим жўштирган куч қолмади энди!  
 Қани эди, яна йигит бўлиб қолсам қадимдагидек —  
 Пода-пода молимизни ҳайдаб кетган элидаликлар
680. Ила бизлар ўша пайтда қолган эдик қаттиқ довлашиб;

- Шунда бир кун Ҳипирохнинг қодир ўгли Итимонейни —  
 Зпроатзор Элидада яйраб-яшнаб ўсган ботирни  
 Маҳв этгандим мен ва жами подаларин тортиб олгандим;  
 У чорвасин ҳифз қилиб бўлган эди ҳалок пайзамдан;  
 Шунда ҳарён қочган эди кўрқиб кетган қишлоқ лашкари,  
 Туман-туман ўлжа ҳайдаб келган эдик биз Элидадан;  
 Эллик сурув қўю қўзи ва қорамол подаси шунча.  
 Яна шунча чўчқалару ундан ҳам кўп эчки подаси,  
 Яна йилқи уюрлари: юз элликта саман биялар
690. Ва уларнинг кўпчилигин ёнида шўх, жажжи тойчоқлар.  
 Бизлар бутун ғаниматни ҳайдаб кирдик тунда Пилосга;  
 Ёш ўглининг жангдан шунча мўл ғанимат ила қайтганин  
 Кўрган бузрук падаримнинг кўтарилди кўнгли тоғ мисол  
 Эртаси кун, тонг отган чоқ жарчилар жар солиб, муқаддас
695. Элидадан оласи бор Пилос аҳлин йиғдилар жадал.  
 Сўнг ўртада ғаниматни бўлашдилар ҳукмдор эрлар  
 (Кўшимиздан қарзларини узолмади мағлуб эпейлар;  
 Зеро улар Пилос юртин маҳв этганда бизлар оз қолиб,  
 Бошимизга кўп машаққат солган эди ботир Ҳеракл\*.
700. Шаҳримизни муҳофаза қилган мардлар бўлганди нобуд.  
 Шоҳ Нелайнинг ўн иккита мард ўғлони бўлиб шулардан  
 Мен қолгандим фақат: қатил бўлган эди жамики оғам!  
 Шу сабабли, мис совутли эпей аҳли итдек қутуриб,  
 Бизни таҳқир қилган эди шумлик ила ёвузлик ила).
705. Музд сифатда пода-пода қора молу сурув-сурув қўй  
 Олди отам, ҳам уларга уч юз нафар чўпон ёллади;  
 Ён муқаддас Элидадан отамнинг ҳам борди оласи;  
 У, пойгада қатнашмоқ-чун юборганди бир жангароба,  
 Тўрт улоқчи музаффар от, совринига — олтин сепоя,
710. Авгий эса сурбетларча тортиб олиб уларнинг барин,  
 Суворийни саройидан ҳайдаганди шармандаларча.  
 Ҳукмфармо Авгийнинг бул рафторидан ранжиган Нелей  
 Энди кўп музд олган эди; қолган моллар ҳам эл аро тенг  
 Бўлишдики, ҳеч бир кас бу тақсимотда камситилмади.
715. Жами ўлжа тақсимланиб бўлгач, Нелей шаҳрининг ҳамма  
 Гўшасида худоларга қурбонликлар қилинди бисёр.  
 Лек учинчи кун саҳарда мис совутли ғанимлар бутун  
 Кучин тўплаб, босиб келди шаҳримизга учқур отларда;  
 Ҳарб шишага ношуд икки Молион ҳам келганди бирга.
720. Қумлоқ Пилос чеккасида, йироқ Алфей соҳилида бир  
 Чўнг қояли шаҳар борки, унинг оти — Фриоесса.  
 Шул шаҳарни ғорат қилмоқ ниятида қуршаб олди ёв.  
 У шаҳарнинг ташидаги кенг майдондан ўтаётганда,  
 Афиняя оғоҳ қилди бизни, тунда Олимпдан тушиб.
725. У пилослик энг диловар йигитларни шайлади жангга.  
 Лек падарим, ҳали ёшсан, ҳарб ишида пишмагансан, деб

- Мени жангга юбормади ва яширди жангаробамни.  
 Мен пиёда жанг қилиб ҳам шуҳрат қучдим отлиқлар аро;  
 Зеро жангда бўлган эди Афинанинг ўзи мададлик.
730. Аренининг яқинида шўх денгизга қуйиладиган  
 Минеиенос дарёси бор: биз отлиқлар табаррук тонгни  
 Шунда кутдик, бирин-кетин келаверди пиёдалар ҳам.  
 Шу манзилдан туш чоғида қуроолланган ҳолда баримиз  
 Равон бўлдик тўпланишиб ул муқаддас Алфей бўйига.
735. У ерда биз қодир Зевсга бағишладик нажиб қурбонлик,  
 Посейдошга ва Алфейга атаб икки танача сўйдик;  
 Қон чиқардик наслдор бир говмуш сўйиб Афина учун.  
 Шундан кейин шомлик қилди жами лашкар тўп-тўп бўлишиб;  
 Сўнгра бизлар қўлда қурол билан ётиб соҳил бўйига,
740. Ухлаб кетдик; лек шаҳарни муҳосара қилган эпейлар  
 Уни вайрон қилмоққа шай турардилар тишларин қайраб.  
 Илло ҳали ёв олдида турар эди Ареона иш.  
 Ҳадсиз замин узра офтоб бош кўтариб зиё сочган он,  
 Биз ҳужумга ўтдик дарҳол Афина ва Зевс паноҳида.
745. Пилосликлар эпейлар-ла жанг бошлаган ҳамон, даставвал  
 Мен маҳв этиб мард Мулейни, тортиб олдим учқур отларин;  
 У Авгийнинг куёвйиди — тўнғич қизи Агамеданинг  
 Эри эди: ки зулфизар Агамеда рўйи заминда  
 Мавжуд жами гиёҳларни билар эди муолажабоп.
750. Мис найзам-ла маҳв этдим ҳамла қилган шул муҳорибни;  
 У тупроққа қулади-ю мен унинг жангаробасига  
 Чиқиб олиб, бедовларин жанг қайнаган ер томон сурдим.  
 Шунда мағрур эпейлар ўз саркардаси — диловар эрнинг  
 Ўлганини кўриб, қоча бошладилар бир-бирин қувиб.
755. Мен қочётган ғанимларга ҳамла қилдим қора қуюндек;  
 Забт этдим жангаробадан элликтасин, ҳар аробада  
 Иккитадан муҳорибни ер тишлатдим найзам зарби-ла,  
 Ҳа, маҳв этган бўлардим мен икки эгиз Молионни ҳам,  
 Гар заминни тебратгувчи\* қодир падар қора булутга
760. Буркаб, жангдан олиб қочиб кетмаганда икковларини.  
 Зевс Пилоснинг мардларига бахш этганди ҳам зафар, ҳам шон  
 Биз Алезий тепалиги, Оления қояси бор буғдойзор ўлка —  
 Вупрасийга қадар ёвни от учириб қувар эканмиз,  
 Йўл-йўлакай мис найзадан ўтказардик кўп ағёрларни
765. Ва шошплинч совутларин ечиб олар эдик уларнинг.  
 Шу манзилда, ортга қайтинг, деб амр этди Афина бизга.  
 Шу ерда мен сўнги марта маҳв айладим яна бир ёвни;  
 Сўнг ахейлар яна ортга — Пилос сари арғумоқларин  
 Бурар экан, ҳаммалари тангрилардан Кронзодаю
770. Бандалардан каминага — Нелейзодга ҳамд ўқидилар.  
 Бир замонлар эрлар билан беллашгандим шундай мардона!  
 Ахилл эса ҳар жасорат кўрсатганда ўйлайди ўзин!

- Лек аминман, биз қирилиб кетсак, ўзи қайғулар қаттиқ!
775. Дўстим Патрокл, Фтиядан Атрейвода лашкаргоҳига  
Юборганда пок падаринг, сенга ўғит қилмаганмиди?  
Ўшанда биз Одиссей-ла эдик Пелей кошонасида  
Ва падаринг айтган жами каломларни эшитган эдик.  
Пелейнинг бул кўп муҳташам даргоҳига бормоқдан мақсад —  
— Баракатли ахей ерин кезиб, жангга қўшин тўшлардик,
780. Шу бондан, унда отанг Менетийни учратган эдик;  
Уйда сен ҳам, шоҳ Ахиллес ҳам бор эди, чол Пелей бўлса,  
Куйдиранди қодир Зевсга атаб молнинг семиз нимтасин;  
У ҳовлида туриб, олранг шароб тўла олтин қадаҳдан  
Май қуярди қурбонлик гўшт қуяётган муқаддас ўтга;
785. Гўшт нимталар эдингиз сиз; Мен ила шоҳ Одиссей икков  
Туриб қолдик остонада; Бизга кўзи тушган Ахиллес  
Таажжуб-ла пешвоз келиб, ўз кўшига бошлаган эди  
Ва эъвозлаб кўп анвои неъматлар-ла қилганди меҳмон.  
Тановулдан кейин, мен сўз олиб сизни муҳорабага
790. Бормоқликка даъват эта бошлагандим ўзимиз билан;  
Сизлар рози бўлгандингиз, оталар ҳам қилганди ўғит.  
Кекса Пелей Ахиллесга, жасоратда устувор бўлгил,  
Мудом мардлик кўрсатмоққа урин, дея қилганди ўғит.  
Саховатли отанг эса қилган эди шундай насиҳат;
795. — Ўғлим! Гарчи Ахилл сендан нажибликда юксак турса ҳам,  
Еш жиҳатдан сен каттасан, қудратлироқ вале у сендан;  
Унга дово ва дўстона маслаҳат-ла йўл-йўриқ кўрсат;  
У ҳамиша эзгу гапга қулоқ осур, итоат этур. —  
Кекса отанг шундай ўғит қилган эди, сен унутибсан.
800. Ҳеч бўлмаса, журъат этиб энди гапинг уқдир Ахиллга, —  
Ёки қулоқ осмасмикин? Шояд тангрим мадади ила  
Унинг кўнглин эритсанг сен! Дўст каломин қувваси зўрдир.  
Ўртаётган бўлса қалбин бирон хабар ғойибдан келган,  
Ё бирон Зевс башоратин онасидан эшитган бўлса, —
805. Жангга сени йўлласин у сардор этиб мирмидонларга;  
Данайларни халос этмоқ сенга насиб этгандир балки.  
Ўз шавкатли яроқларин балки сенга берар Ахиллес;  
Троялик лашкар сени Ахиллес деб ўйлаб, эҳтимол  
Жангдан тўхтар; шунда бизнинг қўшинимиз оз вақт бўлса ҳам
810. Ҳордиқ олур; ки жанг аро кўндир нафи бундай ҳордиқнинг.  
Сизлар янги куч-ла ёвни бандаргоҳдан ва қароргоҳдан  
Осонгина улоқтириб ташлайсиз то Троягача».

- Шундай деб у жўш урдирди Патроклининг кўксида қалбин.  
У бандаргоҳ бўйлаб, Эак набирасин қошига учди;
815. Лек етганда у тангриваш Одиссейнинг кемаларига,  
Бу ердаги маъракагоҳ кенг майдоннинг ҳамма ерида  
Кўриб қолди маъбудлар-чун ўрнатилган меҳробларни у.

- Шу ерда у яраланган Эврипилга рўбарў келди;  
 Камон ўқи санчилганди Эвемоннинг ўғли сонига.
820. У жанггоҳдан оқсоқланиб келар эди; жароҳатидан  
 Тинмай қора қон оқарди, бошдан-оёқ чўмганди терга;  
 Вале ғоят тетик эди унинг руҳи. Бу ҳолни кўрган  
 Саховатли Патроклнинг раҳми келди ул паҳлавонга  
 Ва шундай дил сўзларини изҳор қилди юзланиб унга:
825. «О, юноннинг бахтиқаро сардорлари, ҳукмдорлари!  
 Наҳот азиз она юртдан, аҳбоблардан олис бу элда  
 Пок жисмингиз Иليونнинг итларига ем бўлса? Ҳайҳот!  
 Сўйла менга, хабар бергил о, диловар Зевс арзандаси.  
 Ҳамон бардош бермоқдами қўшинимиз Ҳектор зарбига?»
830. Ёхуд унинг яроғидан қирилурми жароҳатланиб?»

- Жавоб қилди унга дарҳол Эвемонзод доно Эврпил:  
 «О, ҳимматли Менетийзод, йўқдир қўшин учун ҳеч нажот!  
 Ҳадемай у қочиб келур бандаргоҳга — кемалар сари!  
 Жами лашкар троялик найзасидан жароҳатланиб
835. Ёхуд ўлиб жанггоҳ узра ётур қора қонига ботиб,  
 Мутакаббир ёв қудрати борган сари ошмоқда чандон;  
 Кел, менга сен кўмаклашвор кузатиб қўй то кемамгача;  
 Камон ўқин кесиб олғил, илиқ сув-ла қонимни ювгил.

- Сўнгра қилиб муолажа, қўй шифобахш малҳам ярамга;
840. Дейдиларки, бул касбни сен Ахиллдан ўрганганмишсен,  
 Ахиллеса, ўргатганмиш табибликни кентавр Ҳирон.  
 Энди келсак шифокорлар: Подалирий ва Махаонга,  
 Кейингисн, чамамда, жанг майдонида ҳозир ҳақимга  
 Муҳтож бўлиб, жуда оғир яраланиб ётибди беҳуш;
845. Подалирий эса ҳамон жангда жавлон урур мардона».

- Яна унга жавоб қилди саховатли Менетийзода:  
 «Не-ла тугар экан бу иш? Қандай талбир кўрайлик, дўстим?  
 Шошмоқдамен мен қаҳрамон Ахиллеснинг қароргоҳига —  
 Етказгали ахейларнинг бузруквори Нестор каломни.
850. Вале сени, о, Эврпил, бу аҳволда кетмайман ташлаб».

- Дея, унинг қўлтиғидан олиб чодир сари бошлади;  
 Соҳибини кўриб маҳрам, момик тери тўшади ерга.  
 Шул тўшакка ётқиздилар паҳлавонни, Патрокл эса  
 Жароҳатни пичоқ ила кесиб, ўқнинг мис учин олди,
855. Сўнг қонини илиқ сувда ювиб, унга шифобахш, лек талх  
 Дори сенди, шу заҳоти симилловчи оғриқ ҳам қолди;  
 Салдан кейин қон ҳам тўхтаб, қўтир бўлди жароҳат юзи.



# ЎН ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

## ДЕВОР ПОЙИДАГИ ЖАНГ

- Саховатли Менетғйзод Эврипилнинг кенг мақомида  
Шу тариқа даволарди муҳорибни; жанг авж оларди:  
Жон олиб, жон бериб ёв-ла жанг қиларди жами данайлар;  
На зовуру на мустаҳкам юксак девор чўнг кемаларни
5. Ва лашкарни ҳифз қила олур эди энди агёрдан;  
Ки данайлар қурбонликка ҳекатомба атамаган ҳам,  
Соҳилдаги кемалару ўлжаларни паноҳингизда  
Асранг, дея тангриларга муножот ҳам қилмагандилар.  
Боқийларнинг хоҳишисиз тикланганди бул метин девор.
  10. Шу боис у узоқ фурсат турмаганди рўйи заминда:  
Ҳектор тирик, Ахиллес ҳам ғазабидан тушмаган экан,  
Ҳали горат қилинмай, қад кўтарганкан Приам шаҳри,  
Данайларнинг бул девори тураверди мағрур, безиён.  
Вале жангда нобуд бўлгач Троянинг қаҳрамонлари,
  15. Юнонлар ҳам ҳалок бўлиб, айримлари жон сақлаб қолгач,  
Шу қолганлар Илионни машъум жангнинг ўнинчи йили  
Вайрон айлаб, жўнаб кетгач она юртга кемаларида, —  
Посейдон ва Феб иккови келишишиб, Ида тоғидан  
Жўшқин денгиз томон оқиб тушаётган жами дарёлар
  20. Қувваси-ла кўзладилар чўнг деворни вайрон қилмоқни:  
Рез, Ҳептапор, Карез, Эзип, шўх Родий ва Граник наҳрин,  
Соҳилида сон-саноқсиз қалқонлару обдор дубулға  
Соҳиблари, ярим тангри ҳисобланмиш не-не ботирлар  
Ҳалок бўлган қудсий дарё Аскамандр ва Симоисни —
  25. Шулар барин Феб қудратли бир оқимга айлантирганча  
Бир кам ўн кун йўналтирди эртаю-кеч девор пойига;  
Бу аснода, девор тезроқ ғарқ бўлсин, деб гирдоб қаърида  
Бузрук падар Зевс дамодам шаррос ёмғир ёғдириб турди.  
Зилзилакор Посейдоннинг ўзи ушлаб уч шохли асо,
  30. Ҳалокаткаш оқимга йўл очиб борар экан, деворнинг  
Замирига зарба уриб, юнонлар не машаққат ила  
Тиклаган тош, ходаларни ҳар томонга отиб ташлади;  
У жамики истеҳкомни яксон қилди бошидан охир;  
Деворни у вайрон этгач, кенг соҳилга яна қум сецди
  35. Ва жамики дарёларни солди яна ўз ўзанига.

- Шу ишни аҳд қилгандилар келажакда Посейдон ва Феб.  
 Ҳозир эса истеҳкомнинг пойида жанг борарди қизгин,  
 Қулаётган мипоранинг харилари синарди қарс-қурс.  
 Зевс қаҳрига дучор бўлган, мард Ҳекторнинг чўнг қудратидан
40. Қўрқиб девор панасига қочган барча юнон лашкари  
 Кемаларнинг қошидаги лашкаргоҳда уймалашарди.  
 Ҳектор эса мудом даҳшат солар эди мисли қуюндек,  
 Овчилару този итлар қуршовига тушиб қолган шер  
 Ёки қобон кўзларидан ўтлар сочиб ҳарён ташланур;
45. Лек елкама-елка туриб девор ҳосил қилган овчилар  
 Чор атрофдан мис найзалар ёғдирурлар ҳайвон бошига;  
 Аммо ҳайвон қўрқмайди ҳеч: қочмайди, у қалтирамайди;  
 Оқибат, шул жасурлиги ўз бошига етади унинг;  
 Ҳамла қилур у ҳар томон синамоқ-чун овчилар сафин,
50. Лек қай томон ташланса у, чекилади овчилар сафи;  
 Мард Ҳектор ҳам ўз лашкари олдида нақ бўрондек елиб  
 Борар экан, амр этарди тик зовурга от солмоқликни,  
 Вале олов отлар ҳуркар: теран зовур лабида тўхтаб,  
 Оёқларин кўтарароқ, кўз олайтиб пишқирардилар;
55. Улкан зовур чўчитарди, ки у сакраб ўтмоқ учун кенг,  
 Тушиб чиқмоқ эса мутлақ душвор эди бу теран ғовга:  
 Унинг икки чети ҳам тик кесиб тушган — эмасди нишоб;  
 Зовур бўйлаб тароқдек зич қадалганди учли оғочлар.  
 Ахейлар бу истеҳкомни ўзларини мағрур ғанимдан
60. Муҳофаза қилмоқ учун шундай пухта ишлагандирлар.  
 От қўшилган қушдай енгил жангароба тушолмас унга;  
 Бироқ ботир пиёдалар шайландилар ундан ўтмоққа.  
 Айни шу чоқ Полидамас мард Ҳекторга ҳайқириб деди:  
 «Ҳектор, сиз ҳам, троялик ва муттафиқ лашкарбошилар!
65. Хомхаёлдир бу зовурдан олиб ўтмоқ аробаларни.  
 Унинг икки қирғоғига зич қоziқлар қоқилгандурким,  
 Босиб ўтмоқ мушкул уни: ғов орқаси — мустаҳкам девор.  
 Отлиқлар-чун бу зовурга тушмоқ ҳам, жанг қилмоқ ҳам маҳол;  
 Ки у ғоят тор, у ерда биз ҳаммамиз нобуд бўлурмиз.
70. Агарки Зевс ахейларга тамомила қирон келтирмоқ  
 Ва Троя ўғлонларин фалокатдан халос этмоқлик  
 Ниятидан ҳанузгача қайтмаганкан, истардимки мен,  
 Бу ният тез юз берсину ахей аҳли битта ҳам қолмай,  
 Хору расво бўлиб ўлсин Эллададан олис бу ерда!
75. Гар бордию бандаргоҳдан улар қарши ҳужумга ўтиб,  
 Улоқтириб ташласалар бизни теран зовур тубига,—  
 Аминманки, ахейларнинг бизга берган шу зарбидан сўнг  
 Ҳеч ким қолмас жанг ҳақида Трояга хабар элтувчи.  
 Дўстлар, тинглаб маслаҳатим амал қилинг барингиз унга;
80. Отларни биз қолдирайлик шотирларга зовур лабида,  
 Сўнг ўзимиз совут кийиб, қўлда қурол билан пиёда

Мард Ҳектор бош ташланайлик ёвга, бўлиб бир жопу бир тан;  
Қисмати талх юнон аҳли ҳаммамизни даф эта олмас».

- Полидамас маслаҳатин Приамзода эътироф қилиб,  
85. Тез заминга тушди яроқ-силоҳи-ла жангаробадан.  
Ўзгалар ҳам барҳам бериб майдон аро от ўйнатмоққа,  
Мард Ҳектордан ибрат олиб жадал сакраб тушдилар ерга.  
Саркардалар отларни бир сафга тизиб зовур лабида,  
Урушга шай туринглар, деб амр этдилар шотирларига.  
90. Сўнгра жами лашкар бешта гўж гуруҳга билинди-ю тез,  
Бирдан ҳужум бошлаворди саркардалар бошчилигида.

- Ҳектор ила Полидамас, тезроқ яксон айлаб деворни,  
Ёв-ла унинг кемалари қаршисида гоят бешафқат  
Жанг қилмоққа бел боғлаган ботирлардан уюштирилган  
95. Энг биринчи, энг диловар тўдага бош бўлган эдилар.  
Кебрион ҳам сардор эди шу тўдада. Ундан заифроқ  
Жилвдорни жасур Ҳектор қолдирганди отлар олдида.  
Иккинчига — Алкафою Агенор ва Парис бош бўлди;  
Приамзодлар: соҳиббазар Ҳелен, машҳур ботир Деифоб  
100. Ҳамда қўрқмас Азий бошлаб борди жангга учинчисини;  
Ҳиртак ўғли — Азий олис Селлиеснинг соҳилидаги  
Арисбадан келган эди Трояга бедов отларда.  
Сўнг, тўртинчи жамоага саховатли Анхизинг ўғли  
Машҳур Эней ҳамда моҳир муҳориблар — Антенорзодлар:  
105. Троялик Акамас ва Архелохлар бошчилик қилди.  
Лек Сарпедон ёнга олиб Главк ила Астеропейни,  
Муттафиқлар лашкарини бошлаб борди муҳорабага;  
Эней мазкур икки мардни ўзидан сўнг турган сардорлар  
Орасида энг диловар муҳориб деб ҳисоблар эди.  
110. Улар шундай тайёрланиб, қалқонларин тугаштирганча  
Ғаним томон борарканлар, зарбамизга дош беролмай ёв,  
Кемалари томон қочгай, дея умид қилган эдилар.

- Шундай қилиб троялик сардорлар ҳам, муттафиқлар ҳам  
Лашкарбоши Полидамас каломига қулоқ осдилар.  
115. Ҳиртакзода эл сардори Азийгина зовур бўйида  
Отларини қолдирмоқни хоҳламади жилвдорига:  
Азий олов отларида елдек учди кемалар томон.  
О, телба эр! Энди сен шум қисматингдан қоча олмайсан;  
Йўқ, ўзин жангаробаси, бедовлари ила керилган  
120. Мардга энди насиб бўлмас омон қайтмоқ чўнг Трояга;  
Девкалион ўғли жасур Идоменей, то у қайтгунча,  
Мис найзаси ила унинг шум тақдирин белгилаб берур.  
У сўл ёққа — юнон баҳрий кемалари томон от сурди,  
Ки ахейлар қочардилар шул ёққа жангаробаларда;  
125. Азий учқур отларида истеҳкомнинг етиб пойига,

- Кўрди бирдан дарвозанинг на ёпиқ, на танбалаганини;  
 Ки жанггоҳдап қочаётган ҳар бир жангчи ўзини панага  
 Олсин, дея атай очиб қўйгандилар ахейлар уни.  
 Эзгу хаёл оғушида от чоптириб бораркан Азий,
130. Ўзгалар ҳам мудҳиш наъра тортиб унга эргашарканлар:  
 Ахейлар дош беролмасдан зарбамизга, албат ўз баҳрий  
 Кемалари турган ерга қочажаклар, деб ўйлардилар.  
 Калтабинлар! Дарвозада лапифларнинг икки ўғлини  
 Икки ботир найзабардор — Пирифойнинг довурак ўғли
135. Полипет ва Леонтейлар кутар эди такаббурларни.  
 Икковлари турардилар юксак девор пойида адл,  
 Мисоли тоғ бошидаги азим болут дарахтидекки,  
 Бундай дарахт ботирганча ер қаърига илдизларини  
 Кун-уззукун адл туриб бардош берур бўрон, ёмғирга,—
140. Бу мардлар ҳам ишониб ўз жасорати, билак кучига,  
 Довул янглиг келаётган мард Азийни кутардилар жим.  
 Ёвлар Азий атрофини, Иямену Орест, Эномай,  
 Азийзода Адамас ва Фоокларни ўраб олганча,  
 Қалқонларини баланд ушлаб, наъра тортиб жанговарона
145. Ахейларнинг истеҳкоми сари тикка босиб келаркан,  
 Икки лапиф дарвозада туриб олиб, аҳли юнонни  
 Ундар эди кемаларни жасуруна ҳифз қилмоққа.  
 Шу он улар кўриб қолиб ёв бостириб келаётганин,  
 Ахейларнинг айюҳаннос солиб орта чекинаётганин,
150. Бўсагага отилдилар ва ёввойи қобон мисоли  
 Жону жаҳд-ла ганимларга ҳамла қила бошладиларки,  
 Бундай қобон тоғлардаги болутзорда шундай мардона  
 Қарши олур овчилару този итлар ҳужум-ҳамласин,  
 Ўзини четга олур у тез пайҳон қилиб бутазорларни,
155. То бирон ўқ унинг жонини олмагунча мудҳиш акс-садо  
 Берар эди тишларининг такиллаши, ки шундай садо  
 Чиқарарди лапифларнинг ҳам қалқони ёв зарбасидан;  
 Икки йигит оташона жанг қиларди, ўз дўстларини  
 Минорада кўриб ва ўз кучларига қаттиқ ишониб.
160. Дўстлар эса туриб юксак минорада, ўз-ўзларини,  
 Кемаларни, қароргоҳни муҳофаза қилиб, харсанглар  
 Ёғдирарди ёв бошига; кучли шамол қора булутни  
 Қувлаганда, замин узра оқ қор қандай гупиллаб ёғса,—  
 Икки ёқдан отилган ўқ ёмғирин ҳам ўхшарди шунга;
165. Дубулғалар, мис қалқонлар гумбирларди харсангтошлардан.

Шунда Азий Ҳиртак ўғли алам билан уриб сонига  
 Кафтларини, оҳ урганча нола қилди самога қараб:  
 «Олимпик Зевс! Сохта экан бизга бўлган меҳринг тамоман!  
 Хаёлга ҳам келтирмаган эдим юнон ўғлонларининг

170. Бизнинг билак кучимизга ҳали яна дош беришини!  
 Лекин кўрсам, улар чанг йўл ёқасида тош орасига  
 Уя қурган боларидек ва ё сариқ ари мисоли  
 Маскашларин тарк этмоқни истамасдан, асалхўр ёвлар  
 Ҳамласидан фарзандларин уялари бўсағасида
175. Ҳифз қилиб, жон-жаҳдлари билан шундай жанг қилурларки, —  
 Икки лапиф йигити ҳам дарвозадан нари силжишни  
 Ҳатто хаёл қилмаяпти то енггунча, ё енгилгунча».

Шундай нола қилса ҳам у, чақмоқдор Зевс осмади қулоқ:  
 У Ҳекторни шон-шухратга буркамоқни истарди ҳамон.

180. Жанг қиларди ўзга тўда ўзга қопқа бўсағасида  
 Булар ҳақда тангрилардек баён қилмоқ душвордир менга;  
 Қизиб кетди бутун девор бўйлаб мудҳиш тошбўрон жанги;  
 Руҳи тушган аргосликлар кемаларни қўриқламоқчун  
 Ноилож жанг қилардилар; бу ердаги муҳорабада
185. Ахейларнинг ёни олга худолар ҳам ғамнок эдилар.

Бу аснода икки лапиф қаттолона жангга киришди.

- Пирифойнинг найзабардор али ўғли ботир Полипет  
 Найза урди мард Домаснинг мис яноқли дубулғасига:  
 Ўткир найза дубулғани тешиб ўтиб қаттиқ зарб ила,  
 190. Бошчаноққа кириб борди ва миясин қора қонига  
 Бўяб, уни маҳрум этди ғанимига ҳамла қилмоқдан.  
 Шундан кейин у Пилонинг ва Орменнинг жонини олди.  
 Айни шу пайт Ареймонанд мард Леонтей Антимах ўғли  
 Ҳишпомахнинг қоқ белига ўткир учли найзасин санчди.
195. Шундан кейин бу мард ўткир шамширини суғуриб қиндан,  
 Гуж тўдани ёриб кирди ва у ерда рўбарў келиб  
 Антифатга қилич чопди, — у чалқанча қулади ерга.  
 Шу ерда у яна Менон, Орест ҳамда Ияменларни  
 Бирин-кетин ер тишлатди йиқиб барин қонли заминга.

200. Киришганда икки лапиф ўлганларни ечинтирмоққа,  
 Полидамас ила Ҳектор бошлаб келди ўз қўшинини;  
 Бу навқирон ва довьюрак йигитлардан тузилган қўшин  
 Бошқалардан ҳам кўпроқ жаҳд қилган эди аргосликларнинг  
 Истеҳкомин яксон қилиб, ўт қўймоққа кемаларига.
205. Лек шулар ҳам тарадудда тўхтадилар зовур бўйида:  
 Пайдо бўлди кўкда бир қуш, ғойиботдан дарак бергувчи —  
 Чангалида қора қонга бўялган бир улкан илонни  
 Тутган бургут аён бўлди лашкар аҳли сўл қанотида:  
 Ҳали тирик илон човут қилар эди мудом бургутга;
210. Мана, бирдан у бургутнинг тўшин чақди тўлғаниб туриб;  
 Шунда оғриқ аламига дош беролмай бургут ўлжасин —

- Чўнг илонни жанггоҳнинг қоқ ўртасига ташлаб юборди;  
Ўзи эса айюҳаннос солиб учди шамол эсан ёқ.
215. Троялик лашкар Зевснинг нишонини — қора илоннинг  
Қўшин аро ётганини кўриб, ғоят даҳшатга тушди.  
Полидамас жасоратли Ҳекторга бир сўз айтди шу он:  
«Ҳектор, мени сен мазаммат қиладурсен доим мажлисда,  
Гарчи одил нутқ айтсам-да: зеро ҳеч кас маъракада ҳам,  
Жанггоҳда ҳам, ҳурмат қилиб, ғайри ҳақ сўз айтмаслиги шарт.
220. Вале шундай бўлса ҳам ўз фикрим айтгум — тегар ҳаёни:  
Олга бориб жанг қилмайлик данайларнинг қароргоҳида.  
Ўйлайманки, зовур ҳатлаб ўтмоқ бўлган қўшинимизга  
Кўринган Зевс нишонини — чангалида қонга бўялган  
Ғоят мудҳиш илон тутиб, лашкаримиз чап қанотидан
225. Учиб ўтган баландпарвоз бургут — хунук даракчи эрур;  
Илло бургут ўз ўлжасин индидаги полопонларга  
Элтиб бера олмай, уни чангалидан қўйиб юборди, —  
Худди шундай биз ҳам — гарчи данайларнинг дарвозаларин  
Ва деворин маҳв этсак-да, гарчи улар чекинсалар-да,
230. Лек орқага қайтгумиздир пароканда бўлиб у ёқдан;  
Кўплар қолур жанг майдонда: аксар ахей муҳориблари  
Муҳофаза қилиб баҳрий кемаларин, бизнинг қўшин-ла  
Мардона жанг қиларканлар, қийратурлар аксаримизни.  
Ҳатто қошиф каромат ҳам шундай таъбир қилган бўларди
235. Бул аломат маъносини ва эл қулоқ осарди унга».
- Дубулғаси обдор Ҳектор шундай деди ўқрайиб унга:  
«Полидамас, сенинг бундай каломларинг ёқмас ҳушимга!  
Соз бўларди бизга бундан фойдалироқ маслаҳат айтсанг!  
Гар шу айтган гапларингни чин юракдан сўзлаган бўлсанг,
240. Демак, сени жудо қипти фаросатдан боқий худолар.  
Истайсанки, мен чақмоқдор Зевснинг ўзи каромат қилган  
Ҳамда вожиб қилмоқ бўлган истагини унутай буткул?  
Сен, тангрилар каломидан кўра, кўқда учган қушларга  
Кўпроқ ишон, демоқчисан? Мен қушлардан нафратланаман;  
Ишим йўқдир уларнинг тонг томон — шарққа, яъни ўнг ёққа,
245. Ёхуд сўлга — рутубатли ғарбга томон учиши билан\*.  
Бизлар бузрук Зевснинг — фойий бандалар ва боқий тангрилар  
Ҳукмдори Зевснинг — амрин фарздир албат бажармоғимиз!  
Ватан учун мардона жанг қилмоқликдир — энг зўр аломат!
250. Лекин нечун қўрқасан сен қирғинлардан, муҳорабадан?  
Гар барчамиз ахейларнинг кемалари пойнда тамом  
Ҳалок бўлиб кетсак ҳамки, сен ҳеч қўрқма ўлиб қолишдан!  
Ғаним билан тўқнашибон олишувга юрак йўқ сенда!  
Лек башарти сен жанггоҳдан қочмоқ бўлсанг, ёхуд ўзгани
255. Жанггоҳни тарк этмоқликка даъват этмоқ бўлсанг баногоҳ,  
Ушал заҳот менинг найзам айлар сени жонингдан жудо!»

- Шундай деб у олға кетди: хайқирганча эргашди унга  
 Бутун лашкар; Зевс ҳам уни руҳлантирмоқ учун Иданинг  
 Чўққисидан энг сервахшат тўфон хайдаб, мудҳиш тўзонга
260. Буркаб олди кемаларни; ки данайлар руҳин тушириб,  
 Ҳектор ила қўшинининг шавкатини қилди зиёда.  
 Шунда Зевснинг башорати ва ўзларин билак кучига  
 Орқа қилиб, буза кетди истехкомни трояликлар.  
 Кўчирилди миноралар кунгираси, ғовлар бузилди,
265. Кўпордилар пойдеворга ўрнатилган устунларни ҳам.  
 Айни пайтда деворни ҳам қулатмоқни режа қилдилар;  
 Ваҳоланки, ҳамон жойдан жилмасдилар аргослик мардлар.  
 Улар тўсиб девор пойин, зич тизилган қалқонлар ила  
 Яқинлашган ёвга тошлар ва найзалар ёғдирардилар.
270. Икки Аякс девор узра борган жангга бошчилик қилиб,  
 Ҳар томонга зир югуриб кўтаришар мардлар руҳини:  
 Бировларга илиқ сўз-ла далда бериб, бошқа бировни,  
 Жанггоҳни тарк этганини кўриб қолиб, койир эдилар:  
 «О, ёронлар, — илгорлару миёнаю қолоқ жангчилар, —
275. Кўрурсизки, бугун бизни олдимизда улкан бурч мавжуд!  
 Тингланг, дўстлар, ёвнинг мудҳиш наърасидан қўрқиб ҳеч бир  
 зот
- Орқасига чекинмоқни хаёлига келтирмасин ҳам,  
 Олға юринг, даъват этиб қонли жангга бир-бирингизни!  
 Шояд бизга мадад берса олимплик Зевс, ёв ҳамласига
280. Барҳам бериб, орқасидан соҳилгача қувиб бормоққа!»

- Шундай нутқ-ла икки Аякс ахейларни ундарди олға.  
 Чақмоқдор Зевс ўз қудратин мардумларга аён қилмоқ-чун  
 Қиш фаслида шамолларни «тақ» тўхтатиб, кўкдан муттасил  
 Қор ёғдиргай ва юксак тоғ чўққиларин, қоя бошларин,
285. Чаманзор дашт ва ҳосилдор далаларни оққа буркагай;  
 Шу сингари, қор мўйсафид денгиз лабин ҳам оқартирар;  
 Лек долғалар жўшиб келиб, қорни ялаб кетур дамодам;  
 Бироқ қолган ҳаммаёқни буркагай қор узоқ фурсатга,  
 Гар самодан эсиб келса қудратли Зевс пуркаган қуюн,—
290. Худди шу қор қуюнидек, ахейлар ва трояликлар  
 Бир-бирларин бошларига тошлардан дўл ёғдирардилар;  
 Янгар эди истехкомнинг чор ёғида гумбир-гумбир сас.

- Лек на Ҳектор, на Троя йигитлари дарвозаларнинг  
 На зулфини, на-да улкан танбаларин бузолардилар,
295. Гар Зевс шохдор буқаларга қарши шерни йўллаганидек,  
 Ахейларга қарши ўғли Сарпедонни ташламаганда.  
 Бул мард дарҳол моҳир мисгар\* томонидан ясалган ажиб,  
 Доираваш қалқони-ла кўксин тўсиб (унинг сатҳига

- Қават-қават бузоқ тери қоплаганди ва гардишига  
 300. Олтин жияк тикилганди), сиккиганча икки найзани,  
 Қўздан бери гўшт кўрмаган, қонга ташна тоғ шери каби —  
 Қўрадаги қўй ҳидини сезиб, унга ҳеч ҳайиқмасдан  
 Ёриб кирмоқ ниятида бўлган шердек — иттилни олға;  
 Гар қўрани подачилар найзалару този итлар-ла
305. Муҳофаза қилаётган бўлсалар ҳам, бундай арслон  
 Истамайди чекинишни гўшт мазасин татиб кўрмасдан;  
 Ё қўрага ёриб кириб бўғизлайди биронта қўйни,  
 Ё жон таслим қилади у метнибилак отган найзадан, —  
 Ул тангриваш Сарпедон ҳам худди шундай, истеҳком сари
310. Тик бостириб бориб говни барбод қилмоқ истагидайди.  
 Шу маҳал у Хишполохзод мард Главкка бир калом айтди:  
 «Дўстим Главк! Нечун, айтгин, Ликияда зифатларда  
 Авом халқдан фарқ ўлароқ, энг мўътабар ерга ўтқазиб,  
 Тангрилардек эъвозлашиб, бошларига қўюрлар бизни?»
315. Нечун Ксанф бўйидаги поёни йўқ серҳосил ерга —  
 Узумию буғдойи мўл майдонларга соҳибмиз бизлар?  
 Сабаби, биз — ҳукмдорлар ликиялик паҳлавонларга  
 Оташ жангда шундай ибрат бўлмоғимиз лозимки, бизнинг  
 Мардлигимиз кўриб бундай десин қалқон тутган ботирлар:
320. — Ҳа, Ликия ҳокимлари лойиқдирлар ҳамду санога;  
 Улар лазиз таомлар еб, шаробларнинг ноёбин ичур;  
 Вале улар, айни пайтда, соҳибдурлар беназир кучга;  
 Ки жанггоҳда улар мудом ликиялик мардларга бондур!  
 Азиз дўстим! Агар ҳозир иккимиз воз кечиб бу жангдан,
325. Мангу ёш ва боқий бўлиб қолишимиз билсамиз эди,  
 Мен ўзим ҳам кирмас эдим лашкарга бош бўлиб жанггоҳга  
 Ва сени ҳам тортмас эдим бул шавкатли муҳорабага;  
 Илло ҳозир ҳар галгидек ўлим хавфи бизни кутарки,  
 Ундан қочиб, ёки уни ёнлаб ўта олмас ҳеч банда.
330. Қани, олға! Шон қучурмиз, ёки ёвга шон бағишлармиз!»

- Мард Главк ҳам инобатга олди унинг маслаҳатини.  
 Сўнг икковлон қўшинга бош бўлиб, ҳамла қилдилар ёвга.  
 Қўрқиб кетди уларнинг бул рафторини кўрган Менесфей:  
 Ёв у турган минорани бузмоқ бўлиб босиб келарди.
335. Шоҳ Менесфей миноранинг тепасидан туриб, ганимнинг  
 Бул ҳамласин даф қилмоққа қодир сардор кўринмасмикин,  
 Деган ўй-ла чор аτροφни кузатарди кўзи тўрт бўлиб.  
 Шу чоқ унинг кўзи тушди жанг қилётган икки Аяксга,  
 Улар билан эди энди чодиридан чиққан Тевкр ҳам;
340. Аммо унинг наъралари минорага эшитилмасди.  
 Жанг суроли эди — ёлдор дубулгалар ва қалқонларнинг  
 Жаранглаши, қопқаларнинг шарақлаши етганди кўкка:  
 Троялик эрлар қопқа қаршисида уймалашаркан,



- Енардилар уни бузиб, ёриб кирмоқ иштиёқида.
345. Шоҳ Менесфей Фоот отли муждачини чақириб деди:  
«Муҳтарам зот, сен Аякга бориб айтгил: ёрдамга келсин.  
Йўқ, яхшиси икковларин чақир, зеро уларнинг бунда  
Бўлмоғи кўп фойдалидур: ҳозир мудҳиш қирғин бошланур!  
Бу томонга ликиялик саркардалар бостириб келур.
350. Улар мудом довул янглиғ кириб келур машъум жанггоҳга!  
У ерда ҳам гар ахейлар тушган бўлса мудҳиш аҳволга,  
Майли, тезроқ келсин бузрук Аяк ўзи — теламонзода;  
Унинг бирла машҳур мерган саховатли Тевкр ҳам келсин».
- Менесфейнинг фармонига қулоқ солиб муждаци Фоот,
355. Чопа кетди мис совутли данайларнинг девори бўйлаб.  
Деди етиб бориб Фоот икки Аяк истиқболига:  
«О, диловар Аяклар, қалқон тутган данай шоҳлари,  
Мадад сўрар тамкин Петей ўғли сахий Менесфей сиздан;  
Машъум жангда, ҳеч бўлмаса бир зум қўлдош бўлсангиз унга.
360. Икковингиз борсангиз гар, о, диловар эрлар, яна ҳам  
Яхши бўлур эрди: ҳозир мудҳиш қирғин бошланур унда!  
У томонга ликиялик саркардалар бостириб борур.  
Улар мудом довул янглиғ кириб келур машъум жанггоҳга!  
Лек бу ерда ахейлар ҳам тушган бўлса мудҳиш аҳволга,
365. Майли, тезроқ борсин бузрук Аяк ўзи — теламонзода;  
Унинг бирла машҳур мерган саховатли Тевкр ҳам борсин».

- Шундай деди у ва Аяк бажонудил бош эгди унга.  
Сўнгра олий мақом сўз-ла юзланди у Оилейзодга:  
«О, Оилей ўғли Аяк, сен ҳам тингла, о, мард Ликомед!
370. Сизлар шунда қолиб, унданг бутун халқни мардона жанга,  
Мен эсам у ёққа бориб, кўмаклашай ёру дўстларга;  
Кўп ўтмасдан қайтиб келгум, фалокатни даф қилган заҳот».

- Шундай дея дўстларига, жўнаб кетди Теламонзода.  
Унинг ота бир иниси Тевкр ҳам у билан жўнади.
375. Пандион ҳам равон бўлди Тевкрнинг чўнг камонин олиб.  
Улар девор паналаб тез Петейзода минорасига  
Етиб бориб, девор пойин ёв босганин кўрдилар бирдан.  
Ликиялик мард лашкару саркардалар ва ҳукмдорлар  
Мисли мудҳиш тўфон янглиғ ўрлардиплар девор бошига;
380. Тўқнашганди ёв ёв билан жаҳолатли наъра торганча.

- Энг аввало Теламоний Аяк жангга кириб, даставвал  
Маҳв қилди Сарпедоннинг мард аҳбоби — шоҳ Эпиклин  
Юксак девор пойидаги кўп қиррали мрамртош билан;  
Бул харсангни икки қўл-ла ердан зўрға узган бўларди
385. Ҳозирги мард паҳлавонлар, Аяк уни итқитди куч-ла  
Ва Эпикл дубулғасин бошчаноғи бирла мажақлаб,

- Маҳв этдикки, у сарбаланд минорадан мисли ғоввосдек  
 Шўнғиди-ю, шу заҳоти руҳи жисмин тарк этди тамом.  
 Тевкр эса минорага ўрлаётган, ботир Главкни
390. Том бошидан камон отиб зирҳдан холи қўл мушагини  
 Яралабон, мажбур қилди жанг майдонин тарк айламоққа.  
 У девордан сакраб тушиб ўзин олди панага, чунки  
 Аргосликлар кўриб қолиб унинг оғир яраланганин,  
 Истамасди ул мағрурни хўрлашларин иснодга қўйиб.
395. Серпедоннинг қалбин ғусса қамраб олди дўсти Главкнинг  
 Чекинганин кўриб; аммо тарк этмади жангни шунда ҳам.  
 У Фесторзод Алкмаонга найза санчиб, суғуриб олди;  
 Фесторзода қаттиқ зарбдан заминга юзтубан йиқилди  
 Ва ул марднинг ғоят ажиб совутлари жаранглаб кетди.
400. Лек Серпедон кўп чираниб, ўзин чайир қўллари билан  
 Тортди девор кунгирасин ва заминга қулатди уни.  
 Кўпчиликка йўл очилди девор боши яланғочланиб.

Тевкр ила Аякс бирга қарши олди бу вайронкорни:

- Тевкр унинг кўксин пойлаб ўқ узганди, ўқ Серпедоннинг
405. Бўй баробар қалқопининг тасмасига бориб урилди,  
 Лек ўз эрка ўглининг ёв кемалари рўбарўсида  
 Ўлишини хоҳламаган Зевс ажални даф қилди ундан.  
 Қодир Аякс найза уриб ёв қалқонин тешиб юборди  
 Ва шу билан мажбур қилди чекинмоққа шиддатнок ёвни.
410. У сал ортга чекиндию лек жанггоҳни ва қалбидаги  
 Шону шуҳрат қозонмоқлик умидини тарк айламади.  
 У ўгрилиб шундай деди ликиялик ўз қўшинига:  
 «О, тангриваш мардлар! Нечун унутдингиз диловарликни?  
 Мен нечоғлик кучли бўлмай, ёлғиз ўзим бу метин ғовни
415. Бузиб сиз-чун бандаргоҳга йўл очмоққа қодир эмасмен!  
 Мен-ла бирга олға, дўстлар! Ҳамжиҳатлик босамар бўлур!»

Шунда шохнинг таънасидадан ўсал бўлган ликияликлар  
 Жам бўлишиб эргашдилар шоҳга, дадил жанг қиларканлар.

- Ахейлар ўз сафларини жипислар эди девор ортида.
420. Диловарлик кўрсатмоққа шайландилар улар бу жангда  
 Лек бул ёқда ликиялик мардлар ёвнинг метин деворин  
 Парчалашиб, ўзлари-чун соҳилга йўл очолмагандек,  
 Ахейлар ҳам ул томонда шижоатли ёв ҳамласини  
 Ҳеч бартараф қилолмасди ҳанузгача девор пойидан.
425. Икки қўшни далаинг қоқ ўртасида қўлда газчўп-ла  
 Туриб олиб, шовқин солиб талашгандек тўрт энлик ерни,  
 Икки тараф лашкарин ҳам бир хок тепа ажратган эди;  
 Мард йигитлар шул хок тепа оша ўтиб бир-бирларининг  
 Доира ва қушдай енгил қалқонларин парчалардилар.
430. Жапдан қочмоқ бўлган аксар муҳориблар иснодга қолиб  
 Яраланди гарданидан, шижоатли, йигитлар эса,

- Қалқонини тешиб ўтган мис найзадан жароҳатланди.  
 Метин девор, миноралар бўялганди ҳар икки ёқдан  
 Ахейларнинг ва Троя мардларининг қора қонига.
435. Лек доворак ахейларни қўрқитолмас эди ҳеч нима;  
 Болаларип ғамини еб, оз-моз ақча ишламоқ бўлган  
 Инсофли юнг йнгирувчи аёл момиқ юнгни тарозда  
 Тортганида, баб-баробар турганидек иккала палла,  
 Икки тараф ўртасида ҳам жанг давом этди баробар,
440. Токи қодир Зевс Ҳекторга улкан шавкат бахш этмагунча;  
 Шунда Ҳектор ёриб ўтди ёв ғовини биринчи бўлиб.  
 Шижоатли наъра билан юзланди у ўз қўшинига:  
 «Троялик суворийлар, олға! Ёвнинг метин деворин  
 Бузинглару кемаларин кулин кўкка созуринглар бот!»
445. Шундай дея далда берди, ҳамма унинг сасин эшитди;  
 Ёппасига лашкар олға отилди ва найзалар қадаб  
 Юксак девор кунгираси сари жадал чиқа бошлади.  
 Ҳектор эса дарвозага яқин ерда ётган харсангни —  
 Туби ясси, усти чўққи улкан тошни кўтариб олиб
450. Келардики, бундай тошни ҳозирги мард паҳлавонлардан  
 Иккиси ҳам ердан узиб аробага қўйишга ожиз;  
 Вале Ҳектор боши узра уни силкиб келарди енгил.  
 Зеро тошнинг салмоғини даф қилганди кошиф карам Зевс.  
 Сезмасди у тош салмоғин ва бир тутам юнгни бир қўлда
455. Ушлаб олган чўпон янглиғ жадал елиб борарди олға, —  
 Приамзода харсангтошни нақ момикдай осон кўтариб  
 Қопқа томон елдек учиб борар эди. Ғоятда маҳкам  
 Ўрнатилган қўш тавақа ва сарбаланд гумбир дарвоза  
 Ичкаридан икки йўғон тиргак билан танбаланганди.
460. Ҳектор қопқа қаршисида туриб керди икки оёғин  
 Ва қопқанинг қоқ ўртасин мўлжал олиб, бор кучи билан  
 Улоқтирди харсангтошни; дарвозанинг икки илгаги  
 Чўрт узилиб, залвар харсанг тушди қопқа ичкарисига.  
 Қопқа мунгли ғижирлади; дош бермади улкан танба ҳам:
465. Пачақланган тавақалар гоҳ очилиб, гоҳ ёпиларди;  
 Шунда олға отилди нақ бўронли тун янглиғ шиддатнок  
 Бузрук Ҳектор; икки найза ўйнар эди икки қўлида;  
 Яшин янглиғ мис сонути ярақларди то бошдан-оёқ;  
 У кўзидан ўтлар сочиб дарвозага кириб борган чоғ
470. Йўлин тўса олмас эди ҳеч қандай мард — тангридан ўзга.  
 Деворни тез забт қилмоғин амр этди у ўз лашкарига  
 Шу заҳоти сарқарданинг амри вожиб бўлди пайсалсиз:  
 Ялни ҳужум бошланди тез — ким деворга тармашиб чиқар,  
 Қимлар ҳамла қилар эди дарвозага. Қайга қарама,
475. Чекинарди ўзин қора кемалари сари данайлар;  
 Қоплаганди ваҳимали оҳу фарёд бутун жанггоҳни.

# ҮН УЧИНЧИ ҚҰШИҚ

## КЕМАЛАР ЯҚИНИДА ЖАНГ

Зевс Ҳекторнинг лашкарини ахейларнинг қароргоҳига  
Бошлаб келиб, ул мардларга раво кўрди мудҳиш азобда  
Заҳмат чекиб олишувни, кемаларнинг рўбарўсида.

Ўзи чашми тобонини олисларга — ботирлар эли

5. Мизияга, суворийлар ҳур диёри Фракияга

Ҳамда фақат сут билан кун кечиргувчи энг адолатли  
Аммо қашшоқ ҳишпомолглар заминига қаратди шу чоқ.

У мунаввар нигоҳини Троядан ўгирди мутлақ;

Зеро кўзи етар эди маъбудлардан энди ҳеч бирин

10. На Троя, на данайлар тарафда жанг қилмаслигига.

Шло, ҳушёр эди бу чоқ бузрук худо қодир Посейдон;  
У Сам тоғин ўрмон билан бурканган энг сар чўққисидан  
Қузатарди қоғли жангни. Уша ердан бузрук Ида ҳам,  
Троя ҳам, кемалар ҳам яққол кўзга ташланар эди.

15. Чиқиб денгиз қаъридан у ўтирарқап, трояликлар

Қуввасига дош беролмай чекинётган ахей лашкарини  
Аҳволига ачинарди, қаттиқ ранжиб худованд Зевсдан.

Ул дарғазаб шахт ўрнидан туриб, тоғдан туша бошлади;

Шитоб ила кетаётган бул тангрининг муқаддас пойи

20. Остида тоғ ва ўрмонлар келар эди қаттиқ ларзага.

Посейдон уч қадам босди ва тўртинчи қадам қўйганда

Эгияга етди; ушбу манзилгоҳда хилват кўрфазда

Посейдоннинг нурафшон бир олтин қасри бор эди ажиб.

Кела солиб шу манзилга, мис туёқли ва инак ёлли

25. Туллиорларин қўшди дарҳол қўш ғилдирак жангаробага,

Ўзи олтин совут кийди, ўнг илкига бағоят ноёб

Олтин қамчи олиб, илдам чиқди порлоқ жангаробага:

Отлар денгиз тўлқинлари узра елди, — шунда наҳанглар —

Денгиз қаъри махлуқлари ёриб чиқиб тўлқин тўшинни,

30. Танвидилар ҳукмдорни, жавлон уриб отлар пойида;

Нақ поёндоз эди денгиз, — мағрур отлар эса, қуюндек

Учар экан, аробанинг мис ўқига тегмасди нам ҳам;

Бул туллиорлар учаётган эди юнон қароргоҳига.

- Тенедос ва тик қояли Имбрпинг нақ ораллигида
35. Қўрғаз бўлиб, унинг тубсиз қаърида бир улкан ғор бордир.  
Зилзилакор Посейдон шу ерда сақлар эди отларин;  
Шул ғорда у аробадан чиқардию тулпорларини,  
Пойларига олтин кишап урди, сўнгра амбар ем солиб  
Охурларга, ўзи ахей лашкари ёқ равона бўлди.
40. Данайлارнинг кемаларин забт этмоққа ва ўзларини  
Буткул қириб ташламоққа азм қилган трояликлар  
Мисли ёнғин ёки селдек ёппасига Ҳектор ортидан  
Наъра тортиб борардилар оташин жанг иштиёқида.  
Лекни шу чоқ ер соҳиби, зилзилакор қодир Посейдон
45. Руҳлантирди юнонларни чиқиб теран уммон қаъридан.  
Ҳам зоҳиран, ҳам саси-ла кириб Қалхас қиёфасига,  
У энг аввал калом айтди жангга ташна икки Аяксга:  
«О, Аякслар, чекинмоқни билмайдурган диловар эрлар,  
Фақат сизлар ахейларни ҳалокатдан халос этгайсиз.
50. Гар бошқа ер бўлганида қўрқмас эдим, метин деворни  
Бузиб, бизнинг қароргоҳга кириб келган трояликдан;  
Ки уларга ҳамма ерда зарба бергай ахей лашкари.  
Лек бу ерда кўрмасайдик деб қўрқаман қаттиқ талофат,  
Зеро бунда нақ ёнғиндек жўшган Ҳектор — ўзини қодир
55. Зевснинг ўғли деб билувчи Ҳектор — қилур лашкарбошилиқ!  
О, сизга ҳам боқий тангри мадад берса, ёр бўлса шояд,  
Бу — сизга ҳам, юраги йўқ лашкарга ҳам бўларди далда!  
Ҳекторни сиз, у нечоғлиқ қутурмасин ва керилмасин,  
Даф қилгайсиз улкан баҳрий кемалардан бугун албатта,
60. Бўлса ҳамки унга ҳатто чақмоқдорнинг ўзи раҳнамо!»

- Деди замин рукни қодир зилзилакор ва ўз асосин  
Теккизидю сертахдид куч бағишлади икки Аяксга;  
Ёнгиллашди ҳордиқни тарк этиб бутун оёқ-қўллари.  
Посейдоннинг ўзи жадал узоқлашди мардлар қошидан,—
65. Мисли ожиз қуш пайига тушиб, юксак қоя бошидан  
Парвоз қилиб дала узра қанот қоққан қарчиғай янглиг.  
Таниб қолди тангрини энг аввал Аякс Оилейзода  
Ва шу заҳот Теламоний Аяксга у юзланди бундай:  
«О, мард Аякс! Шубҳа йўқки, кемаларни қўриқламоқни
70. Амр этган зот боқий тангри эди Қалхас тимсолидаги.  
Йўқ, у соҳибкарам Қалхас эмас эди, қушларга қараб  
Фол очувчи: мен тангрини орқасидан — у босган осдан  
Ва пойидан таниб қолдим: тангриларни танимоқ осон.  
Мана, мен ҳам сезмоқдамен кўксимдаги тетик қалбимнинг
75. Қонли жангга аввалгидан ҳам жўшқинроқ талпинётганин;  
Жангга шайдир чарчоқ билмас пойларим ҳам, билакларим ҳам».

- Жасоратда қиёси йўқ Теламоний тез жавоб қилди:  
«Тўғри, Аякс! Жангга ташна бул найзакаш билакларим ҳам,  
Рухим тетик, оёқларим ўз-ўзидан талпинур олға;  
80. Сезияпман, Приам ўгли соҳибқирон Хектор-ла ёлғиз  
Беллашмоқни истар кўнглим бу бешафқат муҳорабада».

- Қалбларига парвардигор жо айлаган диловарликдан  
Боши кўкка етган икки Аякс шундай гаплашардилар.  
Лек Посейдон бу пайт қора кемаларнинг пойида, четда  
85. Қалбларига дам берётган данайларни ундарди жангга;  
Оғир жангда ҳолдан тойган аргосликлар, метин деворни  
Бир ҳамлада янчиб ўтган троялик ёв рафторини  
Кўрган ҳамон, исканжага олган эди қалбларин андуҳ,  
Зафар қучган ёвни кўриб, кўзларидан оқарди «дув» ёш,  
90. Ки пснодди ҳалокатдан, кўз етмасди халос бўлмоққа.  
Лек Посейдон дабдурустан лашкар ичра намоен бўлиб,  
Барчага куч бағишлади ва оёққа тургазди жадал.  
Энг аввало у Тевкрга ва Лейтга уқдирди гапин,  
Ундан сўнг шоҳ Пенелейга, Деппирга ва мард Фоасга,  
95. Маҳоратли муҳориблар Мерионга ва Антилохга.  
Зилзилакор олий мақом сўз-ла барин ғайратлантирди:  
«Уят сизга, о, навжувон аргосликлар! Умидвордимки,  
Айнан сизлар ҳифз этурсиз бизнинг баҳрий кемаларимиз!  
Баски сиз ҳам чекинмоқда экансиз жанг хавфидан чўчиб,  
100. Демак ғаним бизни ғориб этадирган машъум кун яқин!  
О, тангрилар! Мен муаззам бир мўъжиза кўрмоқдадурмен!  
Лек бул лаш мўъжизани рўй бермайди, дердим мен ҳаргиз:  
Троянинг ўғлонлари, — ўрмонларда «пирр» этган қушдан  
Чўчиб қочган, эртаю-кеч йўлбарс, бўри ва қашқирларга  
105. Хўрак бўлган, жангга ношуд оҳуларга ўхшаб кетгувчи  
Троялик азаматлар етди ахей кемаларига!  
Бурун айнан шу йигитлар ахейларнинг иқтидорига,  
Худди ожиз оҳулардек бир зум ҳам дош беролмасдилар.  
Энди бўлса жанг қилурлар Троядан олисда, бизнинг  
110. Кемаларнинг яқинида! Сабаби не? Сабаб — сардорнинг  
Рафторию жангчиларнинг заифлиги. Мана шу лашкар  
Саркардага аччиқ қилиб кемаларни хифз этмоқдин  
Бош тортмоқда, хоҳламоқда ёв қўлида ҳалок бўлмоқни!  
Уялинглар: агар бизнинг энг муаззам ҳукмдоримиз  
115. Агамемнон, соҳибқирон Ахиллесни таҳқирлагани  
Ва гуноҳга ботганлиги филҳақиқат рост бўлганда ҳам,  
Мажбурдирмиз бир зум ҳам тарк этмасликка муҳоробани!  
Тузатайлик хатони биз: соҳибдил зот мойилдир бунга.  
Уят сизга, о, ахейлар! Лашкар ичра энг иқтидорли  
120. Муҳориблар бўлсангиз ҳам, унутибсиз мардлик шавкатин!  
Жанг майдондан олчоқ қўрқиб қочса агар, ранжимасдим ҳеч,

- Лек ҳақлиман гар қўрқоқлик қилсангиз сиз қаҳрланмоққа!  
 Ҳушингизни йиғинг, дўстлар! Шалвираманг, заифлигингиз,  
 Бисёр офат келтиражак бутун қўшни бошига ҳали!
125. Унутманг эл маломатин! Шиддатли жанг бормоқда букун!  
 Қодир Ҳектор истеҳкомнинг қопқаларин ва занжирларин  
 Бузиб, узиб ўтиб, энди кемаларга қилмоқда ҳамла».
- Зилзилакор шундай сўз-ла данайларни ундади жангга.
130. Шу заҳоти мард Аяклар теграсига лашкар тўпланди  
 Ва саф тортди мудҳиш метин девор каби. Ки на Афина,  
 Ва на Арей қувонмасдан туролмасди бу сафни кўриб.  
 Бузрук Ҳектор қўшинини кутар эди бу диловарлар:  
 Найзалари мисли тароқ, қалқонлари — сидирға девор;  
 Қалқон ила қалқон туташ, дубулғага туташ дубулға,
135. Одам ила одам кифтдош; аргосликлар шу қадар тигиз  
 Эдиларки, дубулғалар ярақларди бир бутун бўлиб;  
 Мисли илон тўлғанарди мис найзалар метин қўлларда;  
 Троялик қўшин ёққа тикилганди жангталаб кўзлар,  
 Лек Троя йиғитлари сал олдинроқ ўтди ҳужумга;
140. Энг олдинда жўшқин Ҳектор тоғ бошидан кўчган офаткаш  
 Харсанг янглиғ паррон этиб келар эди: кузги жаладан  
 Ҳосил бўлган даҳшатли сел чўнг қоянинг бир бўлагини.  
 Ўзи билан оқизганда, ўшал бўлак йўлда дуч келган  
 Дарахларни босиб-янчиб, думалайди кенг водий сари;
145. То водийга етгунча у ҳеч нимадан тап тортмай, тикка  
 Паррон этган бўлса ҳамки, шу ерда «тақ» тўхтаб қолади,—  
 Ҳектор ҳам шу! Аввалига у юнонлар жасадларини  
 Босиб-янчиб, қодирлару кемаларин оралаб, денгиз  
 Соҳилига жадал чиқиб оламан, деб ният қилганди;
150. Лек мустаҳкам ва зич ахей сафларига рўбарў келиб,  
 Таққа тўхтаб қолди: шунда аргосликлар бўлиб ҳамжиҳат,  
 Шамширларин, икки учли найзаларин ишга солдилар  
 Ва Ҳекторнинг шум ҳамласин даф қилдилар — ки бу саркарда  
 Чекинаркан ночор ёвнинг қувасидан ларзага келиб,
155. Троянинг лашкарига бор овози ила ҳайқирди:  
 «О, Троя ва Ликия ўғлонлари, о, мард дарданлар!  
 Бардам бўлинг! Мени кўп вақт тўхтатолмас ахейлар, ҳатто  
 Лашкарлардан тиклагудек бўлса ҳамки метиндек девор;  
 Тезда улар чекингайлар мис найзамнинг зарбидан, агар
160. Қодир худо, чақмоқдор Зевс сарвар бўлса менга бу жангда!»

- Шундай дея пуркади у ҳар бир мардга куч ва жасорат.  
 Шу чоқ бирдан Приамзода мард Деифоб доирасмон  
 Қалқони-ла кўксин тўсиб, зафар қучмоқ иштиёқида  
 Жанг майдонга тез отилиб чиқди қалқон ҳимоясида.
165. Лек Мерион уни пойлаб отган эди порлоқ найзасин.

- Машъум найза кўн қалқоннинг қоқ дўнгига санчилди бориб;  
 Бироқ найза тешолмади кўнни: банди снди қирсиллаб.  
 Мерпоннинг учқур ўткир новакидан қўрққан Деифоб  
 Кўн қалқонни шу заҳоти олди четга. Аммо қудратли
170. Мард Мерпон ҳам зафардан, ҳам найзадан айрилганидан  
 Хуноб бўлиб орқасига — ёронлари сафига қайтди;  
 Кейин эса, у кемалар ва чодирлар томон йўналди  
 Чодирда сақлаб қўйган чўнг найзани олиб чиққани.

- Лек авжида эди уруш; еру кўкни босганди фарёд.
175. Теламоний Тевкр аввал йилқичи бой Менторнинг ўғли,  
 Приамнинг кўёви — мард Имбрийни йлқиди заминга.  
 Приамнинг гайрникиоқ қизи бўлмиш Медезикаста  
 Ила эру хотин бўлиб яшар эди у Педаосда.  
 Лек юнонлар кўп эшкакли кемаларда босиб келган чоқ,
180. Иллионга учиб келиб, кўп жасорат кўрсатди жангда;  
 Приам ҳам ўз ўғлидек эъвозларди уни қасрида.  
 Теламоний найза санчди шу ботирнинг қулоқ'остига;  
 Шу заҳоти у юксак тоғ чўққисиди қаддин тиклаган  
 Ва сайёҳга кўп олисдан маёқ янглиғ кўриниб турган
185. Аммо болта зарбасидан қулаб, шоҳу япроқларини  
 Ерга эгган болут каби ғориб бўлди қора заминга:  
 У қулаган заҳот ажиб совутлари жаранглаб кетди.  
 Чопа кетди Тевкр унинг совутни ечиб олай деб.  
 Лекин Ҳектор буни кўриб Тевкрга ўқ узди комондан;
190. Тевкр эса паррон этган ўққа базўр чап бериб қолди,  
 Аммо зое кетмади ўқ, — у шу топда жанггоҳга чиққан  
 Ктеатзод Амфимахнинг сийнасига қадалди бориб;  
 У гурсиллаб қулаганди, совутлари жаранглаб кетди.  
 Амфимахнинг бошидаги ғоят кўркам мис дубулгани
195. Ечиб олмоқ ниятида жасад томон отилди Ҳектор.  
 Аммо буни кўриб қолган Аякс унга отди найзасин;  
 Найза Ҳектор баданини яралашга ожизлик қилди,  
 Ки пҳота қилинганди бошдан-оёқ у мис совут-ла,  
 Лекин Ҳектор қалқонига зарб-ла ботган Аякс найзасин
200. Қуввасидан чекинмоққа мажбур бўлди, икки жасадни  
 Ташлаб ортга; жасадларни аргосликлар судраб кетдилар;  
 Ктеатнинг ўғлини икки афиналик: жасур Стихий  
 Ва плохий Менесфейлар олиб кетди бандаргоҳ сари.  
 Ментор ўғли Имбрийни эса, мудом диловарликка
205. Интпловчи икки Аякс, худди ўткирлиш кўппаклардан  
 Тоғ эчкисин тортиб олиб тишлаганча қонли оғзида,  
 Қуюқ ўрмон ичра мағрур бораётган арслонлардек, —  
 Имбрийнинг жасадини икки Аякс баланд кўтариб,  
 Совутини ечилар, сўнг Амфимахнинг қасдига, унинг
210. Шилқ осилган калласини Оилейзод қилич-ла узди



Ва коптокдек улоқтирди уни ёвнинг қўшини ёққа,  
Калла Ҳектор оёғига бориб тушиб, ботди тупроққа.

- Зилзилакор Посейдон ўз набираси Ктеатзода  
Амфимахнинг машъум жангда ўлганидан кўп газабланди.
215. Шу газаб-ла у кемалар ва чодирлар томон йўл олди  
Ва жамики юновларни руҳлантириб кўнглин кўтариб,  
Йўл-йўлакай офат солди троялик қўшин бошига.  
Йўлда унга тўқнаш келди найзаандоз шоҳ Идоменей.  
Келарди у, ҳозиргина тиззасидан яраланган ва
220. Уникига олиб келиб ётқизилган дўсти ёнидан.  
Дўстига у табиб чорлаб, энди ўзи қайтарди жангга:  
Ки олишмоқ истагида ёнар эди ҳамон бу ўғлон;  
Соҳибқирон Посейдон шул азаматга деди юзлашиб  
Овозини Плевронда, Калидоннинг ҳамма ерида
225. Подшо бўлган ва барча эл худо каби муқаддас билган  
Андремон ўғли Фоас овозига тақлид қилганча:  
«О, Критнинг ҳукмдори, сўйла, қани, қайга йўқолди  
Ахейларнинг ёвга қилмоқ бўлган таҳдид, пўписалари?»
- Идоменей эътироз-ла жавоб қилди дарҳол тангрига:  
230. «Билишимча, ахейларда гуноҳ йўқ ҳеч, Андремонзода!  
Биз ҳар ишга қодирдурмиз, тайёрдурмиз жанг қилмоққа ҳам;  
Мараз қўрқув исканжага ололмагай ҳеч биримизни;  
Ҳеч кас мушкул жангни ташлаб беғамликка ўғирмади юз;  
Лек чоғимда, қудратли Зевс бизни бунда — ҳур Эллададан
235. Йироқ элда хоки тубоб бўлишимиз ихтиёр қилган!  
Мудом руҳи тегик Фоас о, соҳибдил Андремонзода,  
Доим далда берардинг сен жасоратни унутганларга,  
Энди ҳам сен узоқ кетмай ҳар бир қалбни мардликка унда!»
- Зилзилакор Посейдон ҳам жавоб қилди Идоменейга:  
240. «О, критлик муҳориб шоҳ! Бугун жангни ҳеч аҳтиёжсиз  
Тарк айлаган ҳар битта эр қайтмасин ҳеч ўз ваташга  
Ва итларга хўрак бўлсин Троянинг бўсағасида!  
Юр, қурошлан, ёнимга тур, жанг қилайлик ҳамжиҳат бўлиб;  
Шояд бир оз далда бўлса рафторимиз икковимизнинг.
245. Ожизлар ҳам улкан кучдир, гар ҳамжиҳат бўлсалар жангда;  
Бизлар эсак энг қудратли зотлар ила ҳам беллашганмиз».
- Дея тангри одамзоднинг қирғинига юз тутди яна.  
Идоменей эса кириб ўз муҳташам қароргоҳига,  
Сердабада совут кийди ва қўш найза олди қўлига.
250. Ул мунаввар Олимпдан Зевс бандаларга ғойибдан дарак  
Бермоқ учун отган чақмоқ қандай паррон қилса ярақлаб,  
Чопаётган Идоменей совути ҳам чақнарди шундай.  
Дуч келди у номвар жангчи Мерионга чодир олдида.

- Бу ёққа у янги найза учун шошиб келаётганди.
255. Идомедей уни кўриб, шундай савол ила юзланди:  
«Жигаргинам, азиз дўстим, чаққоноёқ Молий Мерион,  
Нечун келдинг бешафқат жанг ва жанггоҳни тарк этиб буён?  
Сўйла, азоб чекурсенми мис найзанинг жароҳатидан,  
Ё жанггоҳдан менга бирон янги хабар келтиурсенми?»
260. Кўрурсанки, ўзим ҳам жанг истагида жанггоҳ борурмен!»

- Фаросатли Мерион ҳам жавоб қилди Крит шоҳига:  
«Идомедей, Крит элин мис совутли лашкарбошиси,  
Қароргоҳга келмоғимдан мақсад — найза олмоқдир сендан.  
Олган заҳот қайтгум яна; синдирдим мен ўзимникини
265. Иқтидорда қиёси йўқ Деифоб-ла олиша туриб».

- Крит элин ҳукмдори деди яна шоҳ Мерионга:  
«Найза даркор экан сенга, чодирга кир, — девор ёқалаб  
Бир эмас, нақ йигирмалаб найза турур, — танлаб олавер.  
Троянинг жанггоҳида ўлжа қилиб олганман барин.
270. Дадил айтгум, мен ёв ила жанг қилганда қочмам узоққа,  
Шу сабабли чодиримда беҳисобдир мис қалқонлару  
Найзалару гоят ҳашам дубулғалар ва зирҳ либослар».

- Яна унга жавоб қилди заковатли жангчи Мерион:  
«Шоҳ, менинг ҳам чодиримда ва кемамда бундай ўлжалар
275. Беҳисобдир; аммо кемам ва чодирим анча олисда.  
Менга ҳам ҳеч бегонамас қонли жанглар, ҳарбона шавкат:  
Низокаш жанг бошланган он мен ўзим ҳам азаматларнинг  
Ўрни бўлмиш — олдинги саф томон ўтиб жангга кирурман.  
Балки, қандай жанг қилишим ўзга абжир аргосликларга
280. Маълуммасдир; лек сен яхши билсанг керак жасоратимни?»

- Крит элин ҳукмдори яна жавоб қилди дўстига:  
«Воқифдурман шавкатиңдан, гапирмасанг ҳам бўлур менга.  
Қани, бизни пистирмага юборсинлар мардлар қатори  
(Ки ҳар эрнинг жасорати аён бўлур шу пистирмада;
285. Дарров кўзга ташланади бундай жойда кўрқоқ ҳам, мард ҳам:  
Кўрқоқ эрнинг ранги дарҳол ўзгаради, қони қочади;  
Така-пука юраги ҳам йўл қўймайди дадил бўлмоққа;  
Гоҳ туриб, гоҳ чўккалайди, жой тополмай ўзин қўярга;  
Сийнасида беҳуд қалби тепади нақ безовта қушдай;
290. У ўлимни кутар, тиши тақиллаб ва вужуди қақшаб.  
Марднинг ранги ўзгармайди, бир меъёрда уради қалби;  
Пистирмага мардлар ила илк бор келган бўлса ҳамки, у  
Енур тезроқ ғаним билан олишмоқлик иштиёқида),  
У ерда сен ҳам, Мерион, бўлур эдинг таҳсинга лойиқ!
295. Гар сен жангда, одам холис, яралансанг найза ё ўқдан,  
Аминманки, на эсангда, на елкангда бўларди яранг:

- Сен мардларга сардор бўлиб бошларкансан уларни жангга,  
Найза, ўқни кўксинг ила, қорнинг ила қарши оласан.  
300. Ке, қўй, гўдак болалардек алжмайлик бу ерда туриб,  
Тагин битга-яримтадан маломатга қолиб юрмайлик.  
Қани, кириб чодиримга метин найза олиб қайтиб чиқ».

- Шундан кейин, важоҳати Ареймонанд Мерион кириб,  
Олиб чиқди ярақлаган учи мисдан ажалкаш найза,  
305. Шоҳ ортидан юра кетди у жанг қилмоқ ишқида ёниб.  
Жонкушанда Арей, ўзи янглиғ кучли ва қўрқув билмас,  
Жангда ҳатто довиюраклар қалбига ҳам даҳшат солувчи  
Ўз ўғлони — тангри Даҳшат ила чиқиб Фракиядан,  
Эфиранинг халқига, ё соҳибқувва флегийларга  
310. Қарши уруш очишганда, бу даҳшатнок қаҳқор худолар  
Қулоқ осмай на у, на бу халқнинг оҳу нолаларига,  
Қилгандилар ато фақат бир томонга шон, ғолибият,—  
Мерион ва Идоменей ҳам шу янглиғ дағдаға солиб  
Нурафшон мис совутларда қонли жангга кириб бордилар.

- Чаққоноёқ Мерион боз йўл-йўлакай юзланди шоҳга:  
315. «Идоменей, сен қай ерда душман ила қилмоқчисан жанг?  
Очиқ айт — ўнг қанотдами, ўртадами, ё чап қанотда?  
Назаримда, ҳаммадан ҳам бу томонда жингалак сочли  
Аргосликлар мадад кучга кўпроқ муҳтож кўринадилар».

- Мерионга критликлар саркардаси жавоб айлади:  
320. «Йўқ, кемалар марказини муҳозафа қилур бошқалар:  
Икки Аякс ила Тевкр — яъни ахей халқи ичида  
Энг зўр мерган ва пиёда жангларда ҳам қиёси йўқ мард;  
Ҳа, у ерда қонга тўймас асов Ҳектор Приамзоданинг  
Суробини тўғрилашга қодир куч бор, гарчи жанггоҳда,  
325. Жами лашкар ичида у бўлса ҳамки энг иқтидорли!  
Аммо Ҳектор ахейларнинг жасоратин бартараф қилиб,  
Қирқиб биллак кучларини, жон-жаҳд ила жанг қилганда ҳам,  
Бироргина кемамизга ўт қўйишга етмайди қурби,  
Зевсинг ўзи кемаларга оташ машъал отмаса магар.  
330. Йўқ, йўқ, Аякс Теламоний фоний бўлиб дунёга келган  
Ва Деметра неъматин еб катта бўлган, мисдан ясалган  
Спложнинг, ё харсангтошнинг зарбасидан яраланишга  
Мойил бўлган ҳар қандайин азаматга ҳам бўш келмайди —  
Ҳа, ҳаттоки қўшинларнинг маҳвкори Ахиллесга ҳам;  
335. Фақат чаққоноёқликда бас келолмас у Пелейзода.  
Қани, тезроқ қўшиннинг чап қанотига етиб борайлик  
Ҳамда шоҳид бўлайлик: биз ўзгага шон келтирамизми,  
Ё ўзимиз бу жанггоҳда шон-шарафга эришамизми!»

- Шу каломдан сўнг Арейваш мард Мерион сафнинг олдида
340. Елдек учди етмагунча токи тайин қилинган ерга,  
Ғоят зариф совут кийиб жанггоҳ ичра мисли машъалдек  
Лов-лов ёниб бораётган Идоменей ила дўстини  
Кўриб қолган ёв баробар ҳайқирганча ўтди ҳужумга,  
Қизиб кетди қонли уруш кемаларнинг пойида шу он,
345. Саратонда дабурустдан эсиб келган кучли шамолдан  
Ҳосил бўлур машъум қуюн ва тобора авжга чиқаркан,  
Замин узра ётган чағни кўтаради осмон-фалакка,  
Ўртадаги жанг ҳам шундай ваҳшиёпа авжга минарди:  
Ки ҳар битта мард муҳориб бир-бирини ҳалок этмоқлик
350. Ниятида ёниб, учли найзалар-ла жанг қилар эди.  
Офаткаш ва ўрмон янглиғ зич найзалар босиб кетганди  
Жанггоҳнинг чор атрофини; бошлардаги олов сингари  
Порлаётган сарпўшларнинг, зирҳларнинг, ғоят нурафшон  
Қалқонларнинг ярақлаши, жанг майдонда ҳеч шафқат билмай
355. Олишётган йигитларнинг кўзларини қамаштирарди.  
Кимда-ким бул қирғинбарот жангни кўриб сескамасаю  
Мароқланса, ҳузур қилса, — ўшал асл диловар эрдир.

- Ҳа, Кроининг икки ўғли икки тараф бўлиб жанггоҳда,  
Ёғдирарди шундай офат икки халқнинг бошига тинмай,
360. Шон бағишлаб Ахиллесга, ғолибият бахш этар эди  
Приамзода Ҳекторга ва Троянинг лашкарига — Зевс,  
Валекин Зевс ул муаззам Троянинг бўсағасида  
Данайларга буткул қирон келтирмоқчи эмасди асло;  
У Фетида ила унинг ўғлига ён босарди, холос.
365. Лек Посейдон сатҳи кўлик теран уммон қаъридан яширин  
Сузиб чиқиб, троялик ёв кучидан енгилаетган  
Донайларга далда берар эди, ўзи қатнашиб жангга.  
Оғасидан хафайди у, ёзғирарди, ғазабланарди.  
Бир ота ва бир онанинг фарзандийди бу икки худо;
370. Лек Зевс олдин туғилганди, инисидан кўпроқ биларди,  
Зевсдан қўрқар, унга қарши бош кўтармас эди Посейдон.  
Мардум келбат бўлиб тангри, данайларни ундарди жангга.  
Кўп одамнинг бошин еган, ғоят пишиқ қилиб эшилган  
Адоваткаш ва қиронли жанг арқонин бул икки тангри
375. Тортар эди икки халқнинг боши узра гоҳ у, гоҳ бу ён.

- Идоменей — сочига оқ оралаган саркарда, шу чоқ  
Кўшин билан ёвга ҳужум қилган эди, — ёв қочди ортга;  
Шундан кейин ҳалок этди у, яқинда жанг даъвати-ла  
Трояга етиб келган кабезлик мард Офронеини.
380. У Приамнинг соҳибжамол фолчи қизи Кассандрани  
Қалин ҳақи тўламасдан хотинликка олмоқчи эди,  
Эвазига жанггоҳ ичра жавлон уриб, мардлик кўрсатиб,

- Мис совутли данайларни Троядан қувмоқчи эди.  
Чол ҳам унга бермоқликка рози эди Кассандрани, —
385. Орфионей шундай тотли орзу билан жангга кирганди.  
Идоменей метин учли найзаси-ла жароҳатлади  
Ул мағрури: унга паноҳ бўлолмади обдор мис зирҳ ҳам:  
Ўткир найза тешиб ўтиб унинг жисмин, қорнига кирди;  
«Гурс» йиқилди у заминга ва ҳайқирди музаффар шунда:
390. «Оффионей! Мен сени энг бузрук инсон деб ҳисоблардим  
Агарда сен Дарданийга берган барча ваъдаларингга  
Вафо қилсанг: сенга қизин бермоққа аҳд қилган эди чол.  
Биз ҳам сенга ваъда қилиб, бажарурмиз ваъдани ҳалол:  
Агамемнон қизларидан энг сулувин берурмиз сенга;
395. Аргосдан биз қайлигингни келтирамиз олиб бу ерга  
Гар Приамнинг ҳашаматли, обод шаҳрин вайрон қилсанг сен,  
Юр мен билан: кемаларнинг яқинида никоҳ шартларин  
Келишамиз; биз ҳам хасис совчилардан эмасмиз сепга».
- Шундай деб, у жанггоҳ аро судраб кетди мурда пойидан,
400. Вале Азий пешвоз чиқди марҳум учун қасос олмоққа,  
У пиёда келар эди; орқасидан пишқириб, елиб  
Келаётган икки отни бошқарарди жиловдор дўсти;  
У маҳв этмоқ ниятида, ҳамла қилди Идоменейга;  
Лек паҳлавон Идоменей ундан олдин чаққонлик қилиб
405. Ғанимининг кекирдагин тешиб ўтди найзаси ила.  
У қулади эман каби, кумуш баргли терак сингари,  
Ёхуд ўрмон кесувчилар тоққа чиқиб, болталар билан  
Кема учун танлаб чопган энг азим туپ қарағай янглиғ:  
Азий ҳам ўз аробаси яқинида шундай ётарди
410. Тишларини гижир қилиб, қонли ерни чангаллаганча.  
Лекин унинг жиловдори эс-ҳушини йўқотиб қўйиб,  
Ранги ўчиб, сerratганча турар эди отларни четга  
Буриб, ғаним ҳамласидан қочишга ҳам қолмасдан ҳоли.  
Шунда бирдан мард Антилох елиб келиб жароҳатлади
415. Жиловдорни: унга паноҳ бўлолмади обдор мис зирҳ ҳам:  
Ўткир найза тешиб ўтиб унинг жисмин, қорнига кирди;  
У оҳ уриб муҳташам жангаробадан қулади ерга.  
Саховатли Нестор ўғли ёш Антилох трояликлар  
Орасидан ҳайдаб кетди тулпорларни ахейлар томон.
420. Шунда Азий ўлиmidан қаттиқ қайғу чеккан Деифоб  
Крит шоҳи яқинига келиб, отди порлоқ найзасин.  
Илло ҳушёр шоҳ ажалкаш мис найзага чап бериб қолди;  
Қат-қат ҳўкиз терисидан ясалган ва гир айланаси  
Асл мисдан, ич томонда кўндаланг қўш тутқичи бўлган
425. Улкан қалқон панасига олди бутун вужудини у;  
Найза шоҳнинг боши узра нақ яшиндек паррон этаркан,

- Қалқон четин ялаб ўтди, метин қалқон даранглаб кетди.  
 Лек қудратли қўлдан учган порлоқ найза зое кетмади:  
 Найза бориб Хиппас ўғли — Хипсенорнинг али сийнасига
430. Санчилди-ю, мадорини олди шу чоқ тиззаларидан.  
 Бу зафардан кўнгли тоғдай кўтарилган Деифоб деди:  
 «Йўқ, армонда кетмас энди ботир Азий; у Аиднинг кенг  
 Қопқасидан зулматгоҳга кирар экан руҳи бўлур шод:  
 Зеро, лойиқ ҳамроҳ топиб йўлладим мен ул паҳлавонга!»
435. Такаббурнинг бул каломи юнонларни ранжитди ёмон,  
 Ҳаммадан ҳам қаттиқ ботди Антилохнинг теран қалбига.  
 Лек у ғамнок бўлса ҳамки, ташламади дўст жасадини;  
 Чопа келиб ҳифз қилди уни обдор қалқони ила  
 Бу пайт унинг ёронлари навқирон мард Аластор ила.
440. Эхийзода Мекистейлар Хиппас ўғлини кўтариб қўлга,  
 Бандаргоҳга томон олиб борардилар, мунгли фарёд-ла.

- Идоменей жону жаҳд-ла олишаркан, хоҳ ёв бошига  
 Қабристоний зулмат солиб, хоҳи ўзи жон фидо қилиб,  
 Ахейларнинг фалокатин аритмоқни ўйларди мудом.
445. Тангриларнинг арзандаси — Эзиетнинг ўғли, Троя  
 Қўшинининг шон-шавкати Алкафойни — Анхиз куёвин  
 (Анхиз ила хотинининг суюк қизи Хипподамия  
 Завжа эди Алкафойга: бу қиз барча дугоналари  
 Орасида таровати, заковати ва рафтори-ла)
450. Порлар эди: боз устига, Троянинг энг соҳибкарам,  
 Хуш саодат фуқароси бу дилбарга бўлганди шавҳар)  
 Идоменей қўли билан ҳалок этди шу чоқ Посейдон  
 Ва сўндириб кўз нурини банд айлади чаққон оёғин:  
 У на қоча олди ортга, на панага ололди ўзин;
455. У қўрқувдан мисли азим туп дарахтдек, қоққан қозикдек  
 Қимир этмай турар эди, шунда унинг али сийнасига  
 Найза урди Идоменей ва жангларда ўз соҳибининг  
 Жонига кўп ора кирган либосини ёриб юборди;  
 Иктидорли зарбадан зирҳ ҳазин сас-ла йиртилиб кетди;
460. Маҳв этилмиш қулаб тушди санчилганди найза юракка;  
 Найза бандин тебратарди талвасада тепаётган қалб;  
 Лек ажалкаш Арей тезда қалб қуввасин сўндирди буткул,  
 Наъра тортди Идоменей хушнуд бўлиб ўз зафаридан:  
 «Хўш, Деифоб, муносибми олган ўчим? Бир дўст ўрнига
465. Учта ёвни маҳв этдим! Кериласан фақат оғизда!  
 Қани, яқин келиб мен-ла ўзинг ҳам бир олишиб кўр-чи:  
 Қандайлигин кўрасан Зевс қавми бўлмиш Идоменейнинг!  
 Зеро Минос — Крит шоҳи тангри Зевсдан туғилган эрур.  
 Доно Минос ота бўлди шавкатли шоҳ Девкалионга;
470. Девкалион эса мени — худди йўқ Крит элида

Беҳисоб халқ ҳукмдори бўлмиш мени бунёд этганди;  
Энди бўлса денгиз оша етиб келдим офат солгани  
Сенинг ҳамда отангинг ва бутун шаҳар аҳлини бошига!»

- Дейфоб ҳам ортга қайтиб бирон мардни ёнимга олиб
475. Сўнг майдонга чиқсаммикин, ё бир ўзим Идоменей-ла  
Жанг қилсамми экан, деган ўйга бориб мушавваш бўлди.  
У Энейни чақирмоқни маъқул кўрди мададкорликка.  
Эней орқа томондаги лашкар аро турарди бекор:  
Троянинг шоҳидан у ҳар галгидек дарғазаб эди\*
480. Ки, қария қадрламас эди асло бу диловарни.  
Етиб бориб паҳлавоннинг қаршисига, шундай деди у:  
«Ботир Эней, троялик эл султони, гар куёвингга  
Қайгурётган бўлсанг, унинг хунин олмоқ учун жангга кир.  
Орқамдан юр, уни ҳифз қилайликки, ул муҳтарам зот
485. Сен гўдаклик чоғда сени ўз уйида тарбиялаган.  
Энди уни ҳалок қилди соҳибқудрат Девкалионий».

- Шундай деб у гўлгулага солди Эней кўксига қалбин.  
Эней қаҳру ғазаб билан Идоменей томон отилди,  
Илло кўрқоқ гўдак янглиғ зинҳор ортга қочмади у мард:
490. Тоғ ораси, хилват ерда овчиларга рўбарў келган  
Ваҳший қобон тукларини таҳдидона тиккайтирганча,  
Ишониб ўз қудратига қимир этмай кутар ғанимин;  
Кўзларидан ўт чақнатар, иршайтириб сўйлоқ тишларин,  
Тозилар овчиларга қарши ҳамла қилмоқчи бўлар,—
495. Идоменей ҳам бўрондек келаётган муҳориб жангчи  
Анхизийни ўз жойидан ҳеч жилмасдан шундай кутарди;  
Фақат шуки, жанг-жадалда чиниққан ўз ёронларини:  
Саркардалар — Аскалафу Антилоху, Афарей, Дейпир,  
Мерионни наъра тортиб ўз ёнига чорлай бошлади;
500. Чорлар экан, баландпарвоз калом ила шундай нутқ айтди:  
«Дўстлар, келинг, кўмак беринг, ёлғиз қолдим, ихота қилинг!  
Менга ҳужум қилаётган жўшқин Эней сердаҳшат ғоят;  
У офаткаш жангда ғоят қудратлидир лашкарлар аро;  
Боз устига, у ёш ҳали, ёшлик эса ҳадсиз қуввадир.
505. Гар Эней-ла ёшмиз тенг бўлгандайди руҳимиз каби,  
Ё у зафар қучар эди, ёхуд мен бу муҳорабада!»

- Шундан кейин, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб, Девкалионий  
Теграсига жам бўлди ва қалқон ила тўсди тўшларин.  
Бу томонда наъра тортди Эней ҳам ўз сафдошларига.
510. У Парисни, Дейфобни, Агенорни, хуллас, жамики  
Сардорларни тортди жангга; Анхизийга эргашди ҳамма:  
Ки сувлашга кетаётган сурув-сурув қўйлар, қўчқорга  
Худди шундай эргашурлар, буни кўрган чўбон суюнар,—

Орқасидан келаётган тўда-тўда лашкарни кўриб  
515. Соҳибқарам Энейнинг ҳам кўнгли шундай ёришиб кетди.

- Алкафойнинг атрофида пайзабозлик жанги бошланди.  
Ярақларди чўнг найзалар, муҳориблар кийган совутлар  
Мудҳиш садо чиқарарди қўшинларнинг тўқнашувидан.  
Шу чоқ пкки мард муҳориб — Идоменей ва Анхизода, —  
520. Иккови ҳам Ареймопанд диловарлар, — чиқди ўртага  
Бир-бирини махв этмоқлик илинжида шум найза ила.  
Аввал Эней найза отди қулочкашлаб Идоменейга;  
Сезиб қолиб у зарбани, фалокатга чап берди чаққон.  
Шунда жасур Анхизийнинг метин илки итқитган найза  
525. Зое кетиб, она-Ерга санчилганча тебраниб қолди.  
Идоменей эса санчди найзасини Эномаосга;  
Найза ёриб марднинг зирҳин юлиб чиқди ичак-човоғин:  
У заминга қуладю чангаллади қўллари ерни.  
Идоменей тортиб олди мис найзасин мурда жисмидан;  
530. Лек жасадинг совутларин улгурмади ечиб олмоққа:  
Ёғдирарди ёв найзалар Идоменей бошига дўлдан.  
Унинг пойи ўз найзасин орқасидан югуролгудек  
Ё бегона найзадан жон сақлагудек чаққон эмасди.  
Шу боис у собит туриб, даф қиларди машъум офатни;  
535. Чунки жангдан қочмоқ учун, оёғида йўқ эди мадор;  
У оҳиста чекинарди. Дейфоб ўқ узди яна унга қарата:  
Зеро мудом газабланар эди ул мард Идоменейдан.  
Ўқ бу гал ҳам четга кетиб, яралади Арей ўғлини:  
Ажалкаш ўқ Аскалафнинг елкасини ёриб юборди.  
540. Шунда қулаб заминга у чангаллади она тупроқни.  
Лек жонзодлар кушандаси тангри Арей гофил қолганди.  
Ўз ўғлининг жангда нобуд бўлганидан, анча вақтгача:  
У Олимпнинг чўққисида сарпадар Зевс иродаси-ла  
Зар булутлар паноҳида ўтирарди; ўзга худолар  
545. Ҳам шу ерга йиғилганди, четлатилиб жанг майдонидан.

- Аскалафнинг теграсида борарди жанг, энди шиддатли  
Мана, юлқиб олди унинг бошидаги дубулғасини  
Мард Дейфоб: лек Арейваш шоҳ Мерпон югура келиб,  
Найза билан кафандуздинг ўнг қўлини жароҳатлади;  
550. Кўз тешиги бор дубулға ерга тушиб жангарлаб кетди.  
Мард Мерпон яна гапим тўдасига ўқдай отилиб,  
Юлқиб олди Дейфобнинг мушагига ботган найзани.  
Сўнгра яна чекинди у ўз қуrolдош, дўстлари томон;  
Дейфобни қўлтиғидан олиб унинг укаси Полит,  
555. Машъум жангдан олиб чиқиб, отлар турган ерга кузатди:  
Жанггоҳнинг бир чеккасида жиловдори жангаробага



Қўшиб учқур тулпорларни кутар эди ўз соҳибини;  
Отлар уни Трояга олиб кетди: ярасидан қайнаб чиқарди  
Қон булоқдай; инграрди у аламли дард изтиробидан.

560. Лек бошқалар олишарди. Мудҳиш фарёд тутганди кўкни.  
Жўшқин Эней чошиб бориб, тажовузга шайланган жангчи  
Калеторий Афарейнинг кекирдагин тешди найза-ла:  
Ёнга оғди унинг боши; қалқон ила дубулға босди;  
Оқибат, жон кушандаси — ўлим уни олди бағрига.
565. Несторзода кўриб қолиб Фооннинг терс ўгрилганини,  
Ҳамла қилди унга ва ўнг биқинидан энсасигача  
Ўтган пайни чўрт уздию бечорани маҳв этди буткул;  
Гандираклаб кетди Фоон; у заминга йиқилар экан  
Еронлари турган ёққа чўзди титроқ қўлларин беҳол.
570. Нестор ўғли елиб келиб ёв совутин еча бошлади  
Олазарак бўлиб ҳарён; ғаним уни ҳалқага олиб  
Ўқ ёғдирди марднинг улкан қалқонига, лек бўлмади наф;  
Биронта ҳам ўқ тегмади Несторийнинг оқ баданига:  
Қодир худо Посейдоннинг ўзи уни — ўз эркасини
575. Ҳамма ерда паноҳига олар эди ўқ ёмғиридан:  
Ки бул тангри юрар эди ағёр ичра, кетмай узоққа;  
Илкида жим турмас найза, силкитарди ҳамиша уни;  
Интиларкан у жанг сари, отмоқ бўлар эди найзасин  
Ё олисда олишётган ғанимини нишонга олиб,
580. Ёки уни санчмоқ бўлар яқиндаги ёвга аямай.

Лек Адамас Азийзода кўриб қолиб уни жанг аро,  
Ҳамла қилди ва зарб урди қалқонининг қоқ ўртасига;  
Аммо қорасоч Посейдон қахрамоннинг умрида илк бор  
Иқтидорин қирқиб, буткул найза зарбин сўндирди мутлоқ:

585. Ярим найза куюк қозиқ янглиғ қолди қоқилганича  
Дўнг қалқонга, ярми эса, синиб тушди заминга шу чоқ,  
Азийзода ўз дўстлари томон қочди ўлимдан қўрқиб.  
Лек Мерион тезда уни қувиб етиб, порлоқ найзасин  
Киндиги ва уятининг ўртасига санчди бешафқат.
590. Бу жароҳат бахти қаро бандалар-чун азобдур ғоят:  
Шу еридан яраланган ёв найзага юзтубан қулаб,  
Чарх урганча типирчилай бошлади жон талвасасида  
Подачилар нўхта солиб етаклаган асов буқадек,—  
У ҳам шундай питирларди: лек бу азоб бормади кўпга:
595. Мард Мерион келиб, машъум найзасини унинг жисмидан  
Тортиб олди ва ёвнинг кўз олдин тўсди ўлим пардаси.

Бу пайт Хелен улкан шамшир ила урди фракциялик  
Деипирнинг чаккасига — учирворди дубулғасини.

600. Ерда, лашкар пойи узра у ён-бу ён думалаб ётган  
Дубулгани бир аргослик кўриб қолиб, кўтариб олди;  
Деиширининг кўз олдини зим-зиё тун чулғади шу он.

- Соҳибқирон Менелайнинг раҳми келди мард Деиширга;  
У Хеленга зарба бермоқ илинжида ўткир найзасин,  
Силкиганча олға чиқди; Хелен тортиди камон чилласин.
605. Икковлари тўқнашдилар: бири найза қулочкашлаган,  
Бири эди узмоқча шай камонининг чилласидан ўқ;  
Шу чоқ Хелен Менелайнинг кўксин пойлаб патли ўқ узди.  
Лек ўқ марднинг қалқонига бориб тегиб, чекинди сачраб.  
Боди мурод эсган чоғда кенг хирмонда дон шопирётган
610. Бободехқон курагидан лўвья, нўхот қандай соврилса, —  
Иқтидорли Менелайнинг совутига келиб урилган  
Ўқлар шундай сачрар эди жанг майдонин ҳар томонига.  
Атрейзода мард Менелай ўз найзаси ила Хеленнинг  
Порлоқ камон тутган илкин яралади шу чоқ дафъатан;
615. Найза қўлни тешиб ўтиб миҳлаб қўйди уни камонга.  
У ўлимдан қочиб дўстлар паноҳига интилар экан,  
Найза ерда судраларди шалвираган қўлига кириб.  
Лек Агенор халос этди унинг қўлин ёвуз найзадан;  
Сўнгра майин боғич ила боғлаб қўйди у моҳирона,
620. Ки у доим олиб юрар эди буни саркарда учун.

- Бу аснода, Менелайга ҳамла қилди қодир Пизандр:  
Аччиқ қисмат — ажал бошлаб келган эди уни бу ерга,  
Шу оташин жангоҳ аро, о, Менелай, сенинг қўлингга  
Маҳв бўлмоқ ёзилганди ул марднинг шўр пешонасига.
625. Бир-бирлари томон юриб, улар бир оз яқинлашишгач,  
Шоҳ Менелай найза отди — аммо хато кетди найзаси.  
Лек Пизандр отган найза Менелайнинг дўнг қалқонига  
Бориб теккан бўлса ҳамки, аммо уни теша олмади:  
Метин қалқон бўш келмади; найза банди чўрт синиб кетди.
630. Суюнғанди мард Пизандр, — умид қилган эди зафарни.  
Лек Менелай кумуш нақшли шамширини суғуриб қиндан,  
Ҳамла қилди Пизандрга, у ҳам дарҳол қалқон ичидан  
Ғоят гўзал, узун, силлиқ зайтунбанд мис ойболтасини  
Чиқардию икковлари қайта бошдан олиша кетди:
635. Менелайнинг от ёлли мис дубулғасин қоқ чўққисига  
Зарба урди мард Пизандр; Атрейзода эса ғанимнинг  
Қаншарига солди шамшир: ки бошчаноқ қисирлаб синиб,  
Икки кўзи қонли ерга оқиб тушди ситилиб чиқиб;  
Ўзи эса қулаб тушди замин узра; шунда музаффар
640. Шоҳ Менелай тираб туриб бул жасаднинг кўксига пойин,  
Совутларин ечиб олди ва керилиб шундай сўз деди:  
«Қасби-кори қирғин бўлган о, сиз, номард трояликлар,

- Барчангиз ҳам бардаргоҳни худди шундай тарк этажаксиз!  
 645. Бир вақт мени кўп шарманда қилгандингиз, қутурган итлар,  
 Ки кўрмаган бутун жаҳон ундай озор ва бадномликни!  
 Чақмоқдор Зевс ғазабидан ҳам сизлар ҳеч ҳайиқмадингиз;  
 Лекин шоҳид бўласиз, Зевс, — меҳмондўстлик пушти паноҳи,—  
 Бир кун келиб албат вайрон қилгай азим Троянгизни!  
 Азиз меҳмон бўлиб келиб сиз уйимга, навниҳол завжам,  
 650. Ҳам беназир хазинамни разилларча ўғирладингиз!  
 Энди бўлса, бизнинг баҳрий кемаларга ўт қўйиб буткул,  
 Жами аҳей мардларини битта қўймай қирмоқ бўласиз!  
 Аммо қанча қаттол бўлманг, танобингиз тортилгай охир!  
 Олимпик Зевс! Дейдиларки, фонийлар ва боқийлар ичра  
 655. Сен заковат соҳибисен. Ҳамма нарса сенинг измингда.  
 Баски шундай экан, о, Зевс, нечун бул шум муҳорабада  
 Қаттолликни қўймай мудом урушётган фригиялик  
 Зўравон ва ғаддорларга лутф қилурсен, шафё бўлурсен?  
 Инсон қонур ҳар нарсага: хушсаодат муҳаббатга ҳам,  
 660. Уйқуга ҳам, қўшиққа ҳам, беқусур ва латиф рақсга ҳам;  
 Булар бари одам учун матлуброқдир жангта нисбатан;  
 Лек Троя аҳолиси урушга ўч одамлар экан!»

- Деб саркарда шоҳ Менелай қайноқ қонга бўялиб ётган  
 Жасаднинг ҳарб либосларин ечиб, берди ўртоқларига;  
 665. Ўзи қайтди яна лашкар орасига — олдинги сафга.  
 Пилемений Гарпалион ҳамла қилди бу ерда унга:  
 Трояга келган эди у эъвозли падар оргидан,  
 Лек уйига қайтмоқ nasib бўлмади бу бахти қарога!  
 Чопа келиб Менелайнинг қалқонига найза сағчди у,  
 670. Вале ўткир силоҳи-ла тешолмади у мис қалқонни;  
 Шу заҳоти ёронлари томон қочди ўлимдан қўрқиб,  
 Яна ғаним ўқи қувиб етмасин, деб аланглаганча.  
 Лек Мерион зарба берди бу қочоққа мис найза ила;  
 Найза унинг ўнг думбасин ёриб кириб, сийдик қошини  
 675. Тешиб ўтди ва тақалди етиб бориб қов суйгига.  
 У шу ерда, азиз дўстлар даврасида ғужанак бўлиб  
 Жон бераркан, ерга ёмғир чувалчанги каби бўзилди;  
 Ҳалқоб бўлди ярасидан оққан қони унинг остида.  
 Атрофида садоқатли пафлагонлар парвона бўлди;  
 680. Жасадни жангаробада кузатдилар шаҳарга ғамгин;  
 Улар ила отаси ҳам аччиқ кўз ёш тўкиб борарди;  
 Зеро ўлган ўғли учун ожиз эди у ўч олмоққа.

- Лек Парисда тугён қилди одилона қасос туйғуси:  
 Бир вақтлар борганди у пафлагонлар юртига ҳамда  
 685. Азиз меҳмон бўлган эди Гарпалион қошонасида;  
 Александр шу мард учун қасос олиб отди патли ўқ.

- Кўшин ичра Эвхенор ҳам бор эди, у — асли коринфлик,  
Бой ва машҳур; соҳибкарам Пелиднинг ўғлини эди.  
Қисматининг машъумлигини била туриб келганди жангта.
690. Зеро ота таъкидлаган эди унга қайта ва қайта:  
— Сен ё оғир хасталикдан ўз уйингда қаза қиласан,  
Ёки ҳалок бўлажаксан ёв зарбидан кема пойида.  
Лек Эвхенор ахейларга таҳқирона бож тўламоқдан  
Ҳамда оғир хасталикдан қутулмоқни истаган эди.
695. Парис шул мард чаккасини — қулоқ остин тешиб юборди,  
Шу он жони узилдию мудҳиш зулмат босди кўзини.

- Икки тараф жанг қиларди, ёнгин каби гуриллаб чунон.  
Зевс эркаси Ҳектор эса, кемаларнинг чап қанотида  
Гофил эди кўшинининг мағлубият қучётганидан, —
700. Шу кетишда, аргосликлар голибият қозонардилар  
Троялик ёв устидан: ки Посейдон аҳли юнонга  
Шундай далда берар ва ўз қувваси-ла кўмаклашарди.  
Ҳектор ўзи, қалқонбардор юнонларнинг зич сафин тикка  
Ёриб ўтиб, дарбозага кирган ерда, Протесилайнинг
705. Ва Аякснинг кемалари чиқарилиб сафид уммондан  
Тиргакларга қўтарилган, ахейларнинг қурган ғовлари  
Энг паст бўлган, асл зотли оташ отлар ҳамда навкарлар  
Жон олиб, жон бераётган ерда жўшқин жанг қилар эди.  
Бу жанггоҳда Беотия йигитлари, фтияликлар,
710. Узун либос ияошлар, локр эли ва мард эпейлар  
Жам бўлишиб, базўр бардош берардилар ёв ҳамласига,  
Лек бўронваш Ҳекторни даф қилмоққа йўқ эди ҳоллари.  
Афинанинг лашкари кўп сара эди; унга Менесфей  
Саркардалик қилар эди, орқасидан Фидас, Стихий
715. Ва Биаслар кўшинларин саф-саф қилиб бошлаб келарди.  
Довруғи зўр эпейларга Амфиону паҳлавон Мегес —  
Филейзода ва муҳориб Дракийлар сардор эдилар.  
Фтиялик лашкарга бош эди Медон ила Подаркес  
(Медон — подшо Оилейга ғайри никоҳ ўғил, Аяксга
720. Ўғай ука бўлиб, четда — Филакада сургунда эди,  
Зероки у Оилейнинг ёстиқдоши Эриопанинг,  
Яъни ўғай онасининг оғасини ўлдирган эди;  
Мард Подаркес Ификлнинг ўғли эди, Филак наслидан).  
Иккови ҳам Беотия кўшинида фтияликлар
725. Олд сафида олишарди кемаларни ҳамоя қилиб.

- Чаққон Аякс — Оилейзод бир қадам ҳам ортда қолмасга  
Уринарди шоҳ Аяксдан — иқтидорли Теламонийдан.  
Кенг далани шудгор қилмоқ учун кўшга кўшилган бир жуфт  
Қора ҳўкиз баб-баробар тортганида метин омочни,
730. Мўғизларин остин босур йирик-йирик тер томчилари;

- Лек құш хұкиз марза бұйлаб битта порлоқ бүйинтуруқда  
 Бир текисда ер багрини чуқур тилиб борур ёнма-ён —  
 Шундай олға талпинарди Аякслар ҳам туриб кифтма-кифт.  
 Кўп диловар мардлар, дўстлар эргашдилар Теламонийга;  
 Гар толиқиб терласа у, оёғида қолмаса дармон,
735. Борардилар улар марднинг қалқонини кўтариб қўлга;  
 Лек бирон кас эргашмади локрлардан Оилейзода:  
 Юраклари бермасди дов найзабозлик жангига асло;  
 Зероки бул йнгитларда на от ёлли обдор дубулға,
740. На чўнг қалқон ва на узун, учи ўткир найза бор эди;  
 Илионга улар фақат жун сопқону камонлар ила  
 Қурулланиб келгандилар: ки бу эгчил ва мерган мардлар  
 Ўқ ва тошдан дўл ёғдириб ёв сафини емирардилар.  
 Хуллас, обдор қурол-яроқ ила биров олдинги сафда
745. Ҳекторнинг мис совут кийган қўшини-ла жанг қилар экан,  
 Локр эли ортда туриб ўқ отар, тош ёғдирардики,  
 Ёвни қаттиқ таҳликага соларди бу ажал ёмғири.  
 Сал бўлмаса Троянинг ўғлонлари шармандаларча  
 Ўз баҳаво шаҳри томон чекинарди бул бандаргоҳдан,
750. Гар бир калом демаганда Полидамас диловар эрга:  
 «Ҳектор, сен ҳеч қирмагайсан ўзгаларнинг маслаҳатига!  
 Ҳарб ишида худо сенга ато этган юксак истеъдод;  
 Лек биринчи бўлмоқчисан сен донолар кенгашида ҳам!  
 Йўқ, бир одам баб-баробар эплолмагай жамики ишни.
755. Парвардигор бир кишига ато этса жанговарликни,  
 Бошқасига порлоқ зако насиб этгай арши аълодан:  
 Ки шул зако мевасидан аҳли фоний бўлур баҳраманд  
 Ва шаҳарлар бўлур обод; ки хушбахтдир бундай донишманд.  
 Ҳектор! Қулоқ ос гапимга, чамамда бу — доно маслаҳат.
760. Рўпарангда, ҳамма ерда ёнғиндек авж олмоқда уруш;  
 Лашкаримиз девор ёриб киргач ғаним қароргоҳига,  
 Биров қўлда қурол билан турур четда, бировлар базўр  
 Жанг қилурлар бутун соҳил бўйлаб сонсиз ахейлар ила.  
 Сен жангдан чиқ ва бу ерга тўпла энг мард саркардаларни;
765. Биз ҳаммамиз баҳамжиҳат бир қарорга келайлик қатъий:  
 Бутун қўшин, гар иноят қилса тангри, бир жону бир тан  
 Бўлиб, азим кемаларга ташлансинми, ё талофатга  
 Учрамасдан, дам ғанимат, чекинсинми ортга! Очиғи,  
 Қўрқмоқдамен, ёв кечаги берган қарзин қайтиб олгай деб:
770. Жангга ташна бир мард кутар кемаларнинг пойида бизни,  
 Шу кетишда, у ўзини жангдан тийиб туриши маҳол».

Приамзода маъқуллади одилона бу маслаҳатни;  
 Сакраб тушди қуруллари билан ерга жангаробадан  
 Ва дўстига шундай жавоб қилди баландпарвоз сўз ила:

775. «Полидамас, сен бу ерда жамлаб тур мард саркардаларни:  
Мен лашкарга алангали жангда ибрат кўрсатаману  
Фармон бериб сардорларга шу заҳоти қайтаман ортга».

Чопа кетди чўққисин қор босган тоғдек бузрук саркарда;

Троялик ва муттафиқ қўшинларни айланар экан,

780. Жар солди у: Ҳектор саси етиб борган дарданлар борки  
Иқтидорли Полидамас ҳузурига йўл олдилар тез.

Ҳектор эса бу аснода жангоҳ бўйлаб кезиб юраркан,  
Ахтарарди мард Ҳеленни, соҳибкарам иниси бўлмиш  
Деифобни, Азийзода Адамасни ҳамда Гиртак ўғли Азийни.

785. Топди; афсус кўпчилиги шикастланган ё ўлган эди:

Баъзилари данайларнинг кемалари пойида ёвнинг  
Зарбасидан маҳв бўлиб, қора қонга ботиб ётарди,  
Бошқалар ўқ ё найзанинг талх нишидан чекарди азоб.  
Фақат, гўзал Елепанинг шавҳари, ўз иниси Парис

790. Қирғинбарот жангоҳнинг чап қанотида ўз лашкарини  
Рухлантириб бошлар эди қатъиятла шафқатсиз жангга.

Ҳектор унинг қаршисига бориб деди маломат ила:  
«Али келбат, лек хотиябоз, бадбахт махлуқ, лўттибоз Парис!  
Қайда қолди мард Деифоб, халқ султони Ҳелен қаёқда?

795. Қани машҳур Орфионей, Адамасу муҳориб Азий?

Қуламоқда бугун, маҳв бўлмоқда ул қудсий Троя!  
Бинобарин, муқаррадир бугун сенинг ҳалокатинг ҳам!»

Тангримонанд Александр жавоб қилди тез оғасига:

«Сенга, ўзи одат бўлган бегуноҳни айблаш, Ҳектор!

800. Мен, ҳозирмас, авваллари кўпроқ ношуд одим жангоҳда,—

Зеро онам мени ботир қилиб туққан, кўрқоқ қилибмас,  
Сен кемалар қаршисида қонли жангни бошлаган чоғдан  
Биз ҳам бунда тўхтовсиз жанг қилмоқдамиз ахейлар ила;  
Лек айрилдик сен номларин зикр айлаган дўстларимиздан.

805. Фақат ботир Деифобу халқлар шоҳи Ҳелен иккови  
Жанг майдондан чиқдилар ёв найзасидан лат еб қўллари;

Хайриятки, сарпадар Зевс ажални даф қилди улардан.  
Сен, эй Ҳектор, қалбинг даъват этган ёққа бошла бизни ҳам.  
Эргашмоққа шаймиз сенга; аминманки билагимизда

810. Куч бор экан, асло нуқсон топмагайсан мардлигимизда;  
Лекин қанча уринмайлик, жанг қилурмиз баҳоли қудрат!»

Дея Парис, бузрук Ҳектор юрагини юмшатди бир оз.

Шундан кейин икковлари мард Кебрион, шоҳ Полидамас,  
Фалк ва Ортей, тангримонанд Полифит, Пальм, Ҳиппотийоннинг

815. Куни кеча Асканьядан етиб келган икки фарзанди:

Морис ила Асканийлар атрофида аланга олган  
Жўшқин жангга отилдилар, ки бу Зевсинг истаги эди.

- Шунда жангга қуюн янглиғ ташландилар трояликлар, —  
 Зевснинг момақалди роғи — дағдағаси остида қуюн
820. Дашт саҳнида гирдоб ясаб эсиб бориб, денгиз саҳҳида  
 Хамла қилур, ўркач-ўркач тўлқинларни отур осмонга, —  
 Илионлик йигитлар ҳам саф ортида сафланиб шундай,  
 Мис яроқлар, совутларин ярақлатиб ва шарақлатиб,  
 Сардорлари орқасидан довул янглиғ елиб борарди.
825. Энг олдинда жонкушанда Ареймонанд Ҳектор борарди;  
 У кўксини ғоят улкан, доираваш, мис қошламали,  
 Пишиқ-пухта кўн қалқони ила тўсиб олганди буткул;  
 Чопганида тебранарди бошидаги порлоқ дубулға,  
 Қалқонининг панасида туриб, ёвга соларди таҳдид;
830. У ўз мудҳиш ҳамласи-ла синар эди ёв жасоратин,  
 Данайларнинг собит руҳин солломасди лек таҳликага.  
 Теламоний сафдан чиқиб ўзи томон чорлади уни:  
 «Яқинроқ кел, ҳей паҳлавон! Чиранасан нечун узоқдан?  
 Муҳораба санъатида ношудлардан эмасмиз биз ҳам;
835. Таассуфки, ҳозир ночор ҳолдамиз, Зевс инояти-ла.  
 Тўғри, бизнинг кемаларни ёндирмоққа қасд қилгансан сен!  
 Лек бизда ҳам билаклар бор кемаларни ҳифз қилувчи!  
 Рости шуки, аввал сизнинг серминора азим шаҳрингиз  
 Биз томондан забт этилмай ва ер ила қилинмай яқсон!
840. Ҳадемай сен чекингайсан, шунда Зевсдан ва тангрилардан,  
 Кенг далани чангитганча Трояга сени учириб  
 Кетаётган узун ёлли отларингни қарчиғайдан ҳам  
 Тез ва жадал елдирмоқни қилгайсан сен илтижо роса».

- Шу чоқ бирдан, ўнг қўл ёқда пайдо бўлди бургут осмонда;
845. Кийқирдилар аргосликлар буни эзгу аломат билиб.  
 Вале Ҳектор ҳайиқмасдан жавоб қилди Аякса бу пайт:  
 «Ўпкангни бос, Аякс! Бунча кериласап қуруқдан-қуруқ!  
 О, агар мен бўлсам эдим чақмоқдор Зевс ҳамда Ҳеранинг  
 Боқий ўғли, мени Феб ва Афинадек эъзозлашлари
850. Қанчалик ҳақ бўлса — бугун ахейларнинг ҳам бошларига  
 Бало офат ёғилмоғи шунчалик ҳақ, муқаррар эди!  
 Гар ажалкаш найзамга дуч келсанг, сен ҳам маҳв бўлгайсан:  
 Пора-пора қилгай сеинг ўшал нафис баданингни тиг;  
 Шунда сен дашт зоғларини ва Илион кўппакларини
855. Ўз гўштинг-ла боқадурсан бу майдонда ер тишлаганча!»

- Шундай деб у олға юрди. Троялик мардлар қийқириб  
 Эргашдилар; орқадаги лашкар ҳам жўр бўлди уларга;  
 Бу томонда данайлар ҳам ҳайқирдилар; трояликлар  
 Ҳамласини кутардилар бу йигитлар мардона туриб;
860. Довлашганлар ҳайқириги етди кўкка — Зевс мақомига.

## УН ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

### ЗЕВСНИ АВРАШ

Бу наърани ўз кўшиқда шароб ичиб ўтирган Нестор  
Эпитидию Махаонга баландпарвоз шундай сўз айтди:

«О, Махаон, бу нохуш иш оқибати қандай бўларкин?  
Авжга чиқур ёш жангчилар ҳайқирғи кемалар ёқда!

5. Сен, дўстим, шу ерда ўтир, қирмизи май ичиб дармон йиғ:  
Ҳали-замон, жингалаксоч Ҳекамеда сенга иссиқ сув  
Тайёрлагай ва ярангнинг ювиб қўйгай қотган қонини;  
Мен дўнгликка чиқиб, дарҳол билиб келгум не бўлётганин».

Деди у ва ўз паҳлавон абжир ўғли Фразимеднинг

10. Бунда турган, зўр санъат-ла безатилган мис қалқонини  
(Ўғли ота қалқонини олиб кетган эди жанггоҳга)  
Ва ўткир уч, зарангдаста мис найзани олди қўлига;  
У чодирдан чиқдию бир хунук лавҳа шоҳиди бўлди:  
Чекинётган ахейларни ёв қўшини қувиб келарди;
15. Буткул вайрон этилганди юнонларнинг истеҳкомлари!  
Ҳали-замон сатҳи узра кучли шамол эсишин сезган  
Улкан уммон гунг жимирлар Зевс бўрони етиб келгунча,  
Эсанкирар шунда, билмай тўлқинларин қаён отмоқни,—  
Нестор қалби ҳам икки хил ўйдан шундай тараддуддайди:
20. «Бориб юнон отличлари қаторига қўшилсаммикин,  
Ёки мардлар ҳукмдори, халқлар шоҳи Агамемнонга?»  
Ўйлаб кўриб, бормоқ бўлди у Атрейон истиқболига.  
Икки қўшин бу пайт жангда қирар эди бири бирини;  
Икки тигли, найзалару шамширларнинг қаттиқ зарбидан
25. Мис совутлар ва қалқонлар мудҳишона жаранглардилар.

Чол Несторга шу чоқ тўқнаш келди Зевснинг дастпарварлари  
Ярадорлар: шоҳ Диомед, Одиссею бузрук ҳукмдор  
Агамемнон: ҳаммалари келар эди кемалар ёқдан.

- Кемалари жанг майдондан йироқда, чўнг уммон бўйида,  
30. Олиб чиқиб қўйилганди долғалардан қумлоқ соҳилга;  
Истеҳкомни эса бутун қўшин бирга тиклаган эди.  
Поёни йўқ қирғоқ барча кемаларни сиғдиролмасди,  
Шу боисдан, аҳли силоҳ қалашганди мўру малахдай,  
Хуллас калом эшқаклари мўл кемалар қумлоқ соҳилга



35. Қатор-қатор терилганди икки кўрфаз оралигида.  
Уч нафар шоҳ машъум жангни кўрмоқ бўлиб, найзаларига  
Таянганча келардилар андуҳли қалб ила ёнма-ён  
Ҳерения шаҳсувори Нелейзода Нестор шуларга  
Тўқнаш келди ва чўктирди ул мардларнинг руҳин бешбаттар,
40. Эрлар шоҳи Агамемнон шу заҳоти юзланди унга:  
«О қария, данайларнинг ифтихори, илоҳий Нестор!  
Нечун бу ён келмоқдасан қирғинбарот жангни қолдириб?  
Қўрқаман мен, қайсар Ҳектор ўз аҳдида турмасайди деб:  
Бир пайтлар у Троя эрларининг маъракасида:
45. Токи ахей кемаларин буткул ўтда ёндирмагунча,  
Жанггоҳдаги ахейларнинг барин қириб ташламагунча  
Асло қайтмам бандаргоҳдан Трояга, — деб керилинганди.  
Мана, ўша айтганлари ҳам рўёбга чиқмоқда энди!  
Ё тагрилар! Наҳотки мис совут кийган жами юнонлар,
50. Чаққоноёқ Ахилл янглиғ мендан тамом нафратлансаю  
Кемаларнинг пойида жанг қилмоқликдан бош тортса бу кун!»

Ҳерения шаҳсувори жавоб қилди Агамемнонга:

- «Ҳа Атрейон, содир бўлди айтганлари Приамзоданинг!  
Энди буни ўзгартира олмас ҳатто чақмоқдор Зевс ҳам.
55. Биз ахейлар, кемаларга яхши паноҳ, ёвга ғов бўлар,  
Дея умид қилганимиз метин девор ҳам бўлди барбод.  
Бироқ раним шиддатли жанг қилиб, бизнинг қўшинимизни  
Буткул сиқиб келмоқдаки, тикилсанг ҳам энди астойдил,  
Билолмайсан ахейларнинг қайдан-қайга чекинаётганин.
60. Оҳу фарёд кўкка етган, ҳар ёқ қирғин, парокандалик!  
Келинг, дўстлар, энди қандай иш кўрмоқни келишайлик биз.  
Балки ақл мадад берар. Лек сизларга маслаҳат бермам  
Жанг қилмоқни: урушмоғи мумкин эмас ярадорларнинг».

Яна мардлар ҳукмдори Агамемнон деди Несторга:

65. «Нестор, баски, жанг кемалар пойида авж олётган экан,  
Баски, бизлар кемаларга яхши паноҳ, ёвга ғов бўлар,  
Дея умид қилганимиз ул сарбаланд метин девор ҳам,  
Заҳмат чекиб қазилган ул теран зовур ҳам бизга мадад  
Бўлолмаган экан, демак қудратли Зевс ахей элининг
70. Бу ёқларда битта қолмай қирилмоғин ихтиёр қилган;  
Кўрмоқдаман, шон бахш этур у Троя ўғлонларига,  
Маҳрум этур юнонларнинг билагини куч-магонатдан!  
Бир насихат бор, ёронлар, чиқарайлик шуни рўёбга:  
Сув бўйига яқин турган кемаларни қўзғатиб жойдан,
75. Туширайлик улар барин дарҳол теран қудсий денгизга  
Ва сокин тун тушгунгача лангар ташлаб тортиб қўяйлик;  
Шояд тунда ҳужумни тарк этса қайсар трояликлар;  
Ана унда туширамиз сувга қолган кемаларни ҳам.

- Уят эмас, фалокатдан ҳатто зулмат тунда қочмоқ ҳам;  
80. Ки бесамар қирилгандан, қутилган саз қочиб офатдан!»

- Заковатли шоҳ Одиссей шундай деди ўқрайиб унга:  
«Сен оғзинга қараб гапир, эй ҳукмдор, нелар деурсан?!  
Сен, касофат, бизларгамас, — сарпадар Зевс, муаттар ёшлик  
Чоғимиздан токи қариб-қартайгунча қирғин-жангларда,  
85. Қўлдан бир зум ташламасдан қурооларни, ғориб бўлгунча  
Кун-уззукун жанг қилмоқни ато этган бизларга эмас, —  
Бошқа қўрқоқ қўшинларга сардор бўлсанг тўғри бўларкан!  
Ё бу гавжум Трояни — атрофида бизлар беадад  
Қурбон берган бу шаҳарни тарк этмоқми ниятинг сенинг?  
90. Ўчир унинг, токи ақл-заковат-ла нутқ сўзловчи,  
Сенга ўхшаш давлатпаноҳ ва беҳисоб халқлар султони  
Бўлган бирон мард аргослик хаёлига ҳам келтирмаган  
Бу бетайин гапларингни эшитмасин яна баногоҳ!  
Ниятингга қўшилмам мен ва оғзингдан чиққан гапга ҳам!  
95. Келиб-келиб сен шу қизгин жанг пайтида жаами кемани  
Тезроқ сувга туширмоқни бизга тақлиф қилмоқчисанки,  
Бу билан сен троялик лашкар орзу қилган, шундоқ ҳам  
Яқин қолган — зафар онин яқинлатмоқ бўласан яна!  
Бошимизга не-не мудҳиш фалокатлар ёғилгай энди!  
100. Ҳеч ким жангга дош беролмас, туширилса кемалар сувга:  
Ҳар зум ортга қарайвериb мардликни тарк этгай жангчилар.  
Ана унда, бизни нобуд қилгай буткул маслаҳатинг, шоҳ!»

- Одиссейга жавоб қилди Агамемнон — мардлар султони:  
«Лаэртзода! Сен қалбимни яраладинг маломатинг-ла,  
105. Валекин мен кемаларни ахейларнинг ихтиёрига  
Зид ўлароқ туширмоқчи эмас эдим теран уммонга,  
Майли, бошқа биронта эр — хоҳи ёшу, хоҳ кекса бўлсин —  
Бамаънироқ фикр айтсин — бажонудил этгум эътироф».

- Гап бошлади энг навқирон шоҳ Диомед туриб ўрнидан:  
110. «Мана, ўшал сен айтган эр! Лозим бўлса эзгу маслаҳат,  
Уни излаб ўтирмоқнинг ҳожати йўқ, — маслаҳат тайёр;  
Вале мевдан ўпкаламанг, сиз диловар саркардаларнинг  
Орангивда энг навқирон бўла туриб, гап олганим-чун,  
Мен мағрурман Фивада дафн этилган пок ва саховатли  
115. Шоҳ Тидейнинг фарзанди ва жигарбанди эканлигимдан.  
Шоҳ Парвейдан уч баркамол ўғил келган эди дунёга;  
Улар — Аргий, Мелас, Иней, — серҳосил юрт Плеврондаю  
Тоғли ўлка Калидонда истиқомат қилар эдилар.  
Бобом Иней уч оғайни ичида энг паҳлавон эди.  
120. Лек падарим жаҳон кезиб қарор топган эди Аргосда:  
Ки Зевснинг ва тангриларнинг инояти шу эди, дўстлар.

- Иней ўгли — отам Тидей уйланганди Адраст қизига,  
Хонадони озуқаю анжомларга лиқ тўла эди,  
Поёни йўқ экинзору энг ҳосилдор боғу роғлари,  
125. Подалари, сурувлари, уюрлари беадад эди,  
Қўли баланд эди жами ахейлардан найзабозликда;  
Бу гапларим ҳақлигини эшитгансиз ўзларингиз ҳам.  
Бинобарин, зотимнинг паст эмаслигин билганингиз-чун,  
Ўйлайманки, мен айтмоқчи маслаҳатдан қилмасиз ҳазар;  
130. Тақдир экан! Яраланган бўлсак ҳамки кирайлик жангга.  
Лашкаримиз кўрсин бизни, аммо яна жароҳатланиб  
Қолмаслик-чун урушмоқдан ўзимизни тийиб турайлик  
Ва шу топга қадар жангга кирмай, четда қўрқоқлик қилиб  
Турган жами лашкарни биз жанггоҳ сари даъват этайлик».
135. Бузрук шоҳлар маъқул кўриб Диомеднинг айтганларини,  
Жанггоҳ сари йўл олдилар Агамемнон бошчилигида.

- Машғул эди зилзилакор Посейдон ҳам бу чоқ иш ила:  
Саркардалар қошига у келди бир чол қиёфасида;  
Ушлаб туриб у энг бузрук соҳибдавлат Агамемноннинг  
140. Унг қўлидан, балавдпарвоз калом ила юзланди унга:  
«Шоҳ Атрейон! Мана энди, Ахиллеснинг маҳзун юраги  
Данайларнинг чекинишин, ҳалокатин кўриб қувонур!  
Зеро унда мисқолча ҳам раҳм-шафқат йўқ, у тошбағир!  
Ўлиб кетсин у такабур, ёки бадном бўлсин эл аро!  
145. Вале сендан, Агамемнон, кек сақламас масъуд тангрилар;  
Балки, ҳали троялик саркардалар, соҳибдавлатлар  
Поёни йўқ дашт чангини кўтарурлар; балки сен ҳали  
Кўрурсан ҳам бандаргоҳу қароргоҳдан ёвнинг қочишин».

- Деди у ва мудҳиш наъра тортиб жанггоҳ сари отилди.  
150. Жанг чоғида ўн минг нафар қудратли мард ҳужумга ўтиб,  
Баб-баробар ҳайқирганда, замин қандай жарзага келса,  
Зилзилакор Посейдоннинг алп кўксидан отилиб чиққан  
Ҳайқириқ ҳам жами лашкар юрагини солди ларзага  
Ва у яна, чарчаш билмай жанг қилсин, деб ҳар бир ахейнинг  
155. Юрагига ғоят жўшқин иқтидор ва журъат уфурди.

- Олтин тахтли сармаъбуда гўзал Ҳера Олимпда туриб,  
Нигоҳини тикди ерга ва қудратли оғаси ҳамда  
Қайнисининг\* ифтихорли ва бешафқат жанг бораётган  
Майдон узра елганини кўрди; кўриб қувонди қалби.  
160. Сўнг нигоҳи Зевсга тушди; у сөрчашма юксак Идада  
Ўтирарди; манфур бўлиб кўринди у сармаъбудага.  
Зевснинг сигир кўзли ёри ўз эрининг илоҳий ақлин  
Қандай қилиб ўзига ром қилмоқликни ўйлай бошлади.

165. Ұйлаб-ұйлаб, маъкул кўрди Ҳера шундай мулоҳазани:  
Энг латиф ва зариф либос кийиб борур Зевс қошига у.  
Балки кўриб у мафтункор завжасини, у билан бирга  
Бир тўшакда ишқ лаззатин татимоқни қилур ихтиёр,  
Ҳера эса балки пайтдан фойдаланиб тотли ва сармаст  
Уйғу пуркар шавҳариниң шуурию мужгонларига.
170. Ҳера кирди азиз ўғли Ҳефест қурган олтин кўшкига.  
Ушбу кўшкнинг кенг эшиги сирли тарзда беркилардики,  
Шу топгача бирон тангри очолмаган эди уни ҳеч.  
Шул эшикдан кириб Ҳера, ёпди порлоқ қўш тавақани;  
Ҳур баданин гард қолдирмай ювиб чиқди оби амбар-ла,
175. Ғоятда пок, муаттар ва илоҳий мой сурди танига:  
Гар уни сал чайқатилса Зевснинг юксак кошонасида,  
Тутар эди илоҳий ва хушбўй атри замину кўкни,  
Шу мой ила латофатли баданини мойлади Ҳера,  
Сўнг офтобдек жилвакор ва самовий бўй афшон этгувчи
180. Сочин тараб, ўримларин туширди у боқий бошидан,  
Кейин кийиб Афинея тиккан ҳарир кўйлакни, олтин  
Тугмаларин қадади ва зебу зийнат тақиб безанди.  
Назокатли белига зар попуги мўл фўта боғлади.  
Уч бўғинли, ёқут кўзли сирға тақди қулоқларига:
185. Жозибакор порлади, кўз қамаштириб, оқибат Ҳера.  
Шундан кейин сармалика қордек оппоқ, офтобдек порлоқ,  
Ҳарир, момик, шаффоф рўмол ташлади ўз боқий бошига.  
Гўзал кафшлар боғлади у оппоқ, зариф оёқларига.  
Ҳера шундай ясантириб маҳлиёвар пок баданини
190. Оромгоҳдан чиқди, Зевснинг эрка қизи Афродитани  
Тангрилардан овлоқ ерга чорладию бир калом деди:  
«Сўйла, қизим, илтимосим бажармоқдан тортмайсанми бош?  
Е данайлар тарафида, о, Киприда, бўлганим учун,  
Раяжирмисан мендан қаттиқ Троянинг ёнин олароқ?»
195. Унга дарҳол жавоб қилди Зевснинг қизи ҳур Афродита:  
«Бузрук Крон набираси сармаъбуда, малика Ҳера!  
Айт хоҳишинг, бажо этгум астойдил гар етса қурбим».
- Ўз макрини пинҳон тутиб сармалика гап қотди унга:  
«Сен, Киприда, ишқ қудратин,— боқийлару фонийлар қалбин
200. Ром этгувчи тотли майл қуввасини бахш этгил менга.  
Баракатли заминнинг мен сарҳадига бориб зиёрат  
Қилмоқчиман тангриларнинг падари ва волидасини —  
Океан ва Тефисани\*;  
улар мени гўдаклигимда,—  
Зевс Кронни ер қаърига, денгизнинг энг теран тубига
205. Банд этганда, — икков мени боққан эди олиб Раядан.  
Мен нифоққа барҳам бериб икковларин яраштирурмен,  
Ки бул азиз зотлар кўздан аразлашиб қолганлар буткул:  
Бир тўшакда, бир-бирларин оғушида ётмайди улар,

210. Гар уларни яраштириб қўя олсам ширин сухан-ла,  
Гар падару волидамни бир тўшакда қовуштиролсам,  
Мен уларга мангу эрка ва азиза қиз бўлиб қолгум».

Яна унга жозибали жилмайганча деди Киприда:  
«Илтмосинг рад этолмам, рад этмоққа ожиздур ҳам мен:  
Зероки сен қодир худо Зевс қўйнида ётурсен мудом».

215. Шундай дея у кўксига тўғнаб қўйган чарм туморни  
Ечиб берди: лиқ тўлайди нақшин тумор сеҳру жодуга:  
Муҳаббату мойиллигу мафтункорлик, изҳори ишқу  
Оқилларнинг ақлин олиб телба қилган хушомадларга.  
Шундай деди Афродита бера туриб уни Ҳерага:  
220. «Сийналаринг орасига яшириб қўй бул туморни сен!  
Унда жами жоду мавжуд; ўйлайманки, сен қайтмагайсен  
Олимп тоққа дилингдаги оташ орзунг чиқмай юзага»

- Кипридага жилва қилди сармалика гулбадан Ҳера,  
Жилва ила сийнасига яширди у чарм туморни.  
225. Тангриларнинг даврасига қайтди Зевснинг қизи Киприда,  
Ҳера эса Олимпининг сар чўққисини тарк айлаб учди;  
Пиерия адирлари, Эмафия воҳаларию  
Йилқилари елдек учқур Фракия қорли тоғлари  
Узра пойи ерга тегмай учиб ўтди юксак самода;  
230. Мағрур Афос чўққисидан сарталотум уммонга тушди;  
Тушиб бориб, у Фоаснинг қудсий шаҳри Лемносга инди;  
У Ажалнинг оғажони Уйқу билан учрашди унда;  
Ҳера унинг илкин ушлаб, отин атаб бир калом деди:  
«О, замин у самодаги хилқатларнинг султони Уйқу!»  
235. Бир замонлар илтмосим бажонудил қилгандинг бажо,  
Сўзим ҳозир ҳам қайтарма; ҳади йўқдир миннатдорлигим.  
Мен қўйнимга олган ҳамон чақмоқдорни партўшагимда,  
Сен, о, Уйқу, дарҳол юмгил сарпадарнинг мунаввар кўзин.  
Хизматинг-чун инъом этгум ғоят латиф, олтин тахт сенга:  
240. Уни сен-чун ясаб бергай моҳир уста ланг ўғлим Ҳефест,  
Яна базму жамшидларда оёқларинг толиқмасин-чун  
Ғоят кўркем курси ясаб, қўйиб қўюр пойинг остига».

Ширин Уйқу дарҳол жавоб қилди шундай сармаъбудага:  
«Бузрук Крон пасаби эй муаззама маъбуда Ҳера!

245. Қодирдурмен ухлатмоққа еру кўкни маскан айлаган  
Ҳами боқий тангриларни; ҳатто бутун мавжудотларни  
Бунёд этган чўнг Океан дарёсининг тўлқинларин ҳам.  
Вале яқин бормоққа ҳам журъат этмам Кронзодага,  
Ухлатолмам чақмоқдорни, ўзи буни амр этмагунча.  
250. Бир замонлар мени Зевс олган эди қаттиқ таҳдидга:  
Ҳа, эсимда, мард Ҳеракл Илионни тору мор айлаб,

- Шоду хуррам қайтётган кун, мен Зевс ақлин қилиб фаромуш,  
 Ширин уйқу оғушига олган эдим, сўзингга кириб;  
 Сен фалокат ёғдиргандинг Ҳераклининг бошига шунда:
255. Ки денгизда мудҳиш довул кўтариб сен, Зевс ўғлонини  
 Ватанидан, хешларидан Коос ёққа улоқтиргандинг.  
 Зевс уйғониб, дағдаға-ла тангриларни тириқтирганди;  
 Кўпроқ мени ахтарганди тутақиб ва арши аълодан  
 Улоқтирган бўларди ҳам, агар қаро Тун — боқийлару
260. Фопийларнинг маликаси кирмаганда жонимга ора.  
 Мен ўзимни топширдим Тун паноҳига. Чақмоқсевар Зевс  
 Ҳовуридан тушди охир, у нечоғлиқ бўлмасин қаҳқор:  
 Ҳудсий Тунни таҳқирлашга сарпадарнинг сизмади ҳадди  
 Валекин сен мени яна хавфли ишга ундамоқдасен!»
265. Япа унга жавоб қилди сигир кўзли маъбуда Ҳера:  
 «На ҳожат бу нохуш гапни эсламоқлик, о, тотли Уйқу?  
 Ё сенингча, Зевс Троя лашкарини, ўз азиз ўғлин  
 Муҳофаза қилганидек жидду жаҳд-ла ҳифз қилурми?  
 Хўп, деяқол; хизматинг-чун бергум сенга ёш Харитани;
270. Сен, ишқида кўпдан куйиб юрганинг ул Пазифеяни  
 Қучоғингга босиб охир, атагайсен «ўз ёрим» дея».

- Бул ваъдадан боши кўкка етган Уйқу жавоб айлади:  
 «Стике сувви тилга олиб қасамёд қил қатъий, о, Ҳера;  
 Илқинг бирин сербаракат заминга чўз, иккинчисини
275. Денгиз узра, токи ернинг қаъридаги мўйсафид Крон  
 Ва жамики худовандлар шоҳид бўлсин ичган онгингга:  
 Хотинликка бераман, деб оят ич менга, ёш Харитани —  
 Мен ишқида кўпдан куйиб юрганим ул Пазифеяни».

- Ва Уйқунинг таклифига рози бўлди гулбадан Ҳера;
280. У илқларин чўзиб мудҳиш қасам ичди ва Уйқу айтган  
 Гапга амал қилиб бир-бир тилга олди ер қаъридаги  
 Титан дея аталувчи тангриларнинг барин пом-баном.  
 Сўнг икковлон Имбр ила Лемносни тарк этиб учдилар;  
 Улар парвоз қилардилар булутларга бурканиб олиб;
185. Тез етдилар ҳайвони мўл, суви сероб Ида тоғига.  
 Булар Лект яқинида денгизни тарк этиб, ер узра  
 Учарканлар, тебранарди асрий, азим дарахтлар учи  
 Улар пойи остида. Шу ерда улар видолашдилар;  
 Уйқу ўзин Зевс кўзидан четга олиб Ида тоғида  
 Мағрур боши кўкка етган, ғоят баланд қора қарағай
290. Бутоғига қўниб, унинг қалин шохи оралиғида  
 Янгроқ сасли тоғ қушига ўхшаб кетди, ки аҳли само  
 Халқида деб, аҳли мардум киминда\* деб атарди уни.

Сармалика Ҳера жадал Ида тоғин чўққисидаги

295. Гаргар отли ерга чиқди: кўриб қолди уни чақмоқдор,  
Кўрган ҳамон, иқтидорли қалбида жўш урди эҳтирос —  
Ки илк дафъа Ҳера ила ғойибона учрашгандаги  
Шаҳвоний ҳирс алангаси ўт олганди ҳозир ҳам унда.  
Чақмоқдор Зевс пешвоз чиқиб қарши олди танмахрамини:
300. «Тўхта, Ҳера! Кетмоқдасен қаён, хотин, Олимпдан жадал?  
Кўрдим мен на отларингни, на-да олтин жангаробангни».

Ўз макрини пинҳон тутиб деди Зевсга малика Ҳера:  
«Мен муҳассал заминнинг энг чеккасига кетмоқдаман, эр,  
Аждодимиз Океан-ла Тефисани кўриб келгани.

305. Улар мени тарбиялаб ўстирганлар ўз мақомида,  
Шум нифоққа барҳам бериб, икковларин яраштиргумдир.  
Ки бул азиз зотлар кўпдан аразлашиб қолганлар буткул:  
Бир тўшакда, бир-бирларин оғушида ётмай қўйганлар.  
Тулпорларим кутар мени жилғаси мўл Ида пойида.
310. Олиб кетар улар мени бундан еру уммонлар оша.  
Лек бу ерга, Зевс, қошингга келганимнинг боиси шуки,  
Суви теран Океаннинг мақомига бесўроқ кетди,  
Дея мендан аччиғланиб юрма кейин, холос, вассалом».

Булутларнинг соҳиби Зевс жавоб қилди завжасига тез:

315. «Ҳера, ёрим, кейинроқ ҳам борсанг бўлур Океанга сен.  
Ҳозир эса, кел, сурайлик оташ севги гаштин мириқиб.  
На маъбуда, на-да фоншй соҳибжамол менинг сийнамда  
Уйғотолган бирон марта бурунгидек ўтли эҳтирос!  
Иксионнинг ёш завжаси мени шайдо қилган чоғда ҳам
320. (Заковатли Пирифойни туғиб берган эди у менга),  
Акрисийнинг оппоқ қизи Даная ром қилганида ҳам  
(Ёриганди унинг кўзи шавкатли мард Персейга мендан),  
Шоҳ Феникснинг гўзал қизин\* хотинликка олганимда ҳам  
(У Критга Минос ила Родамантни туғиб берганди),
325. Фонийларнинг ичида энг соҳибжамол Алкменага  
Мен Фивада хуштор бўлиб, оқибатда, собит прода  
Ва паҳлавон Ҳераклга ёриганда ҳам унинг кўзи,  
Эл қувончи Дионисни туғиб берган Семелага ҳам,  
Кокиллари гўзал, хушбўй ҳур малика Деметрага ҳам,
330. Шонли хилқат Латонага, ҳатто Ҳера, сенинг ўзингга  
Шайдо бўлган чоғимда ҳам, оташ ишқнинг лаззат онлари  
Илинжида ҳозиргидек ёнганимни ҳис этмагандим!»

Ўз макрини пинҳон тутиб деди Зевсга малика Ҳера:

- «Эвоҳ, нелар декорсан сен, Крон ўгли, қодир худо Зевс?  
335. Наҳот шунда, боқийларнинг кўз олдида, Ида бошида  
Қучорингга олиб мени сурмоқ бўлсанг ишқ лаззатини?»

- Агар бирон ичи қора тангри кўрса бизни муҳаббат  
 Оғушида ётганимиз, ҳамда ёйса аҳли самога  
 Не бўлади? Ўзинг ўйла, бўлиши ҳам мумкин-ку шундай.
340. Ава унда мен тўшакдан туриб сенинг Олимп тоғдаги  
 Мақомингга қайтолмайман: истиҳола қилурман гоят!  
 Баски, қалбинг ёнаётган экан севги иштиёқида,  
 Азиз ўғлинг Ҳефест қурган кўп муҳташам оромгоҳинг бор,  
 Эшиги ҳам зич ёпилур ва ичидан илгакланур ҳам.
345. Гар шунчалик қўмсаб қопсан оромни, юр ўшал гўшага».

- Булутларнинг соҳиби Зевс дарҳол жавоб қилди Ҳерага:  
 «Завжам, ишон, бизни кўрур на тангрилар, на-да бандалар;  
 Сени шундай зар булутлар оғушига олайки, ўткир  
 Нигоҳлари коинотни мушоҳада қилмоққа қодир
350. Порлоқ қуёш ҳам мўралай олмасин ул булут оралаб».

- Шундай дея завжасини олди қайноқ оғушига Зевс.  
 Юксак чаман бунёд этди замин шу чоқ улар пойнда.  
 Шабнам ювган нилуфару заъфар гулу муаттар сумбул  
 Ҳера ила Зевсни аршга кўтардилар гуркираб ўсиб.
355. Шу юксакда қучоқлашиб ётди улар заррин булутлар  
 Панасида, ки мусаффо шабнам томиб турди улардан.

- Зевс Иданинг чўққисиди хотинининг оғушида, ишқ  
 Ва уйқуга таслим бўлиб, шу зайлда кетди пинакка.  
 Шунда юнон кемалари томон учди музаффар Уйқу
360. Эзгу хабар етказгани зулфи сиё Энносигейга;  
 Баландпарвоз калом айтди етиб бориб унинг қошига:  
 «Шоҳ Посейдон, шодмон бўлу данайларнинг ёнин ол энди!  
 Чақмоқотар Зевс уйқуда эканида, бир зум бўлса ҳам,  
 Уларга шон ато эт: мен тотли уйқу уфурдим Зевсга;
365. Ҳера уни жазб этиб, ишқ лаззати-ла маст қилди мутлақ».

- Шундай деб у Посейдонни ахейларга ҳомий бўлишга  
 Ундади-да, паррон этди ўзга шонли эллар қошига.  
 Посейдон ҳам саф олдига ёриб чиқиб бир наъра қилди:  
 «О, ахейлар, наҳот яна имкон берсак, кемаларимиз
370. Тортиб олиб, шон ва зафар қучмоғига Приамзоданинг?  
 Ҳектор шундай керилур ва таҳдид солур, чунки Ахиллнинг  
 Аччиғланиб, жанг қилмасдан ўтирганин билур у яхши.  
 Лек агар биз бир ёқадан бош чиқариб, бир-биримизга  
 Қўлдош бўлиб жанг қилсамиз, Ахиллесга қолмас аҳтиёж!
375. Бир маслаҳат бергум сизга, амал қилинг унга, ёронлар:  
 Лашкаргоҳда мавжуд улкан ва бақувват қалқонлар ила  
 Тўсайлик тез кўкракларни, дубулгалар кияйлик бошга,  
 Сўнг мис тигли найзаларни силкитганча, менинг орқамдан



380. Дадил жангга кирайлик биз, аминманки, ўшанда Ҳектор  
Доп беролмас ҳамламизга, нечоғлик мард, шаддод бўлса ҳам!  
Ким қудратли бўлиб ўзи, кичик бўлса қалқони унинг,  
Нимжонга ўз қалқонини бериб, олсин ўзи улканиш».

Шундай деб у зўр шижоат жўш урдирди ҳамма қалбларда:  
Унутдилар яраларин, сафладилар лашкарин шоҳлар:  
385. Диомеду, Одиссею давлатпаноҳ Агамемпонлар.  
Ва лашкарга амр этдилар қуролларни янгиламоқча:  
Кучлиларга кучли силоҳ, заифларга заиф теғди,  
Аргосликлар қуролланиб шундай обдор мис силоҳлар-ла  
Олға юрди; аилзилакор Посейдон бош бўлди уларга.  
390. Иқтидорли қўлларида узун теғли шамшир ушлаган  
Яшинмонанд Посейдонга жанг майдонда рўбарў келмоқ  
Душвор эди, — маҳв этарди бандаларни у даҳшат ила.

Ул томонда жасур Ҳектор тизди сафга ўз лашкарини.  
Ана шунда зулфи сиё Посейдон-ла обдор дубулға  
395. Кийган Ҳектор бошладилар энг мудҳиш жанг — бири юнонлар  
Ёнин олиб, иккинчиси троялик лашкар тарафин.  
Уммон узра кўтарилган машъум тўфон ўкирганича  
Долғаларни кемалару чодирларнинг пойига отур,—  
Қўшинлар ҳам тўқнашдилар наъра тортиб нақ долғалардек.  
400. Энг ваҳшатли боди Борей нафаси-ла қутуриб тошган  
Ўркач-ўркач тўлқинлар кенг соҳил бўйлаб ўкирур яккаш;  
Офаткаш ўт кетганида тоғ тўшида ўсган ўрмонга.  
У гувиллаб емиради дов-дарахтни аямай-нетмай;  
405. Лек жанггоҳда олинётган ахейлару трояликлар  
Ҳайқирғи долғаларнинг ўкириши, машъум ёнғиннинг  
Гувиллаши ва шамолнинг увлашидан ҳам мудҳиш эди.

Энг аввало, дубулғаси обдор Ҳектор мис найза отди  
Рўбарўдан келаётган Аяксга; найза нишонга  
410. Бориб теғди: у Аякс кўрагида кесишиб ўтган  
Қалқон ила шамширнинг қўш тасмасига санчилди бориб;  
Лек қўшқават тасма ҳифз қилди мардни. Ҳектор итқитган  
Найзасининг кўриб зое кетганини ранжиди қаттиқ;  
Қўрқиб ажал ҳамласидан у лашкари ичра чекинди.  
415. Лек Теламон ўғли Аякс қочаётган Ҳекторни кўриб,  
Кемаларга тиргак қилиб уюлган ва лашкар пойида  
Ётган харсангтошдан бирин кўтардию отди зарб ила;  
Тош ғизиллаб учиб Ҳектор ўмровига бориб урилди.  
Тангри Зевсинг шум чақмоғи теккан эман, илдизи билан  
420. Қўпорилиб, бошлайди талх тутамоқча. Бу ҳолни кўрган  
Ҳар қандайин йўловчининг тортиб кетур ортга юраги:  
Зеро қодир Зевс чақмоғи офаткашдир жами жонзодга,—

- Ҳекторнинг ҳам кучи кетди ўшал эман янглиғ шалвираб.  
 Қўш найзаси тушди қўлдан, залвар қалқон ва дубулғаси  
 425. Босиб қолди уни, ажиб гулдор зирҳи жаранглаб кетди.  
 Еш ахейлар уни таслим этмоқ учун, наъра тортганча  
 Отилдилар ёғдиришиб найза дўлин унинг устига;  
 Лек битта ҳам найза заҳа қилолмади халқ султонини;  
 Энг довиюрак муҳориблар: Полидамас, Эней, Агенор,  
 430. Жасоратда тенгсиз Главк ва Ликия шоҳи Сарпедон  
 Приамзод атрофини шу заҳоти ўраб олдилар;  
 Ҳектор ғамин ерди барча; ҳар битта мард мудофаага  
 Ўтиб, папа қилди ўзпи қалқони-ла ярадор шоҳни;  
 Дўстлар эса аснода мард Ҳекторни кўтариб олиб,  
 435. Жанг майдонин орқасига шопилганча олиб кетдилар.  
 Уша ерда кутар эди: жилвдори, жангаробага  
 Қўшилиб ер тепинётган шўх отлари пишқириб уни.  
 Инграётган соҳибини шаҳар ёққа учирди отлар.

- Вале улар етган ҳамон Зевс яратган серсув, сергўлқин  
 440. Гўзал Ксанф соҳилига, мард Ҳекторни жанг аробадан  
 Туширишиб, ётқиздилар ва юзига пуркадилар сув.  
 Чуқур бир тин олиб, кўзин хиёл очди ярадор Ҳектор,  
 Сўнг тиззалаб ўтирди-да оғзидаги қонни тупурди;  
 Яна ерга ётди кейин, хиралашди яна кўз олди:  
 445. У харсангтош зарбасидан келолмасди ҳамон ҳушига.

- Ҳекторнинг жанг майдонини тарк этганин кўрган ахейлар  
 Дадиллашиб ғаним ила яна қизгин жанг бошладилар.  
 Юнонлардан эпчил Аякс Ойлейзод биринчи бўлиб  
 Елиб келиб Сатнийни маҳв этди обдор найзаси ила.  
 450. Сатнионнинг соҳилида бир замоцлар сайам Наяда  
 Қовушибон Эноп билан шул Сатнийни тугиб берганди.  
 Найзаандоз Ойлейзод Сатний човин жароҳатлади;  
 У қулади; шунда чўпон Эноп ўғлин жасади учун  
 Даҳшатли жанг бошладилар ахейлару трояликлар.  
 455. Сатний учун ўч олгани Полидамас чиқди майдонга  
 Ва қудратли, узуп найза улоқтириб, Арепликзод  
 Профоепор елкасини тешиб ўтиб, маҳв этди уни;  
 У заминга қулар экан, чангаллади қонли тупроқни,  
 Қилмишидан мағрурланган Полидамас ҳайқирди дадил:  
 460. «Қани, энди кимнинг тили борур, ботир шоҳ Полидамас  
 Улоқтирган маҳобатли найза зое кетгай, демоққа?  
 Найзамни бир ахей қабул этди, энди аминманки, у  
 Шу найзани асо этиб рихлат этгай Анд қаърига!»

- Такаббурнинг нутқи қаттиқ хафа қилди аҳли юнонни.  
 465. Ҳаммадан ҳам мард муҳориб Аякс қалбин қилди садпора;

- Бу мард алпнинг пойида жон берган эди Профоевор.  
 Қалби жўшиб ёв ортидан отди найза дарғазаб Аякс;  
 Панфойзода шум ажалдан базўр қочиб қолди, чап бериб;  
 Лек маҳвакш мис найзани қабул қилди Антенорзода:  
 470. Ки Архелох қисматиға битгандилар тангрилар ўлим;  
 Найза унинг энсасига, умуртқанинг поғонасига  
 Тегдию чўрт узиб кетди бечоранинг чайир пайларин;  
 У қуларкан кучли зарбдан, боши, юзи ҳамда даҳани  
 Бориб тегди қаро ерга, тиззалари тегмасдан олдин.  
 475. Теламоний нидо қилди шавкатли мард Панфойзодага:  
 «Троялик Полидамас, яхшилаб кўр ва ростингни айт:  
 Лойиқмиди бу мард фидо бўлмоқликка Профоевор-чун?  
 Назаримда, зоти пастмас, олий насаб намоеъдаси:  
 Илионлик Антенорнинг иниси, ё ўғли, чамамда;  
 480. Антенорнинг авлодига жуда ўхшаб кетмоқда бу мард».

- Била туриб сўради у. Ғамга ботди трояликлар,—  
 Акамас ҳам, Архелохнинг оёғидан судраб кетаётган  
 Промахни маҳв этиб, ўз оғасин қасдини олди;  
 Сўнг шу жасад устида у мудҳиш наъра қилди баралла:  
 485. «Йўқ, юнонлар, сизлар қуруқ мақтанмоқни билурсиз фақат!  
 Йўқ, оғир жанг заҳматлари ва андуҳлар ёлғиз бизгамас:  
 Худди шундай сизларнинг ҳам бошингизга ёғилур офат!  
 Жангчингизни маҳв этдим, у, кўринг, энди мангу гафлатда:  
 Оғам учун ўч олмоққа ҳеч қанча вақт керак бўлмади!  
 490. Шу боисдан ҳар бир фозил, оқил оға ўз мақомида  
 Ўзи учун ўч олмоққа қодир ипи тарбияларкан!»

- Мақтанчоқнинг бу каломи қаттиқ ботди аргосликларга  
 Ҳаммадан ҳам Пенелейнинг қалбин қаттиқ тўлқинлантирди.  
 Ҳамла қилди у Троя ўғлонига; лек у Пенелей  
 495. Зарбасидан олиб қочди ўзин; шунда бу жасур сардор  
 Ғориб қилди чорвачи бой Форбас ўғли Илионейни.  
 Ҳермес барча пергамликлар орасида Форбасни кўпроқ  
 Ардоқларди ва беадад бойлик ато этганди унга;  
 Лек хотини ёлғиз фарзанд туққан эди — Илионейни.  
 500. Пенелей мис найза санчиб, кўз соққасин ситиб чиқарди;  
 Кўз косасин, бошчаноқни тешиб чиқди найза энсадан.  
 Шўрлик бола қўлларини ёйганича ўтириб қолди;  
 Ғолиб эса шамширини ғилофидан суғуриб олиб,  
 Бир зарб билан бечоранинг узди бошин; дубулға кийган  
 505. Унинг боши қонга бўккан замин узра кетди думалаб;  
 Машъум найза санчилганча қолди унинг кўз косасига;  
 У узгандек бир туп лола, йигит бошин найза учиди  
 Кўтарибон баланд, шундай деди ёвга, керилганича:

«Пергамликлар, бу шавкатли ўғлоннинг сиз падари ила  
510. Онасига хабар қилинг; уйда унга очсинлар аза!  
Эвоҳ! Лекин Премахнинг нозик ниҳол ёш хотини ҳам,  
Биз — ёш ахей йигитлари Троядан қайтгач кемада,  
Хушнуд кутиб ололмагай суюк ёрин — қандай надомат!»

Фанимларнинг жисми дағ-дағ қалтиради бу ёвуз сўздан;  
515. Олазарак бўлди улар паноҳ излаб машъум ажалдан.

О, Олимпни маскан қилган Музалар, сиз сўзлангиз менга,  
Шоҳ Посейдон даъват этган машъум жангда ахейлар ичра  
Энг аввало кимлар қўлга киритганди қонли ўлжани?  
Аввал Аякс Теламоний Мизиянинг лашкарбошисин —  
520. Мард муҳориб, соҳибидрок Гиртийзода Иртийни йиқди;  
Антилох — Фалк ва Мермерни енгиб, ечди совутларини;  
Ҳипотион ва Мориснинг жонин олди сардор Мерион;  
Профоон ва Перифет ҳалок бўлди Тевкр қўлида;  
Шоҳ Менелай найза санчди хали чўбони Ҳиперинорнинг  
525. Биқинига; найза тиғи бечоранинг ичак-чавогин  
Тилка-пора айлаб, сиртга тортиб чиқди; қон оқаётган  
Жароҳатдан жон чиқдию мағлуб кўзин сўнди зиёси.  
Чаққон Аякс Оилейзод энг кўп лашкар қирди бу жангда;  
Ки қалбига Зевс даҳшати гулув солиб жадал қочётган  
530. Фанимларнинг орқасидан қувиб етиб олишда унга  
Саркардалар ичра ҳеч ким тенг келолмас эди мутлақо.

# ЎН БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

## БАНДАРГОҲДАН ЧЕКИНИШ

Ахейларнинг зарбасидан лашкарининг кўпи қирилган,  
Қўрқанидан ранги ўчган ва титраган трояликлар  
Жадал ортга қочарканлар, юксак ғовдан, теран зовурдан  
Ўтиб олиб, тўхтадилар аробалар қўйилган ерда.

5. Сармалика қучоғида уйғонди Зевс бу пайт Идада.  
Шошиб туриб у тўшакдан кўриб қолди саросимада  
Қочаётган троялик аскарларни, уларни қувиб  
Бораётган данайларни, Посейдонни данайлар ичра.  
Ҳектор эса ётар эди кенг далада ҳушидан кетиб,
10. Ҳансираб ва қон қайт қилиб; ёронлари эди парвона.  
Мард Ҳекторга иқтидорли юнон зарба берганди бу кун.  
Яшинотар қодир худо Зевснинг раҳми келди Ҳекторга;  
У Ҳерага бир ўқрайиб қаради-да деди дўқ ила:  
«О, бадкирдор, маккор Ҳера, мард Ҳекторни жароҳатлаган
15. Ва Троя лашкарига таҳдид солган сенинг фитнангдур!  
Илло билки, шул фитнангнинг мевасини энг аввал ўзинг  
Татигайсен, саваласам агар сени чақмоқлар отиб!\*
- Унутдингми, икки сандон осиб икки пойингга, олтин  
Арқон боғлаб қўлларингга, осганимни сени фазога?
20. Сени само ва булутлар орасида муаллақ ҳолда  
Кўрган Олимп тангрилари қайгурганди қаттиқ ўшанда;  
Вале сени қутқармоққа дов бермади улар юраги:  
Сенга яқин йўлаганни арши аъло бўсағасидан  
Отардимки, у заминга бориб тушиб, кетарди ҳушдан;
25. Шунда ҳам ҳеч юшамасди худомонанд ўғлим Ҳеракл  
Тортган азоб-уқубатдан зоҳир бўлган қаҳрим, ғазабим;  
Ки сен хезлаб боди Борей ва бўронни ўғлимга қарши,  
Қисир денгиз бўйлаб уни офат сари қувдинг қаҳр ила;  
Сен ўғлимни бегона юрт — гавжум Косга улоқтиргандинг.
30. Лек мен уни — ғоятда кўп жасоратлар кўрсатган мардни  
Халос этиб қайтаргандим ватанига — обод Аргосга.  
Бул гаини, сен фитналарга барҳам бер, деб эсламоқдамен,  
Зеро ўзинг кўряпсанки, муҳаббату, оғушинг ила  
Мени шайдо айлаб қилган ёвузлигинг не ҳаён берди!»
35. Бу каломдан муаззама маъбудани чулғади даҳшат,  
Сўнгра ғоят баландпарвоз сўзлар ила такаллум қилди:

- «Шоҳид бўлинг каломимга о, замин, о, бепоён само,  
 Ҳатто боқий тангрилар-чун ҳам даҳшатли онт ҳисобланмиш  
 Ер қаърида оқувчи о, Стикс суви ҳатто сенинг, Зевс,
40. Қудсий бошинг ва иккимиз қовуштирган пок тўшак ҳаққи  
 (Мен умримда ҳеч вақт буни тилга олиб онт ичмаганман)  
 Қасам ичгум: Троянинг ўғлонлари ҳамда Ҳекторга  
 Зиён пуркаб, данайларни ҳифз қилаётган Посейдон  
 Жанг майдонга ўзи кирган мутлақ менинг маслаҳатимсиз.
45. Эҳтимол у қалб амри-ла қўл ургандир бундай рафторга,  
 Ахейларнинг машаққатин кўриб шафқат қилмоқ бўлгандир.  
 Гар мен унга берар бўлсам маслаҳат, сен, чақмоқдор, чизган  
 Йўлдан четга асло-асло чиқмасликка даъват этардим!»
- Боқийлару фонийларнинг шоҳи шундай деди жилмайиб:
50. «О, гулбадан Ҳера, агар тангриларнинг жамоасида  
 Менинг бирла доимо ҳамфикр бўлсанг, шоҳ Посейдон ҳам  
 Ниятини ўзгартириб сен ва мен-ла бўлур маслакдош,  
 Гар кўзлаган бўлса ҳам у тамомила ўзга мақсадни.  
 Гар бугунги каломларинг чинданам ҳақ, самимий бўлса,
55. Тез тангрилар мақомига жўна ва амр этки, Ирида  
 Ва Аполлон икковлари етиб келсин дарҳол қошимга.  
 Мен ул само даракчиси Иридани равона этгум  
 Данайларнинг қошига, у Посейдонга амрим етказгай:  
 У жанггоҳни тарк айлаб, тез ўз кўшкига қайтмоғи даркор.
60. Валекин Феб, янги қувва туҳфа этиб бузрук Ҳекторга,  
 Уни дарддан ва қалбини кемирётган терап азобдан  
 Фориғ қилур, руҳлантирур муҳораба сари бошқатдан,  
 Ахейларга эса яна пуркаб қўрқув, кемалар томон  
 Чекинмоққа мажбур этур ҳаммаларин. Ки шу қочганча
65. Бориб Ахилл кемасининг тўхтагайлар пойида улар.  
 Шоҳ Ахиллес шунда дўсти Патроклни шайлагай жангга,  
 Лек у аввал Илионнинг жанггоҳида кўп йигитларни,  
 Шу қатори, менинг бўтам Сарпедонни ҳам гориб қилур,  
 Шундан кейин, обдор зирҳли Ҳектор нобуд қилажак уни.
70. Чаққоноёқ Ахилл эса дўсти учун интиқом олиб.  
 Маҳв этажак жангга кириб Приамзода Ҳекторни шунда,  
 Шу лаҳзадан, аргосликлар то оқила Афинеянинг  
 Маслаҳати билан қудсий Трояни забт этмагунча\*  
 Бандаргоҳдан ғайри такрор қатъий қувгин бошляжакмен
75. Лекин Пелей ўглин жами истақларин бажармагунча  
 (Ки Фетида тизларимни қучиб, ўгли Ахиллга шуҳрат  
 Бахш этмоқни қилганида илтижо, мен бошим ирғатиб  
 Ўз ваъдамнинг ростлигини тасдиқлаган эрдим ўшанда),  
 Мен қаҳримни юшатмам ҳам, ўзга боқий худовандларнинг
80. Юнонларни муҳофаза қилмоғига йўл йўймам ҳам ҳеч».

- Чақмоқдорнинг каломига амал қилди гулбадан Ҳера;  
У Идадан қилди парвоз юксак Олимп сари шамолдек.  
Кўп юртларни кезиб чиққан ва хаёлан уларни эслаб:  
«Палон-палон ўлкаларни кўрдим, пистон ерларда бўлдим»
85. Деган одам тафаккури шундайин тез қилади парвоз,—  
Маъбуда ҳам шундай жадал парвоз қилиб ўтди самодан;  
Олимпнинг энг чўққисига бориб иниб, Зевс мақомда  
Тангриларнинг жам бўлишиб ўтирганин кўрди малика.  
Уни кўриб турди ҳамма ўз ўрнидан ва қадаҳ тутди.
90. Вале Ҳера манзур кўрди Фемиданинг қадаҳин фақат;  
Зероки у энг биринчи бўлиб пешвоз чиққан эди ва  
Маъбудани шундай эзгу сўзлар ила қарши олганди:  
«Нима бўлди сенга, Ҳера? Қутинг ўчган, недан чўчидинг?  
Ё чақмоқдор шавҳаринг Зевс қўрқитдими дағдага қилиб?»
95. Фемидага жавоб қилди сармаъбуда гулбадан Ҳера;  
«О, Фемид, не қиласан сўраб? Наҳот ўзинг билмасанг  
Чақмоқдорнинг печоғлиқ тунд ва такаббур эканлигини?  
Сен ўрнингга бориб ўтир, давом эттир зиёфатингни;  
Бошимизга Зевснинг не-не мусибатлар солмоқ бўлганин
100. Худовандлар билан бирга эшитурсен. Энди ҳеч бир зот —  
На банда, на, ҳатто, тангри (шу топгача у орангизда  
Энг шодмон бўлган бўлсин) энди хушвақт бўла олмагай».
- Шундай дея ўз тахтига бориб инди малика Ҳера;  
Эсанкираб қолди жами худовандлар; Ҳеранинг лаби
105. Жилмайса-да ёришмади қора қошли гўзал чеҳраси.  
Сўнг у шундай хитоб қилди тангриларга дарғазаб сас-ла:  
«О, гумроҳлар! Бекорга сиз қилмоқдасиз монелик Зевсга!  
Ожиздурмиз сўз ё куч-ла зуғум қилиб унинг танобин  
Тортмоқликка! Зевс бизларни менсимайди, ҳазар қилади,
110. У ўзини худовандлар орасида салоҳиятда  
Ва қудратда беҳад юксак ҳисоблайди арши аълода.  
У не завол етказмасин, фарзид бизга бардош қилмоқлик;  
Билишимча, Арейнинг ҳам қалбин бугун яралади у;  
Иқтидорли Арей ўғли ардоқли ва диловар банда
115. Мард Аскалаф бугун жангда нобуд бўлди ғаним зарбидан»,
- Деди Ҳера; шунда Арей метин янглиғ кафтлари билан  
Уриб икки тиззасига, наъра тортди ҳўнграганича:  
«О, Олимлиқ худовандлар, мени айбга буюрмангизлар,  
Гар ўғлим-чун ўч олгани борсам ахей лашкаргоҳига
120. Ва ҳатто Зевс чақмоғидан яраланиб мурдалар аро  
Қон ва чангга ботиб ётмоқ бўлса ҳамки қисматим менинг!»
- Дея Қўрқув ва Даҳшатга отларни тез жангаробага  
Қўшмоқликни амр этди у, ўзи порлоқ силоҳлар тақди.

- Турган гапки, даргазаб Зевс тангриларга зулм ўтказган
125. Бўлур эди аввалгидан ҳазор чандон мудҳишроқ куч-ла,  
 Гар маъбуда Афинея боқийларнинг ташвишин қилиб,  
 Ўз тахтидан сакраб туриб, отилмаса эшикка томон;  
 У Арейнинг қалқонини, дубулғасин юлди бошидан,  
 Илкидаги найзасини тортиб олиб бир четга қўйди.
130. Сўнг бадфеъл бу тангрини койиб берди дағдаға қилиб:  
 «Бевош, телба, ўласан-ку! Қулоқларинг том битганми ё?  
 Еб қўйдингми ё эсингни, йўқотдингми шарму ҳаёнгни?  
 Ёхуд ҳозир ҳукмиравон Зевс қошидан келган маҳзуна  
 Сармалика Ҳера айтган гапларни сен эшитмадингми?
135. Еки ҳали ўз бошингга орттириб кўп шум бадбахтликлар,  
 Олимп тоққа маънос бошинг ҳам қилганча қайтмоғинг камдек,  
 Яна бизни ҳам гирифтор қилмоқчисан шекил кулфатга?  
 Гар қайтмасанг ниятингдан, шубҳа йўқки, ҳали-замон Зевс  
 Жанг майдонин ташлаб, бунда етиб келур дағдаға билан;
140. Ана унда қаҳҳор худо фарқ қилмайин — ким гуноҳқору,  
 Ким бегуноҳ,— жазолагай ҳаммамизни бир бошдан, бирдай!  
 Гапим тингла, ҳалок бўлган ўғлинг учун ўч олмоқдан кеч.  
 Оз дейсанми жангда ҳалок бўлган, яна ҳалок бўлажак  
 Азаматлар — ўғлингдан ҳам диловарроқ ва қудратлироқ?
145. Бутун инсон насабини асраб қолмоқ душвор ўлимдан».

Шундай дея ўтказди у ўз тахтига қаҳҳор Арейни,  
 Ҳера бу чоқ Зевс уйдан чиқар экан, Феб ва тангрилар  
 Даракчиси Иридани ўзи билан чақирди четга.

- Сўнг юзланиб икковига, шундай жўшқин каломлар айтди:
150. «Зевс амр этди: икковингиз бораркансиз дарҳол Идага;  
 Лек билингким, сиз Эгиох чехрасини кўрганингиз он,  
 Не ихтиёр қилса, дарҳол айланг бажо унинг амрини».

Шундан кейин ўз кўшкига қайтиб Ҳера, ўтирди тахтга,

- Ирида ва Феб — икковлон учдилару хиёл ўтмасдан
155. Индилар ҳам даррандалар паногоҳи серсув Идага;  
 Юксак Гаргар чўққисиди чақмоқдор Зевс ўтирганини  
 Кўрди улар; безаганди унинг бошин муаттар булут.  
 Икки тангри булутларнинг султони Зевс рўбарўсига  
 Бориб турди — лек уларга Олимпик Зевс сочмади захрин,  
 160. Зеро улар Зевс завжасин амрин дарҳол бажаргандилар.  
 Даставвал Зевс Иридага юксакпарвоз шундай сўз деди:  
 «Сен, Ирида, зилзилакор Посейдоннинг қошига уч тез,  
 Каломларим етказ унга, бўлиб менга ҳалол даракчи.  
 Тарк этсин у жанггоҳни ва зудлик ила қудсий уммонга,  
 165. Ё Олимпга қайтиб кетсин — боқийларнинг жамоасига.  
 Гар у мени менсимайин, гапларимга қилмаса амал,—  
 Унда қалбин ва идрокин ишга солиб бир ўйлаб кўрсин:



Қаҳримга дош берармикин у қанчалик бўлмасин қодир?  
Дағ-дағ титрар тангриларнинг бари менинг номим эшитиб;  
170. Лекин ёлғиз Посейдон тенг қўймоқ бўлур мен-ла ўзини,  
Ваҳоланки, қудратда ҳам зўрман унда, ёшда ҳам улур».

Зевс амрига қулоқ осди елдек учқур само элчиси;  
Парвоз қилиб у Идадан, учди қудсий Илион сари.  
Кенг самони ғуборлардан поклагувчи шимол шамоли  
175. Ёғдирган қор ё совуқ дўл қандай кучли шиддат-ла учса,  
Ирида ҳам шундай жадал тилиб ўтди фазо бағрини;  
Етиб келиб шундай деди иқтидорли Энносигейга:  
«О, қорасоч зилзилакор Посейдон, мен истиқболингга  
Олиб келдим Кронзода эгидакаш\* Зевсинг каломини  
180. Тарк этиб сен жангни, дарҳол қайгармишсан қудсий уммонга,  
Ё Олимпга, қайтсин, деди, — боқийларнинг жамоасига.  
Гар сен уни менсимаин, гапларига амал қилмасанг,  
Унинг ўзи олишармиш дарҳол сен-ла бу томон келиб;  
Маслаҳати шуки унинг: эҳтиёт қил ўзингни Зевсдан:  
185. Дағ-дағ титрар тангриларнинг бари унинг номин эшитиб;  
Лек ёлғиз сен, о, Посейдон, тенг келмоқчи бўласан унга,  
Ваҳоланки, қудратда ҳам зўр у севдан, ёшда ҳам улур».

Шоҳ Посейдон жавоб қилди Иридага қаҳру ғазаб-ла;  
«Ҳа, Зевс қодир; лек у катта кетди, менинг — ҳақ ва ҳуқуқда  
190. Ўзига тенг инисининг — танобини тортмоқчи бўлиб!  
Кекса Крон ва Реядан биз — уч оға-ини туғилдик:  
Чақмоқдор Зевс, мен ва дўзах салтанатин султони Аид;  
Уч бўлинди бутун мерос, шундан кейин ташладик қуръа:  
Жўшқин уммон салтанати менга тегди абадул-абад.  
195. Замин қаъри салтанати — Аидга ва бепоён осмон —  
Булутию фазоси-ла тушди мангу Зевс зиммасига;  
Ҳаммамизнинг тенг мулкимиз бўлиб қолди замин ва Олимп,  
Йўқ, истамам бош эгмоқни Зевсга асло; қанчалик кучли  
Бўлмасин у, ўз чекида ҳоким бўлиб тинч яшайверсин;  
200. Мени заиф ҳисоблаб у, қўрқитмоқни ўйламасин ҳам!  
Ундан кўра ўғилларин ва қизларин койиб ва тергаб  
Ўз измига солиб олсин, зеро улар — ўз фарзандлари;  
Фарзанд учун фарз ҳам қарздор тобе бўлмоқ падар амрига!»

Яна жавоб қилди унга чақмоқдорнинг чустпой элчиси:  
205. «О, қорасоч зилзилакор Посейдон, айт: ушбу бадқаҳр  
Ва қўрқинчли жавобингни етказмоғим лозимми Зевсга?  
Ё юмшоқроқ жавоб дерсан? Сахий қалблар юмшашга мойил.  
Биласанки, улурларнинг ёнин олур Эринийлар ҳам».

Яна унга жавоб қилди зилзилакор тангри Посейдон:  
210. «О, Ирида, гапинг ғоят оқилона ва одилона!

- Қандай созки, элчи доно маслаҳат ҳам беришга молик.  
Ростин айтсам, ўзи каби ҳақ-ҳуқуққа ва тенг қисматга  
Лойиқ бўлган жигарига — яъни менга дағдаға қилиб,  
Ҳақоратлаб, юрагимни солди аччиқ изтиробга Зевс.
215. Вале ҳозир бажо этгум унинг амрин ранжиган ҳолда;  
Илло сенга айтиб қўйй: ҳеч қалбимда ўчмас бу таҳдид:  
Гар Зевс бизнинг — яъни менинг, Афинанинг, тангри  
Хермеснинг  
Шоҳ Ҳефестнинг, сармалика ҳур Ҳеранинг — ниятимизга  
Зид ўлароқ метиндевор Илионга шафқат қиларкан,  
220. Гар шаҳарнинг кулин кўкка совурмоққа халақит қилиб,  
Ахейларнинг тўла зафар қучмоғига йўл бермас экан,—  
Ўртамизда адоватнинг интиҳоси бўлмас тоабад!»  
Шундай дея, Посейдон тарк этди ахей лашкаргоҳини  
Ва денгизга шўнғиб кетди; аҳли юнон андуҳда қолди.
225. Буни кўриб чақмоқдор Зевс Апполонга юзланди шундай:  
«О, эркам Феб, сен мис зирҳли мард Ҳекторнинг қошига югур,  
Кўр, заминни титратувчи қудратли эр қудсий уммонга  
Шўнғиб кетди: четга олди ўзин мудҳиш ғазабимиздан;  
Йўқса, ўзга тангрилар ҳам, ҳатто Крон атрофидаги  
230. Маъбудлар ҳам\* энг даҳшатли жанг шоҳиди бўлар эдилар!  
Иккимизга яхши қилди чекиниб тез иқтидоримдан:  
Зеро осон барҳам бериб бўлмасди бу муҳолифатга!  
Сен, Аполлон, сершокила қалқонимни тез илқинга ол  
Ва силкитиб уни, ахей мардларини таҳликага сол.
235. Айни чоғда, сен чўнг мерган, ғамхўрлик қил шонли Ҳекторга;  
Сўнг муттасил жасоратин ошир унинг, токи данайлар  
Тўхтамасдан қочиб борсин кемалари турган ергача.  
Ўшал ондан жангга ўзим аралашгум амал ва сўзда,  
Ки улар ҳам ором олур машаққатли жангдан ниҳоят».
240. Шундай деди; Аполлон ҳам падарига этди итоат:  
Сўнгра ваҳший паррандалар орасида гоятда учқур  
Қирғий янглиғ парвоз қилди дарёлари жўшқин Идадан.  
Моҳир мерган Феб-Аполлон мард Ҳекторни учратди даштда;  
Энди у сал кучга кириб, ўтирарди туриб ўрнидан.
245. Энди таний бошлаганди боши узра турган дўстларин;  
Ҳансираши тўхтаб, текис нафас олар, тер ҳам қотганди;  
Тангри Зевснинг амри ила кучга кирган эди у яна  
Яқин бориб шундай деди кумушкамон Аполлон унга:  
«О, Приамнинг насли — Ҳектор! Лашкарингдан йироқда нечун  
250. Руҳинг сўниқ ўтирурсен? Ё тушдими бошингга кулфат?»

Базўр жавоб қилди унга дубулғаси дурахшон Ҳектор:  
«О, ҳумоюн тангри, кимсан менга бундай тақаллум қилган?  
Ҳали, ахей кемалари яқинида улар лашкарин

Тутдай гўкаётганимда, Теламоний харсангтош билан  
255. Зарба бериб, қаттиқ завоёл етказганин сезмадингми ё?  
Бугун Айд масканига рихлат этиб аждодлар билан  
Учрашарман девдим; жоним узилгандай бўлувди ҳатто».

Приамзодга шундай деди кумушкамон Аполлон яна:  
«О, бардам бўл, Ҳектор! Сени ҳимоя ва ҳифз қилмоқ-чун  
260. Зевс Идадан сенга қодир мададкорни — мени юборди,  
Менким, олтин шамшир таққан Аполлонман; шу чоққача ҳам  
Трояни, ҳамда сени муҳофаза қилиб келганман:  
Сен қўшининг — беҳисоб мард суворийлар даврасига бор  
Ва амр этиб йўналтир, сен улар барин кемалар сари.  
265. Ўзим боргум суворийлар олдида ва ўзим Илион  
Отларига йўл кўрсатгум, тирқиратиб ахей лашкарин».

Шундай деб у беназир куч ато этди лашкарбошига:  
Сархил ем еб семирган ва охурда кўп туриб қолган от  
Ахир бир кун нўхта узиб, кенг даладан елдай учади.  
270. Бошян мағрур кўтарганча шўх дарёдан сузиб ўтаркан.  
Елпинади унинг гажак бўйнидаги ипак ёллари;  
Маст бўлиб у ўз ҳуснидан, лой сачратиб ўйноқлаганча  
Ғизиллайди кенг ўтлоқда ўтлаб юрган биялар томон, —  
Мард Ҳектор ҳам тангри сасин эшитган он оёқларини  
275. Ўшал отдек илдамлатиб, отлиқларни ундади жангга.  
Гоҳ овчилар този итлар билан шикор чиққан пайтда,  
Оҳу ёки тоғ такасин қувадилар жидду жаҳд ила;  
Лек жонворни баланд қоя ёхуд қуюқ ўрмон баногоҳ  
Пана қилгай, — тугилмаслик ёзилгандир тақдир азалда;  
280. Вале бу чоғ қийқирув ва ҳуришлардан уйғониб кетган  
Бир ёлдор шер овчиларнинг қаршисида бўлиб намоён,  
Ҳаммаларин жон ҳовучлаб чекинмоққа этади мажбур, —  
Юнонлар ҳам троялик ўғлонларни аҳли шикордек  
Найза отиб, шамшир чопиб орқасидан тинмай қувдилар;  
285. Аммо қўшин орасига кираётган Ҳекторни кўриб,  
Баданлари сескандию юраклари торти орқага.  
Шунда моҳир найзаандоз ва беқнёс қиличбоз Фоас —  
Этолия паҳлавони ахейларнинг руҳин кўтарди;  
Агар ёшлар нотиқликда тортишмоқчи бўлса, бу мардни  
290. Машваратда енгиб чиқмоқ маҳол эди сўзамолликда.  
Шул паҳлавон ахейларга деди ҳасад ва ҳайрат ила:  
«Ё тангрилар! Бу қандайин кўз кўрмаган мўъжиза бўлди!  
Ҳектор тирик! Мудҳиш ажал домидан у қутилиб қопти!  
Бу тақаббур троялик Теламоний Аякс зарбидан  
295. Аллақачоп жаҳаннамга йўл олди, деб ўйлагандик биз.  
Бирон тангри яна унинг жонин сақлаб қолган кўринур.  
Шу топгача у беҳисоб юнонларнинг пайин қирққанди,

- Уйлашимча, ҳали яна ҳалок этур кўп ахейларни!  
 Кучга кирган у албатта чақмоқдор Зевс продаси-ла.
300. Дўстлар, менда маслаҳат бор, амал қилинг унга ҳаммангиз.  
 Бандаргоҳга чекинмоқни буюрайлик бутун қўшинга;  
 Бизлар, яъни — лашкар ичра энг довурак ҳисобланганлар,  
 Бунда қолиб жанг қилайлик: тўхтатармиз балки Ҳекторни  
 Найзалар-ла; у қанчалик жангга ташна бўлганида ҳам,
305. Уйлайманки, ботинолмас мардлар сафин ёриб ўтмоққа».

- Шунда ҳамма тинглаб уни, амал қилди маслаҳатига.  
 Иқтидорли икки Аякс, найзаандоз шоҳ Идомений.  
 Жасур Тевкр, мард Мерион ва Арейваш Мегеслар — бари  
 Саховатли ахейларни Троя ва бузрук Ҳекторга
310. Қарши туриб жанг қилмоққа ундадилар, қўшин тузиб тез;  
 Бу пайт улар орқасида чекинарди бандаргоҳга халқ.  
 Троянинг лашкари энг аввал ҳужум қилди ғуж бўлиб  
 Ҳектор бошлиқ; Ҳектордан ҳам олдинда Феб елкаларини  
 Булутларга бурқаб, Зевснинг сершокила, мудҳиш ва ажиб
315. Қалқонини кўтарганча борар эди: Ки уни Ҳефест  
 Одамзодга даҳшат солсин, дея ясаб берганди Зевсга.  
 Шу қалқон-ла борарди Феб троялик қўшин олдида.

- Аргосликлар девор янглиғ зич саф тортиб кутарди ёвни;  
 Эшитилди икки ёқдан мудҳиш наъра баробар шу чоқ;  
 320. Камонларнинг чилласидан учди ўқлар; забардаст қўллар  
 Отган аксар найзалар ҳам санчилдилар ёш баданларга,  
 Яна кўзи ета олмай нишонга, кенг майдонда қолди  
 Ва санчилиб она-Ерга, ташна бўлиб қонга, титради.

- То Аполлон чўнг қалқонин қимирлатмай ушлаб тураркан,  
 325. Ўқлар бирдай учиб, икки қўшин бирдай талофат кўрди;  
 Валекин у юнонларга тикка қараб машъум қалқонни  
 Силкитганди ва баралла даҳшатона наъра тортганди, —  
 Аргосликлар қўрқиб кетиб унутдилар мардоналикни.
330. Зулат тунда ваҳший ҳайвон дабдурустан чўпонсиз қолган  
 Бирон пода ё сурувни ҳуркитибон тиркиратгандек, —  
 Юнонларнинг ҳам мажоли қолмай бирдан, ҳар ён қочдилар;  
 Феб-Аполлон қўрқув пурқаб данайларнинг қалбига шунда,  
 Троялик лашкарларга ва Ҳекторга шон ато этди.

- Айқаш-уйқаш жанг бошланди, якка-якка олишди эрлар,  
 335. Қодир Ҳектор маҳв қилди Стихий ва Аркесилайни;  
 Мард Стихий — Беотия лашкарининг саркардасийди,  
 Аркесилай — лашкарбоши Менесфейга дўст эди содиқ.  
 Лек Энейнинг силоҳидан ғориб бўлди Ияс ва Медон.  
 Мардлар шоҳи Ойлейнинг ғайри никоҳ ўғлони Медон

340. Инисийди Ойлейзод мард Аякснинг; ўгай онаси  
Эриопанинг оғасини ўлдиргани учун, Филакда  
Истиқомат қиларди у — сурилганча она ватандан;  
Ияс эса афиналик муҳориблар саркардасийди,  
Буколзода Серел ўғли, деб атарди уни бутун эл.
345. Полидамас Мекистейни ҳалок этди, Полит — Эхийни,  
Клонийни ер тишлагди аслзода ботир Агенор;  
Шу он Парис найза санчиб қочаётган Дейохни йиқди:  
Найза ботиб елкасига, тешиб чиқди мағлуб кўксидан.
- Ечинтира бошладилар ўлганларни трояликлар;
350. Лек данайлар тисарилиб қуладилар теран зовурга,  
Сўнг кенг даштдан пароканда бўлиб қочар эканлар, ҳар зум  
Бузуқ девор панасига олардилар ўзларин почор.  
Ҳектор эса троялик лашкарига янгроқ сас ила  
Буюрарди, ғаниматлар ила ҳозир шуғулланмасдан,
355. Тўппа-тўғри соҳилдаги кемаларга ҳужум қилинг, деб:  
«Агар кўрсам бирон каснинг кемалардан узоқлашганин,  
Ўша ерда ўлдиурмен! Ана унда ўшал бадбахтнинг  
Жасадини на оға, на сингиллари куйдира олур;  
Ғажигайллар унинг жисмин Троянинг итлари бунда!»
360. Ҳектор отлар сағрисига қамчи босиб учаркан елдек,  
Наъра тортди юзланиб ўз лашкарига; лашкар ҳам мудҳиш  
Қийқириқ-ла от сурди ўз саркардаси ортидан олға,  
Даҳшатона гумбирлаган садо босди бутун атрофни;  
Энг олдинда бораётган Феб — Аполлон теран зовурнинг
365. Топтаб бутун қирғоғини ўпирди ва чуқурни кўмиб,  
Пергамликлар учун узун ва ғоят кенг йўл текислади  
Бир лаҳзада. Гар одам ўз билак кучин синамоқ учун,  
Мазкур йўлнинг бир четида туриб найза отса, нариги  
Чеккасига бориб тушар эди унинг отган найзаси.
370. Пергамликлар қўшини шу йўлдан ўтди югуриб елдек;  
Борарди Феб қалқонини ярақлатиб лашкар олдида;  
Қумдан денгиз соҳилида қаср қуриб ўйнаган бола  
Шўхлик қилиб, уни топтаб қандай осон бузиб ташласа,  
Феб ҳам данай деворини шундай осон айлади вайрон.
375. Ҳа, Аполлон, ахейларнинг сен улкан ва мушкул меҳнатин  
Барбод этдинг, ўзларини шум қувғинга гирифтор қилдинг.
- Ва пиҳоят, кемаларнинг яқинида тўхтаб ахейлар  
Бир-бирига далда бериб ва қўлларин чўзиб самога,  
Жамики бор тангриларга сиғиндилар қилиб муножот.
380. Ҳаммадан кўп кекса Нестор — ахейларнинг пушти паноҳи,  
Илкин чўзиб порлоқ юлдуз тўла кўкка, ёлборди Зевсга:  
«О, Кронзод, агар кимдир ул чаманзор ҳур Элладада,  
Бўрдоқи қўй ё бир ҳўкиз нимтасини сенинг йўлингга

Утга қўйиб, ўз уйига омон қайтмоқ ҳақида сенга  
385. Сажда қилган бўлсаю сен қабул этган бўлсанг саждасин,—  
Шул муножот онин эслаб даф қил, тангрим, шум ҳалокатни!  
Ахейларнинг буткул мағлуб бўлмоғига йўл қўйма ёвдан!»

Қулоқ осиб диёнатли қариянинг илтижосига,  
Зевс самода яшин чақиб гумбурлатди момақалдироқ.  
390. Лек буни ўз ҳаёнига қабул этган трояликлар  
Ахейларга яна қизгин ва жўшқинроқ ҳужум қилдилар.  
Гўё азим денгиздаги пўртаналар чўнг долгаларни  
Мудҳиш бўрон қувваси-ла тоғ-тоғ қилиб кўтарганидек,—  
Шундай мудҳиш наъра тортиб ўтди ғовдан трояликлар;  
395. Кемаларнинг орқасида туриб улар аробаларда  
Жанг қилдилар найзалар-ла. Ахейлар ўз кемаларига  
Чиқиб олиб, учиди мис найзаси бор, денгиз жангида  
Асқатувчи узун-узун оғочлар-ла олишардилар.

Троянинг ўғлонлари ила ахей лашкари ҳали  
400. Кемалардан йироқда жанг қилар экан,— девор пойида,  
Мард Патрокл соҳибдил шоҳ Эврипилнинг истиқболида  
Ширин-ширин суҳбат қуриб кўнглини овлаб ва жароҳатин  
Даволабон ўтирди даф қилиб дардин гиёҳлар ила.  
Лек ғанимнинг пайҳон қилиб деворларни, мисли довулдек  
405. Босиб-янчиб келётганин кўриб ҳамда эшитиб ахей  
Лашкарининг ҳаяжонли ноласини, «ҳайҳот!» дедию  
Нафтлирини тизларига уриб маҳзун оҳангда деди:  
«Йўқ, Эврипил, бунда ортиқ қололмам мен, минг сўрасанг ҳам;  
Мудҳиш қиргин авж олмоқда! Энди таскин берсин ҳамдўстинг;  
410. Мен Ахиллес ёнига тез борай, шояд жангга кирмоққа  
Кўндиролсам уни. Балки Зевс мадади ила дўстимнинг  
Қалбин жангга жўштирарман; дўст сўзин дўст қолдирмас ерда».

Шундай деб у чопа кетди; аргосликлар, ҳужумга ўтган  
Ғанимга бўш келмасдилар, лек уларни, миқдоран камчил  
415. Бўлсалар ҳам, кемалардан йироқлатмоқ душвор эди кўп.  
Троянинг лашкари ҳам ёриб ўтиб ахейлар сафин,  
Кемалар ва чодирларнинг орасига кириб бормоққа  
Нечоғлиқ кўп уришмасин ҳайф кетарди ҳаракатлари.  
Соҳибидроқ Афинадан сабоқ олган, ўз ҳунарини  
420. Моҳирона ўзлаштирган нажиб уста кема қурганда  
Оғочларни қандай қилиб бир текисда жойласа ип-ла,—  
Худди шундай бир текисда борарди жанг икки ўртада.  
Жанг қиларди кимлар ушбу, кимлар ўзга кема пойида.

Ботир Ҳектор қарши чиқди шавкатли эр бузрук Аякса.  
425. Икковлари жанг қилдилар битта кема учун, валекин  
На Ҳектор ўт қўя олди Аяксни маҳв этиб кемага,

- На-да Аякс, тангри бошлаб келган ёвни даф қила олди.  
Худди шу чоқ кемага ўт қўймоқ бўлган Клитий ўгли  
Калеторнинг кўкрагига найза санчиб ўлдирди Аякс;  
430. У заминга «гурс» қулади ва машъала тушди қўлидан.  
Ўз жигари Калеторнинг жасадини кема пойида  
Чангга ботиб ётганини кўрган Ҳектор, баралла сас-ла  
Троя ва Ликиянинг йигитларин ундади жангга:  
«О, Троя ва Ликия ўғлонлари, о, мард дарданлар!  
435. Дадил туринг, тиқилинчда чекинмоқдан қўрқинг жанггоҳдан;  
Калеторни сиз яхшироқ ҳифз қилинг, токи данайлар  
Ечолмасин ўз кемаси яқинида унинг силоҳин».

- Дея Ҳектор Аяксга йўналтирди порлоқ найзасин,  
Вале найза бориб тегди кифералик Ликофронга;  
440. Мастор ўгли бўлмиш бу мард бир одамни ўлдириб қўйиб,  
Ватанидан қувилганди ва яшарди Аякс уйда;  
Ҳектор Аякс ёнидаги шу йигитнинг бош чаноғига —  
Қулоғининг орқасига санчи зарб-ла ажалкаш найза;  
У кемадан қулаб тушиб, жон берди ер тишлаганича.  
445. Лек ҳайратга келган Аякс инисига юзланиб деди:  
«Тевкр, иним, садоқатли дўстимиздан жудо бўлдик биз!  
Киферадан келиб, бизнинг уйимизда иззат-иқромда  
Кун кечирган Масторзода ҳалок бўлди кўз ўнгимизда.  
Уни Ҳектор маҳв қилди! Айт, офаткаш ўқларинг қани?  
450. Қайда қолди Феб — Аполлон тухфа қилган даҳшатнок камон?»

- Шунда Тевкр англаб дарҳол унинг сўзин, чилласи таранг  
Камон олди илкига ва елкасига патли ўқ тўла  
Тирдон осиб, келиб турди Теламоний Аякс ёнига;  
Сўнг ёғдириб ёв бошига машъум ўқлар, Полидамаснинг  
455. Елкадоши Пизенорзод мард Клитнинг жонини олди.  
Бу жиловдор айна шу пайт тулпорларни йўналтирганди  
Одамлар гуж бўлиб, уруш тез аланга олётган ёққа;  
Ки нияти — мадад бермоқ эди Ҳектор ила қўшинга  
Валекин тез ўлим топди энсасидан ажалкаш ўқ еб,  
460. Биронта ҳам дўсти сақлаб қололмади уни ўлимдан;  
У заминга қулаб тушди, шунда отлар эгасиз қолиб,  
Аробани гумбирлатиб Троя ёқ олиб қочдилар.  
Буни кўрган Полидамас кесиб чиқди отлар йўлини,  
Сўнг топшириб у отларни Астинойга, шундай амр этди:  
465. «Ҳушёр бўлиб, яқин ерда маҳкам ушлаб тур тулпорларни»;  
Ўзи эса олди сафга қайтиб, яна киришди жангга.

- Тевкр яна бир ўқ олиб мард Ҳекторни олди нишонга;  
Аниқки, у шу кемалар яқинида Ҳекторни жангдан,  
Чиқарган ва унинг қолиб жонин олган бўларди албат;  
470. Лек бу аҳдин туголмади пинҳон Зевсдан ва Зевс Ҳекторни

- Паноҳида асраб, маҳрум этди шондан Тевкрни шу чоқ:  
 У нишонга олаётган чоғда, бирдан нажиб камонин  
 Ғоят таранг чилласини тангри узиб юборди, шунда  
 Тевкр узган, тиғи залвар мисдан бўлган ўқ бошқа ёққа  
 475. Учиб кетди ва камони тушиб кетди Тевкр қўлидан.  
 У ҳайратга келиб, дарҳол бир гап айтди оға — Аяксга:  
 «Ҳайҳот! Ёвуз бир куч бизнинг режаларни қилмоқда барбод;  
 У илкимдан камонимни ҳам туширди, чилласини ҳам  
 Шартга узди; мен шу бугун бойлагандим янги чиллани.  
 480. Ёв устига пайдар-пай ўқ отганимда панд бермасин деб».

- Бузрук Аякс Теламоний Тевкрга тез айлади жавоб:  
 «Иним, патли ўқларни ҳам, камонни ҳам бир чеккага қўй;  
 Ахейларга адовати бўлган тангри, баски ўқларни  
 Ҳар томонга сочаётганкан, улкан найза олу илкинга,  
 485. Қалқон илиб елканга, ўз қўшинингни бошла жанггоҳга  
 Ва аямай қийратавер Троянинг лашкарларини.  
 Йўқса, ғаним машаққат-ла бўлса ҳамки, кемаларимиз  
 Қўлга олур; ҳай, ахейлар жасоратин эслайлик ҳозир!»

- Камони ва тирдонини олиб кирди Тевкр чодирга;  
 490. Елкасига илди тўртқат ва сербезак ажиб қалқонин,  
 От ёлидан жиғаси бор ғоят кўркам дубулгасини  
 Қийди абжир бошига у; жиға мудҳиш елпинар эди.  
 Сўнг қўлига олиб учи мисдан бўлган найза, чодирдан  
 Чиқди ва тез бориб турди Аякс билан елкама-елка.  
 495. Ҳектор Тевкр ўқларининг самарасиз бўлиб қолганин  
 Кўрган ҳамон, наъра қилди лашкарининг руҳин кўтариб:  
 «О, Троя ва Ликия ўғлонлари, о, мард дардашлар!  
 Бардам туринг, дўстлар; ахей кемалари яқинида сиз  
 Эслангиз ўз мардлингиз! Ўз кўзим-ла кўрдим мен ҳозир  
 500. Зевс шавкатли Тевкрнинг ўқ ва камонин барбод қилганин!  
 Зевс бировга юксак зафар туҳфа этиб, бировни ерга  
 Урар экан, дариг тутиб ундан меҳрин, демакки, унинг  
 Қудратини бандаси тез, осонгина фаҳмлаб олгай;  
 Мапа, ҳозир ахейларни хўрлаб, бизни қўлламоқда у.  
 505. Қани, ҳамма ҳужум қилсин баробар ёв кемаларига!  
 Қимки шамшир ё найзадан шаҳид бўлса, мардона ўлсин!  
 Ўз ватанин ҳифз қилиб ҳалок бўлмоқ улкан шарафдир;  
 Лек шаҳиднинг хотини ва зурриёти қолажак омон,  
 Путур етмас ҳовли-жойи, молу мулки ва давлатига,  
 510. Гар ахейлар жўнаб кетса кемаларда ўз ватанига».

Деб оширди ҳар жапгчининг матонатин ва жасоратин.  
 Бу томонда нутқ сўзларди лашкар сафи олдида Аякс:



- «Уят сизга, о, ахейлар! Илож битта: ё нобуд бўлмоқ,  
 Ё офатни кемалардан даф қилиб тез қутулиб қолмоқ!  
 515. Ё пиёда кетурмисиз сиз ватанга, гар дубулгаси  
 Обдор Ҳектор тортиб олса барчангизнинг кемаларингиз?  
 Ана, тингланг, ўшал ғаддор наъра тортиб ўз қўшинини  
 Таҳрик этиб, кемаларни ёндирмоққа таҳдид солмоқда.  
 Турган гапки, у лашкарни рақсга эмас, жангга тортмоқда!  
 520. Энди биз-чун ганимлар-ла жасорат ва қувватимизни  
 Омихталаб олишувдан ўзга чора — илож қолмади!  
 Кемаларнинг яқинида ўзимиздан анча заиф ёв  
 Ила узоқ азоб чекиб қақшатқич жанг қилганимиздан,  
 Бир ҳамла-ла ё енгмоқ, ё ҳалок бўлмоқ минг бор афзалдир!»
525. Шундай дея уйғотди у лашкарларда қувват ва журъат  
 Бу пайт Ҳектор фокидалик жангчиларнинг лашкарбошиси  
 Перимедзод Схедийни маҳв қилди; валекин Аякс  
 Фориб қилди пиёдалар саркардаси Лаодамасни;  
 Полидамас ечиб олди иродаси кучли эпейлар  
 530. Саркардаси мард Мегеснинг дўсти — Ҳотнинг ажиб совутин,  
 Ҳамла қилди Мегес дўстин қотилига; чап бериб қолди  
 Полидамас; зое кетди Мегес зарби, зеро Аполлон -  
 Панфойзоднинг ҳалокатин истамаган эди бу жангда.  
 Мегеснинг шум мис найзаси Крезмнинг кўксини тешди;  
 535. У гурсиллаб тушди ерга, ечди унинг совутин ғолиб,  
 Шу чоқ бирдан иллионлик найзаандоз шавкатли Долопс —  
 Лаомедон набираси, жанггоҳларда довруқ қозонган  
 Заковатли Лампнинг ўғли, ҳамла қилиб қолди Мегесга.  
 Яқин келиб у Мегесга қалқонига санчди найзасин.  
 540. Лек ундаги қат-қат метин зирҳлар кирди жонига ора;  
 Бу совутни бир замонлар Селлеиснинг соҳилидаги  
 Эфирадан олиб келган эди Филей. Ўшал шаҳарнинг  
 Шоҳи Эвфет Филейни дўст билиб унга туҳфа қилганди,  
 Ушбу қалқон қонли жангда ағёрлардан ҳифз қилсин, деб;  
 545. Мана, ҳозир ўғлини ҳам у ажалдан қутқариб қолди.  
 Мегес эса Ламп ўғлининг дубулгасин чўққисидagi  
 Чўнг тожнинг нақ замирига зарба урди мис найзаси-ла,  
 Қирмизи ранг у ёлдор тож синиб кетиб таг-туғи билан,  
 Бутун қолда ерга тушиб чангга ботди. Валекин Долопс  
 550. Умиб қилиб ғалабадан, олишарди ҳамон Мегес-ла.  
 Ана шунда унга қарши кучли рақиб — Менелай чиқди;  
 У папада туриб найза санчди Лампет ўғлин кифтига  
 Ва ажалкаш найза тешиб чиқди унинг алп кўкрагидан;  
 Шу заҳоти Лампетзода она-Ерга ётди чалқанча.  
 555. Отилдилар мардлар унинг ажиб зирҳин ечиб олмоққа.  
 Шунда Ҳектор Долопснинг хешларига — ҳаммадан олдин  
 Диловар зот Меланишга маломат-ла бақариб берди;

- Ҳикетаон ўгли бир вақт, ёв бостириб келмасдан бурун  
 560. Ҳеллеспонтнинг яқинида Перкотада пода боқарди;  
 Лек ахейлар кўп эшакли кемаларда етиб келган он,  
 Елиб келиб Илионга, кўрсатганди жанггоҳда ўзин;  
 Приамнинг уйида у яшар эди азиз фарзанддек.  
 Ҳектор шунга таъна қилиб койинди хўб аччиғи чиқиб:  
 «О, Меланипп! Наҳот қасос олмасак биз? Наҳот юрагинг  
 565. Зигирча ҳам ачимаса ғориб бўлган ўз жигарингга!  
 Ёки унинг совутичи ечишларин кўрмайсанми?  
 Юр, мен билан! Ҳозир айпи ёвнинг додин берадиган пайт;  
 Биз уларнинг барин қириб ташлагаймиз, ҳали ғанимлар  
 Трояни вайрон қилиб, бутун халқин қатл этмасдан!»
570. Деб у олға чопа кетди, шоҳ Меланипп эргашди унга.  
 Теламоний мард Аякс ҳам ахейларни ундарди жангга:  
 «Бардам бўлинг! Қалбингиздан жой олсин пок ҳаё, дўстларим!  
 Сиз жанггоҳда бўлган чоғда номус қилинг бир-бирингиздан!  
 Ҳаёси бор муҳориблар кам қирилув, соғ қолур кўпроқ;  
 575. Лек қочоқлар на ажалдан холи қолур, на шоҳ қозонур!»
- Дерди Аякс, вале лашкар жанг қиларди шундоқ ҳам қаттиқ;  
 Аякс сўзин инобатга олиб ҳамма ихота қилди  
 Кемаларни мис девори-ла; валекин Зевс самада туриб  
 Тевлар эди троялик йигитларни уларга қарши.  
 580. Бу ёқда ёш Антилохни ундар эди жангга Менелай:  
 «О, Антилох, ахейларнинг орасида сендан на ёшроқ,  
 На чаққонроқ, на жанггоҳда қудратлироқ мард бор биронта,  
 Енгардинг сен ҳар қандай мард ғанимни ҳам гар жангга  
 кирсанг?»
- Антилохни васвасага солиб, ўзи чекинди ортга.  
 585. У отилиб чиқиб олға чор атрофга кўз ташладию  
 Найза отди; унинг кучли зарбасидан трояликлар  
 Танг қолдилар. Зеро отган мис найзаси зое кетмади:  
 У жанггоҳга мағрурланиб чиққан бузрук Ҳикетаонзод —  
 Лашкарбоши Меланиппнинг алп кўксига санчилди бориб;  
 590. У гурсиллаб йиқилганди, совутлари жаранглаб кетди.  
 Уясидан ўқдек учиб чиққан заҳот овчи ўқиға  
 Дучор бўлган ва қон оқиб ярасидан, чаққон пойлари  
 Ҳолсизланган ёш буғуга този итлар қандай ташланса,—  
 Шундай ҳамла қилди сенга ҳам, Меланипп, ботир Антилох,  
 595. Совутларинг ечмоқ учув. Лек Ҳектордан қоча олмади;  
 Ҳектор қайноқ жанг ичидан чиқди унинг рўбарўсига.  
 Лек Антилох дангал қарши чиқолмади Приамзодага;  
 Пода боққан подачи ё итга шикаст етказган ҳайвон  
 То аҳоли тўпланмасдан қочганидек ўрмон ичига,—

600. Қочиб қолди жанггоҳдан шоҳ Антилох ҳам; трояликлар  
 Ҳайқирдилар ваҳшатона пайдар-пай ўқ отиб ортидан.  
 Уғирилди у ёв томон, фақат етиб олгач дўстларга.
- Троянинг ўғлонлари бу он қонга ташна шерлардек,  
 Еприлдилар кемаларга бажо айлаб Зевс иродасин;
605. Зевс аларга мудом мардлик ато этар, ахей лапқарин  
 Маҳрум қилиб ғалабадан, сўндирадди руҳин батамом;  
 Зевс Ҳекторга бахш айламоқ ниятида эди мудҳиш шон,  
 Лек бу шонга офатқаш ўт қўйиб Ҳектор нойил бўлиши  
 Мумкин эди кемаларга, — шундагина амалга ошгай
610. Фетиданинг илтижоси; лек Зевс учун кифоя эди  
 Ёнаётган илк кеманинг алангасин кўрмоқ самодан.  
 Шундан бошлаб у Троя ўғлонларин буткул қувмоқни,  
 Данайларга ғолибият бахш этмоқни кўзлаган эди.  
 Шу мақсадда Зевс Ҳекторни йўналтирди кемалар ёққа,
615. Ваҳоланки, шуни истар эди руҳан Ҳектор ўзи ҳам;  
 У гўё жон кушандаси Арейдек, ё ўрмон ичида  
 Кўтарилган офатангиз ёнгин каби қаҳрланарди:  
 Кўпик сочар дудоғидан, ўт чақнарди машъум қошлари  
 Остидаги кўзларида; мисли қуюн югурганида
620. Унинг тождор дубулғаси таҳдидона тебранап эди!  
 Пушгипаноҳ эди унга Зевснинг ўзи арши аълода  
 Ва бандалар орасида ёлғиз уни эъвозлар эди:  
 Зероки бу Приамзоднинг умри тугай деб қолган эди  
 Ва Афина унинг Ахилл қувваси-ла ҳалок бўлғуси
625. Машъум кунин аллақачон қўйган эди яқинлаштириб.  
 Ҳектор қайда данайларнинг зич сафини ва ғоят подир  
 Силоҳларин кўрса, ўшал ерни ёриб ўтмоқ бўларди.  
 Вале қанча уринмасин, ўтолмади ёв сафин ёриб:  
 Аргосликлар ғуж бўлишиб мисли метин қалъадек, ёхуд
630. Жўшқин денгиз бўйидаги чўнг қоядек турардиларки,  
 Бундай қоя гирдибодли довулни ҳам, долғаларни ҳам  
 Мағрурона қарши олур, — Троянинг лашқарини ҳам  
 Аҳли юнон қилт этмасдан қутар эди шундай мардона.  
 Булутларнинг замирида зоҳир бўлган қуюн самари —
635. Қодир долға қаттиқ куч-ла урилгандек кема ёнига,  
 Ҳектор ҳам ўт бўлиб ёниб данайларга қиларди ҳамла;  
 Кема шунда бошдан-охир бурканар оқ кўпикка буткул;  
 Гирдибоднинг машъум саси елканларда акс-садо берур  
 Ва шум қўрқув кема аҳлин вужудини қамраб олару
640. Азоб чекиб улар базўр қочиб чиқар ажал домидан, —  
 Безовтайди шундай сахий данайларнинг юраклари ҳам,  
 Ҳектор эса сойликдаги кенг ўтлоқда ўтлашиб юрган  
 Сигирларга ҳужум қилмиш қонхўр шерга ўхшарди ҳозир;  
 Подачи ҳам шунда, илло ҳали у ёш бўлганлигидан

645. Гажак шохли сигирлардан даф қилмоқни билмайди шерни:  
Тажрибаси йўқлигидан у поданинг гоҳ орқасига,  
Гоҳ бошига танда қўяр тиним билмай; ваҳший шер эса  
Қора моллар орасига кириб олиб зотдор буқани  
Бўғизлайди, шунда барча сигир қочур тирқираб ҳарён,—
650. Юнонлар ҳам Ҳектор ва Зевс қудратидан қочдилар шундай,  
Ҳектор фақат мард Копрейзод Перифетнинг жонини олди,  
Бир замонлар Эврисфейнинг хизматида бўлганида у,  
Ҳераклнинг ҳузурига кўп бор элчи бўлиб борганди;  
Отасидан кўра бул эр диловарроқ, номварроқ эди:
655. Тез чопишда, делирона жанг қилишда ва фаросатда  
Микенанинг бутун аҳли орасида беқиёс эди;  
Шул азамат Приамзоднинг шуҳратини қилди зиёда:  
Қочаётиб, бўй баробар қалқонига қоқилди бирдан.  
У чалқанча йиқиларкан дубулғаси жаранглаб кетди.
660. Буни кўриб Перипетнинг тепасига югуриб келган  
Ҳектор унинг қоқ кўксига санчди пайза ва дўстларининг  
Кўз олдида жонин олди; лек қанчалик қайғуришмасин  
Ерошлари, Перапетга ёрдам қўлин чўзолмадилар:  
Улар буткул жон олдириб қўйгандилар қаттол Ҳектордан.
665. Сувдан олдин чиқарилган ва соҳилдан олисда турган  
Кемаларнинг\* паноҳига чекиндилар жами данайлар;  
Аммо Ҳектор шу ерга ҳам келаверди сиқиб уларни,  
Бу ердан ҳам чекинишга мажбур бўлди шунда ахейлар;  
Энди улар бориб қолиб қароргоҳга, гуж турардилар —
670. Жам қилганди улар барин орият ва қўрқув туйғуси;  
Улар мудом ҳайқиришиб бир-бирига берарди далда;  
Алалхусус, кекса Нестор — ахейларнинг пушти паноҳи  
Ҳар бир мардга, хешларининг номин эслаб, қилди илтижо:  
«Мард бўлинглар, о, ахейлар, ориятни йўқотманг зишқор,
675. Бадиом бўлманг эл олдида! Уйда қолган бола-чақангиз  
Ҳамда мушфиқ завжангизни эслапг қандай соғинганингиз,  
Эслапг ота-онангизни хоҳ ҳаёт, хоҳ ўлган бўлсанлар!  
Гарчи улар биздан узоқ бўлсалар ҳам шулар номи-ла  
Елбораман, қочманг ортга, дадил туриг ағёрга қарши!»
680. Шундай деб у руҳлантирди, кучлантирди ҳар бир жангчини.  
Афинея лашкар кўзи олдидаги қуюқ туманиш  
Тарқатдию бандаргоҳдан жанггоҳгача бўлган орилиқ  
Нақ офтобдек ёришди ва яққол кўзга ташланди борлиқ;  
Пурважохат Ҳектор ҳамда Илионнинг жами лашкари,—
685. Орқароқда жангга кирмай турганлар ҳам, олдинги сафда,  
Бандаргоҳда жаҳд билан жанг қилётганлар ҳам,— кўриндилар.

Бузрук Аякс ортиқ чидаб туrolмади, жами ахейлар  
Қочиб келиб тўпланишган тор майдонда — кемалар аро;

- У қудратли қўлларида силкитганча ҳалқалар ила  
 690. Жипсланган ўн бир газли, узун, улкан лангар чўпини  
 Бу кемадан у кемага дадил сакраб ўта бошлади.  
 Тўртта зотдор учқур отни танлаб олиб, нўхталарини  
 Бир-бирига улаганча кенг даладан шаҳарга томон  
 Заранг йўлдан мисли елдек учирган ва шу югуришда,  
 695. Гоҳ у, гоҳ бу отда ҳадеб сакраб миниб, йўл ёқасида  
 Турган эркак ҳамда қўрқоқ аёлларнинг оғзин очириб,  
 Ўзин ажиб маҳоратин кўз-кўз қилган зўр чавандоздек,—  
 Мард Аякс ҳам кемаларнинг супалари узра одимлаб,\*  
 Хайқирганча борар эди кенг самои ларзага солиб;  
 700. Шу наъраси билан Аякс данайларни даъват этарди  
 Қароргоҳ ва бандаргоҳни тишим билмай қўриқламоққа.  
 Қодир Ҳектор ҳам бу маҳал метин зирҳли трояликлар  
 Орасидан елиб чиқди. Қонхўр бургут дарё бўйида  
 Тинчгина дон териб юрган ёввойи ғоз, турналарга ё  
 705. Бўйни узун оққушларнинг галасига човут солгандек,—  
 Ҳектор ҳам ёв кемасига довул янглиғ қиларди ҳамла;  
 Зевс Ҳекторнинг орқасида туриб, улкан илки-ла уни  
 Ва у билан Троянинг лашкарини ундарди жангга.

- Яна қизиб кетди учқур кемаларнинг пойида шум жанг.  
 710. Муҳориблар, гўё жангга энди кирган янги кучлардек,  
 Чарчаш билмай, жон олиб, жон бериб қаттиқ олишардилар.  
 Жангчиларни шундай хаёл ром этганди: ахей лашкари  
 Нажотдан юз ўгирганди ва ўлишга қарор қилганди;  
 Лек ғайрати жўшган ҳар бир троялик, кемаларга ўт  
 715. Қўйиб, барча ахейларни қирамиз, деб қиларди орзу!  
 Шундай журъат ва ғайрат-ла ўзаро жанг қиларди улар.

- Бир кеманинг қўйруғидан тутди маҳкам Ҳекторнинг қўли;  
 Ушбу гўзал кема бир вақт Трояга Протесилайни  
 Олиб келган эди, лек у ватанига қайтмайди энди:  
 720. Айқаш-уйқаш бўлиб уруш қилардилар трояликлар  
 Ва ахейлар шул кеманинг теграсида; икки тараф ҳам  
 Кутмас эди олисроқдан отилган ўқ ё шум найзани.  
 Рақиблар юзма-юз туриб, шамширлар ва икки тарафи  
 Ўткир залвор ойболталар ҳамда икки учи ҳам ўткир  
 725. Мис найзалар ила жўшқин жанг қилишар эди бир хилда.  
 Соли қора, ҳашаматли кўп шамширлар хок-туроб бўлган  
 Муҳориблар илкидан, ё елкасидан тушарди ерга;  
 Бутун замиш қора қонга ғарқ бўлганди. Кемани қўлга  
 Кириган мард Ҳектор унинг қўйруғидан кетмасди нари;  
 730. Лашкарига ҳайқирарди у тутганча қўйруқ безагин:\*  
 «Олов беринг, олов! Ҳамма, баб-баробар ҳайқириб олга!  
 Зевс интиқом кунин бизга бахш айлади! У фатво берди —

- Хоҳишсиз Трояга сузиб келган ва шаҳримизнинг  
Кексаларин юраксизлик қилганлиги оқибатида
735. Бизларни не кунга солган ёв кемасин ўтга тутмоқни;  
Мен бу ганим кемаларин забт этмоққа аҳд қилганимда  
Йўлимга ғов бўлдилар ва чалғитдилар аҳолини ҳам.  
Гар ўшанда Зевс ақлимиз олган бўлса ҳам, мана бугун  
Бизни жангга даъват этур ва кўрсатур зафар сари йўл!»
740. Кўшин яна шиддатлироқ ҳамла қилди аҳли юнонга.  
Аякс бардош беролмади отилётган ўқ ёмғирига;  
У ўлимнинг ҳақлигидан қўрқиб аста чекинди ортга  
Ва қўйруқдан тушди ерга етти пиллапоя орқали.  
У шу ерда туриб олиб машъал ила кела бошлаган
745. Ҳар бир касни узун найза билан уриб йиқитаверди  
Ва юзланиб данайларга ҳайратомуз ҳайқариб турди:  
«О, ёронлар, мард данайлар, о, Арейнинг қўрқмас лашкари!  
Бардам бўлинг, унутманг ҳеч сиз жанговар шавкатингизни!  
Эҳтимол сиз орқамизда кўмакчилар бор, деб ўйларсиз?
750. Ёки бизни метин девор муҳофаза қилади, дерсиз?  
Йўқ, бу ерда ҳеч қандайин метин девор, қалъа йўқдирки,  
Биз у ерда жонни сақлаб, янги кучдан умид қилсамиз.  
Биз Троя майдонида, метин зирҳли ёв лашкарининг  
Қаршисида турадурмиз. Кўп мўътабар ватанимиздан
755. Олис ёқда — бу соҳилга қисиб қўйган бизни агёрлар!  
Нажотга биз жасорат-ла эришурмиз, заифлик-ламас!»

Шундан сўнг у жаҳл ила маҳобатли найзасин силқди.  
Ҳектор амрин бажо айлаб, машъал ила кема пойига  
Яқинлашган ҳар бир ёвни найзаси-ла қийратиб турди.

760. Оқибатда, битта ўзи ҳалок этди ўн икки ёвни.

# УН ОЛТИНЧИ ҚУШИҚ

## ПАТРОКЛНОМА

- Қорабиқин кема учун шундай қаттиқ жанг қилардилар.  
Айни шу чоғ мард Патрокл етди Ахилл естиқболига;  
Кўзларидан дув-дув қайноқ ёш оқарди — тоғ бошидаги  
Тик қоядан тушаётган қайнарбулоқ сувидек зилол.
5. Халқ чўбонин раҳми келди кўриб унинг маҳзун аҳволин  
Ва дўстига хитоб қилди сердабдаба шундай сас ила:  
«Нечун кўз ёш тўкурсен, о, Менетийзод? Худди онасин  
Этагидан тутиб унинг кўзларига мўлтираб боққан  
Ва «кўтар» деб зор йиғлаган жажжигина қизалоқ каби,
10. Сен ҳам, дўстим о, Патрокл, мунча зор-зор йиғламоқдасен?  
Балки бирон гап айтурсен менга, ёхуд мирмидонларга?  
Ва ё сенга Фтиядан биронта шум хабар келдим?  
Дейдиларки, сенинг отанг Акторзода шоҳ Менетий ҳам,  
Менинг отам Эак ўғли Пелей ҳам соғ-саломатмишлар.
15. О, биз учун улкан андуҳ бўлур эди улар вафоти!  
Балки сен ўз ноҳақлигин азобини, бугун соҳилда,  
Тортаётган бахтиқаро ахейларга ачинмоқдасен?  
Юрагингда не гап бўлса, очиқ гапир, огоҳ қил бизни».
- Сен, Патрокл, — мард муҳориб, дединг шунда оғир хўрсиниб:
20. «О, Ахиллес, лашкар ичра энг мард ўғлон, кечир кўз ёшим!  
Тушди ахей лашкарининг бошига энг оғир мусибат!  
Қўшин ичра донғи кетган азаматлар бари ёгурлар  
Қароргоҳда ё ёй ўқи, ё найзадан жароҳатланиб.  
Қодир жангчи Тидейзода яраланган тиғи паррондан;
25. Найза ила яраланган Мард Одиссей, шоҳ Агамемнон,  
Сонидан ўқ еб азобда ётур нажиб Эвемензода.  
Анвойи ўт-гиёҳларнинг пири — ажиб табиблар унда  
Беморларни даволарлар тепасида бўлиб парвона.  
Вале ёлғиз сен, Ахиллес, ғазабингдан тушмайсан ҳануз!
30. Сендек кинчи одамни мен кўрмаганмен умримда асло,  
Бу мардлигинг — кони зиён! Кимга керак бу диловарлик,  
Гар офатдан қутқармоқни истамасанг ахей лашкарин?  
Отанг сенинг на хушрафтор Пелей, онанг — на Фетидадир;  
«О, шафқатсиз?! Шунин билки, келтиргандир сени дунёга

80. Патрокл, йўл қўйма бунга! Кемаларни қутқар офатдан;  
 Сен шундай зўр зарба берки, ёқолмасин кемаларни ёв  
 Ҳамда маҳрум этолмасин уйга қайтмоқ армонимиздан.  
 Илло билки, сенга ушбу топшириқни беришим важи,—  
 Ҳам шуҳратим, ҳам обрўйим оширмоғинг лозим эл ичра.
85. Яна шуки, гўзал қизни, унга қўшиб беҳисоб тухфа  
 Келтирмоғи лозим менга икки қўллаб данайлар ўзи.  
 Сен, Патрокл, ёвни қувиб кемалардан, дарҳол қайтиб кел!  
 Голибият ато этса ҳамки ҳатто чақмоқотар Зевс,  
 Буткул қирон келтирмагил Троянинг лашкарига, сен —
90. Бу билан сен етказурсен путур обрў-эътиборимга.  
 Жангда қўлинг балад келса, диловарлик қилиб ғанимни  
 Қиру аммо лашкарингни Илионга бошлама асло.  
 Тагин бирдан Олимпдаги тангрилардан у ё буниси  
 Троянинг ёнин олиб сенга қарши жанга кирмасин;
95. Феб — Аполлон ҳаддан зиёд хуш кўради Троя элин.  
 Кемаларни халос эту яна қайтиб ҳузуримга кел;  
 Ахейларни жанг майдонда қолдир — улар қирилаверсин.  
 О, боқий Зевс, о, Аполлон, о, Афина, агар Троя  
 Ўғлонлари ва ахейлар бир-бирларин битта ҳам қўймай
100. Қийратсаю фақат бизлар омон қолсак қаттол ўлимдан,  
 Бир ўзимиз кулин кўкка совурардик Троя шаҳрин!»

- Шундай суҳбат қураб эди икки мард. Лек бу ёқда Аякс  
 Ортиқ бардош беролмади ёгаётган ўқларга — дўлдек.  
 Зўрроқ эди Зевс хоҳиши ва дарданлар қувваси ундан;
105. Қулоқлари шанғилларди унинг обдор дубулгасига  
 Урилётган ўқ дўлидан: зарб ер эди мудом мис сарпўш;  
 Мард Аякснинг қалқон илган алп елкаси увишиб қолди:  
 Лек отилган найза, ўқлар ҳаммаёқни жисли булутдек  
 Қопласа ҳам, ёв Аяксни ўз жойидан жилдиролмади.
110. У ҳансирар, қора терга ботган эди бутун вужуди;  
 У бир аум ҳам эркин нафас ололмасди: ки ҳар тарафдан  
 Ёғиларди муҳорибнинг чўнг бошига офат пайдар-пай.

- О, Олимплик Музалар, сиз сўйланг менга, қандай йўсинда  
 Офаткаш ўт тушганини данайларнинг кемаларига.
115. Чопа келиб Ҳектор, Аякс қўлидаги узуқ найзанинг  
 Мис тиғига яқин ерга қилич солиб узиб ташлади:  
 Найза тиғи анча ерга учиб бориб, жаранглаб тушди:  
 Энди Аякс қўлидаги тўмтоқ найза беҳаён эди.  
 Теламоний, булар бари худоларнинг иши эканин
120. Ҳамда унинг муҳориблик умидларин Зевс барбод қилиб,  
 Ёвга зафар бахш этганин ҳис қилдию чекинди ортга;  
 Айни шу пайт бир кемага ўт ташлади трояликлар;  
 Жоҳил олов тез тарқала бошлади ҳар ёнга, гуриллаб.  
 Ахилл, кема қуйруғини ўт олганин кўриб, қўлларин



35. Совуқ денгиз, шумшук қоя ўзларидек тошбағир этиб!  
Агар сени чўчитётган бўлса бирон хавфли башорат,  
Ёки онанг сенга Зевсдан биронта гап етказган бўлса,  
Унда, жангга мени юбор сардор этиб мирмидонларга:  
Шояд шулар кўмагида халос этсам данайларни мен.
40. Ижозат бер, тақиб олай сенинг силоҳ, совутларингни:  
Балки жангни тўхтатурлар мени сен деб ўйлаб ганимлар;  
Сўнг чарчаган аргосликлар пича ҳордиқ чиқариб олур.  
Ана унда биз толиққан ёвни янги куч ила осон  
Қуважакмиз бандаргоҳдан, қароргоҳдан Илион сари».
45. Деб ёлборди шўрлик подои! Таассуфки, у ўзи учун  
Ахиллесдан ўлим сўраб олётганин билмасди, бадбахт!  
Чаққоноёқ Ахилл оғир оҳ урдию қилди такаллум:  
«О, Патрокл Менетийзод, сен нималар деурсан ўзи?  
Эшитганим башоратга мен парво ҳам қилмайман асло.
50. Ҳеч қандай гап келтирмади муҳтарама онам ҳам Зевсдан.  
Лек рутбада ўз тенгидан сал баландроқ бўлгани учун  
Тенг одамни тунамоқчи ва муздени тортиб олмоқчи  
Бўлган касни кўрсам, ҳадсиз ғазаб қамар менинг қалбимни!  
Бешафқатдир қаҳрим менинг: жанггоҳларда мен азоб чекиб,
55. Қонлар кечиб, ахейлардан тухфа тарда олганим қизни  
Агамемнон сурбетларча тортиб олди яна қайтатдан,  
Гўё мени бир ҳаёсиз, ялангоёқ сарсари билиб!  
Ҳай, салавот ўтган гапга! Одобданмас қалбда мудом кин  
Сақламоқлик: мен таъкидлаб келмоқдаман кўпдан бир гапни:
60. Ғазабимни тарк этмам ҳеч, токи кемам рўбарўсида  
Офаткаш жанг садосини қулоқларим эшитмагунча.  
Хўп, энди бас, сен тақиб ол менинг шонли қуролларимни,  
Саркарда бўл жангсираган мирмидонлик менинг халқимга:  
Кўрмоқдамен, бандаргоҳнинг ҳамма ёғин трояликлар
65. Қора булут янглиг чулғаб олибдилар; ахей қўшини,  
Кўрмоқдамен, соҳилдаги тор майдонга сиқиб борилган;  
Троянинг густоҳ эли босиб борур улар устига  
Ки, бу лашкар кўпдан бери кўрмай қўйди жанг майдонида  
Ахиллеснинг дубулғасин — нисон кўзин қамаштиргувчи!
70. Ҳа, ганимлар бизнинг кучдан чекинаркан, дала-даштдаги  
Чуқурларни тўлдирворган бўлардилар жасадлари-ла,  
Агарда шоҳ Агамемнон менинг қаҳрим келтирмаганда;  
Ҳозир эса ул густоҳлар лашкаргоҳни қуршаб олмоқда!  
Зеро энди Диомеднинг иқтидорли қўлида пайза
75. Ахейлардан фалокатни даф қилмоқ-чун силкинмаётир;  
Эшитилмай қолди қўшин орасида Агамемноннинг  
Таҳдилона саси; фақат қаттол Ҳектор овозигина  
Троялик лашкар ичра янграмоқда; трояликлар  
Ҳайқириғи янграмоқда кенг водийни музаффарона!

125. Тизларига ғазаб ила уриб деди Менетийзодга:  
«О, Патрокл Менетийзод, шошил, мепинг паҳлавон дўстим!  
Кўрмоқдамен: кемирмоқда кемаларни машъум аланга!  
Агар шундай кетаверса, қайтолмаймиз биз ватанга ҳам.  
Дўстим, шошил, қуроллан тез, мен лашкарни йиғиб тураман!»
130. Шундан кейин, Патрокл ҳам мис совутлар кия бошлади.  
Даставвал у соғларига ҳашаматли пойбандлар боғлаб,  
Ажиб кумуш тўқаларин илгаклади, шундан кейин у  
Алл кўксига зирҳли либос кийди шоша ки, юлдузсифат,  
Нақшларга бой бу зирҳ либос Эакзода Пелейникийди;
135. Зирҳ устидан елкасига кумуш сопли мис шамширини  
Ҳамда ғоят маҳобатли ва мустаҳкам қалқонин осди;  
От ёлидан жиғаси бор мис дубулга кийди бошига;  
Бу тожсимон жиға мудҳиш ҳилпирарди у юрганида.  
Уэ қўлига қулай ва мос икки найза олди Патрокл.
140. Вале битта найзасига қўл урмади у Ахиллеснинг:  
Ғоят ваэмин, маҳобатли, пишиқ эди бу шумтол найза;  
Ахилл уни осонгина силкитарди, лек ахейлардан  
Ҳеч ким уни ердан уза олмас эди, минг уринса ҳам;  
Бул найзани Хирон унинг падарий-чун Пелпон тоғин
145. Чўққисидан кесиб тушган, ёв бошига солсин деб офат.  
Отларни жангаробага қўшмоқни у Автомедонга, —  
Ахиллдан сўнг энг эъозли ҳисоблаиниш зотга амр этди,  
Бу энг содиқ шотир эди дош бернида жанг ваҳшатига.  
Автомедон, учқурликда шамолдан тез тулпор отларни:
150. Ксанф ила Балийни жангаробага қўша бошлади.  
Бу отларни Океаннинг соҳилида Подарга деган  
Бир ҳарпия туққан эди боди Зефир ила қовушиб.  
У шатакчи қилиб қўшди доғи кетган тулпор Педаспи, —  
Этнони забт этганда уни ўлжа олганди Ахилл.
155. Қолишмасди югуришда бу от боқий ҳамзотларидан.

- Бу пайт Ахилл қароргоҳни кезиб юриб, мирмидонларни  
Даъват этди қуролланиб, шай турмоққа муҳорабага  
Ғоят жасур эди улар қонга ташна бўрилар янглиг;  
Ул ваҳшийлар тоғда, қалин ўрмон ичра шохдор кийикни
160. Маҳв эттишиб ямламасдан ютадилар; оғизлари қон;  
Сўнгра улар галалашиб йўл олурлар булоқ бошига:  
Ҳамда узун тилларини тикиб зилол чашма сувига.  
Чанқоқларин қондирурлар қора қонга бўяб булоқни:  
Лек уларнинг юраклари тепар: қоринлар тўйган, —
165. Жангсираган мирмидонлар сардорлари ва мушовирлар  
Патроклнинг агрофига худди шундай йиғилгандилар.  
Мард Ахиллес туриб давра ўртасида баланд сас ила  
Отларнию қалқонбардор жангчиларни руҳлантитарди.

- Зевс әркаси, Шоҳ Эакнинг набираси чаққон Ахиллес
170. Иллионда жанг қилмоқ-чун эллик кема бошлаб келганди:  
 Ҳар кемада элликтадан аскар эшкак эшиб келганди.  
 У лашкарни бешга бўлиб бешта сардор улар устидан  
 Тайинлади, вале ўзи бўлиб қолди олий саркарда.  
 Энг биринчи сафга — Зевсдан бунёд бўлган дарёи\* машҳур —
175. Сперхийнинг совут кийган ўғли бошлиқ бўлди — Менесфий:  
 Шоҳ Пелейнинг гўзал қизи Полидора — фоний бир аёл  
 Туққан эди уни таггри Сперхий-ла қовушиб махфий;  
 Лек аслида Менесфийнинг отаси — Бор Перриерийзод  
 Бўлиб ул мард Полидора учун бисёр қалин тўлаган
180. Ва қизни ўз никоҳига олган эди қонуний тарзда.  
 Иккинчи саф сардорлиги топширилди ботир Эвдорга;  
 Филас қизи ҳур раққоса Полимела туққанди уни:  
 Бу шўх қизни таггри Ҳермес олтинкамон ов маъбудаси  
 Артемида байрамида қўшиқ айтиб рақс тушаётган
185. Қизлар ичра кўриб қолиб, бўлган эди ошпқу шайдо;  
 Сўнг у кириб қиз кўпикига, қовушганди у билан махфий;  
 Ўғил деса дегулик бир ўғлон туғиб берганди қиз ҳам —  
 Чаққоноёқ ва жанггоҳда қиёси йўқ ботир Эвдорни.  
 Чақалоқ ҳам тўлғоқ дардини юмшатувчи доя — маъбуда
190. Илияфия кўмағида келгани он ёруғ жаҳонга,  
 Акторзода мард Эхеклес Полимела учун беназир  
 Қалин бериб, ўз уйига «хотиним» деб бошлаб кирганди;  
 Сўнг Эвдорни олийҳиммат кекса Филас ўз мақомида  
 Тарбиялаб ўстирганди ўз ўғлидек севиб, ардоқлаб.
195. Мемал ўғли мард Пизандр бошлиқ бўлди учинчи сафга:  
 Ахиллеснинг дўсти бўлмиш Патроклдан ўзга биронта  
 Мирмидонлик тенг келолмас эди унга найзабозликда.  
 Кўпни кўрган жангчи Феникс бошқарганди тўртинчи сафни;  
 Бешинчини — бекусур мард Алкимедон Лаеркейзода.
200. Чаққоноёқ Телейзода лашкар барин шул саркардалар  
 Ила бирга сафга тизиб, ҳокимона нутқ айтди шундай:  
 «Мирмидонлар, мен астойдил ғазабланиб юрган пайтларда,  
 Ҳар бирингиз эсланг энди ёвни не деб янганингизни:  
 Ўшанда сиз бундай дея қилгандингиз таҳқир мени ҳам:
205. — Баттол Ахилл, онанг сенга оқ сут эмас, заққум эмизган!  
 Дўстларингни бандаргоҳда зўрлаб ушлаб турибсан, зolim!  
 Бас, сенинг тош юрагингни машғум ғазаб қамраб олибди.  
 Яхшиси, биз кемаларда уйимизга кетайлик қайтиб!—  
 Сизлар шундай таъна билан келардингиз бот-бот қошимга.
210. Мапа, етиб келди ўшал орзу қилган муҳорабангиз!  
 Довюраклар жапгга кириб кўрсатсин ўз жасоратини!»

Деб оширди у ҳар битта мард қалбида журъат ва қудрат;  
 Шоҳнинг оташ нутқидан сўнг сафлар яна қаттиқ жипслашди.

- Худди меъмор уй деворин тиклаганда ҳар битта тошни
215. Жипслаб пухта тергаидек, шамолларга дош берсин дея,—  
Дубулғалар, мис қалқонлар бир-бирига туташдилар зич:  
Қалқонлару дубулғалар ва одамлар зич туришгандан,  
Бошлардаги дубулғалар ярақларди сидирғасига,—  
Жанг майдонда шундай тигиз эди сафи мирмидонларнинг.
220. Саф олдида икки шерқалб: мард Патрокл ва Автомедон  
Лашкарга бош бўлиб жангга кирмоқ учун турардилар шай.  
Шу пайт кириб қодир Ахилл чодирига очди сандиғин.  
Нафис либос, пат гиламлар ва аёзли шамол эсганда  
Наф берувчи иссиқ ридо солинган бу гоят мухташам
225. Зар сандиқни, ўз фарзандин Илионга она Фетида  
Қузатганда, туҳфа этиб кемасига қўйиб қўйганди.  
Сандиқда бир ажиб қадаҳ ҳам бор эди: биронта ҳам мард  
Бу қадаҳда қирмизи май ичмаганди Ахилл қўлидан.  
Чақмоқотар Зевсдан ўзга биронта ҳам худованд учун
230. Бу қадаҳдан шу топгача қилинмаган эди май паймо.  
Чаққоноёқ Ахиллес шу зар қадаҳни сандиқдан олиб,  
Олтингугурт дуди ила поклаб\*, зилол сув билан ювди;  
Қўлларини ювиб бўлиб, қадаҳини тўлдирди майга.
235. Сўнгра ҳовли ўргасида туриб\* наймо қиларкан шароб,  
Қўзларини тикиб қўвқа сидқидилдан қилди ибодат  
Ки, чақмоқлар тапгриси Зевс бу рафторни кўрмай қолмади:  
«О, Пеласга ва Додопа шох, оёқ ювмай ибодат  
Қилиб, паққос қуруқ ерда қип-яланғоч ётмиш селлалар  
Маскан қилган йироқ, аёз Додопада яшагувчи Зевс!
240. Сеп аввал ҳам бир марота муножотим этгандинг қабул:  
Данайларни олган эдинг ғазабингга, мени улуғлаб.  
Вугун ҳам сен, о, чақмоқкор, бажо айла бир илтимосим!  
Мен вақтинча қолгум бунда — кемаларим турган соҳилда:  
Энг эъзозли ўртоғимни қўшиб бисёр мирмидонларга
245. Юборурмен жангга: зафар бахш эт унга, о, соҳибкарам!  
Журъат уфур юрагига, токи ҳар мард йигитимизнинг  
Беллашувга қодирлигин кўриб қўйсин Ҳектор жанггоҳда,  
Ё у ҳамон қудратидан мағрурланиб қутурмоқчими  
Жанг майдонда, токи ўзим қонли баҳсга чиқмагунимча?
250. Мард Патрокл ёнғинни ва фалокатни лашкар бошидан  
Даф айтагач, унинг жангдан дўстлари ва силоҳлари-ла  
Шикаст кўрмай қайтмоғига имкон бергил истиқболимга!»

У тавалло қилди шундай: парвардигор Зевс Ахиллеснинг  
Бир истагин қабул этиб, рад айлади иккинчисини:

255. Патроклнинг кемалардан ёнғинни ва лашкар бошидан  
Офатни даф қилмоғига имкон берди; вале рад этди,  
Патроклни жангдан омон қайтар, деган илтижосини.  
Ахиллес май паймо қилиб, тапгри Зевсга сизғиниб бўлгач,

- Чодиряга кириб ажиб зар қадаҳни солди сандиққа  
260. Ва кузатмоқ истагида ахейлар ва трояликлар  
Ўртасида бораётган машъум жангни, ташқари чиқди.

Айни шу пайт мард Патрокл сардор бўлган қўшин, душманга  
Мардона зарб бермоққа шай бўлиб олга кетиб борарди.

- Шўх болалар йўл ёқалаб кета туриб, ари инига  
265. Чўп тикқанда ғув-ғув учар бетоқат ва жоҳил арилар,—  
Ахейлар ҳам худди шундай олға томон отилди гурра;  
Тентак бола қитмирлиги фалокатга қилур гирифтор;  
Гар бирон қас, одам ҳодис, тегиб кетса шу машъум инга.  
Улар яна учиб чиқиб жонҳолатда ғувиллаганча  
270. Ўз инин ва гўдакларин кирипгурлар қўриқламоққа,—  
Мирмидонлар ва шундайин жаҳолат ва шижоат ила  
Жанггоҳ сари отилдилар, мардонавор наъра тортганча.  
Боз устига, Патрокл ҳам жасурона ҳайқирди шундай:  
«Мард Ахиллнинг ёронлари, мирмидонлар, жонажоп дўстлар,  
275. Бардам бўлинг, азизларим, эсланг жўшқин шавкатингизни!  
Бизлар бугун шарафлайлик энг диловар шоҳ Ахиллесни  
Ҳамда унинг энг довурак аскарлари бўлмиш — сизларни  
Ва қудратли Агамемнон ўзин ўта бадкорлиги-ла  
Ғоят нажиб ахей мардин қапдай кўнглин оғритганини!»

280. Деб юз чандон оширди у қўшинининг шижоатини.  
Бирваракай ҳамла қилди ёвга қўшин: мирмидонларнинг  
Ғолибона наърасидап ларзаланди бутун бандаргоҳ.  
Троянинг ўелонлари совут кийган Менетийзода  
Ила унинг шотирини кўрган ҳамон, қўрқиб кетдилар;  
285. Энди ёвнинг зич сафлари сийраклаша бошлади бирдан;  
Шу чоққача жанг қилмасдап бекор ётган диловар Ахилл  
Ғазабни тарк этибдию яна ҳоким Агамемнон-ла  
Ярашибди, деган хаёл ўтган эди ёвнинг кўнглидан:  
Ажалдан жоп сақламоқ-чун олазарак бўларди улар.

290. Энг аввало найзасини қулочкашлаб Менетийзода  
Ёв энг тигиз бўлган ерга — саховатли Протесилай  
Кемасининг теграсида турганларга улоқтирди ва  
Азим Аксий бўйидаги Амидондан мард пеонларни  
Бошлаб келган Пирехмни елкасидан жароҳатлади:  
295. Мард Пирехм замин узра «гурс» қуларкан ҳазин ингради;  
Бу мағлубнинг боши узра чарх урарди пеон дўстлари;  
Зероки, маҳв этган эди Менетийзод, Пеониянинг  
Энг довурак саркардасин, пеонларни даҳшатга солиб.  
Шуларни у кемалардан даф қилди ва ўтни ўчарди.  
300. Чала ёнган кемани ёв ташлаб қочди саросимада;  
Аргосликлар кемаларнинг энг олдинги сафи оралаб

- Эйилдилар; шунда сурон кўтарилди — энг ҳаяжонли.  
 Булутдор Зевс энг сарбаланд тоғ бошидан қора булутни  
 305. Ҳайдаганда, бутун борлиқ, адирлару азим қоялар,  
 Экинзорлар, мовий фазо бирдан кўзга ташланганидек, —  
 Ахейлар ҳам ёнғинни даф қилиб, ором олдилар тинчиб;  
 Аммо ҳали тингани йўқ эди буткул уруш бўрони;  
 Зероки, ёв кемалардан сал нарига кетган бўлса ҳам,  
 Бандаргоҳдан тамомила чекинмоқни хоҳламас эди  
 310. Ахейларнинг жангга ташна қўшинига орқа ўгириб.

- Пароканда жангга ҳар кас маҳв қилди дуч келган касни;  
 Саркардалар саркардани; Патрокл ҳам Арейликнинг  
 Қочаётганин кўриб қолиб, орқасидан санчди мис найза, —  
 Ажалкаш тиг паррон этиб чиқди унинг тос суягидан:  
 315. Бахтиқаро Арейлик қулади юзтубан заминга.  
 Бу аснода шоҳ Менелай лашкарбоши Фоаснинг зирҳдан  
 Холи бўлган баданига найза санчиб олди жонини.  
 Мегес эса Амфиклнинг ҳамласини кўриб қолдию  
 Ўзи унга зарба берди — мушаклари йўғон сонига:  
 320. Тиг мағлубнинг пайларини чўрт уздию олди жонини.  
 Нестор ўғли Антилох маҳв этди ўзин найзаси ила  
 Атимнийни — мис тиг тешиб кирган эди унинг қорнига:  
 Қулади у Антилохнинг оёғига. Марис оғасин  
 Ўлимидан ғазабланиб, Антилохга ташланди, найза  
 325. Силкиганча ва оғасин жасадини кўриқлаб турди:  
 Лек яна бир Несторзода — Фразимед чаққонлик қилиб,  
 Ўзи санчди ундан олдин найзасини Марис кифтига;  
 Тиг мушагини ўйнатворди, мажақлади суякларини;  
 У гурсиллаб қуладию кўзларини чулғади зулмат.  
 330. Саркаш махлуқ Химерани ўз уйида парвариш қилган  
 Амизадор ўғиллари, Сарпедоннинг мард ёронлари  
 Бахтиқаро оға-ини, шу йўсинида ҳалок этилиб  
 Оға-ини томонидан, жаҳаннамга этганди рихлат.

- Ур-ийқитда пойи тойиб қулаб тушган Клеобулнинг  
 335. Тепасига елиб келган ботир Аякс Оялейзода  
 Чопди уни шу ердаёқ маҳобатли шамшири ила;  
 Бандигача қизиб кетди шамшир унинг қайноқ қонидан;  
 Кўзларининг нурин олди Ўлим ила қудратли Қисмат.

- Бир-бирига яқин келди бу пайт Ликон ила Пенелей;  
 340. Лекин зое кетди отган найзалари икковларининг;  
 Энди улар шамшир ушлаб бир-бирига қилдилар ҳамла;  
 Лек эпчиллик қилиб Ликон ғанимининг дубулғасига —  
 От ёлидан жиға таққан сарпўшига қилич солдики,  
 Қаттиқ зарб-ла тушган қилич чўрт узилди сопи ёнидан,

345. Шунда ахей қилич солди Ликоннинг нақ қулоқ остига  
Ки, ул марднинг боши фақат терисига илиниб қолиб,  
«Шилқ» осилди бир томонга ва кўз юмди ёруғ жаҳондан.

Чаққовоёқ Мерион, жангаробага чиқётган сардор  
Акамасни қувиб етиб найза санчди ўнг елкасига;

350. У заминга қуладю кўз олдини чулғади зулмат.

Идоменей Эримаснинг нақ оғзига санчди найзасин,  
Найза тиғи паррон этиб, энсасидан тешиб чиқаркан,  
Бошчаноғин мажақлади, тишларини қоқиб ташлади;  
Қонга тўлди бечоранинг даҳшатона боққан кўзлари;

355. Унинг оғиз ва бурнидан қон арақлаб оқа бошлади.  
Қора булут янглиғ ажал олди уни ўз оғушига.

Мағрур ёвни шундай маҳв этардилар ахей мардлари.  
Еш чўпоннинг уқувсизлик қилганидан ҳарён ёйилган  
Кўю кўзи сурувини кўрган йиртқиш бўри галаси

360. Бу юраксиз жонворларни битта-битта тутиб бўғизлар, —  
Ахейлар ҳам қийратарди Троянинг лашкарин шундай:  
Лашкар эса қочар эди жасоратни унутиб буткул.

Валекин алп Теламонзод жаҳд қиларди яккаш Ҳекторни  
Ўлдирмоққа: жангда кўзи пишган Ҳектор ёввойи ҳўкиз

365. Терисидан ишланган чўнг қалқони-ла кенг яғринини  
Тўсиб олиб чап берарди виз-виз учган ўқ, найзаларга;  
Зафар қўлдан кетётганини ўз кўзи-ла кўрса ҳам аниқ,  
У жойидан жилмас эди ҳифз қилиб содиқ дўстларин.

Зевс бунёд этганида довул янглиғ момақалдироқ,

370. Олимп узра соф фазога қора булут балқиганидек, —  
Мудҳиш фарёд кўтарилиб бандаргоҳда, трояликлар  
Пароканда қолда ортга — зовур томон чекивардилар.  
Лек тулпорлар Ҳекторни тез олиб ўтди теран зовурдан;  
Лашкар эса улкан ғовнинг у бўйида қолганди тўхтаб.

375. Отлар ҳуркиб аробалар шотисини синдираддилар.  
Кўп саркарда қолдирганди шу зовурда жангаробасин.  
Лек Патрокл данайларни руҳлантириб қуварди ёвни;  
Ҳар тарафга қочар эди пароканда трояликлар;  
Ёв пойидан кўтарилган тўзон етган эди фалакка;

380. Кенг майдонга ёйилганди ахейларнинг кемаларидан  
Трояга чекинётган отлиқлару пиёда аскар.  
Мард Патрокл ёвни қайда таҳликага тушганин кўрса,  
Наъра тортиб, ўшал ёққа сурар эди тулпорларини;  
Оқибатда, муҳориблар қулардилар жангаробадан,

385. От ошқочган аробалар гумбур-гумбур ағдариларди.  
Тангриларнинг мард Пелейга армуғони — боқий бедовлар

Бу пайт елдек учиб ўтди кенг зовурдан; отлар соҳиб  
Ахтарарди жонин олмоқ ниятида Приамзодани;  
Вале Ҳектор аллақачон қочганди ўз аробасида.

390. Қўрқмай тангри жазосидан, ҳақиқатга хилоф иш тутган  
Ва жамоа орасида адолатсиз ҳукм чиқарган  
Живояткор ҳукмдорлар рафторидан ғазабланган Зевс  
Рутубатли куз фаслида машъум жала қуйиб самодан,  
Ул попоклар ватанини жўшқин селга ғарқ этадики,  
395. Бу сел тоғдан ўшқирганча, пишқирганча тушаркан оқиб,  
Йўл-йўлакай кўп ўрларни ўпирар ва инсон яратган  
Нарсаларни пайҳон қилар то денгизга бориб етгунча,—  
Троянинг отлари ҳам шундай суроғ солиб еларди.  
Аммо чаққон Менетийзод кесиби чиқиб душман олдидап,  
400. Уни қайта бандаргоҳга қувиб, сиқиб кела бошлади;  
У ғанимнинг ўз шаҳрига киришига имкон бермасдан,  
Юксак девор, азим дарё ва кемалар оралиғида —  
Кенг майдонда исканжага олар экан, шафқат билмасдан  
Маҳв этарди таъқиб қилиб аксарият трояликни.  
405. Даставвал у найза санчиб Пронийнинг қалқондан холи  
Яғринига, унинг жўшқин ғайратини сўпдирди буткул;  
У заминга «гурс» қулади; голиб шу чоқ Энопнинг ўғли  
Мард Фесторга ҳамла қилди: у шўрлик ўз аробасида  
Дағ-дағ титраб ўтирарди: қўрқув уни танг қилиб қўйган,  
410. Қалтираган қўлларидан тушиб кетган эди жилов ҳам;  
Менетийзод шу Фесторнинг ўнг жағига пайзасин санчди;  
Найза тиғи тешиб ўтди оқ тишларин мажақлаб унинг;  
Денгиз узра кўтарган қоятошда турган балиқчи  
Обдор қармоқ билан сувдан қандай тортиб олса балиқни,—  
415. Патрокл ҳам ўз ялтироқ найзасига Энопзодани  
Илганича, шундай тортиб олиб уни жангаробадан,  
Заминга юзтубан отди — қотил руҳи тарк этди жисмин.  
Сўнг у елиб келаётган Эриалнинг қоқ манглайига  
Қатта тош-ла урган эди, ажраб кетди икки паллага  
420. Мис дубулға кийган боши: маҳв бўлган ерга юзтубан  
Тушдию шу заҳот қаттол ўлим қанот ёйди устида.  
Шундан кейин у кетма-кет иқтидорли Эпальтни, Пирни,  
Амфотеру Эримасни, Дамасторнинг ўғли Эхийни,  
Мард Эвиппни, Ифей ила лашкарбоши Тлиполеми  
425. Ва Аргейзод Полимелни баракатли ерга қулагди.

Шоҳ Сарпедон бекамар зирҳ кийган\* талай ёропларнинг  
Патроклнинг илкидан маҳв бўлишганин кўргани ҳамон,  
Янгроқ сас-ла таъна қилди ликиялик аҳли силоҳга:

- «Уят сизга! Қочяспизми? Йўқ, довиурак бўлинг! Қўрқманг ҳеч»  
430. Бизга офат келтирган, кўп троялик азаматларнинг



Естигини қуритган ул иқтидорли муҳориб ила  
Ҳозир ўзим беллашурман ва кимлигин билиб олурман!»

- Даб дарҳол жангаробадан сакраб тушди қуроли билан.  
Буни кўрган Патрокл ҳам туша солиб аробасидан,  
435. Ғаним томон ела кетди. Мисли юксак қоя бошида  
Мудҳишона қийқириқ-ла бир-бирига ташланган икки  
Эгритумшуқ, қипғир чангал калхат сингари,—  
Бу мардлар ҳам бир-бирига шундай наъра тортиб отилди.
- Буни кўрган пуркаромат Зевснинг қалбин чулғаб зўр аянч  
440. Ўз завжаси ва синглиси ҳур Ҳерага юзланди бундай:  
Эвоҳ! Ҳера, кўрмоқдаман, бугун азиз бўтам Сарпедон  
Қисматига Патроклдан ғориб бўлмоқ ёзилганини!  
Иккиланур қалбим менинг тараддудда икки аҳд аро:  
Сарпедонни қонли жангдан халос этиб, Ликия элин  
445. Сербарака заминига олиб бориб қўйсаммикин, ё  
Патроклнинг зарби ила бугун жангда маҳв этсаммикин?»
- Дарҳол унга жавоб қилди сигир кўзли маъбуда Ҳера:  
«Айнима, Зевс! Ўзи нима демоқчисан, о, қодир худо?  
Қисматига кўп азалдан ғориб бўлмоқ битиб қўйилган  
450. Фоний мардни шум ажалдан халос этмоқ истайсанми сен?  
Ихтиёринг, лек бу аҳдинг кўп маъбудлар маъқулламагай!  
Сенга бошқа калом айтгум, тугиб қўйгил шуни дилингга.  
Сарпедонни соғ-саломат қайтарсанг гар ўз мақомига,  
Билки, бошқа тангрилар ҳам ўз суюкли, азиз ўғлонини  
455. Жўнатмоқни истаб қолур она юртга ушбу жанггоҳдан.  
Оз дейсанми Приамнинг азим шаҳри бўсағасида  
Жанг қилётган наҳлавонлар орасида худозодалар?  
Бу рафторинг ила сен, Зевс, ранжитгайсан олимпикларни.  
Қанча севсанг ўғлигини ҳам, қалбан раҳминг келса ҳам унга,  
460. Бугун унинг шу жанггоҳда мирмидонлар лашкарбошиси  
Патроклнинг зарбасидан ўлишига йўл қўйиб бергил.  
Кейин эса — Сарпедоннинг руҳи жисми тарк этгандан сўнг —  
Сен марҳумнинг жасадини ўз ватани ҳур Ликияга  
Аста олиб кетмоқликни Уйқу ила Ўлимга амр эт.  
465. Сўнг у ерда унц хешу ёронлари иззат-икром-да  
Дафн этишиб, улкан тош ҳам ўрнатурлар қабри устига».  
Қулоқ осди боқийлару фонийларнинг падари унга:
- У Троя замишига қонли шабнам сочди самодан,  
Она юртдан йироқ бўлган бу жанггоҳда, Менетийзода  
470. Қўлида маҳв бўлажак ўз ўғлонини шарафлар экан.

Икки ботир бир-бирига яқинлашиб ҳужумга ўтди.  
Олдин жасур Менетийзод пайза отиб Фразимелни —

- Сарпедоннинг энг диловар шотирини маҳв айлади:  
Қудратини қирқди унинг найза санчиб қорни остига.
475. Шоҳ Сарпедон ҳамла қилди шундан кейин; лекин мис найза  
Нишон қолиб, ўнг кифтига бориб тегди тулпор Педаснинг:  
Жонивор жон аччиғида қаттиқ кишнаб, жон берди шу он:  
У ерга «гурс» қулаганда қолган икки от ҳуркиб кетди,  
Бўйинтуруқ гижирлади, жилов тушди отлар пойига.
480. Автомедон бу мушқулни даф этмоқлик йўлин топди тез:  
У филофдан узун тигли шамширини суғуриб, ерга  
Сакраб тушди ва етакчи от жабдуғин кесиб ташлади;  
Шу заҳоти икки тулпор ўз ўрнига турди қайтадан.
- Паҳлавонлар яна қайта киришдилар ажалкаш баҳсга,
485. Бу сафар ҳам зое кетди Сарпедоннинг порлоқ найзаси:  
Унинг тиги учиб ўтди Патроклнинг чап кифти узра,  
Лек тегмади; шунда жасур Патрокл мис найзаси ила  
Зарба берди ва зарбаси бу сафар ҳам кетмади бекор:  
Сарпедоннинг юраги жо бўлган кўксини тешиди мис найза.
490. Ликиялик лашкарбоши мисли болут, ё терак ва ё  
Тоғ бошида ўрмончилар кема учуп танлаб чопишган,  
Энг азим туп қарағайдек қулаб тушди гурсиллаганча, —  
Сарпедон ўз аробаси пойида шу тарзда ётарди  
Тишларини гижир қилиб, қонли ерни чапгаллаганча.
495. Говмушларнинг орасида савлат тўкиб юрувчи буқа  
Тўсатдан мол подасига ҳужум қилган шер панжасига  
Тушиб қолиб, жонҳолатда маъраб ҳалок бўлгани каби,  
Мард Патрокл маҳв қилган қалқонбардор ликияликлар  
Сардори ҳам фарёд чекиб ўз дўстига юзланди шундай:
500. «Азиз Главк, эй қудратли муҳориб! Гар асл мард бўлсанг,  
Бугун найзаандозлигинг, қўрқув билмас диловарлигинг  
Сеп намоён қилмоғинг шарт машъум жангда бутун лашкарга!  
Дўстим! Югур, ликиялик энг довиюрак саркардаларнинг  
Барин йиғиб, уларни шоҳ Сарпедон-чун даъват эт жангга;
505. Сен ҳам мени ҳифз этиб ахейлар-ла жанг қил аёвсиз!  
Акс ҳолда, Хипполохзод, гар ахейлар ечиб олсалар  
Совутимми, сенинг учун бу энг аччиқ бадномлик бўлур  
Ҳатто ҳали туғилмаган авлодларнинг олдида ҳам, бил!  
Мард бўл, дўстим ва оёққа турғиз бутун лашкаримизни!»
510. Шу чоқ ажал Сарпедоннинг кўзин юмди, бурнин беркитди;  
Ғолиб унинг кўкрагига оёқ тираб тортиди найзасин,—  
Тигга марҳум юрагининг бир парчаси илниниб чиқди:  
Бу мард найза билан мағлуб жонини ҳам суғурволганди.  
Аргосликлар тутиб олди шу чоқ шоҳнинг ҳуркан отларин:  
515. Улар қочмоқ бўлгандилар жангароба соҳибсиз қолгач.

- Дўст сасини эшитган он Главк қалбин қамради гусса;  
 Куюнарди у дўстига кўмаклаша олмаслигидан;  
 У сўл қўлин мушагини маҳкам сиқди: азоб берарди  
 Янги олган жароҳати; Тевкр кема бошида туриб
520. Офатни даф қилётганда яралаган эди Главкни.  
 Шунда бу мард андуҳ чекиб Аполлонга қилди муножот:  
 «Кумушкамон, тингла зорим! Сен серҳосил Ликияда ё  
 Трояда бўлма, ҳамма ерда бирдай эшитажаксан  
 Мендек ғариб ва изтироб чеккан банданг илтижосини!
525. Оғир яра азоб берур: илким ҳарчанд сирқираб оғир:  
 Ярамдан қон оқур тинмай; елкам жонсиз бўлиб қолмоқда!  
 На' ушлашга чўнг найзани, на ёв билан майдони ҳарбда  
 Олишмоққа мадорим бор; энг паҳлавон шоҳ Сарпедон ҳам  
 Ҳалок бўлди! Дариғ тутди Зевс ёрдамин ўз ўглидан ҳам!
530. Вале менга кўмак бер сен! Шифо бергил оғир ярамга;  
 Дардни даф эт ва қувват бер, токи мен ҳам ўз наърам ила  
 Мард Ликия эрларини улкан жангга даъват этайин,  
 Маҳв бўлган дўстим учун ўзим ҳам жанг қилай мустаҳиқ!»

- Ушбу Главк муножоти етиб борди Феб қулоғига;
535. Дарҳол унинг дардин олди, ярасидан оқётган қонни  
 Тўхтадиги юрагига шижоат ва журъат уфурди.  
 Главк қалбан ҳис этиб ўз муножотин қабул бўлганин  
 Бузрук тангри томонидан, кўтарилди кўнгли нақ тоғдек.  
 У югура кетди; аввал ликиялик муҳорибларнинг
540. Ҳаммасини даъват этди жанг қилмоққа Сарпедон учун;  
 Сўнгра жадал юра кетди Троянинг қўшини сари.  
 У саркарда Агенор ва Полидамас олдига борди;  
 Энейга ва Приамнинг мис совутли ўғли Ҳекторга  
 Учраб, шундай дабдабали сўзлар айтди икковларига:
545. «Эътиборсиз қолдирдинг сен, Ҳектор, шаҳринг муттафиқларин!  
 Ахир улар сени деб жоп фило қилмоқ учун тайёрлар  
 Олис юртда: сен уларни истамайсан ҳифз қилмоқчи!  
 Ликияни ҳақгўйлик ва диловарлик ила тиклаган  
 Қалқонбардор эл сардори шоҳ Сарпедон хок-туроб бўлди.
550. Патроклнинг қўли ила тангри Арей маҳв этди уни.  
 О, довюрақ дўстлар, келинг! Интиқом-ла суғоринг қалбни!  
 Бандаргоҳда сон-саноқсиз данайларни қирганимиз-чун  
 Бизга қарши тиш қайраган ва шу боис шоҳ Сарпедоннинг  
 Силоҳларин ечмоқ бўлган ғанимларга имкон бермайлик!»
555. Оғир қайғу қамраб олди Троянинг жами лашкарин.  
 Шоҳ Сарпедон гар хоршжлик бўлса ҳамки, трояликлар  
 Таянчийди; сон-саноқсиз лашкар бошлаб келган эди у  
 Трояга ва ўзи ҳам кўрсатганди жангга жасорат.  
 Шиддат ила ҳамла қилди данайларга трояликлар;

560. Бошлаб борди Сарпедоннинг ўлимидан дарғазаб Ҳектор;  
 Лек дадил қалб, мард Патрокл данайларни руҳлантирарди;  
 Энг аввал у далда берди жангга ташна икки Аяксга:  
 «О, Аякслар, сизга ёв-ла олишмоқлик бахш этсин лаззат!  
 Бурунгидек мард бўлинглар ёки ундан ҳам диловарроқ!  
 565. Ҳалок бўлди шоҳ Сарпедон — чўнг девордан биринчи бўлиб  
 Ошган ботир! О, қанийди ечиб олиб унинг совутин,  
 Жасадини таҳқир этсак, яна уни қўриқлаётган  
 Дўстларидан бир-иккисин найза ила ғориб айласак».

- Лек Аякслар шундоқ ҳам жанг илинжида ёнар эдилар;  
 570. Икки тараф: бир томонда троялик, ликияликлар,  
 Бир томонда ахейлар ва мирмидонлар сафларни зичлаб,  
 Бадбахт жасад атрофида мудҳишона жанг бошладилар,  
 Ҳаммаёқни босиб кетди қуроолларнинг шарақ-шуруқи,  
 Зевс, арзанда ўғли учун бўлётган жанг беаёв бўлсин,  
 575. Деб жанггоҳни кушпа-кундуз тун пардаси ила буркади.

- Троялик мардлар аввал данайларни чекинтирдилар;  
 Мирмидонлар орасида зўр паҳлавон бўлган саркарда  
 Олийҳиммат Агаклеязод Эпигейни ўлдирди улар.  
 Бир замонлар ул мард гавжум Будеоннинг ҳокими эди;  
 580. Лекин номвар бир хешини ўлдиргач у, бош олиб кетиб,  
 Шоҳ Пелей ва Фетиданинг паноҳида тошганди қарор;  
 Кейин шулар Ахиллеса қўшиб уни юборгандилар  
 Приамнинг салтанати — Трояни ғорат этгани.  
 У Сарпедон жасадига қўл чўзганди, Ҳектор бу марднинг  
 585. Бошига тош билан уриб, айирворди икки паллага  
 Метин сарпўш кийган бошин; йиқилди у мурда устига  
 Юзтубан ва шу он ўлим олди уни ўз оғушига.  
 Патроклнинг қаҳри ошди мард дўстининг ўлганин кўриб;  
 У тез сафлар орасини ёриб, ўқдай отилди олга  
 590. Қўрқоқ зағча ё чуғурчуқ галасини қувган қирғийдек, —  
 О, Патрокл, дўстингни маҳв бўлганидан ғазабга тўлиб  
 Сен Троя ва Ликия лашкарини қувгандинг шундай!  
 Ер тишлатдинг Ифеменнинг ўғлин шунда — Сфенелайни,  
 Гарданига тош-ла уриб, томирларин чўрт узиб ташлаб.  
 595. Мусобақа чоғида куч синаш учун, ёки жанггоҳда  
 Ўз ашаддий ғанимини маҳв этмоқ-чун отилган найза  
 Қанча ерга бориб тушса, мард Ҳектор ва трояликлар  
 Шунча ортаг чекиндилар: данайлар даф қилди уларни.  
 Шунда Главк — ликиялик қўшиннинг мард лашкарбошиси, —  
 600. Ўғриддю Халконзода Вафиклейни ўлдирди аввал:  
 У бўстонваш Элладада, ўз уйида, мирмидонларнинг  
 Орасида энг бахтиёр ва бадавлат кун кечирарди;  
 Главк бирдан ўғирилиб ўз ордидан қувиб келётган

- Шу Вафиклей сийнасига найза санчди кутилмаганда.
605. У гурсиллаб қулади ва марднинг маҳв бўлганин кўриб  
Ғамга ботди аҳли юнон; шодландилар трояликлар;  
Улар дарҳол қўршаб олди жасадни, лек данайлар душман  
Сари олға отилдилар жасоратни тарк этмай асло  
Ва Мерион ҳалок этди троялик мард Лаогонни —
610. Илионда Зевс коҳини бўлган ва халқ худовандлардек  
Эъвозлаган Онеторнинг эпг муҳориб ўғли эди у;  
Шунинг қулоқ-чаққасига найза санчиб ўлдирди Главк;  
Руҳи жисмин тарк этиб, кўз олдин зулмат чулғади зумда.  
Доираваш қалқон тутган бу қотилни маҳв этмоқ учун
615. Иқтидорли Эней унга улоқтирди мис тигли найза;  
Паррон этиб келаётган мис найзани кўрган Мерион,  
Тез энгашиб машъум тигдан жон сақлади; у учиб ўтиб  
Қора ерга санчилдию то қаттоллик ҳовуридан у  
Тушмагунча, ёғоч банди замин узра тебраниб турди.
620. Анхиз ўғли иқтидорли билагидан отилган найза,  
Шу йўсинда зое кетиб узоқ муҳлат тебраниб турди.  
Шунда Эней ғазаб ила Мерионга қараб ҳайқирди:  
«Сен, Мерион, гарчи рақсга чаққон\* бўлсанг ҳам, агар найзам  
Теккасида мўлжалга, бир зумда ўлар эдинг тил тортмай!»
625. Эътироз-ла деди машҳур найзабардор Мерион дарҳол:  
«Сен ҳам, Эней, бошқалардек фонийдурсен; билки, печоғлиқ  
Қиёси йўқ мард бўлсанг ҳам, сен билан жанг қилгани майдоп  
Чиққан ҳар бир муҳорибни маҳв этмоқ душвордир сенга;  
Гар мен найза санчаганимда борми қалқон тўсган кўксинга,
630. Сен ҳам қанча иқтидорли ва билагинг бақват бўлмасин,  
Менга шуҳрат бахш этардинг ва жонингин Таргар\* шоҳига!»

Шундай деди: аммо уни койиб берди ҳимматли Патрокл:  
«О, муҳориб Мерион, сен не қиласан қуруқ гап сотиб?»

635. Билки, таҳқир сўзлари-ла маҳв этиб бўлмас Троя  
Лашкарини, токи улар ўлмагунча қора қон қусиб.  
Қонли жангда масалапи қўл, кенгашда сўз ҳал қилади:  
Гап сотишмас, жанг қилмоқлик зарур бугун аргосликларга!»

Дея олға отилди у; Мерион ҳам эргашди унга.

- Ўрмончилар тоғда дарахт кесганида, болталарининг
640. Қарсиллаган овозлари олисларга эшитилгандек,—  
Жангчиларнинг ўткир шамшир, найзалари бориб урилган  
Мис совутлар, қалин пишиқ кўн қалқонлар шарақ-шуруқи  
Жанггоҳ узра чор атрофга худди шундай таралар эди.  
Тангриваш шоҳ Сарпедонни энг жонажон дўсти ҳам энди
645. Таший олмас: ул жасадга бошдан-оёқ қадалган эди  
Патли ўқлар, қора қонга, хок-тупроққа кўмилганди у.

- Баҳор чоғи сигирлар мўл сут берганда, оғилхонада  
 Сут идиши узра ғужғон ўйнагандек пашшалар ғув-ғув,—  
 Лашкар ҳам жанг қилар эди яккаш шундай мурда устида.
650. Чақмоқотар Зевс жанггоҳдан узмас эди мунаввар кўзин:  
 У мутгасил кузатаркан мардлар жангин арши аълодан,  
 Кўп ўйларди Патроклнинг ўлимини эзилиб қалби:  
 Қодир Ҳектор шу шум жангда Сарпедоннинг жасади узра  
 Патроклни ғориб этиб, совутларин ечиб олсинми?
655. Ёки яна кўп лашкарни қийратсинми жангда Патрокл?  
 Бир фикрни маъқул кўрди Зевс хийла тараддуланиб:  
 Ахиллеснинг мард қўлдоши Троянинг бутун қўшинин  
 Ҳамда унинг мис совутли саркардаси жасур Ҳекторни  
 Шаҳар томон қувиб, яна кўп лашкарни қириб ташласин.
660. Шу ният-ла журъатсизлик пуркади Зевс Ҳектор қалбига;  
 Оқибат, у Зевснинг қудсий мезонига итоат этди;  
 Аробага сакраб чиқиб қочар экан, ўз лашкарига  
 Амр этди зудлик билан шаҳар томон чекинмоқликни.  
 Ликиялик йигитлар ҳам қололмади энди жанггоҳда;
665. Ўз шоҳлари Сарпедонни юрагидан найза еб, буткул  
 Жасадалар-ла кўмилганин кўриб улар урра қочдилар.  
 Олимпик Зевс бу қирғинни бошлагандан буён Сарпедон  
 Жасадининг атрофида тоғ-тоғ бўлиб кетар ўликлар.  
 Сарпедоннинг муҳташам мис совутларин данайлар дарҳол
670. Ғчиб олди ва Патрокл мирмидоплик ўз дўстларига  
 Фармон берди бу ўлжани кемаларга олиб кетмоққа.

- Бу аснода булутқувар Зевс юзланди чўнг мерган Феба:  
 «Сен, Аполлон, Сарпедонни олиб кету унинг вужудин  
 Қора қондан, ўқлардан ва жанг хокидан фориғ қил буткул;
675. Олисроққа олиб кетиб, ювгил зилол дарё сувида  
 Ва амбар мой суриб, боқий либос кийдир марҳум эгнига.  
 Шу маросим тугагач, сен гунг ва чаққон элчиларингга —  
 Эгиз Ўлим ва Уйқуга амр этки, улар Сарпедон  
 Жасадини тез элтсинлар ҳур Ликия салтанатига.
680. Сўнг у ерда уни хешу ёронлари иззат-якром-ла  
 Дафн этишиб, улкан тош ҳам ўрнатурлар қабри устига»,

- Шундай деди Зевс,— Аполлон падарига этди итоат:  
 Парвоз қилди жадал Ида чўққисидан жанг майдонига.  
 Ўқ ёмғири остидан у олиб қочди шоҳ Сарпедонни;
685. Олисроққа олиб кетиб ювди зилол дарё сувида  
 Ва амбар мой суриб унга, боқий либос кийдирди сўнгра.  
 Бу маросим тугагач, у гунг ва чаққон элчиларига —  
 Эгиз Ўлим ва Уйқуга амр этди шоҳ Сарпедоннинг  
 Жасадини тез элтмоқни ҳур Ликия салтанатига.

690. Аробакаш ва отларни яккаш тезлаб бу пайт Патрокл,  
Троя ва Ликиянинг қўшинини қувганча, нодон,  
Ўз ўлими сари учиб борар эди! Амал қилсайди  
У Ахиллес каломига, қисматига ёзилмиш ўшал  
Машъум ўлим чангалидан халос бўлиб қолган бўларди.
695. Ҳолбуки, Зевс машварати зўрдир одам маслаҳатидан:  
У боғирнинг юрагига ғулув солиб, ундан зафарни  
Йироқлагур, баъзан эса ўзи уни ундар жанггоҳга;  
Мана ҳозир у Патрокл қалбига ҳам пуркади журъат.

- О, Патрокл, сени тангри йўллагандан кейин ўлимга
700. Энг аввало ва энг охир, ким-кимларни сарнигун қилдинг?  
Энг аввало мард Адрастни, ундан кейин Автоной пла  
Эхеклни, сўнг Элазни, Эписторни ва Меланиппни,  
Кейин Мулий ва Пилартни — найза ила маҳв этдинг барин.  
Шуларни сен ғориб қилдинг, қолганлари қочиб қутулди.
705. Аргосликлар шу куннёқ таслим этган бўлар эдилар  
Ул муаззам Трояни Менетийзод бошчилигида, —  
У олдинда найза билан оташона жанг қилар эди, —  
Гар Аполлон туриб юксак минорада, бахш этмаганда  
Троянинг қўшинига қувва, ўлим Менетийзодга,
710. Уч марота чўнг деворга густоҳона-ботир Патрокл  
Ҳамла қилди ва уч бора қумушкамон Феб ўз беқазо  
Илки ила уриб унинг қалқонига, қайтарди ортга;  
Валекин ул тангриваш зот тўртинчи бор қилганда ҳамла, —  
Чўнг мерган Феб таҳдидона дағдага-ла деди тақиқлаб:
715. «Мард Патрокл, қайт орқангга! Ки довярак трояликлар  
Шаҳрин ғорат этмоқликни тангрилар на сенга буюрган,  
На-да сендан беҳад кучли маъбудазод Пелей ўғлига!»

Патрокл ҳам камонидан машъум ажал ёғувчи тангри  
Аполлоннинг ғазабидан тез чекпиди шунда орқага.

720. Ҳектор Аскей қопқасида олов отлар жиловин тортди;  
Ўйлаб қолди: яна қўшин ичра кириб жанг қилсаммикин,  
Ё қалъада тўпланмоқни амр этсамми ўз лашкаримга?  
Шу ўй ила тарадудда турганида, рўбарўсида  
Навқирон ва кучга тўлган жасур Азий кенг далалари
725. Сербарака Фракция тупроғида, азим Сипгарий  
Соҳилида яшагувчи ўз тоғаси Димасзод Азий. —  
Сиймосида дабдурустдан зоҳир бўлди тангри Аполлон;  
Шундай деди у кириб мард йингит — Азий қиёфасига:  
«Ҳектор, жангни тарк этдингми? Бу рафторнинг ярашмас сенга!
730. Агар сендан заифлигим мезонича бўлсайдим кучли  
Кўп пушаймон ердинг шу он қонли жангни тарк этганинг-чун!

Қайт орқанга, тулпорларни йўналтир сен Патрокл томон:  
Шояд сенга ғолибият бахш айласа тангри Аполлон!»

Шундай дея, тангри яна башарият жангига кирди.

735. Шунда Ҳектор ўз шотири Кебрионга отларни жадал  
Жанггоҳ сари йўналтмоқни амр этди. Аполлон эса  
Жанг ичида ғойиб бўлди — у ерда у юнон аҳлини  
Ваҳимага солиб, Ҳектор лашкарига зафар йўллади.  
Ҳектор ҳеч бир ахей билан жанг қилмасдан учиб борарди;
740. У мистуёқ отларини Патроклга йўналтирганди.  
Патрокл ҳам сакраб тушди Ҳектор ила олишмоқ учун;  
У чап қўлда найза ушлаб, ўнг қўлига тош кўтарволди —  
Бу серқирра ва ялтироқ мраммар зўрға сиғди кафтига;  
Қулочкашлаб отди уни ва у зое кетмай, нишонга
745. Жадал паррон қилиб борди: тош Ҳекторнинг учқур отларин  
Ҳайдаётган аробакаш — Приамнинг пикоҳсиз ўғли  
Кебрионнинг қаншарига бориб тегиб, қора қошларин  
Шилганича бош чаноғин нақ иккига ёриб юборди;  
Қонли кўзи ситилибон оқиб тушди пойи остига;
750. Шунда ўзи ҳам мисоли ғаввос янглиғ жангаробадан  
Қора ерга шўнғидию руҳи жисмин тарк этди буткул.

Мард Патрокл заҳарханда қилди уни таҳқирлаб шундай:

«Во ажаб, бу мунча чаққон! Шўнғишгайм кўп моҳир экан!  
У денгизда бўлганида борми, сувга шўнғиб кемадан

755. Талай-талай чиғаноқлар олиб чиқиб денгиз тубидан,  
Элни хушнуд қилар эди, гарчи денгиз нотинч бўлса ҳам.  
Худди ҳозир аробадан шўнғиғандек шўнғирди сувга!  
Трояда ҳам ғаввослар бор экан-а, ё қудратингдан!»

Шундай пичинг сўзлар айтиб Кебрионга ташланди бирдан:

760. У қўрага ёриб кириб кўп молларни ёриб ташлаган,  
Аmmo ўзи ҳам тўшидан яраланиб бу жасурлиги  
Ўз бошига етган ваҳший арслонга ўхшарди ҳозир,—  
Сен ҳам шундай ташлангандинг бу жасадга о, мирмидонли.  
Ҳектор сенга яқин келиб, сакраб тушди жангаробадан;
765. Икковлари — мард муҳориб Менетийзод ва нажиб Ҳектор,—  
Кебрионнинг жасадий-чун, мисоли тоғ бошида ўлик  
Така учун ғазаб билан харисона олишган икки  
Арслондек, жону жаҳд-ла жанг қиларкан, бири-бирини  
Аямасдан найза санчиб ўлдирмоққа чоғланар эди.
770. Ҳектор тутиб жасаднинг бош томонидан, қўйвормасди ҳеч;  
Менетийзод эса судрар эди унинг оёқларидан;  
Бу икки мард теграсида данайлар ва трояликлар  
Мудҳишона жанг қиларди бир-бирига қоришиб кетиб.  
Икки жўшқин шамол: шарқий ва жанубий тоғ орасида



775. Бир-бирига тўқнаш келиб, дарадаги қуюқ ўрмоннинг  
Метин шамшод, азим шумтол, пўстсиз қизил дарахтларини  
Ҳеч аёвсиз силкитганда, шох-шаббалар қаттиқ шовуллаб  
Бир-бирини савалайди ва чор ёқни босиб кетади  
Томири-ла қўпорилган дарахтларнинг қасир-қусири,—
780. Разилона чекинмоқни хаёлига ҳам келтирмаган  
Юнонлар ва троянинг йигитлари шундай шиддат-ла  
Бир-бирига ҳамла қилиб, маҳв бўлиб қулар эдилар.  
Кебрионнинг атрофига сон-саноқсиз найза қадалди,  
Сон-саноқсиз ўқлар ёғди чилласидан отилиб чиққан;
785. Жасад учун бораётган бу урушда муҳорибларнинг  
Қалқонлари мажақланди харсангтошлардан;  
Лек Кебрион кенг далада, унутиб ўз аробакашлик  
Маҳоратин, ётар эди виқор билан тупроққа ботиб.

- Анчагача, токи офтоб кенг самодан сузиб ўтаркан,
790. Икки ёқдан отилган ўқ ёмғирдан қирилди кўплар.  
Лекин қуёш етганида ҳўкизларни қўшдан чиқариш  
Маррасига, ахейларнинг қўли баланд келди ғанимдан  
Шум тақдирга вид ўлароқ: улар ёвни зор қақшатганча,  
Кебрионнинг жасадини ўқ ёмғири остидан судраб
795. Кетдилар ва ҳашаматли силоҳларин ечиб олдилар.

- Лек Патрокл бу пайт таҳдид солиб ёвга отилди олға.  
Бул Арейваш уч бор мудҳиш наъра тортиб душман ичига  
Ериб кирди ва уч марта тўққизтадан ёвни маҳв этди.  
Валекин ул худосифат тўртинчи бор қилганда ҳамла,
800. Шу ўринда, о, Патрокл, етдинг умринг сарҳадига сен.  
Сенга қарши шиддат ила жангга чиқди мудҳиш Аполлон.  
Аммо сен бу ур-йиқитда сезмай қолдинг унинг шарпасин:  
Бурканиб ул тангри зулмат пардасига яқинлашганди.  
У Патроклнинг орқасига келиб, унинг кенг яғринига
805. Шундай кучли зарб урдик, зулмат босди марднинг кўз олдин.  
Патрокл бошидаги дубулғасин учирворди Феб;  
Мис дубулға думалабон жаранглади отлар пойида;  
Қора қонга ва тупроққа беланди от ёлли жиғаси.  
Шу чоққача топталмаган эди сира бу нажиб сарпўш:
810. У авваллар тангримонанд Ахиллеснинг бузрук бошини  
Безаганди, лек энди Зевс, «Ҳектор кийсин уни бошига»  
Деб ихтиёр қилди: қуни битиб қолган эди Ҳекторнинг.  
Патроклнинг илкидаги улкан, залвар, мис тигли найза  
Чил-чил синди, алп бўйига тенг қалқони заминга тушди;
815. Сўнг Аполлон паҳлавоннинг совутларин ечиб ташлади.  
Дили вайрон бўлиб, кучли жуссасини тарк этди дармон;  
Мисли жоду қилингандек у донг қотиб қолди. Шу маҳал  
Троялик мардлар ичра чопишдаю найза отишда

820. Ва шотирлик санъатида қиёси йўқ шавкатли Эвфорб  
 Панфойзода Патроклнинг орқасидан келиб, найзасин  
 Унинг икки курагининг ўртасига санчди зарб билан:  
 Бу мард бир вақт машқ қилмоқ-чун биринчи бор жангга  
 кирганда
- Йигирмата душманни жангаробадан қулатган эди.  
 У биринчи бўлиб сенга, о, Патрокл, қурол йўналтди.
825. Илло маҳв этолмади: найзасини жароҳатингдан  
 Суғурдию ортга қочиб, ўзин олди тўда ичига:  
 Қўрққан эди у қуролсиз Патрокл-ла олишувдан ҳам.  
 Фебнинг зарби ва Эвфорбнинг найзасидан дармонсизланган  
 Патрокл тез ортга кетди дўстлар томон, ўлимдан қочиб.
830. Ҳектор далир Патроклнинг ўткир тигдан жароҳатланиб  
 Жанггоҳни тарк этётганин кўрган ҳамон, саф орасини  
 Ёриб ўтиб, найзасини унинг қорни остига санчди;  
 Ажалкаш мис найза унинг ичакларин садпора қилди;  
 Менетийзод қуладю теран ғамга ботди данайлар.
835. Сувсаган шер ила қобон тоғ бошида, кўлмак бўйида  
 Бир-бирига тўқнаш келиб, сув талашиб жанг қилишганда,  
 Қудратли шер ҳансираган қобонни маҳв этгандек охир,—  
 Жанг майдонда кўп лашкарни ҳалок этган Патроклнинг ҳам  
 Приамзода буюк Ҳектор найза санчиб жонини олди.
840. Уни мағлуб этганидан мағрурланиб керилди шундай:  
 «Сен, Патрокл, Трояни вайрон айлаб, завжаларимиз  
 Қудсий эрдан маҳрум этиб ҳаммаларин асира қилиб,  
 Кўзлагандинг ўз юртингга кемаларда олиб кетмоқни!  
 Йўқ, ай нодон! Уларни мен елдек учқур бедовларим-ла
845. Жанггоҳ аро муҳофаза қиладурмен ва троялик  
 Мардлар ичра найзам ила жанг қилиб, мен улар бошидан  
 Асиралик офатини даф қилурмен! Лекин сен бунда  
 Қузғунларга ем бўлурсен! О, бенаво! Ахиллес қанча  
 Иқтидорли бўлса ҳамки, киролмади жонингга ора.
850. Сени жангга йўллар экан, балки бундай амр этгандир у:  
 «О, муҳориб Патрокл, сен ўз қўлинг-ла қаттол Ҳекторнинг  
 Зирҳларини токи қора қонга бўяб ечмагунингча,  
 Хаёлингга ҳам келтирма қароргоҳга қайтмоқни асло!  
 Сен телбани у шундай деб лақиллатган бўлса ажабмас».
855. Диёнатли Патрокл, сен жавоб қилдинг ҳансираганча:  
 «Майли, Ҳектор, керил энди! Сен Аполлон ва чақмоқдорнинг  
 Ердами-ла зафар қучдинг: мени енгган тангрилар бўлди;—  
 Ечиб олди улар совут-силоҳимни; уларга осон.  
 Лекин сенга ўхшаганлар йигирмата бўлиб ҳужумга
860. Утганда ҳам, ҳаммалари ер тишларди найзам зарбидан!  
 Тақдир экан, тангри Феб ва фонийлардан Эвфорб даставвал

- Зарб бердилар менга жангда, сен учинчи бўлиб маҳв этдинг,  
Сенга сўнгги каломимни айтгум, уни ёдингда сақла;  
Сенинг ҳам бу заминдаги умринг тугай деб қолган энди;  
865. Қаттол Ўлим, қаҳқор Қисмат яқин келиб қолган ёнингга:  
Сени ҳалок этгай Эак набираси қодир Ахиллес».

Шундай деди Патрокл ва паймонаси тўлди шўрликнинг.  
Унинг руҳи шум қисматдан зор-зор йиғлаб, Аид қаърига  
Рихлат этди иқтидорин ва ёш жисмин тарк этганича.

870. Лекин ўлик Патроклга ҳам гап отди қудратли Ҳөктор:  
«Не қиласан, мирмидонли, менга ўлим башорат қилиб?  
Ким билади, кумушоёқ Фетиданинг ўғли Ахиллес  
Эҳтимолки, менинг найзам зарбидан маҳв бўлар олдинроқ?»

- Шундай дея пойи билан босиб туриб жасадни, ундан  
875. Мис найзасин тортиб олди ва чалқанча ағдарди уни.  
Кейин дарҳол қува кетди мард жиловдор Автомедонни;  
Илло уни худовандлар шоҳ Пелейга армуғон этган  
Боқий отлар фалокатдан олиб қочиб халос этдилар.

# ҰН ЕТТИНЧИ ҚҰШИҚ

## МЕНЕЛАЙНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ

Ёв томондан оташ жангда маҳв бўлган Менетийзода  
Муҳориб шоҳ Менелайнинг назаридан қолмади четда.

У ялтироқ мис совутда чошиб чиқиб, жасад устида  
Чарх урдик, тўлғоқнинг илк азобини тотган гунажин

5. Бузоқчаси атрофида худди шундай парвона бўлур,—  
Олтин сочли шоҳ Менелай Патроклининг жасадин шундай  
Қўриқларкан, яқинлашган ҳар бир ёвни маҳв этмоқ учун  
Чўнг қалқони ва найзасин таҳдидона ўқталар эди.  
Аммо машҳур найзаандоз Эвфорб ҳам лоқайд эмасди
10. Ҳалок бўлган Патроклга: у жасадга яқинроқ келиб,  
Шундай деди, жангдода энг иқтидорли шоҳ Менелайга:  
«О, Зевснинг арзандаси, мард Менелай, халқлар султони,  
Сен нари кет бу жасаддан — менинг қонли ғаниматимдан!  
Патроклини троялик ва муттафиқ қўшинлар ичра,
15. Даставвал мен яраладим найзам ила бу оташ жангда.  
Қўй, энди мен лашкаримиз ичра порлоқ шон-ла мақтанай:  
Ё сени ҳам жудо қилгум, эҳтиёт бўл, ширин жонингдан!»

Ғазаблапиб шундай деди олтин сочли Менелай унга:

«Зевс ҳаққи оят ичмаан, одобданмас бунча керилмоқ!

20. Азбаройи, на қудратли шер, на йўлбарс, ҳатто на бадқаҳр  
Ваҳший қобон керилади найзаандоз Панфойзодрдек!  
Лекин мени ҳақоратлаб майдон чиққан Ҳиперенорнинг,  
Хазон қилди умрин ўлим, у навқирон ёшда бўлса ҳам:  
Мени данай лашкарида энг манфур зот, деб сўкканди у;
25. Аммо энди, назаримда, у жангдодан ўз оёғи-ла  
Кетолмайди ёш хотини ва хешларин хушнуд этгали.  
Мен сени ҳам маҳв этгумдир гар жаҳд қилсанг яқинлашмоққа!  
Сен гапимга амал қилу тез ўзингни қўшин ичра ол;  
Кўз олдимда турма, йўқса бошингга шум фалокат тушгай!
30. Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам!»\*

Шундай деди; лекин Эвфорб жавоб қилди эътироз ила:  
«Йўқ, Менелай, тўлагайсан қотиллигинг хунин ҳозироқ!  
Сен инимни ҳалок қилдинг; яна, унинг ёш хотинини  
Тул қолдирдим, кекса ота-онасини ва хешларини

35. Мотамсаро қилдим, дея жар солиб сен керилмоқдасан!  
Шубҳасизки, аздорлар юрагига тасалли бергум,  
Гар бошингни узиб, қонли силоҳларинг билан қўшганча  
Олиб борсам отам Панфой ва волидам Фронтисага.  
Бас қилайлик баҳспи, етар, жангни бошлаб куч синашайлик,  
40. Шунда тезроқ ошкор бўлур ким диловар, ким қўрқоқлиги!»

- Дея Эвфорб найза урди рақибининг чўнг қалқонига;  
Лек қайрилиб кетди тиғи мис қоплама қалқонга ботмай.  
Ана шунда шоҳ Менелай бузрук Зевсга дилдан илтижо  
Қилганича, маҳвор мис найза билан отилди олға:
45. У орқага чекинётган Эвфорбнинг томоқ остини  
Пойлаб туриб, билагида бор куч билан найза ботирди;  
Найза тиғи тешиб ўтди Эвфорбнинг нафис бўйинини;  
У заминга қуладию совутлари жаранглаб кетди;  
Харитларнинг олтин, қумуш маржонлар-ла безалган зулфи
50. Янглиғ гўзал унинг сочи қора қонга бўялди шу чоқ.  
Киши зайтун ниҳолини овлоқ ерда жилға бўйига  
Ўтқазса гар, у барқ уриб кўкаради: гулга бурканган  
Бу ниҳолни шаббодалар тебратади аста аллалаб;  
Лекин бирдан кўтарилган кучли бўрон бу ёш ниҳолни
55. Қора ерга қулатади қўпораркан илдизи билан, —  
Менелай ҳам Панфой ўғли мутакаббир Эвфорбни шундай  
Замин узра қулатдию ечиб олди силоҳларини.  
Тоғу тошда яйраб ўсган, ўз кучига ишонган арслон  
Гар нодага ҳамла қилса, орасидан семир сигирин
60. Танлайдию уни тутиб, бўғизлайди тишлари ила;  
Сўпгра унинг қонин ичиб, бутун ичак-чавоқларини  
Апир-шанир ея бошлар; бу аҳволни сал олисроқда  
Туриб олиб кузатётган қишлоқ аҳли тинмай «ҳой-ҳой»лар,  
Итлар ҳурир, вале юрак дов бермайди яқинлашмоққа, —
65. Биронта ҳам троялик азаматнинг юраги шундай  
Дов бермади шавкатли шоҳ Менелайга қарши чиқмоққа.  
У қудратли Панфойзода Эвфорбнинг совутларини,  
Бир лаҳзада олиб кетган бўларди ҳам қароргоҳига,  
Агар ҳасад қилмаганда Феб — Аполлон бу диловарга;
70. У киконлар саркардаси Ментнинг кириб қиёфасига,  
Мард Ҳекторни Ареймонанд Менелайга қарши йўлларкан,  
Шундай жўшқин, балавдпарвоз калом айтди унга қарата:  
«Ҳектор! Билки, Ахиллеснинг тутқичбермас тулпорларини  
Бекор таъқиб қилмоқдасан: улар гоят даҳшатлидурлар!
75. Боқий она туққан ўғил Ахиллесдан ўзга ҳеч банда  
Асло қўлга ўргатолмас, тизгинлай ҳам олмас уларни!  
Ваҳоланки, бу орада Атрей ўғли жасур Менелай  
Патроклнинг жасадини муҳофаза қилиб, бир пайтда  
Энг довжорак муҳорибнинг — Эвфорбнинг қирқди кучи-ли».

80. Шундай дея, тангри яна башарият жангига кирди.  
Мудҳиш андуҳ исканжага олди бузрук Ҳектор қалбини;  
Атрофига назар ташлаб, кўриб қолди у Менелайни:  
Шоша-пиша ечарди у ярасидан оққан қонига  
Ва тупроққа ботган жасур Эвфорбнинг порлоқ совутин.
85. Шунда Ҳектор наъра тортиб ва Ҳефестнинг олови мисол  
Жадаллик ва шижоат-ла қўлда найза, отилди олга.  
Атрейзода ҳам эшитди шу заҳоти унинг наърасин;  
Теран хаёл оғушида шундай деди у ўз-ўзига:  
«Эвоҳ! Агар мен Эвфорбнинг совутини ечиб олмасам
90. Ва менга жон фидо қилган Патроклни қолдириб кетсам,  
Буни кўрган ҳар бир юнон нафратланур мендан тоабад!  
Лек орланиб чекинишдан, якка ўзим Ҳекторга, унинг  
Троялик қўшинига ҳужум қилсам, ёлғизлик қилиб,  
Тушиб қолгум мен албатта қуршовга ҳам; обдор дубулға
95. Кийган Ҳектор бошлаб келур бу томонга бутун лашкарин.  
Лекин печун бу хаёллар юрагимни безовта қилур?  
Ахир кимки тангрилар ўз паноҳига олган мард ила,  
Боқийларнинг хоҳишига зид ўлароқ, жанг қилмоқликка  
Журъат этса, ўша заҳот фалокатга қолгай-ку боши.
100. Йўк, худолар менга таъна қилмагайлар, гар иқтидорли  
Ҳекторга ён берсам: у жанг қилур Зевсинг иродаси-ла.  
Агарда мен бирон ерда мард Аяксни учратиб қолсам,  
Унинг билан бирга яна оташ жангга отилгайдурмиз  
Ва Зевсга шак келтирсак ҳам, Ахиллесга дўстин жасадин
105. Элитгаймиз: корибадлар орасида энг енгили шу».

- Шу фикрлар оғушида тараддудда турганида у,  
Ҳектор бошлиқ троялик лашкар яқин келиб қолганди.  
Молхонага кириб қолган ёлдор шерни, итлар вовиллаб,  
Аҳли қишлоқ найза отиб ва «ҳай-ҳай»лаб қувганида, у
110. Орқасига қарай-қарай чекинади; Жасур юрагин  
Кўрқув чулғаб, ночорликдан қочади у оғилхонадан, —  
Менелай ҳам Патроклни ташлаб шундай чекинди ортга  
Ва орқага ўгирилди данайларга етгандагина.  
Сўнг ахтара кетди унда Теламоннинг ўғли Аяксни;  
115. Шу заҳоти паҳлавонни кўрди жангнинг чап қанотида;  
Аякс унда ўз лашкарин жанггоҳ сари даъват этарди  
Ки, Феб кўкдан туриб таҳдид солган эди лашкар қалбига.  
Шоҳ Менелай шу томонга отилдию деди дўстига:  
«Дўстим Аякс, юр буёққа! Жанг қилайлик Патрокл учун!  
120. Ҳеч бўлмаса қайтарармиз Ахиллесга унинг яланғоч  
Жасадини,— совутларин ечиб олди бадқаҳр Ҳектор».

Шундай дея Аякс қалбин руҳлантирди у машъум жангга,  
У олдинга отилди, шоҳ Менелай ҳам унинг ёнида.

- Бу пайт Ҳектор ечиб олиб Патроклнинг шонли совутиш,
125. Оёғидан судраб кетди, шамшир ила унинг бошини  
 Чопиб олиб, танасини қузғунларга қолдирмоқ учун.  
 Бирдан кўксин минораваш қалқон билан тўсган Диомед  
 Пайдо бўлди; шунда Ҳектор орқага — ўз қўшини томон  
 Чекиндию сакраб чиқди шошиб ўз жангаробасига;
130. Сўнг лашкарга амр этди, ғавиматни нодир ёдгорлик  
 Сифатида асрамоқ-чун Илионга элтишлар, дея.  
 Вале Аякс турарди ўз қалқони-ла тўсиб жасадни;  
 Ўшарди у чўнг ўрмонда ҳали нимжон шербачаларин  
 Овчилардан ҳифз қилган иқтидорли она арслонга;
135. У гижиниб ириллайди, кўзларидан чақнайди олов,  
 Бужмаяди бутун афғи кўзларин ҳам юмгудек бўлиб, —  
 Аякс ҳам Патроклнинг жасадини қўрирди шундай.  
 Диловарнинг бир ёнида қалби теран андуҳга тўлиб  
 Мард муҳориб шоҳ Менелай турар эди хомуш ва маҳзув.
140. Ликиялик лашкарбоши Ҳипполохий Главк бу маҳал  
 Ўқрайганча шундай аччиқ маломатлар қилди Ҳекторга:  
 «Сиртинг ботир сенинг, Ҳектор! Лек йироқсан диловарликдан!  
 Ҳа, бекорга ҳамду сано айтмоқдалар сенга, юраксиз!  
 Яхшиси, сен ёлғизгина троялик лашкаринг ила
145. Ўз шаҳрингни ва қасрингни муҳофаза қилмоқни ўйла!  
 Ликияликларга келсак, биттаси ҳам данайлар билан  
 Жанг қилишни истамайди азим шаҳринг Троя учун.  
 Зероки, бу жанг майдонда кун-уззукун жонидан кечиб  
 Ғавиминг-ла олишганлар кўрмадилар рўшнолик зинҳор.
150. Ахир, бадбахт, сен оддий бир муҳорибни қандай ўлимдан  
 Қутқарардинг, шаҳрингга ва ўзингга кўп яхшилик қилган  
 Сарпедондек садоқатли дўстингни ва меҳмонингники  
 Жанг майдонда ҳифз қилмай ёвга қолдирганингдан кейин?  
 Ҳатто унинг жасадини итлардан ҳам қўриқламадинг!
155. Ликиянинг мард эрлари гар сўзимга оссалар қулоқ,  
 Қайтажакмиз уйга: кун битиб қолган Илион шаҳрин!—  
 Гар Троя лашкарида она ватан учун ёв билан  
 Шафқат билмай урушмоққа ва тер тўкиб меҳнат қилмоққа  
 Қодир бўлган фидойилар жасорати бўлганда эди,
160. Патроклни Илионга олиб кетган бўлардик осон.  
 Агарда биз шу ниятга етиб, ўшал шонли жасадни  
 Илионга олиб кира олсак эди, ахейлар дарҳол  
 Қайтарарди бизга нажиб совутларин шоҳ Сарпедоннинг;  
 Ҳатто унинг жасадин ҳам тезда қайтиб олган бўлардик.
165. Зеро, ҳалок бўлган у мард — бутун юнон лашкари ичра  
 Энг жасур эр, энг довурак жангчиларни ушбу жанггоҳга  
 Бошлаб келган Ахиллеснинг содиқ дўсти Патрокл эрур.  
 Лек Аякс-ла олишувга дов бермади сенинг юрагинг.  
 Сен яккама-якка жангда тик боқишга журъат этмадинг

170. Кўзларига: негаки у сендан юз бор диловарроқдир!»

Дубулгаси обдор Ҳектор ғазаб ила боқди Главкка:  
«Главк, сенга нима бўлди? Гапларинг кўп бемаъни бугун!  
Сени, дўстим, шу чоққача кенг Ликия салтанатида  
Қийси йўқ деб ўйлардим заковатда бутун эл ичра:

175. Илло бугун эс-хушингни ебсан чоғи: нелар деяпсан?  
Алл Аякс-ла олишмадинг дея таъна қилмоқчимисан?  
Йўқ, қўрқмадим мен жангдан ҳам, от туёғи дўпиридан ҳам,  
Лек билки, Зевс продаси мудом маҳкам одамниқидан.

180. Гоҳ эса даъват этар қўрқоқларни мардона жангга.  
Мен билан юр, ёнимда тур ва шоҳид бўл сен рафторимга:  
Кун бўйи сен айтганингдек қўрқоқ бўлиб қолармикинман?  
Ё Патрокл жасадини муҳофаза қилётган бирон  
Мард данайнинг юрагини олиб, маҳв этармикинман!»

185. Сўнг Троя лашкарига янгроқ сас-ла ҳайқирди бундай:  
«О, Троя ўғлонлари, дарданлар, сиз, ликияликлар!  
Мард бўлинг ва эсланг, дўстлар, иқтидорли жасоратингиз.  
Ўзим эсам, Патроклни маҳв этганда ечиб олганим  
Ахиллеснинг жанговар, чўнг совутларин кийгумдир жангга».

190. Дубулгадор Ҳектор шундай наъра тортиб чиқди майдондан:  
У шамолдек ела кетди ва кўп ўтмай, шоҳ Ахиллеснинг  
Монанди йўқ совутларин Илионга шитоб айлабон  
Элтаётган садоқатли дўстларига етиб ҳам олди.

195. У шу ерда туриб, совут-силоҳларни алмаштирди тез:  
Ўзиникин ечиб берди Трояга алтсинлар дея,  
Ўзи эса шавкатли эр Ахиллеснинг мангу совутин  
Кийиб олди, — у таңрилар армуғони эди Пелейга;  
Кекса Пелей берган эди бу совутни ўғли Ахиллга;  
Лек ўғилга бу совутни кийиб қариш пасиб бўлмади.

200. Чақмоқдор Зевс мард Ҳекторни жангдан чиқиб, худовандмонанд  
Ахиллеснинг совутларин киётганин кўриб қолдию  
Доно бошин иргатганча шундай калом айтди ичида:

«Аё бадбахт, қалбинг сезмас ажалингни яқин эканин!  
Шу мондан журъат этдинг киймоқча сен ботирлар аро

205. Қийси йўқ паҳлавоннинг умрибоқий совутларини!  
Маҳв этдинг сен унинг ғоят иқтидорли ва содиқ дўстин  
Ва ношоён ечиб олдинг у марҳумнинг совут-силоҳин!  
Лекин бугун жангга сенга бахш этгумки қудрат ва зафар,  
Эвазига — қайтмагайсан сен уйингга: Андромаха

210. Шоҳ Пелейнинг силоҳларин қабул қилиб олмагай сендан!»



- Бу каломин тасдиқлаб Зевс қора қошин учириб қўйди.  
 У Ҳекторнинг жусасига мослаб берди Пелей совутин  
 Ва қалбига жанговарлик ва шижоат руҳин уфурди;  
 Куч-қувватга тўлди унинг бутун жисми. У Илионлик
215. Дўстлар томон наъра тортиб борар экан, улар кўзига  
 Тангриларнинг совугларин кийган Ахилл бўлиб кўринди.  
 У сафларни айланаркан руҳлангирди саркардалардан:  
 Ферсилохни, Месфли-ю, Медон, Главк Ҳипполохзодни,  
 Дезинорни, Ҳиппофоой, мард Хромий, Астеропейни.
220. Қушлар билан фол очишда монанди йўқ Эннони яна;  
 У шуларни руҳлангирди даъват этиб майдони ҳарбга:  
 «О, жамоа, сон-саноқсиз ёру дўстлар, қўшниллар, тингланг!  
 Даркор эмас кўп миқдорли қўшин менга: сизларни йироқ  
 Шаҳарлардан Илионга муҳтожликдан чорламадим, йўқ.
225. Билъакс, сизни мен бегуноҳ хотинлару болларимизни  
 Данайлардан муҳофаза қилинглар, деб чақиртиргандим.  
 Шу сабабли мен сизларни кўп ардоқлаб, озуқалар ва  
 Армуғонлар ила сийлаб, ўз халқимни қийнамоқдаман.  
 Сиз юзма-юз туриб ёв-ла бошланг ҳаёт-мамот жангини!
230. Ё ўлинг сиз, ё ўлдинг — шудир фақат лашкарнинг бурчи!  
 Вале кимки Аяксни чекинтириб Менегийзоднинг  
 Жасадини ўзимизнинг қароргоҳга судраб келолса,  
 Ўлжаларнинг ярмин олур, қолган ярми менга бўлади;  
 Илло у ҳам мен-ла бирга юксак шонга бўлгай мушарраф».
235. Шунда ҳужум-бошладилар данайларга трояликлар;  
 Улар қалби ёнар эди ёв таянчи Теламонийдан  
 Патроклнинг жасадини тортиб олмоқ иштиёқида.  
 Нодон эрлар! Аксарингиз жонин олди паҳлавон Аякс,  
 У сизларни кўрган ҳамон шундай деди шоҳ Менелайга:
240. «О, Менелай, Зевс эркаси! Назаримда ушбу жанггоҳдан  
 Она юртга омон қайтмоқ душвор бўлса керагов, дўстим!  
 Мен Патрокл жасадини энди мутлоқ ўйламай қўйдим:  
 Энди унинг ем бўлмоғи муқаррардир иту зоғларга,—  
 Ҳозир кўпроқ иккимизни фалокатдан омон сақлашни
245. Ўйлаяпман; қора булут янглиг босиб келмоқда Ҳектор;  
 Назаримда, хавф солмоқда бизга ҳозир муқаррар ўлим!  
 Дўстим, чақир данайларни, балки улар эшитар сасинг!»

- Олтин сочли Менелай ҳам қулоқ осди Аякс гапига,—  
 У баралла нидо қилиб, данайлардан сўради мадад:
250. «О, дўстларим, о, сиз— Атрей ўғилларин зиёфатида  
 Мудом халқнинг шаробини ичгувчи ва ҳар бири Зевснинг  
 Паноҳида ўз халқига султон бўлиб доврўқ қозонган  
 Ахейларнинг энг диловар шоҳлари ва саркардалари!  
 Душвордир мен учун бугун ҳар бир шоҳни, лашкарбошини

255. Таниб олмоқ: жанг аланга олмоқда чор атрофимизда!  
Ўзларингиз шошинг буён ва қахр ила мағрур қалбларда  
Патроклни кўшаклар хор қилишига йўл қўйманг зинҳор!»

Хайқирди у, — саси аниқ эшитилди Оилейзодга;  
Аввал шу мард ўтиб келди жангни ёриб Менелай томон;  
260. Ундан кейин Идоменей билан унинг дўсти Мермон —  
Бандакуш ва қаттол тангри Эниалиймонанд Мермон.  
Шундан кейин етиб келиб данайларнинг кўнглин кўтарган  
Ботирларни ким ҳам аниқ айтаоларди ёддан ном-баном?

Троялик лашкар аввал ҳужум қилди: Ҳектор бош бўлди.  
265. Зевс дарёси чўнг денгизга қуйилувчи ерда, долғалар  
Мудҳишона шовуллаб шахт ҳамла қилур оқимга қарши  
Ва соҳиллар фарёд чекур долғалардан — денгиз ўқчиган,—  
Троялик ёв наъраси сердағдага эди шу янглиғ;

Лек ахейлар Патроклнинг теграсида қалқонларини  
270. Зич тутганча турардилар дадил, бўлиб бир жопу бир тан.  
Самодан Зевс мудҳиш зулмат ёғдирворди улар бошига  
Ўи, Патрокл тирик экан ва Ахиллга қиларкан хизмат,  
Ундан ғазабланмаганиди боқийларнинг султони зинҳор;  
Шу боисдан тангри унинг кўшакларга ва қузғуиларга

275. Ем бўлиши истамади ва шу боис аргосликларни  
Ўз дўстлари — Патроклни қўриқлашга рағбатлантирди.

Ахейларни сиқиб борди даставвал мард трояликлар  
Ва, жасадни ташлаб қочди аргосликлар: мағрур Троя  
Аҳли қачча уринмасин, ҳеч кимни маҳв этолмади-ю,  
280. Лек жасадни олиб кетди; данайлар ҳам жасаддан унча  
Узоқлашмай тўхтадилар: ҳам қадду-баст ва ҳам рафторда  
Алп Ахиллдан сўнг юнонлар ичра энг зўр Теламонзода  
Жангоҳ сари даъват этди ахейларни яна астойдил.

Жасоратда қобонмонанд бу паҳлавон отилди олға, —  
285. Таъқибдаги ваҳший қобон бирдан ортга ўгриладию  
Този ит ва овчиларга ҳамла қилиб тирқиратади,—  
Теламоннинг жасур ўғли — саховатли шоҳ Аякс ҳам  
Патроклнинг жасадини Трояга етказиб бориб,

Шон қозонмоқ илинжида бўлган ёвнинг зич сафларини  
290. Ўшал ваҳший қобон янглиғ пароканда қилди бир зарб-ла.  
Бу пайт пеласг Ҳиппофоой сиртмоқ солиб Менетийзоднинг  
Тўпиғига, судраб кетаётган эди қонга ғарқ ердан:  
Бу билан у ёқмоқчийди ҳам Ҳекторга, ҳам лашкарига;  
Лек ажали етган экан, ҳеч бир дўсти қутқаролмади.

295. Сафни ёриб чиққан Аякс найза билан ташланиб унга,  
Қаттиқ куч-ла зарба урди мис яноқли дубулғасига;  
Улкан ва зил найза тутган бу қудратли билак зарбидан

- Мажақланди от ёлидан жиға таққан обдор дубулға.  
Бечоранинг мажақланган бошидан мард Аякс найзаси
300. Бўйлаб оқди қон аралаш мияси: у қувватдан қолди;  
Патроклнинг оёқлари ерга тушди титроқ кўлидан  
Ва ўзи ҳам жон берди юзтубан қулаб жасад ёнига.  
Она юрти Лариссадан олис ёқда; ҳаттоки боқиб  
Катта қилган ота-она олдида ҳам фарзандлик бурчин
305. Утолмади, ўз қарзини узолмади; Теламонзода  
Найзасидан жон берган бу марднинг умри жуда қисқайкан.  
Ҳектор бу пайт Аяксга йўналтирди мис найзасини.  
Паррон этган найзани у кўрдию тез чап бериб қолди;  
Лекин Ҳектор Панопдаги данғиллама уйлар соҳиби
310. Фокидалик жасур ўғлон Ифитзода мард Схедийнинг  
Ўмровига зарба берди; машъум найза тиғи шўрликнинг  
Елкасидан паррон этиб, тешиб чиқди оппоқ бўйнидан.  
У гурсиллаб қулади ва совутлари жаранглаб кетди.  
Аякс эса Ҳиппофоой жасадини қўриқлаб турган
315. Феносзод жасур Форкнинг киндигига санчди найзасин:  
Зирҳни тешиб ўтган найза ағдарворди ичак-чавоғин;  
У заминга қулар экан, жонҳолатда чанг солди унга.  
Мард Ҳектор ҳам, унинг илғор лашкари ҳам чекинди ортга.  
Аргосликлар ҳайқирганча Ҳиппофоой ва Форк жасадин
320. Судраб кетиб, зум ўтмаёқ совутларин ечиб олдилар.

- Сал бўлмаса Троянинг лашкари ўз заифлигига  
Икром бўлиб, Илионга қочиб кирган ва данайлар Зевс  
Хоҳишига зид ўлароқ шараф қучган бўлар эдилар,  
Гар қаҳдор Феб, Эпит ўғли Перифаснинг қиёфасида
325. Пайдо бўлиб, шоҳ Энейни данайларга тезламаганда;  
Эпитзода бутун умр мард Энейнинг қошонасида  
Мутеона хизмат қилиб падарига, кексайган эди;  
Феб Энейга юзланди шу қариянинг қиёфасида:  
«Бир замонлар мен ҳам, Эней, шоҳид бўлгандим\*»
330. Бошқаларнинг суяниб ўз иродаси ва қуввасига,  
Оз куч билан Илионни далиропа забт этганига!  
Зеро, сизлар тангриларнинг хоҳишига унда монелик  
Қила олмай, Илионни сақлаб қола олмагандингиз!  
Ҳозир эса Зевс мурувват қилур бизга, ахейларгамас;
335. Вале сизлар жангдан қочиб бир чеккада титраб турибсиз!»

- Шундай деди,— шунда Эней Аполлоннинг кўзига боқиб,  
Таниб қолди тангрини ва янгроқ сас-ла деди Ҳекторга:  
«Ҳектор, сиз ҳам, троялик ва муттафиқ халқ сардорлари!  
Гар қўрқоқлик қилиб, яна данайлардан биз Илионга  
340. Қочиб кирсак, уят ахир! Ким чидайдди бундай иснодга?  
Йўқ, қаршимда бир худованд пайдо бўлиб, хушхабар айтди:

Парвардигор Зевс паногоҳ эмиш бизга майдонн ҳарбда!  
Бизлар қўрқмай, тик борайлик ёвга қарши! Токи у, Патрокл  
Ҳасадини кемаларга олиб кета олмасин зинҳор!»

345. Шундай дея: саф олдига чиқиб, қўшин бошида турди.  
Бутун қўшин ўгирилиб, юнонларга, турди юзма-юз.  
Найза билан қуролланган саховатли Эпей шу маҳал  
Аризбантзод Леоkritни маҳв қилди — Ликомед дўстин,  
Ҳимматли мард Ликомеднинг раҳми келиб қатл бўлганга,
350. Келиб жасад тепасида турди ва мис найза отди-ю,  
Пора қилиб мард саркарда Ҳиппасзода Аписаоннинг  
Ҳижарини, букди метин тизларини ва йиқди ерга —  
Пеоньядан келган бу мард жанг майдонда Астеропейдан  
Кейин тенгсиз иқтидорли, зўр муҳориб ҳисобланарди.
355. Соҳибқувва Астеропей ачинди шул мағлуб бўлганга;  
Ахейлар-ла жанг қилмоқ-чун тикка ҳамла қилди у ботир;  
Зое кетди уриниши! Патроклини ўраб олдилар  
Аргосликлар, қалқонлардан девор ясаб, найза ўқталиб,  
Бузрук Аякс муттасил бу жопли девор ёқалаб юриб,
360. Чекинманг бир баҳя ортга, жанг қилмоқ-чун сафдан ҳам  
чиқманг  
Ва жасаднинг теграсида қатъий туриб, ҳамла қилган ёв  
Билангина олишинг сиз, деб уқдирар эди дамо-дам.  
Бу чоқ замин бўялганди қора қонга; ҳам Троянинг  
Ва муттафиқ қўшинларнинг жангчилари, ҳам аргосликлар
365. Қириллишиб, жасадлари тоғ-тоғ бўлиб уюлган эди;  
Лек данайлар қирилганди ғанимларга нисбатан озроқ;  
Зеро, улар мудом бу тўс-тўполонда бир-бирларини  
Даҳшатона фалокатдан қўриқлашга уринардилар.
- Жанг ёнгиндек авж оларди; кўрган кимса, самода ой ва
370. Қуёш кўрган бўлса керак талофат, деб айтган бўларди  
Ки, Патрокл жасадини муҳофаза қилётганларни  
Қора зулмат буркаганди тамомила бу тўполонда.  
Лек қолганлар: троялик лашкар ҳамда пойвирх боғлаган  
Аҳли юнон бемалол жанг қилар эди очиқ ҳавода;
375. Ҳамма ерда алангаваш нур сочарди мунаввар қуёш.  
Кўринарди қатра булут на кенг майдон, на тоғ бошида;  
Бот-бот ҳордиқ олиб уруш қилар эди бунда қўшинлар;  
Икки томон осоғина чап берарди машғум ўқларга.  
Лекин бунда — жанггоҳнинг қоқ марказида, зулмат қўйнида
380. Мис силоҳлар қийратарди шафқат билмай диловарларни.  
Лекин ҳали Патроклнинг ўлиmidан оға-инилар:  
Шавкатли мард Фразимед ва Антилох ғофил эдилар;  
Патроклини, улар, тирик ва олдинги сафда такаббур  
Троялик жангчиларни қийратмоқда, деб ўйлардилар.

385. Иккови ҳам ҳифз қилиб дўстларини машъум ўлимдан,  
Кенг жанггоҳда алоҳида жанг қиларди; ўғилларини  
Нестор жангга йўллар экан амр этганди уларга шуни.

- У томонда чаққоноёқ Ахиллеснинг вафодор дўсти  
Патроклнинг теграсида қақшатқич жанг тинмасди ҳаргиз;
390. Бу узлуксиз давом этган жангдан ҳар бир мард муҳорибнинг  
Тизза, болдир, товонлари ва қўллари тер ва тўзонга  
Ботган эди, тер қуюлган эди ҳатто кўзларига ҳам.  
Кўнчи улкан говнинг серёғ терисини шогирдларига  
Бериб, уни чор атрофдан таранг қилиб тортирганида,
395. Тери анча ёйилади, суви сирқиб, ёғи кетади,—  
Патроклнинг жасадин ҳам тортардилар тор ерда шундай:  
Троялик мардлар уни Илионга олиб кетмоқчи  
Бўлса, данай ўғлонлари тортардилар кемалар ёққа;  
Мазкур жасад теграсида бораётган бу қизгин жангни
400. Маъқулларди Афина ҳам, жонқушанда тангри Арей ҳам,  
Гарчи у, ё бу лашкардан бўлсалар ҳам дарғазаб улар.

- Патроклнинг теграсида бугун лашкар ва отлар учун  
Мудҳин қирғин барпо қилган Зевс эди. Лек тапгриваш Ахилл  
Патроклнинг ўлимидан ҳанузгача беҳабар эди;
405. Зеро, лашкар кўп йироқда жанг қиларди энди соҳилдан,  
Ки тасаввур ҳам қилмасди у сафдошин ҳалок бўлганин;  
Ахилл уни ҳали-замон Илионнинг дарвозасига  
Етадию дарҳол ортга қайтади, деб умид қиларди;  
Ахиллесга аён эди шу нарса ҳам: Менетийзода
410. Трояни Ахиллсиз ҳам, у билан ҳам забт этолмасди.  
Бу ҳақда у онасидан кўп эшитган, у Зевснинг аҳдиди  
Айтган эди ўғли билан хуфиёна сирлашганида;  
Аmmo унга оназор энг даҳшатли бир фалокатни  
Айтмаганди — ўғлининг энг содиқ дўстини маҳв бўлишин.

415. Лек уёқда муҳориблар ҳануз жасад устида тинмай  
Жанг қилишиб, найзалар-ла бир-бирларин маҳв этардилар.  
Мис совутли данайларнинг айримлари шундай дердилар:  
«Данай дўстлар! Қароргоҳга чекинмоқлик иснод-ку бизга!  
Ундан кўра шу заминда ер ютгани минг қарра афзал!
420. Ҳа, яхшидир ўлганимиз, дўстимизнинг жасадин ёвлар  
Илионга олиб бориб шону шуҳрат қозонганидан!»

Троялик довураклар ичида ҳам дерди баъзилар:  
«О, ёронлар, бу жанггоҳдан асло ортга чекинмағаймиз,  
Гар шу жасад тепасида битта қолмай ўлиб кетсак ҳам».

425. Шундай дея дўстлар руҳин кўтарарди трояликлар:  
Қўшин жаҳд-ла жанг қиларди; жанг сурони гумбирлаганча

- Ахиллеснинг отлари жанг майдонидан йироқда туриб  
Йиглардилар, ўз соҳибин қаттол Ҳектор қўлида ҳалок
430. Бўлиб, чангда хор ётганин пайқаб қолганларидан буён.  
Соҳибидроқ аробақаш Автомедон бу тулпорларни,  
Тез чопсин деб қамчи босди, бақириб ҳам кўрди уларга,  
Кўп меҳрибон сўзлар билан ялиниб ҳам кўрди, бўлмади:  
На орқага — қароргоҳга чекинмоқни истарди улар
435. Ва на олға югурмоқни — ахейлар жанг қилётган ёққа.  
Бу тулпорлар муҳташам жангаробага қўшилганича  
Бошларини ҳам қилишиб қимир этмай турар эдилар —  
Гўё бирон номвар эркак ва ё аёл қабри устига  
Ўрнатилган тош устундек: ўз диловар соҳибин қўмсаб.
440. Ғамга ботган, чашми гирён бу отларнинг қайноқ ёшлари  
Ерга чак-чак томар эди; узун ипак ёллари эса,  
Тушиб туёқ остигача, чанг-тўзонга беланган эди,—  
Парвардигор Зевс бу маҳзун тулпорларни кўриб ачинди  
Ва бошини чайқаганча, ўз кўнглида деди бир калом:
445. «О, шўрликлар, сиздек боқий ва мангу ёш отларни печун  
Биз армуғон қилганканмиз ер фарзанди фоний Пелейга?  
Наҳот бадбахт инсонларнинг андуҳига шерик бўлинг, деб?  
Зероки, ер юзидаги мавжуд жами жонзодлар ичра  
Одамзоддек бахти қаро махлуқ йўқдир, бўлган ҳам эмас.
450. Лек ғам чекманг: сиз қўшилган ҳашаматли жангаробада  
Юролмагай Ҳектор асло тантанавор: йўл қўймам бунга!  
Ё етмасми унга Ахилл совутларин кийиб олгани?  
Уфургум мен янги қудрат қалбингизга ва пойингизга;  
Сиз соғ-омон олиб чиқиб машъум жангдан Автомедонни,
455. Бандаргоҳга етказинг тез, зероки, мен пергамликларга  
Шону шавкат бахш этгумдир, токи улар аҳли юнонни  
Тиним билмай қириб, баҳрий кемаларга етиб боргунча,  
Қуёш ботиб қудсий Зулмат чулғагунча рўйи заминни».
- Шундай деб Зевс бедовларга илоҳий куч-қудрат бахш этди.
460. Улар узун ёлларига инган чангни силкитиб қоқиб  
Дабдурустан икки қўшин орасидан учдилар елдек.  
Автомедон, гарчи, қаттиқ қайғурса ҳам ўз дўсти учун,  
Нақ розларга ҳамла қилган қирғий янглиғ кирди жанггоҳга.  
У тез ортга чекинарди троялик ёв ҳамласидан
465. Ва тез олға отиларди тирқиратиб қувиб ғанимни.  
Лек ҳужумга ўтганида олишмасди у агёр билан;  
Зеро, қудсий аробада душвор эди бир ўзи учун  
Айни пайтда найза отмоқ ва отларни бошқариб бормоқ.  
Шу чоқ уни мирмидонлик содиқ дўсти ва қадрдони
470. Алкимедон — Лаеркейнинг ўғли кўриб қолди баногоҳ;

- Орқасидан келиб, янгроқ овоз билан деди дўстига:  
«Қадрдоним Автомедон, боқийлардан қай бири сенга  
Бу бесамар ишни юклаб ўғирлади эсу ҳушингни?  
Нечун бунда ёлғиз ўзинг ганим ила олишмоқдасан?»
475. Содиқ дўстинг ўлдирилди, жасаидан ечиб олинган  
Ахиллеснинг совутини кийиб олиб керилур Ҳектор!»
- Унга дарҳол жавоб қилди Автомедон Диорейзода:  
«О, қудратли Алкимедон, ким ахейлар ичра бу боқий  
Тулпорларни сенчалик зўр маҳорат-ла бошқара олур?»
480. Қодир эди бундай ишга фақат тангрисиймо Патрокл;  
Афсус, ўлим ёзилганкан қисматига ул муҳорибнинг!  
Кел, азизим, илкинга ол қамчи ила обдор жиловни,  
Мен эсам жанг қилмоқ учун тушгум ерга жангаробадан».
- Шундай деди; Алкимедон сакраб чиқди жангаробага;
485. Дарҳол жилов ва қамчини иқтидорли қўлга олди;  
Автомедон ерга тушди; кўриб қолиб Ҳектор у мардни,  
Шундай деди ўз ёнида турган жасур Энейга қараб:  
«Дардапларнинг энг беқийс мушовири паҳлавон Эней!  
Чаққоноёқ Ахиллеснинг отларини яна жанггоҳда
490. Кўрмоқдаман; вале қўрқоқ кўринади суворийларн.  
Ўйлайманки, гар сен менга қўлдош бўлиб, ул суворларга  
Дабдурустан ҳамла қилсанг, забт этгаймиз бедов отларни,  
Зеро, улар бизга қарши жанг қилмоққа журъат этмаслар».
- Деди Ҳектор, — қулоқ осди унга номвар Анхиззод Эней;
495. У кўксини сиртига мис парчаланган, тош каби қаттиқ  
Кўн қалқон-ла тўсганича олга юрди Ҳектор ортидан.  
Тангричехра Арет ила Хромий ҳам чопа кетдилар;  
Улар аниқ ишонарди, маҳв қилиб аробадаги  
Икки мардни, гажак бўйин тулпорларни олиб кетмоққа.
500. О, тентаклар! Ҳали қаттиқ зарб еб қайтур улар орқага.  
Автомедон, бу аснода, сизинганди Кронзодага,  
Дарҳол унинг маҳзун қалби журъат ила қувватга тўлди.  
Шу заҳоти юзланди у содиқ дўсти Алкимедонга:  
«Биродарим Алкимедон! Кетиб қолма сен мендан йироқ.
505. Ки ансамда мен отларнинг пишқирганин эшитай мудом;  
Аминманки, қаттол Ҳектор ҳалок этиб икковимизни  
Ахиллеснинг отларини ўз қўлига киритмагунча,  
Ахейларни тирқиратиб қувмагунча ва ёхуд ўзи  
Жангда маҳв бўлмагунча ғазабидан тушмагай асло!»
510. Сўнгра икки Аякс ила Менелайга хитоб қилди у:  
«О, аргослик саркардалар — икки Аякс, о, шоҳ Менелай!  
Сиз жасадни ўзга жасур ахейларга ҳавола қилинг;

- Шулар уни қуршаб олиб, даф қилсинлар келган ғанимни;  
Сизлар эса халос этинг ҳалокатдан биз — тирикларни!
515. Троянинг энг диловар йигитлари Ҳектор ва Эней  
Ҳалок этмоқ илинжида келмоқдалар бизлар томонга!  
Лекин боқий тангриларнинг этагида ётур бу ҳали\*:  
Барибир мен найза отгум, у ёғини Зевс ҳал қилади!»
- Шундай дея у куч билан улоқтирди узун найзасин
520. Ва зарб берди у Аретнинг доиравай чўнг қалқонига;  
Найзага дош беролмади қалқон: уни ёриб ўтиб тиғ,  
Тешди камар тўқасин ва тилка-пора қилди мард қорнин.  
Алл йигит болта ила даштда ўсган ҳирсдай буқанинг
525. Икки шохи ўртасига уриб, унинг пайин қирққанда,  
Ул жонивор бир ирғишлаб тушиб ерга қулаганидек,—  
Арет ҳам бир сакраб тушиб «гурс» йиқилди чалқанчасига  
Ва қорнига ботган найза чайқаларкан, олди жонини.  
Ҳектор отди ўзин обдор найзасини Автомедонга;  
Лек ажалкаш найзага у тез энгашиб чап бериб қолди;
530. Узун найза Автомедон боши узра учиб ўтдию  
Сал нарида, қаро ерга санчилди ва банди узоқ вақт —  
То ҳовурдан тушгунгача уён-буён тебраниб турди.  
Шу чоқ улар шамшир билан олишмоққа киришардилар,  
Гар қудратли икки Аякс дўст наърасин эшитиб қолиб
535. Бул жангари мардлар аро жадал ёриб киришмаганда.  
Чекиндилар қўрқиб ортга Аяксларнинг важоҳатидан  
Мард Ҳектор ҳам, тангримонанд Хромий ҳам, Анхиззода ҳам;  
Улар Арет жасадини ўшал ерга ташлаб қочдилар;  
Ареймонанд Автомедон чангга ботган мурда совутин
540. Чаққон ечиб олар экан, шундай деди керилганича:  
«О, энг заиф бир жангчини маҳв қилиб бўлсаям, охир  
Патроклнинг қасдин олиб юрак дардим енгиллаштирдим!»

- Деди қонли ғаниматни ташлар экан жангаробага:  
У ўзи ҳам сакраб чиқди аробага — сигир бўғизлаб
545. Роса тўйган арслондек бошдан-оёқ қонга беланиб.

- Патроклнинг теграсида қизиб кетиб қонли жанг, яна  
Кўплар жондан жудо бўлди; у қирғинни самодан тушган  
Хур Афина қўзғанди: зеро, уни Зевс юборганди  
Юнонларни руҳлантир, деб — ачинганди энди уларга.
550. Сарпадар Зевс бандаларга ё даҳшатли муҳорибадан,  
Ёхуд қорамолни хомуш айлагувчи, деҳқонни эса  
Дала ишин тарк этишга ундагувчи аёзли қишдан  
Дарак бериб, кенг самода зоҳир қилур алвон камалак,—  
Зевс қизи ҳам ўралволиб худди шундай ол булутларга,
555. Келиб тушди данайларнинг жамоаси тўпланган ерга  
Ва ҳар битта мард қалбига жасорат ва қудрат уфурди.



- Даставвал у кириб кекса Феникснинг қиёфасига,  
 Шу қария саси билан бундай деди яқинроқ турган  
 Иқтидорли муҳориб зот Атрейзода шоҳ Менелайга:
560. «О, Менелай, сен абадул-абад бадном бўлиб қолурсан,  
 Гар Ахиллнинг содиқ дўсти Патроклнинг азиз жасади,  
 Итларга ем бўлса бунда — Троянинг бўсағасида!  
 Бўш келма ҳеч ва дадил бўл, жангга унда жами лашкарни!»
- Маъбудга машҳур жангчи шоҳ Менелай жавоб қилди тез:
565. «О, қария, бобо Феникс! Кошки эди Тритогена  
 Билагимга куч берсаю ҳифз қилса талх найзалардан!  
 Шунда жангга кириб, дўстим жасадини қўриқлар эдим;  
 Ки Патрокл ўлимидан мен ҳам қаттиқ қайғурмоқдамен!  
 Илло, Ҳектор ёнғинмисол қутурмоқда: у қаттол мудом
570. Чор атрофни қийратмоқда; чақмоқкор Зевс унга паногоҳ!»
- Шунда Зевснинг чашми тобон қизин кўнгли ёришиб кетди:  
 Ки Менелай аввал унга сизинганди боқийлар ичра.  
 Маъбуда тез қувват берди унинг пою билакларига.  
 Юрагини пашша янглиғ жасоратли қилдики, инсон
575. Уни қанча ҳайдамасин, у очофат то одам қонин  
 Сўрмагунча келаверар қайта-қайта хиралик қилиб,—  
 Афина шоҳ юрагига бахш айлади шундай жасорат.  
 У Патрокл тепасида туриб, отди порлоқ найзасин.  
 Трояликлар ичида Подес отли бир жангчи бўлиб,
580. Бу бадавлат шонли эрни Ҳектор ғоят эъвозлар эди,  
 Зеро дилкаш ва ардоқли дўст эди у зиёфатларда.  
 Шоҳ Менелай қочаётган шу йигитнинг оч биқинига  
 Найза санчди, найза тиғи тешиб ўтди унинг баданин:  
 У заминга «гурс» қулади ва Менелай унинг жасадин
585. Ёлғиз ўзи шитоб билан судраб кетди дўстлари томон.  
 Бу аснода кумушкамон Феб — Аполлон Ҳектор қошида,  
 Содиқ дўсти абидослик Фенопснинг қиёфасида  
 Пайдо бўлиб, уни жангга руҳлантира бошлади жадал:  
 «Шу чоққача заиф жангчи ҳисобланган Менелайданки
590. Қўрқаркансан, Ҳектор, унда, данайлардан ким қолди яна  
 Сендан қўрқиб қочадиган? Шоҳ Менелай дўстинг ва жангчинг  
 Этионзод мард Подесни кўз олдингда ўлдириб, унинг  
 Жасадини кенг жанггоҳдан ёлғиз ўзи судраб кетмоқда!»
- Деди у ва Ҳектор қалбин рутубатли андуҳ чулғади.
595. У порлоқ мис найзасини силкиганча отилди олға.  
 Бу маҳал Зевс сершокила, офтоб каби порлоқ қалқонин  
 Қўлга олиб бир силкиди ва Иданинг сарчўққисини  
 Буркаб қора булутларга мудҳиш чақмоқ чақаркан, яна  
 Трояга ғолибият, данайларга қўрқув уфурди.

600. Бошлаб берди чекинишни Беотьялик сардор Пенелей.  
У жанггоҳда тинмай олға отилганда, алп елкасини  
Найза ялаб ўтганди, лек Полидамас яқинроқ келиб  
Санчган узун найза тиги етиб борди суягигача.  
Ҳектор эса найза билан Алектрион ўғли Лентнинг
605. Вилагини жароҳатлаб, поймол қилди жовбозлигини;  
Энди Леит найза ушлаш ва Троя лашкари билан  
Олишишдан умид узиб, олазарак қоча бошлади.  
Лек Леитга ҳамла қилган Ҳекторнинг ул чўнг қалқонига  
Идоменей найза санчди: найза банди тигнинг остидан
610. Синиб кетди; Троялик лашкар бун кўриб ҳайқирди.  
Мана, Ҳектор йўналтирди найзасини Идоменейга  
(Аробада турганди у) ва сал қолди маҳв этишига;  
Найза бориб Мерионнинг жиловдори Керанга тегди,—  
Келганди у бу жанггоҳга Мерион-ла обод Ликтдан
615. (Бу жанггоҳга бандаргоҳдан яёв келган Девкалионзон  
Ҳалок бўлиб ғанимларга буюк шуҳрат бахш этарди ҳам,  
Гар етказиб келмаганда тулпорларни шитоб-ла Керан;  
У бир нажот шуъласидек зоҳир бўлиб қувди офатни,  
Валекин жон берди ўзи қаттол Ҳектор илкда шу чоқ).
620. Ҳектор унинг чакагига санчди найза: мис найза тиги  
Тишларини қоқиб олди ва тилини чўрт кесиб ўтди;  
Қуларкан у аробадан, тушиб кетди жилов қўлидан.  
Лек Мерион тез энгашиб у жиловни кўтариб олди  
Ва юзланди Девкалион ўғлига — шоҳ Идоменейга:
625. «Тезроқ жўна, Идоменей, бандаргоҳга — кемалар ёққал!  
Кўряпсанки, бугун зафар биз ахейлар томонда эмас!»

- Деди у, — ва Девкалион қамчи босиб ёлдор отларга,  
Бандаргоҳга йўналтирди: у олдириб қўйганди юрак.  
Бу пайг Аякс ва Менелай Зевс ниятин пайқаб қолдилар:
630. Фолибият бахш этганди у Троя ўғлонларига.  
Нутқ бошлади буюк Аякс Теламоний қўшин олдида:  
«Ҳайҳот, дўстлар! Энди ҳатто ғирт овсар ҳам тушунмай қолмас  
Крон ўғлини Трояга шону шуҳрат бахш этётганин!  
Троялик муҳориблар (хоҳ нимжону хоҳ паҳлавон)
635. Отган ўқлар зое кетмас: Зевс уларни йўллар нишонга;  
Лек биз отган ўқлар бари санчилмоқда ерга бесамар!  
Келинг, дўстлар, қандай қилиб Патроклнинг жасадин ёвга  
Бермасликни ва бу жангдан қандай омон чиқиб дўстларнинг  
Кўнглин хушнуд қилмоқликни баҳамжиҳат ўйлаб кўрайлик.
640. Зеро, дўстлар қайғурмоқда кўриб мушкул аҳволимизни,  
Яна, бизни, қаттол Ҳектор қудратига, билакларига  
Дош беролмай соҳил томон қочурлар, деб ўйламоқдалар.  
О, қанийди, огоҳ қилса, Ахиллесни бироқ азамат  
Бу офатдан, фожиадан: ўйлайманки, Пелейзод Ахилл

645. Ўз қадрдон дўстин ҳалок бўлганидан ғофилдир мутлақ,  
Афсус қўшин орасида кўрмайшман мен ундай мардни.  
Зулмат чулғаб олган жами тулпорларни, диловарларни!  
Сарпадар Зевс, бу зулматни юнонларнинг бошидан даф қил!  
Зиё қайтар кўзимизга, ўз кўзимиз билан кўрайлик!
650. Баски, қасдинг бизларни маҳв этмоқ бўлса, маҳв эт ёруғда!»

- Шундай деди ва сарпадар ийиб кетди унинг сўзидан,  
Дарҳол ҳайдаб булутларни, даф айлади машъум зулматни;  
Бирдан чақнаб кўкда офтоб, жанггоҳдаги жангни ёритди.  
Теламоний Аякс шунда Менелайга бир калом деди:
655. «Атрейзода, топсанг агар Нестор ўгли Антилохни сен,  
Айтгил унга, тез қаҳрамон Ахиллеснинг қошига бориб  
Хабар қилсин азиз дўстин жангда ҳалок бўлганин унга!»

- Шундай деди, — қулоқ осди Менелай ҳам Теламонийга;  
Лек жанггоҳдан чекинди у подачию итларни обдон
660. Ғижинтириб толиққан шер молқўрадан узоқлашгандек.  
Подачилар туни билан сигирларни қўриқлайдилар  
Шерни яқин йўлатмай ҳеч молқўрага, лек очопат шер  
Гўшт эмоқлик илинжида қанча дадил ҳамла қилса ҳам,  
Зое кетар ҳаракати; подачилар унга қарата
665. Талх найзалар ҳамда ўтли машъалалар отурлар тинмай.  
Арслон шу ҳамлалардан ҳуркиб, ночор тонг палласида  
Орқасига чекинади қаҳри қайпаб, аччиқ алам-ла, —  
Олтин сочли Менелай ҳам шундай ночор — истар-истамас  
Патроклнинг жасадидан узоқлашди маҳзун, даргазаб.
670. У, ишқилиб Патроклни аҳли юнон қўрққанлигидан  
Ёвга ўлжа қолдирмаса гўргайди, деб хавотирдайди;  
Айни пайт у шундай деди Мерион ва икки Аяксга:  
«О, ёронлар — саркардалар: икки Аякс, сен ҳам, Мерион!  
Сизлар эсланг жон дўстимиз Патроклнинг қандай оққўнгил,
675. Соҳибдил ва ҳамма билан бир хилдаги хушрафторлигин,  
Лекин афсус: отди уни машъум толе ажал домига!»

- Шоҳ Менелай дўстларига шундай дея узоқлашаркан,  
Кўз ташларди чор атрофга баландпарвоз бургут сингари.  
Дейдиларки, бургут жами қушлар ичра энг ўткир кўзимш:
680. Учиб юрган бўлса ҳамки у беғубор, юсак фазода,  
Қалин бута тагидаги қуённи ҳам кўради яққол  
Ва ўлжаси устига тез шўнғиб, уни чангаллайди-да  
Олиб бориб уясига, жониворнинг жовин олади, —  
О, Менелай сенинг шаҳло кўзларинг ҳам жовдираб ҳозир
685. Ахтарарди ахейларнинг орасидан ёш Антилохни.  
Мана, охир кўрди уни шоҳ жанггоҳнинг чап қанотида:  
Антилох ўз дўстларига далда бериб ундарди жангга.

- Шоҳ Менелай яқин бориб, унга шундай бир калом айтди:  
 «Антилох, Зевс арзаңдаси, буюққа юр, сен хаёлинга  
 690. Келтирмаган энг шум хабар эшитгайсан бугун, о, дўстим!  
 Аминманки, сен ўзинг ҳам ўз кўзинг-ла кўриб турибсан  
 Бошимизга Зевсниг қандай фалокатлар ёғдирётганин!  
 Троялик зафар кучди! Маҳв бўлди энг жасур ахей —  
 Мард Патрокл! Данайларнинг бошига кўп мусибат тушди!  
 695. Сен, дўстим, тез Фессалия кемалари томон югуру  
 Хабар еткиз Ахиллесга: шоядки у Менетийзоднинг,  
 Ҳеч бўлмаса, қип-яланғоч жасадини асраб қололса:  
 Чунки марднинг совутини ечиб олган музаффар Ҳектор!»

- Антилохнинг кайфи учди шум хабарни эшитган ҳамон;  
 700. Йигитчанинг кўзи ғилт-ғилт ёшга тўлиб, янгроқ овози  
 «Хип» бўғилди, узоқ фурсат шамдек қотиб, лол туриб қолди.  
 Лекин дарҳол амал қилди шоҳ Менелай фармойишига:  
 У, отларин шу ўртада ушлаб турган қадрдон дўсти  
 Лаодокка совутларин қолдирдию югура кетди.  
 705. Чашми гирён Антилохнинг оёқлари учиб борарди  
 Шум хабарни етказгани Пелей ўғли шоҳ Ахиллесга.

- О, илоҳий Менелай, сен Антилохнинг сиқувда қолган  
 Дўстларига ёрдам қўлин чўзмоқликни кўрмадинг лозим;  
 Бу пилослик азаматлар мушкул ҳолга тушиб қолдилар;  
 710. У лашкарга ёрдам учун юбординг сен Фразимедни;  
 Ўзинг яна чопа кетдинг Патроклни ҳифз қилгани;  
 Шундай нажиб сўзлар айтдинг сен Аяклар қошига бориб:  
 «Юбордим мен Антилохни мирмидонлар бандаргоҳига,  
 Чаққоноеқ Ахиллесни фалокатдан огоҳ қилгани;  
 715. Лекин аниқ биламанки, келмайди у гарчи, қудратли  
 Ҳекторни ит каби ёмон кўриб ундан ғазабланса ҳам.  
 О, данайлар, қандай қилиб ҳалок бўлган ўз дўстимизни  
 Ёвдан халос этмоқ, машъум қисматдан ва ажалдан қандай  
 Фориғ бўлмоқ иложини биз ўзимиз топайлик, келинг».

720. Теламоннинг бузрук ўғли жавоб қилди Атрейзодага:  
 «Айтганларинг бари тўғри о, беқийёс ботир Менелай.  
 Елиб бориб сиз, Мерион икковингиз, жасадни ердан  
 Кўтарингу олиб чиқинг шитоб билан уни жанггоҳдан:  
 Бизлар, яъни тенг қудратли икки адаш, бу ерда қолиб  
 725. Жасур Ҳектор ва Троя лашкари-ла жанг қилурмизки,  
 Илгари ҳам икковимиз туриб олиб елкама-елка.  
 Кўп марота дош берганмиз тангри Арей таҳдидларига».

Сўнг жасадни узиб ердан кўтардилар уни бош узра;  
 Данайларнинг бул рафторин кўриб қолган трояликлар

730. Қаттиқ шов-шув кўтардилар; сўнг ярадор қобон ортидан  
 Елиб бориб уни тилка-тилка қилмоқ иштиёқида  
 Бўлган този итлар янглиғ улар олға ҳамла қилдилар:  
 Лек гар қобон ўз кучига ишонсаю тозилар томон  
 Ўгирилса, итлар ортга тисарилиб, бири-биридан
735. Ўзиб қоча бошлайдилар ҳар томонга жон ҳовучлашиб, —  
 Ёв ҳам аввал худди шундай, икки тигли найзаларин ва  
 Шамширларин силкиганча данайларни қувган бўлса ҳам,  
 Икки Аякс ўгирилиб турган ҳамон улар томонга, —  
 Ғанимларнинг ранги ўчиб, биттаси ҳам қўлда қурол-ла
740. Сафдан чиқиб жасад учун жанг қилмоққа журъат этмади.

Шундай жадал элтардилар бандаргоҳга жасадни мардлар;  
 Лекин уруш ортларидан изма-из авж олиб борарди  
 Худди шаҳар томон босиб келаётган ёнғин мисоли;  
 Дабдурустан ўт олган ва шамол пуфлаб яна авж олган

745. Бундай мудҳиш, қаттол ёнғин емирар дуч келган бинони, —  
 От қўшилган жанг ароба, мис совутли муҳорибларнинг  
 Сурони ҳам шундай қувиб борар мурдакашларни.  
 Ишчи отлар кемасозлар учун ўнқир-чўнқир йўллардан,  
 Тоғ бошидан хариларни судраб тушаётганларида,
750. Кучанишиб, қора терга ботиб олға интиладилар, —  
 Юнонлар ҳам элтардилар Патроклини шундай жаҳд ила.  
 Икки Аякс қайтарарди ёв ҳужумин азим тепадек —  
 Кенг далада кўндаланг қад кўтарган бир ўрмонзор тепа  
 Тоғдан келган машъум селнинг қаршисида қандай ғов бўлса,
755. Икки Аякс ҳам душманнинг ҳужумини тўхтатди шундай.  
 Бундай тепа энг қудратли ва сертўлқин дарёларнинг ҳам  
 Йўлин тўсиб, йўналтирар ўзанини ўзга водийга,  
 Зеро, жўшқин дарёлар ҳам емиролмас бундай тепани, —  
 Икки Аякс қайтарарди ёв ҳамласин орқада қолиб,
760. Лек ёв ҳужум қилар эди, алаҳусус, икки азамат:  
 Қодир Эней билан обдор дубулғали паҳлавон Ҳектор.  
 Майда қушлар кушандаси қирғийнинг тик шўнғиганини  
 Кўрган зағча, чуғурчуқлар чўчиб кетиб «гур» учганидек, —  
 Ёш ахейлар ҳам жанговар руҳни буткул йўқотиб қўйиб,
765. Фарёд чекиб қочардилар Эней билан қаҳҳор Ҳектордан.  
 Йигитчалар ҳар тарафга қуроолларин ташлаб қочдилар  
 Бу иснодли чекинишда; илло уруш тинмасди ҳамон.

# ЎН САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

## ҚУРОЛ ЯСАШ

Муҳориблар мисли ўтдек ёниб шундай жанг қилардилар.  
Бу пайт Ахилл қошига тез етиб борган Антилох уни  
Елғиз кўрди: у жанггоҳда юз бераётган фалокатларни  
Қалбан сезиб, ғамга ботиб ўтирарди кема пойида.

5. У оҳиста оҳ ураркан шундай дерди ўзи-ўзига:  
«Эвоҳ! Не ҳол содир бўлди? Жингалаксоч элладаликлар  
Нечун яна пароканда чекинурлар кемалар томон?  
Ё тангрилар волидамга кўпдан бери башорат қилган  
Бадбахтликни қилмадилармикин зоҳир? Онам айтганди:
10. Бу жанггоҳда троялик зарбасидан бир мирмидонлик  
Видолашгай порлоқ қуёш шуъласи-ла, лек сендан олдин.  
О, боқийлар наҳот ғориб бўлди экан бузрук Патрокл!  
Оҳ бечора! Айтгандим-а ёнғинни даф қилган заҳотинг,  
Ҳектор ила олишмасдан орқангга қайт тезроқ, деб унга!»
15. Ахилл шундай маҳзун ўйлар оғушида ўтирганида  
Мард Антилох Несторзода етиб келди унинг қошига  
Ва дув-дув ёш тўкиб кўздан хабар қилди шум фалокатни:  
«Шўрим курсин, эй диловар Пелейзода! Тингла оғзимдан  
Ҳеч қачон юз бермаслиги лозим бўлган энг бад хабарни!
20. Ҳалок бўлди Патроклимиз! Ва ҳалитдан қизиб кетди жанг  
У шўрликнинг жасадий-чун: у яланғоч энди тамоман:  
Қодир Ҳектор ечиб олди унинг бутун совутларини!»

Деди ва ғам қора булут янглиғ босди Пелейзодани.

- Шу онда у қўлларига нопок кулни сиқимлаб олиб
25. Ўз бошидан соча кетди офтобмисол жамолин булғаб;  
Унинг хушбўй ва бежирим либослари беланди кулга.  
Сўнгра бу алиқомат йиғит ётиб олиб ерга узала,  
Аччиқ-аччиқ оҳ ураркан сочларини юлди аямай.  
У Патрокл ила икков банди этган навниҳол қизлар
30. Бу пайт жадал чиқиб келиб чодирлардан, Пелейзоданинг  
Атрофига тўпландилар; гур-гурс уриб сийналарига,  
Токи ҳолдан тойгунгача фарёд чекиб аза тутдилар.  
Еш Антилох юм-юм йиғлаб тутган эди Ахилл қўлидан:  
Жудоникдан жонига қасд қилмасин, деб хавотирдайди.

35. Ахиллес зор йиғлар эди: унинг зорин денгиз қаърида,  
Кекса падар мақомида дам олётган она эшитди;  
У ҳам аччиқ кўз ёш тўкди; унинг оҳин эшитиб, денгиз  
Тубидаги сингиллари тўпландилар теваарагига:  
Келди дарҳол Кимодока, Фалияю санам Главка,  
40. Спяю Несеяю Галияю шахло кўз Фоя;  
Улардан сўнг Кимофоя, сўнг Актея ва Лимпория,  
Мелитаю Иераю Агава ва Амфифоя ҳам,  
Орифия, Амфинома, Ферузаю Дота, Прота;  
Келди ниҳол Динамена, Дексамена, Каллианира;  
45. Нерейзодлар ичра дилбар Галатей, санам Дориса,  
Панопаю Нимертаю позикниҳол Калианасса;  
Климена, Ианира ва навниҳол Ианасса ҳам,  
Мера ила Апсевда ҳам, зулфи сумбул Амафейя ҳам;  
Ҳаммалари Фетиданнинг сингиллари — Нерей қизлари  
50. Улар денгиз тубидаги кумуш ғорда, сийналарига  
Уриб фарёд чекдилар кўп, лек Фетида ҳаммадан кўпроқ:  
«Қулоқ солинг каломимга сингилларим, о, маъбудалар!  
Билурис не мусибатлар юрак-бағрим ўртаётгани!  
Шўрим қурсин, қандай бадбахт экаиманки, — мард ўғил туғдим!  
55. Ҳа, журъатда, саховатда қиёси йўқ ўғил туққанман!  
Ниҳолдек барқ уриб ўсди мардлар марди, бу паҳлавоним,  
Чамандаги нафис гулдек парваришлаб ўстирдим уни.  
Еш бўлса ҳам елдек учқур кемаларда жангга юбордим  
Троялик мардлар ила жанг қилгали, энди ҳеч менга  
60. Насиб этмас уни кўрмоқ эрим Пелей кошонасида!  
Лек у тирик экан, офтоб шуъласидан баҳраманд экан,  
Изтиробга маҳкум эрур, вале унга беролман кўмак!  
Барибир мен ўз эркамини бориб кўриб, эшитгум дардин:  
Не фалокат қийнайдийкин жангга қатнашмаган ўғлимни!»
65. Шундай деб у чиқди ғордан; сингиллари йиғлаб эргашди.  
Йўл очдилар шунда Нерей қизларига жўшқин долғалар.  
Троянинг тупроғига етгач улар, мирмидонларнинг  
Кемалари яқинидан кенг соҳилга чиқдилар аста.  
Онаизор яқин борди нола чеккан ўғли қошига  
70. Ва оҳ чекиб, аччиқ дард-ла эрка ўғлин қучди бошини;  
Сўнг ўпкаси тўлиб бўзлаб шундай нажиб каломлар айтди:  
«О, ўғлоним, нечун ўқсиб йиғлайдурсан? Қалбингда не дард?  
Яширмагил дардин асло! Сен илқингни чўзиб Зевсдан  
Не илтижо қилган бўлсанг, у ҳаммасин айлади бажо:  
75. Қочиб борди кемаларнинг пойингача жами данайлар;  
Сендан мадад кутмоқдалар тушиб мушкул аҳволга улар».

Ахилл оғир хўрсиндию жавоб берди меҳрибонига:  
«Хабарим бор, онажон, Зевс қабул этган бутун истагим.

- Лек қандай шод бўлай, дўстим Патроклдан ажралган бўлсам?
80. У дўстларим орасида энг эъзозли эди мен учун.  
Жудо бўлдим ўз жонимдан ортиқ кўрган қадрдонимдан!  
Қаттол Ҳектор унинг нажиб совутин ҳам ечиб олибди.  
Бу баҳайбат совутни, сен билан фоний падарим Пелей  
Қовушган кун худовандлар туҳфа қилган эди эрингга.
85. О, нечун сен сув тагида боқий санам бўлиб қолмадинг!  
Нечун Пелей тавламади хотинликка фоний аёлни!  
Энди сен ҳам оғир дардга чалинурсан фарзанд доғидан,  
Зеро, бошқа кўрмагайсан ўз ўғлингни ота уйида!  
Нечунки, мен то Ҳекторни ўз найзам-ла жонини олиб,
90. Қадрдоним Патрокл-чун интиқом — ўч олмагунимча.  
Қалбим менинг яшашимга имкон бермас эл орасида!»
- Кўзларидан ёшлар оқиб деди она ўз фарзандига:  
«Бу гапингдан, ўғлим, сенинг ҳам паймонинг тўлган кўринур!  
Ҳектордан сўнг етиб келур сенинг умринг интиқоси ҳам!»
95. Бундай деди онасига чаққоноёқ Ахилл хўрсиниб:  
«О, онажон, шу тоздаёқ ўлимимга розиман, билсанг,  
Ўз дўстимни шум қотилдан халос эта олмаганим-чун!  
Ҳалок бўлди у ўз азиз ватанидан олис жанггоҳда:  
Эҳтимол у нидо қилиб чақиргандир мени ёрдамга!
100. Энди яшаб не қилай мен, кўролмасам она юртимни?!  
Яна — Ҳектор зарбасидан қутқаролдим на Патроклни  
Ва на ўзга ёронларни муҳофаза қила олдим мен:  
Мен, қайсики, машваратда бўлса ҳамки қиёсим бисёр,  
Матонатда қиёсим йўқ бўлган мендек бир муҳориб зот,—
105. Ортиқча юк бўлиб бекор ўтирибман бу бандаргоҳда.  
О, даф бўлсин шум адоват тангрилару бандалар ичра,  
Сўнг у билан бирга ғазаб ҳам — донони телба қилгувчи,  
Ул ғазабки, болдай тотли бўлиб кириб инсон қалбига  
Пироварди, сийнасида оташ бўлиб алангаланур!
110. Соҳибқирон Агамемнон мени шундай ғазаблантирди.  
Лек қанчалик талх бўлса ҳам, унугайлик энди барини:  
Таҳқирланган қалб ғазабин сийнамизда сўндирайлик биз.  
Жангга киргум азиз дўстим ҳалок этган Ҳекторга қарши!  
Қодир Зевс ва худовандлар қачон мени маҳкум этсалар,
115. Ушал заҳот тайёрдурман мардопавор жон бермоққа мен!  
Ўлимдан жон сақлолмади ҳатто мардлар марди Патрокл,  
Чақмоқотар Зевснинг, гарчи, арзандаси ҳисобланса ҳам;  
Ҳалок этди уни қисмат ва Ҳеранинг шум адовати.  
Мен ҳам қисмат даъват этса, розидурман маҳв бўлмоққа;
120. Лекин олдин албатта шон қучмоғлик фарз ва қарзидир менга!  
О, ҳали мен ўлгунимча, аза тутиб фиғон чекишга  
Ва артишга кўз ёшларин латофатли чеҳраларидан



Мажбур этгум троялик кўп сийнадор қиз-жувонларни!  
Қанчалик кўп дам олганим самарасин кўрурлар ҳали!

25. Жанг қиламан; тутма мени, о; онажон: кирмам сўзингга!»

Яна унга жавоб қилди кумушоёқ Фетида — она:  
«Азиз ўғлим, ҳақ гапирдинг: кўп савобдир мазлум дўстларни  
Фалокатдан ва ўлимдан муҳофаза қилмоқ, албатта.

Бироқ ажиб совутларинг... мутакаббир трояликлар  
130. Илкидаки, дубулғаси обдор Ҳектор сенинг нурафшон  
Мис зирҳинг-ла ўз кўксини тўсиб олиб керилиб юрур!

Валекин бу керилиши кўпга бормас, менинг наздимда:  
Зеро, унинг поймонаси тўлиб, яқин қолган ўлими!  
Бироқ сен ҳам хавfli жангга кирма, ўғлим токи мен қайтиб

135. Келмагунча, мени яна ўз кўзинг-ла кўрмагунингча:  
Эртага тонг палласида қуёш билан бирга қайтгум мен  
Ва Ҳефестдан сенга янги ва ажийиб совут келтиргум».

Шундай дея ўгирилди маъбуда ўз ғамгин ўғлидан  
Ва юзланиб бундай деди ўзин баҳрий сингилларига:

140. «Сингилларим, сизлар ҳозир кенг денгизнинг тубига шўнғинг.

Кириб бориб падаримиз — кекса Нерей кошонасига,  
Ҳамма гапни айтинг унга: мен эсам-чи, учиб Олимпга,  
Борай Ҳефест мақомига; шоядки, ул шавкатли уста  
Ўғлим учун ясаб берса обдор, нодир совут-сидоҳлар».

145. Шундан кейин санамлар ҳам шўнғидилар денгиз қаърига,  
Фетида ҳам учди тўғри нузли Олимп чўққисига тез,  
Силоҳ-совут келтирмоқчун азиз ўғли Пелейзодага;

У Олимпга етди зумда. Лекин бу пайт ахей мардлари  
Айюҳаннос кўтарганча қаттол Ҳектор олдига тушиб  
150. Қочардилар Ҳеллеспонтнинг соҳилига, қўрқоқлик қилиб.  
Мис пойбандли аргосликлар Ахиллеснинг марҳум ўртоғи —  
Патроклини халос этмоқ бўлардилар ўқ ёмғиридан.

Вале шу пайт Ҳектор бошлиқ суворийлар ва пидедалар  
Патроқлининг тепасига мисли қуюн бостириб келди.

155. Приамзода Ҳектор уч бор Патроқлининг пойидан тортди  
Ва жасадни берманглар, деб наъра қилди ўз қўшинига;  
Уч бор унинг ҳамласини қайтардилар қодир Аяклар;  
Валекин ўз қудрати-ла мағрур Ҳектор гоҳи қизгин жанг  
Оғушига отиларди, гоҳи тўхтаб руҳлантирарди

160. Баланд сас-ла қўшинини: ўйламасди лек чекинмоқни.  
Қора тунда подачилар «ҳай-ҳай»лашиб оч арслонни,  
Қонга ботган ўлжадан ҳеч ҳайдай олмаганлари каби,—  
Икки Аяк ҳам бир бўлиб Троянинг лашкарбошиси  
Мард Ҳекторни Патроқлининг жасадидан даф қилолмасди.

165. У жасадни олиб кетиб буюк шонга фарқ бўларди ҳам,  
Гар Ирида, Зевс ва ўзга тангриларни гофил қолдириб

- Ерга учиб тушмаганда ва Ҳеранинг амрига кўра,  
Ахиллесни тезроқ жангга кирмоқликка ундамаганда.  
У Ахиллес қаршисида туриб деди тумтароқ сўзлар:
170. «Чаққоноёқ Пелейзода, диловар эр, тезроқ кир жангга!  
Кемаларнинг қаршисида Патроклининг жасади учун  
Мудҳиш қирғин бошланди, сен қутқар уни: жангга ахейлар  
Патроклининг жонсиз жисмин ҳифз қилиб, трояликлар  
Ул жасадни Илионга олиб кетмоқ бўлиб, шафқатсиз
175. Маҳв этурлар бир-бирларин; кўпроқ Ҳектор жон куйдирмоқда;  
У жасаднинг бошини чопиб, хўрламоқчи қозиққа санчиб.  
Бўлақол тез, вақти эмас ҳордиқни ҳеч; даҳшат-ку ахир;  
Не иснодга қолиб бадном бўлишинингни ўйла, Ахиллес,  
Гар Патрокл илионлик кўшпақларга ўйинчоқ бўлса,
180. Гар ул жасад таҳқирланса ғанимларнинг пойи остида!»

Деди унга чаққоноёқ Пелейзода чуқур хўрсиниб:  
«Қай тангрининг амри билан келдинг, сўзла, учқур маъбуда?»

- Жавоб қилди Ахиллесга қуюнмонанд Ирида яна:  
«О, юборди мени Ҳера — Зевс завжаси сенга пинҳона;  
185. Бундан огоҳ на сарбаланд тахт соҳиби чақмоқотар Зевс.  
На чўққисини қор қоплаган Олимпдаги ўзга тангрилар».

- Унга яна калом айтди чаққоноёқ, машҳур Ахиллес:  
«Қандай чиқай жанггоҳга мен? — Совутимни ёв олиб кетган!  
Онам менга, хавфли жангга кирма то мен келмагушимча.
190. То мен ила қайта дийдор кўришгунча, деб таъкидлаган,  
У Ҳефестдан менга янги ва ажойиб совут келтирур.  
Лек бу ерда қайси эрда менга монанд совут бор — билмам.  
Менга фақат тўғри келур Теламоний Аякс қалқони:  
Билишимча, унинг ўзи ҳам жанггоҳда, дўстим Патрокл
195. Жасадини ҳифз қилиб ғанимларни қийратур мудом».

- Жавоб қилди Ахиллесга қуюнмонанд Ирида яна:  
«Воқифдурмиз, сенинг шонли қуроолларинг душман қўлида;  
Вале зовур бўйига сен бориб тургил беқурол — шундоқ;  
Балки ёвлар сени кўриб бас қилурлар муҳорибани;
200. Бу узлуксиз жангдан толган мард данайлар бир зум бўлса ҳам  
Дам олурлар; қисқа дамнинг ҳам ҳаёни тегур жангчига».

- Шундай дея парвоз этди шамол янглиғ учқур Ирида.  
Чақмоқкорнинг арзандаси Ахиллес ҳам турди ўрнидан;  
Унинг метин елкасига шокиладор қалқонини осиб.
205. Бузрук бошини ўраб олди олтин булут ила Паллада  
Ва шу булут теграсида зоҳир қилди нузли аланга.  
Мудҳиш ғаним қуршовида қолган йироқ оролнинг халқи  
Эртадан то кечга довури туриб олиб девор бошида,

- Евлар ила шафқатсиз жанг қилур: лекин қуёш ботиши
210. Билан ҳаммаёқда ёнур маёқсифат порлоқ гулханлар;  
Бу гулханлар шуъласи нақ шаҳар узра қалқан тутундек,  
Етиб юксак самога ҳам, шуъласи акс этгай чарақлаб.  
Буни кўрган олис-олис ерлардаги муттафиқ халқлар  
Дарҳол тушиб кемаларга ёрдам бермоқ учун келурлар,—
215. Ахиллеснинг бошидан ҳам шундай шуъла балқирди кўкка,  
Қароргоҳдан чиқиб, зовур қирғоғига бориб турди у;  
Лек онасин ўгитига амал қилиб кирмади жангга;  
Шунда туриб ҳайқирди у; Паллада ҳам жўр бўлди унга:  
Троянинг лашкарини ғайритавсиф қўрқув чулғади.
220. Қалъани забт этмоқ бўлган қаттол ёвнинг карнай садоси  
Аҳолига қанча манфур эшитилса, Ахиллеснинг ҳам  
Ҳайқириғи шу даража ҳайратомуз бўлиб янгради.  
Троянинг ўғлонлари эшитган он Ахилл наърасин,  
Бир сесканиб тушди бари; фалокатни сезган узунёл
225. Отлар ўзи олиб қочди ул мардларни аробаларда.  
Суворийлар тангримонанд Ахиллеснинг алп боши узра  
Лов-лов порлаб турган боқий алангадан ҳайратга келган  
Эдиларки, Афиней ёққан эди бу алангани.  
Чаққоноёқ Ахилл уч бор ҳайқирди нақ момақалдироқ;
230. Уч бор чўчиб алғов-далғов бўлди ёв ва муттафиқлари.  
Нобуд бўлди шу тўполон пайтида ўз найзаларидан  
Ва отлари пойида ўн икки нафар мард троялик.  
Ахейлар ҳам фойдаланиб гулғуладан, олиб қочдилар  
Патроклнинг жасадини, сўнг замбилга ётқиздилар-да
235. Ураб олиб уни, ғамгин ёронлари олиб кетдилар;  
Саховатли Ахиллес ҳам юрди улар ортидан маҳзун;  
Садоқатли қўлдошининг маҳв бўлиб ўқ, найзалардан  
Ётганини кўриб қайноқ-қайноқ кўз ёш тўқди Ахиллес —  
Дўстин жангга ўз отлари қўшилган жангаробасида
240. Юборганди, илло унинг кўролмади тирик қайтганин.

Бу вақт Ҳера амр этди ўз йўлида изчил қуёшга —  
Шу заҳоти Океанга ботмоқликни, — хоҳламаса ҳам.  
Қуёш денгиз тўлқинига ботиб, жасур данай лашкари  
Шунда бир оз ҳордиқ олди серфожна қирғинбаротдан.

245. У ёқда ҳам троялик мардлар чиқиб жанг майдонидан,  
Узун ёлли отларини чиқардилар аробалардан  
Ва кечликни ҳам ўйламай тўпландилар мажлисга бирдан.  
Бу кенгашда тик турарди ҳамма, ҳеч кас журъат этмасди  
Ўтирмаққа; ки ҳаммани ваҳимага солиб қўйганди
250. Кўндан буён урушдан бош тортиб ётган ул чаққоноёқ  
Ахиллеснинг яна пайдо бўлганлиги майдони ҳарбда.  
Панфой ўғли Полидамас берди элга доно маслаҳат;

- Ки ёлғиз шу воқиф эрди ўтмишдан ҳам, истиқболдан ҳам;  
У Ҳекторнинг дўсти эди, туғилгани бир тунда улар;
255. Лекин Ҳектор жасоратда тенгсиз эди, у — машваратда;  
Хушниятли бу зот шундай ўғит берди ҳамшаҳарларга:  
«Пухта ўйланг, дўстлар; сизга маслаҳатим: муқаддас қуёш  
Чиқишини кемаларнинг яқинида, жанггоҳда кутмай,  
Шу заҳоти бутун лашкар билан қайтиб кирип шаҳарга;
260. Кўп йироқда қолиб кетди, дўстлар, бизнинг истеҳкомимиз.  
Ул паҳлавон довлашганда халқ султони Агамемнон-ла,  
Унча душвор эмасди жанг қилмоқ бизга данайлар ила.  
Мен ўзим ҳам тунаганман кемаларнинг пойида хушнуд;  
Ҳадемай забт этурмиз, деб ўйлаганман ул кемаларни.
265. Энди эса мен ҳам сиздек қўрқоқмадан Пелеезодадал;  
Ки довирак Ахиллеснинг ниятини яхши биламан;  
Троялик лашкар ила ахейлар тенг олишаётган  
Бу жанггоҳда истамайди у сусткашлик қилишни мутлоқ;  
Шаҳримизни забт этиб у, хотинларни асир олмоқчи.
270. Тез қайтайлик шаҳарга биз! Ишонингким, айтганим бўлур!  
Бугун жўшқин Пелей ўглин муаттар тун тўхташиб қолди;  
У эртага қурол билан жангга кириб бизни бу ерда  
Учратса гар, о! Кўп мардлар Ахиллеснинг билур кимлигин;  
Ул ботирдан жонин сақлаб қолган одам — хуррам киражак
275. Трояга; кўплар қузғун ва итларга хўрак бўлажак;  
Вале, буни кўрсатмангиз менга асло, у худовандлар!  
Гар гапимга, қанча оғир бўлса ҳамки, амал қилсангиз,  
Тунни шаҳар майдонида ўтказурмиз бутун лашкар-ла;  
Шунда бизни ҳифз қилгай шаҳримизнинг миноралари,
280. Деворлари, қопқалари ва уларнинг тавақалари.  
Тонг чоғида тургаймиз биз қурол тутиб минораларда;  
Ана унда, шўри қурур бақдиргоҳдан келиб, шаҳримиз  
Атрофида биз билан жанг қилмоқ бўлган мутакаббирнинг!  
У шаҳримиз атрофида отларини елдиравериб
285. Толиқтиргач, мажбур бўлур чекинмоққа яна соҳилга;  
Ғаним журъат этолмас ҳеч деворларни бузиб, шаҳарга  
Қирмоқликка; олдин ўзи ем бўлажак зоғу итларга!»

Обдор сарпўш кийган Ҳектор деди унга ўқрайиб қараб:

- «Полидамас, сен ҳамиша нохуш гаплар айтасан менга —
290. Сен маслаҳат бермоқдасан Трояга яширинмоқчи!  
Айт, жонингга тегмадимми писиб юрмоқ тўрт девор ичра?  
Авваллари шаҳримизни барча эллар каромат қилиб;  
Мис, олтинга бой, саодат ўлкаси, деб ҳисоблардилар;  
Ғойиб бўлган ўшал қиммат ва серҳашам бойлигимизни!
295. Зевс қаҳрига учрагандан буён не-не бойлигимизни  
Ночорликдан соддиқ бизлар Фригия, Меонияга!  
Бугун, менга Зевс паногоҳ бўлиб, ёвни Ҳеллеспонгача

- Қувиб, зафар қучишимга имкон берган шундай бир пайтда,  
 Сен, бетавфиқ, эл олдида, уял, бундай фикр айтмоққа!
300. Каломингни бирон жангчи тинглашига йўл қўймам асло!  
 Тингланг, дўстлар, менинг гапим, амал қилинг айтганларимга:  
 Ҳозир ҳамма тўп-тўп бўлиб кечлик қилсин, гуруҳма-гуруҳ;  
 Соқчиликни унутмангиз, бедор турсин соқчи бўлганлар.  
 Қайсики мард уйдаги давлатининг ташвишин қилса,  
 305. Уни элга улашсинки, хурсанд бўлиб қабул этгай эл.  
 Ҳа, ҳарқалай, ахейлармас, ўз халқимиз баҳраманд бўлгай!  
 Эртага тонг палласида қуролланиб бизлар, жанг билан  
 Ахейларнинг кемалари турган ёққа қилурмиз ҳужум.  
 Агар чиндан ҳам Ахиллес жанг қилмоқчи бўлса жанггоҳда,  
 310. У ўзига қийин қилур! Зеро, энди жангда ўзимни  
 Четга олиб қочмай, дадил қарши олгум у паҳлавонни.  
 Ё у ғолиб чиқиб, зафар қучиб қайтар, ёхуд камина.  
 Бандалар-чун Арей бирдай\* маҳв этар у маҳвкорни ҳам!»

- Дерди Ҳектор, маъқул этиб ҳайқирарди трояликлар —
315. Овсар эрлар! Эсларини Афиная олиб қўйипти.  
 Халққа офат келтирувчи Ҳектор фикрин қўллади ҳамма;  
 Аммо ҳеч ким қўлламади пуршаф фикрин Полидамаснинг.  
 Бутун лашкар кенг далада кечлик қилди. Лек мирмидонлар  
 Патроклга аза тутиб ўтказдилар кечани бедор.
320. Шоҳ Ахиллес марҳум дўстин сийнасига илкин қўйганча,  
 Мунгли инграб, ҳўнграб-ҳўнграб жўр бўларди азадорларга,—  
 Овдан қайтиб, қуюқ ўрмон ичидаги шербаччаларин  
 Овчи олиб кетганини пайқаб қолган ёлдор арслон  
 Шундай оҳу фиғон қилур қўмсар экан жигарбандларин;
325. У ўрмонма-ўрмон изғиб ахтаради ўғри овчини;  
 У аянчли ўкиради, ғам ва ғазаб қамрайди қалбин,—  
 Ахиллес ҳам мирмидонлар ичра шундай фарёд қиларди:  
 «О, тангрилар! Мен уйимда Менетийни юпатмоқ бўлиб  
 Ўшал бахтиқаро кунда бесамар сўз айтган эканман!
330. Мен у шоҳга, шонли ўғлинг Трояни тору-мор айлаб,  
 Сон-саноқсиз ўлжа билан қайтиб келгай, деб сўз бергандим!  
 Йўқ, ушатавермас экан Зевс инсоннинг ҳамма армонин!  
 Шу Троя соҳилида битта ерни қонимиз ила  
 Суғурмоқлик ёзилганкан иккимизнинг қисматимизга!
335. Мени ҳам на кекса отам, на азиза волидам кўрур  
 Ота уйга қайтганимни; хоку туроб бўлгум шу ерда!  
 Баски, сендан кейин кирар эканман мен ернинг қаърига,  
 Қасдинг олгум Ҳектордан мен — ечиб олиб унинг совутин,  
 Мағрур бошин мажақлагум сени дафн қилишдан олдин!
340. Сени қатл қилганлари учун, дўстим, дафн гулханинг  
 Олдида ўн икки нафар асир тушган трояликни —  
 Ғоят ўктам ва диловар йигитларни бошин оламан!

Кемаларнинг пойида сен унгача жим ётгил, Патрокл!  
345. Сен билан биз иқтидор ва найза билан жасур халқларнинг  
Шаҳарларин забт этганда асир олган сийнадор қизлар,  
То унгача, кеча-кундуз кўз ёш тўкиб, аза тутгайлар».

Шундай деди саховатли Ахиллес ва ўртоқларига,  
Ўтга улкан мис сепоя қўймоқликни, жасадни ювиб,  
Чанг-тўзондан, лахта қондан амр этди покламоқликни.  
350. Дўстлар дарҳол мис қозонни сепояга келтириб қўйиб,  
Тўлдирдилар уни сувга ва ўчоққа ўт қаладилар.  
Ўт аланга олиб ёниб, сув ҳам тезда исий бошлади.  
Мис қозонда сув шарақлаб қайнагандан кейин жасадни  
Ювдилару каҳрабо мой суркадилар бутун жисмига.  
355. Тўққиз йиллик ноёб малҳам суркадилар яраларига;  
Сўнг тўшакка ётқизишиб кийдирдилар унинг эғнига  
Ҳарир либос ва устига оппоқ чойшаб ёпиб қўйдилар.  
Мирмидонлар Ахиллеснинг атрофида туриб тун бўйи,  
Нола чекиб, ўқсиб йиғлаб Патроклга аза тутдилар.

360. Олтин тахтли синглиси ва завжасига деди Зевс шунда:  
«Ниятинга етдинг охир, о такаббур сигир кўз Ҳера!  
Сен Пелейнинг чаққоноёқ ўғлини жангга руҳлантиролдинг,  
Зеро, момакалонисан жингалаксоч Эллада халқин».

Дарҳол унга жавоб қилди сигир кўзли малика Ҳера:  
365. «Бадният Зевс! Не деюрсан ўзи менга, о, қодир худо?  
Ақли кўтоҳ ва ўлимга маҳқум бўлса ҳамки одамзод.  
Бир-бирига мудом зулм ўтказмоғи мумкин ошқора.  
Бу Олимпда сармаъбуда ҳисобланмиш мен ўзим эсам,  
Мағрурдурман ҳам синглингу ҳам хотининг бўлганлигимдан,—  
370. О, тангрилар султони Зевс, баски шундай экан, Троя  
Бошига мен ёғдирмоғим мумкин эмас нечун фалокат?»

Ҳа, олимплик худовандлар баҳслашарди ўзаро шундай.  
Етиб борди Фетида ҳам бу пайт Ҳефест кошонасига;  
Бу ланг тангри Олимпдаги обдор мисдан бунёд этилган  
375. Энг муҳташам саройини безаганди юлдузлар ила.  
Ҳефест босқон олдида зир қатнаб терга ботиб ишларди.  
Ясар эди йиғирмата сепоя у бирваракайга\*  
Ўз қасрига безак бўлсин деб ясаган эди уларни.  
Ўз-ўзидан боқийларнинг даврасига ғилдираб бориб,  
380. Яна ўзи қайтсин уйга, тангриларни ҳайрон қолдириб,  
Деб ўрнатди сепоялар пойига у олтин ғалтаклар.  
Сепоялар тайёр бўлди; етишмасди фақат тутқичлар;  
Энди тангри тутқичларни михлар ила маҳкамлай кетди.  
385. Ижодият билан машғул бўлган Ҳефест уйига бу пайт,  
Кириб келди Ахиллеснинг кумушоёқ онаизори.

- Ланг Ҳефестнинг ёш хотини — дилбарликда тенгиз Харита  
Пешвоз чиқди Фетидага ёпинганча ялтироқ ўртук;  
Таклиф қилди ичкарига лутфан олиб унинг қўлини:  
«Салом, ўртук ёпинган, о, муҳтарама она — Фетида!  
390. Хуш келибсан уйимизга. Кўпдан бери ҳеч дарагинг йўқ.  
Қани, қани, ичкари кир, меҳмонимиз бўлгайсан азиз».

- Шундай дея ҳур Харита Фетидани бошлади уйга.  
Ичкарида маъбудани кумуш миҳлар ила безалган  
Гўзал тахтга ўтқазиб, у нафис курси қўйди пойига.  
395. Сўнг қўнғироқ овоз билан чақирди у санъаткор эрип:  
«Ҳефест, тезроқ чиқ бу ёққа, сўраб кепти сени Фетида».

- Дарҳол унга жавоб қилди оқсоқ Ҳефест — шавкатли маъбуд:  
«Наҳот ташриф қилган бўлса халоскорим, мангу азиза  
Ҳур маъбуда қошонамга? Онам Ҳера оқсоқлигимдан  
400. Изза тортиб, мени кўкдан улоқтирган эди, беҳаё  
«О, ўшанда қалбим менинг кўп изтироб чеккан бўларди,  
Гар мўйсафид Океаннинг ёш қизлари — Фетида ила  
Эвринома кирмаганларида менинг жонимга ора.  
Мен тўққиз йил сув остида зулмат ёрда турли тақинчоқ  
405. Зарб қилдим: билакузук, тўғноғичлар, тароқ, маржонлар;  
Атрофимда ўшқирарди серталотум Океан мудом;  
Менинг унда эканлигим билган эди на бир олимпли  
Боқий тангри ва на бирон ер бандаси; халоскорларим:  
Фетида ва Эвринома воқиф эди фақат бу гапдан.  
410. Шул маъбуда бугун ташриф буюрипти менинг уйимга;  
Энди мен ҳам сумбул сочли Фетидага қилгум яхшилик.  
О, хотин сен меҳмон қилгил халоскорим севиб, эъвозлаб;  
Мен ҳам ҳозир ишларимни йиғштириб чиқаман уйга».

- Ҳаммаёғин қурум босган тангри сандон олдидан туриб,  
415. Аранг оқсоқ оёқларин судраб босиб гивирлаб юрди:  
Дамни олиб у кўрадан, йиғиштирди усқуналарни  
Ва барини олиб бориб сирти кумуш сандиққа солди;  
Латта ҳўллаб артди юзин, оппоқ бўйнин, метян билагип,  
Сўнгра чайир энсасини ҳамда ёлдор кўкрагини ҳам;  
420. Узун ридо кийди, йўғон темир асо ушлаб илкига,  
Оқсоқланиб эшик томон юрди, шунда заковат ила  
Соф олтиндан яратилган, ҳам қувваси, ҳам овози бор,  
Тангрилардан илмининг ҳар соҳасидан сабоқ олган ва  
Тирикларга ўхшагувчи соҳибжамол жория қизлар  
425. Кириб икки қўлтиғига бошладилар уйга Ҳефестни,  
У Фетида чўккан порлоқ тахт қошига келди оқсоқлаб;  
Маъбуданин илкин тутиб, номин атаб деди у шундай:  
«Салом, ўртук ёпинган, о, муҳтарама она — Фетида!  
Хуш келибсан уйимизга. Кўпдан бери ҳеч дарагинг йўқ.

430. Тилагинг айт! Амр этмоқда қалбим жами истақларингни  
Бажармоқни; гар қўлимдан келса бўлди, бажаргум албат».

Жавоб қилди Фетида ҳам кўзларидан дув-дув ёш оқиб:  
«Айт-чи, Ҳефест, бу Олимпда бормики ҳеч бирон маъбуда,  
У менчалик бахтиқаро, аламдийда, мазлума бўлсин,

435. Кронзода уни дучор қилган бўлсин менчалик ғамга?  
Мени — баҳрий санамни, Зевс зўрлаб берди фоний бандага —  
Эакзодга; унга кўнглим бўлмаса ҳам кирдим қўйнига:  
Ҳозир у чол бўлиб қолган. Вале ўзга ҳасратим ҳам бор!  
Мен ягона ўғил кўрдим парвардигор Зевс карами-ла —
440. Мардлар ичра беқийс мард! У ниҳолдек гуркираб ўсди;  
Мен ўғлимни бўстондаги нафис гулдек парвариш қилдим;  
Сўнгра уни, ёш бўлса-да, Илионга жўнатдим учқур  
Кемаларда, маҳв этсин, деб троялик диловарларни;  
Илло энди кўрмам уни отасининг нури кўшиқда!
445. Ҳозирча у тирик, ёруғ жаҳонда, лек қалби азобда;  
Ожиздурман мен ҳам бориб унинг дардин енгиллатмоққа!  
Ҳукми равон Агамемнон данайларнинг ўғлимга қилган  
Армуғони — гўзал қизни яна ундан тортиб олипти.  
Изтиробга солган уни шу қиз дарди. Трояликлар
450. Ахейларни сиқиб бориб соҳилгача, йўл бермадилар  
Ўтишига уларнинг шу қароргоҳдан қайта ҳужумга.  
Шунда ахей қўшинининг улуғлари ўғлимни жангга  
Ундадилар, мўл совғалар ваъда этиб. Тўғри, Ахиллес  
Ҳоҳламади ўзи ёвни даф қилишни, валекин дўсти
455. Патроклга кийинтириб ўз совутин, йўллади уни  
Жанггоҳ сари — туман-туман лашкарларга саркарда этиб.  
То кечгача жанг қилдилар улар Аский рўбарўсида.  
Ушал куни забт этилган бўлардиям Илион шаҳри,  
Гар қодир Феб Троянинг лашкарини қийратаётган
460. Патроклнинг кучин қирқиб, бермаганда Ҳекторга зафар.  
Шу боис мен тизинг қучиб ёлборгани келдим қошинга;  
Балки раҳм қиларсан сен поймонаси тўлган ўғлимга;  
Балки унга қалқон, совут ва дубулга ясаб берарсан;  
Ўзиникин Патроклга берган эди — у ҳалок бўлди;
465. Энди ўғлим кўкрагини захга бериб ётур андуҳда!»

Шу заҳоти жавоб қилди унга машҳур санъаткор Ҳефест,  
«О, Фетида, бу борада тамоиля кўнглингни тўқ тут.

- Кошки эди, Ахиллесга ҳайратомуз ва энг қудратли  
Совутларни ясаб бериш қандай осон бўлса мен учун,  
470. Шундай осон қутқаролсам унинг ўзин мудҳиш ўлимдан!»

Фетидани қолдириб, у тушди яна устахонага.  
Ҳамма дамни у оловга қаратди ва ишга буюрди\*»



Йигирмата дам баробар кўраларга уфура кетди  
Санъаткорнинг ихтиёри ва буюмнинг эҳтиёжига  
475. Қараб, ҳар хил куч-ла: бири кўмак бериб шошган устага,  
Нақ қуюндек тез уфурар, яна бири бамайлихотир.  
Ҳефест ўтга мустаҳкам мис, қалай, кумуш олтин ташлади;  
Кейин зилдек сандонини жойлаштиргач ерга яхшилаб,  
Бир қўлига улкан болға, бир қўлига қисқич ушлади.

480. Аввал улкан, маҳкам қалқон ясади у нафис безакли;  
Теграсига уч қат оппоқ ва дурахшон гардиш ўрнатди;  
Кумушсимон тутқич пайванд қилди унинг ич томониغا.  
Бешта қатлам бўлди қалқон\* ҳар бир қатлам доирасида  
Тангри Ҳефест кўп антиқа нарсаларнинг тасвирин чизди.

485. Энг юқори қатламда у замин, само, яна денгизни,  
Ҳеч ҳоримас қуёшни ва кумуш рангли тўлин ойни-ю,  
Осмондаги жами гўзал юлдузларни намоён қилди;  
Улар ичра Плеядалар, Ҳиадлар ва Орион буржин,  
Яна фоний халқ «ароба» деб атовчи Арктос буржин,

490. Ки у мудом Ориондан олиб қочиб юради ўзин  
Ва поёнсиз Океанда ювипмоқдан ҳазар қилади\*.

У қалқонда одамларнинг икки шахрин ҳам тасвир этди.

Ғоят обод бир шаҳарда тўй-тамошо, базм тасвири.

Бу шаҳарда машғалалар ёруғида ёш келинчакни  
495. Етаклашиб, қўшиқ айтиб кўчалардан олиб ўтурлар.  
Ёш-яланглар давра қуриш рақс тушур: янграр лиранинг  
Ва сурнайнинг шўх овози; ўз уйининг остонасига  
Чиққан хотин-халаж тўйни таажжуб-ла қилур тамошо.  
Нарироқда, кенг майдонда уймалашиб ёгур оломон;

500. Ки у ерда икки одам ўртасида борур кескин баҳс  
Ўлдирилган одам учун қанча ҳақ-хун тўлаш ҳақида:  
Бири — халққа азда-базза қасам ичиб, қарзимни буткул  
Узганман, дер иккинчиси олганини инкор қилади.  
Иккови ҳам гувоҳ ёллаб ажрим қилмоқ бўлади ишни.

505. Ҳамма шовқин кўтаради, ҳар бир кас ўз тарафин ёқлаб;  
Жарчи аҳли жим бўлишга ундар халқни; лек оқсоқоллар  
Силлиқ харсангтош курсида давра қуриб жим ўтирурлар;  
Ана, улар ҳукмдорлик асоларин олдилар қўлга;  
Ана, ҳукм чиқарурлар бирин-кетин туриб ўриндан.

510. Ана, улар қаршисида икки талант олтин ётипти —  
Ки, ҳакамлар кимни ҳақ деб топса, бу музд берилур шунга.

Бошқа шаҳар икки қўшин томонидан қуршаб олинган;

Қуруллари ярақлайди. Лек иккови ҳам тараддудда:

Қилсақмикини ғорат ушбу шаҳарни, ё ундаги барча

515. Бойликларни икки томон қоқ ўртадан бўлашволсақми?

- Лек шаҳарнинг аҳолиси шайланади хуфия жангга.  
 Мард йигитлар хотинларни, болаларни ҳамда чолларни  
 Қўйиб девор тепасига, шаҳардан тез чиқур ўзлари.  
 Икки тангри — Арей ила Афинея сардорлигида —
520. Иккови ҳам соф олтиндан, иккови ҳам кийган зар либос:  
 Совут кийган, улуғвор ва гўзал улар — асл тангрилар!  
 Улар яққол кўринурлар: бандалар кўп майда улардан.  
 Мазкур лашкар пистирмабоп ерга етди — дарё бўйига;  
 Сув ичгани шул сувлоққа келар эди подалар доим;
525. Ялтироқ мис совут кийган лашкар шунда қурди пистирма.  
 Сал олдинга бориб пусди ичларидан икки айғоқчи,  
 Улар ҳарён кўз ташлайди пойлаб сурув ёки подани.  
 Ана, сурув ҳам кўринди; икки чўпон қўйлар ордидан  
 Сурнай чалиб келаётир фалокатдан мутлақ беҳабар,
530. Айғоқчилар елиб чиқиб чўпонларга ташланадилар;  
 Тез маҳв этиб шўрликларни, кумуш юнгли қўйлар сурувин  
 Ва қорамол подасини бутунича ҳайдаб кетурлар.  
 Пода кетган ёқдан фарёд эшитилган заҳот, ғанимлар  
 Мияиб учқур отларига, қароргоҳдан чиқурлар елдек
535. Ва борурлар зумда етиб «дод» овози келган сувлоққа,  
 Тараф-тараф бўлиб, ана жанг бошланди дарё бўйида;  
 Найза отиб бир-бирларини маҳв этмоқда, ана, лашкарлар.  
 Адовату Низо изғир қўшин аро, яна шум Улим;  
 У гоҳ човут солар соғга, гоҳ ярадор илкидан тутар,
540. Гоҳ пойидан судраб кетар шитоб ила ҳалок бўлганин;  
 Либослар ҳам қирмизи ранг одамларнинг қаро қонидан.  
 Тириклардек жанг қилурлар бу лашкарлар майдони ҳарбда  
 Ва судрарлар шоша-пиша бир-бирларини қонли жасадин.

- Ҳефест яна кенг даланинг тасвирин ҳам чизди қалқонга:
545. Бу ҳосилдор шудгор уч бор ҳайдалган ва молаланганди;  
 Деҳқон аҳли ҳўкизларни қўшга қўшиб ер ҳайдар экан,  
 Шудгорнинг гоҳ у бошига юрар эди, гоҳ бу бошига;  
 Ҳар гал дала марзасига етганида қўшчи қўш ила,  
 Қадаҳ тўла оромбахш май тутар эди унга бир эрак;
550. Шунда қўшчи ҳўкизларни тезроқ ҳайдаб шудгор ёқалаб,  
 Ошиқади яна тезроқ қайтмоқ учун ўшал марзага.  
 Соф олтиндан эди дала, аммо қўшчи орқасидаги  
 Шудгор қора тусдайдики\*, бу Ҳефестнинг мўъжизасийди.

- Яна у барқ уриб ўсган буғдойзорни ҳам нақш қилди;
555. Ўроқчилар ўроқларин ярақлатиб буғдой ўрарди.  
 Бир томонда тўп-тўп ётар ўрилган ул олтин бошоқлар.  
 Нарироқда учта одам ўроқчилар ордидан юриб,  
 Бошоқларни боғ-боғ қилиб боғлайдилар; ўғил болалар  
 Қучоқ-қучоқ йиғиб келиб тутадилар боғловчиларга.

560. Заминдор чурқ этмай, дала ўртасида, қўлида асо  
Тик туради кўнгли тоғдек кўтарилиб, маҳрамлар эса  
Нарироқда тузайдилар дастурхон алп эман остида;  
Қурбонликка бир ҳўкизни сўйиб улар уймалашади;  
Хотинлар ун элайдилар шомлик учун ўроқчиларга.
565. Ҳефест яна узумзорни тасвир этди: бошдан-охир бу  
Олтин боғда қора тусда эди фақат узум бошлари;  
Жами тоқлар қатор кумуш қозиқларга боғланган пухта.  
Боғ ёқалаб ўтган зовур тўқ кўк рангда, қалайдан эди  
Боғ девори; битта сўқмоқ ўтган боғнинг қоқ ўртасида,
570. Ҳашарчилар шу йўлқадан ташийдилар тоқзор ҳосилин.  
Нафосат-ла тўқилган кўп саватларда тотли узумни  
Ташийдилар йигит-қизлар гўдақлардек шўхлик қилишиб,  
Шу ёшларнинг ичида бир ўктам бола хушовоз лира  
Торларини моҳирона чертиб, нафис овози ила
575. Шу торларнинг садосига жўр бўлганча қўшиқ куйлайди,  
Еш-яланлар эса унинг атрофида рақс тушишиб,  
Ер тепишиб, қўшиқ айтиб, қийқиришиб, боришар шодон.

Шу қалқонда Ҳефест яна шохдор моллар тасвирин чизди;  
Шохларни у олтиндан ва баъзиларин қалайдан қилди.

580. Ана, пода маъраганча молхонадан чиқиб, ўтлоққа —  
Соҳиллари, қамишзор шўх дарё сари йўл олаётир,  
Бу поданинг ортидан тўрт нафар олтин подачи борур,  
Подачилар орқасидан чопис борар тўққизта кўппак.  
Ана, икки ёлдор арслон тўсиб чиқиб пода олдида
585. Бир буқани бўғизлайди: шўрлик маърар жон аччиғида;  
Уни итлар ва чўпонлар қутқаргани югурадидлар;  
Лекин шерлар парво қилмай шиладилар буқа терисин,  
Апир-шапир қонин ичиб, ошайдилар ичак-чавоғин:  
Ёш чўпонлар «олкиш»лайди кўппакларни, лекин бефойда.
590. Итлар қулоқ осмайдилар ва шерларга ташланмайдилар;  
Чопис келиб акиллашиб, қочадилар яна орқага,

Кейин Ҳефест хушманзара бир ўтлоқнинг тасвирин чизди:  
Сокин, сўлим бу водийда кумуш юнгли сонсиз қўйларнинг  
Усти ёпиқ қўтонлари, чўпонларнинг чайлаларини.

595. Яна Ҳефест ажиб бир рақс майдончасин чизди қалқонга,  
Худди шундай гўзал ошён қурган эди доғули Дедал  
Сумбул сочли Ариадна учун бир вақт обод Кносда.  
Бу майдонда ёш йигитлар мафтункор, гулбадан қизлар-ла  
Қўл ушлашиб давра қуриб шоду хуррам рақс тушадилар.
600. Қизлар зариф, ҳарир қўйлак, йигитлар оқ либос кийганлар.  
Кийимлари шундай покки, ярақлайди мой сурилгандай;  
Қизлар — ажиб гулчамбарлар ила нажиб сочин беаган,

Йигитлар ҳам — олтин ханжар осган кумуш тасмаларига.  
Улар шўх-шўх рақс тушаркан, гоҳо моҳир кулол дастгоҳи  
605. Каби гир-гир айланурлар оёқлари енгил тепиниб,  
Гоҳо улар саф тортишиб бир-бирлари сари юрурлар.  
Қишлоқ аҳли бу рақсни мароқ билан қилур тамошо;  
Бир даврада қизиқ ўйин кўрсатади икки қизиқчи.

Яна Ҳефест Океаннинг қиёси йўқ иқтидорини  
610. Акс эттирди бу қалқоннинг ост қатлами кунгираснда.

Тангри Ҳефест маҳобатли ва мустаҳкам ажиб қалқонни  
Безаб бўлгач, алангадан ҳам нурафшон бир зирҳ ясади;  
Ундан кейин Ахиллеснинг бошига мос, қоқ чўққисида  
Олтин тож бор, дабдабали ва сербезак, зил дубулға ҳам;  
615. Яна Ҳефест бир жуфт пойзирҳ ҳозирлади юмшоқ қалайдан,  
Бу олимлик уста ясаб бўлгач барча совут-силоҳни,  
Ҳаммасини Ахиллеснинг волидаси пойига қўйди.  
Шунда она ушбу ажиб қуроолларни тезроқ ўғлига  
Етказмоқ-чун қорли Олимп чўққисидан учди лочиндек.

## ТАРКИ ҒАЗАБ

Қирмизиранг либос кийган Тонг шафағи бошин кўтариб  
Океандап, тангрилару бадаларга зиё бахш этди;  
Фетида ҳам инди шу чоқ мирмидонлар қароргоҳига.

Шу ерда у кўрди ўғлин: у Патрокл устида қулоч

5. Ёзиб, ҳўнграб йиғлар эди; йиғлашарди мирмидон дўстлар.  
Шу жамоа ўртасига бориб туриб маъбуда она,  
Олди ўғлин илкидан ва шундай деди унга юзланиб:  
«Ўғлим! Ҳозир марҳумни биз тинч қўяйлик — оғир жудоллик  
Бўлса ҳам бу; маҳв бўлган у тангрилар иродаси-ла.
10. Тур, Ахиллес, сен Ҳефестнинг армуғонин қабул этиб ол;  
Бундай нодир совут ҳали беамаган одамзод кўксин».

Даб келтирган совутларни қўйди она ўғлин пойига;  
Безаклари шоён ажиб бу совутлар жаранглаб кетди.  
Мирмидонлар сескандилар; бирон кас ҳам тик қаролмади

15. Совутларга; лек қудратли Ахилл эса уларни кўргач,  
Қалбидаги ғазаб яна кучлироқ жўш ура бошлади;  
Чақнаб кетди унинг қовоқ остидаги ўтли кўзлари.  
Сўнг, Ҳефестнинг бу дурафшон, мўъжизаваш армуғонини  
Тўйиб-тўйиб кузатаркан, кўтарилди кўнгли тоғ каби
20. Ва кумушпой онасига деди шундай ажиб каломлар:  
«О, опаюн! Бу илоҳий туҳфа эрур; уни одамзод  
Эмас, балки худовандлар ижод этган бўлиши керак.  
Мен ҳозироқ қуроллангум. Илло қалбим хавотирдадур  
Бир нарсадан: шум пашшалар Патроклнинг яраларига —
25. Қириб олиб, қўймасалар эди қурт, деб кўрқаман жуда;  
Оқбатда, жонсиз жасад аста триб оқа бошлайди!»

Яна унга жавоб қилди кумушоёқ она — Фетида:  
«Нуридийдам! Бу тўғрида сен сира ҳам безовта бўлма.  
Ўзим хира пашшалардан қўриқлагум бу мард жасадин;

30. Ҳаттоки у шу тақлидда яна бир йил ётганида ҳам,  
Жасадига гард юқмайди, билъакс яна кўркамлашади.  
Ахейларни сен кенгашга чорлаб, ўғлим, халқлар султони  
Атрейзодга бўлган ғазаб-ғаразингдан кечганингни айт,  
Сўнгра, дарҳол жангга отлан, қудратингни йиғ билагингга».

35. Шундай дея у ўглини руҳлантирди зўр жасоратга.  
Патроклининг бурнига бир неча томчи муаттар сув ва  
Қирмизиранг бол томизди — жасад мудом чиримасин деб.

- Чаққоноёқ Ахилл жадал борар экан соҳил ёқалаб,  
Мудҳишона ҳайқирдики, ахей аҳли ҳайратга келди.
40. Кўпдан бери қонли жангга кирмай, четда дам олиб ётган  
Саховатли бу паҳлавон кўринган он яна майдонда,  
Денгизларда кемаларни бошқарувчи дарғалар борми,  
Озуқалар ҳозирловчи дастёрлару ошпазлар борми —  
Авваллари жанггоҳга ҳеч тушмай, доим кемаларида
45. Қолувчилар ҳам йиғила бошладилар тез маъракага.  
Тангри Арей бандалари — шоҳ Одиссей билан қудратли  
Тидейзода, — оғир бўлса ҳамки ҳали жароҳатлари,  
Оқсоқланиб келардилар таянганча найзаларига.  
Етиб келиб икковлари ўтирдилар олдинга ўтиб;
50. Ана, улар орқасидан етиб келди оғир ярадор  
Мардлар шоҳи Атрейзод ҳам: уни жўшқин муҳорабада  
Антенорзод Коон улкан найза билан яралаганди.  
Йиғилишиб бўлгандан сўнг маъракага ҳамма ахейлар.  
Шоҳ Ахиллес туриб улар даврасида шундай путқ айтди:
55. «Агамемнон! Гар иккимиз бир вақтлар асира қиз деб  
Юракларни кемирувчи адоватга мойил бўлмасдан,  
Шундай тотув иш кўрганда эдик, нафи бўларди кўпроқ.  
О! Нечун ўз ўқи ила маҳв этмаган экан ул қизни  
Артемид, мен Лирнесни гонат қилиб, асирга тушган
60. Қиз-жувонлар орасидан уни танлаб олганим кунда;  
Ҳанимлар ер тишлатмаган бўлар эди не-не мардларни,  
Гар ғазабга берилиб мен, бунча ўжар бўлмаганимда!  
Бундан фақат Ҳектор ила троялик лашкар кўрди наф.  
Лек данайлар бу нифоқни ҳали-бери унутмагайлар.
65. Ҳай, салавот дейлик, бизлар ўтган гапга, бўлса ҳам у талх  
Ва зарурат даъвати-ла мағрур қалбга берайлик таскин.  
Энди буткул тарк этгумдир ғазабимни; дилда адоват  
Сақламоқни тарк этгум мен бундан буён. Шоҳ Агамемнон,  
Мис совутли данайларни сен жанггоҳга йўналтир тезроқ;
70. Ижозат бер, мен ҳам ёвга ҳужум қилиб кучим синайин;  
Кўрайлик-чи, тунармикин ёв бугун ҳам кема пойида?  
Йўқ, аминман, жангда бизнинг қурооларга чап бериб қолган  
Ҳар бир ғаним қаршимизда жон деб буккай толган тизларин!»

Деди у ва данайларнинг кўнгли гулдек очилиб кетди

75. Саховатли Ахиллеснинг ғазабини тарк этганлигидан.  
Шунда мардлар ҳукмдори Агамемнон ўрнидан турди.  
Лек ўртага чиқмасдан у путқ бошлади турган ерида:  
«О, ёрошлар, мард данайлар, о, Арейнинг муҳориблари!

- Сўзламоққа ҳозирланган нотиқ сўзин тингланг жим туриб;
80. Зероки, энг моҳир нотиқ ҳам қийналур, сўзин бўлсалар.  
Тўполонда бир сўз айтмоқ, ё тингламоқ осонми ахир?—  
Кўп жарангдор бўлса ҳамки нотиқ саси, эшитилмайди.  
Пелей ўгли ила суҳбат қурмоқчиман мен; сизлар эса,  
О, ахейлар, диққат билан қулоқ осинг суҳбатимизга, —
85. Бу борада менга ахей ўғлонлари кўп гапирарди;  
Мени айбга йўярдилар, лек, о, дўстлар, айб мендамас:  
Зевсу Қисмат ва зулматда тенгировчи шум Эриния —  
Шул тангрилар ақлим олиб қўйгандилар машварат чоғи,  
Ахиллеснинг муздин тортиб олганим ул бесаодат кун.
90. Мен нима ҳам қилолардим, бандаларни сўқир қилувчи  
Зевсинг қизи даҳшатли ва иқтидорли маъбуда Озор  
Қилғиликни қилиб қўйгач? Ғоят майин унинг пойларин;  
Юрганида тегмас ерга; учиб юриб у, одамларнинг  
Эсин олур; айримларни осонгина домига тортур.
95. У ҳаттоки бутун замин бандалари ва худовандлар  
Ичда энг иқтидорли — Зевсни ҳам ром қилган, дейдилар;  
Ҳатто аёл боши билан Ҳера ҳам ўз шавҳари — Зевсни  
• Макр билан лақиллатган экан, она Алкменанинг  
Кўзи ёрий деб турганда Ҳераклга Фива шаҳрида.
100. Ўша кун деган экан Зевс тангрилар жамоасида;  
— О, самовий маъбудлар ва маъбудалар, тингланг каломим;  
Сийнамдаги қалбим розин сизга баён этгум мен ошкор;  
Ҳомиладор аёлларнинг кўмақчиси ҳур Илифия  
Бугун менинг насабимдан бўлган буюк бир одамзодни
105. Келтиради дунёгаки, у улғайиб ҳокимлик қилгай  
Ўз теварак-атрофида ҳукм сурган барча шоҳларга.—  
Сармалика Ҳера шунда айтган экан Зевсга макр ила:  
— Ёлгон, о, Зевс! Чикмагайсан сен ҳеч қачон сўзинг устидан.  
Йўқса, онт ич, о сарнадар, ки шу бугун дунёга келиб,
110. Онасининг этагига тушган гўдак,— сенинг наслингдан  
Бўлган буюк бир одамзод, — ҳукмронлик қилажақ, дея,  
Ўз теварак-атрофида ҳукм сурган барча шоҳларга,—  
Депти Ҳера, лек сезмабди хотинининг найрангини Зевс;  
У пушаймон бўлган экан муқаддас онт ичиб, пировард.
115. Ўша заҳот Олимпни тарк этиб Ҳера елдек учити  
Ва Аргосга етиб бориб Персейзода шоҳ Сфенелнинг  
Саройига кирган экан хотинининг истиқболига.  
Маликанинг ҳомиласи егги ойлик ўғил эканин  
Билган Ҳера унинг кўзин ёритипти муҳлатдан олдин;
120. Илифияларни эса, Алкмена ёнига яқин  
Йўлатмасдан даф қилганкан, тўлғоқ пайтин ҳам кечиктириб.  
Сўнгра шундай хабар ила келган экан Зевс қошига у:  
— Кумушчақмоқ соҳиби Зевс! Келтирдим мен сенга хушхабар;  
Машҳур бир эр дунё кўрди, у Аргосга ҳоким бўлади,

125. Бу — Эврисфей — Персейзода Сфенелнинг мардона ўгли\*  
 Сенинг наслинг: у мустаҳиқ шоҳ бўлади Аргос элида.—  
 Шундай депти ва Зевс қалбин терап алам қамраб олипти.  
 У Озорнинг олтинранг соч ўримидап чапгаллагача  
 Эпг даҳшатли онт ичибди бутун жисми титраб ғазабдан:
130. — Бундан буён на сарбаланд бу Олимпга, на-да чароғон  
 Кенг фазога қадам қўяр, кўзларини кўр қилувчи Озор,  
 Шундай дея итқитипти юлдуз тўла осмондан уни,—  
 Учиб келиб тушипти у одамларнинг меҳнатгоҳига\*,  
 Зевс ўз ўгли Ҳераклнипг шоҳ Эврисфей фармони билан
135. Заҳмат чекиб ишлашини кўраркану чекаркан озор.—  
 Мен ҳам шундай,— дубулғаси обдор Ҳектор, бузрук саркарда  
 Ахейларни кемаларнинг яқинида қирганип кўриб,  
 Ғазабимдан сезмай қопман Озор мени кўр қилганини.  
 Баски сўқир бўлиб кўзим, олган экан Зевс идроқимни,
140. Гуноҳимни ўзим ювиб, тутгум сенга бебаҳо муздлар.  
 О, диловар, жангга шайлан, лашкарни ҳам бошла ортингдан!  
 Ҳадяларга келсак, кеча чодирингга бориб Одиссей  
 Битта-битта санаб берган; улар барин олишинг мумкин.  
 Гар истасанг сал сабр қил, жангга ташна бўлсанг-да ғоят;
145. Одамларим олиб тушур кемалардан ул совғаларни.  
 Ўз кўзинг-ла кўражаксан, кўнглинг қандай хушлаётганим».

Саховатли шоҳ Ахиллес жавоб қилди Атрейзодага:

- «О, шавкатли Агамемнон, мард эрларнинг соҳибқирони!  
 Сен мураса туҳфасини берасанми, ё бермайсанми,—
150. Ихтиёринг; ҳозир жангни ўйлайлик биз, пайсалга солмай;  
 Суханбозлик қилиб вақтни ўтказмоқдан не ҳаён бизга?  
 Дам ғанимат! Ҳали буюк иш етмаган ниҳоясига!  
 Сизлар ҳали кўражаксиз Ахиллесни олдинги сафда  
 Троялик ёв тўдасин найза ила қийратётганип
155. Ва ўзингиз ҳам ёв билан олишгайсиз шундай аёвсиз!»

Лек эътироз билдирди шоҳ Ахиллесга доно Одиссей:

- «Йўқ, тангриваш шоҳ Ахиллес, сен нечоғлик довурак бўлма,  
 Ахейларни оч қоринга жанггоҳ сари бошлама зинҳор.  
 Гар Троя ва Ахея лашкарлари жанг майдонида
160. Тўқнашсаю тангри бирдай куч уфурса икки томонга,  
 У тақдирда муҳораба ҳали-бери тамом бўлмайди.  
 Буюр ахей лашкарига; тўйиб олсин нон еб, май ичиб;  
 Зероки, май одамзодни руҳлантирар, қудратлантирар.  
 Ҳеч қандайин диловар ҳам тонг отгандан то кун ботгунча
165. Дош беролмас машъум жангга, агар унинг қорни оч бўлса.  
 Гарчи, руҳи тетик бўлиб, ҳамон жангга жаҳд қилса ҳам у,  
 Беҳол жисми оғирлашур, азоб берар очлик, ташналик,  
 Юрганида оёқлари чалишади дармонсизликдан.



- Лек, май ичиб, овқатланиб олган одам, тонгдан шомгача
170. Тиним билмай олишишга қодир ғаним кучлари билан,  
 Руҳи маҳкам, ўзи тетик оёқ-қўли чарчашни билмас,  
 Жанггоҳни ҳам тарк этмагай, токи ҳамма тарк этмагунча.  
 Сен, Ахиллес, данайларга буюр, улар поношта қилсин.  
 Соҳибқирон Агамемнон эса сенга совғаларини
175. Эл олдида кўрсатсинки, уни кўриб аргосликларнинг  
 Кўзи кулсин, сенинг эса, о, паҳлавон, қалбинг қувонсин.  
 Агамемнон шу жамоа қаршисида туриб онт ичсин,  
 Навниҳол қиз Брисеида ётоғига кирмаганман ҳеч,  
 Асло эру хотинга хос ишга қўлим урмаганман, деб.
180. Сен ўзинг ҳам, о, Ахиллес, кўнглинг юмшат, илтифотли бўл.  
 Ва ниҳоят, Агамемнон зўр зиёфат берсин сен учун  
 Ўз кўшиқда, токи сени рози қилсин ҳар тарафлама.  
 Сен ҳам энди, Атрейзода, бундан буён адолатли бўл  
 Ўзгаларга: асло-асло иснод эмас ҳукмрон учун
185. Ўзи олдин таҳқирлаган одам билан ярашса магар».

Одиссейга шу заҳоти жавоб қилди шоҳ Агамемнон:  
 «Саховатли Лаэртзода, гапларингни тинглаб суюндим;  
 Сен ҳақ гапни айтдинг мутлоқ, мулоҳазанг ҳам одилона.  
 Онт ичмоққа тайёрман мен — қалбим даъват этмоқда шунга.

190. Худо номин тилга олиб ичмагайман сохта онт зинҳор!  
 Пелей ўғли, ташна бўлса ҳамки жангга, қолсин бу ерда;  
 Бошқалар ҳам қолсинлар, то одамларим қароргоҳимдан  
 Ҳадяларни келтиргунча, то қудсий онт ичмагунимча.  
 Бу хизматни юклагумдир мен, Одиссей, сенинг зиммангга.
195. Сен ахейлар орасидан танлаб олиб мард йигитларни,  
 Кунин кеча биз Ахиллга ваъда қилган армуғонларни  
 Ўзинг олиб кел, асира қилларни ҳам бошлаб кел дарҳол.  
 Сен, Талфибий, ўзимизнинг қароргоҳдан бир қобон топиб,  
 Қурбонликка сўйдир уни тангри Зевс ва Қуёш йўлига».
200. Атрейзодга жавоб қилди чаққоноёқ Ахиллес яна:  
 «О, шавкатли Атрейзода Агамемнон, мардлар султони!  
 Яхшиси, биз бу ниятни қолдирайлик бошқа бир вақтга:  
 Машаққатли жангдан сўнгги оз фурсатли ҳордиқ пайтига,  
 Қалбимдаги оташ-ғазаб бир оз сўниб, тинчиганимда.
205. Зевсдан қувват эмган Ҳектор шафқат билмай қириб ташлаган  
 Не-не мардлар жанггоҳ узра хоку туроб бўлиб ётганда, —  
 Сизлар даъват этмоқчисиз тановулга бутун лашкарни!  
 Йўқ, ҳозирок, наҳор қилмай, оч қоринга, данайларни мен  
 Ундар эдим жанггоҳ сари; фақат қуёш ботгандагина,
210. Қасос олиб бўлгач ёвдан, зиёфатга таклиф этардим.  
 То унгача, томоғимдан ўтмас сира май ҳам, овқат ҳам,  
 Зеро, аза тутмоқдаман энг жонажон дўстимга бугун!

- Етипти у, бутун жисми илма-тешик бўлиб найзадан  
Чодиримнинг ўртасида, эшик томон узатиб пойин;  
215. Атрофида йиғлар дўстлар! Йўқ, кўнглимга сиғмайди овқат!  
Улим ва қон, ўлаётган ёв носаси — бирдан-бир орзум!»

- Донишманд эр Одиссей ҳам Ахиллесга юзланиб деди:  
«О, Ахиллес, бутун ахей эли ичра энг диловар эр!  
Сен кўп марта шавкатлироқ, кучлироқсан мендан жанггоҳда;  
220. Илло соҳибидроқликда устундурмен сендан юз бора;  
Ешим сендан каттароқдир, тажрибам ҳам ортиқроқ, албат.  
Шу боисдан сабр-бардош ила тингла айтганларимни;  
Мис найзалар талай-талай ўликларни сочганда ҳар ён,  
Инсон қалби тўяр тезда бундай машғум муҳорабага;  
225. Лек одамзод урушининг ҳаками — Зевс тароз палласин  
Босган заҳот, тез камаюр фалокаткаш жанггоҳ ҳосили.  
Йўқ, мақбулмас аза тутмоқ ўлганларга оч қорин ила.  
Бу жанггоҳда қириларкан печа-печа ахей ҳар куни,  
Кимнинг қачон вақти бўлур дам олмоққа бундай андуҳдан?  
230. Сабр-бардош ила бир кун аза тутмоқ ҳар бир марҳумга,  
Сўнгра уни дафн этмоқ бизлар учун фарз ва қарз, дўстлар;  
Қонли жангдан омон чиққан мардлар эса яна эртага  
Совут кийиб, ғаним билан ҳормай-толмай, жидду жаҳд ила  
Олишмоқ-чун еб-ичишиб, куч йиғмоғи лозим албатта.  
235. Лашкар учун ўзга фармон кутиб бунда турмасин ҳеч ким!  
Буйруқ шуки; ким кемалар панасида қолса беркнинг,  
Шўри қурур. Йўқ, бутун биз — аргосликлар, ҳаммамиз бирдан  
Мудҳиш уруш очажакмиз троялик мардларга қарши!»

- Шундай деб у ўзи билан бошлаб кетди кекса Несторнинг  
240. Ўғилларин, Филейзода Мегеснию шоҳ Мернони,  
Фоасни ҳам, Меланиппни, Крейнозод, Ликомедни ҳам.  
Ҳаммалари йўл олишди Агамемнон қароргоҳига.  
Тез амалга оширилди айтилган сўз, берилган ваъда:  
Етти дона сепоя ва йигирмата ажиб мис қозон  
245. Олди улар; ундан кейин, ўн иккита ипак ёлни от,  
Етти нафар ҳам покиза, ҳам моҳира чевар аёлни  
Ва Бриснинг анор юзли қизин бошлаб чиқдилар улар.  
Одиссей ўн талант олтин кўтарганча юрди олдинда;  
Ёшлар ўзга совғалар-ла эргашдилар унинг ортидан.  
250. Олиб келиб жамоанинг кўз олдига қўйдилар барин.  
Агамемнон турди; саси тангримонанд жарчи Талфибий  
Мардлар шоҳи қаршисига бир қобонини келди етаклаб,  
Атрейзода доим шамшир ғилофида олиб юрувчи  
Пичоғини олиб дарҳол, қобон тукин бир тутамини  
255. Ирим учун қирқди, сўнгра чўзиб қўлин, илтижо қилди  
Тангри Зевсга. Мажлисгоҳга йиғилишган ахей мардлари

- Эҳтиром-ла жим ўтириб тингладилар шоҳ каломини;  
 Агамемнон эса боқиб кенг фазога дерди муножот:  
 «Шоҳид бўлсин энг қудратли бузрук тангри Зевс каломимга!  
 260. Қуёш, замин ва онтини бузганларни Аид қаърида  
 Ҳеч аёвсиз жазоловчи Эринийлар, сиз гувоҳ бўлинг!  
 Онт ичаман, ҳатто қўлим учини ҳам Брис қизига  
 Теккизмадим, зўрлаб уни хобхонамга олиб кирмадим;  
 У ҳаминша гард юқтирмай, пок яшади менинг кўшкимда!  
 265. Агар онтим сохта бўлса, худовандлар дучор қилсинлар  
 Ўз аҳдини бузганларнинг жазосига мени аямай!»

- Шундай деб у бўғизлади ўткир пичоқ ила қобонни  
 Талфибий ҳам қулочкашлаб туриб отди бу қурбонликни,  
 Балиқларга хўрак бўлсин, деб мўйсафид денгиз қаърига.  
 270. Деди шунда Ахиллес ҳам хомуш туриб, данай аҳлига:  
 «Мунча офат ёғдирмасанг бандаларинг бошига, о, Зевс!  
 Йўқ, ҳеч қачон Агамемнон ундолмади руҳим ғазабга;  
 У ҳар қаңдай найранг қилиб бўлса ҳамки, Брис қизини  
 Мендан зўрлаб ололмасди; не қилайки, парвардигор Зевс  
 275. Шу йўл билан ахейларни қирмоқликни қипти ихтиёр!  
 Дўстлар, қани нонуштага, сўнг бошлаймиз муҳорабани!»

- Шундай дея шоҳ Ахиллес бу мажлисни мухтасар қилди.  
 Мажлис аҳлини ҳар бири ўз кемасига қараб йўл олди.  
 Бу аснода, мирмидонлар қабул қилиб сулҳ армуғонин,  
 280. Йўл олдилар тангримонанд Ахиллеснинг кемаси томон;  
 Совғаларни қўйиб Ахилл чодирининг бўсағасига,  
 Аёлларни ўтказдилар ичкарига. Отларни эса  
 Ахиллеснинг уюрига қўшвордилар олиб боришиб.  
 Соҳибжамол Афродитамонанд гўзал Брисеида  
 285. Шафқатсиз тиг маҳв қилган Патроқлни кўрган ҳамоноқ,  
 Қучганича марҳумни у, нола чекиб ва юм-юм йиғлаб,  
 Тирнай кетди сийналарин, нафис бўйинин ва гулрухсорин.  
 Шундай дерди ҳур маъбудамонанд бу қиз ўксиб йиғларкан:  
 «О, Патрокл! О, мендай бир бадбахт қизнинг бебаҳо дўсти!  
 290. Не кулфатки, сени омон қолдирсаму мен кета туриб,  
 Қайтиб келиб, халқ султони, кўрсам сенинг ўлик жасаднинг,  
 Дамо-дам дард устига дард таъқиб қилур меши ҳар ерда!  
 Волидам ва отам мени қовуштирган жуфти ҳалолим  
 Ҳалок бўлди, ўзим кўрдим, шаҳримизнинг бўсағасида;  
 295. Уч жигарим — уч оғамнинг (бир қориндан талашиб тушган)  
 Учовин ҳам кўрдим ўшал машъум кунда ажал олганин.  
 Лек сен менга берган эдинг тасалли, кўз ёшим аритиб,  
 Мард Ахиллес эримни маҳв этиб, шаҳрим ғорат қилганда,  
 Сен юпатиб мени, ҳали Ахиллесга эрга бермоқчи  
 300. Ҳамда мени Фтияга ўзинг элтиб, мирмидонлар-ла

Ўтказмоқчи бўлган эдинг иккимизнинг никоҳ тўйимиз.  
Эвоҳ, нобуд бўлсан, жоним! Сенга аза тутгум тоабад!»

- Шундай ҳўнграб йиғларди у: жўр бўлишди асиралар ҳам;  
Вале улар жасад узра йиғлардилар ўз дардин айтиб.
305. Бу пайт данай сардорлари сал тамадди қилиб ол, дея  
Ахиллесга ёлбордилар; лек рад этди у оҳ урганча:  
«Дўстлар! Агар каломимга бўлса қулоқ огувчи дўстим,  
Ёлбораман, ундаманг ҳеч мени ҳозир овқатланмоққа,  
Ушоқ ўтмас томоғимдан; дардим оғир, қалбим азобда!
310. Токи қуёш ботмагунча, ёлбормангиз, туз ҳам тотимам!»

- Шундай дея қайтарди у аксарият саркардаларни.  
Фақат икки Атрейзода, заковатли Одиссей, Нестор,  
Идомей ва илоҳий Феникслар қолди бу ерда;  
Улар қанча уринмасин юпатмоққа бу ғамгин эрни,
315. Кўнгли таскин топмади, то қонли жангга ғарқ бўлмагунча.  
Патроклини ўйларди у, оҳ урарди фақат у ҳақда:  
«Авваллар, о, бахтиқаро, азиз дўстим, агар ахейлар  
Троялик мардларни қон қақшатсалар, сен чодиримда  
Дарҳол мен-чун ҳозирлардинг энг лаззатли, турфа таомлар.
320. Энди, ўлиб ётипсан сен, лек мен неъмат тўла дастурхон  
Қаршисида ўтирибман, фақат сени кўмсаб, туз тотмай!  
Билки, ҳатто ўз падарим,— ўзга юрта, ўшал беҳаё  
Елена деб Троянинг мардлари-ла жанг қилиб ётган  
Ўғлонининг кўмагига Фтияда зор бўлиб ётган
325. Кекса отам,— ўлганда ҳам бунча оғир ғам чекмас эдим;  
Ҳатто агар Аскиросдан, азиз ўғлинг Неоптолем  
Ўлди, дея машўум хабар келганда ҳам (гар тирик бўлса!)  
Авваллари мен кўнглимга таскин бериб, бу Трояда —  
Ватанимдан олис ёқда ёлғиз ўзим ҳалок бўламан,
330. Лек сен омон қайтажаксан Фтияга, деб ўйлар эдим,  
Сен ўғлимни Аскиросдан ўз кеманга тушириб келиб,  
Кўрсатарсан унга жами бойлигимни, деб ўйлагандим:  
Амлокимни, қулларимни, томи баланд кўшқларимни ҳам.  
Зеро, кўнглим сезмоқдаки, отам Пелей ё қазо қилган,
335. Ё кексалик азобидан ва андўҳдан қадди бўлиб дол,  
Кун-уззукун кутиб ётар менинг ҳалок бўлганим ҳақда  
Машўум хабар, ўз уйида, тўшагида чалажон бўлиб!»

- Дерди Ахилл юм-юм йиғлаб, бунда турган саркардалар ҳам  
Хўрсинишар эди эслаб уйда қолган ўз дилбандларин.
340. Самодан Зевс кўриб буни, раҳм қилди саркардаларга  
Ва Афина Палладага бир сўз деди таважжуҳ қилиб:  
«Не гап, қизим, ё тамоман воз кечдингми шавкатли эрдан?  
Кўрқмоқдаман, Ахиллесга заррача ҳам қайғурмай қўйдинг!»

- Ана, ёлғиз қолиб у ўз кемаларин рўбарўсида,  
 345. Ўксиб-ўксиб йиғлаб, азиз дўсти учун аза тутмоқда.  
 Овқатланур бутун лашкар; оч ўтирур фақат Ахиллес.  
 Бор Афина; тотли оби-амбар ила олтин ранг нектар  
 Томизгилки сийнасига, очлик енгиб қўймасин уни».
- Афина ҳам қалбан шунга интиларди анчадан бери;  
 350. У янғроқ сас, узунқанот бургут каби шўнғиди кўкдан.  
 Бу аснода бутун лашкар қароргоҳда қуроолларди.  
 Зевсинг қизи, Ахиллесни очлик енгиб қўймасин, дея  
 Тотли оби-амбар ила нектар сурди унинг кўксига;  
 Яна ўзи Олимпдаги Зевс уйига учди пинҳона.
355. Ахей аҳли қора баҳрий кемалардан ўтди ҳужумга.  
 Кенг фазони тозаловчи совуқ шамол, бўралаб ёққан  
 Зевс қорини чирпиратиб учиргандек олис-олисга,—  
 Соҳилдаги кемалардан ҳам жанггоҳга сонсиз-саноқсиз  
 Ярақлаган дубулғалар, дўнг қалқонлар, мустаҳкам зирҳлар,  
 360. Шумтол бандли мис найзалар мисли куюн оқиб борарди.  
 Бу силоҳлар ярақлаши акс этарди юксак самода;  
 Атроф-замин яшнар эди мис қурооллар ярақлашидан;  
 Бутун соҳил ларзадайди жангга кирган қўшин пойида.  
 Шоҳ Ахиллес шу ўртада кийинарди, қуроолларди.
365. Гижир тиши гижирларди, ўт чақнарди унинг кўзидан;  
 Лекин оғир дард ва алам кемирарди унинг қалбини.  
 Ғазаб билан у Троя қўшинига қарши отланди,  
 Ҳефест бунёд этган ажиб ҳадялар-ла қуроолланаркан.  
 Даставвал у ғоят гўзал пойзирҳ тақди ҳар оёғига  
 370. Ва ҳар бирин боғлаб қўйди ажиб кумуш тўқача билан;  
 Жимжямдор совут кийди шундан кейин алп сийнасига;  
 Сопи кумуш, дами мисдан шамшир осди у елкасига;  
 Сўнг илкига маҳобатли, ғоят маҳкам қалқонин олди;  
 Унинг акси олисларга етар эди ой шуъласидек.
375. Йироқдаги тоғ бошига қўндирилган ёлғиз чайлада  
 Ёнган гулхан баҳрийларга маёқ бўлиб кўринур тунда;  
 Лек уларни денгиз узра кўтарилган даҳшатли бўрон  
 Олисларга олиб кетур шул нажотбахш маёқ — гулхандан,—  
 Ахиллеснинг ғоят ажиб, ярақлаган қалқонидан ҳам  
 380. Худди шундай нур таралиб, етар эди акси фазога.  
 Сўнг Ахиллес олиб порлоқ дубулғани кийди бошига;  
 Ғоят кўркам мис дубулға юлдузмисол чарақлаб кетди;  
 Чайқаларди чўққисиди олтинранг ёл — Ҳефест қўндирган.  
 Шоҳ Ахиллес совутларнинг ўз жисмига лойиқлигини,  
 385. Оёқ-қўлин эркин, ўнғай жойлашганин текшириб кўрди;  
 Улар қушдай енгил эди, қанот эди Ахиллес учун,  
 Ниҳоят, у отасининг шумтол бандли, энг маҳобатли,  
 Зилдай оғир ва мустаҳкам найзасини олди ғилофдан;

- Уни ахей мардларидан ҳеч кас ердан уза олмасди;
390. Лек Ахиллес осонгина силкятарди мазкур найзани  
(Уни Ҳирон Пелионнинг чўққисидан кесиб тушган ва  
Шоҳ Пелейга тутқазганди, ёвга қирон келтирсин, дея).  
Бу аснода Автомедон ва мард Алким, ноёб беқусур  
Абваллар-ла қўшдилар жангаробага Ахилл отларин;
395. Юган солиб тулпорларга, жиловини жангаробанинг  
Тутқичига маҳкам тортиб боғладилар. Шунда илкига  
Қамчи олиб, Автомедон сакраб чиқди жангаробага.  
Совутлари бошдан-оёқ Ҳиперион каби нурафшон  
Ахиллес ҳам турди унинг орқасида жангга шай бўлиб,
400. Янгроқ сас-ла ҳайқирди у отасининг тулпорларига:  
«О, илоҳий Подарганинг фарзандлари — Ксанф ва Балий!  
Биз суворлар бугун тўйиб жанг қилгандан сўнг, данайларнинг  
Даврасига олиб қочинг беталофат суворингизни;  
Патроклга ўхшаб, уни ташлаб келманг жанг майдонига!»
405. Шунда бирдан тилга кирди аробага қўшилган Ксанф;  
У бошини ғамгин эгиб, узун-узун майин ёлларин  
То заминга етгунгача осилтириб гапира кетди  
(Ато этган эди унга одам тилин гулбадан Ҳера):  
«О, Ахиллес, бугун-ку биз қутқарурмиз сени ўлимдан;
410. Лек умрингнинг ниҳояси яқин қолган! Бунга сабабчи  
Бизлар эмас, о, соҳибим, қодир худо ва қисмат бўлгай.  
Йўқ, ғанимга Патроклнинг совутлари ечиб олмоққа  
Имкон берган бизнинг сустилик ё танбаллик эмасди мутлақ;  
Соҳибжамол Лета ўғли — иқтидорли тангри Аполлон
415. Патроклни ҳалок этиб, Ҳекторга бахш этганди зафар.  
Ҳатто Зефир нафасидан бунёд бўлган кучли шамолдек  
Чопсак ҳам биз сени халос этолмаймиз... қисматинг анқ;  
Қодир худо амри билан бир бандадан маҳв бўлгайсан!»\*
- Шу чоқ келиб Ксанф сўзин бўлдилар тез Эриниялар.
420. Жавоб қилди отга хомуш ва даргазаб Ахиллес шунда:  
«Нечун, Ксанф, ўлимдан гап очиб қолдинг? Ўз ишингни бил!  
Пешонамга отам билан волидамдан йироқда, бунда  
Ҳалок бўлмоқ ёзилганин мен ўзим ҳам яхши биламан.  
Лек бир қадам жилам асло мен орқамга жанг майдонидан
425. То Троя халқларини қонига ғарқ қилмагунимча».

Деб ҳайқирди ва йўллади зарангтуёқ отларни олға.

# ЙИГИРМАНЧИ ҚҰШИҚ

## ТАНГРИЛАР ЖАНГИ

Қайрилма дум кемаларнинг пойида мард ахей лашкари  
Тўпланарди атрофинга, о, жапга суқ Ахиллес, шундай.  
Бу мардларни кутар эди бир дўнгликда трояликлар.

Сарпадар Зевс Фемидага амр этди, худовандларни

5. Олимпнинг ҳар чўққисидан чақирмоқни зўр маъракага;  
У ҳам дарҳол йиғди жами тангриларни Зевс мақомига.  
Энг мўйсафид Океандан ўзга барча Дарёлар келди:  
Хушманзара ўрмонларда ўтлоқларда ва суви зилол  
Чашмаларда макон қурган санамлар ҳам келдилар етиб.
10. Тўпланишиб улар Зевснинг Олимпадаги кошонасига,  
Оқсоқ Ҳефест ўз падарни учун махсус ижодий илҳом  
Ила қурган ҳашаматли пешайвонга чиқиб индилар.  
Ҳамма келди; ҳаттоки ер тебратувчи шоҳ Посейдон ҳам;  
У депгиздан чиқдию тез, келиб давра қурган боқийлар
15. Ўртасига ўтирди ва сўрай кетди Зевснинг ниятин:  
«Кумушчақмоқ соҳиби, айт, нечун йиғдинг бизни бу ерга?  
Бироп гапинг борми, данай ё Троя қўшини ҳақда?  
Улар жангга шайланурлар, муҳораба ўт олур ҳозир».

Шунда унга чақмоқдор Зевс бундай деди таважжуҳ қилиб:

20. «Ҳа, Посейдон! Тўғри топдинг қалбимдаги мақсадимни сен,  
Йиғдим сизни, қирилётган фонийларнинг ташвишини қилиб.  
Валекин мен бунда қолиб, Олимп тоғнинг сарчўққисидан  
Қузатурман мароқлашиб жанг майдонин. Сизлар бўлсангиз,  
Боринг дарҳол троялик ва аргослик қўшин ичига;
25. Кимнинг майли кимда бўлса, кўмаклашсин ўшал қўшинга,  
Баски, бугун кирмоқ бўлган экан жангга Ахиллес ўзи  
Троялик лашкар зум ҳам дош беролмас бу паҳлавонга.  
Авваллар ҳам улар дағ-дағ титгардилар кўрганда уни;  
Аммо бугун у дўстининг ўлимидан ғазабнок экан,
30. Бу кетишда, қўрқаманки, ғорат қилур Трояни ҳам».

Зевс маъбудлар ўртасида қақшатқич жанг бошлади шу дам;  
Тангрилар ҳам жанггоҳ сари учди, бўлиб тарафма-тараф.  
Ахейларнинг кемалари турган ерга етиб бордилар:

35. Ҳера ила Афинея, зилзилакор шоҳ Посейдон ҳам,  
Саховатли маслаҳатчи, тафаккурли мунаввар Ҳермес  
Ҳамда ғоят иқтидорли, оқсоқ тангри — девқомат Ҳефест:  
У иккала ланг оёғин аранг судраб босиб борарди.  
Троялик лашкар томон йўл олдилар; бандакуш Арей,  
Узунсоч Феб, камонбардор Артемида, Ксанф дарёси,  
40. Латона ва табассуми ғоят дилбар Афродита ҳам.

- Худовандлар бандаларнинг даврасига тушмасдан олдин  
Ахей аҳли руҳан тегик, хушнуд эди мард Ахиллеснинг  
Андухни тарк этиб, яна жанггоҳ сари юз тутганидан.  
Лекин ҳар бир троялик кўрган ҳамон ажалкаш тангри —  
45. Арей каби мудҳиш, порлоқ совут кийган шоҳ Ахиллесни,  
Қўрқиб кетиб, орқасига тортиб кетди барин юраги.  
Лек олимпик худовандлар қўшинларга яқинлашган он  
Туриб қаҳқор Эрида тез, қўшинларни тезлади жангга;  
Афина ҳам наъра тортди гоҳ сарбаланд девор ортида,  
50. Теран зовур ёқасида, гоҳи жўшқин денгиз бўйида.  
Мис совутли Арей ҳам, гоҳ Илионнинг минорасида,  
Гоҳ Симоис ёқасида пайдо бўлиб, қора қуюндек  
Увилларди, трояликларни жангга даъват этаркан.

- Шу зайлда худовандлар қўшинларни ўчакиштириб,  
55. Ҳар бир каснинг юрагида уйғотдилар ҳадсиз адоват.  
Боқийлару фонийларнинг отаси Зевс момақалдироқ  
Гумбирлатди; пастда эса ер юзини тангри Посейдон  
Тоғу тоши билан бирга зилзилага солди тўхтовсиз  
Ида тоғин этагидан то серчашма чўққисигача;  
60. Данайларнинг кемалари, Илион ҳам келди ларзага.  
Ер қаърида жаҳаннамнинг шоҳи Аид даҳшатга келди  
Ва тахтидан сакраб тушиб баланд сас-ла ҳайқирди шундай:  
Посейдон тез барҳам берсин зилзилага, гар ер ёрилса,  
Ошкор бўлур боқийлару бандаларга машғум масканим,  
65. Ки маъбудлар ҳам кўрганда ҳайратланур ул жаҳаннамни».

- Шундай ғавго кўтарилди, жангга кирган заҳот маъбудлар!  
Қарши чиқди Посейдонга — иқтидорли Энносигейга  
Узунсочли Феб — Аполлон қўлда патли ўқлари билан;  
Мовий кўзли ҳур маъбуда Афинея — Арейга қарши;  
70. Олтинкамон соҳибаси, Феб синглиси, мерган маъбуда  
Артемида жанг бошлади сармаъбуда Ҳерага қарши;  
Лета ила довлашганди пойқанотли оқкўнгили Ҳермес»\*  
Ҳефест қарши чиққан эди, худовандлар — Ксанф, фонийлар —  
Аскамандр деб атаган серталотум теран дарёга.  
75. Шу йўсинда жанг қиларди маъбудларга қарши маъбудлар.



- Ахиллеснинг қалби лов-лов ёнар эди тезроқ Ҳекторни  
 Топиб, унинг қони ила жонкушанда Арей чанқоғин  
 Қондирмоқлик орзусида; у оломон ичра кезарди.  
 Лек жангталаб худованд Феб бу пайт жасур Энейнинг қалбин
80. Жасорат-ла сугордию Ахиллесга қарши тезлади.  
 Моҳир мерган Феб — Аполлон Приам ўгли мард Ликаоннинг  
 Қиёфасин, сасин олиб шундай деди Анхиззодага:  
 «О дардавлар саркардаси Эней, қани дағдағаларинг?  
 Ё Илион шоҳлари-ла базмда май ичиб, Ахиллес
85. Билан ўзим жанг қилурман, деб керилган сен эмасмидинг?»

- Дарҳол унга эътироз-ла жавоб қилди саркарда Эней:  
 «Нечун мени ундайдурсан, о, Ликаон, Пелейнинг жасур  
 Ўғли ила қонли жангга киришмоққа, истамасам ҳам?  
 Мен аввал ҳам тўқнашганман чаққоноёқ Ахиллес билан;
90. Бир марта у дабдурустан ҳужум қилиб молларимизга,  
 Қувган эди Пелиаснинг найзаси-ла\* мени Идадан;  
 Қилганди маҳв Педас ила Лирнессни ҳам. Аммо мени Зевс  
 Халос этди, жисмимга куч, оёғимга чаққонлик пуркаб;  
 Йўқса, ҳалок бўлардим мен ўшал куни шоҳ Ахиллесдан
95. Ҳамда унга йўл кўрсатиб, куч бахш этган, Троянинг ва  
 Лелег аҳлин қийратмоққа ундаган ҳур Афинеядан.  
 Йўқ, ҳеч бир зот қодир эмас жанг қилмоққа Ахиллес билан;  
 Мудом хавфдан кўриқловчи тангри бордир унинг ёнида.  
 Ахиллеснинг камонидан отилган ўқ то тўкмагунча
100. Ағёр қонин, заифлашмай тикка учиб борур мўлжалга.  
 Агар тангри ато этса бизга бирдай имтиёз, у ҳам  
 Мени осон енга олмас, минг керилсин совутлари-ла!»

- Анхиззода яна жавоб қилди моҳир мерган Аполлон:  
 «О, дипломат! Нечун сен ҳам сизинмайсан худовандларга?»
105. Сени ҳам Зевс қизи гўзал Афродита туққан, дейдилар,  
 Лек Ахиллес туғилганмиш анча зоти паст Фетидадан;  
 Сенинг онанг — Зевснинг қизи; лек Фетида — чол Нерей қизи.  
 Найзанг тутиб сен тикка юр унга қарши; учрашганинда,  
 Парво қилма баландпарвоз сўзларига, таҳдидларига!»
110. Шундай деб у саркардага журъат берди, кўтарди руҳин:  
 Порлоқ совут кийган Эней шу заҳоти отилди олға.  
 Лек сафларни ёриб, Пелей ўғли томон йўл олган Эней  
 Қолмаганди четда гулгунбадан Ҳера эътиборидан.  
 Деди чорлаб тангриларни, ўз ёнига, зар тахтли Ҳера:
115. «О, Посейдон ва Афина, сизлар ақлу гидрокингиз-ла  
 Ўйлаб кўринг, ҳозир бунда не аҳволот юз берар экан!  
 Қаранг, ана мағрур Эней ярқироқ мис совутлар кийиб,  
 Ахиллесга қарши келур моҳир мерган Феб даъвати-ла.  
 Биз, тангрилар, Анхиз ўғлин даф қилайлик тез бу жанггоҳдан;

120. Ё биттамыз елиб бориб Ахиллеснинг истқболига,  
Бахш этайлик билагига куч ва қалбин руҳлантирайлик,  
Токи билсин тангрилар кўп эъозлашин зирҳбардорни:  
Энг азалдан ҳозиргача бу шафқатсиз муҳорабада  
Трояга кўмак берган худовандлар — кўп заифдурлар!
125. Биз самодан тушдик букун қатнашмоқ-чун муҳорабага,  
Ахиллесга бугун ёв ҳеч зиён-заҳмат етказмасин деб;  
Кейин эса у онадан туғилган кун пешонасига  
Собит Қисмат ёзган жами азобларни кечиргай бошдан.  
Гар Ахиллес ўз тақдирин тангрилардан эшитмасайди,  
130. Қўрққан бўлар эди жангда тўқнаш келса бирон худога;  
Қўрқинчлидир тангри, зоҳир бўлса гар ўз қиёфасида».

Жавоб қилди иқтидорли зилзилакор дарҳол Ҳерага:  
«Нега бунча қизишасан? Ярашмайди сенга бу, Ҳера!

- Бу жанггоҳга тушган ҳамма боқийларнинг фонийлар ила
135. Олишувин истамам ҳеч: биз улардан кўп қудратлимиз.  
Яхшиси, биз чиқайлик-да бу жанггоҳдан, ҳўв минорада  
Ўтирайлик, жангни эса бандаларга қўйиб берайлик.  
Лек, башарти, кумушкамон Феб ё Арей, ҳужумга ўтиб  
Гар монелик кўрсатсалар Ахиллеснинг олишувига,
140. Унда биз ҳам ағёрларга қарши кескин жанг бошлагаймиз;  
Ўйлайманки, улар тезда илкимизнинг иқтидоридан  
Чекинурлар орқага ва жанг майдондан чиқиб ноилж,  
Олимпдаги маъбудларнинг даврасига бориб инурлар».

Шундай дея Афинани бошлаб кетди қорасоч худо\*

145. Тангримонанд Ҳераклнинг доправаши минорасига;  
Бир вақтлар Афинанинг кўмагида трояликлар  
Қургандилар ул минорни Ҳеракл-чун баҳайбат махлуқ —  
Аждаҳо\* гар сувдан чиқиб ҳужум қилса, яшириши, дея.  
Индилар шу минорага Посейдон ва ўзга тангрилар
150. Қалин булут ила буркаб бошларини, елкаларини;  
Лек муҳолиф худовандлар рўпарада — Калликолона  
Тепасида ўтирдилар Феб ва Арей теварагида.  
Само аҳли ўтирарди икки ёқда тахайюл қилиб;  
Машъум жангни бошламоқни солар эди пайсалга улар;
155. Валекин Зевс тезлар эди маъбудларни самодан туриб.

Бутун жанггоҳ порлаб кетди лашкарнинг, жангаробаларнинг  
Ва отларнинг мис созути силоҳлари, абзалларидан;

- Жангсираган қўшинларнинг пойида ер ларзага келди;  
Икки ёқдан иккита мард жанг қилмоқ-чун чиқди ўртага:
160. Саховатли Ахиллес ва Анхиззода шавкатли Эней.  
Аввал Эней таҳдидона ўқрайганча юрди олдинга;  
Бошда залвар дубулғаси чайқаларди: алп кўкрагини  
Улкан қалқон ила тўсган, узун найза ўйнар қўлида.

- Ахиллес ҳам унга қарши қонхўр шердек отилиб чиқди, —
165. Бундай шерни маҳв этмоқ-чун бугун қишлоқ аҳли тўпланур,  
Аввалига шер менсимай тикка борар одамлар сари;  
Аммо бирон жасур йигит яраласа ўқ отиб уни,  
Ўкиради чўнқайганча: кўпикланар даҳшатнок коми;  
Кўксидаги шер юраги язтиробга тушар ғазабдан;
170. Бароқ думп ила арслон қамчилаб ўз оёқларини,  
Биқинини, даъват этар ўзин ҳаёт-мамот жангига;  
Кўзларидан ўт чақнаиб бирдан ҳамла қилар жаҳд ила;  
Ё мерганни маҳв этмоқ, ё маҳв бўлмоқ учун шу ерда, —  
Ахиллеснинг тетик руҳи билак кучи, шер қалби каби
175. Уни жасур Эней билан беллашмоққа даъват этарди.  
Бир-бирлари сари юриб, яқинлашгач улар ўзаро,  
Тангримонанд шоҳ Ахиллес гап бошлади биринчи бўлиб:  
«Нечун, Эней, сен сафингдан чиқиб келдинг менинг қошимга?  
Ё Троя давлатига подшо бўлиш иштиёқида,
180. Олишмоқчидурсан мен-ла, о, Приамнинг сохта вориси?  
Шуни билки, ҳозир мени маҳв этсанг ҳам бу олишувда,  
Шоҳ Приам сенга мерос қолдирмас ўз салтанатини.  
Бор унинг ўз ўғиллари; аҳди маҳкам, ўзи ҳам тетик.  
Ё Троя аҳли сенга, ўлдиргудек бўлсанг гар мени,
185. Бўлиқ ерлар, молларинг-чун ўтлоқзорлар ҳадя этурми?  
О, Анхизод, олибсан ўз зимманга кўп оғир вазифа!  
Эсимда, сен илгари ҳам қочган эдинг Пеллиасимдан.  
Ё Идада бир ўзингни учратиб мен сизирлар аро,  
Қувганимда, оёқларинг қандай йўрға чиқарганини
190. Унутдингми? Қочаркансан, қўрққандинг бир ўгрилишга ҳам!  
Тоғдан қочиб бориб, Лирнесс қалъасига беркингандинг сен;  
Лек Афина ила Зевснинг мадади-ла мен ул шоҳларни  
Вайрон қилиб, беҳисоб қиз-жувонларни асира қилдим;  
Сени эса ҳалокатдан асраб қолди чақмоқотар Зевс.
195. Илло бугун халос этмас у жонингни — умидингни уз!  
Сен гапимга амал қилу тез ўзингни қўшин ичра ол;  
Кўз олдимда турма, йўқса бошинга шум фалокат тушгай;  
Бошга тушган фалокатни кўра олур ҳатто аҳмоқ ҳам!»
- Лек шавкатли Эней бундай жавоб қилди шоҳ Ахиллесга:
200. «О, Пелейод, мени гўдак деб ўйлама, қўрқитолмайсан  
Қуруқ дўқу пўписа-ла; мен ўзим ҳам айта оламан  
Густоҳона талх сўзларни, гар истасам, қаторлаштириб.  
Бизнинг наслу насабимиз аён эрур ҳар иккимизга;  
Улар ҳақда эшитганмиз одамлардан кўп ривоятлар;
205. Лек кўргансан на сен менинг аждодимни, на мен сенкини.  
Дейдиларки, саховатли Пелей эмиш сенинг падаринг.  
Онанг, эса сумбул сочли Фетидаймиш — денгиз санами.  
Валекин мен мард Анхизининг ёлғиз ўғли эканлигимдан

- Мағрурдурман: ҳур маъбуда Афродита — волидам эрур.
210. Бугун суюк ўғлонига албат аза тутгай ё улар,  
 Эки булар: зеро, сен ҳам, мен ҳам ушбу ҳарб майдонига  
 Гўдақлардек даҳанаки жанг қилгани чиқмаганмиз-ку?  
 Гар истасанг, сўзлаб бергум бизнинг авлод-аждодлар ҳақда.  
 Билки, бизнинг насабимиз кўп машҳурдир алу юрт аро.
215. Бобокалонимиз Дардан — бузрук Зевсдан туғилгандир; у —  
 Дардания бунёдкори; у пайтда азим Илион  
 Қурилмаган эди ҳали, саодатли бу халқлар эса  
 Яшардилар ёнбағрида суви сероб Ида тоғининг.  
 Ул шавкатли Дардандан шоҳ Эрихфоний дувёга келди;
220. Ки у фоний шоҳлар ичра энг бадавлат ҳукмрон эди;  
 Бу ердаги водийларда ўтлар эди уч мингта оти —  
 Гўзал, учқур, ёш биялар шўх, ўйноқи тойчоқлари-ла.  
 Борей ҳам майл қўйган эди ўтлоқзорда бу бияларга,  
 Қора ёлли тулпор бўлиб, қовушганди кўплари билан;
225. Оқибат, ўн икки бия туққан эди Борейдан тойчоқ.  
 Учқур тойлар елсалар гар буғдойзордан, улар туёғи  
 Бошоқларга тегмас эди, гиёҳни ҳам топтамас эди;  
 Гар бепоён денгиз узра югурсалар улар мабодо,  
 Оқ кўпиклик долғаларда туёқларин ҳўлламасдилар.
230. Энг қудратли подшо Трос туғилди шоҳ Эрихфонийдан;  
 Трос учта ўғил кўрди, учови ҳам жасур беқиёс:  
 Ил, Ассарак ва фонийлар орасида рўйи заминда  
 Гўзалликда қиёси йўқ тангриқомат йигит Ганимед!  
 Ўктам йигит бўлганидан, худовандлар уни самога
235. Олиб чиқиб, бузрук Зевсга соқий этиб тайинладилар.  
 Қалби бегард Лаомедон туғилганди муҳтарам Илдан;  
 Лаомедон бешта ўғил кўрган эди; булар: Приам,  
 Клитий, Ламп, Тифон ҳамда Арейсифат мард Ҳикетаон.  
 Ассаракдан Капис, — ундан, мардлар шоҳи Анхиз туғилди;
240. Мен Анхиздан туғилганман, Приамдан — илоҳий Ҳектор.  
 Мана сенга меъинг наслим ва насабим — билмоқчи бўлсанг!  
 Валекин Зевс одамзодни, гар хоҳласа, кўкка кўтарур,  
 Ё замишга урур, зеро, қудратининг ҳудуди йўқдир.  
 Бас, бу ҳақда; жанг тобора авж олаётган майдони ҳарбда
245. Туриб олиб, болалардек гап сотишга барҳам берайлик.  
 Иккимиз бир-биримизга шунча таҳқир сўз айтишимиз  
 Мумкинки, юз ўриндиқли чўнг кема ҳам у таҳқирларни  
 Кўтаролмай чўкиб кетур. Суяги йўқ, дейдилар, тилнинг;  
 Қаён бурсанг, шўён кетур, не-не сўзлар чиқмайди ундан.
250. Одамзодга не сўз айтсанг, шундай жавоб олурсан ундан.  
 Кўчанинг қоқ ўртасига чиқиб олиб, шанғиллашганча  
 Бир-бириши ҳақ ва ноҳақ сўзлар билан ҳақорат қилган  
 Хотинлардек, бизларнинг ҳам бунда туриб бир-биримизга  
 Қаёқдаги таҳқир сўзлар айтишимиз одобдан эмас:

255. Ғазабдан наф йўқдир асло: ақл кетур жаҳл чиққанда!  
Сен, барибир, гап сотиш-ла жангдан мени қайтаролмайсан,  
Токи, мен-ла бу жанггоҳда найзабозлик қилмагунингча.  
Кел бошлайлик, кучимизни синайлик биз ўткир тигларда!»

- Деди у ва мис найзасин қаттиқ зарб-ла урди қалқонга:
260. Маҳобатли, салобатли гўзал қалқон даранглаб кетди.  
Шоҳ Ахиллес тез қалқонни ўз кўксидан узоқлаштирди:  
У, паҳлавон Эней отган узун найза, шу келишида  
Қалқонимни тешворади, дея ўйлаб қўрқиб кетганди;  
Лек у водон, боқийларнинг ҳиммат ила қилган туҳфаси
265. Ҳар қандай мард фонийга ҳам асло таслим бўлмаслигини  
На идрокан ва на қалбан хаёлига келтирган эди.  
Қодир Эней отган найза мўъжизаваш ажиб қалқонни  
Тешолмади: кучин қирқди худованднинг олтин туҳфаси.  
Қалқоннинг у икки қатин тешган эди; қолганди уч қат;
270. Оқсоқ Ҳефест ясаганди у қалқонни беш қатлам қилиб;  
Устки икки қатлам мисдан, остки икки қатлам қалайдап,  
Ўрта қатлам олтин эди: найза зарбин шу олтин кесди. —  
Сўнг Ахиллес улоқтириб маҳобатли мис найзасини,  
Зарба урди ганимининг доправаш дўнг қалқонининг
275. Ингичка мис жияк ўтган, кўни юпқа кунгирасига;  
Тешиб ўтди у гардишни: қалқон зарбдан даранглаб кетди.  
Бундан қўрқиб кетган Эней энкайди ва баланд кўтарди  
Қалқонини; тешиб найза бу қалқоннинг иккала қатин,  
Эней боши устидан ғув этиб ўтиб санчилди ерга.
280. Эней қаттол найзага чап бериб аранг, донг қотиб қолди;  
Шундоққина елкасидан ажал паррон этиб ўтганин  
Кўриб, зулмат босган эди кўз олдини ваҳми келгандан.  
Оташнафас Ахиллес бир ҳайқирдию ўткир шамширин  
Суғурганча олға юрди; лек ганими улкан харсангтош
285. Олиб ердан Ахилл сари юра кетди (ҳозирги ёшлар  
Бундай тошни икки киши бўлишиб ҳам кўтаролмасди).  
Шу пайт Эней Ахиллеснинг қалқони ё дубулғасига  
Харсанг ила зарба берган бўларди ҳам, лекин барибир,  
Бу совутлар даф қиларди ҳар қандайин бало-офатни;
290. Ахиллес ҳам шамшир ила Эней жонин олган бўларди,  
Зилзилакор Посейдон гар кўрмаганда бу машъум ҳолни.  
Кўриб шундай юксакпарвоз сўзлар айтди у боқийларга:  
«О, тангрилар! Мен соҳибдил Энейдан кўп хавотирдаман —  
Тезда уни шоҳ Ахиллес жаҳаннамга равона қилур;
295. Қирганди у Фебнинг сохта гапларига, вале Аполлон —  
Бефаросат, энди уни фалокатдан халос ҳам этмас,  
Ахир нечун ул бегуноҳ, ўзгаларнинг жадига қолиб,  
Азоб чексин, маҳв бўлсин! У ҳамиша худовандларга  
Шоён мақбул қурбонликлар бағишларди саховат ила.

300. О, маъбудлар, келинг, халос этайлик биз уни ўлимдап.  
 Гар Ахиллес Энейни маъв этса, Зевс ҳам бўлур дарғазаб;  
 Тақдир унга ўлмай, тирик қолмоқликни башорат қилган —  
 Дардан насли буткул маъв бўлмасин-чун авлод қолдирмай  
 Зеро, Дардан — Зевснинг фоний хотинлар-ла қовушишидан
305. Дунё келган ўғиллари ичида энг ардоқлисийди;  
 Приамнинг насли эса Зевс пафратин кўзгатур қўлдан.  
 Бундан буён Трояга қодир Эней подшо бўлур,\* сўнг  
 Ўғиллари, ўғилларин ўғиллари... абадул-абад».

- Сармаъбуда Ҳера дарҳол жавоб қилди шоҳ Посейдонга:
310. «О, қудратли зилзилакор, ўз ақлингни ишлатиб иш кўр:  
 Ё халос эт Энейни сен, ё қўйиб бер, бузрук Ахиллес  
 Ҳалок этсин уни жангда, бўлса ҳамки қанча диловар.  
 Валекин биз — маъбудалар: Афина ва меп, икковимиз  
 Троянинг ақлин ҳеч вақт фалокатдан қутқармаймиз, деб
315. Онт ичганмиз мишг марота самодаги худовандларга,  
 Ҳатто данай ўғлонлари Трояга ўт қўйиб, унинг  
 Кулин кўкка совуришган тақдирда ҳам — зинҳор-базинҳор».

- Зилзилакор Посейдон бу маъбуданинг тинглаб каломин,  
 Дарҳол тикка кесиб ўтди жанг авж олган машъум жанггоҳни
320. Ва баҳодир Эней ила мард Ахиллес қошига етди.  
 Тангри шу он Ахиллеснинг кўз олдини тўсди зулмат-ла  
 Пелионнинг шумтолидан ясалган мис тигли найзани  
 Унинг ўзи мард Энейнинг қалқонидан суғуриб олди  
 Ва оҳиста Ахиллеснинг оёғига келтириб қўйди,
325. Сўнг Энейни ердан узиб, улоқтирди осмон-фалакка,  
 Посейдоннинг билак кучи билан Эней қанчадан-қанча  
 Лашкарлару отлар узра учиб ўтиб жанггоҳ четига  
 Бориб тушди — кавкон аҳли урушга шай турган майдонга.  
 Зилзилакор шоҳ Посейдон яқин бориб шунда Энейга,
330. Тераи маъно сўзлар пла унга қараб таважжух қилди:  
 «Сўйла, Эней, қайси маъбуд кўзингни кўр қилиб ундади  
 Сени, Пелей ўғли билан куч синашга бугун жанггоҳда?  
 Қудратлироқ у сендан ва ардоқлироқ аҳли самога.  
 Сен у билан тўқнашган он, дарҳол чекин орқанга қараб;
335. Қисматингга зид ўлароқ, рихлат этма тагин Аидга.  
 Лек Ахиллес тақдирининг сарҳадига етиб, жон бергач,  
 Сен мардона жанг қилавер саф олдида, Эней, баҳузур.  
 Зеро, ўзга ҳеч бир ахей қодир эмас сени енгмоққа».

- Анхиззодга шундай ўғит бериб уни қолдирди тангри.
340. Айни чоғда Ахиллеснинг кўз олдидан қувди зулматни:  
 У атрофга назар солди, пайдо бўлгач, кўзларида нур,  
 Сўнгра оғир бир тин олиб, шундай деди ўзига-ўзи:

- «Е тангрилар! Қандай ажиб мўъжиза бу менга кўринган:  
 Найзам ётур ўз пойимда; валекин мен маҳв қилмоқчи  
 345. Бўлиб, найза отганим ул Эней ғойиб бўлди кўзимдан!  
 Энди билсам, Олимп аҳли Энейни ҳам эъзозлар экан!  
 Уни, қуруқ мақтанмоқда, деб ўйловдим. Майли, даф бўлсин!  
 Асло мен-ла беллашмоққа дов бермайди энди юраги;  
 У жон сақлаб қолганидан хурсанд бўлса керак ҳозир ҳам.  
 350. Ҳай, бас энди: биз муҳориб данайларни ғанимга қарши  
 Бошлайлик ва ўзга трояликларнинг кучин синайлик».

- Деди, сўнгра лашкар ичра кезиб, наъра тортди барчага;  
 «О, қаҳрамон данайлар, сиз яқин боринг бугун ағёрга!  
 355. Ҳар бир мард-ла, ҳордиқ билмай, оташона жанг қилсин ҳар мард!  
 Мен нақадар иқтидорли бўлсам ҳамки, бир ўзим учун  
 Кўп душвордир жанг қилмоқлик ғанимларнинг бариси билан!  
 Йўқ, ҳаттоки тангри Арей ва маъбуда Афинея ҳам  
 Ожиздурлар бундай геран жанг комига яқинлашмоққа!  
 Лекин оёқ-қўлим бутун ва қудратим бор экан ҳали,  
 360. Бир лаҳза ҳам чекинмасдан, жанг қилурмен жидду жаҳд ила;  
 Ёв ичига бўрон янглиғ ёриб киргум; шунда Ахиллес  
 Найзасига тўқнаш келган ҳар бир дардан соғ қутилмагай!»

- Шундай наъра қилди Ахилл: лекин порлоқ дубулга кийган  
 Ҳектор эса троялик лашкарининг руҳин кўтарди:  
 365. О, довурак азаматлар! Қўрқманг асло сиз Ахиллесдан.  
 Даҳанаки жанг қилишга қўрқмам ҳатто худолар билан;  
 Лек қилолмам найзабозлик; улар биздан беҳад қудратли.  
 Мутақаббир Ахиллес ҳам ҳамма сўзин устидан чиқмас;  
 Баъзисига амал қилса, баъзиларин чала қолдирур.  
 370. Жанг қилгум мен Ахилл билан, гарчи оташ бўлса ҳам қўли,  
 Қўли — оташ, қалби ила иродаси метин бўлса ҳам!»

- Найзаларин кўтардилар ёвга қарши трояликлар;  
 «Айқаш-уйқаш бўлди кучлар, эшитилди ҳар ёнда наъра.  
 Шу чок бирдан кумушкамон Феб Ҳекторнинг қошига келди:  
 375. «Тўхта, Ҳектор! Ахиллес-ла олишмоқдан сен ўзингни тий.  
 Лашкар ичра туриб жанг қил, токи сени Ахилл йироқдан  
 Найза отиб, ё яқиндан шамшир ила маҳв айламасин».

- Деди Феб,— ва Ҳектор тангри овозини қалби безиллаб  
 Тинглар экан, яна кирди хомуш бўлиб оломон ичра.  
 380. Лек Ахиллес бу пайт бутун қуввасини ишга солганча,  
 Наъра тортиб ҳужум қилди Троянинг ўғлонларига.  
 Энг аввал у ғориб қилди Отринт ўғли Ифитионни.  
 Туққанди бу ғоят жасур саркардани санам Наяда  
 Қорли Тмол пойидаги обод ўлка — Гида кентида.

385. Ифитион тик бостириб келётганда, Ахиллес унинг  
Миясига найза санчиб, айирворди икки паллага.  
Мағлуб ерга «гурс» қулади ва Ахиллес ҳайқирди шодон:  
«О, Отринтзод, мардлар ичра энг манфур зот, ийқитдим сени!  
Сен бегона юртда ўлдинг! Она юртинг қолди узоқда —
390. Гигей қўли яқинида, ота мулкинг балиғи мўл Хилл  
Дарёси-ла жўшқин Ҳерм бўйларида қолди шумшайиб!»

Деб мақтанди. Зулмат босди кўз олдини Ифитионнинг;  
Жасадини ғилдирак-ла топтадилар ахей отлари.

395. Сўнг Ахиллес Антенорнинг шонли ўғли Демолеоннинг —  
Ҳарб ишида мудом ёвдан устун бўлган диловар эрнинг,—  
Чаккасига найза санчиб мис яноқли сарпўшин тешди;  
Мисяноқ дош беролмади тиг зарбига; қудратли найза  
Ериб кириб бошчаноққа, мажақлади суюқларини  
Ва миясин қонга қориб барҳам берди ёв ҳамласига.
400. Шундан сўнг у арабадан сакраб тушиб қоча бошлаган  
Ҳипподамнинг кураклари орасига ботирди найза;  
Жон бераркан ихради у; Посейдонни хушнуд этмоқ-чун  
Бир азамат Ҳеликага — Посейдоннинг қурбонгоҳига  
Судраб келган қора буқа шундай ихрар бўғизланганда,—
405. У ҳам шундай бир оҳ урди, руҳи учди устихонида.  
Энди Ахилл Приамзод Полидорга ҳужум бошлади,  
У Приамнинг эллик ўғли ичиде энг арзаңдасийди,  
Кенжасийди ҳамда гоят чаққоноёқ азамат эди;  
Бироқ падар ман қилганди унинг жангга қатнашмоғини;
410. Лек болалик гурури-ла, чопқирлигини кўз-кўз қилиб у  
Зир югурди жанг оралаб, жондан жудо бўлгунча охир,  
Чаққоноёқ Ахиллес мис найзасини бу йигитчанинг  
Энсасига — эғнидаги зирҳи олтин илгаклар ила  
Тугмаланиб икки қават бўлган ерга зарб ила санчди;
515. Ўткир найза тешиб чиқди Полидорнинг қорнидан шу чоқ;  
Чинқирганча тиз чўкди у; кўз олдини чулғади зулмат;  
Ўз қорнига босди ичак-чавоқларин мук тушганича.  
Приамзод ўз иниси Полидорнинг жароҳатлашиб  
Ва чангаллаб қорин, ерга мук тушганин кўрган ҳамоноқ,
420. Зулмат босди кўз олдини; у олинда қололмай ортиқ,  
Ахиллесга қарши юрди машъал янглиғ шуъла сочувчи  
Ўткир, узун найзасини боши узра силкиганича.  
Ахиллес ҳам буни кўриб сакраб тушди суюганидан:  
«Ана, келур юрагимга энг оғир дард солган одамзод!
425. Азиз дўстим Патроклнинг қотили у! Аминманки, биз  
Энди бошқа қочмағаймиз бу жанггоҳда бир-биримиздан!»

Шоҳ Ахиллес ўқрайганча шундай деди далир Ҳекторга:  
«Яқинроқ кел, гар ўлимнинг сарҳадига шошётган бўлсанг!»



- Буюк Ҳектор жавоб қилди Ахиллесга ҳеч чўчимасдан:
430. «Пелейзода! Мени дўқ ва пўписа-ла қўрқитолмайсан;  
Сенга мен ёш боламасман; мен ўзим ҳам, гар лозим бўлса,  
Айтоламан густоҳона аччиқ сўзлар ҳар қандай касга.  
Тўғри, мендан қанча кучли бўлсанг, сендан шунча ожизман.  
Лек тангрилар этагида ётур ҳали ушбу муаммо\*;  
435. Эҳтимолки, сен эмас, мен суғурурман, ожиз бўлсам-да,  
Сенинг жонинг: зеро, менинг мис найзам ҳам ўткирдир ғоят!»

- Шундай деб у қулочкашлаб найза отди, вале Афина  
Шум найзани Ахиллесдан даф қилди тез оҳиста пуфлаб;  
Яна найза қайтиб ортга, аста тушди Ҳектор пойига.
440. Аммо оташқалб Ахиллес маҳв этишга шошиб Ҳекторни,  
Маҳобатли найзасини силкиганча отилди олға;  
Лек Аполлон қуюқ туман ила буркаб Приамзодани,  
Худовандлик қудрати-ла ғойиб қилди уни бир зумда.  
445. Мард Ахиллес уч бор ҳамла қилди унга найзаси ила,  
Вале уч бор улкан найза тешиб кирди қуюқ туманни.  
Лек тўртинчи бор мисоли тангрилардек ҳамла қилганда,  
Ҳайратона ҳайқирди ва шундай баландпарвоз сўз айтди:  
«Аё, кўшпак, бошинг узра чарх урганди ажалинг сенинг!  
Яна қодир Феб ўлимдан халос этиб қолди бугун ҳам!  
450. Аполлонга сиғинасан кирганингда ҳар сафар жангга!  
Лек ҳадемай сен-ла дийдор кўришиб мен, қасдим олгайман,  
Гар тангрилар ичра бўлса менинг ҳам ўз пуштипаноҳим!  
Унгача мен ўзгаларни қувиб этиб, қиргум пайдар-пай!»

- Деди у ва найза санчди Дриопнинг нақ энсасига;  
455. Қулади у Ахиллеснинг оёғига; уни қолдириб,  
Ҳужум қилди у паҳлавон Филеторзод Демух устига  
Ва қуввасин қирқди унинг найза санчиб қоқ тиззасига,  
Кейин дарҳол жонин олди маҳобатли мис шамшир ила.  
Сўнгра Биас ўғиллари — бу жанггоҳга бирга келишган
460. Дардан ила Лаогонни аробадан уриб тушириб,  
Бирин шамшир ила чопди, найза санчди иккинчисига.  
Аласторзод Трос эса тирнклайин асирга тушмоқ  
Ниятида, чопа келиб, Ахиллеснинг тизларин кучди;  
Шояд раҳм қилса менга, деб ўйларди, ўз тегиқурига.
465. Бадбахт йигит! Билмасди у шафқат кутмоқ беҳаёнлигин.  
Қаршисда турган бу эр бемурувват, бемеҳр эди!  
Трос мазкур бемеҳрнинг тизларини қучган ҳамоноқ,  
У шамширин чуқур санчди бечоранинг жигаригача;  
Чўрт узилди жигарию қора қонга бўялди кўкси;
470. Жони жисмин тарк этаркан, зулмат босди нигоҳларини;  
Ахилл бу пайт Мулийнинг чап қулоғига санчганди найза,  
Паррон этиб чиқди мис тиг шу чоқ унинг ўнг қулоғидан.

- Шундан сўнг у Агенорзод Эхеклининг бошчаноғига  
 Улкан сопли қилич солиб ажратворди икки паллага;  
 475. Қизиб кетди бутун қилич пссияқ қондан; ва Эхеклининг  
 Қўзин юмди шу чоқ бадбахт Қисмат ила қирмизи Ҳлим.  
 Сўнг Ахиллес найза ила яралади Девкалионнинг  
 Чайир пайли ва мушакдор тирсагини; донг қотиб қолди  
 Қўли беҳол осилгач у ажалининг етганин сезиб;  
 480. Ахилл унинг гарданига қилич солиб, дубулға кийган  
 Бошин узди; ки умуртқа суягидан оқди илиги;  
 Жонсиз жасад, бошсиз жасад замин узра тушди узала.  
 Ахилл эса ҳужум қилди энди Пирей ўғли Ригмга —  
 Фракия тупроғидан келган эди Ригм бу жангга;  
 485. Ахилл санчган найза тиғи ботиб кирди Ригм қорнига;  
 Қулади у аробадан; сўнг Ахиллес отларни буриб  
 Қочмоқ бўлган аробакаш Арейфойни жангаробадан  
 Қулатди мис найза санчиб; отлар ҳуркиб қоча бошлади.

- Баланд тоғнинг ҳар ёғини буркаб олган қуюқ ўрмонга  
 490. Ўт кетганда, асов бўрон бу маҳвор шум алангани  
 Поёни йўқ ўрмоннинг ҳар томонига пуркар шиддат-ла,—  
 Ахиллес ҳам, қўлда найза, жавлон уриб илоҳий кучдек,  
 Қувар, янчар эди ёвни: жанггоҳ қора қонга ғарқ бўлди.  
 Кафтдай текис хирмонда оқ арпа янчмоқ бўлган заминдор  
 495. Заранг бошли ҳўкизларни чўнг молага қўшиб иш бошлар;  
 Бошоқлардан тўкилур дон шунда моллар пойи остида,  
 Ахиллеснинг ҳам остида зарангтуёқ отлар топтарди  
 Сон-саноқсиз жасадларни, қалқонларни, дубулғаларни;  
 Аробанинг мис ўқиға, устидаги ярим допра  
 500. Тутқичига, гилдираклар ва отларнинг туёқларидан  
 Қон сачрарди; мард Ахиллес ошиқаркан фонийлар аро  
 Шон қучмоққа, қора қонга бўялганди метин қўллари.

# ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

## ДАРЕ БҮЙИДА ЖАНГ

- Боқий Зевсдан бунёд бўлган зилол сувли, кумуш тўлқинли  
Шўх Ксанфнинг кечувиға етганида трояликлар,  
Уларнинг бир гуруҳини шоҳ Ахиллес кенг дала бўйлаб  
Шаҳар томон қува кетди — бир кун олдин қодир Ҳектордан
5. Ахейлар ҳам тўс-тўс бўлиб қочгандилар айни шу йўлдан,—  
Энди эса пароканда қочардилар трояликлар;  
Бироқ Ҳера қуюқ туман ила тўсди улар йўлини.  
Қолганларни қувди Ахилл оқ долғали теран Ксанфга;  
Улар мудҳиш дод солганча ташладилар ўзни дарёга;
10. Дарё тошиб қирғоқларни ялар эди шовуллаганча;  
Гирдоблардан қочиб, ҳар ён талпинарди дарёда лашкар.  
Кенг воҳага ўт кетганда, чигирткалар пир-пир учишиб,  
Сув бўйига қочадилар, лек бу ерга ҳам етиб келган  
Шум аланга таҳдидидан отадилар ўзларин сувга,—
15. Ахиллеснинг таъқибидан қочган отлар ва одамлар ҳам  
Жопҳолатда шўнғирдилар тошқин теран Ксанф комиға.

- Илоҳий эр бу пайт улкан пайзасини дарё бўйида  
Бир бутага тираб қўйиб, қўлда ёлғиз шамшири ҳамда  
Қалбда ёвуз пият ила даҳшат солиб отилди олға;
20. Қилпч солди у чор ёққа; ярадорлар оҳу фарёди  
Тутиб кетди ҳар томонни; дарё қондан ол рапгга кирди.  
Улкан юнус балиғидап\* қўрқиб қочган майда балиқлар  
Кўрфазнинг энг бежавотир ерларига яшринадилар;  
Шунда наҳанг тутганини ямламасдан ютар аёвсиз,—
25. Троялик йигитлар ҳам қўрқа-писса беркинардилар  
Тикка қирғоқ панасига — шўх Ксанфнинг шум оқимига.  
Лек билаги қаттолликдан толган Ахилл, ўн икки нафар  
Ёш йигитни тириклайин асир олиб дарё бўйида,  
Саховатли дўсти учун қасос олмақ бўлди улардан;
30. Ёш буғудек эсанкираб қўрқиб қолган бу йигитларни  
Судраб чиқиб, қўлларини орқасига боғлади маҳкам  
Жанг пайтида зирҳларга боғич бўлган тасмалар билац;  
Сўнг амр этди асирларни кемаларга олиб бормоқни.  
Ўзи эса қаттоллиги тутиб яна, ёвға ташланди.

35. Айни шу пайт у, дарёдан чиқа солиб қоча бошлаган  
Шоҳ Приамнинг кичик ўғли Ликаонни учратиб қолди;  
Уни бир вақт қора тунда отасининг боғида анжир  
Новдасидан тутқич кесаётган чоғда жангаробага,  
Чаққоноёқ шоҳ Ахиллес босиб келиб мисли офатдек,
40. Асир олиб кетган эди парво қилмай дод-фарёдига.  
Сотганди у Ликаонни кемаларда Лемносга элтиб;  
Шаҳзодани Ясон ўғли Эвней сотиб олганди шунда;  
Сўнг Эвнейдан Имбр шоҳи Ҳаэтион бебадал муздва  
Сотиб олиб, уни қудсий Арисбага жўнатган эди.
45. Лек Ликаон салдан кейин ўз уйига қочиб келганди.  
У ўн бир кун дўстлари-ла айшин сурди Лемносдан қайтгач;  
Ўн иккинчи кун деганда, тангри уни яна дуч қилди  
Ахиллесга, ки энди у, шаҳзоданинг жонин Аидга  
Даф қилмоғи лозим эди — у ўлишни истамаса ҳам.
50. Чаққоноёқ мард Ахиллес Приамзодни яланғоч кўриб  
(У қалқонсиз, дубулғасиз ва ҳаттоки найзасиз эди,  
Ки дарёдан чиқа солиб, борин ташлаб юборган эди;  
Бошдан-оёқ терга ботган, тиззалари титгарди дағ-дағ),  
Ғазаб ила бир тин олиб, шундай деди ўзи-ўзига:
55. «Ё тангрилар! Зоҳир бўлди кўз олдимда буюк мўъжиза!  
Бундан чиқди, мен жангларда ҳалок этган трояликлар  
Тирилишиб, яна қаро ер қаъридан чиқарканлар-да,  
Баски, мана бу Лемносга сотилган эр тирик қайтипти?  
Қаранг, уни сергалотум денгиз ҳам,— кўп одамзодларни
60. Ўз домига тортиб олган шўх денгиз ҳам,— маҳв этолмапти.  
Ҳай, салавот ўтган гапга, бугун татиб кўрсин найзамнинг  
Ўткир тиғин; ўз кўзим-ла кўриб, қалбан ҳис этайки, бу  
Троялик Аиддан ҳам қайтармикин, ё она замин  
Уни асраб қолармикин кўп паҳлавон эрлар қатори».
65. Шундай хаёл оғушида турарди у; Ликаон эса  
Ахиллеснинг пойин қучмоқ бўлиб, қўрқа-писа келарди;  
Ки армони қочмоқ эди шум толе-ю, мудҳиш ўлимдан.  
Бу он узун найзасини шайлаганди отмоққа Ахилл;  
Лек шаҳзода ела келиб ер ўиди ва қучди пойини,
70. Шунда найза паррон этиб Ликаоннинг елкаси оша  
Қаро ерга санчилдию қонсирабон чайқалиб турди.  
Йигит Ахилл тиззасини сўл кўли-ла қучоқлаганча,  
Ўнг кўли-ла маҳкам ушлаб олди машъум найза бандидан  
Ва ёлборди паҳлавонга балаандпарвоз каломлар айтиб:
75. «Пойларингни қучиб, Ахилл, ёлбораман, шафқат қил менга!  
О, тангриваш, сажда қилгум, мутаҳиқман марҳаматингга!  
Едингдами, мени отам чорбоғида асирга олиб,  
Ўз уйингда Деметранинг неъматин-ла сийлаган эдинг.  
Сўнг сотгандинг Лемносга сен жудо айлаб хешу дўстлардан;

80. Шунда юзта тана бериб қутилгаңдим мен асоратдан;  
 Бугун эса уч хисса кўп музд тўлагум озод бўлмоқ-чун!  
 Трояга келганимга ўн икки кун бўлди атиги;  
 Мана, яна бад иқболим мени сенга рўбарў қилди!  
 Назаримда дучор бўлган кўринаман Зевс лаънатига;
85. Лаофоя — онам мени умри кўтоҳ қилиб туққанкан;  
 У — Сатнион бўйидаги азим шаҳар Педас султони,  
 Мард лелеглар қабиласин ҳукмдори Альтнинг қизийди.  
 Лаофоя — бири бўлиб Приамнинг хотинларидан,  
 Икки ўғил туққан эди — ўлдирияпсан иккимизни ҳам!
90. Сен оғамни — тангримонанд Полидорни талх найзанг ила  
 Ҳалок этдинг жанг майдонда — биламан: сен иқтидорлисан!  
 Бадбахт оғам кунин энди солмоқчисан менинг бошимга!  
 Ноиложмен, баски тангри тутқизишти мени илкиннга!  
 Сенга бошқа калом айтгум, туғиб олгил шуни дилиннга:
95. Сен ўлдирма мени; зеро, саховатли дўстинг қотили —  
 Ҳектор — ўғай оға менга; бир қориндан тушмаганмиз биз!»

Приамнинг шоғли ўғли Ахиллесага ёлборди шундай.

Лек жавобан воласига эшитди у беаянч садо:

«Нималар деб жавраяпсан, овсар банда, тўлов ҳақида?

100. То Патрокл порлоқ қуёш шуъласидан баҳраманд экан,  
 Мен Троя ўғлонларин аяғандим баъзи-баъзда.  
 Кўпингизни банди айлаб, музд олгандим кўпингиз учун.  
 Аммо бу кун ўлдиргайман Троянинг бўсағасида  
 Худовандлар менга дучор қилган ҳар бир трояликни!
105. Шафқат қилмам, алаҳхусус, Приамнинг фарзандларига!  
 Ҳа, азизим, кунинг битди! Нега бунча фарёд чекасан?  
 Патроклдек ботир ўлди — сендан минг бор афзал муҳориб!  
 Мен ўзим ҳам, кўрияпсанки, паҳлавон ва ўктам йигитман;  
 Падарим кўп номвар зотдир, маъбудадир — азиз волидам!
110. Вале, мен ҳам қутулолмам қочиб машъум, талх қисматимдан;  
 Ҳали тонгда, ё оқшомда, ё чошгоҳда маҳв этгай мени,—  
 Бирон ағёр найза санчиб ё камондан патли ўқ отиб  
 Жанг пайтида жоним олиб, кўз олдимни сиё қилган он».

Ликаоннинг юраги «шув» этиб кетди, титради пойи,

115. У найзани қўйворди-ю, қўлин ёйиб ўтириб қолди;  
 Ахиллес тез икки дамли шамширини суғириб қиндан,  
 Шаҳзоданинг ўмровига санчди чуқур — то бандигача:  
 Қора ерга қуладию ўз қонига ғарқ бўлди шўрлик.  
 Сўнг жасадни отди Ахилл оёғидан ушлаб дарёга
120. Ва истеҳзо билан деди шундай баландпарвоз каломлар:  
 «Ёт, балиқлар орасида, токи улар жароҳатингдан  
 Сирқиб чиққан қонларингни яласинлар харислик ила!  
 Жасадингни ювиб-тараб аза тутмас тепангда онанг;

- Тошқип Ксанф энди жадал элтур сени ҳадсиз уммонга.
125. Унда эса шўх балиқлар жавлон уриб, денгиз сатҳига Юзиб чиқур ва сенинг оқ баданингни хўрак қилурлар. То Троя ер-ла яксон бўлгунча, сиз — трояликлар Ҳордиқ билмай, жанг майдондан қочаверинг, мен ҳам сизларни Ортингиздан тинмай қувиб, аямасдан қийратавераё!
130. Ҳонингизга ора кирмас кўпикланган қудратли Ксанф. Унга атаб қурбонликка сўйсангиз ҳам кўп хўкизларни Ва Ксанфга отсангиз ҳам зарагтуёқ тирик отларни, Барибир, шум ўлим маҳв қилгай сизни, энди тинчимам Токи дўстим Патроклнинг ва кемалар пойида менсиз
135. Қирганингиз, ахейларнинг хунин сиздан олмагунимча!»  
 Деди у, — ва жўшқин Ксанф ғазаблани унинг сўзидан;  
 У, Троя қўшинини ҳалокатдан халос этмоқ-чун Қандай қилиб Ахиллесни ҳовуридан туширмоқликни Ўйлар эди тўлқинланиб. Лек Пелейзод найзасин силкиб,
140. Ўлдиришга шайланди тез Пелегонзод Астеропейни;  
 Астеропей — азим дарё Аксий билан Акессаменнинг Тўнғич қизи ниҳолдек ёш Перибоя фарзанди эди;  
 Бир замонлар бу гўзал қиз қовушганди теран дарё-ла. Ахиллес шу йигит сари юрди, у ҳам дарёдан чиқиб
145. Тўғри Ахилл томон юрди силкиганча қўш найзасини;  
 Уни жангга руҳлантирган Ксанф эди; ки боқий дарё Бу сертўлқин соҳил бўйлаб Ахиллеснинг не-не навжувон Ва хушсурат йигитларни қирганидан ғазабда эди. Довлашганлар бир-бирига яқин келиб юзма-юз тургач,
150. Аввал чаққонёқ Ахилл ҳайқирди мард Астеропейга:  
 «Қандай журъат қилдинг мен-ла олишмоққа, кимсан, қайдансан? Мен ила куч синашурлар фақат бахти қароларгина!»

- Ахиллесга жавоб қилди Пелегоннинг муҳориб ўғли:  
 «О, Пелейзод не қиласан сўраб менинг насл-насабим?»
155. Ўироқ ўлка — сербарака Пеония ваташим менинг;  
 Маҳабатли найза тутган пеонларнинг саркардасиман. Ун икки кун бўлди бугун Трояга келганимизга. Менинг бобом азим дарё-шонли Аксий; зироатларга Зилол суви билан ҳаёт бағишловчи муқаддас дарё;
160. Унинг ўғли Пелегонмиш; мен Пелегон ўғли эмишман.  
 Саховатли Ахиллес, кел, яхписи биз куч синашайлик!»

- Шундай деди у таҳдид-ла; шоҳ Ахиллес шумтол дастали Найзасини кўтарди; лек Пелегонзод чаққонлик қилиб,  
 Икки найза улоқтирди — ўнг қўли ва сўл қўли ила;
165. Қалқонга бир найза тегди, лек уни тиг теша олмади;  
 Қалқондаги илоҳий музд — олтин қатлам монелик қилди. Ахиллеснинг ўнг тирсагин ялаб ўтди иккинчи найза;

- Оқди қора қон тизиллаб; найза эса санчилди ерга.  
 Пелейзода қулочкашлаб туриб шунда учқур найзасини,  
 170. Астеропей томон отди, жонин олмоқ бўлиб ул ёвнинг:  
 Лек мўлжалга тегмай ўтиб улкан найза, азим дарёнинг  
 Қирғоғида дастасининг ярмигача санчилиб қолди.  
 Шундан кейин Ахилл ўткир шамширини суғуриб қиндан,  
 Шиддат ила ганимига ҳамла қилди, у эса Ахилл  
 175. Найзасини суғурмоққа уринарди, лек самарасиз.  
 Ахиллеснинг бу ажалкаш найзасини суғурмоқ бўлиб  
 У уч даққир силтаб кўрди,— уч даққир ҳам етмади қурби;  
 Тўртинчи бор шайланганда синдирмоққа найзани олди,—  
 Шоҳ Ахиллес етиб келиб, такаббурнинг жонини эгди;  
 180. Шамшир санчиб ёв қорнига ерга ёйди ичак-чавогин;  
 Жон талашиб хириллаган ёв кўзини чулғади зулмат;  
 Шунда Ахилл ёв устига отилдию унинг сержило  
 Совутларини ечар экан мағрурланиб, деди зафардан:  
 «Ҳаи ётавер! Бўлсанг ҳамки, гарчи, азим дарё фарзанди.  
 185. Ожиздурсен беллашмоққа қодир Зевснинг ўғлонлари-ла!  
 Сен ҳамиша кериласан, теран дарё фарзандиман, деб;  
 Мен боқийлар ҳукмдори Зевс наслидан бунёд бўлганман.  
 Менинг отам Пелей эрур — мирмидонлар соҳибқирони —  
 Диловар эр Эакзода: Эак эса Зевс фарзандидир.  
 190. Зевс денгизга қуйилувчи дарёлардан қанча қудратли  
 Бўлса, унинг авлоди ҳам шунча кучли дарё наслидан!  
 Рўпарангда азим дарё, мадад қўлин чўзсин-чи, қани;  
 Йўқ, Кронзод Зевсга қарши бош кўтармоқ кўп душвор эрур.  
 Зевс ила на шоҳ Ахелой\* баҳслашмоққа журъат этади,  
 195. На бепоён ва қудратда қиёси йўқ кекса Океан,—  
 Океанки, ҳар бир чашма, денгиз, дарё теран қудуқлар,  
 Булоқларни мудом сув-ла таъминловчи боқий бир манба;  
 Ҳаттоки шу Океан ҳам ларзаланур, гар Зевс Олимпдан  
 Дағдағали чақмоқ чақиб, гумбурлатса момақалдирок».
200. Дея улкан найзасини тик соҳилдан суғуриб олди,  
 Шундан сўнг у ёв жасадин ташлаб кетди қумлоқ соҳилга:  
 Лойқа дарё тўлқинлари олди уни ўз оғушига;  
 Бу мурдани зумда қуршаб олган балиқ ҳамда зулуклар  
 Буйрагининг ёгин сўра бошладилар харислик ила.  
 205. Пелейзода бу пайт отлиқ пеонларга бошлади ҳужум:  
 Улар эса энг паҳлавон сардорлари Астеропейнинг  
 Ахилл санчган шамширдан ер тишлаганин кўришган ҳамон  
 Серталотум Аскамандр бўйлаб қоча бошлагандилар.  
 Ахилл бунда маҳв қилди Ферсилохни, сардор Энийни,  
 210. Астиплини, Фразийни, Офелестни, Мидон, Мнессни.  
 Пеонларнинг яна кўпин ўлдиарди чаққон Ахиллес,  
 Агар бу пайт ул ғазабнок Аскамандр дарё қаъридан

- Фоний банда янглиғ садо бермаганда кутилмаганда:  
 «О, Ахиллес! Сен қудратинг ва даҳшатли рафторинг ила  
 215. Мардумлардан юксакдасан! Худовандлар паногоҳ сенга.  
 Зевс ҳавола қилибдийкин сенга жами трояликни,  
 Оғушимдан қувиб чиқиб, кенг далада қийрат уларни.  
 Мурдаларга тўлиб кетди менинг зилол сувли ўзанним;  
 Ожиздурман қовушмоққа қудсий денгиз тўлқинлари-ла,—  
 220. Жасадлар ғов бўлди менга: вабо янглиғ қирдинг уларни!  
 Шаштингдан туш! Сен мени ҳам, халқ чўбони, даҳшатга  
 солдинг!

- Чаққоноёқ шоҳ Ахиллес дарҳол жавоб қилди Ксанфга:  
 «Зевс фарзанди Аскамандр, айтган сўзинг қолмағай ерда!  
 Барҳам бергум мен Троя лашкарини қирмоққа, майли,  
 225. Вале олдин улар барин Трояга қувиб кирмоғим  
 Ҳамда обдор дубулғали Ҳектор ила беллашмоғим шарт;  
 Кўрамиз: ё у маҳв этар мени, ёки мен ул мағрурни».
- Шундай деб, у ҳужум қилди ёвларига худовандлардек.  
 Шунда дарё ўз қаъридан нидо қилди ёлбориб Фебга:  
 230. «О, Аполлон, амал қилмай қўйдинг Зевсинг фармонига сен!  
 Ахир сенга айтмабмиди ул олимпик, Троя аҳлини  
 То заминга тушмагунча қоронғу ва дала даштларни  
 То кўланка босмагунча мудом ҳифз қиласан, дея?»

- Деди дарё; мард Ахиллес эса бу пайт сертўлқин Ксанф  
 235. Ўртасига тик соҳилдан сакраб тушди. Дарё кўпирди.  
 У то теран тубигача тўлқинланиб, қаттол Ахиллес  
 Ғориб қилган мурдаларни сув сатҳига қалқдирди бирдан  
 Ва буқадек ўкирганча улоқтирди барин соҳилга;  
 Вале тирик қолганларни соҳилдаги теран ғорларга  
 240. Яширди ва ўркак-ўркак тўлқинлар-ла ихота қилди.  
 Ахиллеснинг атрофида кўтарилди кучли долғалар;  
 Улар Ахил қалқонига уриларди маҳв этмоқ бўлиб;  
 У оёқда туролмади ва шохлари тарвақайлаган  
 Улкан бужум дарахтининг ушлаб олди йўғон тапидан;  
 245. Лек кўпориб тик соҳилни, қулади у илдизи билан  
 Ва дарёга кўприк бўлди, сувин тўсди шохлари ила.  
 Шоҳ Ахиллес долғаларнинг ҳамласидан тез қочиб чиқиб,  
 Кенг водийдан елдек учиб кетди юрак ҳовучлаганча.  
 Қаҳҳор дарё бўш келмади: у Ахиллнинг шижоатига  
 250. Барҳам бермоқ ва Троя ўғлонларин халос этмоқ-чун  
 Маҳобатли қора долға билан қувди Пелейзодани.  
 У эса бир югуришда паррон этиб мисли бургутдек,—  
 Паррандалар ичида энг қудратлиси ҳамда учқури  
 Қора қанот, ул самовий соҳибчангал бургут сингарин,—



255. Учиб борди отилган бир узун найза узоқлигига;  
Мудҳишона жарангларди кўксидаги порлоқ совутлар;  
У дам-бадам орқасидан пишқирганча қувиб келётган  
Мудҳиш, асов дарёга чап бериб ўзин четга оларди.  
Бободоҳқон ўз боғини, экинини суғормоқ бўлиб
260. Серсув булоқ ёқдан келган ариқларни белжурак ила  
Хас-чўшлардан фориғ қилиб йўл очади пурнеъмат сувга;  
Булоқ суви айқирганча оқизаркан майда тошларни,  
Тобора тез оқиб, ҳатто деҳқондан ҳам ўзиб кетади,—  
Шум долға ҳам Ахиллесни шундай таъқиб қиларди мудом;
265. Худовандлар қудратлидир энг қудратли бандалардан ҳам.  
Мард Ахиллес бир неча бор орқасига ўгрилиб боқди:  
Шоятки, бас қилган бўлса таъқибини тангрилар, дея,  
Юксак само барҳам берган бўлса шояд таҳдидга, дея.  
Лек у ҳар гал ўгрилганда, бузрук Зевсдан куч эмган Ксанф
270. Долға урар эди унга; сакрар эди кўрққан Ахиллес,  
Аммо дарё унинг чайир пойларига келиб урилиб,  
Қулатмоқчи бўлар эди оёқ остин ялаб, ўпириб.  
Ахилл охир дош беролмай наъра қилди қараб самога:  
«Сўйла, о Зевс! Мен бадбахтни ҳеч бир тангри қутқармайдими
275. Шум дарёдан? Майли, кейин чидардим ҳар қандай азобга...  
Айт, самовий тангрилардан ким айбдор, кимни қоралай?  
Елғиз онам гангитганди хомхаёллар ила миямни.  
Бундай деган эди менга: ўғлим, сен шу ерда, Троя  
Яқинида Аполлоннинг шум ўқидан нобуд бўлгайсан;
280. Ўлдирмасмиш мени Ҳектор — Илионнинг жасур ўғлони!  
Мени ул мард ўлдирса гар, ўлар эдим мен ҳам мардона!  
Валекин мен, шўрпешона, куз пайтида тошқин дарёдан  
Ўта туриб, шум тўлқинда фориб бўлган чўпон боладек  
Ўлсам керак бугун бунда хор бўлиб ва шармандаларча!»
285. Деди Ахилл,— шунда бирдан Посейдон ва Афина унинг  
Қаршисида пайдо бўлди, одамизод қиёфасида;  
Тутиб унинг қўлларидан, кўтардилар кўнглин сўз ила.  
Аввал унга зилзилакор шоҳ Посейдон юзланди бундай:  
«Мард Ахиллес! Асло кўрқма, руҳингни ҳам туширма мутлоқ.
290. Зеро, Зевснинг ижозати ила бизлар — мен ва Афина  
Олгандурмиз сени бугун ўзимизнинг ҳимоямизга.  
Қисматингга ёзилмаган ҳалок бўлмоқ асов дарёдан;  
Тушар ҳозир у ҳовурдан, бунга ўзинг бўлгайсан шоҳид;  
Биз эсак, гар қулоқ солсанг, бергумиздир доно маслаҳат;
295. Сен урушдан тўхтама ҳеч, маҳв этишдан тийма қўлингни  
Тирик қолган трояликларнинг барин қувмагунигча  
Илионга; сўнг Ҳекторнинг жонин олиб қайт қароргоҳга;  
Бизлар сенга орзу қилган зафарингни бахш этгумиздир».

- Деб, — боқийлар чекиндилар боқийларнинг жамоасига.
300. Шоҳ Ахиллес худоларнинг каломидан руҳланиб шу чоқ,  
Кенг майдонга чопа кетди; бугун майдон сувга ғарқ эди.  
Сув сатҳида сонсиз совут, йигит ўлган мардлар жасади  
Сузар эди. Пелейзода қуюн янглиғ пишқираётган  
Долғаларнинг таъқибидан баланд-баланд сакраб қочарди;
305. Афйнадан қувват эмган мардни дарё маҳв этолмасди.  
Лекин Ксанф ҳам ғазабдан тушмай, қаҳрин сочарди бадтар  
Ахиллесга; ўрқач-ўрқач долғаларни тоғдек кўтариб  
Ҳайқирилади Симоисга гумбурловчи овози билан:  
«Кўзғол, олға! Кел, бу марднинг, биргалашиб, қирқайлик кучин;
310. Йўқса, ғорат айлағай у, шу кетишда Приам шаҳрин:  
Зеро унинг қуввасига дош беролмас трояликлар!  
Мадад бергил, жоним оғам: тоғдан қайнаб чиққан чашмалар  
Сувин йигиб ўзанингга, ҳаммасини йўлла бу томон!  
Токи сувлар кўпик сочиб даҳшатона шовуллаб оқсин.
315. Харилар ва харсанглари гирдобиди чирпирак қилсин!  
Қаттол Ахилл танобини тортмоқ лозим! Ҳозир музаффар  
У ҳаммадан, ҳатто қайтмас жанг қилмоқдан тангрилар ила!  
Лек биламан, Ахиллесга асқотолмас билан кучи ҳам,  
Зоҳирона гўзаллиги, дабдабали қуроллари ҳам;
320. Қора лойга ботгай бари, ғарқ бўлажак унинг ўзи ҳам,  
Ахиллесни балчиқ ила қумга кўмиб, унинг устига  
Тош қалайки, ахей аҳли тополмасин суюкларин ҳам!  
Унинг қабри ҳам шу бўлгай; аргосликлар қабри устига  
Тупроқ уйиб, қабр тоши ўрнатиб ҳам ўтирмайдилар!»
325. Деди Ксанф шовуллаб ва кўпик сочиб қиларкан ҳамла;  
Тўлқинланиб ўликларни отарди у Ахилл бошига.  
Самодан куч эмган дарё юзидаги қонли долғалар  
Пелейзода атрофини қуршаб олди юксак девордек.  
Буни кўрган Ҳера қаттиқ фарёд солди; у қўрққан эди
330. Ахиллесни азим дарё ўз домига тортиб кетгай, деб;  
Сармабуда азиз ўгли ланг Ҳефестга шундай юзланди:  
«Мажруҳ ўғлим, жангга кпр сен! Терап дарё Аскамандр-ла  
Олишмоққа, биз тангрилар, сени лойиқ топдик, кенгашиб.  
Тез офаткаш оловингни пуркаб, унга қарши жанг бошла!
335. Мен эсам тез бориб боди Зефир ила аёзли Нотдан  
Қуюн ясаб терап денгиз соҳилидан уфуражакман;  
Ўшал қуюн оловингни мудҳишона алангалатиб,  
Қул қилажак трояликлар ўзин ҳам, совутларин ҳам.
340. Дов-дарахтни ёндиргил сен Аскамандр соҳили бўйлаб,  
Олов пурка чўнг дарёга, унинг ширин сўзларига сен  
Учма асло, тангрининг ҳам таҳдидидан чўчима мутлоқ:  
То мен ўзим наъра тортиб сенга, бас қил, демагушимча,  
Оташ кучинг сўндирма ҳеч, боқий ўтинг ўчирма асло».

- Хера амрин бажо айлаб машъум олов пуркади ўгли.
345. Аввал олов кенг далага ёйилди ва Ахилл маҳв этган  
 Тўп-тўп ётган мурдаларни ўз домига торта бошлади.  
 Дала қуриб, сувлар тиниб, осойишта оқа бошлади.  
 Куз фаслада боди Борей ёмғирдан нам бўлган далани  
 Қуригиб ўз нафаси-ла деҳқон кўнглини шод айлагандек,—
350. Бутун дашт ҳам қуриб қолди, мурдалар кул бўлдилар ёниб.  
 Шундан кейин алангани дарё ёққа йўллади худо.  
 Ўт олди сув бўйидаги мажнунтолу қайрағочларни;  
 Ёнди суви тиниқ Ксанф қирғоғида гуркираб ўсган  
 Яшил қамиш, нилуфарлар, хушбўй чечаклар;
355. Дарёдаги балиқлар ҳам кўп изтироб чека бошлади.  
 Бири доно тангри Хефест оловидан дарё қаърига  
 Урса ўзин, бошқа бири сув саҳнида зир югурарди.  
 Дарё ўзи ҳам ёнаркан шундай нола қилди Хефестга:  
 «Йўқ, о, Хефест, ҳеч бир тангри сени мағлуб эта олмайди!
360. Йўқ, сен — оташнафас бирла жанг қилмам мен зинҳор-ба инҳор!  
 Адоватни бас қилайлик! Менга деса, чаққон Ахиллес  
 Трояликларнинг бари қувиб чиқсин азим шаҳардан;  
 Мен улардан юз ўғирдим қилмагайман муҳофаза ҳам!»

- Деди дарё ёниб туриб; зилол суви биқирлар эди.
365. Семиз қобон ёғини доғ қилишганда қозонга солиб,  
 У ўчоқда ёнаётган қуруқ ўтин ҳароратидан  
 Хиёл ўтмай қайнай бошлар булоқ янглиғ биқирлаганча, —  
 Дарё сатҳи ҳам оловдан шундай ёнар, сув биқирларди.
370. Аскамандр Хефестнинг ўт қуввасидан бемажол бўлиб,  
 Ўз жойидан силжишга ҳам, оқишга ҳам қолмади ҳоли.  
 Ёлборувчи сас-ла нидо қилди дарё хушнуд Херага:  
 «Нечун ўғлинг ёлғиз мени қийнамоқда шафқатсизларча?  
 Трояни ҳифз қилаётган ўзга боқийларчалик  
 Гуноҳ қилган эмасман-ку ахир сенинг олдинда, Хера.
375. Мен итоат этгум, агар сен амр этсанг, о, сармалика;  
 Лек Хефест ҳам тийсин ўзин! Мен илоҳий қасам ичгумки:  
 Троянинг ўғлонларин муҳофаза қилмам офадан  
 Мард данайлар ҳатто бутун Трояга ўт қўйганда ҳам,  
 Приамнинг азим шаҳрин кулин кўкка совурганда ҳам!»
380. Бу сўзларни эшитган он момикбадан маъбуда Хера,  
 Деди дарҳол азиз ўғли ланг Хефестга таважжуҳ қилиб:  
 «Бас, о, Хефест, тий ўзингни, шонли ўғлон! Фонийларни деб  
 Боқийларни бу даража жазоламоқ инсофдан эмас!»

- Деб амр этди Хера,— Хефест ўчирди тез қаттол оловин.
385. Қайтди аста зилол сувлар яна ортга, ўз ўзанига.  
 Дарё кучи шу йўсинда жиловланди; Ксанф ва Хефест  
 Ғазабдан тушди: Хера тинчитганди улар инковин.

- Лекин ўзга боқийларнинг орасида бу пайт ўт олиб  
 Машъум нифоқ, улар қаттиқ, низолашиб қолди ўзаро.
390. Ер ларзага келган эди уларнинг бу можаросидан;  
 Бу адоват саси юксак самода акс-садо берганди.  
 Тангриларнинг ўзаро жанг бошлаганин Олимпдаги Зевс  
 Эшитиб ва мушоҳада қилиб, ғоят қувониб кетди.  
 Дарҳол жангни бошладилар худовандлар юзма-юз келиб;
395. Қалқонийртар Арей аввал Афинага бошлади ҳужум,  
 Мис найзасин силкиганча, таҳқирона каломлар айтиб:  
 «Сен, итпашша, боқийларни яна жангга ундаяпсанми?  
 Густоҳлигинг чеки йўқдир! Дарғазабсан, қачон қарамай!  
 Унутдингми ё Тидейнинг ўғлини менга қарши гиж-гижлаб.
400. Ўзинг ҳам энг олдги сафда, тутиб найза бандидан, уни  
 Тўғри менга йўналтириб, вужудимни чок қилганингни!  
 Менга навбат! Бугун ўша қилган барча ёвузликларинг  
 Учун сендан мен интиқом олажакман шафқат қилмасдан!»

- Деди унга қаҳҳор Арей ва узун мис найзаси ила
405. Зарба урди сершокила ва сертаҳдид подир қалқонга,—  
 Вале уни Зевснинг оташ чақмоғи ҳам теша олмасди.  
 Зевс қизи сал чекиндию орқасига, далада ётган  
 Серқирра бир харсангтошни иқтидорли илкига олди,  
 Ки қадимда деҳқон уни белги қилиб қўйган марзага;
410. Шу тош ила у Арейнинг кучин қирқди бўйнига уриб.  
 Арей етти таноб ерни эгаллади заминга қулаб:  
 Жаранглади мис совути, ботди сочи қора тупроққа.  
 Афина бир жилмайдию ғурур билан деди бир калом:  
 «О, эсишаст, куч-қудратда сендан беҳад устунлигимдан
415. Наҳот ҳануз ғофилсанки, олишмоқчи бўлдинг мен ила?  
 Она Ҳера қарғишига учрадинг сен; ахей аҳлидан  
 Юз ўгириб, сен бавафо, хиёнаткор трояликлар  
 Тарафини олганинг-чун бу жазога мустаҳиқ бўлдинг!»

- Деб Афина шаҳло кўзин четга бурди мағлуб Арейдан.
420. Афродита жароҳатдан инграётган Арей қўлидан  
 Ушлаганча етаклади: у ҳушидан кетаёзганди.  
 Лек гулбадан Ҳера бирдан кўриб қолиб Афродитани,  
 Зевснинг қизи Афинага шундай сўз-ла қилди таважжух:  
 «Булутларнинг бунёдкори Зевснинг о, ғолиба қизи,  
 425. Кўряпсанми, анов беор Афродита густоҳлик ила  
 Жанг майдондан олиб кетур шум Арейни! Қув, орқасидан!»

- Деди Ҳера,— Афина ҳам қува кетди қалби қувониб;  
 У Кирида сийнасига зарба урди қодир илки-ла;  
 Маъбуданинг юраги ҳам, пойлари ҳам увишиб қолди.
430. Икковлари қуладилар саховатли заминга шу чоқ

Ва Афина шодиена сас-ла улар узра ҳайқирди:  
«Агар юсак Трояни ҳифз қилиб, мард данайларга  
Қарши чиққан жами лашкар, бугун жангда ўз муттафиқи  
Қаттол тангри шум Арейни муҳофаза қилган Киприда  
435. Қабиллида довурак ва иқтидорли бўлганда эди,  
Аллақачон вайрон айлаб Приамнинг чўнг пойдеворли,  
Троясин, тинчир эдик бу серваҳшат муҳорабадан!»

- Шундай деди, — ва оҳиста жилва қилди маъбуда Ҳера.  
Шундан кейин Аполлонга зилзилакор Посейдон деди:
440. «Нечун, о Феб, ўзимизни четга олдик? Уят-ку ахир!  
Жангга кирди ҳамма тангри, лек иккимиз Олимга, Зевснинг  
Мақомига жанг қилмасдан қайтиб борсак, изо еймиз-ку!  
Феб, бошла сен; анча ёшсан,— мен бошласам одобдан бўлмас;  
Сендан олдин туғилганман, тажрибам ҳам кўп сеникидан.
445. Сен аҳмоқнинг хотиранг паст, қалбинг сўқир! Унутдингми ё  
Илионда не машаққат, не жафолар чекканимизни?  
Сен ила мен — икки тангри Зевс амрига итоат этиб,  
Бунда мағрур Лаомедон учун бир йил ишлаб бергандик  
Хизмат ҳақин байлашиб: у қаттиқ азоб берганди бизга.
450. Мен Троя атрофига юсак девор тиклаб бергандим —  
Деворки, ёв ҳужумидан қўриқловчи метин истехком.  
Сен, Аполлон, ўрмонзорли Ида тоғин водийларида  
Унинг шохдор сигирларин боққан эдинг чўбонлик қилиб.  
Лек йил ўтиб Ҳералар бахш этганида бизга ҳақ олиш
455. Муддатини, бемарҳамат Лаомедон зуғум ўтказиб  
Ва дўқ қилиб, Троядан қувган эди ҳаққимиз бермай,  
У бадкирдор сенинг оёқ-қўлларингни кишанбанд қилиб,  
Сотмоқ бўлди олисдаги ёт оролга қул сифатида;  
Қулоғимиз қирқиб таҳқир қилмоқчи ҳам бўлган эди у.
460. Ҳақ олмай, ғазабланиб шундай қуруқ қайтган эдик биз...  
Муғамбир шоҳ ўз лафзида турмай, бизни доғда қолдирди!  
Сен яхшилик қилмоқдасан, Феб, шу шоҳнинг фуқаросига  
Ва такаббур ёвни бутун хотин, бола-чақаси билан  
Пашша янглиғ маҳв этишда бизга қўлдош бўлмоқчимассан!»
465. Шунда унга кумушкамон шоҳ Аполлон жавоб қайтарди:  
«Энисогей! Гоҳи замин неъматидан баҳраманд бўлиб  
Гуркираган, гоҳи куни битиб хазон бўлиб тўкилган  
Дарахтларнинг япроқларин эслатувчи шу бахтиқаро  
Бандалар деб сенга қарши мубораза қилганимдайди,
470. Шу заҳоти мени ўзинг ҳам аҳмоққа йўйган бўлардинг.  
Йўқ, Посейдон, довлашмаймиз, аҳли мардум олишаверсин!»

Шундай деди Аполлон ва ўз падарин қондош иниси  
Посейдонга қарши илкин кўтармоқдан қўрқиб, чекинди.

- Шунда Фебнинг сингилчаси Артемида ҳайвон ва қушлар
475. Соҳибаси, газаб билан акасига қилди маломат:  
«Қочяпсанми, о чўнг мерган! Посейдонга ғолибиятни  
Раво кўриб, пошоист шон бахш этмоқчи бўлдингми унга?  
Айт, юраксиз, камонингни нечун бекор олиб юрибсан?  
Бир вақтлар худоларнинг даврасида, зилзилакор-ла
480. Жанг қилмоққа шайман, дея керилардинг; энди бугундан  
Мақтанишинг эшитмай мен Кронзода кошонасида».

- Шундай деди; лек Аполлон синглисига жавоб қилмади;  
Вале Зевснинг муҳтарама завжасининг аччиғи чиқди,  
Койиди у таҳқирона сўзлар ила Артемидани:
485. О, беҳаё қанжиқ, энди менга қарши чиқмоқчимисан?  
Шуни билки, сен учун мен гоят кучли рақибадурман!  
Фақат фоний аёлларнинг устидан\* Зевс сени шер қилиб  
Тайинлаган ва қаҳрингни ўтказишга имкон яратган.  
Кучлилар-ла мубораза қилганингдан кўра, яхшиси
490. Сен тоғ кезиб охуларни қийратганинг маъқул ва осон.  
Иштиёқманд бўлсанг жуда жанг қилмоққа, ҳозир кўрасан  
Сендан беҳад кучлилигим ва ўзингинг заифалигинг!»

- Шундай дея сўл қўли-ла маъбуданинг билакларидан  
Ушлаб туриб, ўнг қўли-ла юлқиб олди эгри камонни,
495. Сўнг истеҳзо ила савай кетди уни шу камон билан:  
У калтакка чап бермоқ-чун юзин у ён-бу ён бураркан,  
Талх ўқлари сочилдию юм-юм йиғлаб қочди нарига.  
Қўрқоқ каптар қирғийдан жон сақламоқ-чун қоятошларининг  
Орасига қурган зулмат уясига қочиб киради,—
500. Артемида ҳам зор йиғлаб қоча кетди камонин ташлаб.  
Шунда Ҳермес — худоларнинг даракчиси деди Летага:  
«О, маъбуда! Сен-ла бугун ва бундан сўнг урушмам зинҳор;  
Душвор эрур чақмоқдор Зевс завжалари ила жанг қилмоқ.  
Гар истасанг, худовандлар даврасида мени енгганинг
505. Тўғрисида мақтанавер — ўз беназир қудратинг ила».

- Шундай деди; бу пайт Лета ўз қизининг камонини ҳам,  
Сочилган талх ўқларин ҳам қумлоқ ерда тера бошлади.  
Териб бўлиб маҳзун қизи орқасидан кетди Латона.  
Қизи эса чақмоқдорнинг мис кўшикига чиқди — Олимпга;
510. У шашқатор кўз ёш тўкиб падарининг тизига чўкди:  
Эгнидаги ҳарир кўйлак елпинарди. Зевс бу қизини  
Ўз бағрига босиб, ундан хуштабассум ила сўради:  
«Қизалоғим! Қандай оғир жиноят ё гуноҳ қилдингки,  
Сени бундай густоҳона таҳқирлашган? Ким ўшал боқий!»

Деди Зевсга гулдан ажиб чамбар тақдан овмаликаси

«Сенинг завжанг Хера, ота, мени қаттиқ ҳақорат қилди, —  
Тагриларнинг орасида нифоқ, низо қўзғовчи Хера».

- Само аҳли худовандлар шундай суҳбат қураар эдилар.  
Кириб борди ул муқаддас Трояга бу пайт Аполлон.
520. Аргосликлар тақдирга зид ҳолда бугун, шаҳар деворин  
Қилмасалар эди вайрон, деб ташвишда эди бу тагри.  
Қолган ҳамма худовандлар қайтиб чиқди яна Олимпга, —  
Баъзилари даргазабу баъзилари зафардан мамнун.  
Ҳаммалари саршадарнинг атрофига бориб индилар.
525. Ахилл эса қийратарди мудом жангда оту мардларни.  
Худоларнинг қарғишига дучор бўлган азим шаҳарга  
Ўт кетганда қуюқ тутун кўтарилар юксак фазога:  
Эл бошига бисёр заҳмат ва мусибат солур бу ёнғин, —  
Ёв бошига шундай заҳмат ва мусибат солди Ахиллес.
530. Шоҳ Приам мипорада туриб кўрди қаттол Ахиллни;  
Троянинг ўғлонлари бу паҳлавон олдига тушиб,  
Пароканда қочардилар; ҳеч кас йўлин тўсмасди унинг.  
Приам чол ҳўнграб-ҳўнграб ерга тушди ва қопқаларда  
Соқчи бўлиб турганларга фармон берди баланд сас ила:
535. «Дарвозани очиб туринг, токи лашкар кириб бўлгунча:  
Кўшинимни қувиб яқин келиб қолди баттол Ахиллес!  
Бошимизга тушмасайди фалокат, деб хавотирдаман.  
Лек лашкарнинг бари кириб бўлгач шаҳар дарвозасидан,  
Сиз қопқани ёпинг дарҳол ва танбаланг тавақаларин!»
540. Ул мард босиб кирмасайди, деб кўрқаман Троямизга!»
- Соқчилар ҳам дарвозани ланг очдилар танбани суриб.  
Рўшнолик бахш этди қопқа кўпчиликка; Феб елиб чиқди  
Бу пайт халос этмоқ учун трояликларни офатдан.  
Ташналикдан ҳолсизланган, бошдан-оёқ тўзонга ботган
545. Кўшин чопиб келар эди тўғри шаҳар қопқаси томон;  
Ахиллеснинг қалби мудом талпинаркан зафар қучмоққа,  
Ёвни қувиб келар эди кўз очирмай мис найза ила.  
Шу куниёқ юксак қопқа — Троя забт этилар эди,  
Гар Аполлон чаққоноёқ Ахиллесга қарши шавкатли
550. Муҳорибни — Агенорзод Агенорни тезламаганда.  
Феб бу марднинг юрагига журъат пурқаб, ўзи шамшодга  
Суяндию турди бошин буркаганча қора булутга, —  
У Ўлимнинг қаттол илкин даф қилмоқчи эди бу марддан.  
Лек Агенор гонатгарни кўрган ҳамон тўхтади таққа;
555. Унинг қалби ҳаяжондан қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади.  
Хўрсиндию саховатли қалби ила кенгаши шундай:  
«Э воҳ! Агар мен бу қаҳқор Ахиллесдан юрак ҳовучлаб,  
Ваҳимага тушган ўзга мардлар каби қоча бошласам, —  
У чаққон по мени қувиб, етиб олиб калламни олур!»

560. Мабодо, мен водий бўйлаб қочаётган лашкаримизни  
 Пелей ўғли таъқиб қилаверсин, дея қўйиб берсам ва  
 Элғиз ўзим Ил даласи бўйлаб, шаҳар бўсағасидан  
 Ида тоғин чўққисига чиққунимча қочиб борсаму  
 Мазкур азим тоғнинг қуюқ ўрмонидан паноҳ топсам-чи?
565. Қош қорайгач, у ерда мен зилол сувда покланурмеп-да,  
 Тунги зулмат оғушида Илионга яна қайтурмен.  
 Лек қалбимни бундай ўйлар хавотирга солмоқда нечун?  
 Бордию у мени даштда — овлоқ ерда кўриб қолса-чи?  
 Кўриб қолиб чаққоноёқ, дарҳол мени қувиб етса-чи?
570. О! Мен унда омон қолмам шум қисматдан, қаттол ўлимдан!  
 Бу одамзод бениҳоя қудратлидир одамлар аро!  
 Бордию мен бўсағада ўзим унинг йўлин тўссам-чи?..  
 Найза ила шикастласа бўлур ахир унинг жисмин ҳам;  
 Унинг жони ҳам биттадур, фоний дерлар фонийлар уни,
575. Валекин Зевс ғолибият ва шуҳрат бахш этган-да унга!»

- Деб у жангга шайландию Ахиллесни кута бошлади;  
 Жасоратли қалби уни жанг қилмоққа этарди даъват.  
 Шижоатли қоплон бирдан қуюқ ўрмон ичидан тикка  
 Овчиларнинг қаршисига чиққанида, чўчимайди ҳам,
580. Қочмайди ҳам този итлар овуллашин эшитганида;  
 Яраланса ҳамки, ўқ ё найзадан у, тарк этмас жангги  
 То овчини маҳв этгунча, ёки ўзи маҳв бўлгунча,—  
 Антегорнинг жасур ўғли Агенор ҳам жанггоҳдан четга  
 Чиқмасликка аҳд қилди то мард-ла куч синашмагунча.
585. Дўнг қалқони ила тўсиб али кўксини у шу заҳоти  
 Ахиллесга найза отиб баланд сас-ла қилди дағдаға:  
 «Сен Ахиллес, саховатли трояликларнинг масканин  
 Бугун барбод қиламан, деб кўзлаб қўйган бўлсанг ҳам керак?  
 Йўқ, нодон зот, ҳали кўшлар азоб чекур Троя учун!
590. Бу шаҳарда оталару хотинлару фарзандларимиз  
 Ҳимояси учун ҳали шай турган мард фидойилар кўп;  
 Сен мардларнинг марди ҳамда энг диловар жангчи бўлсанг ҳам,  
 Билки, ўлим топажаксан шу Илион бўсағасида!»

- Деди ва мис найзасини улоқтирди силкитиб туриб,
595. Найза зое кетмай, бориб тегди марднинг тизидан пастга;  
 Жаранглади оёғига таққан янги қалай пойбанди;  
 Лек офаткаш бу мис найза теша олмай Ахилл пойбандин,  
 Чатнаб кетди; уни тагги армуғони қайтарган эди.  
 Сўнг Ахиллес таггримонанд Агенорга отди найзасин;
600. Лек Аполлон унинг зафар қучишига бермади имкон;  
 Агенорни ўғирлаб у, қуюқ зулмат ила чулғади.  
 Имкон берди хавфли жангдан эсон-омон четланишига;  
 У макр ила Ахиллеснинг эътиборин олди ағёрдан;



- Кумушкамон тангри кириб Агепорнинг қлёфасига
605. Ахиллеснинг кўз олдида турди ва у қува бошлади. —  
Бугдойзорни тикка кесиб сал олдинда олиб кетётган  
Аполонни Пелейзода геран Ксанф томон қуваркан  
(Феб найранг-ла унинг чаққоноёқлигин кўнглига солиб,  
Чалғитарди албат етиб олишига умидвор қилиб),
610. Гала-гала бўлиб жангдан қочаётган трояликлар  
Трояга етди шодон; тўлди шаҳар қочоқлар ила;  
Ҳамма кирди, ҳеч ким журъат этолмади бу дарвозадан  
Ташқарида қолганларни кутмоққа ва муҳориблардан  
Ким жон сақлаб, кимлар ҳалок бўлганини аниқламоққа;
615. Чаққонлиги туфайли жон сақлаганлар қувониб қалбан  
Ўзларини дарвозага урдилар нақ кучли долғадек.

## ҲЕКТОРНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Хурккан кийик галасидек шаҳар кирган трояликлар  
Даг-даг титраб суянганча азим девор кунгурасига  
Терларини қотирар ва чанқоқларин қондирадидилар;  
Лек ахейлар тик бостириб келардилар девор пойига.

5. Елғиз Ҳектор бу пайт Аскей минораси рўбарўсида,  
Кенг далада машъум қисмат домида донг қотиб турарди.  
Шу чоқ деди соҳиб қувва Ахиллесга тангри Аполлон:  
«О, Пелейзод, фоний банда, нечун мени — боқий тангрини  
Қувмоқдасан, ёхуд чаққон пойларингдан умидвормисан?»
10. Ё ҳали ҳам сезмадингми маъбудлигим — ғазабланурсан?  
Парво қилмай қўйдинг ҳатто Троянинг лашкарига ҳам;  
У шаҳарга кириб олди; лек сен бунда изғиб юрибсан.  
Чекин; ҳалок этолмайсан, мен — боқийман — ўлмайман асло».

- Ахиллес ҳам ғазабланиб Фебга бундай жавоб айлади:
15. «Лақиллатдинг мени сен, эй фосиқликда беқиёс тангри!  
Мени четга чалғитдинг сен! Йўқса ёвнинг яна кўпини  
Ёр тишлатган бўлардим то дарвозадан кириб улгурмай!  
Маҳрум этдинг мени шондан; Троянинг ўғлонларини  
Осонгина халос этдинг, қўрқмай асло интиқомдан сен...»
20. Бўлгандайди иложим, мен олар эдим интиқом сендан?»

Пойгаларда доим ютиб соврин олган, жангаробага  
Қўшилган ел каби учқур отнинг тегмас ерга туёғи,—  
Ахиллеснинг оёқлари ҳам шундай тез югурар эди.

- Уни аввал кўриб қолди минорада турган Приам;
25. У қуюндек келар эди совутлари юлдуздек чақнаб;  
Бундай юлдуз куз ғаслида чўғдек порлаб чиқар самоғ  
Ва чарақлар сиё тунда мисли ойдек юлдузлар ичра,  
Аммо уни шум аломат даракчиси деб ҳисобларлар  
(Орионнинг ити\* дея ном қўйгандир унга одамлар);
30. Бахтиқаро бандаларга ёвуз безгак уфуради у,—  
Ахиллеснинг мис совути ҳам порларди шу юлдузмисол.  
Приам эса нола чекиб мушт урарди оппоқ бошига,  
Қўлларини кўкка чўзиб, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқаркан,

- Елборарди ўғлонига; вале Ҳектор қопқа олдида
35. Жим турарди Ахиллес-ла жанг қилмоқлик иштиёқида.  
Нуроний чол мунгли сас-ла чўзиб илкин деди ўғлига:  
«Суюк ўғлим Ҳектор, тингла! Жангда ёлғиз рўбарў келма  
Бу одамга, зеро, Пелей ўгли сени маҳв айлагай бот:  
Қудратлироқ эрур сендан бу азамат майдони ҳарбда!
40. У малъунни тангрилар ҳам мен сингари севишгандайди,  
Аллақачон итлар торож қилур эди унинг жасадин!  
Ана унда оғир дарддан тамом фориг бўларди қалбим!  
Жудо қилди мени у кўп ёш ва жасур ўғлонларимдан —  
Ё маҳв этиб, ёхуд олис оролларга қул қилиб сотиб!
45. Бугун ҳам у жудо қилди Ликаон ва Полидоримдан;  
Завжаларим маликаси Лаофоя туққан бу икки  
Ўғломини кўрмайпман шаҳар қочиб кирган эл ичра.  
О! Гар тирик бўлса улар — асирдалар, — аргосликлардан  
Албат сотиб олурмиз мис ва олтинга; бизда кўп улар;
50. Нуроний Альт ўз қизи-чун кўп хазина берганди менга.  
Агар нобуд бўлиб, Аид масканига кўчган бўлсалар,  
Ул мардларни қора кунда туққан шўрлик онаизорнинг  
Ҳамда менинг шўрим қурур ғоят оғир бу жудоликдан!  
Лек Троя халқи учун бу унчалик оғир дард эмас;
55. Ахиллеснинг зарбасидан, ўғлим, омон қолсанг бас менга.  
Азиз Ҳектор, биз билан бўл! Илионга кир, шундагина  
Шаҳримизнинг жами аҳли қутқаргайсан маҳв бўлишдан.  
Ахиллга ҳам бермагайсан имкон зафар қозонмоғига  
Ва ўзинг ҳам соғ қолурсан жудо бўлмай ширин жонингдан!
60. О! Раҳм қил бахтиқаро падарингга — жон чиқар чоғда  
Зевс азобга солур мени кўз олдимда намоён қилиб  
Дунёдаги жами мудҳиш офатларни — токи тирикман;  
Ўғилларим ҳалок бўлур, чўри қилиб олиб кетурлар  
Қизларимни, Пергамдаги хонадонлар вайрон қилинур.
65. Яна маъсум гўдакларни ерга топтаб ўлдирурлар ҳам,  
Шум данайлар судрагайлар асирликка келинчакларни!..  
Шулар барин кўрсатур Зевс менга ҳали... Кўргилик экан!  
Ва ниҳоят, бирон қаттол ёв уйимнинг бўсағасида  
Юрагимни тешиб, жоним вужудимдан суғуриб олгай;
70. Мен мудом ўз дастурхоним неъмат-ла боққан итларим  
Шунда менинг қоним ичиб, остонага маҳзун дил ила  
Бош қўюрлар тилка-пора бўлган жисмим теварагида!  
«О! Жангтоҳда ҳалок бўлган ҳар ёш йигит қандай алфозда  
Ётса ҳамки, айб эмасдир бирон ери очилиб қолса!
75. Вале ҳалок бўлган бирон мўйсафиднинг, қонхўр кўппаклар  
Иягини, бошини у уятини кемирса магар, —  
Бундан оргиқ аччиқ қисмат бўлмагай ҳеч бандалар учун!»

Оҳ урди чол ва тутамлаб юла кетди оппоқ сочини,

- Лекип ўгли Ҳекторни ҳеч ўз аҳдида қайтаролмади.
80. Шунда унинг онаси ҳам бир томонда йиғлади полон;  
У ёқасин чок қилди-ю, қўли билан оппоқ сийнасин  
Кўрсатганча, шундай деди ўз ўглига кўз ёш аралаш:  
«Раҳм қилгил, ўғлим, шўрлик онангга, шу сийнам ҳурмати!  
Мурғак гўдак чоғларингда оқ сут бериб аллалаганим
85. Рост бўлса гар, азиз ўғлим, шуни эслаб тингла каломим:  
Қаттол эрини қаршисида турма ёлғиз, тез кўрғонга кир!  
Ул ғазабноқ гар маҳв этса сени, ўғлим, нуридидамни,  
Насиб этгай на менга ва на хотининг Андромахага  
Бошинг узра аза тутиб кўз ёш қилмоқ; зеро, жисмингни
90. Қонхўр итлар ғажигайлар мирмидонлар қароргоҳида!»

- Ота билан она шундай ўқсиб йиғлаб ёлборардилар,  
Лек уларга азиз ўғлон бу сафар ҳам осмади қулоқ;  
Жим кутарди у тик босиб келётган мард Пелейзодани.  
Заққум гиёҳ еб, вужуди ғазаб ила тўлган аждаҳо
95. Тоғдаги бир ёр оғзида ғажак бўлиб тўлганар экан,  
Кўзидан ўт сочиб ҳар ён аланглайди, ов ахтаради,—  
Ҳектор ҳам дўнг қалқопини тираб қўйиб девор пойига  
Худди шундай мардонавор турар эди рақибин кутиб,  
Ниҳоят у шундай деди ўз-ўзига, маъюс хўрсиниб:
100. «Жангдан қочиб мен шаҳарга кирсам агар, иснодга қолгум!  
Элдан бурун Полидамас таъна тошин отур бошимга;  
Ки у кеча тунда таклиф қилган эди бутун лашкарни  
Илионга қайтармоқни,— жангга кўргач Ахиллни яна.  
Унга қулоқ осмагандим, қулоқ оссам яхши бўларкан!
105. Шу бемулоҳазалигим нобуд қилди бугун халқимни.  
Троялик эркалар ва аёллардан уятга қолдим!  
Илионлик энг олчоқ кас бир кун шундай дейиши мумкин:  
— Ҳектор халқни нобуд қилди ўз кучига ишониб ортиқ!—  
Демакки, минг карра афзал Пелей ўғлин маҳв этиб жангга,
110. Ғолиб қайтмоқ, ё муқаддас Троянинг бўсағасида  
Ҳалок бўлмоқ ул диловар ила бугун жанг қилиб кескин!  
Ё аҳтимол... бу нурафшон қалқонимни ва дубулгамни  
Ечиб қўйиб, мис найзамни эса тираб деворга ҳозир,  
Ўзим пешвоз борсаммикин Пелейзода истиқболига?
115. Агар унга Еленани, унга қўшиб Парис кемада  
Илионга олиб келган — бу ихтилоф ибтидосини —  
Бойликларни қайтаришга сўз берсам-чи битта қолдирмай?  
Айни пайтда, бу муқаддас Трояда мавжуд жамики  
Хазинани йиғиштириб данайларга бўлиб берсам-чи?
120. Ва ниҳоят, онт ичирсам троялик оқсоқолларга:  
Ҳеч нимани яширмасдан, шаҳардаги жами бойликни  
Йиғиб келиб ёвга бермоқ борасида?.. Қандай бўларкин?  
Тавба! Нелар хаёлимга келур? Йўқ, йўқ, ёлбормам унга!

- Пелейзода менга раҳм қилмайдиям, менсимайдиям;  
 125. Аксинча, гар қуролимни ерга қўйсам, у ҳужум қилиб,  
 Шу ондаёқ ожизани маҳв этгандек ўлдирур мени.  
 Йўқ, йўқ, энди висол топган йигит билан қизча сингари  
 Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик\* қўл келмас бизга;  
 Қишлоқи қиз билан йигит бундай чоғда хуш суҳбат қурур;  
 130. Биз, яхшиси, жанг қиламиз! Шунда шохид бўламиз, Зевсинг  
 Иккимиздан кимга ато этганига ғолибиятни!»

- Шундай ўйга толганди у; Арей каби мудҳиш Ахиллес  
 Яқин келди жанггоҳ узра дубулғасин ўтдек порлатиб;  
 Унг елкага кўтарганди шумтол бандли ота найзасин;  
 135. Эгнидаги совутлари порлар эди кўз қамаштириб,  
 Нақ ўт олган алангадек, бош кўтариб чиқаётган қуёшдек ёхуд.  
 Ҳектор кўриб қўрқиб кетди; туrolмади Ахиллни кутиб;  
 Қочди Аскей қопқасидан, юрагини ҳовучлаганча.  
 Умид боғлаб пойларига, қува кетди уни Ахиллес,  
 140. Қушлар ичра энг чаққони тоғ лочини ғайри тасаввур  
 Тезлик билан учиб, қўрқоқ кабутарнинг пайига тушар:  
 Шўрлик унга чап берар, лек лочин унинг ортидан қолмас  
 Ва аксар пайт қийқирганча ҳамла қилиб ўлжани тутар, —  
 Ахиллес ҳам мисли қуюн қувар эди Ҳектор ортидан,  
 145. У «оёғин қўлга олиб» қочар эди девор ёқалаб.  
 Улар жадал бир тепадан ва бир анжир ёнидан ўтиб,  
 Арава йўл бўйлаб шаҳар деворидан узоқлашдилар  
 Ва едилар зилол суви қайнаб турган икки булоққа,  
 Ки сертўлқин Аскамандр сарчашмаси эди бу сувлар.  
 150. Бир чашмадан ғоят қайпоқ сув оқарди ва унинг устин  
 Мутасил буғ буркаганди, гулхан узра қалққан тутундек;  
 Иккинчисин суви ҳатто саратоннинг ўртасида ҳам  
 Мисли дўл ё паға-паға ёққан қордек муз ва ях эди.

- Шу булоқлар яқинида силлиқ тошлар билан ўралган  
 155. Икки нажиб ҳовуз бўлиб, бир замонлар, тинчлик даврида  
 Троялик хогишлар ва дилбар қизлар бу ҳовузларда  
 Қир ювгани келардилар — аргосликлар келмасдан олдин.  
 Қочётган ҳам, қувётган ҳам елиб ўтди шу ҳовузлардан.  
 Қочган кучли, қуваётган минг бор ундан кучлироқ эди,  
 160. Лек бу пойга, пойгачилар оддий музди: қурбонлик буқа  
 Ёки унинг терисини олиш учун бошланмаганди;  
 Йўқ, Ҳекторнинг жони учун бошланганди бу мусобақа.  
 Марҳум эрнинг руҳини шод этмоқ учун уюштирилган  
 Пойгаларда чавандозлар нодир соврин: навниҳол қиз ё  
 165. Сепояга эришмоқ-чун кенг даврани уч маротаба  
 Елдек чопиб чиққанидек қуюн янглиғ учқур отларда, —  
 Бу мардлар ҳам уч марота чопиб чиқди буюк Троя

- Атрофни. Худовандлар кузатарди улар пойгасин.  
 Деди шунда боқийлару фонийларнинг сарпадари Зевс:
170. «Э воҳ! Менга азиз бўлган паҳлавонни қувганларини  
 Кўрдиму мен оғир андуҳ қамраб олди юрак-бағримни!  
 Покдил Ҳектор менга атаб буқаларнинг семиз сонини  
 Кўп марта ёндирганди Пергамда ва юксак Идада:  
 Бугун эса елдек чопқир ва ғоратгар Ахилл Ҳекторни
175. Тирқиратиб қувламоқда Троянинг бўсағасида.  
 Ё тангрилар, дилдан пухта ўйлаб кўринг, маслаҳат беринг:  
 Сақлаймизми Ҳекторни биз шум ўлимдан, ё Пелейзоднинг  
 Бу сафар ул диловарни енгшига йўл қўямизми?»
- Шахло кўзли қиз Паллада жавоб қилди шу заҳот Зевсга:
180. «Булутқувар, чақмоқотар ота! Нелар деюрсан асти?  
 Тузилганда қисматига ҳалок бўлмоқ битиб қўйилган  
 Бир бандани шум ўлимдан буткул халос этмоқчимисан?  
 Ихтиёринг, лекин сенга қўшилмагай аксар маъбудлар!»
- Булутқувар Зевс қизига шу заҳоти айлади жавоб:
185. «О, Афина, эрка қизим, қўрқма асло! Жиддиймас гапим.  
 • Сенга бўлган марҳаматим ҳади йўқдир, азиза қизим.  
 Юрагингда не ниятинг бўлса бажар, пайсалга солмай».
- Деди Зевс ва Афипанинг жўшқин қалбин жўштирди яна;  
 Юксак Олимп чўққисидан у қуюндек учди заминга.
190. Ахилл эса қувар эди мард Ҳекторни мудом бетўхтов.  
 Този кийик боласини ҳайдаб чиқиб ғордан — инидан,  
 Қува бошлар чакалакзор ва жарлиқлар оша тоғма-тоғ:  
 Ҳаттоки у бирон бута панасига беркинганда ҳам,  
 Унинг иси ва изидан қува-қува тутгай ниҳоят,—
195. Ахиллесдан қочолмади кийик каби Приамзода ҳам.  
 Ҳар гал қопқа сарҳадидан ўтётганда Ҳектор сарбаланд  
 Минорага ўзин урмоқ бўлар эди. Троялиқлар  
 Уни шунда ҳифз қилган бўлардилар деворда туриб  
 Лек ҳар сафар чаққон Ахилл нажот йўлин тўсиб, Ҳекторни
200. Четга қувар, ўзи эса югурарди девор ёқалаб.  
 Туш кўрганда одам қувган одамига етолмагандек,  
 Бири қочиб кетолмай ҳеч, бири қувиб етолмагандек, —  
 Ҳектор қочиб кетолмасди. Ахилл қувиб етолмас эди.  
 Ҳектор бу гал машум қисмат ва ўлимдан қочолмасди ҳам,
205. Гар Аполлон сўнгги марта унга мадад бермаганида;  
 У Ҳекторнинг билагига куч, пойига ғайрат бахш этди.  
 Пелейзода лашкарига боши билан ишора қилиб,  
 Фармон берди Приамзода устига ўқ ёғдирмасликни,  
 Ки Ҳекторни ўзи енгиб, ёлғиз ўзи шон қучмоқчийди.
210. Тўртинчи бор етганида улар Ксанф сарчашмасига,

- Чақмоқдор Зевс олиб олтин тарозуни, қўш палласига  
 Мангу уйқу бахш этувчи икки ўлим қуръасин қўйди:  
 Битта қуръа Ахиллники, иккинчиси Ҳекторникийди.  
 Тарозуни кўтарди Зевс; оғир кетиб Ҳектор палласи,  
 215. Тортди уни Аид сари; Феб ўзини олди чеккага.  
 Чашми тобон Афинея келиб Пелей ўғли қошига,  
 Унга шундай дабдабали сўзлар ила таважжуҳ қилди:  
 «О, таңгрилар арзандаси, саховатли Ахиллес, бугун  
 Буюк зафар элтажакмиз мирмидонлар қароргоҳига:  
 220. Жангга тўймас Ҳекторни биз бугун албат ғориб этгаймиз.  
 Ўйлайманки, энди ул мард биздан қочиб қутулолмайди,  
 Паногоҳи кумушкамон Феб — Аполлон қанча тер тўкиб  
 Ёлбормасиң, қодир падар чақмоқдорнинг пойига ётиб.  
 Сен, Пелейон, дамингни ол; Приамзодни ўзим қошингга  
 225. Бошлаб келиб, уни сен-ла жанг қилмоққа даъват этаман».

- Шундай деди Зевснинг қизи; Пелейзода ҳам рози бўлди  
 Ва мис тигли улкан обдор найзасига таянди аста.  
 Афина ҳам елдек учиб етиб олди Приамзодага.  
 Тўхтаб унинг қаршисида Деифобнинг қиёфасида,  
 230. Маккорона сўзлар айтди овозин ҳам ўзгартирганча:  
 «О, эъзозли оғам! Сени Ахиллес кўп қийнаб қўйибди  
 Азим шаҳар Троянинг атрофида бетўхтов қувиб.  
 Кел, шу ерда тўхтайлигу кутайлик биз мардни мардона!»

- Қодир оға — дубулғаси обдор Ҳектор жавоб айлади:  
 235. «О, Деифоб! Сен азалдан энг суюкли иним бўлгансан  
 Ҳекуба ва Приамдан дунё келган ўғиллар ичра;  
 Энди эса сенга бўлган меҳрим яна бўлди зиёда;  
 Зероки, сен мени даштда ёлғиз кўриб, ёрдам бергани  
 Чиқиб келдинг, лек бошқалар ўтиришти қўрғонда лоқайд».

240. Яна унга жавоб қилди чақмоқдорнинг шаҳло кўз қизи:  
 Ҳектор, mening пойим қучиб ёлбордилар отам ва онам;  
 «Бизни ташлаб кетма», дея ёронлар ҳам қилди илтижо;  
 Шу даража олдиришган юракларин уларнинг бари,  
 Аммо қалбим сени қўмсаб, ундайверди истиқболингга.  
 245. Кел, иккимиз дадил туриб, оташин жанг қилайлик бунда:  
 Найзаларни аямайлик: қани, Ахилл биз иккимизни  
 Ҳалок этиб, кемасига қонли силоҳ-совутимизни  
 Элтармикин, ё сен уни найзанг-ла маҳв этармикансан!»

- Шундай найранг сўзлар билан Ҳекторни у бошлади олға.  
 250. Икки ботир келиб турди бир-бирининг рўбарўсига.  
 Ахиллесга аввал обдор дубулғали Ҳектор гап қотди:  
 «Пелейзода, энди ортиқ олиб қочмам сендан ўзимни!  
 Мен ҳамлангдан қочиб, уч бор Троянинг гир атрофини

255. Елиб чиқдим: лекин энди қалбим мени даъват этмоқда  
 Сен ила жанг қилмоқликка; ё ўламан, ё ўлдираман!  
 Тангриларни шоҳидликка чақирайлик; яхши гувоҳдир  
 Улар бари, шартимизга холисона амал қилурлар:  
 Башарти Зевс иродаси ила сендан устун чиқсаму  
 Қуролим-ла жошинг олсам, жасадингни таҳқирламайман;  
 260. Фақат ажиб совутингни ечиб олиб, мирмидонларга  
 Қайтиб бергум жасадингни; сен ҳам амал қилгил шу шартга».

Чаққоноёқ Ахилл унга ўқрайганча бақириб берди:

- «О, сен манфур ағёр Ҳектор, менга таклиф қилма шартингни!  
 Шер ва одам орасида бўлмаган ва бўлмас иттифоқ;  
 265. Ҳеч қачон қўй бўри билан дўст ва тотув яшай олмай;  
 Улар мудом бир-бирига қарши ғаддор ғаним эрурлар,—  
 Худди шундай, иккимизнинг ўртамизда ҳеч қандай меҳр  
 Еки битим зоҳир бўлмас, то битамиз жондан айрилиб,  
 Ўз қони-ла қаҳқор Арей чанқоғини қондирмагунча!  
 270. «О, диловар, ишга сол ҳарб сапъатингни! Зероки, бугун  
 Сен энг моҳир найзаапдоз ва мард жангчи бўлмоғинг керак!  
 Қочмоққа ҳеч имконинг йўқ; тезла менинг мис найзам ила  
 Афина маҳв этгай сени; ана шунда бирваракайга  
 Жанггоҳда сен ҳалок қилган дўстларимнинг хуни олгайман!»  
 275. Деди у ва чўнг найзасин қулочкашлаб туриб итқитди.  
 Дубулғали обдор Ҳектор буни кўриб чап бериб қолди;  
 У энгашди, тепасидан учган найза санчилди ерга;  
 Лек Паллада троялик мард Ҳекторга кўринмай туриб,  
 Уни ердан суғурдию Ахиллесга тутқазди яна.  
 280. Ҳектор балад овоз билан паъра қилди Пелей ўглига:  
 «Зарбанг бекор кетди, қаттол! Сен маъбудваш, эшитмагансан  
 Қисматимни тангри Зевсдан, гарчи, шундай деган бўлсанг ҳам;  
 Шунчаки, сен макр ила қуруқ вайсаб, мени — Ҳекторни  
 Қўрқитмоқчи, жасоратим ва қудратим қирқмоқ бўлгансан,  
 285. Йўқ, қочмам мен; найзангни сен курагимга санчолмагайсан,  
 Мард бўлсанг, тик кўксимга санч тангри хоҳиш билдирса магар.  
 Илло менинг найзамдан ҳам эҳтиёт бўл! О, кошки эди  
 Унинг ўткир тиғин сенинг алп тўшинга ботира қолсам!  
 Илионли ўғлонлар-чун бу қонли жанг энгил кўчарди,  
 290. Гар сени мен маҳв этолсам — сени; халқинг машъум офатин!»

- Деди у ва, чўнг найзасин қулочкашлаб туриб итқитди,  
 Бориб тегди найза Ахилл қалқонининг қоқ ўртасига;  
 Вале найза урилдию чатнаб қайтди орта қалқондан.  
 Ҳектор кўриб хафа бўлди найзасининг зое кетганин;  
 295. Эсанкираб қолганди у; ўзга найза йўқ эди қўлда.  
 Шунда янгроқ овоз билан инсини ёрдамга чорлаб,  
 Найза талаб қилди; аммо ғойиб бўлган эди Деифоб.



- Буни Ҳектор ўз қалби-ла ҳис этдию деди ўзига:  
«Не надомат! Менга ўлим йўлламоқда боқий таңгрилар!»
300. Жасур иним Денфобни менга қўлдош деб ўйлагандим;  
Илионда ўтирур у; лақиллатди мени Паллада.  
Енбошимда турур Ўлим! Қочолмайман энди мен унда!  
Йўқдир нажот! Шубҳасизки, авваллари пуштипаноҳим,  
Халоскорим бўлган Зевс ва Зевс ўғлони таңгри Аполлон
305. Шундай ҳукм чиқарганлар; мана, чиқди қисматим ҳукми!  
Лек бекорга ўлма, хоки тубоб бўлма шухрат қозонмай;  
Бир жасорат кўрсатайки, авлодларга етсин довругим!»
- Шундай деб, у чап ёнига осилган чўнг ғилофдан улкан,  
Ниҳоятда ўткир, залвар шамширини суғурди жаҳд-ла;
310. Булутлардан ҳам баланда учиб юриб, тўсатдан ерда  
Бир қуён ё қўзичоқни кўриб қолган очофат бургут  
Шўнгингандек бирдан пастга,— мард Ҳектор ҳам бутун кучини  
Йиғиб, бирдан олга юрди силкиганча қаттол шамширин.  
Ахиллес ҳам ҳамла қилди бутун қалби тўлиб ғазабга;
315. У муҳташам ва сербозак қалқони-ла тўсди кўксини;  
Тебранади бошидаги тўрт қатламли чўнг дубулғаси,  
Бу дубулға чўққисига — тароғига Ҳефест қўли-ла,  
Қўндирилган олтин рангли бир тутам ёл елпинар эди.  
Зулмат тунда юлдузларнинг орасида чўлпон юлдузи
320. Қандай гўзал шуъла сочиб порлаб турса кечки шафақдек,—  
Ахиллеснинг ғоят ажиб найзаси ҳам порларди шундай;  
Ўнг қўлига ушлаб уни Приамзоднинг жонин олмоққа  
Чоғланаркан, ахтарарди рақибининг қалтис ерини.  
Лек Ҳекторнинг бутун жисми, Патроклини ўлдирганида
325. Ечиб олган ҳашаматли мис совут-ла тўсилган эди.  
Фақат унинг ўмровидан сал юқори — ҳалқумигина  
Очиқ қолган эдики, шу эди ёлғиз заиф томони;  
Ела келиб найза санчди Ахилл унинг шу ҳалқумига;  
Мард Ҳекторнинг оппоқ бўйини тешиб ўтди ажалкаш найза,
330. Фақат узиб юбормади буткул унинг кекирдагини,  
То ўлими олдидан у айта олсин икки оғиз сўз;  
У заминга «гур» қулади,— наъра тортиди Ахиллес шодон:  
«Патроклини ўлдириб сен ўзинг тирик қолмоқчи эдинг!  
Сен мендан ҳам ҳайиқмадинг, жанг қилмасдан турган чоғимда,
335. Йўқ, эй подоп ғаним! Ахей кемалари панасида мен —  
Унинг сендан минг бор кучли қасоскори — мен турган эдим.  
Ҳа, мен сенинг тизинг букдим! Ем бўлгайсан иту зоғларга,  
Патроклини эса иззат билап дафн қилур данайлар».
- Дубулғаси обдор Ҳектор деди унга зўр-базўр ихраб:
340. «Азиз жонинг, ота-опанг ҳаққи, сенинг пойинг қучаман.  
Елбораман, отма жисминим мирмидоннинг ит, зоғларига;  
Сен оғзингга сиққанича мис ва олтин сўра мен учун;

Айтганингни юборурлар падарим ва меҳрибон онам;  
Жасадимни қайтарсанг бас, токи жами трояликлар  
345. Аза тутиб, иззат билан бул жисмимни ўтга қўйсинлар».

Чаққоноёқ шох Ахиллес деди унга хўмрайиб туриб:  
«Сен, ит, бекор қучма пойим, тилга олма отам-онамни!  
Қулоқ оссам ғазабимга, ўзим гўштинг еган бўлардим.  
350. Сени тилка-пора қилиб, — бизга шунча бадкорлик қилдинг?  
Йўқ, ҳеч бир кас жасадингни кемирётган итни ҳайдамас!  
Агар менга ўн, йигирма марта ортиқ бебаҳо тухўфа  
Олиб келиб, яна шунча бойлик ваъда қилишганда ҳам;  
Шоҳ Приам вазнингга тенг олтин тортиб берганида ҳам,  
Ҳекуба ўз туққан ўглин кўролмайди ўлим тўшакда,  
355. Бошинг узра тўйиб-тўйиб йиғлолмайди онаизоринг;  
Жасадингни қузғунлару итлар талон-тарож қилгайлар!»

Дубулғаси обдор Ҳектор деди унга жон берар экан:  
«Сезган эдим илтижомни инобатга олмаслигингни:  
Кимлигингни билар эдим; тошдан экан юрагинг сенинг.  
360. Шошма ҳали, сен нечоғлик иқтидорли бўлма, барибир.  
Парис ила чўнг мерган Феб сепи Аскей дарвозасида  
Маҳв этганда, мен тангрилар қаҳри бўлиб зоҳир бўлгайман!»

Ҳектор шундай дедию шум ўлим юмди унинг кўзини;  
Жисмимни тарк этиб руҳи, аста тушар экан Аидга,  
365. Зорланди куч ва ёшлигин тортиб олган талх қисматидан.

Пелейзода яна хитоб қилди шунда ўлик жасадга:  
«Сен ўлавер! Ўз муқаррар ўлимимни мен адл туриб  
Қутиб олгум, чақмоқдор Зевс ва тангрилар раво кўрган он!»

Шундай дея тортиб олди у жасаддан қаттол найзани  
370. Ва бир четга отиб уни, мард Ҳекторнинг қонли совутин  
Еча кетди. Ўзга ахей мардлари ҳам келдилар елиб.  
Ҳамма ҳайрат билан боқар паҳлавоннинг бўйи-бастию  
Жамолига ва санчарди бир-бир келиб унга пайзасин.  
Баъзи эрлар бир-бирига юзланишиб шундай дердилар:  
375. «Қара, Ҳектор кемаларга ўт қўймоқчи бўлган чоғига  
Қараганда, анча мўмин ва мулоийм бўлиб қоптимиз?»

Кўплар шундай дер эдилар, яқинлашиб тиг санчарқанлар.  
Лекин бу пайт Пелейзода ечинтириб бўлиб жасадни,  
Ахейларнинг даврасида шундай баландпарвоз нутқ айтди:  
380. «О, ёронлар, мард ахейлар, о, Арейнинг жасур лашкари!  
Бир ўзи ўз лашкаридан кўп ёвузлик қилган бу эрни  
Маҳв этишга ноил қилди охир мени боқий тангрилар.  
Энди ҳужум қилгаймиз биз метиндевор азим шаҳарга;  
Ҳужум қилиб, унинг аҳлин ниятини билиб олгаймиз;

385. Энди Ҳектор ўлгандан сўнг, тарк этурми улар қалъани,  
 Ёки уни муҳофаза қилурларми саркардасиз ҳам?  
 Эвоҳ, нечун бундай хаёл қутқу солур менинг қалбимга?  
 Бандаргоҳда дафн этилмай ётур ҳамон дўстим Патрокл!  
 Ҳали тирик эканман мен, юрарканман тириклар аро,  
 390. Оёқларим ҳаракатда экан асло унутмам уни!  
 Ўлган банда хотирасин йўқотади Аидга тушгач;  
 Ҳатто ўшал масканда ҳам унутмам мен содиқ дўстимни!  
 О, ахейлар, келинг энди куйлаганча зафар қўшигинг  
 Приамзоднинг жасадини бандаргоҳга судраб борайлик.  
 395. Биз мунаввар зафар қучдик! Ҳалок бўлди илоҳий Ҳектор!  
 Троялик мардлар худо деб сиғинган диловар Ҳектор!»

Деб, ношоист бир иш қилди Пелейзода жасадни хўрлаб:

- У Ҳекторнинг товони ва тўпиғининг орасидаги  
 Пайни тешиб, ундан тасма ўтказди-да жангаробага  
 400. Боғлаб қўйди тасма учин; жасад боши судралди ерда;  
 Аробага чиқдию у кўз-кўз қилиб нодир совутни,  
 Қамчи урди отларига: муте отлар елди шамолдек,  
 Тўзон турди ер сидириб бораётган жасад ортидан;  
 Приамзоднинг бир вақтлар кўп бежирим бўлган боши ҳам,  
 405. Унинг қора сочлари ҳам чангга ботди; бу улуг бошни  
 Ўз юртида таҳқирларди энди ғаним Зевс хоҳиши-ла!  
 Ўз дилбандин чангга ботиб хор бўлганин кўрган волида  
 Юлиб оппоқ сочларини, бошидаги ўртугин отиб,  
 Оҳ урганча ўғлин қўмсаб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади.  
 410. Аччиқ-аччиқ кўз ёш қилди кекса ота; бутун аҳоли  
 Аза тутди; оҳу нола босиб кетди бутун шаҳарни.  
 Гўё азим Илионни пойидап то чўққисигача,  
 У бошдан-бу бошигача ёнғин қамраб олгандай эди!  
 Ўзин Аскей қопқасига отиб, жанггоҳ чиқмоқчи бўлган  
 415. Ғамнок чолни зўрга ушлаб турардилар трояликлар.  
 Маҳзун подшо ҳар бир эрни номин атаб, оёқларига  
 Йиқиларкан, ўксиб-ўксиб йиғлар эди илтижо қилиб:  
 «Тутманг мени, о, азизлар, қўйинг, чиқай шаҳар ташига!  
 Боргум ўзим мирмидонлар кемалари пойига ёлғиз  
 420. Ва ёлборгум ул тошбағир, бедиенат Пелейзодага.  
 Оқ соқолим ҳурмати, у шафқат қилар мен қарияга;  
 У ҳам инсон, мункиллаган падари бор унинг ҳам мендек;  
 Кекса Пелей Троянинг шўри қилиб ўстирди уни,  
 Валекин юз карра менинг — Приамнинг шўри бўлди у!  
 425. У не-не ёш ўғилларим хазон қилди муҳорабада!  
 Ҳаммаларин ўлгани ҳам бир бўлдию, сарлочинимдан  
 Айрилганим ўзи ҳам бир азоб бўлди; бу андуҳ мени  
 Гўрга тикқай! О, кошкийди жон берса у шу қўлларимда  
 Ҳеч бўлмаса йиғлаб-йиғлаб юрагимиз бўшатардик биз,—

430. Биз, потавон ота билан бахтиқаро она иккимиз!»

Ҳўнг-ҳўнг йиғлаб деди подшо; жўр бўлдилар трояликлар  
Ҳекуба ҳам хотин-халаж ичра мунгли йиғлай бошлади:  
«Нуридийдам, не азобга қолдирдинг мен — бахтиқарони?

Илионда менинг ёлғиз фаҳрим эдинг кечаю кундуз,  
435. Сен суянган тоғи эдинг эркак, аёл, ёшу қарининг!  
Ҳар ерда эл пуштипаноҳ худованддек хушларди сени:  
Сен Троя элин буюк ифтихори эдинг, тойлогим,  
Бағримиздан тортиб олди ўлим сендек азиз инсонни!»

Лек Ҳекторнинг аҳволини билмас эди унинг завжаси;  
440. Ҳали ҳеч ким дарвозадан ташқарида, жанг майдонида  
Унинг ўлиб ётганини айтмагани югуриб келиб.

У қасрининг энг чекка бир гўшасида қирмизи мато  
Тўқир эди, ажиб турфа гуллардан нақш солиб сатҳига.  
Сал олдиброқ амр этгани у сумбулсоч жорияларга,

445. Маҳобатли сеоянинг остига ўт қалаб, жанггоҳдан  
Ҳориб қайтган Приамзодга сув иситмоқ лозимлигини.  
Шўрлик хотин! У Ҳекторни кенг далада Ахилл қўли-ла  
Афиней ўлдирганини хаёлига ҳам келтирмасди.

Бирдан фарёд қилган сасни эшитди у минора ёқдан,  
450. Вужуди бир сескандию тушиб кетди қўлдан урчуғи;  
Туриб кетиб у ўрнидан деди икки жориясига:  
«Қани туринг, юринг мен-ла, кўрмоқчиман не бўлганини;

Қайнотамнинг овозини эшитурман; қалбим ҳаприқиб  
Чикмоқ бўлур ўз қинидан; тиззаларим қалтирамоқда!  
455. Приамзодлар бошига бир шум фалокат тушмадимикин?..  
О! Даф бўлсин хунук хабар! Лек барибир қалбим ларзада...  
Ё аҳтимол тапгримонанд мард Ҳекторни дашитда Ахиллес  
Қопқа ёққа йўлини кесиб қувяшқандир якка ўзини?  
Тағин эрим жасоратдан бевақт жудо бўлмадимикин?

460. Ботир Ҳектор ҳеч вақт ўзини урмас эди оломои ичра;  
Донм олға отиларди, жасоратда беқиёс эди!»

Шундай деб у ўз кўшкидан елиб чиқди ҳаяжои ила  
Гўёки бир менададек: жориялар эргашди унга;  
Учиб чиқди минорага, одамларнинг орасини ёриб

465. Олға ўтди ва атрофга кўз югуртиб девор бошидан,  
Бошдан-оёқ чапга ботган бир жасадни кўрди далада,—  
Отлар ахей кемалари томои судраб борарди уни.

Андромаха кўз олдини бирдан қора зулмат буркади;  
Бир оҳ уриб ҳушдан кетди у чалқанча йиқилар экан.

470. Бошидаги ҳашаматли боғичлар ҳам, ажиб уқадан  
Жияги бор нафис тўр ҳам, олгин тожли Афродитанинг  
Аргуони — уртуғи ҳам учиб кетди (пахлавон Ҳектор  
Бир вақтлар бисёр қалип эвазига Андромахани

- Этионнинг мақомидан ўз уйига олиб кетганда,  
 475. Бу бебаҳо уртукни ҳур Афродита тухфа қилганди).  
 Қути ўчган, ғам адойи тамом қилган Андромаханинг  
 Атрофида овсиб, қайин сингиллари парвона эди.  
 У ҳушига келиб охир чуқур бир тин олдию сўнгра  
 Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб фарёд чекди аёллар ичра:  
 480. «Шўрпешона эканман мен, о Ҳекторим! Иккаламиз ҳам  
 Бадбахт бўлиб туғилибмиз: сен — Приам кошонасида,  
 Мен — Фивада, Плак тоғин ён бағрида, шоҳ Этионнинг  
 Мақомида; бадбахт отам мени — бадбахт қизин паналаб  
 Катта қилди. О, яхшийди бу кунимдан туғилмаганим!  
 485. О, шавҳарим, сен Андра — ер қаърига рихлат этисан  
 Мен бевани ғаму андуҳ оғушига ташлаб тамомам:  
 Энди икки бенаводан дунё келган шўрлик ўғлимиз  
 Етимликнинг машаққатин тортур мудом! О, энди на сен  
 Унга ҳомий бўлоласан, на у сенга таянч бўлади!  
 490. Ҳаттоки у ахейларнинг қирғинидан омон қолса ҳам,  
 Қолган умри оғир меҳнат, қайғу-ҳасрат билан ўтади;  
 Бегоналар тортиб олур етимчанинг еру сувини.  
 Махрум бўлур шўрлик етим дўстларида, бошпанасида:  
 Кўзлари нам ва боши ҳам тентиб юрар болам бечора.  
 495. Гадо бўлиб отасига дўст бўлганлар уйига борса  
 Ва гоҳ унинг, гоҳо бунинг этагидан оҳиста тортса,—  
 Баъзилар раҳм қилиб қадаҳ тутгай етим оғзига,—  
 Аммо лаби нам бўлар-у, томоғига етмас томчи ҳам.  
 Баъзан уни кўкрагига туртиб ҳайдар ота-онаси  
 500. Тирик бола остонадан дилни ваёрон қилувчи сўз-ла:  
 — Тур, йўқол, кет! Падаринг йўқ уйимизда меҳмонлар аро!—  
 Авваллари отасининг тиззасида ўтириб олиб,  
 Қўй илиги ва гўштиги тўйиб еган Астианаксим  
 Ўксиб-ўксиб йиғлаганча бева она қошига келар;  
 505. Бир вақтлар ўйнаб-ўйнаб чарчаганда, энагасининг  
 У оромбахш қучоғида, пар тўшакда бамайлихотир  
 Ширин уйқу оғушида тўйгунинча ухларди ётиб.  
 Аҳволи не кечгай энди бу бепадар Астианаксининг.—  
 Шу ном билан атардилар уни доим трояликлар,  
 510. Зеро, фақат сен қошқани муҳофаза қилгандинг, Ҳектор;  
 Энди бўлса ёв кемаси этагида, биздан йироқда  
 Ит ғажиган қип-яланғоч жасадининг қуртлар кемирар!  
 Яланғочсан! Лек аёллар тўқиб, тиккан нафис ва гўзал  
 Либосларинг кошонангда гард тегмасдан ётур бесаноқ!  
 515. Улар бари энди ўтга ташлагайман мен бахтиқаро!  
 Даркор эмас сенга улар, қиёлмайсан уларни энди!  
 Эл олдида ёққум сенинг шарафингга жами либосинг!»

Шундай пола қиларди у; жўр бўларди барча хотинлар.

# ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

## ПАТРОКЛИНИ ДАФН ЭТИШ. ҲИЙНЛАР.

Трояда ҳамма шундай ғам чекарди. Бу пайт ахейлар  
Қайтиб бориб Ҳеллеспонтийнинг бўйига, ўз кемаларига,  
Шу ондаёқ лашкаргоҳнинг чор ёнига тентиб кетдилар.  
Лек Ахиллес изн бермай ўз лашкарин тарқалишига,

5. Шундай деди ул жанговар паҳлавонлар жамоасида:  
«Елдек учқур суворийлар, мирмидонлар, содиқ дўстларим!  
Чиқармаймиз зарангтуёқ отларни жангаробалардан;  
Биз ҳозир от, аробада Патроклининг қошига бориб,  
Аза тутиб иззатлаймиз марҳум руҳин муносиб тарзда.
10. Аччиқ-аччиқ йиғлаб, таскин бергандан сўнг ўз қалбимизга,  
Ўшал ерда отларга дам бериб, кечлик қиламиз бирга».

Деб йиғини бошлади у; бутун лашкар жўр бўлди унга.  
Айландилар тулпорларда йиғлаб жасад атрофин уч бор  
Мирмидонлар; юмшатганди улар дилин она Фетида.

15. Кўз ёшидан кенг қумлоқ ҳам, совутлар ҳам жиққа ҳўл бўлди:  
Лашкар шундай аза тутди ўз қудратли саркардасига.  
Шоҳ Ахиллес бошлаб берди аччиқ-аччиқ йиғлаб азани  
Жонсиз дўстин кўкрагига қўйганича кучли қўлларин:  
«Суюн, о, мард Менетийзод, бўлсанг ҳамки Аид уйида!
20. Сен учун не қилмоққа оит ичган бўлсам — барин бажаргум;  
Ҳекторни мен судраб келдим, итларга ем бўлмоғи аён;  
Сенинг қасдинг олиб, дафн гулханингнинг ёнида ҳали  
Ўн иккита троялик азаматнинг бошин оламан!»

У Ҳекторни ҳақоратлаб, бир ношоист ишга қўл урди:

25. Тупроққа юзтубан отди — Потроклининг пойи остига.  
Бу пайт ечиб мирмидонлар ўз сержило зирҳларини,  
Зарангтуёқ отларин ҳам чиқардилар аробалардан;  
Кейин ҳамма Пелейзода кемасининг жойига инди;  
Маъракаош бермоқчийди Ахилл марҳум дўстин хотирлаб.
30. Семиз-семиз буқачалар бўкирарди бўғизланаркан,  
Соп-саноқсиз қўй-эчкилар маърашарди қассоб қўлида;  
Сўйлоқ тиши оқ, бўрдоқи чўчқачалар ҳам сўйилди бисёр,  
Қабоб қила бошладилар ҳамма гўштни оловга қўйиб;  
Қурбонгоҳда қон дарёдек, мисли селдек оқди дамо-дам,

35. Бу пайт ахей сардорлари аза тутган шоҳ Ахиллесни  
Зўрға гапга унатишиб бош саркарда истиқболига  
Бошладилар. Агамемнон Ахиллеснинг аҳволини кўриб,  
Чанг ва қондан балки фориг бўлмоқ истар, деган мақсадда,  
Чодирига ташриф қилган жарчиларга амр этди дарҳол
40. Ўтга улкан мис сепоя қўймоқни ва сув иситмоқни.  
Лек Ахиллес қасам ичиб, ювинмоқдан бош тортди мутлақ:  
«Йўқ, Зевс ҳаққи, энг улуғвор ва энг қодир худованд ҳаққи!  
То дўстимнинг жасадини ёндириб дафн этмагунимча.  
То сочимни кесмагунча,\* бир томчи ҳам сув қуёлмайман
45. Ўз бошимдан! То тириклар орасида зоҳир эканман,  
Ўзга бундай аламли дард банд этолмас менинг қалбимни!  
Ҳай, на чора, тезроқ бориб бошлайлик талх ва бад базмни.  
Сен, о мардлар ҳукмдори Агамемнон, амр эт лашкарга,  
Мудҳиш Аид мақомига рихлат этган Патрокл учун
50. Эрта тонгдан тоққа чиқиб дарахт кесиб олиб келсинлар  
Ва соҳилга уйиб уни гулхап учун шайлаб қўйсинлар.  
Токи тезроқ кўз олдимдан ниҳон этсин Менетийзодни  
Ланг Ҳефестнинг қудсий ўти; тезроқ лашкар киришсин ишга».

Шундай деди диққат билан тинглаб уни, рози бўлди эл.

55. Шу ердаёқ ҳамма кечлик тановулга ўтирди бирдай;  
Хўп мириқиб овқатланди ҳамма, ҳеч ким камситилмади;  
Овқат еб ва шароб ичиб қоришлари тўйгандан кейин,  
Ҳамма бир-бир тарқалди ўз чодирига ором олгани.

Фақат Ахилл мирмидонлар даврасида, беором денгиз

60. Соҳилида, бўтана сув этагида, кенг майсазорда  
Аччиқ-аччиқ нола чекиб, кўксин захга бериб ётарди.  
Шу чоқ уни, одамларнинг юрагига таскин берувчи  
Ширин уйқу элитди тез; Троянинг теварагида  
Мард Ҳекторни қува-қува толиққанди оёқ-қўллари.
65. Патроклининг руҳи пайдо бўлди шу чоқ Ахилл хобида,  
Бўйи-баста ва кўзлари жуда ўхшар эди марҳумга;  
Либоси ҳам, овози ҳам ўша-ўша, қуйиб қўйгандай.  
Арвоҳ Ахилл боши узра туриб, шундай гапирди унга:  
«О, Ахиллес, ухляяпсан! Наҳот мени унутган бўлсанг?
70. Бундай лоқайд қарамасдинг менга зинҳор, тириклигимда!  
Дафн эт тезроқ, мен ҳам кирай даргоҳига тангри Лиднинг!  
Қувмоқдалар руҳ, арвоҳлар мени унинг дарвозасидан,  
Бермаяпти улар имкон дарё кечиб ўтишимга ҳам.  
Мен бесамар кезмоқдаман тангри Аид остонасида.\*
75. Илқингни бер, юрагим ғаш; бошқа қайтиб келмайман асло  
Тангри Аид мақомидан, мени ўтда ёққанингдан сўнг!  
Бир вақтлар мирмидонли дўстлардан биз овлоққа ўтиб

- Кенгашардик; энди сира қайтмас ундай ширин паллалар;  
 Манглайимга битмиш маңфур қисмат менинг жонимни олди.
80. Бу шум қисмат сенга ҳам, о Пелейзода, шу Троянинг  
 Қаршисида хоки туроб бўлмоғингни каромат қилган!  
 Сенга яна бир сўз айтгум, қулоқ осиб амал қил унга:  
 Дафн этишсин менинг хоким ила сенинг хокингни бирга;  
 Иккаламиз болалиқдан бирга катта бўлгаимиздек.
85. Бундан кейин бирга бўлсин хокимиз ҳам абадул-абад.  
 Отам мени бир замонлар ватанимиз Опунт шаҳридан  
 Сизникига келтирганди, чунки ошиқ талашиб бир кун  
 Амфидамас ўғлини бехос ўлдиргандим тентаклик қилиб.  
 Саховатли отанг мени ҳиммат билан бағрига олиб,
90. Иккимизни ўстирганди бирдай суйиб, ака-укадек.  
 Энди онанг Фетиданинг армуғони — олтин кулдонга  
 Бирга солиб, бир даҳмага қўйсин лашкар хокларимизни!»

- Саховатли Ахиллес тез жавоб қилди юзланиб унга:  
 «Сенмисан бу, о раҳматли азиз дўстим, қошимга келган?»
95. Сенмисан бу, тафсилотли васиятлар қилётган менга?  
 Бажаргум мен бажонудил барча айтган васиятингни.  
 Лек яқинроқ кел ёнимга, қучоқлашиб камол меҳр ила,  
 Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб бўшатайлик маҳзуи дилларни!»

- Қучмоқ бўлиб у ардоқли дўстин шунда очди қучоғин;  
 100. Лек бефойда; Патроклнинг руҳи инграб, мисли тутундек  
 Сингиб кетди ер қаърига. Бундан Ахилл ҳайратга келиб,  
 Қўлларини ёйдию бир калом айтди ғамгин бир тарзда:  
 «Ё таңгрилар! Филҳақиқат, таңгри Аид салтанатида  
 Руҳ ва арвоҳ бор экану лек жисмсиз бўларкан мутлақ!
105. Тошг отгунча бахтиқаро Патроклнинг руҳи васият  
 Қилди менга бошим узра туриб олиб мунгли йиғларкан;  
 Ўхшар эди бу руҳ ўзин соҳибига қуйиб қўйгандек!»

- Даб йиғлади ва ҳамманинг хўрлигини келтирди бирдан.  
 Гулжамол Тошг уйғонганда, улар бари жасад устида
110. Йиғлар эди. Бу маҳал шоҳ Агамемнон қароргоҳдаги  
 Юк ташувчи хачирлару талай-талай муҳорибларни  
 Жўнатганди ўтин кесиб келмоқ учун; Идомейининг  
 Дово дўсти ҳурматли эр Мерион бош бўлди уларга.  
 Муҳориблар чайир арқон, болта олиб чиқди сафарга;
115. Улар ҳайдаб борар эди хачирларни тоғма-тоғ ошиб;  
 Гоҳ ўннга, гоҳ сўлга юриб, гоҳ баландга, гоҳ пастга тушиб,  
 Ахир етиб борди улар Ида тоғин ўрмонзорига;  
 Ҳамма ўткир мис болталар билан азим туи эманларни



- Неса кетди; дарахтлар ҳам «қасир-қусур» қулай бошлади:
120. Сўнг йиқилган дарахтларни шохларидан тозаладилар.  
Хариларни хачирларга арқон пла боғлаб қўйдилар;  
Хачирлар ҳам туёқларин ерга тираб олға юрдилар —  
Уринарди улар тезроқ текис ерга чиқиб олмоққа,  
Ўтинчилар ҳам кўтариб борардилар чўнг хариларни;
125. Идомедей дўсти — доно Мерноппинг амри шу эди;  
Ўтинларни сув бўйига, Ахилл айтган ерга йиғдилар,—  
У ўзи ва Патроклга шунда қабр тиклатмоқчийди.

- Аргосликлар Ҳеллеспонгнинг соҳилида тоғдан келтирган  
Оғочларни уйиб қўйиб, ўтирдилар гир атрофига.
130. Мирмидонлик ўз жангари лашкарига Ахиллес бу пайт  
Совутларни киймоққа ва отларни жангаробаларга  
Тез қўшмоққа фармон берди; улар дарҳол қуролландилар;  
Ҳамма чиқди аробага: ҳам жангчи-ю, ҳам аробакаш;  
Сўнг бошланди юриш; олдда суворийлар, ортда ипёда;
135. Ўрталикда Патроклнинг жасадини кўтарган дўстлар;  
Кўмгадилар ўз кесилган сочлари-ла улар марҳумни,\*  
Саховатли Ахилл маҳзун борарди ўз сочин тутамлаб;  
Садоқатли дўстин Аид масканига кузатарди у.

- Улар Ахилл тайин қилган ерга келиб, тобутни ерга
140. Туширдилар ва гулханга ўтин қалай бошладилар тез.  
Ахиллеснинг миясига шу чоқ ажиб бир фикр келди;  
У гулханга яқин туриб, кесди сариқ сочидан тутам;  
Сперхийга назр қилиб ўстирганди авайлаб уни\*,  
Сўнг кўзларин денгиз ёққа тикиб деди хўрсипганича:
145. «О, Сперхий! Отам сенга сизинганди; мен азиз юртга  
Қайтганимда, кокилимни қирқиб сенга назр қилмоқчи,  
Чўнг ўрмонинг ва муаттар қурбонгоҳинг турган сарчашмап  
Соҳилида хекатомба: эллик нафар зодтор қўчқорни  
Қурбонликка сўймоқчийди, бузрукворим сенинг шаънингга.
150. Пелей аҳди зое кетди, бажармадинг илтижосини,  
Қайтмам энди мен ҳеч қачон она юртга! Сенга аталмиш  
Соч толамни ола кетсин ўз қабрига жасур Патрокл!»

- У ўз сочин кесиб, дўстин қўлларига тутқазиб қўйди:  
Буни кўриб одамларнинг юрак-бағри эзилди яна.
155. Улар қуёш ботганда ҳам тўхтамасди мунгли йиғидап,  
Гар Ахиллес келиб шундай демагапта Агамемнонга:  
«Шоҳ Атрейон, сенинг амринг инобатга олурлар тезроқ  
Аргосликлар; кейинроқ ҳам йиғлайверса бўлур тўйгунча.  
Четлат бундан одамларни, бориб кечлик ҳозирласиллар;
160. Бизлар эсак, марҳум учун лозим бўлган расм-русумни  
Бажарурмиз. Бизлар билан саркардалар қолса бас бунда».

- Мардлар шоҳи Агамемнон Ахиллеснинг бу гапин тинглаб,  
 Одамларнинг барин кема-кемасига тарқатди дарҳол.  
 Фақат дафъи этувчилар қолди бунда; гулхан уйилди
165. Оғочлардан, ҳам эни, ҳам бўйи юз газ келган майдонда;  
 Гулханнинг энг чўққисига теран ғам-ла қўйилди марҳум;  
 Кўп бўрдоқи қўйларни ва эгри шохли қорамолларни  
 Бўғизлашиб, териларин шилиб шунда, нимталадилар.  
 Саховатли Пелейзода бу молларнинг ёгини йиғиб,
170. Бошдан-оёқ мойлаб чиқди Патроклнинг бутун баданин;  
 Нимта-нимта гўштларни у улоқтирди гулхан устига;  
 У бол ва мой тўлдирилган кўзаларни қўйди тобутга;  
 Маҳобатли тўрт жийронни кучанганча отди гулханга.  
 Тўққизта ит боққанида у ўзи еган таомлар билан;
175. Шу итлардан иккисининг бошин чопиб отди гулханга;  
 Бундан бошқа ўн иккита троялик азаматни ҳам  
 Қилич билан маҳв қилиб ўтга отди бад ниёт ила.  
 Сўнг барини аланганинг қуввасига ҳавола қилиб,  
 Шоҳ Ахиллес ўз суюкли дўстин отин атаб, ҳайқирди:
180. «Суюн, ботир Патрокл, сен бўлсанг ҳамки Аид уйида!  
 Сен учун не қилмоққа онт ичган бўлсам — барин бажардим;  
 Асир тушган троялик ўн иккита азамат ўғлон  
 Кул бўлур сен ила ёниб; лек Приамнинг ўғли Ҳекторни  
 Ташламаймап бу гулханга!— Итларга ем бўлгай у қаттол!»
185. Шундай таҳдид сўзлар айтди: лек Ҳекторга тегмади итлар:  
 Кеча-кундуз қўриқларди ҳур маъбуда Киприда уни:  
 Мард Ҳекторнинг баданидан дафъ қилмоқ-чун жароҳатларни,  
 Сурган эди Афродита хушбўй гуллар, амбар мойини,  
 Феб—Аполлон бу қаҳрамон ётган ернинг ҳаммаёғини
190. Осмондан то замингача қора булут ила буркади,—  
 Жазирама қуёш тафти унинг ўлик томирларию  
 Жамики бор аъзоларин сўлдирмасин учун бемаврид.

- Лекин гулхан ҳадеганда ёпмас эди мурда остида,  
 Пелейзоднинг қўнглига бир фикр келди шунда, дафъатан;
195. У гулхандан узоқлашиб боди Борей ила Зефирга,  
 Қурбонликлар назр айлаб, ёлборди кўп тавалло қилиб.  
 Шоҳ Ахиллес пешма-пеш май паймо қилиб олтин қадаҳдан,  
 Шамоллардан, тезроқ келиб оғочларни ўт олдирмоқни  
 Ва жасадни жадалроқ кул айламоқни илтижо қилди,  
 200. Олтинқанот Ирида ҳам паҳлавоннинг бу таваллосин  
 Эшитган ол, мужда ила шамолларнинг қошига учди;  
 Улар базм қургандилар бўрон қўзғар Зефир уйида.  
 Тўхтади тош остонада елдек учиб борган Ирида.  
 Шамоллар ҳам маъбудани кўрган заҳот, ўринларидан
205. Пешвоз туриб, муждачига ёнларидан жой кўрсатдилар.

- Лек маъбуда ўтиришдан бош тортди ва шундай гап қотди:  
«Вақтим тигиз, о шамоллар, ҳали яна занжийлар юрти —  
Океанга бормоғим шарт; улар бугун само аҳлига  
Қурбонликлар берур, мен ҳам бўлмоқчиман ундан баҳраманд.
210. О, шўх Зефир, қодир Борей! Йўқламоқда сизларни Ахилл;  
Назир қилмиш у сизларга ғоят ноёб ҳекатомбалар,  
Гар Патрокл ётган улкан гулхани тез ўт олдирсангиз.  
Бутун Ахей аҳли шундан тапвишдадир, хавотирдадир».
- Шундай деб у парвоз қилди. Шамоллар ҳам қўзғолди шу чоқ,
215. Мудҳишона увиллаб ва паға-паға булутни қувлаб.  
Улар увлаб, чўнг денгизга етганида, нафасларидан  
Пўртаналар тоғ-тоғ қалқди; етиб бориб сўнг Трояга  
Ўфурдилар гулханга ва машъум олов ёнди гуриллаб.  
Шамолар тун бўйи тинмай ҳуштак чалиб ўтга пуфларкан,
220. Кенг самога кўтарилган алангани тўлқинлатарди;  
Чаққоноёқ Ахиллес ҳам шўрлик дўсти Менетийзоднинг  
Руҳин мудом чақираркан, олтин жондап қўшқадаҳига  
Май тўлдириб, тинмай гулхан атрофига сепиб туради.  
Бўйдоқликда қазо қилган ўғлини жисмин куйдирган ота
225. Қандай оғир ғамга ботса, Ахиллес ҳам шундай қайғурди;  
Патроклнинг жасадини куйдираркан, гулхан пойида  
Оғир-оғир хўрсиниб у аста юрди бошин ҳам қилиб.
- Нажми Чўлпон тонгдан дарак бериб, кўкда бўлганда зоҳир  
Ва зар либос кийган шафақ денгиз узра қоққанда қанот,
230. Гулхандаги оғочлар ҳам ёниб бўлди, аланга сўнди.  
Шамоллар ўз маконига Фракия денгизи оша  
Қайтар экан, тоғ-тоғ тўлқин кўтарилди уммон сатҳида.  
Ғамгин, ҳорғин Ахилл охир, гулхандан сал парига кетиб,  
Ёнбошлади заминга ва тотли уйқу элитди уни.
235. Бу чоқ кўшлар Агамемнон ҳузурига отланган ёди;  
Ахиллес шу гурунглашиб келаётган саркардаларнинг  
Овозидан, ҳамда оёқ товушидан уйғониб кетди;  
У тез туриб ўтирди ва шундай деди саркардаларга:  
«Агамемнон, сиз ҳам, ахей қўшинининг саркардалари!
240. Гулхан ёнган ҳамма ерга қирмизи май сепинг дамо-дам,  
Биз оҳиста Патроклнинг азиз хокин йиғиб олурмиз,  
Маҳол эмас унинг хокин ажратмоқлик ўзга хоклардан;  
Қи дўстимиз гулханнинг қоқ ўртасига ётқизилганди;  
Вале ўзга қурбонликлар, — хоҳ одамлар, хоҳ отлар бўлсин, —
245. Гулханнинг чет-четларида уюлганча ёндилар бари.  
Патроклнинг хокин сизлар икки қатлам мой орасида  
Сақланглар, то мен ҳам рихлат этмагунча Анд қаърига.  
Даркор эмас маҳобатли тепа уймоқ дўстим Патрокл  
Қабри узра; шунчаки бир кичик дўнглик бўлса кифоя;

250. Лек мен ўлгач, Трояда тирик қолган о, ахей дўстлар,  
Ғоят кенг ва юксак тепа уйинг бизнинг қабр устига».

Шундай деди: ахейлар ҳам амал қилди Ахилл сўзига.

Қирмизи май сениб улар ўчирдилар гулхан қолдиғин;

255. Қалин қўр кул бўлгач, марҳум хокин йиғиб, олтин кулдонга  
Сўнг чодирга олиб кириб, ҳарир мато ёпдилар унга;  
Қабр ўрнин белгилашиб, атрофига теран пойдевор  
Қурдилар ва шоша-пиша тупроқ ила кўмдилар уни.  
Кейин улар тарқалдилар. Лек Ахиллес ҳамма одамни  
260. Кенг даврага ўтқазди ва совринларни келтириб қўйди:  
Сепоялар, хачирлару улоқчи от, олтин кўзалар,  
Ол белбоғли аёллару сафид темир, улкан буқалар.

Аввал бошдан, энг бирипчи ўрин олган чавандозлар-чун

Аталган бой совринларни кўрсатди у: ниҳол чевар қиз

265. Ва йигирма икки ўлчов масаллиққа мослаб ясалган  
Ғоят ажиб, тутқичлари гир айлана бир мис сепоя;  
Ҳали сира аробага қўшилмаган, қорнида хачир  
Ҳомиласи бўлган олти ёшли бия — иккинчи соврин;  
Ҳеч оловга қўйилмаган ва тўрт ўлчов масаллиққа мос  
270. Қумуш рангли ғоят ажиб янги қозон — учинчи соврин;  
Икки талант олтин ваъда қилди Ахилл тўртинчи мардга;  
Бешинчига: ўт кўрмаган, қўш қулоқли мис кўза тухфа.  
Сўнг Ахиллес ахейларга шундай деди қалқиб оёққа:  
«Шоҳ Атрейзод ҳамда ажиб пойбанд таққан ахей мардлари!  
275. Даврадаги бу совринлар кутар учқур суворийларни.  
Ўзга марднинг шарафига бўлгандайди бу мусобақа,  
Энг биринчи мукофотни, шубҳасиз, мен олган бўлардим.  
Сизга аён, боқий зотдан бунёд бўлган арғумоқларим  
Кўп афзалдир жами отдан; Посейдоннинг армуғонийди  
280. Улар менинг падаримга; отам менга қилганди тухфа.  
Лек пойгага қатнашмам мен, зарагтуёқ тулпорларим ҳам.  
О! Бу отлар жудо бўлди энг диловар соҳибларидан.—  
Узун ипак ёлларини зилол сув-ла ювиб тараган  
Ва муаттар мойлар сурган садоқатли соҳибларидан.  
285. Энди улар маҳзун ҳолда ёлларини тупроққа ёйиб  
Қимир этмай туришганча Патроклга мотам тутарлар,  
Қатнайверсин, демак, ўзга паҳлавонлар мусобақага,  
Ишонсалар ўзин учқур оти ва жангаробасига».

Деди Ахилл, — чаққон, абжир суворийлар қалқди оёққа;

290. Даставвал шоҳ Адмет ўғли, мардлар марди, от бошқаришда  
Қиёси йўқ соҳибқирон машҳур Эвмел ўрнидан турди.  
Сўнгра асов арғумоқни тизгинловчи кўрқмас Диомед;  
У Энейдан жангда тортиб олган Трос отларини қўшди

- Аробага: Феб қутқариб қолган эди Энейнинг ўзин.
295. Зевс насаби олгин сочли найзабардор Менелай туриб,  
Акасининг оти — Эфа ва ўз содиқ оти — Подарги  
Икковини аробага қўшди шу он учинчи бўлиб;  
Бир замонлар Анхиз ўғли шоҳ Эхепол Агамемнонга  
Берган эди бу Эфани, ўзи жангга бормаслик учун;
300. Бу подшога Зевс беҳисоб молу давлат ато этганди  
Ва у улкан Искионда яшар эди бамайлихотир.  
Аробага оташнафас шул Эфани қўшди Менелай.  
Шундан кейин донишманд шоҳ кекса Нестор ўғли Антилох —  
Навжувон мард қўшди ёлдор отларини жангаробага;
305. Қўшилганди аробага елдек учқур Пилос отлари.  
Шунда падар — кўпни кўрган донишманд чол оёққа қалқиб,  
Ғоят эзгу маслаҳатлар бера кетди доно ўғлига:  
«Ўғлим, сени ёшлигингдан тангри Зевс ва масъуд Посейдон  
Ардоқлашиб, чавандозлик санъатидан сабоқ берганлар;
310. Шу боис, мен кўп насиҳат қилмоқчи ҳам эмасман сенга.  
От сурмоққа моҳирсан кўп; аммо бизнинг Пилос отлари  
Чопқирликда оғиркарвон, қўрқамап мен, ютқазасан деб.  
Учқурроқдир рақибларинг бедовлари; илло ўзлари  
Сен сингари моҳир ҳаммас, зако ҳаммас асло улоқда.
315. Лек сен кўрқма; пухта шайлан; совринларнинг энг яхшисини  
Бой бермаслик учун қалбап ишлат бутун маҳоратингни.  
Зеро, нажжор кучда эмас, маҳоратда афзалдир биздан;  
Дарга шундай маҳорат-ла бошқаради ўз кемасини  
Жўшқип бўрон ўйинчоғи — серталотум қора уммонда;
320. Сувори ҳам фақатгина маҳорат-ла енгар рақибин,  
Баъзи тентак ишониб ўз отлари ва аробасига,  
Гоҳ у ёққа, гоҳ буёққа зир югурар мияси гангиб;  
Отлар чоңар ўз ҳолича, бошқаролмас сувор уларни.  
Лек сувори доно бўлса, яхши сувар ёмон отни ҳам,
325. У марраши кўзлаб бориб, яқинидан бурар отларин  
Зеро, у илк қадамданоқ яхши билур жилов тутишни;  
Олдиндаги рақибидан кўз узмас ҳеч, от сувар экан.  
Кўряпсанми, ҳув олисда бир тўнкани, бўйи бир қулоч —  
Чамамда, у ё қуриган қарағай, ё эман тўшқаси;
330. Шу маррадан бурилсан; сен уни ҳеч қочирма кўздан;  
Муқолишда, ўнг ва сўлда икки оқ тош турур; агроф — дашт.  
У тошлар — ё бир замоилар дафн этилган мард қабр тоши,  
Ё ажодлар ҳам пойгада шул маррадан фойдаланганлар;  
Энди Ахилл ҳам танлабди шуни қайтиш марраси этиб.
335. Шу маррага яқинлашгач, тез отларнинг жиловини бур;  
Аммо ўзинг аробанинг ҳашаматли кажавасида  
Оғирлигинг чап томонга ташлаб тур, ўнг қўлдаги отни  
Ҳайда «чух»лаб, қамчи босиб, ҳам жиловин бўш қўйиб мутлақ.  
Чап қўлдаги отинг марра яқинидан шундай ўтсинки,

340. Гилдиракнинг ўқи ғўла устин ялаб ўтгандай бўлсин.  
Лек кўзингга қара, ўғлим, тошга бориб урилма яна;  
Йўқса оту аробангни шикастлашинг мумкинки, бундан  
Рақибларинг хурсанд бўлиб, ўзинг эса панд еб қолурсан!  
Эркам, ўғлим, эҳтиёт бўл, мулоҳаза билан тадбир қил!
345. Гар маррада олға ўтиб, отларингни елдира олсанг.  
Билки, сенга етолмайди ҳеч кас, сендан ўзолмайди ҳам,  
Ҳаттоки у аробага шоҳ Адрастнинг қуюн сингари  
Учқур оти, боқий бўлиб дунё келган Арейонни, ё  
Лаомедон боққан асл тулпорларни қўшганида ҳам!»
350. Ҳерения шаҳсувори Нелейзода шундай дедию  
Антилохга ўғит бериб ўз ўрнига ўтирди яна.

- Ўз отларин ҳозирлади мард Мерион — бешинчи бўлиб.  
Аробага чиқиб бешов дубулғага ташлашди қуръа\*;  
Ахилл уни силкитди ва кутмаганда, биринчи қуръа
355. Антилохга насиб қилди; шоҳ Эвмелга — иккинчи қуръа,  
Учинчиси: Менелайга — Аргос шоҳи Атрейзодага;  
Ундан кейин шоҳ Мерион қуръа олди ва охирида  
Сўнги қуръа насиб қилди паҳлавон эр Тидейзодага.  
Бир саф бўлиб турди улар; шоҳ Ахиллес пойгачиларга
360. Йироқдаги марра чўпин кўрсатди; лек бундан сал олдин  
Отасининг қуролдоши илоҳий зот — кекса Фениксга  
Ўшал ерга бориб туриб бу пойгани кузатмоқликни,  
Сўнг унга бор ҳақиқатни сўзламоқни амр этган эди.\*

- Бешовлари отларига баб-баравар қамчи босдилар;
365. Баб-баробар жилов силтаб мудҳишона наъра тортидилар;  
Отлар бирдан мисли елдек отилдилар уммон бўйдан;  
Бу отларнинг туёғидан кўтарилган қуюқ чанг-тўзон  
Булут янглиғ, мудҳиш қора қуюн каби фазога қалқди,  
Тулпорларнинг узун ёли елпинарди шамолда тинмай;
370. Ўқдек учиб бораётган аробанинг гилдираклари  
Гоҳ ҳавода учар, гоҳо ерга тегар; аробакашлар  
Қадни адл тутиб турар ҳашаматли кажаваларда;  
Шонга ташна юраклари «гурс-гурс» тепар эди дамо-дам;  
Ҳар битта мард ҳайқирганча далда берар эди отларга;
375. Ки отлар ҳам кенг далани чангитганча учиб борарди.

- Ана, отлар марра чўпин айланишиб, яна мўйсафид  
Денгиз сари учди, шунда ҳар пойгачи ўз маҳоратин  
Ошкор қилди; отлар елдек югуришди, жасур Эвмелнинг  
Биялари қушдай учиб, ўзиб кетди ҳамма отлардан.
380. Сафдан чиқиб Диомеднинг айғирлари — Трос отлари,  
Шу биялар орқасидан паёнай тез боравердилар.

- Гўё сакраб чиқмоқчидек бўлиб Эвмел аробасига:  
Отлар Эвмел энсасига қайноқ нафас ила пишқирар,  
Елкасига, сал бўлмаса, бош қўйгудек бўлар вдилар.
385. Шоҳ Диомед ўзиб кетар, ё ютуқни тенг бўлардиям,  
Гар Аполлон адоват-ла унга халал бермаганида;  
У Диомед илкидаги зар қамчини уриб туширди;  
Азаматнинг кўзларидан тирқираб ёш оқди ғазабдан;  
Ундан энди узоқлаша бошлаганди Эвмел отлари;
390. Ўз отлари эса ортда қола кетди, сезмай қамчини,  
Лек Афина Диомедга Фебнинг завол етказганини  
Кўриб қолди: сўнг маъбуда етиб олиб шоҳ Диомедга,  
Қамчи берди илкига ва отларига уфурди ғайрат;  
Сўнг ғазабга тўлиб Адмет ўғли сари отилди-ю тез,
395. От абзалин пора қилди ва ўтнафас биялар четга  
Отилдилар, синиб тушди аробанинг шотиси шунда;  
Эвмел ерга қулаб тушди аробанинг тўғини оша,  
Тирсақлари қонталашди, чақа бўлди лаби ва бурни,  
Қаншар усти манглайи ҳам қашқа бўлди; кўзларидан ёш
400. Чиқиб кетиб бу зарбадан, янгроқ саси хиппа бўғилди.  
Шоҳ Диомед шу чоқ елдек учиб ўтди унинг ёнидан,  
Сўнг кўринди элас-элас ҳув олисда унинг қораси;  
Унга шавкат, отларига куч бахш этган эди Афина.  
Бул паҳлавон орқасидан шоҳ Менелай қувиб борарди.
405. Антилох ҳам падарининг отларига ҳайкирар эди:  
«О, чаққонроқ қимирлангиз, учинг олға, бедов отларим!  
Диомеднинг отларидан ўзинг, дея зўрламам сизни,  
Зероки, у тулпорларга Палладанинг ўзи куч-қудрат,  
Сувориси Диомедга шону шараф ато этгандир.
410. Йўқ, азишлар, Менелайнинг отларини қувиб етсак бас!  
Жониворлар, олға! Йўқса, сизни Эфа шармсор қилур;  
У бия-ку, сиз, дўстларим, шу биядан ортда қоляпсиз!  
Гапим битта ва бу гапим шу бугуноқ бўлгай ижобат:  
Ортиқ раҳм-шафқат кутманг эл султони Нестордан уйда;
415. У сизларни шу бугуноқ шамшир ила бўғизлаб ташлар,  
Гар танбаллик қилиб, сўнгги мукофотга плинсангизлар.  
Бўлақолинг, жониворлар, қувиб етинг олддагиларни!  
Мен бир найранг ишлатайки, тор жойинга борганда йўлнинг,  
Ўзиб кетгум барчасидан; лақиллата олмаслар мени».
420. Шундай деди Антилох ва суворининг дўқидан қўрққан  
Айғирлар ҳам тезроқ чопа бошладилар; фақат сал фурсат;  
Шу чоқ бирдан мард Антилох тор йўлакда чўнқир ер кўрди;  
Йўл ўйилиб кетган эди; қишда ёққан қор, ёмғир суви  
Халқоб бўлиб тошганди ва ҳаммаёқни ювиб кетганди.
425. Шоҳ Менелай қўрқиб кетиб аробалар тўқнашишидан,  
Бу нотекис йўлга аста йўналтирди ўз отларини.

- Лек Антилох, зарангтуёқ отларини четроққа буриб,  
 Йўл бўйидан Менелай-ла гилдиракма-гилдирак чопди.  
 Шоҳ Менелай қўрқиб кетиб, Несторзодга ҳайқирди шундай:
430. «О, Антилох бебошларча от сурурсан! Торт жиловингни!  
 Кўряпсан-ку, йўл жуда тор; кенг далага чиққач ўзавер;  
 Иккимиз ҳам шикаст еймиз, тўқнашса гар жангаробалар!»
- Шундай деди; лек Несторзод ўзишга аҳд қилганди ундан;  
 У отларин халаларди рақибини эшитмагандай.
435. Ўз кучини сипамоқчи бўлган йнгит итқитган лаппак  
 Қанча ерга бориб тушса,— Антилох ҳам шунча илғорлаб  
 Кетган эди Менелайнинг бияларни қолдириб ортда;  
 Зероки, шоҳ Менелайнинг ўзи тортган эди жиловни  
 Қўрқиб икки аробанинг бу тор йўлда тўқнашувидан
440. Ва ғалаба қозонмоқлик илинжида икковларининг  
 Ярим йўлда аробадан қулаб, қолиб кетишларидан.  
 Бу аснода Нестор ўглини койир эди қаҳқор Менелай:  
 «О, Антилох, дунёда йўқ сен сингари бадият одам!  
 Хўп, боравер! Ҳамма сени оқил дея янглишган экан!
445. Барибир, музд ололмайсан бу йўл билан, олт ичмай туриб!»\*

Деди у ва баралла сас ила наъра қилди отларга:  
 «Нечун ортда қолурсизлар, о, отларим, печун маъюссиз?  
 Сиздан олди кучи кетиб толиқажак Пилос отлари;  
 Иккови ҳам анча ёшга бориб қолган, ғайрати сўнган!»

450. Отлар соҳиб таҳдидидан қўрқиб елдек чопа кетдилар.  
 Кўп ўтмасдан олдиндаги бедовларни қувиб етдилар.  
 Лашкаргоҳда ўтиришган аргосликлар бу пайт кенг даштдан  
 Елдек учиб келаётган тулпорларни кузатардилар.  
 Келаётган тулпорларни Идоменей кўрди аввало;
455. Зеро, тепа бошидан у кузатарди мусобақани;  
 Хали йироқ бўлса ҳамки, пойгачини — ҳайқирғидан,  
 Елдек учиб келаётган бир жуфт отни — белгиларидан  
 Таниди у; алангаваш тўриқ отнинг пешонасида  
 Ой мисоли дум-думалоқ оқ қашқаси бор эди фақат.
460. Идоменей туриб кетиб, шундай деди аҳли юнонга:  
 «Азиз дўстлар, ахейларнинг ҳокимлари, саркардалари!  
 Ёлғиз менми, ё сизлар ҳам кўряпсизми уқур отларни?  
 Назаримда, энг олдинда ўзга отлар келмоқда чоғи?  
 Пойгачи ҳам бошқа шекил? Йўлда қолиб кетмадимкини
465. Шоҳ Эвмелнинг биялари; авваллари чопқир эдилар;  
 Ўзим кўрдим, отлар марра қозигини биринчи бўлиб  
 Айландилар; энди бўлса Троянинг кенг майдонига  
 Қанча боқмай, кўрмайман ҳеч бир ерда улар қорасин,  
 Эҳтимолки, мард Эвмелнинг қўлидаги жилов бехосдап



470. Тушиб кетиб, муюлишда отларин соз буролмагандир;  
 Ўзи ўшал муюлишда аробадан қулаб тушгандир.  
 Хурккан отлар аробани олиб қочиб мажақ қилгандир.  
 Ўрнингиздан туринг, дўстлар, ўзларингиз яхшилаб қаранг;  
 Янглишяпкандурман балки, лек наздимда, биринчи бўлиб
475. Этолия марди, Аргос қўшинининг лашкарбошиси,  
 Соҳибқувва Тидей ўғли саховатли Диомед келур».

Ойлейзод чаққоп Аякс жеркиб берди Идоменейни:  
 «Чолни кўриб «бувам», дема! Энг олдинда кенг дала бўйлаб  
 Ўқдай учиб келаётган зараптуёқ биялар эрур!

480. Биз ахейлар орасида сен унчалик ёш эмассан ҳам!  
 Кўзларинг ҳам хиралашган, ўзгалардек яхши кўрмайсан!  
 Дом қуруқ гап сотасан! Аммо сенга сафсатабозлик  
 Ярашмайди; ичимизда сендан доно одамлар ҳам бор!  
 Билки, ҳамон энг олдинда келур ўшал Эвмел отлари:
485. Унинг ўзи бияларни аробада туриб бошқарур».

Қаҳри қайнаб жавоб қилди Аяксга Крит султони:  
 «Ичиқора, энг ашаддий баҳсчи Аякс! Сен ахейларнинг  
 Орасида беобрўсан; феълинг ёмон, ўлгудек тундсан!  
 Баҳс бойлайлик, кел гаровга қумғон ёки сепоя қўйиб;

490. Ҳакам этиб чақирайлик эл султони Агамемнони;  
 Ким олдинда келаётганин ютқазганда билиб оласан!»

Шунда Аякс Ойлейзод паҳлавон эр Идоменейни  
 Таҳқирлашга оғиз жуфтлаб ғазаб билан ўрнидан турди.  
 Икковларин ўртасида нохуш нифоқ бошланарди ҳам,

495. Агар Ахилл ўзи туриб икки мардни тинчитмаганда:  
 «Идоменей, Ойлейзод, бас қилинглр жамоа ичра  
 Бир-бирингиз таҳқирлашин, ярашмагай бу рафтор сизга!  
 Сиз ўзингиз жанжалкашга қаттиқ танбеҳ бермогингиз шарт.  
 Ўтирингу от пойгасин кузатинг сиз бамайлихотир;
500. Ҳадемайин, пойгачилар зафар қучмоқ иштиёқида  
 Елиб келур, шунда сизлар баҳслашмай ҳам билиб олурсиз  
 Кимнинг оти олдиндаю кимларники орқадалигин».

Айни шу чоқ Тидейзода яқин келиб қолди маррага,  
 У отларни қамчиларди жонҳолатда; терлаб, вужудин

505. Буғ чулғаган асл отлар мисли қуюн учиб келарди;  
 От туғғи остидан қум кўтарилиб аробакашга  
 Сачрар эди; қалай, олтин безаклари офтобдек порлоқ  
 Жангароба жўшқин отлар орқасидан учарди елдек;  
 Мис тўғинли ғилдираклар тупроқ йўлда хиёл сезилар
510. Из қолдирар — тулпор отлар шунчалик тез учиб келарди!  
 Муғолиб эр жамоанинг ўртасига келиб тўхтади;

Тер оқарди маржон бўлиб олов отлар бўйни, кўксидан,  
Тидейзода тез заминга сакраб тушди жангаробадан,  
Қамчисини ғилдиракка тираб қўйди; лек жиловдори  
515. Мард Сфенел дарҳол бориб энг биринчи совринни олди;  
Сўнг диловар йигитларга, музд аёлни ва сепояни  
Саркарданинг чодирига элтингизлар, деб фармон берди,  
Ўзи эса бедовларни аробадан чиқарди жадал.

Диомеднинг орқасидан етиб келди ёш Антилох ҳам;  
520. Менелайдан ўзганди у куч иламас, фирромлик ила;  
Менелайнинг отлари ҳам ундан ортда қолиб кетмади;  
Аробага қўшилиб ўз соҳибини қушдай учириб  
Кетаётган отлар билан ғилдиракнинг ораси қисқа;  
Отлар думи мис тўғинли ғилдиракка тегиб боради;  
525. Хуллас, от ва аробанинг оралиғи қанчалик бўлса,  
Менелай ҳам шунча ортда қолган эди Нестор ўғлидан;  
Аввалига юз қадамча қолиб кетган бўлса ҳам ортда,  
Кейин яна етиб олди: Атрейзоднинг бияси Эфа  
Куч-ғайратга тўлиб мудом тезроқ чопа бошлаган эди.  
530. Қисқаси, гар узоқроққа чўзилсайди пойга марраси,  
Шоҳ Менелай ўзи олган бўлар эди совринни албат.  
Лек Меринон — Крит шоҳин содиқ дўсти шоҳ Менелайдан  
Юз қадамча орқароқда от чоптириб келарди жадал;  
Анча сустроқ чопар эди унинг ёлдор арғумоқлари;  
535. Ўзининг ҳам уқуви йўқ эди пича улоқ чопишда.  
Адметзода Эвмел эса қушдай учқур отлар қўшилган  
Кўп муҳташам аробада етиб келди ҳаммадан кейин.  
Саховатли Ахиллеснинг раҳми келди Эвмелини кўриб;  
У ўрнидан туриб, ахей шоҳларига қилди такаллум:  
540. «Энг биринчи суворимиз етиб келди охириги бўлиб!  
Келинг, дўстлар, шу иккинчи мукофотни олсин Адметзод;  
Ҳай, биринчи мукофотни берайлик биз Тидей ўғлига».

Шундай деди, — Ахиллеснинг таклифини қўллади барча;  
У совринни берардиям Эвмелга, эл розилиги-ла,  
545. Гар муҳтарам Нестор ўғли ёш Антилох ўрнидан туриб,  
Ахиллесга одилона норизолик билдирмаганда:  
«Шоҳ Ахиллес, шу аҳдингга амал қилсанг, ранжийман сендан!  
Эвмелнинг от, аробаси фалокатга учраганичун,  
Мукофотни мендан олиб унга тақдим этмоқчимисан  
550. Уни аъло сувори деб? Худоларга сиғинмади-ку;  
Гар тавалло қилганида энг орқада қолмас эди у.  
Гар Эвмелга раҳминг келса ва хуш кўрсанг уни шунчалик, —  
Аспралар, мису олтин беҳисобдир кемаларингда,  
Сурув-сурув қўйлар ҳамда зарангтуёқ арғумоқлар ҳам;  
555. Сен кейинроқ (ёки ҳозир) ўшалардан истаганингни

Армуғон эт, данайларнинг мақтовига сазовор бўлиб;  
Лек бу муздни қўлдан бермам — ахейлардан ким хоҳласа гар,  
Майли, мен-ла қиличбозлик қилсин ушбу мукофот учун!»

- Шоҳ Эакнинг пурсаховат набираси табассум қилди;  
560. У навқирон оғайниси Антилохни ҳурмат қиларди.  
Ахил унга кўп бемаъни сўзлар ила такаллум қилди:  
«Сен Антилох Эвмелга ўз чодиримдан ўзга совғалар  
Бермоғимни истайсанми? Мен жон-жон деб шундай қиламан,  
Тухфа этгум мен бу мардга Пелагонзод Астеропейдан  
565. Ечиб олган мис совутни; ҳошияси кўзни олувчи  
Оқ қалайдан; у армуғон муносибдир Адмет ўғлига».

Шундай деб у фармон берди содиқ дўсти Автомедонга  
Ўлжаларни келтирмоқни; у ҳам жадал чодирга кириб,  
Совғаларни олиб чиқди ва Эвмелнинг кайфин чоғ қилди.

570. Бу пайт ранжиб Антилохдан шоҳ Менелай қалқди оёққа.  
Жарчи дарҳол ҳукмронлик ҳассасини унинг илкига  
Тутқазди-да\*, амр айлади данайларга сукут сақлашни;  
Тангримонанд муҳориб эр гап бошлади шунда ғазаб-ла:  
«О, Антилох, оқил эдинг бир вақтлар, не қилиб қўйдинг?!  
575. Кўп шарманда қилдинг мени, йўлин тўсдинг отларимнинг ҳам,  
Ўзиб кетдинг найранг билан меникидан заиф отларда!  
Ҳакам бўлинг сиз, о ахей султонлари, мушовир эрлар,  
Иккимизнинг баҳсимизни ажрим қилинг холисанилло,  
Токи ҳеч бир юнон ўғли мен ҳақимда демасин бундай.  
580. — Шоҳ Менелай ёлғон гап-ла устун чиқиб Несторзодадан,  
Унинг муздни тортиб олди; ўз отлари заифроқ эди,  
Қудратлироқ эрур фақат иқтидорда, ҳукмронликда, —  
Тингланг, дўстлар; ўзим сўзлай, ўйлайманки, жамоа ичра  
Ҳеч ким менга таъна қилмас; зеро, ҳукмим адолатлидир.  
585. Несторзода, яқин келиб, таомилга амал қилганча,  
Тур, отларинг қаршисида; сўнг қамчингни илкинга олиб,  
Уни отга теккизгин-да, зилзилакор Посейдон ҳаққи,  
«Тўсмагаман аробангинг йўлин қасддан», — деб онт ич ҳалол».

- Жавоб қилди Атрейзодга навқирон ва зако Антилох:  
590. «О, мунаввар шоҳ Менелай, тинчлан: ёшман сенинг олдинда.  
Вале сен, шоҳ, жасоратда ҳамда ёшда улугсан мендан;  
Биласанки, ёш-яланглар йўл қўйишур хатога осон;  
Улар аксар бўлур нодон, шошқалоқ ва бемулоҳаза,  
Ҳазабдан туш; ўзим сенга туҳфа этгум соврин — бияни,  
595. Гар яна сен хазинамдан бундан бисёр туҳфа сўрасанг,  
Уларни ҳам бергум жон деб, сендайин Зевс арзандасининг  
Назаридан қолиб, тангри ғазабига дучор бўлгандан!»

- Деди сахий Антилох ва тулпорини етаклаб келиб,  
 Тутқазди мард Менелайга; шунда шоҳнинг қалби қувончдан  
 600. Кенг далада, саратонда тоғи чоғи ғарқ пишган буғдойнинг  
 Бошоғига инган биллур шабнам янглиғ эриди кетди,—  
 Шундай ийиб кетди қалбинг, о, Менелай, бу шармандалиқдан.  
 Шундан сўнг у Антилохга чин юракдан бир калом айтди:  
 «Мен ҳозироқ ғазабимга барҳам бергум, о, Несторзода!  
 605. Заковатдан устун келди бугун фақат ёшлик, Антилох.  
 Зеро, сен ҳеч бўлмагансан енгилтак ва бемулоҳаза.  
 Энди ёши улуғларни алдамоқдан сен ўзингни тий.  
 Ўзга ҳеч бир данай мени осонгина енга олмасди;  
 Ҳа, Троя яқинида мен туфайли озмунча кулфат  
 610. Чекишдими кекса отанг, оғаларинг, яна ўзинг ҳам.  
 Илтимосинг қабул этгум ва совриним — олов бияни  
 Сенга бергум; токи ўзга ахейлар ҳам билиб қўйсинлар,  
 Менинг ҳеч вақт бешафқат ва мутакаббир бўлмаганимни».

- У Антилох жиловдори Неомонга тутқазди отнинг  
 615. Жиловини; ўзи эса танлаб олди обдор қумғонни.  
 Тўртинчи музд — икки талант олтин насиб этди тўртинчи  
 Бўлиб келган Мермонга одилона. Лек бешинчи музд —  
 Қўшқулоқ мис кўза қолди; уни Ахилл данайлар аро  
 Олиб ўтиб, бундай дея шоҳ Несторнинг илкига тутди:  
 620. «Пири бузрук, ол, бу сенга! Патроклнинг таъзиясидан  
 Ёдгор бўлсин; бошқа уни кўрмагайсан тириклар аро!  
 Сенга эса бу совринни бермоқдаман холисанилло,  
 Ки қариллик машаққати солган сени оғир ташвишга;  
 На курашга тушоласан, на муштлаша оласан энди;  
 625. Беллашурсан эл пла на югуришда, на мергапликда».—

- Деб кўзани тутди унга; қария ҳам вақти чоғ бўлиб  
 Олди уни ва Ахиллга юксақмақом каломлар деди:  
 «Ори эрур, ўғлим, сўзинг, мулоҳазанг ҳам оқилона.  
 Бутун жисмим занфлашган: қўлларим ҳам, оёқларим ҳам  
 630. Оғирлашган энди зилдай, ёшлиқдаги чаққонликлар йўқ.  
 О, кошкийди, ёш бўлсам! Шоҳ Амаринк таъзиясида  
 Шаҳзодалар Вупрасда кўп мукофотлар таъсия этганди!  
 Лек ўшанда куч-ғайрати қайнаб турган мендек ботирга  
 Эпейларнинг биронта ҳам паҳлавони тенг келмаганди,  
 635. Ҳаттоки мард Пилос аҳли, Этолия фуқароси ҳам.  
 У ерда мен муштлашишда енгган эдим Клитомедни;  
 Ийқитгандим курашда мен плевронлик полвон Анкейни;  
 Машҳур чопқир Ификлдан ўзган эдим тез югуришда;  
 Полидор ва Филейдан мен ёй отишда ғолиб чиққандим;  
 640. Фақат ютган эди мени Акторзодлар чавандозликда;  
 Икковлашиб ютди улар, ҳасад қилиб зафарларимга;

- Зероки, энг йирик соврин тикилганди бу зафар учуп;  
Икки нафар эди улар; бошқарганди бири отларни,  
Иккинчиси ҳеч аямай қамчи босган эди уларга.
645. Бир замонлар шундай эдим! Аммо энди ёш-ялангларга  
Мерос этгум машаққатли шон-шавкату жасоратларни;  
Ҳа, ғуссали қариликни энди тамом бўйнимга олгум;  
Лек вақтида мен ҳам мардлар орасида доғ қозонгандим!  
Марҳум дўстинг шарафига ўйинларни давом эттир сен.
650. Армуғонинг жон-жон дея қабул этгум, ўғлим Ахиллес;  
Мендек ожиз қарияни унутмасдан авом олдида  
Иzzатимни келтирганинг учун бошим етди осмонга  
Худолар ёр бўлиб сенга, ушатсинлар эзгу армонинг!»
- Деди Нестор, — шунда Ахилл тинглаб бўлиб чол мақтовини,
655. Ортга қайтди ахейларнинг жамоаси оралиғидап.  
Сўнгра мудҳиш муштлашишнинг совринини намоён қилди:  
У даврага олиб чиқди олти ёшлик, жуда ҳам кучли,  
Ҳали эгар ҳам, қамчи ҳам кўрмаган бир асов хачирни,  
Бу — голибнинг музди эди; мағлۇб учун — олтин қўшқадаҳ.
660. Сўнг давранинг ўртасида туриб деди жамоага у:  
«Атрейзода, сиз ҳам, о, мис совут кийган муҳориб эрлар!  
Билаклари чайир икки азаматни таклиф этамиз  
Бу муштлашиш жангига биз. Кумушкмон тангри Аполлон  
Қай бир мардга саодат бахш этиб, қўлин баланд келтирса,
665. Метинтуёқ хачирни шу олиб кетур ўз кemasига;  
Мағлۇб бўлган эрга эса пасиб этсин олтин қўшқадаҳ».
- Шахт ўрнидан турди шунда муштлашишда доврўғи кетган  
Маҳобатли бир паҳлавон — Панопейнинг ўғли Эпеос.  
Ҳайқирди у тутиб хачир ёлларидан дагал қўли-ла:
670. «Қани, чиқсин қўшқадаҳни олмоқ бўлган полвон ўртага.  
Хачирни-ку, ҳеч ким журъат эта олмас тортиб олмоқда  
Мени енгиб; муштлашишда ҳеч кас менга дош беролмайди!  
Бундан ўзга курашларда мен ожизмап,— начора, дўстлар;  
Фоний банда бирдай фаол бўлолмайди ҳар бир жабҳада.
675. Муштлашишга келсак, гап шу: мен устидан чиққум гапимни;  
Рақибимнинг жигин эзиб, мажақлайман суякларини,  
Сўнг жасадин ҳомийлари, майли, судраб олиб кетсинлар».
- Шундай деди у,— жамоа сукут сақлаб гунг бўлиб қолди.  
Турди охир ўз ўрнидан тангримонанд Эврпал фақат.
680. Бир замонлар, марҳум Эдин шарафига уюштирилган  
Ўйинларда қатнашмоқ-чун азим Фива шахрига борган  
Ва жамики кадм элини\* мағлۇб этган мард Мекистейнинг  
Ўғли эди ва шоҳ Талай набираси эди — Эврпал.  
Уни жангга ҳозирлади найзаандоз қодир Диомед;
685. Унга дилдан зафар тилаб, далда берди дўстона сўз-ла;

- Аввал белин боғлаб қўйди белбоғ ила, сўнгра қўлига  
 Дашт буқасин терисидан ҳозирланган тасма\* тутқазди.  
 Шундан кейин белин маҳкам боғлаб икков чиқди ўртага.  
 Улар кучли билакларин ишга солиб муштлашардилар;
690. Рақибларнинг зил муштлири бир-бирига қоришиб кетди.  
 Шарақ-шуруқ уриларди чакакларга муштлир дамо-дам:  
 Қора терга ботди юзлар; шу чоқ бирдан полвон Эпеос  
 Қаддин ростлаб, алаҳсияган рақибига мушт урди жаҳд-ла,—  
 Эвриалнинг тиззалари букилдию кучи қирқилди.
695. Боди Борей эганида, сувдан чиқиб балиқ ўзини  
 Ўт ичига уради ва лойқа тўлқин уни кўмади, —  
 Маҳв бўлган Эвриал ҳам отди ўзин қора заминга,  
 Лек оққўнғил Эпиос тез ушлаб қолди унинг қўлидан;  
 Эвриалнинг ёр-дўстлари дарҳол олиб кетдилар уни;
700. Бечоранинг оёқлари борар эди судралиб ерда,  
 Оғзидан қон келиб, боши осилганди «шилиқ» этиб ёнга —  
 У ҳушидан кетган эди; уни дўстлар жамоасига  
 Элиб қўйиб, ўзлари тез қўшқадаҳни олдилар чиқиб.
- Шундан кейин Пелей ўғли мукофотнинг учинчисини —
705. Изтиробли кураш муздин жамоага намойиш қилди:  
 Ғолиб учун — ўчоққа мос, жуда улкан сепоя,— уни  
 Аргосликлар ўн икки бош ҳўкиз билан баҳоладилар.  
 Мағлуб учун — навниҳол бир чевар қизни бошлаб чиқдилар,  
 Тўрт бош ҳўкиз қийматида баҳоланди бул аспира ҳам;
710. Сўнг Ахиллес бундай деди жамоанинг олдида туриб:  
 «Ким бу бобда куч синамоқ бўлса, чиқсин, қани, майдонга!»
- Шундай деди; дарҳол буюк Теламоний турди ўрнидан;  
 Ҳийла-найранг пири бўлмиш, заковатли мард Одиссей ҳам.  
 Икки полвон белбоғ боғлаб, бел олишди ўртага чиқиб.
715. Метин қўллар қудратидан умуртқалар қисирлаб кетди  
 Доно меъмор ўзи қурган иморатнинг баланд томини  
 Шамолга дош берсин дея ёпган васса огочларидек;  
 Икки марднинг вужудидан маржон-маржон тер қуюларди;  
 Биқинлари, елкалари тарам-тарам қонталашганди;
720. Бу иккала паҳлавон ҳам саодатли мукофот учун  
 Ва ғалаба қозонмоқ-чун жидду жаҳд-ла курашардилар.  
 Аячагача на Одиссей йиқа олди мард Аяксни,  
 На Аякснинг қўли баланд кела қолди шоҳ Одиссейдан,  
 Ахейлар ҳам зерикишиб бу курашдан, шовқин солдилар;
725. Шунда Аякс Теламоний наъра қилди шоҳ Одиссейга:  
 «О, Лаэртнинг саховатли ўғли доно ва мард Одиссей,  
 Ё сен кўтар мени, ё мен; оқибати Зевсга ҳавола!»

Деб кўтарди Одиссейни лек Одиссей найранг ишлатди:  
 У Аякснинг тақимига товони-ла уриб чалдию

730. Ерга йиқди; лекин ўзи ҳам Аякснинг устига тушди.  
Кузатарди бу курашни халқ ҳайрат ва таажжуб билан.  
Яна ердан узмоқ бўлди мард Аяксни собир Одиссей,  
Унинг пойин хиёл ердан уздию лек кўтаролмади;  
Тиззалари букилдию иккови ҳам ёнбошма-ёнбош
735. Қора ерга ағдарилди бошдан-оёқ тўзонга ботиб.  
Рақиблар тез сакраб туриб, беллашмоқчи бўлганда яна,  
Ахилл тушди ўртага ва барҳам берди мубоҳасага:  
«Курашни бас қилинг, кўпам ўзингизни уринтирманглар,  
Икковингиз ҳам голибсиз, тенг мукофот олиб иккингиз,
740. Четга чиқинг: ўзгалар ҳам беллашинсин бугун майдонда».

Деди у, — ва икки ботир Ахиллесага итоат этиб,  
Четга чиқди, гарддан фориг бўлиб, янги либослар кийди.

- Бу гал Ахилл чопувчилар учун эълон қилди мукофот:  
Биринчиси — олти ўлчов май сиғувчи нажиб кумуш жом,
745. Бу муҳташам жомни Сидон усталари ясаган бўлиб,  
Гўзалликда топилмасди унинг тенги бугун жаҳонда.  
Финикия эрлари бу жомни сотмоқ учун Лемносга  
Олиб келиб, лек армуғон этгандилар кейин Фоасга;  
Язон ўғли Эвней буни асир тушган Приам ўғли
750. Ликаон-чун берган эди Патроклга тўлов сифатда.  
Ахилл дўсти шарафига ўтётган бу мусобақада  
Энг тез чопган азаматга ушбу жомни бермоқчи бўлди.  
Мукофотнинг иккинчиси — буқа эди ғоятда улкан;  
Энг орқада қолганга у тайин қилди ним талант олтин.
755. Сўнг у давра ўртасига чиқиб шундай юзланди халққа:  
«Кимда майл бўлса ушбу жасоратга, чиқсин ўртага!»

- Оилейнинг чаққон ўғли Аякс турди ўрнидан дарҳол;  
Заковатли Одиссей ҳам, Нестор ўғли мард Антилох ҳам:  
Қиёси йўқ эди унинг ёшлар ичра тез югуришда.
760. Саф турдилар; тайин қилди йироқдаги маррани Ахилл.  
Мава, чопиш ҳам бошланди; ўзиб кетди ҳаммадан Аякс;  
Лек изма-из борар эди қув Одиссей унинг ортидан;  
Қалавали дугни мато тўқидётган аёл кўксига  
Яқин ушлаб, чаққон-чаққон оширади ипни арқоқдан,—
765. Одиссей ҳам шундай чаққон елар эди Аякс ортидан;  
Босиб борар эди изин чанг ҳам ҳали кўтарилмасдан;  
Аякс унинг нафасини ҳис этарди ўз энсасида;  
Одиссейнинг зафарталаб иштиёқин яна жўштириб,  
Руҳлантириб ҳайқирарди халқ майдонни бошга кўтариб.
770. Лекин улар яқинлашай деб қолганда маррага, бирдан  
Шоҳ Одиссей Палладага дилдан нидо қилди зорланиб:  
«О, Зевс қизи,\* тингла зорим! Пойларимни тезлат, раҳм қил!»

- Деб тавалло қилди шундай,— маъбуда ҳам тинглаб зорини,  
 Қувват берди танига-ю, енгиллатди оёқ-қўлини.
775. Мана, марра яқинлашиб, муздга ҳам қўл чўса етгудек  
 Оз қолганда, бирдан Аякс тойиб кетди: бу Афинанинг  
 Иши эди — Аякс марҳум шарафига қурбон қилинган  
 Ҳайрилма шоҳ ҳўкизларнинг босган эди суюқ тезагин;  
 Мард Аякснинг оғиз-бурни тезак ила тўлди баногоҳ.
780. Соврин — жомни илби кетди шоҳ Одиссей биринчи бўлиб;  
 Улкан буқа насиб этди Оилейнинг ўғли Аяксга:  
 У ўрнидан туриб, маҳкам дашт буқасини шохин тутди-ю,  
 Тинмай тезак тупираркан, шундай деди майдон аҳлига:  
 «Дўстлар, менинг оёғимдан чалди Зевснинг қизи Афина!  
 785. У ҳамиша Одиссейга мадад берад — ўз опасидай!»

- Шундай деди,— кўкни тутди оломоннинг шўх-шўх хандаси.  
 Бу пойгада Нестор ўғли энг охири совринни олди;  
 Олган заҳот ахейларга шундай деди жилмайиб туриб:  
 «Барчагизга аён, дўстлар, бу сафар ҳам боқий тангрилар
790. Ҳар галгидек, тақдирлади ёши улуг бандаларини.  
 Уч-тўрт кўйлак ортиқ йиртган мендан Аякс Оилейзода;  
 Шоҳ Одиссей эса кўҳна аждодларнинг насабидандир;  
 Аммо қари бўлса ҳам, у куч-қувватга тўла, дейдилар;  
 Ҳеч ким унга бас келолмас югуришда — Ахиллдан ўзга».
795. Деб чаққонпо Ахиллеснинг таърифини келтирди мақтаб,  
 Лек Ахиллнинг ўзи дарҳол жавоб қилди Несторзодага:  
 «О, Антилох! Бу мақтовнинг бемукофот қолмас, биродар;  
 Совринингга ярим талант олтин яна илова қилгум».

- Деб у олтин туҳфа қилди: йигит боши етди осмонга.
800. Чаққоноёқ Ахилл энди олиб чиқиб қўйди ўртага  
 Увун найза, қалқон ҳамда бир дурафшон олтип дубулга,  
 Булар — мағлуб Сарпедоннинг совутлари — мард Патроклнинг  
 Ўлжасийди. Сўнг Ахиллес шундай калом айтди эл аро:  
 «Икки жобоз муҳорибни чақирурмиз энди майдонга,  
 805. Токи улар силоҳ тақиб, совут кийиб, яккама-якка  
 Жанг қилишиб, эл олдида кўрсатсинлар ўз қудратларин.  
 Кимки рақиб совутини олдин тешиб, унинг мўътабар  
 Ва покиза баданидан қон чиқарса, шудир музаффар,—  
 Унга ушбу кумуш бандли Фракция шопини бергум;  
 810. Ўлжа олган эдим мазкур силоҳни мен Астеропейдан;  
 Сарпедоннинг қуроқларин иккала мард бўлашиб олур;  
 Сўнг уларнинг шарафига чодиримда бергум зиёфат».—

Шундай деди,— ва оёққа турди бузрук Теламонзода;  
 Кетма-кет тез Тидейзода Диомед ҳам турди мардона,



815. Икковлари икки ёқда ёру дўстлар даврасида тез  
 Совут кийиб, қуролланиб шайландилар зўр олишувга.  
 Ўқрайганча бир-бирига; ваҳм босди аргосликларни.  
 Сўнг даврага чопиб чиқиб жангни бошлаб юбордилар тез;  
 Улар уч бор тўқнашдилар, уч бор қурол уриштирдилар.
820. Теламонзод найза санчди рақибининг дўнг қалқонига.  
 Жароҳатлай олмади лек, зирҳ бор эди қалқон остида.  
 Лек Диомед мард Аякснинг етти қатлам қалқони оша  
 Очиқ бўйнин мўлжал олиб обдор найза санчмоқ бўларди.  
 Шунда ахей ўғлоплари шоҳ Аяксдан хавотирланиб
825. Жанг тўхтасин, мукофот тенг бўлинсин, деб шовқин солдилар.  
 Лек Ахиллес кумуш сопли шамшир ҳамда унинг ғилофи  
 Ва бежирим тасмаси-ла Диомедни мукофотлади.

Ахилл қўйма темир лаппак олиб чиқди энди совринга;

830. Бир замонлар отган экан иқтидорли Этион уни;  
 Лекин уни шоҳ Ахиллес маҳв қилиб, темир лаппагин  
 Кемасида ўзи билан ўлжа қилиб олиб келганди.  
 Шоҳ жамоа қаршисида туриб шундай бир калом айтди:  
 «Лаппак отиб яна мардлик кўрсатмоқчи бўлганлар турсин!  
 Ўз юртида поёни йўқ экинзори бўлган мард учун
835. Ушбу темир лаппак хизмат қилгай роса беш йил муттасил;  
 У ҳеч қачон муҳтож бўлмас омовч ясаш учун темирга,  
 На чўбони, на деҳқони шаҳар борар темир ахтариб».

Деди у, — ва дик ўрнидан турди жангга ташна Полипет;

840. Тангримонанд паҳлавон эр, соҳибқудрат шоҳ Леонтей ҳам;  
 Сўнг кетма-кет Теламоний ва девқомат Эпеос полвон;  
 Энг аввало ўшал темир зид лаппак Эпеос олиб,  
 Узоқ силкиб улоқтирди; халқ хахолаб кулиб юборди.  
 Ундан кейин тангри Арей арзандаси Леонтей отди;  
 Ана энди Теламоний Аякс залвар темир лаппакни
845. Қўлга олиб отган эди, оширворди олдингилардан.  
 Лек лаппакни муҳориб эр шоҳ Полипет қўлга олганда,—  
 Чўпон йигит қулочкашлаб отган таёқ чирпирак бўлиб,  
 Пода узра учиб анча жойга бориб тушгани каби,—  
 Полипетнинг лаппаги ҳам бориб тушди жуда узоққа;
850. Буни кўрган аргосликлар қийқиришиб юборди бирдан.  
 Полипетнинг одамлари гурра келиб, ўз сардорининг  
 Совринини ола кетди кемаларга шоду хуррам-ла.

Ахилл энди ёйотарлар учун темир асбоблар қўйди:

855. Мукофотга ўнта — икки ва ўнта — бир қиррали\* болта.  
 Нишон учун анча олис ерга, қумга кема устуни  
 Санчиб, унинг қир учига бир каптарни ингичка ип-ла  
 Оёғидан боғлади-да, эълон қилди: «нишон — шу» дея.

- «Ҳимки ювош кабутарга ўқ теккизса, икки қиррали  
 Болталарнинг ҳаммасини олиб кетур ўз чодирига;  
 860. Ҳимки қушга ўқ теккизмай, фақат ипни узиб юборса,  
 У олажак бир қиррали болталарни мағлуб сифатда».

- Деди Ахилл,— бу даъватга тез ўрнидан турди шоҳ Тевкр;  
 Турди яна мард Мерион — Крит шоҳин вафодор дўсти.  
 Дубулгага қуръа ташлаб силкитдилар; биринчи қуръа  
 865. Мард Тевкрга насиб қилди; бутун куч-ла ўқ узди у тез;  
 Лек афсуски, ўқ узишдан олдин Тевкр Феб—Аполлонга  
 Барра-барра қўзилардан ҳекатомба атамаганди.  
 Ололмади у мўлжални; дарғазаб Феб монелик қилди;  
 У отган ўқ қуш оёғи яқинидан чўрт узди ипни;  
 870. Қўкка парвоз қилди қаптар қанотларин патиллатганча;  
 Ип шамолда учиб, охир ерга инди; халқ қийқирворди.  
 Шунда дарҳол мард Мерион хомуш турган Тевкр қўлидан  
 Ёйни олиб, тайёр ушлаб турган ўқни чиллага тортди:  
 У дилида кумушкамон Фебга барра қўзичоқлардан  
 875. Ҳекатомба ваъда қилиб, «мадад бер», деб ёлборди унга:  
 Сўнг поёнсиз мовий қўқда гирд капалак бўлиб учётган  
 Ювош қушнинг қанот остин камонидан мўлжалга олди;  
 Ўқ қаптарнинг қанотини тешиб ўтиб, яна заминга  
 Қайтиб тушди ва санчиқди Мерионнинг пойи остига;  
 880. Қаптар эса учиб тушиб қўнди қора кема дорига,  
 Сўнгра боши ҳам бўлди ва қанотлари шалвираб қолди,  
 Шу заҳоти руҳи жисмин тарк этдию дордан қулади;  
 Ҳайрон бўлиб қолди бирдан бу ҳолатни кўрган жамоа.  
 Икки дамла болталарнинг барин голиб Мерион олди;  
 885. Мағлуб Тевкр одамларип олиб кетди ўз кемасига.

- Яна Ахилл чўнг найза ва қиймати бир бош ҳўкизга тенг,  
 Ўт кўрмаган пок ва гулдор бир қумғонни келтириб қўйди;  
 Шунда икки найзабардор тортишмоқ-чун турди ўрнидан:  
 Биринчи мард — соҳибқирон Атрейзода шоҳ Агамемнон,  
 890. Иккинчи эр — Крит шоҳин содиқ дўсти жасур Мерион;  
 Вале зако Ахилл туриб шундай деди бу икки мардга:  
 «Агамемнон, биламизки, сен ҳам найза отиш бобида,  
 Ҳам қудратда беқийёсан бутун ахей халқи ичида.  
 Сен, яхписи, Агамемнон, мукофотни бежанг олақол;  
 895. Чўнг найзани эса биз мард Мерионга берақолайлик,  
 Гар сенга шу маъқул бўлса. Менга қолса шундай қилардим».

Соҳибқирон Агамемнон маъқуллади Ахилл таклифип.  
 Шоҳ Ахиллес Мерионга берди шунда улкан найзани;  
 Агамемнон Талфийбийга тутқазди ўз мукофотини.

# ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

## ХЕКТОР ЖАСАДИНИ ТОВОН ТҰЛАБ ОЛИШ

- Ұйин тамом; ҳамма кема-кемасига тарқалди зумда;  
Халқ ўзининг чодирда шомлик қилиб, тунги уйқудан  
Лаззатланиб дам олмоққа ошиқарди. Ёлғиз ғамзада  
Пелейзода йиғлар эди ўз жонажон дўстини қўмсаб;
5. Ҳаловат йўқ эди унинг ошида ҳам, уйқусида ҳам;  
У тўлғаниб ётар экан тўшагида, Патрокл ила  
Биргаликда жанг қилганда, чўнг уммонда тўфонда қолиб  
Бошларига не кулфатлар тушганини хотирлар эди;  
Қайноқ-қайноқ кўз ёш тўкар эди Ахилл шуларни эслаб.
10. Гоҳ ёнбошлаб, гоҳ мук тушиб ётарди у, гоҳо чалқанча;  
Охири у туриб кетиб, соҳил кезди паришон ҳолда.  
Қирмизиранг тонгни Ахилл қарши олди денгиз бўйида.  
Шунда у тез қўшди учқур отларини жангаробага;  
Аробага арқон билан боғлади у Хектор жасадин;
15. Дўсти қабрин атрофидан уни уч қур судраб ўтди-ю,  
Чодирга қайтиб кўнгли таскин топди охир-оқибат;  
Хекторни у тупроққа юзгубан отди. Валекин унинг  
Паноҳгоҳи Феб ҳеч зиён етказмади ўлигига ҳам;  
Бул худованд мурдадан ҳам марҳаматин дариг тутмади:
20. Мудом унинг жасадин зар қалқонлар-ла ихота қилди.  
Ахилл уни судраганда ҳеч бир шикаст етмасин, дея.

- Ҳа, илоҳий Хекторни шу тарзда таҳқир қиларди Ахилл.  
Боқийларнинг раҳми келди, буни кўриб арши аълодан  
Ва Ҳермесни Хектор жисмин ўғирлашга даъват этдилар;
25. Ҳамма шуни маъқул кўрди; фақатгина маъбуда Ҳера,  
Шоҳ Посейдон ва шаҳлокўз Афинага хуш ёқмади бу.

- Улар ҳануз ёқтирмасди Трояни, кекса Приамни  
Ҳамда унинг табаасин, Париснинг шум гуноҳи учун:  
Қишлоқда у кулбасига ташриф қилиб маъбудаларни,
30. Таҳқирлаган ва бад шаҳват бахш этганини шарафлаганди.\*

Субҳидамдан дарак бериб ўн икки бор ёнганда Шафақ,  
Шундай деди кумушкамон Феб тангрилар жамоасида:

- «О, бешафқат ва ноинсоф ҳудовандлар! Приамзоданинг Қурбонгоҳда буқалар ва қўчқорларнинг ёғлиқ сонларин
35. Сизлар учун хушбўй ўтда ёндирганин унутдингизми? Хатто унинг жасадин ҳам истамайсиз халос этмоқни; Имкон беринг, видолашин марҳум билан завжаси, ўғли, Волидаси, чол отаси; Троянинг аҳолиси ҳам Паҳлавонни иззат билан дафн этсин ўтда ёндириб!
40. Сиз мурувват қилмоқдасиз, адолатни, раҳм-шафқатни Юрагидан соқит қилган соҳибчангал мард Ахиллесга. Ваҳшиёна қувва ҳамда густоҳона қалб соҳиби — шер Фақат ўзин манфаатин кўзлаб ўлжа ахтарар экан, Ёиртқичона ҳамла қилур фонийларнинг подаларига,—
45. Пелейзод ҳам ўшал шердек йўқотгандир раҳм-шафқатни, Инсон учун ҳам ҳаён, ҳам зиён бўлмиш — шарму ҳаёни. Баъзи банда жудо бўлур юрагига азиз кишидан: Ёш ўғли, ё оғасидан — бир қориндан талашиб тушган; Аза гутиб, кўз ёш тўкур, илло охир ғамни тарк этур;
50. Зеро, Тақдир маъбудлари одамзодга бахш этмиш тоқат. Ахилл эса Ҳектор жонин олиш билан чекланиб қолмай, Дўстин қабри атрофида судрамоқда шўрликни хўрлаб! Ваҳоланки, бу билан у на шон қучар, на ҳаён кўрар! Минг қудратли бўлсин, бизнинг интиқомга дуч келгай Ахилл;
55. Ки ул қаҳқор она Ерни, гунг тупроқни таҳқирламоқда!»\*

Сармалика Ҳера унга жавоб қилди тошиб ғазоби:

- «О, такаббур кумушкамон, айтганларинг ҳақ бўлур эди, Гар Ахиллес ва Ҳекторни бирдай яхши кўрганингда сен! Вале Ҳектор — хом сут эмган бир бандадир, инсон фарзанди;
60. Ахилл — тангри қавмидандир, туққан уни санам Фетида; Фетидани ўзим боқиб катта қилиб, жами боқийлар Учун бирдай азиз бўлган шоҳ Пелейга бергандим эрга. Ҳамма тангри бўлган ушинг никоҳида; сен ҳам, о, фосиқ, О, хоин дўст, лира чалиб вақтичоғлиқ қилгандинг тўйда!»
65. Жавоб қилди булутқувар Зевс ўзининг рафиқасига: «Ҳера завжам! Ҳеч қачон сен нола қилма аҳли самодан. Бирдай ҳурмат топмаган ҳеч бул икки мард; лек Ҳекторни ҳам Илионлик мардлар ичра ардоқларди кўп ҳудовандлар, Мен ўзим ҳам! Ёдларди у бизни эзгу қурбонликлар-ла:
70. Қурбонгоҳим мудом мўл-кўл назрлардан (қирмизи маю Хушбўй ўтда куйдирилган ёғу гўштдан) мунаввар эрди, Лек қўяйлик ўғирликни; сездирмасдан Ҳектор жасадин Ўғирлашнинг имкони йўқ Ахиллеснинг қўли остидан; Кеча-кундуз қошидадир волидаси — гўзал Фетида.
75. Ундан кўра, бирон тангри бошлаб келсин уни қошимга; Маъбудага бир оғиз сўз айтайки мен, чаққон Ахиллес

Приамдан тўлов олиб қайтиб бергай Ҳектор жасадин».

- Деди Зевс, — мужда ила қуюн янглиғ учди Ирида;  
У денгизга шўнғиди тез қудсий Сам ва серқоя Имбр
80. Орасида; чўнг долғалар фарёд чекди унинг пойида;  
У ҳўкизнинг мўғизига боғланган\* ва оч балиқларни  
Қийратувчи қўрғошиндек шўнғиди тез денгиз қаърига;  
У ерда у, теран ғорда, Фетидани кўрди дафъатан;  
Бул маъбуда океаннинг санамлари доирасида
85. Зор-зор йиғлаб ўтирарди ўз ўғлонин талх қисматидан;  
Ўғлин ҳалок бўлишини биларди у бегона юртада.  
Фетиданинг қаршисида туриб деди Зевс муждакаши:  
«Аҳди маҳкам сармушовир Зевс чорлайди сени, Фетида».

- Кумушоёқ Нерей қизи шундай деди унга жавобан:
90. «Не амр этур боқийларнинг ҳукмдори мен бенавога?  
Мунавварлар қошига ғам чекиб чиқмоқ уятдир менга!  
Лек розиман: сарпадарнинг амри ерда қолмаслиги шарт».

- Шундай дея, кийди мотам жомасини она — Фетида,  
Йўлга тушди сиё тундан ҳам қоп-қора уртук ёпишиб.
95. Ирида ҳам елдек учиб борар эди унинг олдида;  
Теран денгиз долғалари йўл очарди маъбудаларга.  
Қум соҳилга чиқиб улар учдилар тез юксак самога.  
Учратдилар Зевсни унда; барча масъуд боқийлар эса  
Чақмоқдорнинг теграсига машваратга тўплангандилар.
100. Зевс ёнига инди санам; Афина жой бўшатди унга;  
Ҳера унга қадаҳ тутиб илиқ сўз-ла тасалли берди.  
Фетида бир қултум ичиб, қайтарди ул олтин қадаҳни.  
Боқийлару фонийларнинг падари Зевс бир калом айтди:  
«Эрка қизим, Олимпга сен қалбинг тўла дард-ла чиқибсан;
105. Биламан, сен маъбуданинг ғам-андуҳинг оғирдир беҳад;  
Лек Олимпга сени нечун чорлаганим боисин айтгум.  
Тўққиз кунки, боқийларнинг орасида нифоқ қўзғалган;  
Муҳориб эр Ҳектор пла далир Ахилл сабабчи бунга.  
Худовандлар Ҳектор жисмин ўғирлашни таклиф этмоқда;
110. Мен, аксинча, ул шарафни\* Ахиллесга бахш этмоқчиман,  
Қалбда мангу сақлаганча сенга меҳру лутфу садоқат.  
Сен маъбуда, ўғлинга айт бориб юнон қароргоҳига;  
Барча тангри ундан хафа; ҳаммадан кўп мен ранжиганман,  
Ки у ғазаб даъвати-ла раҳматли эр Ҳектор жасадин
115. Бандаргоҳда сақламоқда хоҳламасдан тўлов олишни.  
Гар қўрқса у ғазабимдан қайтарсин тез марҳум жасадин.  
Иридани мен Приам ҳузурига жўнатурманки,  
У ахейлар даргоҳига азиз ўғлин жасади учун  
Борганида, Ахиллга мўл ҳадя элтсин, дилини хушлаб».

120. Шундай деди,— Фетида ҳам қулоқ осди Зевс каломига;  
 Мисли қушдай парвоз қилди юксак Олимп чўққисидан у.  
 Қароргоҳга келиб инди ва Ахиллнинг ўз чодирيدا  
 Нола чекиб, юм-юм йиглаб ўтирганин кўрди баногоҳ;  
 Атрофида ёронлари ҳозирларди унга нонушта;
125. Тахтапулда ётар эди бўғизланган сержун бир қўчқор,

- Муҳтарама она инди маҳзун ўғлин ёнига келиб;  
 Илки ила уни аста силаб, шундай такаллум қилди:  
 «Нуридийдам, нечун қалбинг эзмоқдасан оҳ-фиғон чекиб;  
 На бир овқат ейсан, бўтам, на бир нафас ором оласан?»
130. Ундан кўра, дилбар қиз-ла ишқ нашъасин сурганинг соз-ку.  
 Умринг тугаб қолаёзди; рўпарангда, суюкли ўғлим,  
 Шай туришти қилич қайраб шаксиз ўлим ва аччиқ Қисмат.  
 Гапим тингла: сенга Зевсдан шундай мужда олиб келдим мен;  
 Худовандлар сендан хафа, ҳаммадан кўп Зевс ранжиганмиш.
135. Ки сен ғазаб даъвати-ла раҳматли эр Ҳектор жасадин  
 Бандаргоҳда сақлаяпсан хоҳламасдан тўлов олишни.  
 Сен, Ахиллес, яхшиси мўл товон олиб, жасадни қайтар».

- Онасига шундай деди чаққоноеқ машҳур Ахиллес:  
 «Мен розиман; майли тўлов олиб келган олсин жасадни;
140. Баски, Олимп ҳукмдори менга шундай амр этган экан».

- Фетида ўз ўғли билан мирмидонлар қароргоҳида,  
 Кемаларнинг соясида шундай суҳбат қурган чоғида  
 Зевс муқаддас Трояга Иридани равона қилди:  
 «О, қанотли Ирида, уч, тарк этиб сен юксак Олимпни;
145. Ва муқаддас Илионга бориб хабар қил Приамга;  
 У ўғлини олмоқ учун борсин ахей кемаларига,  
 Ахиллесни рози қилмоқ учун совға олиб борсин мўл.  
 Илло чолнинг ёлғиз ўзи борсин ҳеч бир кузатувчисиз;  
 Фақат битта чол жарчини олса бўлди, хачир қўшилган
150. Аробани бошқармоқ ва ахейларнинг қароргоҳидан  
 Ахиллес ҳамв этган ўғлин жсадини олиб келмоқ-чун.  
 Қўрқувни ҳам, ўлимни ҳам хаёлига келтирмасин ҳеч;  
 Биз Ҳермесни ҳамроҳ этиб жўнатурмиз нуроний чолга.  
 У кузатиб бориб шоҳни, Ахиллесга рўбарў қилур;
155. Бошлаб киргач у Приамни қаҳрамоннинг қароргоҳига,  
 На Ахиллес журьят этар мўйсафидга қўл кўтармоққа,  
 На йўл қўяр ўзгаларнинг унга таҳдид қилишларига;  
 У водон ҳам, бешарм ҳам, фосиқ ҳаммас гуноҳга ботган;  
 У ҳамиша шафқат қилур паноҳ излаб борган одамга».
160. Деди Зевс, — парвоз қилди қуюнмонанд Ирида кўкдан;  
 Инди Приам ошёнига; шоҳид бўлди нола, фарёдга.

Ўғиллари ҳовлининг қоқ ўртасида чол атрофида  
Йиғларканлар, кўз ёшга ғарқ қилардилар либосларини;  
Приам эса ётар эди бутун жисмин ридога буркаб;  
165. У ҳовучлаб тинмай тупроқ сочар эди боши, бўйнидан.  
Қизлари ва келинлари йиғлардилар ўз уйларида  
Ахейларнинг қўлида жон қазо қилган Троя элин  
Сон-саноқсиз иқтидорли ҳомийларин ёдлаб, ув тортиб.

- Зевснинг учқур муждакаши яқинлашиб аста Приамга,  
170. Секин деди (титроқ босди қариянинг бутун вужудин):  
«Бардам бўл, о, Дарданзода, ҳайиқмагил мендан мутлақо!  
Мен Олимпдан бад ният-ла тушганим йўқ бугун қошингга,  
Билъакс, олиб келдим сенга чақмоқотар Зевсдан хушхабар;  
У самода бўлса ҳамки, қалбан қилур сенинг ташвишинг.  
175. Зевс айтдики, Ахиллеснинг кўнглин бисёр армуғон ила  
Хушлаб, Ҳектор жасадини товоп тўлаб олар эмишсан;  
Илло ўзинг борармишсан ёлғиз, ҳеч бир кузатувчисиз;  
Фақат битта чол жарчини олсанг бўлди, хачир қўшилган  
Аробани бошқармоқ ва ахейларнинг қароргоҳидан  
180. Ахиллес маҳв этган ўғлинг жасадини олиб келмоқ-чун.  
Қўрқувин ҳам, ўлимни ҳам хаёлигга келтирмасмишсан;  
Тангри Ҳермес ҳамроҳ бўлиб борар эмиш сен билан бирга;  
У кузатиб бориб сени, Ахиллесга рўбарў қилур;  
Бошлаб киргач Ҳермес сени қахрамоннинг қароргоҳига.  
185. На Ахиллес журъат этар сенга қарши қўл кўтармоққа,  
На йўл қўяр ўзгаларнинг сенга таҳдид қилишларига;  
У нодон ҳам, бешарм ҳам, фосиқ ҳаммас гуноҳга ботган;  
У ҳамиша шафқат қилур паноҳ излаб борган одамга».

- Шундай дея учиб кетди қуюпмонанд гўзал Ирида.  
190. Хачирларни аробага дарҳол қўшиб, унга кажава  
Ўрнатмоқни амр этди шоҳ Приам ўғилларига.  
Ўзи эса жадал кирди хазиналар тўла кўшкига,—  
Кўшкки, томи баланд, хушбўй оғочлардан қурилган бино,  
Чақиртириб ўз завжаси Ҳекубани, бир калом деди:  
195. «Тингла, хотин! Менга Зевснинг муждачиси намоён бўлди;  
«Мирмидонлар ҳузурига бориб, товоп тўлаб Ахиллга,  
Ўғлонингни олиб келгил Илионга»,— деб амр этди у.  
О, азиза завжам, сўйла, сен не дейсан ушбу борада?  
Ҳам қалбим, ҳам заковатим мени қаттиқ даъват этмоқда  
200. Тез боришга бандаргоҳга — ахейларнинг қароргоҳига».

Шундай деди; лек хотини юм-юм йиглаб жавоб айлади:  
«Вой ўлмасам! Қайда қолди бир замонлар салтанатингга  
Ҳам хорижда эл оғзида дoston бўлган чўнг фаросатинг?  
Мирмидонлар ҳузурига ёлғиз ўзинг бормоқчимисан?

205. Неча-неча далир ўғлонларимизни маҳв этган қаттол  
Хузурига борасанми? Темирданми, дейман ё жонинг?  
Ўшал қонхўр, имонсиз эр сени қўлга туширган ҳамон,  
Аяб-нетиб ўтирмайди, ёшингни ҳам ҳурмат қилмайди!  
Яхшиси, ўз уйимизда ўғлимизни қўмсаб йиғлайлик;
210. Билишимча, менинг кўзим ўғлимизга ёригандаёқ,  
Қаҳдор Тақдир бахтиқаро қилган экан болам шўрликни, —  
Манглайига, ота-она кўзларидан четда, бир қаттол  
Оёғида кўшакларга ем бўлмоқлик битилган экан.  
О, қанийди, илож бўлса, ул номардни кўксин кемириб,
215. Ичакларин тилка-пора қилардим у қасос олардим!  
Қўрқоқ каби ўлгани йўқ Ҳекторгинам унинг қўлида;  
У мардона ҳалок бўлди ватан учун ва Иллионнинг  
Эркак, аёл аҳли учун, чекинув ва қўрқув не — билмай!»
- Шунда яна жавоб қилди Ҳекубага нуруний подшо:
220. «Моне бўлма хоҳишимга, ўз уйимда шумхосият қуш  
Бўлиб, хотин, сайрама; ҳеч ниятимдан қайтаролмайсап.  
Агар менга бул хабарин бирон қоҳин, ёхуд авлиё,  
Ёки назр-ниёз ила фол очувчи фолбин айтсайди,  
«Алдоқ!» дея, ҳамма гапин нафрат ила инкор этардим;
225. Маъбуданинг сасин тинглаб, ўз кўзим-ла кўрдим мен уни;  
Ҳа, бораман қароргоҳга, бежиз эмас Зевс каромати.  
Гар кемалар яқинида ўлмоқ бўлса менинг қисматим, —  
Мен розиман! Майли, дажжол сўйсин мен, лек армоним йўқ  
Азиз ўғлим сўнг бор қучиб, тўйиб йиғлаб хумордан чиқсам!»
230. Дедию у, сандиқларин қопқоғини бирма-бир очиб,  
Гўзалликда қиёси йўқ ўн иккита зар уртук олди,  
Шол рўмол ва қимматбаҳо патгиламлар — ўн иккитадан.  
Энг муҳташам чакмонлару ғоят нафис ички либослар;  
Шундан кейин тарозуда тортиб олди ўн талант олтин;
235. Тўртта лаган ва иккита ярақлаган сепоё олди;  
Бир замонлар элчи бўлиб борганда у Фракияга,  
Приамга энг муҳташам қадаҳ совға қилган эдилар.
- Кекса падар олиб чиқди аямасдан шул қадаҳни ҳам —  
Жон-дилидан хоҳларди у етишмоқни ўғил васлига.
240. У ҳаммани остонадан ғазаб ила қува бошлади:  
«Даф бўлинглар, касофатлар! Нима бало, уйларингизда  
Йўқми бошқа ташвишингиз — келиб бошим қотирмоқдасиз?  
Ёки Зевсинг энг диловар ўғлонимдан жудо қилгани  
Сизга ёқар? Бу жудолик оқибатин сезгайсиз тезда;
245. Мард ўғлоним нобуд бўлди — энди сизни ёв тутдай тўкар!  
Мен муқаддас Троянинг кулин кўкка соврилганини  
Кўрганимдан тезроқ гумдон бўлганим соз Аид қаърига!»



- Шундай деб у асо билан одамларни ҳайдай бошлади;  
 Ҳамма ўзин четга олди қариянинг дағдағасидан.
250. Шунда шоҳ ўз ўғилларин: Клит, Ҳелен, Ҳиппофоойни,  
 Уктам йигит Париснию энг диловор Антифонни ҳам,  
 Тангриларнинг арзандаси Агафонни, шавкатли Дийни,  
 Памонни ҳам, саховатли Политни ҳам, Деифобни ҳам, —  
 Уйни бошга кўтарганча койий кетди бўралаб сўкиб:
255. «Тез қимирланг, ярамаслар, беҳаёлар! Азиз Ҳекторим  
 Ўлганидан кўра ҳамманг тўнғиз қўпсанг яхши бўларди!  
 Қандай бадбахт бандаманки, Трояда таваллуд топган  
 Энг паҳлавон ўғлонларим, битта қолмай қирилиб кетди!  
 Тангримонанд Местор ҳам йўқ, соҳибқудрат Троил ҳам йўқ,
260. Мардлар ичра тангримисол Ҳектор, сен ҳам энди йўқдирсан!  
 Ки, худонинг (банданингмас) фарзандига ўхшаб кетардинг!  
 Жасурларни қирди Арей, тирик қолди бу беҳаёлар;  
 Ёлғончилар, фақат рақсда чаққоноёқ бадбахт раққослар,  
 Элининг молин ўғирловчи нотавонлар, малъун бандалар!
265. Имилламай тезроқ шайланг аробани ва тезроқ жойланг  
 Кажавага совгаларни; зудлик ила жўнамоғим шарт!»

- Шундай деди, — ва ўғиллар қўрқиб ота дағдағасидан,  
 Ёлдирашиб чиқдилар тўрт гилдиракли яп-янги, гўзал  
 Аробани ва устига ўрнатдилар теран кажава;
270. Сўнг қозикдан олиб улар хачирларнинг ҳалқачаси кўп,  
 Чўққисиди қалноғи бор обдор, шамшод бўйинтуруғин  
 Тўққиз газли қайиш билан бирга қўшиб олиб чиқдилар,  
 Ўрнатишиб чўнг шотининг энг учига бўйинтуруқни,  
 Маҳкам чаңдиб боғладилар илгакларга қайишлар билан;
275. Бўйинтуруқ қалноқчасин тасма билан уч қарра ўраб,  
 Қолган ҳамма абзалларни ҳам бирма-бир боғлаб чиқдилар.  
 Кейин уйдан олиб чиқиб Ҳектор учун тўланадиган  
 Совгаларни, тўрт гилдирак аробага жойлаштирдилар,
280. Мегинтуёқ хачирларни аробага қўшдилар дарҳол.  
 Келтирдилар сўнг отларни, қўшмоқ учун жангаробага,  
 Ки, уларни шоҳнинг ўзи боққан эди баланд оҳурда;  
 Томи юксак кўшк олдида қўшарқанлар жангаробага  
 Ул отларни шоҳ ва жарчи, тузардилар доно режарла.
285. Яқинлашиб келди бу пайт шоҳ олдига гампок Ҳекуба;  
 Ўнг илғида у май тўла олтин қадаҳ ушлаган эди,  
 Ки, шавҳарим уни паймо қилсин, дея сафар олдидан;  
 Шундай деди у Приамга, туриб отлар рўбарўсида:  
 «О, маҳбубим, баски ҳамон ўз аҳдингдан қайтмас экансан,  
 290. Зевсни ёдлаб май паймо қил ва тангрига тавалло қилки,  
 Сени омон қайтарсин ёв орасидан ўз мақомингга.  
 Ида тоғин чўққисидан Трояни ҳамиша сергак

- Кузатгувчи булуткувар ва чақмоқдор Зевсга сизин сен.  
Сўрки ундан, ўзи севган, иқтидорда ҳеч қиёси йўқ
295. Башоратчи қуш намоён қилсин кўкда, ўнг томонингдан;  
Ки сен камол ишонч ила йўл ол данай бандаргоҳига.  
Гар намоён қилмаса Зевс хушмуздачи ўшал бургутни,  
Унда, жоним, ёлбораман, мирмидонлар қароргоҳига  
Асло қадам босма, дея, қанча қатъий бўлмасин аҳдинг».
300. Завжасига деди дарҳол тангримонанд кекса Приам:  
«О, Ҳекуба, юз ўғирмам асло доно маслаҳатингдан;  
Лек, яхшиси, биз илк чўзиб, тангри Зевсдан мадад сўрайлик».

- Деб амр этди қўлларига сув қуймоқни жория қизга;  
Жория ҳам елиб бориб, бир кўза сув ила бир дастшўй
305. Олиб чиқди ва ғизиллаб келди подшо истиқболига.  
Шоҳ илкени ювиб бўлгач, завжасидан олди қадаҳни,  
Сўнгра ҳовли ўртасида турганча, май паймо қиларкан,  
Самога кўз тикканича янгроқ сас-ла тавалло қилди:  
«О, Идада малик бўлмиш шавкатли ва қодир падар Зевс!  
310. Шундай қилки, илтифот-ла қарши олсин мени Ахиллес;  
Сўргум сендан, ўзинг севган, иқтидорда ҳеч қиёси йўқ  
Башоратчи қуш намоён қилгил кўкда, ўнг томонимда;  
Ки мен камол ишонч-ла йўл олай данай бандаргоҳига!»

- Деб ёлборди, — ва эшитди унинг сасин парвардигор Зевс:
315. Аён қилди тангри фолбоп қушлар ичра энг ҳаққонийси —  
Бургутни тез (аҳли фоний уни қора овчи деб айтур),  
У намоён бўлиб кўкда, ёзганида қора қанотин,  
Келар эди ҳар қаноти Троянинг ғоят бадавлат  
Хонадонин улқаи, заранг қопқасининг тавақасидай.
320. Бургут учди Троянинг ўнг ёғида. Шоҳ ва малика  
Буни кўриб шодландилар, таскин топди нотинч қалблари.

- Приам жангаробага сакраб чиқиб, бостирмадаги  
Отларини елдек ҳайдаб чиқди қаср дарвозасидаи.  
Хачирлар тўрт ғилдираклик аробани тортиб борарди;
325. (Бошқарарди хачирларни муждачи чол — довишманд Идеи);  
Шоҳ Приам шу ароба орқасидан жангаробада  
Отларини учирганча чопди шаҳар кўчаларидан;  
Шоҳнинг ҳешу аҳбоблари кузатгандек уни ўлимга,  
Маҳзун йиғлаб қолди. Чоллар чиқди шаҳар дарвозасидан;
330. Шоҳнинг ҳешу ўғиллари Трояга қайтдилар маъюс.  
Лек сафарга чиққанларни олимпик Зевс кўрмай қолмади;  
У чолларни даштда кўриб, Приамга шафқат қилдию  
Шундай калом айтди бирдан азиз ўғли тангри Ҳермесга:  
«Бўтам Ҳермес! Сен худолар ичра ғоят одамохунсан;

335. Иўловчига ҳамроҳ бўлиб, дарддан фориғ қилурсан доим.  
 Бор, Троя шоҳини сен ахейларнинг бандаргоҳига  
 Шу йўсинда кузатгилки, ганимларнинг лашкари ичра  
 Ҳеч бир кимса қарияни кўрмасин ҳам, танимасин ҳам  
 То у кириб бормагунча Ахиллеснинг истиқболига».
340. Деди Зевс ва итоат этди унга муждаци Ҳермес;  
 Пойларига боғлади тез мангу олтин кафшларини  
 (Бул кафшлар поёни йўқ замин узра ва серталотум  
 Уммон узра мисли елдек учирарди тангри Ҳермесни);  
 У илқига, бандаларни ухлатгувчи, ёхуд гафлатда
345. Ётганларни уйғотгувчи пуркаронат асони олди;  
 Ушбу асо ила Ҳермес парвоз қилди юксак Олимпдан.  
 Зум ўтмай у етди борди Трояга ва Ҳеллеспонтга;  
 У мўйлаби сабза урган, гўзал ёшлик гаштини сурган  
 Бир шаҳзода сиймосида кенг даладан кетиб борарди.
350. Салдан кейин икки кекса Илнинг қабри ёнидан ўтиб,  
 Тўхтадилар зилол сув-ла суғормоқ-чун, от, хачирларни;  
 Бу пайт энди оқшом тушиб, қош қорая бошлаган ёди.  
 Шу чоқ ногоҳ зийрак Идей кўриб қолди тангри Ҳермесни,  
 Шундай дея юзланди тез ўз ҳамроҳи шоҳ Приамга:
355. «Дарданзода, бу ёққа боқ! Лозим бизга аҳтиёт бўлмоқ;  
 Ортимиздан келур бир эр, маҳв этмоққа чоғланган бизни!  
 Қочмоқ лозим; отлар учқур; ёки унинг қошига бориб,  
 Пойларидан қучиб туриб, ундан шафқат сўрамоқ даркор!»
- Деди Идей, — қўрқиб кетган чолнинг қалби ларзага келди;
360. Қомати дол Приамнинг тикка турди сафид сочлари;  
 У донг қотиб қолган эди. Эриуний келиб қошига,  
 Қўлларида аста олиб деди унга навозиш ила:  
 «Аҳли фоний маст уйқуда ётган шундай қоронғу тунда  
 Олисгами борурсан, о падар, оту хачирларинг-ла?
365. Наҳотки ҳеч ҳайиқмайсан чор атрофда изғишиб юрган  
 Қаттол, мағрур ва даргазаб ахейлардан — ағёрларингдан?  
 Агар сенинг зулмат тунда шунча бисёр хазина ила  
 Кетётганинг бироқ ганим сезиб қолса ҳолинг не кечур?  
 Ёш эмассан сен ўзинг ҳам, ҳамроҳинг ҳам мункиллаган чол;
370. Қандай ҳифз қилгайсан сен ўзингни дуч келган ганимдан?  
 Сенга бадлик раво кўрмам, ўзгалардан ҳимоя қилгум,  
 Зероки, сен ота менинг падаримга ўхшаб кетасан!»

Тангримопанд чол Приам жавоб қилди Ҳермесга дадил:  
 «Азиз ўғлон, тамомила ҳақдир жами айтган гапларинг.

375. Вале, баски, тангри раво кўрган экан менга сендайин  
 Нодир ақл соҳибини, саховатли, ўктам ҳамроҳини,

Демак менинг бошим узра паногоҳ Зевс илкин чўзипти;  
Демакки, сен саодатли ота-она фарзандидурсен!»

- Приамга деди яна шарофатли муждачи Ҳермес:  
380. «Доно ва ҳақ калом айтдинг, о муҳтарам нуруний ота.  
Валекин сен баён этгил менга яна бор ҳақиқатни;  
Шунча молу давлатни сен бирон четга жўнатурсанми,  
Ҳеч бўлмаса, шу бойликлар омон қолсин, деган ниятда?  
Балки қудсий Трояни, қўрқиб кетиб, тарк этмоқдасан?  
385. Ҳалок бўлди энг диловар ҳомийингиз — сенинг ўғлонинг!  
Ахей диловарларидан қолишмасди у жангда асло!»

Тангриваш шоҳ Дардонзода дарҳол жавоб қилди Ҳермесга:  
«О, сен, марҳум, бахтиқаро ўғлонимни ширин сўз ила  
Хотирлаган навжувон мард, кимсан ўзинг, отанг-онанг ким?»

390. Чолга яна жавоб қилди шарофатли муждачи Ҳермес:  
«Кўряпман, сен сўрмоқчисан мендан жасур Ҳектор ҳақида.  
Мен ўзим ҳам уни тез-тез кўрар эдим шавкатли жангда,  
Ҳаттоки, у данайларни қувиб бориб бандаргоҳга,  
Кўп лашкарни шамшири-ла тутдай тўккан машъум кунда ҳам.  
395. Кузатардик биз бир четда туриб Ҳектор жасоратини;  
Атрейзоддан аччиғланган Ахилл бизни қўймасди жангга.  
Мен Ахиллес навкариман, бир кемада сузиб келганмиз;  
Асли наслим мирмидонлик; мард Поликтор падарим менинг:  
У ҳам сендек кўп бадавлат, нуруний ва паҳлавон эрдир.  
400. Унинг олти ўғли уйда, еттинчиси, мана — қаршингда;  
Бизлар қуръа ташлагандик — менга тушди жангга жўнамоқ.  
Мен соҳилдан жанг майдонни текширгани келувдим бугун;  
Эрта тонгда бошлагайлар мард ахейлар шаҳарга ҳужум.  
Бекор ётиш тегди қўшин меъдасига; лашкарбошчилар  
405. Қўшиндаги жанговарлик кайфиятин босишга ожиз».

- Тангримонанд шоҳ Приам жавоб қилди тангри Ҳермесга:  
«Ҳақиқатдан ҳам сен агар Ахиллеснинг ҳабиби бўлсанг,  
Ўтинаман, яширмай бор ҳақиқатни, баён қил менга:  
Ётиптими ўғлим ҳануз бандаргоҳда, ё унинг жисмин  
410. Нимта-нимта қилиб Ахилл ташлаганми иту қузғунга?»

- Жавоб қилди яна чолга шарофатли муждачи Ҳермес:  
«О, қария, уни на ит ғажиган, на қузғун чўқиган:  
У бешикаст ётур ҳамон Ахилл инган кенг бандаргоҳда,  
Бир чодирда; ўлганига ўн икки кун бўлган бўлса ҳам,—  
415. Ҳамон жисми примаган, жангда шаҳид бўлган лашкарни  
Чигирткадек кемирувчи оч қуртлар ҳам тегмаган унга.  
Тўғри, Ахилл уни ҳар кун қудсий Шафақ нур сочган чоғда

- Судрар дўстин азиз қабри теграсида шафқатсизларча;  
 Лек етмаган унга шикаст; кўрсанг сен ҳам ҳайрон қоласан;  
 420. Худди шабнам ювганидек тароватли; асар йўқ қондан,  
 Бутун жисми гулдай тоза, танидаги қаҳдор найзадан  
 Пайдо бўлган жароҳатлар бари энди тамоман битган.  
 Ки худолар ғамхўрдирлар машҳур ўғлинг жасадига ҳам;  
 Аҳли само уни шундай эъзозлайди, карам қилади».
425. Қариянинг кўнгли гулдай яшнаб, шундай деди Ҳермесга:  
 «Само аҳлин қурбонлик-ла йўқлаб турмоқ, кўп савоб, ўғлим!  
 Ҳектор, — кошки тирик бўлса! — фароғатли кошонамизда  
 Ҳар вақт юксак Олимпдаги боқийларни ёдлаб турарди;  
 Шу боисдан эсламоқда худовандлар марҳум ўғлимни.
430. Лек қулоқ сол, қабул айлаб мендан ушбу олтин қадахни,  
 Боқийларнинг паноҳида мирмидонлар қароргоҳига,  
 То Ахиллнинг кўшкигача кузатиб қўй мени ҳифз этиб».

- Зевс элчиси Ҳермес яна жавоб қилди Дарданзодага:  
 «Сен, қария, мени ёш деб йўлдан урма, менга бермоқчи  
 435. Бўлган совғаг олмам асло, Ахиллесни ғофил қолдириб.  
 Мен Ахиллни ҳурматлайман ва ул эрга тегиш совгани  
 Пинҳон олмам, кейин бирон фалокатга учрамаслик-чун;  
 Илло сенга заминда ҳам, уммонда ҳам ҳамроҳ бўлгайман;  
 То шавкатли Аргосгача ҳам кузатгум сени жон-дилдан;  
 440. Ҳеч бир фоний кас йўлимга ғов бўлишга журъат ётолмас».

- Дея чиқди шоҳ отлари қўшилган жангаробага тез;  
 Ҳермес қамчи ва жиловни ўз қудратли илкига олди;  
 Отларга ва хачирларга уфурди у ғайрату қудрат,  
 Етишганда соҳилдаги зовурга ва деворга улар, —  
 445. Сал олдинроқ бунда ахей соқчилари кечлик қилганди, —  
 Шарофатли Ҳермес улар ҳаммасини ухлатиб қўйди;  
 У минора остидаги дарвозанинг танбасин суриб,  
 Уни очди, ичкарига олиб кирди шоҳ Приамни  
 Ҳамда унинг кўп бебаҳо совға ортган аробасини.
450. Сўнг Ахиллнинг юксак кўшк қаршисига етганда улар  
 (Мирмидонлар ўз шоҳининг ҳашаматли бу саройини  
 Қўрғон ичра заранг арча оғочидан мустаҳкам тиклаб,  
 Епгандилар унинг томин сой бўйида ўсган қамиш-ла;  
 Қаср ва кенг ҳовли қозиқ девор ила ўралган эди;  
 455. Танбалана эди йўгон арча сунба билан қопқаси;  
 Бул қопқани очмоқ, ёки ёпмоқ учун уч нафар ахей  
 Азамати сура эди ул сумбани базўр, тер тўкиб;  
 Лек Ахиллнинг ёлғиз ўзи осонгина эпларди буни), —  
 Очиб берди қарияга шарофатли Ҳермес қопқани  
 460. Ва ҳовлига олиб кирди Пелейзодга аталмиш муздни.

- Сўнгра тушиб аробадан, шундай деди Дарданзодага:  
«Рўпарангда турган — тангри Ҳермес эрур, Олимпдан тушган;  
Жўнатганди бузрук отам мени сенга мададкор этиб.  
Унинг амринг бажо этдим, энди қайтгум яна Олимпга;
465. Кўринмайман Ахиллеснинг кўзига мен; боқий тангрининг  
Фоний банда ила ошқор учрашмоғи одобдан эмас.  
Сен киравер; киру қуч тез Ахиллеснинг тиззаларини;  
Унинг мағрур юрагини юмшатмоқ-чун, кекса падари,  
Муҳтарама онаси ва ўғли ҳаққи илтижо қилгил».
470. Шундай дея парвоз қилди тангри Ҳермес юксак Олимпга,  
Шоҳ Приам ерга чаққон сакраб тушди жангаробададан,  
Идейни у нозир қилиб қолдирдию от, хачирларга,  
Ўзи шахдам одим отиб кирди Ахилл кошонасига.  
Унда Пелей ўғлини кўрди ёру дўстлар жамоасида;
475. Икки дўсти: мард муҳориб Алким ила асов отларни  
Тушовловчи Автомедон унга хизмат қилар эдилар;  
Ахилл энди шомлик қилиб бўлган эди, хонтахтадаги  
Таомлару ичимликлар йиғиштирилмаганди ҳали.  
Чол ҳеч кимга сездирмасдан кўшкка кирди ва Ахиллеснинг
480. Оёғига ётиб, қучди тиззаларин, ўпди қўлларин,—  
Яъни унинг ўғлонларин жонин олган мудҳиш қўлларни!  
Ғоят оғир жиноятга ботган қотил юртидан қочиб,  
Ўзга элда иқтидорли хонадондан излайди паноҳ,—  
Шунда ҳамма ҳайрат билан тикилади бу мусофирга,—
485. Ахиллес ҳам ҳайратланди шундай, кўриб нуроний чолни:  
Қолганлар ҳам бир-бирига тикилдилар ҳангу манг бўлиб.  
Приам эса паҳлавонга ёлборганча бир калом айтди:  
«О, Ахиллес, тасаввур қил боқийсифат бузрукворингни, —  
У ҳам мендек, турур нохуш кексаликнинг бўсағасида!
490. Эҳтимолки, айни шу пайт ёвлар уни қуршаб олгандир,  
Бечорага мадад қўлин чўзгувчи бир халоскор йўқдир.  
Лек ҳарқалай, у воқифу сенинг тирик эканлигингдан,  
Жигарбандим, азиз ўғлим Троядан соғ қайтгай, деган  
Умид билан кун-уззукун ўз кўнглига таскин берар у.
495. Валекин мен, мардум ичра шундай бадбахт бир бандаманки,  
Қудсий шаҳар Трояда кўп диловар ўғил кўрдиму  
Лек уларнинг биронтаси ҳам жанггоҳдан тирик қайтмади!  
Эллик ўғлим бор эди ёв истилоси арафасида;  
Ўн тўққизта оға-ини бир онадан туғилган эди;
500. Қолганларин туққан эди ўзга суюк рафиқаларим;  
Бахтиқаро ўғилларим кўшин қаҳҳор Арей қийратди.  
Битта ўғлим қолган эди — эл ва шаҳар ҳимоячиси;  
Сен ўшани — Ҳекторни ҳам маҳв қилдинг — ватан посбопин!  
Шу ўғлоним учун келдим, о, Ахиллес, қароргоҳингга;
505. Мен беназир музд келтирдим Ҳекторининг жасади учун.

Худовандлар ҳаққи! О, мард! Раҳм қил мен — бахтиқарога,  
Эсла отанг шоҳ Пелейни: ундан минг бор бадбахтроқман мен!  
Ер юзйда ҳеч бир банда кўрмаган ғам тушди бошимга;  
Ўпмоқдаман фарзандларим қотилининг қонли қўлини!»

510. Ғамгин кўз ёш тўкди шунда шоҳ Ахиллес падарин қўмсаб;  
Приамнинг қўлин олиб аста уни четлатди ўздан.  
Икков мунгли йиғлай кетди; қария ўз ўғлини эслаб,  
Ахиллеснинг оёғида ўксиб йиғлар, хокипой бўлиб;  
Ахилл эса гоҳ отасин, гоҳо дўстин эслаб йиғларди.
515. Бутун кўшкни тутган эди икки шоҳнинг аянчли оҳи.  
Лекин Ахилл тўйиб-тўйиб йиғлаб, кўнглин бўшатгач обдан,  
Тез турди ва ерда ётган чол қўлидан ушлаб кўтарди;  
Чолнинг оппоқ соқолидан ва нуроний пок чеҳрасидан  
Таъсирланиб кетган Ахилл гап бошлади шундай лутф ила:
520. «Билсам, қалбинг кўп машаққат чекипти, о, бахтиқаро чол!  
Бандаргоҳда кўп суюкли ўғлонларинг маҳв этган эрнинг  
Қошига сен қаандай юрак ютиб келдинг ёлғиз бир ўзинг?  
Темирдамп, дейман, сенинг кўксингдаги қалбинг, қария!  
Лек Приам, тинчлан, ўтир; биз нечоғлиқ ғамнок бўлсак ҳам,
525. Яширғаймиз ҳасратимиз, ўчирғаймиз унинг ҳовурин.  
Одамга ҳеч ҳаёи йўқдир дилни пора қилгувчи ғамдан;  
Ғам-андуҳда яшамоқдир қисматимиз биз бахтиқаро  
Бандаларнинг; билмас андуҳ нелигини фақат худолар.  
Икки азим кўза бордир Зевс уйининг бўсағасида,
530. Бери хушбахт, иккинчиси бадбахт туҳфа ила лиқ тўла.  
Зевс уларни бахш этади бандаларга омихта қилиб,  
Шу боис гоҳ қувноқ, гоҳо ғамнок бўлур одам ҳаётда;  
Бадбахт қисмат насиб этган банда, билки — фақиру ҳақир;  
Таъқиб этур ҳар қадамда хору зорлик уни изма-из;
535. Бандалар ҳам ҳазар қилур худобезор бахтиқародан.  
Бузрукворим Пелейни ҳам ёшлигида боқий тангрилар  
Кўп мупаввар туҳфаларга саховат-ла қўмган эканлар;  
Бандалардан бойликда ва саодатда минг қарра баланд  
Мирмидоннинг иқтидорли шоҳи, гарчи фоний бўлса ҳам,
540. Худовандлар куёв қилган экан уни пок маъбудага.  
Лек унга ҳам ато этган эди тангри машъум бадбахтлик;  
Қанотига кирувчи бир суйнчиғи қолмади уйда —  
Давлатининг вориси йўқ. Умри қисқа ёлғиз ўғлининг  
Ки мен бунда, Трояда сенга ҳамда авлодларингга
545. Азоб бериш ила бандман, отам кўнглин овлаш ўрнига.  
Сен ўзинг ҳам бир замонлар даву даврон сурган экансан.  
Макар юрти — Лесбосдаю\* сермуҳассал Фригияда,  
Поёни йўқ Хеллеспонтда беадад халқ яшаган экан;  
Дейдиларки, сен шу эллар орасида ҳам ўғилларинг,
550. Ҳам бойлигинг, ҳам обрўйинг ила доврұқ қозонганкансан.

Лек самовий худовандлар оғир кулфат солди бошинга,  
Узлуксиз жанг ва қаттоллик бошлаб шахринг бўсағасида.  
Андух ила ҳадеб қалбинг сиқаверма, қилгин қаноат;  
Хеч бир наф йўқ марҳум ўғлиниг учун кулфат чекавергандан;  
555. Кўз ёш билан тирилмас у, ўз жонингни қийнайсан, холос!»

Тангримонанд чол Приам жавоб қилди Пелей ўглига:  
«Ўғлим Ҳектор ётар экап чодирингда дафн этилмай,  
Ўтирмайман мен кўшқингда о, диловар Зевс арзандаси!  
Ижозат бер, дилбандимнинг дийдорига тўйсин кўзларим!  
560. Ўзинг эса, қабул айла биз келтирган хазиналарни.  
Кўриб кўзинг қувонсину бахтиёр қайт она юртингга,  
Имкон бергил мен — шўрликнинг яшашимга ёруғ жаҳонда!»

Шундай деди ўкрайганча чаққоноёқ Ахиллес чолга:  
«Аччиғимни келтирма, чол! Ўғлонингни қайтиб беришим  
565. Лозимлигин биламан мен; зеро, кумушоёқ волидам —  
Гўзал санам Фетида Зевс амрин менга этганди баён.  
Сезмоқдаман, сени ҳам, чол (мендан буни яширолмайсан),  
Қодир тангри бошлаб келган мирмидонлар бандаргоҳига;  
Зеро, ҳеч бир навқирон ва оташюрак фоний йигит ҳам  
570. Соқчиларга сездирмасдан ўтолмайди бу қароргоҳга,  
Суролмайди осонликча дарвозанинг сумбасини ҳам,  
Бас, жим бўл, чол, сен аламли қалбим кўпам жароҳатлама.  
Акс ҳолда, о, Приам, илтижойинг рад этиб буткул,  
Зевс амрини бажармоқдан воз кечмоқлик ҳеч гапмас мен-чун».

375. Бу таҳдиддан қўрқиб кетган шоҳ Приам жим бўлиб қолди.  
Ахилл эса мисли шердек эшик томон отилди шунда;  
Шоҳ ортидан икки дўсти: қодир Алким ила диловар  
Автомедон эргашдилар; Патроклнинг ўлимидан сўнг  
Ахилл учун энг эъозли дўст эдилар шулар иккови.

580. Улар от ва хачирларни чиқардилар аробалардан;  
Жарчи чолни бошлаб кириб, ўтқаздилар юмшоқ курсига,  
Шоҳнинг аробасидаги тўлов учун олиб келинган  
Қийматбаҳо совғаларни туширдилар фурсат ўтказмай;  
Қолдирдилар фақат икки ридо ила ҳарир жомани,—

585. Жўнатмоқлик мақсадида жасад устин ёпиб шулар-ла.  
Ахилл чорлаб чўриларни, амр этди тез ювиб ўлиқни,  
Баданига мой сурмоқни, сездирмасдан шоҳ Приамга;  
Тағин ота ўз ўғлининг ҳолин кўриб газабланмасин,  
Мен ҳам қаттиқ аччиғланиб қарияни ўлдириб қўймай

590. Ва муқаддас Зевс амрини бузиб қўймай, деб қўрқарди у.  
Жориялар муаттар мой сурди, ювиб-тараб жасадни.  
Ахилл ўзи маофага олиб қўйди Приамзодани —  
Дўстлар эса биргалашиб аробага қўйдилар уни.  
Азиз дўстип отин атаб хитоб қилди шунда Ахиллес:



595. «О, Патрокл! Гар эшитган бўлсанг зулмат Андда туриб  
Мард Ҳекторни отасига қайтарганим, мендан полима;  
Ўғли учун Приам кўп қиммат товон тўлади менга;  
Ул товоннинг бисёр қисмин бағишлагум сенга, о, дўстим».

- Шундан кейин саховатли Пелейзода қайтди кўшқига;
600. Ўзи боя туриб кетган ҳашаматли курсига бориб,  
Приамнинг қаршисига ўтирдию юзланди чолга:  
«Хоҳишингга кўра, ўғлинг қайтарилди, о, нуруний чол;  
Маофада ётур ҳозир. Чиққанингда саҳар сафарга,  
Уни ўзинг кўражақсан; лек тановул қилайлик ҳозир,
605. Бахтиқаро Ниоба ўз олти ўғли, олти қизидан —  
Гулдек гўзал ўн иккита азиз ва ёш болаларидан  
Бирдан жудо бўлганда ҳам, унутмаган эди овқатни.  
Ўғилларини Феб ўқ отиб қийратганди кумушкамондан,  
Қизларини — Артемида: Ниобадан иштиқом олиб.
610. Ки Ниоба тенг қилганди ўзин анор юзли Летага;  
Лета — икки, мен кўп фарзанд онасиман, деб керилганди.  
Вале унинг болаларин маҳв қилди шу икки фарзанд.  
Жасадлар хор бўлиб ётди тўққиз кун: лек уларни ҳеч ким  
Дафн этмади: айлантирган эди тошга Зевс барча элни.
615. Ўнинчи кун дафн қилди улар барин шафиқ худолар.  
Йиғлайвериб ҳолдан тойган она, охир қўмсабди таом.  
Ҳозир эса, худовандлар тошга айлантирган Ниоба  
Хилват Сепил тоғларида (дейдиларки, тоғ ёрларида  
Маъбудалар дам олишни хуш кўрармиш, санамлар эса
620. Рақс тушармиш Ахелойнинг соҳилида) чекмоқда азоб.  
Бас, шундайкан, илоҳий чол, кел тановул қилайлик биз ҳам,  
Трояга боргач ҳали, ўғлингга кўп аза тугасан,  
Азиз ўғлинг ҳижронида дарё-дарё кўз ёш тўкасан».

- Сўнг Ахилл шахт туриб кетиб, бўғизлади оқ жунли қўйни;
625. Дўстлар шилиб терисини, нимталашди расамади-ла.  
Кейин гўштни майда-майда қилиб тўғраб сихга тортишди,  
Ўтга қўйиб пиширишгач, хонтахтага қўйишди барин.  
Автомедон қўйди ажиб саватларда келган нонларни  
Хонтахтага; лек таомни бўлди сахий Ахиллнинг ўзи.
630. Икковлари қўл чўздилар ўртадаги тотли таомга.  
Еб-ичишиб қоринлари тўйгач, Дардан ўғли Приам  
Узоқ фурсат ўтирди шоҳ Ахиллеснинг салобатидан  
Ҳайратланиб: у кўрётган эди гўё парвардигорни.  
Ахиллес ҳам Дардонзода Приамдан ҳайратда эди:
635. Унинг нузли сиймосидан ва бамаъни каломларидан.  
Икковлари бир-бирига тикилишиб завқланишарди;  
Мана, охир илоҳий чол Ахиллесга такаллум қилди:  
«Энди ором олай мен, о, Зевс эркаси! Ижозат бергил,  
Бир дам сенинг маконингда ширин уйқу лаззатин сурай.

640. Зеро, менинг бахтиқаро ўғлим Ҳектор сенинг қўлингда  
Маҳв бўлган ондан буён бир лаҳза ҳам мижжа қоқмадим;  
Ушал машъум кундан буён ғамга ботиб, мудом ҳовлимда  
Азоб чекдим қорилганча бадбўй гўнгу қора тупроққа.  
Фақат бугун биринчи бор неъматлардан тановул қилиб,  
645. Шароб ичдим; шу чоққача тотимаган эдим мен туз ҳам».

Фармон берди Ахиллес ўз дўстлари ва оқсочларига:  
— Сиз даҳлизга ўрин солинг икки кекса учун яхшилаб,  
Қалин тўшак тўшаб, алвон ёстиқ қўйинг ва гилам ёзинг;  
Ҳар бирининг устига пар кўрпа ёпинг — совқотмасинлар.

650. Жюриялар уйдан чиқди пар-пар ёнган машъала ушлаб;  
Кейин улар икки тўшак тўшадилар эпчиллик билан.  
Саховатли Ахилл шунда мутойиба қилади Приамга:  
«Уэр, азиз меҳмон, сени ташқарига ётқизмоқдаман;  
Қошимга тез-тез данайлар маслаҳатга келиб туради.  
655. Гар шулардан бири сени кўрса тунда бу ерда ногоҳ,  
Дарҳол бориб хабар қилур бош саркарда Агамемнонга;  
Ана унда, олиб кетиш мушкул бўлур ўғлинг жасадин.  
Яна бир гап, Дардонзода; менга шуни очиқ-ойдин айт:  
Шонли ўғлинг дафн этмоқ-чун сенга қанча кун керак бўлур?  
660. Қанча десанг, шунча кун мен жанг қилмасдан тутгум лашкарни».

Ахиллесга жавоб қилди тангримонанд кекса Приам:  
«Агар менга имкон берсанг Ҳекторимни дафн қилмоққа,  
Бу рафторинг ила кўнглим тоғдек юксак кўтарар эдинг,  
Ўзинг шоҳид — қамалдамиз; тоғдан кесиб тушмоқ лозимдир

665. Оғочларни; лекин кўрқиб қолган жуда трояликлар,  
Ҳекторимга мен тўққиз кун аза тутсам девдим уйимда;  
Ўнинчи кун уни гўрга қўйиб, элга зиёфат берсам;  
Ўн биринчи кун ёдгорлик тепасини тикласамиз-да,  
Ўн иккинчи кун бошласак яна жангни, гар лозим ўлса».
670. Приамга жавоб қилди чаққоноёқ Ахиллес яна:  
«О, ҳурматли қария, сен не истасанг, шу бўлур зоҳир.  
Хоҳлаганинг фурсатга мен тўхтатгайман жангни жанггоҳда».

Шундан кейин шоҳ Ахиллес Приамнинг ўнг қўлини олиб,  
Сидқидилдан сиқди, таскин бермоқ учун унинг қалбига.

675. Сўнг икки чол: жарчи ила шоҳ Приам чиқиб даҳлизга;  
Ётдилар пар тўшакларда тузиб дилда доно режалар.  
Ахилл эса данғиллама кошонасин ичкарисиди  
Ором олди соҳибжамол Брис қизин қайноқ қўйнида.

- Барча боқий тангрилар ҳам, совут кийган суворийлар ҳам  
680. Шарофатли ширин уйқу оғушида ётди бутун тун.  
Ёлғиз соҳибқарам Ҳермес туни билан қоқмади мижжа;

- У Дардонзод Приамни посбонларга сездирмай, қандай  
 Қароргоҳдан олиб чиқиб кетиш ҳақда бош қотирарди.  
 У Приам боши узра туриб, унга юзланди ахир:
685. «О, гумроҳ чол, сен хатарни сезмай, ёвлар қароргоҳида,  
 Пелей ўғлин паноҳида ором олиб ухламоқдасан!  
 Келтирдинг сен кўп туҳфалар, олмоқ учун ўғлинг жасадин;  
 Вале сенинг «тирик қолган ўғилларинг, тирик Приам —  
 Демакки, сен учун, о, чол, уч карра кўп ҳақ тўлагайлар,  
 690. Гар ахейлар хабар топса сени бунда ётганлигингдан».

- Шоҳ Приам уйғотди тез, ваҳимага тушиб, жарчини,  
 Ҳермес дарҳол қўшди от ва хачирларни аробаларга;  
 Сўнг уларни қароргоҳдан ҳайдаб чиқди ими-жимида.  
 Икки кекса боқий Зевсдан бунёд бўлган азим дарёга —
695. Суви зилол, шўх Ксанфнинг соҳилига етганларида. —  
 Шарофатли Ҳермес яна парвоз қилди юксак Олимпга.

- Заррин либос кийган Шафақ шуъла сочди рўйи заминга.  
 Кўзлари ёш, дили вайрон чол Приам Илион томон  
 От чоптириб борар эди, лек хачирлар жасад ортилган
700. Аробани тортардилар. Танимади чолларни ҳеч ким.  
 Афродита янглиғ гўзал Кассандра таниди, холос.  
 У Пергамга чиқиб тонгда, кўрди бирдан жангаробада  
 Келаётган падарини ва янгроқ сас жарчи бобони;  
 Сўнг хачирлар қўшилган бир аробада кўрди маофа;  
 705. У шундай оҳ урди — оҳи бутун элни ларзага солди:  
 «О, аёллар, о, эркаклар! Кўринг, бугун Ҳекторнинг ҳоли.  
 Авваллар сиз шодон кутиб олардингиз уни жанггоҳдан.  
 Зероки, у энг мунаввар қувончийди Троя халқин!»

- Бирдан бутун Трояда қолди на бир эркак, на аёл;  
 710. Мотам тутиб, теран ғамга ботган жами халқ дарвозага  
 Оқиб борди паҳлавоннинг жасадини қарши олмоққа.  
 Энг олдинда унинг ниҳол завжаси ва онаизори;  
 Улар юлиб сочларини, жасад бошин қучоқлаганча  
 Аянчли оҳ урардилар; қолганлар ҳам юм-юм йиғларди.
715. Халқ токи кун ботгунгача ҳам қошқанинг ташқарисида  
 Йиғлайверар эди шундай, жасад узра парвона бўлиб,  
 Гар Приам аробада туриб бундай демаганида:  
 «Ҳачирларга йўл бўшатиш, дўстлар; кейин йиғлайверасиз  
 Тўйиб-тўйиб, биз жасадни қасримизга обориб қўйгач!»
720. Халқ ўзини четга олиб аробага йўл очди дарҳол.  
 Ҳашаматли чорпояга ётқиздилар жасадни элтиб  
 Шоҳ қасрига; йиғичилар чақирилди жасад бошига;

- Кўп аячли овоз билан айтиб йиғлай бошлади улар;  
 Қолган хотин-халаж ҳам жўр бўлди фарёд солиб уларга.
725. Энг аввало, соҳибқудрат Ҳекторнинг ёш умр йўлдоши  
 Йиғлай кетди ўз шавҳарин бошгинасин қучоқлаганча:  
 «Энди гулдек очилганда, арслоним, жувонмарг бўлдинг,  
 Мени тулу бахтиқаро, ўғлимизни етим қолдирдинг!  
 Хазон бўлмай у шўрликнинг умри йигит ёшга етмай!»
730. То унгача кули кўкка созурилмай Илпоннинг ҳам;  
 Зероки, сен ҳалок бўлдинг Трояни, унинг потавон  
 Гўдақлари, аёллари, кексаларин ҳимоя қилиб!  
 Кемаларда асир олиб кетгай энди уларни ғаним;  
 Мени ҳам ва менга қўшиб сени ҳам, о шўрманглай болам;
735. Олис юртда азоб чекиб ҳукмдорга хизмат қилурсан;  
 Ёки бирон жоҳил данай ушлаб сенинг оқ билагиндан,  
 Улоқтирар сени баланд минорадан (о қандай даҳшат!)  
 Жангда Ҳектор томонидан маҳв этилган оғаси, ўғли  
 Ё отаси учун қасос олмоқ бўлиб; ахир озмунча
740. Данайни ер тишлатдимиз отанг Ҳектор муҳорабада!  
 Кўп шафқатсиз бўлган эди бузрук отанг қонли жангларда;  
 Шу боисдан йиғлаб унга аза тутур бутун Троя.  
 О, Ҳекторим, шўрлик отанг-онангни сен ғамга ботирдинг!  
 Лек мени юз қарра оғир изтиробга қолдириб кетдинг!
745. Сен ўлимнинг тўшагидан чўзолмадинг менга илқингни;  
 Мен умрбод кеча-кундуз кўз ёш тўкиб эслаб юрувчи  
 Бир эзгу сўз айтолмадинг, васият ҳам қила олмадинг!»

- Шундай дерди у талх йиғлаб; жўр бўлдилар унга аёллар.  
 Опаизор Ҳекуба ҳам бўзлаб йиғлай бошлади шу чоқ:
750. «Фарзандларим орасида энг арзандам эдинг сен, Ҳектор!  
 Азиз банда эдинг қодир худоларга тириклигингда;  
 Ўлганингда сўнг ҳам шафқат қилмоқдалар сенга боқийлар;  
 Ўғилларим аксарини чаққоноёқ муҳориб Ахилл  
 Асир олиб, денгиз орти ўлкаларга қул қилиб сотди;
755. Имбросга, Самосга ва доим туман босган Лемноста\*;  
 Лекин сени у забт этиб, жонингни ҳам суғуриб олса  
 Ва жисмингни сен маҳв этган Патроклнинг қабри ёнида  
 Қайта-қайта судраса ҳам тирилтира олмади уни!  
 Сен мисоли кумушкамон Аполлоннинг нафис ўқидан
760. Осонгина жон берган ва тонг шабнам ила ювилган  
 Тароватли банда янглиғ кўз юмгансан, о, нуридийдам!»

Она шундай фарёд чекди, хотинлар ҳам қилди вовайло.  
 Элладалик Елена оҳ уриб йиғлай бошлади сўнгра:  
 «Ҳектор! Азиз қайиноғам, қариндошим, қалбим қувоччи!»

765. Зероки, мен — нотавонни Трояга ўғирлаб келган  
Александр — шавҳаримдир!О, ўлмадим нечун олдинроқ!  
Ватанимдан, фарзандимдан кўз юмиб мен бу Илионга  
Келганимга, мана ҳозир йигирма йил бўлган бўлса ҳам\*  
Лекпи сендан бирон марта таҳқирона сўз эшитмадим.
770. Билъакс, ҳатто бирон киши оиламиз аъзоларидан:  
Мутакаббир қайнимми, ё биронта ёш қайинсинглимми,  
Ё қайнонам (қайинотамнинг баҳоси йўқ — у ўз отамдай),  
Койигудек бўлса мени, сен ҳамиша ширинсухан-ла  
Улар кўнглин юмшатардинг, маслаҳатлар берардинг эзгу.
775. Шу боис мен қўмсаб сени, йиғлайман ўз бадбахтлигимдан.  
Ки мен учун сендан ўзга биронта ҳам яқин ҳабиб йўқ  
Бу муаззам Илионда: ҳамма мени ёмон кўради!»

Оқ урарди ҳур Елена,— жамки эл жўр бўлди унга.

780. Деди охир шоҳ Приам халойиққа юзланиб шундай:  
«О, фуқаро, оғоч ташинг Илионга бугундан бошлаб,  
Қўрқманг асло ғаним қўйган хуфиёна пистирмалардан;  
Мард Ахиллес ваъда берди, кузатаркан мени буёққа,  
То ўн икки кун ўтгунча бизга озор етказмасликка».
- Шунда ҳамма хачирлару ҳўкизларни аробаларга
785. Қўшиб шаҳар дарвозаси яқинида тўпланди жадал.  
Улар тўққиз кун узлуксиз Трояга ўтин ташиди,  
Ўнинчи кун деганда, Тонг энди ота бошлаган чоғда,  
Эрлар аччиқ кўз ёш тўкиб, мард Ҳекторни тоғдек уйилган  
Оғоч узра олиб чиқиб қўйдилару олов ёқдилар.
790. Эртаси кун гулжамол Тонг зоҳир бўлган заҳот, эрталаб  
Буюк Ҳектор ёнган гулхан атрофига етиб келди халқ.  
Одамлар жам бўлгач эса (ҳисоби йўқ эди уларнинг),  
Олов ёнган ҳамма ерга қизил шароб сепиб, гулхани  
Ўчирдилар; сўнг марҳумнинг қордек оппоқ суяқларини,
795. Жигарлари, ёронлари, кўзларидан дув-дув ёш оқиб,  
Гиря айтиб, фарёд қилиб кул остидан йиғиб олдилар.  
Сўнгра азиз суяқларни солдилар-да олтин қутига,  
Қирмизи ранг ҳарир мато ила ўраб, чуқур қабрга  
Туширдилар ва устига маҳобатли тошлар қўйдилар;
800. Сўнгра тошлар устига чўнг тепа уйиб, гир атрофига,  
Данайларнинг ҳужумини даф қилсин деб, посбон қўйдилар.  
Қабр қўмиб бўлингач, тез тарқалдилар; бир оздан кейин  
Халқ яна Зевс ардоқлаган бузрук подшо Приам қасрига  
Тўп-тўп бўлиб келаверди дабдабали маърака ошга.
805. Шундай дафн қилгандилар соҳибқудрат Ҳекторни улар.

Ҳомернинг «Илиада» достони шу ерда ниҳоясига етади. Достон қаҳрамонларининг ҳамда Троя шахрининг кейинги тақдири антик давр адабиёти ва мифологиясида қуйидаги тарзда баён қилингандир.

## 1. АМАЗОНКАЛАР БИЛАН ЖАНГ

Ҳекторнинг ўлиmidан сўнг Троянинг бошига жуда оғир кунлар тушади. Шаҳар аҳли ўзининг энг қудратли ҳимоячисидан жудо бўлган эди. Энди трояликлар кенг майдонга чиқиб юнонлар билан мардона жанг қилишга журъат қила олмасдилар. Трояда Ахиллес билан якка-якка жангда беллашишга юраги дов берадиган азамат қолмаган эди. Бу азим шаҳарнинг куни битиб қолгандек туюларди ҳаммага. Айни шу пайт қутилмаганда трояликларга мадад кучи етиб келади.

Йироқ Уммондан учқур отларда ўз маликалари Пенфесилия бошчилигида довурак сувора аёллар — амазонкалар Трояга ёрдамга етиб келадилар. Арейнинг иқтидорли қизи Пенфесилия, Юнонистоннинг барча шавкатли қаҳрамонларини Троя бўсағасидан қувиб, маҳв этажакман, уларнинг ҳамма кемаларига ўт қўйиб юбораман, деб керилади. Трояликлар амазонкаларни зўр шоду хуррамлик билан қарши оладилар. Шоҳ Приам Пенфесилияни ўз қизидай кутиб олади ва унинг шарафига улкан зиёфат беради.

Эртаси куни обдор совутлар кийиб, ажиб силоҳлар таққан амазонкалар Троя кўшинига бош бўлиб юнонларга қарши жанг бошлайдилар. Шоҳ Приам қўлларини кўкка чўзиб, худолардан амазонкалар учун зафар бахш этишни илтижо қилади. Бироқ худолар унинг таваллосини инobatга олмайдилар. Энг мудҳиш қонли жанг бошланади. Пенфесилия ўз сувора қизлари — амазонкалар билан ахейлар сафини даҳшатли қуюндек ёриб кирарди ва мард ахейларни пайдар-пай маҳв этади. Шунда юнонлар саросимага тушиб чекина бошлайдилар. Пенфесилия уларни то баҳрий кемалар турган бандаргоҳгача сиқиб боради.

Амазонкаларнинг зафар қозониши аниқ бўлиб қолган шу дамда, бирдан Ахиллес билан Теламонзода Аякс юнон кўшинига ёрдамга етиб келишади. Улар аввалига бу жангга қатнашмаган эдилар, чунки икковлари ҳам қадрдон дўстларидан айрилганларидан ғам-андуҳга чў-

миб, унинг қабри пойида оҳ чекиб юм-юм йиғлаб юзтубан ётардилар. Бу икки қаҳрамон яқинлашиб келаётган жанг овозини эшитишгач, жадал қуроладилар ва гўё икки мудҳис шердек жангга отиладилар. Амазонкалар ва трояликлар бу икки паҳлавоннинг зарбасига дош бера олмайдилар. Бу пайт Пенфесилиянинг кўзи қодир Ахиллесга тушади ва унга қарши мардона ҳамла қилади. У Ахиллесга найза отади, ammo найза Ахиллнинг қалқонига бориб урилиб, синиб тушади. Амазонкалар маликаси Ахиллни нишонга олиб камонидан иккинчи ўқни узади, бироқ бу гал ҳам паҳлавонни жароҳатлай олмайди. Шунда Ахилл вужуди газабга тўлиб, бу аёл ағёрга отилади-ю, унинг кўксини яралайди. Оғир ярадор бўлганини ва ўлиши муқаррарлигини билган Пенфесилия бор кучини йиғиб, шамширини яланғочламоқчи бўлади, лекин Ахиллес унга минган оти билан қўшиб найза санчади. Пенфесилия тагидаги оти билан бирга ерга қулайди. Шунда Ахиллес унинг бошидан дубулғасини ечиб оладию бу жанг худоси Арей қизининг ғайри тавсиф ҳусну жамолини кўриб маҳлиё бўлиб қолади. Ҳалок бўлган Пенфесилия гўзалликда маъбуда Артемидага монанд эди. Ахиллес ўз қўли билан ҳалок қилган бу соҳибжамол тепасида ҳанг-манг бўлиб тураркан, марҳумани севиб қолганини дилдан ҳис қила бошлайди.

Бу пайт унинг олдига Терсит келади ва бир вақтлардагидек унга таъна қила бошлайди. У Ахиллеснинг жиғига тегиб, марҳума Пенфесилияга қайгураётганини масхара қилади ва жасад тепасига келиб, унинг кўзига найза санчади. Бу бадкорликдан қаттиқ даргазаб бўлган Ахилл қулочкашлаб туриб Терситнинг юзига тарсаки уради ва шу бир зарба билан уни ўлдириб қўяди. Терсит Диомеднинг қариндоши эди, шу боисдан бу икки қаҳрамон ўртасида низо кўтарилади. Лекин юнонлар зўр-базўр уларни яраштириб қўйишади.

Шундан кейин Ахиллес Пенфесилиянинг жасадини оҳиста кўтариб жанггоҳдан олиб чиқади. Ахейлар Пенфесилиянинг, шунингдек, ҳалок бўлган яна ўн иккита амазонканинг жасадини ҳам қурол-аслаҳалари билан бирга трояликларга топширадилар, улар эса дабдабали мотам маросими уюштиришиб, марҳумаларнинг жасадларини гулханда куйдирадилар.

Ахилл эса Лесбос оролига йўл олади. У ерда у тангри Аполлон билан маъбуда Артемидага ҳамда уларнинг онаси Латонага кўп бисёр қурбонликлар бахшида қилиб, Терситнинг қонини тўкиб ботган гуноҳидан фориғ қилишларини улардан илтижо қилади. Аполлоннинг амри билан қув Одиссей Ахиллесни гуноҳдан поклайди.

## 2. ЗАНЖИЙЛАР БИЛАН ЖАНГ. МЕМНОН.

Пенфесилиянинг ўлиmidан кейин юнонлар ҳужумини қайтариш трояликлар учун яна мушкуллашади. Лекин кутилмаганда уларга яна мадад кучлари етиб келади. Мўйсафид ва бепоён, серталотум Океан соҳилидан Мемнон занжиларнинг улкан қўшинини бошлаб келади.

Мемнон соҳибжамол тонг маъбудаси Эос билан Тифоннинг ўғли ва Приамнинг қариндоши эди. Фоний бандалар орасида биронта ҳам зот гўзалликда унга тенг кела олмас эди. У тангри Ҳефест ясаб берган ўзининг олтин совутларида троялик лашкар орасида мисоли чўлпон юлдузи сингари порлаб турарди.

Маъбуданинг иқтидорли ўғли Мемнон Ахилл учун муносиб рақиб эди. Яна Троя девори пойида қақшатқич жанг авж олади. Троя қўшини олдида Мемнон, ахей лашкари олдида Ахиллес жанг қиларди. Лекин у Мемнон билан тўқнашишдан ўзини олиб қочаётган эди. Чунки у, агар Мемнонни маҳв этса, ўзи ҳам тезда Аполлоннинг қаттол ўқидан ҳалок бўлажagini яхши биларди. Мана, Мемнон кекса Несторга ҳамла қилди. Лекин мункиллаб қолган чол навқирон азамат Мемнонга қандай ҳам тенг кела оларди?

Нестор отларини орқага буриб, Мемнон ҳужумидан қочиб қутулмоқчи бўлади. Аммо шу пайт Парис камонининг чилласини тараг тортиб ўқ узади ва Несторнинг отларидан бирини яралайди. Ўзининг ҳалокат ёқасида турганини ҳис қилган Нестор ўз ўғли Антилохни ёрдамга чақиради. Садоқатли ўғил ўз падарига ёрдамга отилади. У отасининг Мемнон қўлида ўлишига йўл қўйгандан кўра, ўзи ҳалок бўлишини афзал кўради. У улкан бир харсангни кўтариб Мемнонга отади.

Лекин тангри Ҳефест ясаб берган дубулга Мемноннинг жонига ора киради. Шунда Мемнон Антилохнинг кўксига найза санчади ва қалби чок бўлган ўғил тил тортмай ўлади — у ўз жонини фидо қилиб, азиз падарини ўлимдан сақлаб қолади. Ўғлининг ҳалок бўлганини кўрган Нестор аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади. Мемнон эса бу пайт унга Несторнинг бошқа ўғли — Фрасимед ҳужум қилганига ҳам парво қилмай, ўзи маҳв қилган Антилохнинг совутларини ечиб олишга уринади. Бу ҳолни кўрган Нестор ўғлининг жасадини муҳофаза қилишга отилади. Бироқ Мемнон бу мўйсафид билан олишини истамайди. Юнонлар билан занжийлар Антилохнинг жасади устида жон олиб, жон бериб олишадилар. Нестор, иқтидорли Ахиллесни ҳам ёрдамга чақиради. Ахиллес Антилохнинг ҳалок бўлганини эшитиб даҳшатга келади. Чунки у Антилохни жуда яхши кўрар эди. У Ахиллнинг Патроклдан кейинги энг яхши дўсти эди. Ахилл Мемнондан кейин сал вақт ўтар-ўтмас ўзи ҳам ҳалок бўлиши мумкинлигини унутиб, жангга отилади. Яқинлашиб келаётган Ахиллни кўрган Мемнон, унга қарата улкан харсангтош отади. Лекин тош Ахиллнинг қалқонига урилиб, анча нарига учиб тушади. Ахилл эса найза билан Мемноннинг елкасини жароҳатлайди. Мемнон яраланганига парво қилмай, ўзи ҳам Ахиллеснинг қўлидан яралайди. Шундан сўнг бу икки паҳлавон қиличларини яланғочлаб бир-бирларига ҳамла қиладилар. Икковлари ҳам куч-қудратда тенг, икковлари ҳам маъбуданинг ўғли, икковларининг устида ҳам Ҳефест ясаган совут-силоҳлар ярақларди. Бу якма-якка жангни юксак Олимпдан худодлар кузатиб ўтирардилар. Бу икки қаҳрамоннинг оналари маъбуда Эос билан маъбуда Фетида, ҳар бири Зевсга илтижо қилиб, ўз ўғлонини папоҳида асрашни тавалло



қиларди. Шунда Зевс қўлига олтин тарозуни олиб, унинг паллаларига икки қаҳрамоннинг қисматини қўйиб тортади. Мемнон қисмати солинган палла пастга тортиб кетади — у Ахиллнинг қўлидан ажал топмоғи лозим эди. Маъбуда Эос юм-юм йиғлай бошлайди: у эрка ўғлонидан жудо бўлаётган эди. Мана, ниҳоят Ахилл ўзининг залварли найзасини Мемноснинг кўкрагига ботиради. Мемнон ёруғ жаҳондан кўз юмади. Мотамсаро маъбуда Эос андуҳга ботиб, қора булутларга бурканади. Шунда у жанг майдонига ўз ўғиллари — шамол худоларини юборади, улар Мемноннинг жасадини ҳавога кўтариб, олис Эсеп дарёсининг соҳилига олиб келадилар. Бу ерда навниҳол санамлар марҳумга аза тутадилар ва қабри устига дахма тиклайдилар.

Занжийларни эса худолар қушларга айлантирадилар. Шундан буён улар ҳар йили Эсеп соҳилига — Мемноннинг қабрига учиб келишиб ўз подшоларига аза тутадилар.

Юнонлар навқирон Антилохни иззат-икром билан дафн қиладилар. Унинг хоқини куддонга соладилар ва кейинчалик Ахилл билан Патроклнинг хоклари қўйилган қабрга қўядилар.

### 3. АХИЛЛЕСНИНГ ҲЛИМИ

Ахиллес трояликлардан қаттиқ ғазабланади. У Патрокл ва Антилохнинг ўлими учун улардан даҳшатли ўч олмоқчи бўлади. У мисоли қутурган шердай жанг қилиб, Троя мардларини пайдар-пай маҳв эта бошлайди. Ниҳоят, трояликлар шоша-пиша орқага чекинадилар ва шаҳар қопқаси ортига яширинадилар.

Ғазабнок Ахилл улар орқасидан таъқиб қилади. Унинг қаҳҳор қисмати уни ўлим сари қувиб борарди. Ахилл трояликларни то Аскей дарвозаси бўсағасигача қувиб боради.

Агар тангри Аполлон трояликларнинг жонига ора кирмаганида Ахиллес муқаддас Трояга бостириб кириб, уни кунпаякун қилиши турган гап эди. Тангри мудҳишона наъра қилиб Ахиллнинг йўлини тўсади. Лекин паҳлавон унга итоат этмайди. Унинг ўзи чўнгмерган тангридан, Ҳекторни ва трояликларни кўп марота унинг ҳамласидан қутқариб қолгани учун дарғазаб эди. Ахиллес ҳатто шу тангрини ҳам ўз найзаси билан жароҳатламоқчи бўлади. Бундан қаттиқ қаҳрланган Аполлон, бир замонлар Пелей билан Фетиданинг никоҳ тўйида, уларнинг бўлғуси фарзандлари Ахиллесни ўз паноҳида асрашга сўз берганини ҳам унутиб қўяди. У қора булутга бурканиб, ҳеч бир жонзодга кўринмаган ҳолда, Парис отган камон ўқини Ахиллесга йўналтиради ва ўқ буюк қаҳрамоннинг ягона заиф ери — товонига бориб тегали (Ахилл чақалоқлик пайтида онаси Фетида уни оёғидан ушлаб туриб, Аид салтанатидаги Стикс дарёсига шўнғитиб олган эди; бунинг оқибатида Ахиллнинг бутун вужуди метин янглиғ пишиб, ўқ ўтмайдиган бўлган эди-ю, товонига сув тегмай қолган эди. «Ахиллес товони» («Ахиллесова пята»), яъни «қалтис ер» деган ибора шундан олинган. Ахилл бу жароҳатдан ўлиши керак эди. Мана, у жони узилаётганини

сеза бошлайди. У камон ўқини товонидан суғуриб оладию ерга гурсиллаб қулайди. У тангри Аполлонга аччиқ таъна қилади. Чунки у ўзини ҳеч бир фоний банда тангрилар кўмагисиз ўлдира олмаслигини яхши биларди. Ахилл яна уришиб бор кучини йиғади, худди ўлим талвасасидаги шердек мудҳиш қиёфада ўрнидан туради ва яна анча-мунча трояликларни маҳв этади. Ниҳоят, мапа, унинг жисми совий бошлайди. Жон узилар пайти яқин қолган эди. У гандираклар кетиб, найзасига таяниб қолади. Шунда у бор кучини йиғиб трояликларга таҳдидона ҳайқиради:

— Бадбахтлар, ҳаммангиз нобуд бўлгайсиз! Зеро мен ўлганимдан кейин ҳам сизлардан ўч олишимни қўймайман!

Бу ҳайқирикдан ҳамма трояликлар қоча бошлайдилар. Лекин Ахиллнинг ҳам тобора мажоли қурий бошлайди. У тамомила кучдан қолиб, ерга қулайди. Устидаги олтин совутлар жаранглаб кетади, ерларзага келади. Ахиллнинг жоши узилади. Лекин ҳатто унинг жасадига яқинлашишга ҳам трояликларнинг юраги дов бермайди. Бора-бора улар кўрқувни тарк этадилар-да энг бузрук қаҳрамон жасади тепасига яқинлашиб келиб, қирғинбарот жанг бошлаб юборадилар. Бу жангда ҳам юнонлар, ҳам трояликлар томонидан энг қудратли муҳориблар қатнашадилар. Ахилл теварагида маҳв бўлган ўликлар тоғ-тоғ уйилиб кетади, у эса энди жанг суронини эшитмай, жим ётар эди. Бу жангнинг ниҳояси йўқдек туюларди. Тўсатдан Зевс момақалдироғи гумбирлаб, бўрон кўтарилади ва трояликлар ҳужумини тўхтатади. Зеро, Зевс уларнинг Ахилл жасадини қўлга киритишларини хоҳламаган эди. Шунда қудратли Аякс Теламонзода Ахилл жасадини баланд кўтариб, кемалар томон олиб кетади, Одиссей эса трояликлар ҳамласидан уни муҳофаза қилиб боради.

Мапа, Аякс Ахилл жасадини бандаргоҳга олиб келади. Юнонлар уни ювиб тарайдилар, баданига анбар мой сурадилар ва ғоятда даб-даба билан безатилган чорпояга ётқизадилар. Бутун аҳли юнон чорпоя теграсига тўпланиб, ўзларининг энг буюк қаҳрамонларига аза тугтиб, фарёд чекиб йиғлайдилар, аччиқ аламдан сочларини юладилар. Шунда уларнинг нидосини денгиз остида маҳзун ўтирган Фетида эшитиб қолади. У ўз опа-сингиллари билан бирга денгиз тубидан сузиб чиқади. Ўзининг ёлғиз, эрка ўғлининг ҳалок бўлганини эшитган она шундай аянчли оҳ урадики, жами юнонлар бу фиғондан ларзага келиб, кемалари томон қочмоқчи бўладилар, лекин қария Нестор уларни тўхтатиб қолади. Фетида, унинг эгачи сингиллари (Нерей қизлари) ва барча юнонлар Ахиллга ўн етти кун аза тутадилар. Юксак Олимпдан музалар учиб тушадилар. Улар марҳум шарафига мотам гимни ижро этадилар. Қаҳрамонга Олимпдаги тангрилар ҳам аза тутадилар. Ун саккиз кун деганда улкан дафн гулхани ёқилиб, унда Ахиллнинг жасади куйдирилади. Бу энг улкан қаҳрамон шарафига юнонлар жуда бисёр қурбонликлар қиладилар. Барча ахейлар сердабдаба совутларини кийиб, дафн маросимида иштирок этадилар. Гулхан ёниб кул бўлгандан кейин, Ахиллнинг хокини йиғиб, бир вақтлар тангри

Дионис Фетидага туҳфа қилган олтин кўрага соладилар. Патроклнинг хоки ҳам шу кўрага солинган эди. Натижада Ахиллес, Патрокл ва Антилох учовлари битта қабрга дафн этиладилар. Ахейлар қабр устига гоят юксак тепа уядиларки, бу тепа дафн этилган қаҳрамонларнинг бузрук шавкатидан далолат бериб, узоқ денгизда сузиб юрган кема-ларга кўришиб турарди.

Дафн маросимидан кейин марҳум шарафига турли ўйинлар уюштирилади. Ўйинга қатнашганларга туҳфа қилиш учун Фетида денгиз тубидан энг бебаҳо совринлар олиб чиқади. Бу соврин ва мукофотлар шу қадар серзўйнат, серҳашам эдики, агар буюк Ахилл тирик бўлганида, уни ҳам албатта ҳайратга келтирган бўларди.

#### 4. ТЕЛАМОН ЎғЛИ АЯКСНИНГ ЎЛИМИ

Ахиллес ўлгач, унинг тангри Ҳефест ясаб берган олтин совутларини Фетида, ўглининг жасадини муҳофаза қилишда кўпроқ жонбозлик кўрсатган паҳлавонга бериш ҳақида амр этади.

Бинобарин у совутларни ё Аякс, ё Одиссей олиши керак эди. Оқибат, бу икки паҳлавон совутларни талашиб баҳс қила бошлайдилар. Зеро бу мукофотга икковлари ҳам лойиқ эдилар. Лекин мунозара ҳадеганда ажрим бўлавермагач, асир тушган трояликларни ҳакамлик қилишга ундайдилар. Ана шунда маъбуда Афина ўз арзандаси Одиссейга кўмаклашади. Агамемнон билан Менелай шу маъбуда таъсприда Аякснинг қуръасини алмаштириб қўйишади, бунинг устига, ҳакамлик қилган трояликларнинг овозларини нотўғри ҳисоблашади, натижада совутлар Одиссейга тегади. Қудратли Аякс қаттиқ хафа бўлиб, ўз чодирига кириб кетади, у Атрей ўғилларидан ва Одиссейдан ўч олиш ҳақида ўйлай бошлайди.

Кечаси, бутун қароргоҳ маст уйқуда ётганида, у Агамемнон билан Менелайни ўлдирмоқ ниятида шамшир яланғочлаб чодирдан чиқади. Лекин маъбуда Афина унинг миясига телбалик уфуради. Чунки Аякс ўз қудратига ишониб, худолар мададидан юз ўгиргани учун, Афина кўпдан бери ундан дарғазаб эди. Телба Аякс қоронғуда буқалар пода-сига ташланади ва уларни юнонлар деб ўйлаб, аямай қийрата бошлайди. Омон қолган буқаларни эса у асирлар деб фарз қилиб, ўз қарор-гоҳига ҳайдаб киради. Бу ерда телба Аякс уларни қаттиқ қийноққа солиб ўлдирди бошлайди. Чунки улар Аякснинг кўзига Атрейзодалар бўлиб кўринади. Ниҳоят, Аякснинг эси жойига кела бошлайди ва ўз чодирининг ўлдирилган буқаларга тўлиб кетганини кўриб даҳшатга келади. Нима иш қилиб қўйганини билгач эса қаттиқ руҳий изтиробга тушади. Буюк қаҳрамон бу қилган гуноҳини ўз қони билан ювишга аҳд қилади. У бир вақтлар Ҳектор совға қилган шамширини олиб ден-гиз бўйига йўл олади.

Бу аснода Аякснинг иниси Тевкрдан даракчи келиб, Аякснинг дўстларига, буюк қаҳрамондан кўз-қулоқ бўлиб турунлар, зеро у ҳа-локатга учраши мумкин, деб хабар қилади. Орадан сал вақт ўтиши

билан қароргоҳга Тевкрнинг ўзи ҳам етиб келади. Акасининг денгиз соҳили томон кетгани дарагини эшитиб, у ўша ёққа отилади. У акасининг бирон фалокатга учрашидан хавотирда эди. Дарҳақиқат, у денгиз бўйида акаси Аякнинг ўлик жасадини топади: у ўзини шамшир тиғига отиб ўлган эди. Юнонлар ичида Ахиллдан кейин энг қудратли паҳлавон ҳисобланган Аякс шундай ҳалок бўлган эди.

Менелай билан Агамемнон Аяксни дафн қилишларига аввалига ижозат бермайдилар. Бунинг оқибатида Тевкр билан Атрейзодалар ўртасида қаттиқ низо вужудга келиши мумкин эди. Лекин Одиссей ўртага тушиб, низони бартараф қилади ва жанггоҳда ўз жасорати билан юнонларга жуда кўп марта мадад берган буюк қаҳрамонни дафн этиш учун Агамемнондан ижозат олади. Натижада, Ахилл қабри ёнида янги улкан қабр вужудга келади: бу қабрга Теламоннинг қудратли ўғли Аякнинг хоки қўйилган эди.

## 5. ФИЛОКТЕТ. ТРОЯНИНГ СЎНГИ КУНЛАРИ

Юнонлар Ахилл билан Аякнинг ўлимидан кейин ҳам Трояни жидду жаҳд билан қамал қилишда давом этадилар, лекин қанча ҳаракат қилмасинлар, шаҳарни забт эта олмайдилар. Қунларнинг бирида листирмада ётган Одиссей шоҳ Приамнинг ўғли кошиф каромат Хеленининг гапларини эшитиб қолади ва айёрлик билан уни асирга олади. Натижада у юнон қўшинлари сафига Хераклининг заҳарли камон ўқлари билан қуролланган Филоктет ҳамда Ахиллнинг навжувон ўғли Неоптолем келиб қўшилмагунча Трояни забт этиб бўлмаслигини билиб олади. Шу заҳоти Одиссей ўша икки қаҳрамонни олиб келиш учун узоқ сафарга жўнади.

Биринчи навбатда у Аскирос оролига шоҳ Ликомед ҳузурига боради. Бу ерда у Ахиллнинг навжувон ўғли Неоптолем билан учрашиб, уни Троя қамалида қатнашишга осонгина кўндиради. Чунки ўктам йиғит Неоптолем ҳам ўз падари сингари буюк жасоратлар кўрсатиш иштиёқида ёнар эди. Натижада, гарчи онаси Дидамия юм-юм йиғлаб жангга борма, деб ўғлига ёлборса ҳам, у вақтни пайсалга солмай, Одиссей билан Трояга жўнаб кетади.

Аммо Филоктетни қўлга тушириб гапга унатиш анча қийин бўлади. Маълумки, бундан ўн йил бурун юнонлар Трояга кетишарканда, илон чақиб оғир яраланган Филоктетнинг жароҳатидан тарқалган бадбўй ҳидга чидолмай унинг ёлғиз ўзини кимсасиз Хриса оролига ташлаб кетган эдилар. Мана, ўн йилдирки у шу оролдаги бир горда азоб-уқубатда кун кечиради. Оёғининг яраси ҳамон битмаган ва мутасил изтиробга соларди. У мудом очлик-муҳтожликда яшар, ўз камонидан ёввойи каптарларни отиб, бир амаллаб тирикчилик қиларди. У оёғидаги яранинг оғриғидан зўр-базўр қадам қўйиб сувга борар, тошни тошга ишқаб жуда қийинчилик билан ўт чиқарарди, Хуллас, Филоктет Хриса оролида жуда оғир изтироб чекиб, муҳтожликда ўн йил

яшайди. Уни бундай азоб-уқубатга Атрейзодалар билан Одиссей муб-тало қилган эди. Шу боис Филоктет улардан қаттиқ нафратланарди. Қани энди уларга рўпара келсаму камонимдан ўқ отиб, ҳаммасини битта-битта гумдон қилсам, деб ният қиларди.

Одиссей ҳам, агар Филоктетга дуч келса соғ қолмаслигини яхши биларди: шунинг учун у Филоктетни ҳийла билан қўлга киритмоқчи бўлади. У Ахиллзода Неоптолемга бундай йўл-йўриқ кўрсатади:

— Ҳозир бориб оролдан Филоктетни топасан-да унга Троя остона-сидаи бош олиб кетаётганингни, негаки юнон саркардаларининг таҳ-қир надоматларига ортиқ чидай олмаганлигингни айтасан. Агар Фи-локтет севдан, мени ҳам ўзинг билан Юнонистонга олиб кет, деб ил-тимос қилса, дарҳол рози бўл. Фақат шу йўл билан биз Филоктетни ҳам, унинг камонию ўқларини ҳам қўлга киритиб, ўзини бир амаллаб кемага олиб чиқиб оламиз. Шунда уни Троя бўсағасига олиб бориш осон бўлади.

Лекин Неоптолем қаллоблик билан иш кўришдан бош тортади. У Хриса оролига тушиб, у ердаги ғордан оёғидаги тузалмас яранинг азо-бини тортиб ётган Филоктетни топади-да, не мақсадда келганингни рўй-рост гапириб беради ва ундан Трояни забт этишда юнонларга ёр-дамлашишни илтимос қилади.

Филоктет, гарчи ҳузурига келган Ахиллзодани кўриб кўп қувон-ган бўлса ҳам, Троя бўсағасига бориб жанг қилишдан қатъиян бош тортади. Чунки Агамемнон, Менелай ва Одиссейларнинг уни не-не азобларга солиб бу кимсасиз оролга ташлаб кетганларини у ҳаргиз унута олмас эди.

Неоптолем, энди нима қилдим, наҳот Одиссейнинг айтганларини бажариб, отам тенги келадиган одамни алдасам, деб гаранг бўлиб тур-ганида бирдан Филоктетнинг қаршисида боқий тангри қиёфасида Ҳеракл намоён бўлади.

— Сен, — дейди унга қаҳрамонлар қаҳрамони Ҳеракл. — Троя бў-сағасига бор, у ерда жароҳатларингдан фориг бўлгайсан ва Трояни забт этишда зўр қаҳрамонлик кўрсатиб, улкан шон-шавкатга эришгай-сан.

Филоктет дўстининг каломига қулоқ осиб, ўз ихтиёри билан Одиссейнинг кемасига чиқади ва Троя томон сузиб кетади, бу шаҳар остонасида у ҳали ғайритавсиф жасоратлар кўрсатиши керак эди.

Троя бўсағасига етиб келган Неоптолем беҳисоб жасоратлар кўр-сатади. Куч-қудратда ва довуракликда унга тенг келадиган паҳлавон топилмайди, бу ердаги жангларда жуда кўп троялик азаматлар Неоп-толем зарбидан ер тишлайдилар. Ҳатто Мемнондан сўнг Троянинг энг иқтидорли ҳимоячиси бўлган Телефзода Эврпилни ҳам у яккама-якка жангда маҳв этади.

Филоктет эса Трояга етиб келган дастлабки кунларидаёқ бу қонли муҳорабанинг сабабчиси бўлмиш Парисни ўз камонининг заҳарли ўқи билан яралайди. Ўқнинг заҳри Париснинг баданига тобора чуқурроқ сингиб, унга қаттиқ азоб бера бошлайди. Парис Трояни тарк этиб,

бир вақтлар оддий подачи бўлиб яшаган ўрмонга кетади ва ўша ерда ҳеч бардош бериб бўлмайдиган азоблар чекиб дунёдан кўз юмади.

Трояликлар учун ўз шаҳарларини муҳофаза қилиш кун сайин оғирлаша боради...

Шунда Одиссей билан Диомед ғоятда хатарли бир жасоратга журъат этадилар: улар Трояга хуфийёна кириб бориб, Афина—Палладанинг муқаддас даргоҳидан маъбуданинг самодан тушган ёғоч тасвири—Палладийни ўғирлайдилар. Юнонлар бу тасвирни қўлга киритишлари албатта шарт эди, зеро тасвир Трояда экан, шаҳарни забт этмоқ асло мумкин эмас эди. Мард паҳлавонлар ўз жонларини хавф остига қўйиб, тасвирни ўғирлайдилар, шаҳардан қайтиб чиқишаётганда жуда кўп трояликларни қийратишиб, эсон-омон қароргоҳга қайтиб келадилар.

## 6. ТРОЯНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Лекин юнонлар шундан кейин ҳам шаҳарни қўлга кирита олмайдилар. Ниҳоят, Одиссей юнон саркардаларини найранг ишлатишга даъват этади.

— Келинлар, жуда ҳам маҳобатли бир ёғоч от ясайлик-да, унинг ичига энг иқтидорли паҳлавонларимизни жойлаштирайлик. Қолган бутун қўшинимиз эса, бу аснода кемаларга тушиб Трояда соҳилини тарк этсин ва Тенедос оролининг панасига бориб турсин. Трояликлар отни шаҳарга олиб киришади, ана унда, кечаси қаҳрамонлар от ичидан чиқишади-да Трояга сездирмай яна қайтиб келган лашкаримизга шаҳар дарвозасини очиб беришади. Трояни қўлга киритишнинг бирдан-бир йўли шу,— деб ишонтира бошлайди бутун қўшинни Одиссей.

Кошиф каромат Калхас ҳам юнонларни найранг ишлатишга даъват эта бошлайди. Чунки сарпадор Зевс унинг ҳам кўнглига шу фикрни солган эди. Ниҳоят, юнонлар Одиссейнинг таклифини қабул қилдилар. Машҳур мусаввир Эпей ўз шогирди билан биргаликда ҳамда маъбуда Афина—Палладанинг мадади билан ниҳоятда улкан бир ёғоч от ясайди. Бу от ичига Неоптолем, Филоктет, Менелай, Идомей, Диомед, кичик Аякс, Мерион, Одиссей ва яна бир нечта паҳлавон кириб жойлашади. Хуллас, отнинг бутун ҳавол ери қуроли лашкарлар билан тўлади. Шунда Эпей отнинг қорнидаги лашкар кирган туйнукни шундай моҳирлик билан зич қилиб беркитадики, от ичида одамлар борлигига энди ҳеч ким шубҳа ҳам қилмайди. Шундан сўнг, юнонлар ўз қароргоҳларидаги барча иншоотларга ўт қўйишиб, кемаларга чиқадилар-да очиқ денгиз томон сузиб кетадилар.

Бу аснода трояликлар қамалдаги шаҳарнинг юксак деворига чиқиб юнонлар қароргоҳида юз бераётган ғайри оддий ҳаракатларнинг шоҳиди бўладилар. У ерда нималар бўлаётганини кузатишаркан, узоқ вақтгача ҳеч нарсага тушунолмайдилар. Кейин улар шоду хуррам бўлишиб, шаҳардан чиқадилар ва ғаним қароргоҳига борадилар. Дарҳақиқат, қароргоҳ ташлаб кетилган, барча иншоотлар ёниб кул бўлаётган

эди. Трояликлар яқингипада Диомед, Ахилл, Агамемнон, Менелай ва ўзга қаҳрамонларнинг ҳашаматли чодирлари турган майдонни кезиб юришаркан, қамал буткул тугади, машъум урушнинг барча офатларига барҳам берилди, энди тинч меҳнат билан кун кечирамиз, деб қатъий ишонадилар.

Лекин шундай орзу-ниятлар билан қароргоҳни айланиб юрган трояликлар бирдан ҳангу манг бўлишиб таққа тўхтаб қоладилар; улаб ёғоч отни кўриб қолган эдилар. Улар от атрофини ўраб олиб, бу ҳайратангиз иншоот ҳақида можаро талаша бошлайдилар. Бировлар, бу улкан отни денгизга улоқтирмақ керак, деб маслаҳат берса, бошқалар — уни шаҳарга олиб кириб акрополга қўйиб қўйиш керак дейди. Баҳс авжи қизиган пайтда оломон орасида тангри Аполлоннинг қоҳини Лаокоон пайдо бўлади. У қизгин нутқ сўзлаб, ўз ҳамшаҳарларини тезроқ бу ёғоч отни йўқ қилиб ташлашга ундайди. Чунки бу от — Одиссей ўйлаб чиқарган яна бир найранг эканлигига Лаокооннинг имони комил эди. У юнонларнинг Троадани буткул тарк этиб кетишганига зинҳор ишонмасди. Нима бўлганда ҳам, у юнонлардан, гарчи улар совға қолдирган бўлишса ҳам, эҳтиёт бўлиш лозим, деган мулоҳазага боради. У улкан бир найзани олиб отга қарата отганида, от ичида қурол-яроғлар жаранглаб кетади. Бироқ бу пайт тангрилар трояликларнинг эсини оғдириб қўйган эдилар, шу боис халқ ёғоч отни шаҳарга олиб киришга қарор қилади. Бу тақдири азал эди.

Трояликлар от атрофида ҳангамалашиб туришган чоғда, подачилар бу ерга қўллари боғлиқ бир асирни ҳайдаб келадилар. Бу юнон аскарни Синон бўлиб, ўз ихтиёри билан таслим бўлган эди. Трояликлар уни ўраб олиб, мазах ва таҳқир қила бошлайдилар. Аввалига у бошини ҳам қилганича таҳқирларга бардош бериб жим тураверади. Сўнг, ниҳоят у тилга киради ва юм-юм йиғлаб ўзининг аччиқ тақдиридан зорлана бошлайди. Асирнинг аҳволига ачинган шоҳ Приам: «кимсан, нечун кўшин билан кетмадинг?» деб сўрайди. Шунда асир Синон трояликларни лақиллатиш мақсадида мутлақо ёлғон гапларни баён қила бошлайди. Бу гапларни унга Одиссей ўргатган эди. Унинг ҳикоя қилишича, гўё Одиссей Синонни Паламедга қариндош бўлгани учун ўлдирмоқчи бўлган. Зеро Одиссей Паламедни ўлгудек ёмон кўрар эди. Шунга кўра, юнонлар қамални тарк этиб чекинишга шайланган пайтда, Одиссей қоҳини Калхасни бутун лашкарга, юнонларни ўз ватанига эсон-омон етиб келиши учун бир одамни худолар йўлига қурбон қилмоқ шарт, деб овоза қилишга кўндирган ва қурбоннинг номзодини ҳам шипшиб қўйган. Калхас номзод танлашда узоқ вақт сохта тараддуллашиб, ниҳоят Синонни кўрсатган. Юнонлар дарҳол унинг қўлларини боғлаб, қурбонгоҳга етаклаб борганлар. Лекин Синон бир амаллаб арқонни узгану қурбонгоҳдан қочган ва қамишзор ичига яширинган. У юнонларнинг ўз ватапига сузиб кетишини пойлаб узоқ вақт шу ерда беркиниб ётган. Кейин эса, қамишзордан чиқиб, ўз ихтиёри билан троялик чўпонларга таслим бўлган.

Троя аҳли айёр Синоннинг гапига ишонади. Приам, асирни озод

қилинглар, деб амр этади ва Синондан юнонлар қолдириб кетган ёғоч от ҳақида сўрайди. Синон айнан шу саволни кутаётган эди. У ўзининг рост гапираётганига худоларни шоҳид қилиб шундай дейди:

— Юнонлар Троя акрополидан Палладийни ўғирлаб, маъбуда Афина — Палладанинг қаттиқ ғазабини келтирган эдилар. Бу отни улар маъбуданинг кўнглини юмшатиш учун қолдирдилар. Агар сизлар уни шаҳарга олиб кирсанглар, у Троянинг энг қудратли ҳимоячиси бўлгай.

Трояликлар Синопнинг гапига ишонадилар. У Одиссей буюрган ва-зифани зўр маҳорат билан ижро этган эди.

Бу аснода Афина — Паллада йўллаган бир мўъжиза Синон айтган гапларнинг тўғри эканлигига трояликларни янада кўпроқ ишонтиради. Денгиз сатҳида иккита баҳайбат илон пайдо бўлиб, гажак бўлиб, буралиб-буралиб соҳил томон сузиб кела бошлайди. Илонларнинг бошларидаги қип-қизил тожлари узоқдан чўғдек бўлиб кўринар, кўзларидан ўт қақнарди. Лаокоон денгиз худоси Посейдонга атаб қурбонлик қилаётган ерда илонлар сувдан чиқадилар. Буни кўрган трояликлар даҳшатга келиб чор ёққа қоча бошлайдилар. Шунда икки илон Лаокооннинг икки ўғлига ҳамла қилиб, даҳшатли таналари билан уларни ўраб оладилар. Лаокоон ўғилларига ёрдамга отилади, лекин илонлар уни ҳам чирмаб оладилар ва ота билан икки ўғилнинг бада-нига заҳарли тишларини ботириб, азоблай бошлайдилар. Бечора Лаокоон ўзи ва ўғилларини илонлар домидан қутқаришга жон-жаҳди билан уринади, аммо заҳар тобора унинг бада-нига кўпроқ сингиб, оёқ-қўлларини чапгак қила бошлайди. У ўғилларининг даҳшатли ўлим топганини ўз кўзи билан кўриб жон талвасасида мудҳишона фарёд қилади ва ўзи ҳам дунёдан кўз юмади. У худолар хоҳишига зид ўлароқ ваташни қутқармоқчи бўлган эди, шу густоҳлиги унинг бошига етади.

Лаокооннинг ҳалокатидан кейин трояликлар ёғоч отни шаҳарга олиб кириш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигига янада кўпроқ ишонадилар. Шундан сўнг маҳобатли от қопқага сирмаганлиги сабабли, халқ шаҳар деворининг бир қисмини бузиб, шодиёна қийқириқлар, мусиқа ва шўх куйлар садоси остида зўр-базўр отни арқонлар билан тортиб шаҳарга олиб кирадилар. Лекин Приамнинг соҳибқаромат қизи Кассандра акрополга олиб бориб қўйилган ёғоч отни кўрган заҳоти даҳшатга келади. Бу от Трояни хароб қилади, деб башорат қилади у. Аммо трояликлар унинг башорати устидан куладилар — маълумки, халқ ҳамisha унинг башоратига ишонмасди.

Шу кун и бутун Троя аҳли қамалдан халос бўлганини ишонлаб катта байрам қилади. Шаҳарнинг ҳамма ерида базм, зиёфат. Ҳар томонда шўх қўшиқлар, мусиқа садоси янграйди. Бу вақтичоғлиқ то тун ярим кечада оғунгача давом этади. Сўнг бутун шаҳар маст уйқуга кетади. Шунда Синон ёғоч от пойига бориб, унинг ичида ўтирган юнон қаҳрамонларига хатар йўқлиги ҳақида хабар беради. Қаҳрамонлар Одиссей бошчилигида аста-секин от ичидан ерга тушадилар ва



қурулларнинг овозини чиқармасликка уришиб, аста-секин шаҳарнинг ҳар томониغا тараладилар.

Бу пайт Синон Троя дарвозаси олдида катта гулхан ёқишга ҳам улгурган эди. Тенедос ороли панасига бориб турган юнонлар гулхани кўриб, кемаларда Трояга сузиб келадилар. Натижада азим шаҳар Трояда қоронғи тунда қирғинбарот жанг бошланади. Юнонлар ҳеч бир кимсани: гўдакларни ҳам, аёлларни ҳам, қарияларни ҳам аямай, бутун шаҳар аҳлини бир бошдан қира бошлайдилар.

Мана, Неоптолем бошқа қаҳрамонлар билан бирга шоҳ Приамнинг қасрига бостириб киради. Бу ерда у шоҳнинг яраланган ўғли Политни ўлдириб отасининг оёғи остига ташлайди. Дарғазаб қария Приам заиф қўлига найза олиб, уни ўғлининг қотилига отади. Бироқ найза Неоптолемнинг қалқонига оддий бир чўпдек бориб тегиб, унга зарар етказа олмайди. Шунда Ахиллода Неоптолем чолнинг оппоқ сочларидан чангаллаб, унинг кўксига ханжар ботиради. Приам жуда кўп йиллар давомида салтанатни бошқарган буюк Трояда шу тарзда ҳалок бўлади. Унинг ўғилларидан биронтаси ҳам тирик қолмайди. Ҳаттоки набираси — Ҳекторнинг ўғли Астианакс ҳам қатл этилади: уни бахтиқаро онаси Андромаханинг бағридан юлиб олиб, Троянинг сарбалад девори устидан улоқтирадилар.

Саройга кириб келган Менелай маст уйқуда ётган Деифобни ўлдирди (Парис ўлгандан кейин Еленани шу хотин қилиб олган эди). У жаҳл устида ўзининг собиқ завжаси соҳибжамол Еленани ҳам ўлдирмоқчи бўлади, ammo Агамемнон унинг қўлидан ушлаб қолади. Айни чоғда маъбуда Афродита ҳам Менелайнинг қалбида яна Еленага муҳаббат туйғусини уйғотади. Натижада Менелай уни зўр тантана билан ўз кемасига олиб кетади.

Приамнинг қизи соҳибқаромат Кассандра Афина маъбадидан паноҳ излайди. Лекин Ойлейзода Аякс уни кўриб қолади. Ундан қўрқиб кетган Кассандра маъбуданинг ҳайкалини маҳкам қучоқлаб олади. Лекин Аякс уни қўполлик билан силтаб тортганида, муқаддас ҳайкал қулаб, чил-чил синади. Бу ҳол маъбуданинг ғазабини кўзғатади ва кейинчалик бу шаккоклиги учун у Аяксдан қаттиқ интиқом олади.

Троя қаҳрамонларидан фақат Энейгина қутулиб қолади. У кекса отасини опичлаб, гўдак ўғли Асканийни қўлига кўтарганча шаҳардан хуфиёна бош олиб чиқиб кетади (Энейнинг шундан кейинги ҳаёти ва саргузаштлари ҳақида антик давр Рим шоири Вергилий «Энеида» деган дoston яратган). Юнонлар яна троялик Антенорга ҳам шафқат қиладилар. Чунки у доим соҳибжамол Еленани ва Парис ўғирлаб келган Менелайнинг мол-давлатини юнонларга қайтариб бериш керак, деб трояликларга маслаҳат берарди.

Троя яна узоқ вақт бурқсаб ёнади. Теварак-атрофда яшовчи халқлар осмони фалакка кўтарилган алангани кўриб, жуда кўп йиллар давомида Осийда энг қудратли шаҳар ҳисобланган Троянинг маҳв бўлиганидан хабар топадилар.

## 7. ЮНОНЛАРНИНГ ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИШИ

Юнонлар Трояни қамал қилиб ўн йил мобайнида жон олиб, жон бериб, ҳаёт-мамонт жанги олиб борганлари, не-не азобларни бошларидан кечирганлари, не-не азамат ўғлонларидан жудо бўлганлари эвазига, мана энди бениҳоя улкан ўлжаларга эришадилар. Улар тоғ-тоғ олтин умушлар, қанчадан-қанча нодир буюмлар, сон-саноксиз соҳибжамол асираларни кемаларига солиб ўз юртларига олиб кетадилар.

Лекин бу сафар пайтида ҳам улар кўп уқубат ва мусибатларни бошларидан кечирадилар. Кўп қаҳрамонлар она юрт жамолига ета olmay, йўлда ҳалок бўладилар.

Троя ғорат қилиниб, кули кўкка соврилаётган пайтдаёқ дарғазаб Афина — Паллада юнонлар ўртасида улкан нифоқ уйротган эди. Чунончи, Менелай зудлик билан Юнонистонга сузиб кетиш тарафдори бўлса, унинг оғаси Агамемнон, то бисёр қурбонлар билан маъбуда Афганининг кўнглига раҳм-шафқат солмагунимизча барча юнонлар Троядада қолмоғи лозим, деб талаб қилган эди. Бироқ Агамемнон маъбуданинг кўнглини асло юмшатиб бўлмаслигидан гофил эди. Ака-ука ўртасидаги бу баҳс кун бўйи давом этади. Эртаси куни эрталаб ўз чекларига тушган бой ўлжалар билан Троядани тарк этадилар. Кетганлар орасида Нестор, Диомед, Неоптолем, Идоменей ва Филоктет бор эди. Бир оздан сўнг Менелай ҳам йўлга чиқади ва Лесбос оролида Нестор билан Диомедга етиб олади.

Сўнг улар биргаликда Лесбосдан Эвбея ороли сари сузадилар. Бу оролда тангри Ҳефестга аталган муқаддас жой бўлиб, юнонлар шу ерда тангри Посейдон йўлига қурбонлик қилиб, яна сузишда давом этадилар. Орадан тўрт кун ўтгач Диомед Аргосга, Нестор — Пилосга етиб олишади. Идоменей, Филоктет ва Неоптолемларнинг ҳам сафари хайрли бўлади. Улар ҳам ўз ватанларига эсон-омон етиб оладилар.

Лекин Менелай бу сафар пайтида кўп бахтсизликларга учрайди, не-не азоб-уқубатларни бошидан кечиради, тақдир унинг кемасини тамоман тескари ёқларга, жуда узоқ муддатга олиб кетади. Ниҳоят, етти йил деганда, ахири у ҳам ўзининг соҳибжамол завжаси Елена билан Спартага етиб боради. Эр-хотин ўз ватанларида яна кўп йиллар бахтиёр ҳаёт кечириб, мурод-мақсадларига етадилар.

Шоҳ Агамемнон ҳам ватанига қайтаётган чоғда кўп хатарли синовларни бошидан кечиради. Дастлаб, у ўз ҳамроҳлари билан Эвбея оролига бешикаст етиб олади. Лекин бу ерда, Герей бурни яқинида бирдан даҳшатли тўфон кўтарилади. Бу тўфонни юнонлардан қаҳрланган маъбуда Афина йўллаган эди. Маъбуда айниқса Оилей ўғли Аяксдан дарғазаб эди. Бу тўфон пайтида кўп кемалар қояларга урилиб тилка-пора бўлади. Шулар қатори Аякснинг кемаси ҳам ҳалок бўлади. Агар денгиз худоси, бузрук зилзилакор Посейдон раҳм қилмаганида, Аякснинг ўзи ҳам денгизга ғарқ бўлган бўларди. Посейдоннинг амри билан тўлқинлар уни Герей қоясига чиқариб қўядилар. Аякс ҳалокатдан қутулиб қолади. Лекин шу оннинг ўзидаёқ унинг

такаббурлиги бошига етади. У телбаона ғурур билан тангрилар мададисиз, ҳаттоки уларнинг хоҳишига зид ўлароқ ўзим ўлимдан қутулдим, деб ҳайқиради. Шунда тангри Посейдон унинг густоҳона каломини эшитиб қолади ва қаттиқ қаҳри қайнаб, уч шохли асосини Аякс ўтирган қояга зарб билан уради. Қоя икки бўлакка айрилади ва бир бўлаги Аякс билан бирга денгиз қаърига чўкиб кетади. Ҳозиргина Посейдон денгиз офатидан қутқариб қолган Аякс энди шу денгиз қаърида ҳалок бўлади. Агамемноннинг кемалари эса, денгиз тўфонидан бир амаллаб қутулиб қоладилар ва ниҳоят, она-Ватан соҳилига эсон-омон етиб оладилар. Бироқ шоҳ Агамемнонни, унинг олтинга бой мамлакати Микенада ўлим кутаётган эди. Агамемноннинг бевафо хотини Клитемнестра ўз жазмани билан биргаликда уни ўлдиради.

Энди Одиссейнинг тақдирига келсак, унинг бошидан кечирган сон-саноксиз ғаройиб ва пурҳайрат кечмишлари ҳақида сиз Ҳомернинг иккинчи дostonи «Одиссея»да ўқишингиз мумкин<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Китобдаги насрий муқаддима ва хотима Н. А. Куннинг «Легенды и мифы древней Греции» («Қадимги Юнонистоннинг афсона ва ривоятлари») китобидан эркин таржима қилиб олинди. (Қ. М.)

## ИЗОҲЛАР

### Биринчи қўшиқ

1-сатр. *Маъбуда* — бу ўринда санъат ва адабиёт маъбудаси — Муза кўзда тутилди.

6-сатр. *Халқ чўбони* — Ҳомер саркардалар ва давлат арбобларини чўпонга қиёс қилган.

15-сатр. *...на асою на Феб боғичи* — *Асо* — коҳинга тегишли; *лаъл боғич* — Феб, яъни тангри Аполлон ҳайкали бошига кийдирилгучи жун боғич. Хрис уни илтижо маъносида юнонлар қошига кўтариб борган.

23-сатр. *Бир овоздан ҳайқирдилар* — Ҳомер замонида, жамоа мажлисларида ҳали овозга қўйишни билишмаган, шунинг учун халқ ўз розилиги ёки норозилигини қичқириқ билан баён қилган.

24-сатр. *Подшо (шоҳ)* — Бу сўз Ҳомер дostonларида: ҳарбий даврда — лашкарбоши, тинчлик даврда — уруғ оқсоқолларининг энг улуг сардори ёинки давлатпаноҳ маъноларини билдиради.

42-сатр. *...камонингдан ўқ от, ўч ол аргосликлардан*; — *аргослик* — юнистонлик демакдир; тўсатдан бошланган ўлат ё қирғинни юнонлар, Аполлоннинг ажалкаш ўқларига дучор бўлиш, деб изоҳлайдилар. Ҳомер юнонларни, шунингдек, «ахейлар» ва «данайлар» ҳам деб атайдн.

43-сатр. *Чўнг мерган* — Аполлоннинг васфларидан бири.

47-сатр. *Патли ўқлар* — камондан отиладиган ўқларнинг дум томонига металл қанот ўрнатилган.

52-сатр. *...дафн гулхани* — Ҳомер замонида дафн маросими, асосан мурдани куйдириш усули билан ўтказиларди.

65-сатр. *Юзта тана* (буқа)ви худо йўлига қурбонлик қилиш маъносини билдиради. Кейинчалик бориб, ҳар қандай йирик қурбонликни шу сўз билан ифодалай бошлаганлар.

67-сатр. *...хушбўй ёгин ёндирмоғимиз* — қурбонликка мол сўйилганида бириинчи навбатда, унинг чарвисига бир бўлак гўшт ўралиб, ёндириб юборилар экан.

142-сатр. *Ҳекатомба* — 65-сатр изоҳига қаранг.

160-сатр. *Итбашара* — ҳаёсиз деган маънони билдиради; *ит* — ҳаёсизлик рамзи бўлган.

164-сатр. *Лашкаримиз Троянинг бирон шаҳрин қилганда ғорат* — Троя урушининг дастлабки йилларида юнон қўшинлари Троя яқинидаги у билан иттифоқдош бўлган барча шаҳарларни тор-мор қилиб, талон-торож этган эдилар.

225-сатр. *Кийик юрак* — қадимги юнонларда кийик қўрқоқлик рамзи ҳисобланган.

238—239-сатрлар. *...шу салтанат ҳассаси ила онт ичамен* — Ҳалқ мажлисларида сўзга чиққан ҳар бир одам ҳокимлик рамзи бўлиши салтанат ҳассасини қўлига ушлаб туриб гапирарди.

262-сатр. *...кўрмасман энди ундай жавонмардларни* — Ҳомер тасавури бўйича, паҳлавонларнинг ҳар бир янги авлоди олдингисидан заифроқ бўлиши керак.

267-сатр. *Маҳобатли тоғ хилқатлари* — Кентаврлар, яъни ярми от, ярми одам махлуқлар; Пирфойнинг никоҳ тўйида маст кентаврлар аёлларга ташлана бошлаган; шунинг оқибатида улар билан уруш бошланган.

318-сатр. *Меҳроб* — қурбонликка аталган молларни сўйишадиган супача. Қурбонгоҳ деса ҳам бўлади.

334-сатр. *...боқийлару фонийларнинг хабарчилари* — Жарчилар ва элчилар (хабарчилар)га худолар пуштипаноҳ бўлганлар, шу бондан улар дахлсиз ҳисобланганлар.

365-сатр. *...барча гапдан воқифсан ўзинг* — маъбуда Фетида истиқболни ва инсон қисматини башорат қила олур эди.

366-сатр. *Фива шаҳри* — бу ўринда Мисрдаги Фива ҳам, Беотиядаги Фива ҳам эмас, балки Кичик Осиёдаги Фива шаҳри назарда тутиляпти. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, таржимон юнон ва рус тилларида кўплик сонда юритилган жойларнинг номларини бирлик сонда ва женский родда ишлатди. Масалан: Фивы—Фива, Афины—Афина ва б.

458—459-сатрлар. *...қурбонликка келган моллар бошидан туз ва арпа донин сочдилар...* — бу ўринда Ҳомер қурбонлик қилиш қондасини таърифляпти; қурбонликка аталган молни сўйиш олдидан, унинг бошидан туз ва арпа сепишар экан.

467-сатр. *Сўнг бошланди базми жамшид* — юнонларнинг тасавурича, қурбонликни худолар ҳам қурбонлик қилганлар, ҳам биргаликда тановул қилар эканлар.

486-сатр. *Қумлоқ ерда уни баланд тўсинларга ўрнатдилар* — кеманинг туб қисми чирмасин учун шундай қилнарди.

501—502-сатрлар. *Тиззаларин сўл қўли-ла қучоқлади, ўнг қўли билан сарпандарнинг иягига тегиб қўйиб...* — тангрларга илтижо қилиш ишораси.

551-сатр. *Сигир кўзли маъбуда* — жуда-жуда қадим замонда Ҳерани сигир қиёфасида тасаввур этиб, унга сиғинишган. «Сигир кўз» деган ташбеҳ ҳам ўша замонда туғилган. Наники кўҳна Мисрда, шунингдек, Ҳомер замонидан анча аввал юнонлар орасида ҳам тангрларни жонворлар қиёфасида иззатлаш одат тусига кирган.

584-сатр. *Қўшқадаҳ* — «Илиада»ни рус тилига таржима қилган шoirлар қўшқадаҳнинг турлича таърифлайдилар. Гнедич «қўшқадаҳнинг остки қисми — оёғи ҳам тўнкарилган қадаҳни эслатади», деб тасвирласа, Мивский уни дурбинга ўхшатади.

599—600-сатрлар. *...пилдираган ланг косагулдан қаҳ-қаҳ уриб кулди кўкни кўтариб бошга* — «Ҳомерона кулги» («Гомерический смех») деган ибора дostonнинг шу еридан олинган. Тангрлар Ҳефестнинг чўлоқлигидан кулишган. (Шу қўшиқнинг 590—593-сатрларига қаранг.)

12-сатр. *Жингалак соч юнонлар* — Ҳомер замонидан олдин юнонлар узун соч қўйиб юришган. Ўзга аксарият ғайри юнон халқлар эса сочларини устарада олдиришган.

21—22-сатрлар. *...Нестор қиёфасига кириб турди* — Ҳомернинг таъбирича, худолар кўпинча бандалар қиёфасига кирарканлар.

24-сатр. *Асов отни тизгинловчи* — бу ибора «кучли, қудратли» деган маънони билдиради.

98-сатр. *Зевс қавми* — шоҳлар — қадимги юнонларнинг тушунчасича, шоҳлар ва паҳлавонлар худолар авлодидан бўлишган.

110-сатр. *Арейнинг хизматкорлари* — яъни лашкарлар; *Арей* — жанг худосидир.

153-сатр. *Зовур тозалашар* — кемалар шундай зовурлар орқали соҳилга тортиб чиқилар ва қайта денгизга тушириларди.

342-сатр. *...май паймо қилиб, қўлга қўл бериб...* — юнонлар садоқат ҳақида онт пчишаркан, таңгрларга бахшида қилиб бир оз шаробни ерга паймо қилардилар (тўкардилар) ва бир-бирларига қўл берардилар.

357-сатр. *То багрига босмагунча Троянинг зотинларини* — бу ўринда Троя аёлларини асирга олиш маъноси ётипти.

365-сатр. *Токи кўмак берсин насаб-насабгаю уруғ-уруғга* — Несторнинг бу маслаҳати Ҳомер замонидан анча аввалги уруғчилик тузуми давридаги қўшинлар ҳолатини акс эттиради; у пайтда қўшинлар насаблар ва уруғлар бўйича тузилар экан.

404-сатр. *...ўз таңгрисига* — ҳар бир уруғнинг ўз паноҳгоҳ худоси бўлган.

437—438-сатрлар. *Ҳерениянинг шоҳсувори* — Несторнинг васфларидан бири.

623-сатр. *Вале алар баҳрийликда бўлганичун тамом уқувсиз* — Аркадия Пелопонес вилоятининг ичкарасига жойлашган бўлиб, унинг денгизга туташган ери йўқ эди.

759-сатр. *...ёлдор ёе* — боши одам, танаси от махлуқлар (кентаврлар); *Пирифой* билан *Ипподамия*нинг никоҳ тўйи пайтида улар келинни ўғирламоқчи бўлганлар.

771-сатр. *Стикс дарёси* — ер ости салтанати (нариги дунё — Аид)даги дарё; таңгрлар шу дарё сувини тилга олиб онт ичадилар; бу энг даҳшатли онт ҳисобланиб, уни бузишга ҳеч бир жонзод журъат эта олмас эди.

799-сатр. *Тифей* — афсонавий махлуқ бўлиб, уни Зевсга қарши чиқсин деб Ер дунёга келтирган; у ер ости алаңгаси рамзидир. Лекин Зевс ўз чақмоқлари кучи билан Тифейни енгиб, уни ер қаърига киритиб юборган ва устидан тоғларни ағдариб, бостириб қўйган. Ҳар гал Тифей ер остидан чиқиш мақсадида қаддини ростлаганда, унинг ғайритабиий урinishларидан ер ларзага келади, олов вулқон бўлиб отилади. Шунда Зевс яна Тифейга қарата ўз чақмоқларини ота бошлайди.

884-сатр. *Гигей кўлин фарзандлари* — шу кўл санамининг болалари.

887-сатр. *Ғайри тилда* — яъни, юнон тилидан ўзга тилда.

### Учинчи қўшиқ

6-сатр. *Пигмейлар* — энг чекка жанубда Океан ёқасида яшаган пакана одам-

лар қабиласи. Жанубга учиб кетаётган турналар улар билан ҳар йили жанг қилар эканлар.

341—342-сатрлар. *Ўз отаси Ликаоннинг мис совутини кийган эди, у лоппа-лоийиқ келди* — ёйотар Парис жанг майдонига метин совутларсиз, фақат йўлбарс терисини ёпишиб чиқарди; шунинг учун у бу сафар акасининг совутини кияди, совут унга лоппа-лоийиқ келади.

333-сатр. *Пойбандлар* — жангчининг тиззасидан то тўпигагача тўсиб турувчи ахлит мис зирҳ.

### Тўртинчи қўшиқ

66—67-сатрлар. *...берган онгидан хоинона воз кечишга...* — Трояликлар қасамга хиёнат қилишиб, шу хоинликлари туфайли ўз шаҳарларини вайрон бўлишига йўл очиб берадилар.

97—98-сатрлар... *гулханга маҳвун чиқаётган* — яъни ўлиб, одат бўйича, жасади гулханда ёндирилаётган.

142-сатр. *Яноқпўш* — от афзалининг бир қисми — отнинг икки юзини тўсиб турувчи махсус зирҳ.

172-сатр. *Ташна Аргос* — Пелопонесдаги суви кам вилоят.

268-сатр. *...майга сувни омизта қилиб* — юпонлар қамиша майга сув аралаштириб ичардилар.

397-сатр. *Кадм қавми* — фиваликлар Фивадаги акрополни Кадмея деб аташарди.

419-сатр. *...етти дарвозали азим Фива* — Юнистоннинг Беотия вилоятига жойлашган шаҳар; юз дарвозали Фива эса Мисрда эди.

459-сатр. *Тўғнашдилар...* кўнлар — яъни, теридан ясалган қалқонлар.

### Бешинчи қўшиқ

6-сатр. *Нажми хазон* — кўзда кўринадиган порлоқ юлдуз, Сириус юлдузи.

64-сатр. *...мазкур қирғин ибгидоси бўлмиш кема* — Еленани ўғирлаш мақсадида Спартага Парис сузиб борган кема.

103-сатр. *Отларни халаловчи* — юпонлар отларни қамчилаб эмас, балки учли чўп билан халалаб ҳайдашарди (эшакни халалагандек).

376-сатр. *Амбар ем (амбар таом)* — худоларнинг мангу ёшлик ва куч-қудрат берувчи таоми.

402—403-сатрлар. *Амфитрионнинг мард ўғли* — Ҳеракл.

518-сатр. *Мис само* — Ҳомер тасаввурда осмон металл (мис ё темир) ярим шардан иборат бўлган.

647-сатр. *Зевснинг машҳур ўғли билан набираси рўбарў келди.* — Сарпедон — Зевснинг ўғли; Тлиподем — Ҳераклининг ўғли, Зевснинг набираси.

657—658-сатрлар. *...отлар сўраб келганида Лаомедондан, Илионни айлаб ғорат, ҳувиллатиб кетган экан* — Троя подшоҳи Лаомедон (Приамнинг отаси) шаҳар атрофини девор билан ўраб берган тангрилар Посейдон билан Аполлонга, хизмат ҳақларини тўлашдан бош тортган экан, шунда бу дийнатсизликдан қаҳр қайнаган Посейдон Троя бошига офат солиб бир баҳайбат махлуқни юборган эканки, унга қурбонлик учун Лаомедоннинг қизи Ҳесионани бағишлаш лозим

экан. Лекин Ҳеракл қизни ўлимдан қутқариб қолишга сўз беради ва бу хизми ти эвазига Троснинг (Лаомедон бобосининг) машҳур отларини талаб қилади. Би роқ паҳлавон Ҳеракл махлуқни ўлдириб, ўз хизмат ҳақини олгани келганида, Лаомедон унга ҳеч нима бермай ҳайдаб юборади. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин Ҳеракл Трояга қайтиб келиб уни забт этади, Лаомедонни ва унинг кенжа ўғлидан бошқа ҳамма ўғилларини ўлдиради. Кенжа ўғилни опаси Ҳесиона ҳақ тўлаб, ўлимдан асраб қолади. Шундан бошлаб Лаомедоннинг кичик ўғлини Приам деб атай бошлайдилар (бу сўз «сотиб олинган» деган маънони билдиради).

710-сатр. *Зевс дарахти-ғоят, хушқад азим шамшод кўланкасига* — Ҳомер аса-рида шамшод эмас, Зевснинг муқаддас дарахти ҳисобланмиш эман (болут) да-рахти ҳақида гап боради.

864-сатр. *Аид дубулғаси* — юнон мифологиясида «кўринмас қалпоқ», у Аидга тегишли деб ҳисоблавади (бу худонинг исми ҳам «кўринмас» деган маънони билдиради).

916—917-сатрлар. *Уранзодлар ётган ердан ҳам чуқурроқ* — Уранзодлар — улкан паҳлавонлар (титанлар) бўлиб, улар Уран — осмон билан Гея — ернинг фарзандлари. Улар ўз оғалари Кронни ҳимоя қилиб Зевсга қарши бош кўтарганлар. Лекин Зевс улардан устун чиқиб енган ва ернинг энг тарап ерига — Тартарга ҳибс этган.

#### *Олтинчи қўшиқ*

9-сатр. *От ёлли мис дубулға* — чўққисига бир тутам от ёли қўндирилиб бе-затилган дубулға.

172-сатр. *...шум белгилар қайд этилган букма тахтакач* — бу ерда биз ёзув усулини Ҳомер томонидан биринчи ва ягона марта таърифланганини учратамиз. Антик даврнинг охиригача юнонлар ва римликлар ҳаётда ёзув учун букма тах-такачлардан фойдаланишган — тахтакач сатҳига мум суртиб, унга «стиль» деб аталувчи учи ўткир таёқча билан ҳарфлар тасвирини чизишган.

204—205-сатрлар. *...ўзи кейин ағли самонинг нафратига учраб...* — Беллери-фонт Ҳимерани ўлдириш мақсадида тулпор Пегасни тутиб жиловлайди; сўнг шу Пегасга миниб Олимпга учиб чиқмоқчи бўлади, лекин тулпор уни ўз устидан итқитиб ташлайди, натижада худолар нафратига учраган Беллерифонт кўр ва чўлоқ бўлиб узоқ вақт ер юзида саргардон бўлиб юради.

219-сатр. *...Бобом ёқдан сен меҳмоним экансан* — яъни, мен билан ўзаро меҳ-мондўстлик риштаси билан боғланган одамсан, демоқчи. Мусофирни ўз уйида қабул қилиб, меҳмон қилиб, унга совға-салом туҳфа этган одам, шу ондан бош-лаб ўзи ҳам ўз меҳмонининг «меҳмони»га айланади ва унинг ватанига боргани-да ўзининг ҳам айнан шундай иззат-ҳурмат билан кутиб олинишини билади. Қадим замонда ажнабий одамлар бегона юртда ўзини ҳимоя қилиш учун ҳеч қан-дай ҳуқуққа эга бўлмаганлар; бундай пайтларда меҳмондўстлик жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Меҳмондўстликка бўлган муносабат авлоддан-авлодга ме-рос бўлиб ўтиб келган; Диомед билан Главк ўртасидаги меҳмондўстлик алоқаси бу иккала қаҳрамоннинг аждодларига бориб тақалади.

410—411-сатрлар. *Ҳектор унга Аскамандрий деб от қўйган, Трояликлар* — *Ас-тианакс...* — Ҳектор ўз ўғлини дарё тангриси Аскамандр шаънига Аскамандрий



атаган, лекин трояликлар болани отаси шаънига Астинавкс деб атайдилар, яки бу сўз «шаҳар сардори» деган маънони билдиради.

436-сатр. ...онам жонин олди Феба...— дард кўрмай тўсатдан ўлган аёлларни Дебанинг (Артемиданинг) камонидан жон берди деб айтишарди.

### Еттинчи қўшиқ

223-сатр. *Тихий* — кўнчининг исми — «омадли» деган маънони билдиради.

411-сатр. *Асов огни тизгинловчи* — бул васф паҳлавон деган маънони билдиради.

492-сатр. *Май... Зевс шаънига паймо этмасдан* — паймо этиш — тўкиш демакдир. Юнонлар ҳар қандай базм ва маишатларда майнинг дастлабки томчиларини худоларга атаб ерга тўкардилар.

### Сақкизинчи қўшиқ

254—255-сатрлар. ...*бургутни (соҳибкароматлар учун ғоят манлуб қушни)*— қадим замонларда қушлар билан фол очиш усули ниҳоятда кенг тарқалган эди. Фолбоп қушлар орасида бургутни энг матлуби деб эътироф этишган, чунки уни Зевснинг муқаддас қуши деб ҳисоблаган; бургутнинг кўкда пайдо бўлиши, Агамемноннинг илтижоси тангри томондан қабул қилинганини билдиради.

296-сатр. *Ўзимдан сўнг, аввал сени тақдирлағум ноёб музд ила* — Агамемнон энг олий сардор сифатида, бўлақларга бўлинган ўлжадан хоҳлаган қисмини қуръа ташланмасдан олдин тавлаб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

370-сатр. *Ўғлин* — Ҳеракли.

374—375-сатрлар. *Эребдан... Аиднинг... игин ўғирлаш...*— Ҳеракл шоҳ Эврисфейнинг амри билан Аид салтанати — Эребдан уч бошли кўпнак — Церберни ўғирлаб келган эди.

### Тўққизинчи қўшиқ

196-сатр. *У қўшиқнинг ниҳоясин кутар эди* — Ахиллес ўз байтини тугатиши билан, Патрокл қўшиқнинг давомияни куйлай бошлаши керак эди.

399-сатр. *Чеварликда... Афинава... монанд* — Афина аёллар қўл ҳунарининг ҳомийси ҳисобланган, ўзи ҳам моҳир чевар бўлган.

465—466-сатрлар. ...*бир умрга мандан бўлган набираларин тиззасига олмасликка... онг ичди* — Феникснинг отаси, «ўғлим дунёдан бефарзанд ўтсин» деб худога илтижо қилади. У пайтнинг таомили бўйича, бобо чақалоқ набирасини ўз тиззасига ўтказар экан ва бу билан уни ўз насаби эканлигини эътироф этаркан.

571—572-сатрлар. *Ўз завжаси... деб... Қўл кўтарган эди қатто... Аполлонга ҳам* — Марписса Иднинг қаллиғи бўлган пайтда Аполлон бу қизга ошиқ бўлиб қолади ва уни ўғирламоқчи бўлади; Ид ўз қаллиғини ҳимоя қилиб, тангри билан жанг қилмоқчи бўлади, лекин Зевс бу низога барҳам беради ва куёв ташлашни Марписсанинг ўзига ҳавола қилади. Марписса фоний эрни афзал кўради.

574-сатр. *Алкиона* — чайка. Юнонларнинг эътироф этишича, нар чайка ҳалок бўлган тақдирда, мода чайка ҳеч нима емай, ичмай муттасил маҳзун инграр экан ва шу зайлда ўлиб кетаркан. Бу ўринда Ҳомер Марписса билан Иднинг қизи, Мелеагрнинг хотини Клеопатрани Алкиона деб айтяптики, у эрининг ўлимидан кейин қаттиқ қайғуга ботиб алкионага — чайкага айланган экан.

### Унинчи қўшиқ

110-сатр. *Чаққон Аякс* — Оилей ўғли Аякс.

112-сатр. *Тангримонанд Аякс* — Теламон ўғли Аякс.

173—174 сатрлар... *ҳалок бўламизми ё ўлимдан жон сақлаймизми: илинган-дир.. бу қисматимиз шамшир тигига!*— қадимги юнонларда «келажак тақдир худди шамшир тигига илингандек омонатдир» деган мақол бўлган. Шу мақолга ишора.

254-сатр. *Туннинг учдан икки қисми ўтиб...*— юнонлар тунни уч қисмга бўлишган ва вақтни юлдузларга қараб аниқлашган.

### Ун биринчи қўшиқ

3-сатр. *Жанг нишонаси* — бу сўз билан, айрим шарҳловчиларнинг фикрича, «машъал», бошқаларнинг фикрича эса, Зевс қалқони «эгида» назарда тутилган.

23-сатр. *Қора зор* — темир билан мис қотишмаси; археологик қазиниларнинг кўрсатишича, Ҳомер даврида бундай қотишма Кипрда тайёрланган экан.

61-сатр. *Нажми завол* — Сириус юлдузи; эрампдан тўққиз юз-саккиз юз йил олдин бу юлдузнинг уфқда пайдо бўлиши ёз фаслининг ўртасига тўғри келиб, йилнинг қурғоқчилик ва безгакни олиб келадиган энг иссиқ пайти бошланганидан далолат берад өди.

611-сатр. *Бу фалокатнинг ибтидосийди* — Нестор билан жанг аробада келатган одамнинг кимлигини билиб келгани борган Патрокл, қайтиб келиб ўзининг жангга кириши учун Ахиллесдан ижозат сўрайдики, бу жангда у ҳалок бўлиши лозим эди.

646-сатр. *Прамнидан келтирилган май* — Прампи тоғидаги узумзорнинг қуюқ қизил шароби.

699-сатр. *Кўп машаққат солган эди ботир Ҳеракл* — Ҳеракл шоҳ Авгийнинг отхоналари ва оғилхоналарини тозалаб беради, аммо Авгий ваъда қилган хизмат ҳақини Ҳераклга беришдан бош тортади. Шунда паҳлавон Ҳеракл аламдан Авгийга ва унинг барча иттифоқдошларига, шулар жумласидан Нелейга ҳам қарши уруш очади. Бу урушда у Нелейнинг, Нестордан бошқа ҳамма ўғилларини маҳв этади.

759-сатр. *Заминни тебратгувчи* — яъни, Посейдон.

### Ун иккинчи қўшиқ

245—246-сатрлар. *Ишим йўқдир уларнинг.. ўнг ёққа, ёхуд сўлга... учиши билан* — қушлар билан фол очилганда ўнг томон хайрли, сўл томон — беҳайр ҳисобланган.

297-сатр. *Мофир мисгар* — яъни, Ҳефест.

## Ўн учинчи қўшиқ

479-сатр. *Троянинг шоҳидан у ҳар галгидек дарғазаб эди* — Эней Троя шоҳлари шажарасининг подшоҳлик ҳуқуқи бўлмаган кичик бутоғи намоёндаси бўлган, шунинг учун у Приам билан ихтилофда бўлган. Троя ҳалокатидан кейин Энейнинг ўлимдан қутулиб қолиши ҳақидаги афсоналарнинг айримларида унинг душманлар билан мулоқатда бўлганлиги очидан-очиқ кўрсатилган.

## Ўн тўртинчи қўшиқ

157—158-сатрлар. *Оғаси ҳамда қайниси* — Маълумки, Ҳера Зевснинг ҳам хотини, ҳам синглицидир. Бинобарин, Зевснинг иниси Посейдон Ҳера учун ҳам оға, ҳам қайни ҳисобланади.

203-сатр. *Океан ва Тетфиса* — Зевс ила Ҳеранинг онаси бўлмиш Реянинг ота-онаси.

293-сатр. *Халкида, киминда* — Ҳомер бу номлар билан қайси қушни тилга олгани бизга маълум эмас.

323-сатр. *Шоҳ Феникснинг гўзал қизин* — гап Финикия шоҳи Феникснинг қизи Европа ҳақида борапти. Қиз денгиз бўйида гул териб юрганида, Зевс буқа қиёфасига кириб, уни денгиз оша Крит оролига олиб қочиб кетади.

## Ўн бешинчи қўшиқ

16—17-сатрлар. *...шул фитнаненинг мевасини энг аввал ўзинг тагидайсан, саваласам агар сени чоқмоқлар отиб* — Ҳера, Уйқу кўмагида, Ҳераклига бадкорликлар қилгани учун Зевс уни жазолаган эди; бу ҳақда ўн тўртинчи қўшиқнинг 250—263-сатрларида Уйқунинг ўзи Ҳерага эслатади.

72—73-сатрлар. *...то оқила Афинеянинг маслаҳати билан қудсий Трояни забт этмагунча* — юнонлар Трояни куч билан забт эта олмайдилар; шунда улар, Афинанинг маслаҳати билан, улкан ёғоч от ясайдилар-да, унинг ичига энг қудратли жангчиларни яшириб, ўзлари гўё қамални тарк этгандай бўлиб, кемаларда сузиб кетадилар ва сал нарироқдаги бир оролга яширинадилар. Алданган трояликлар ёғоч отни ўз шаҳарларига судраб кирадилар. Тунда ахей жангчилари от ичидан чиқиб, шаҳарда қиргин бошлайдилар ва бу пайтда яна қайтиб келган юнон қўшинига шаҳар дарвозасини очиб берадилар. Бу «Троя оти» ҳақидаги воқеани биз Ҳомернинг «Одиссея» ва Рим шоири Вергилийнинг «Энеида» достонларида ўқиймиз.

179-сатр. *Эгидакаш.* (Китоб охиридаги луғатдан «Эгида» сўзига қаранг.)

229—230-сатрлар... *ҳатто Крон атрофидаги маъбудлар ҳам* — бу ўринда титанлар назарда тутиляпти (бешинчи қўшиқнинг 916—917-сатрларига берилган изоҳга қаранг).

665—666-сатрлар. *Сувдан олдин чиқарилган... кемалар* — яъни, соҳилга энг олдин чиқарилган, бинобарин, денгиздан энг олисга тизиб қўйилган кемалар.

698-сатр. *Кемаларнинг супалари узра одимлаб* — «қадимги замон кемаларида палуба бўлган эмас, чунки кема ичида эшкакчлар ўтирган; уларнинг қуйруқ ва тумшукларидагина супалар бўлган...» (Гнедичнинг изоҳи.)

730-сатр. *Қўйруқ безаги* — «кема қўйруғининг, худди балиқ думи сингари, гажак бўлиб юқорига қайрилган безаги. Сувдан чиқарилган ахей кемаларининг қўйруқлари Троя томонга қаратилган эди». (Гнедичнинг изоҳи.)

#### *Ун олтинчи қўшиқ*

174-сатр. *Зевсдан бунёд бўлган дарё* — Ҳомернинг тасаввури бўйича, ҳамма дарёлари Зевс яратади, чунки улар Зевс ёғдирган ёмғир билан озукланадилар.

232-сатр. *Олтингугурт дуди ила поклаб* — юнонлар олтингугурт тутунини маразлардан покланиш воситаси деб ҳисоблаганлар.

234-сатр. *...ҳовли ўртасида туриб...* — одатда ҳовли ўртасида Зевс учун тикланган қурбонгоҳ бўларди.

426-сатр. *Бекамар зирғ кийган* — ликияликлар совутлари устидан камар боғламаганлар.

623-сатр. *...рақсга чаққон* — Эней, Мерионни таққирлаш мақсадида «раққос» деб атайди, чунки у Крит оролидандир. Критликлар ўзларининг рақс санъатлари билан доврўқ қозонган эканлар.

631-сатр. *Тартар шоғи* — яъни, Аид, «Илиада»нинг таржimoni Гнедич атоқли от Аид билан Аид салтанати (жаҳаннам)ни бир сўз билан «Аид» деб атайдики, бу жудаям тўғри эмас. Ундан кейин, Тартар билан Аид салтанати ҳам юнон мифологиясида бошқа-бошқа нарсани билдиради.

#### *Ун еттинчи қўшиқ*

30-сатр. *Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам* — Қадимги юнон мақоли. «Юз берган фалокатни аҳмоқ ҳам тушунади»,— деган маънони билдиради.

329-сатр. *Бир замонлар мен ҳам... шоғид бўлгандим* — Аполлон бу ерда Трояни, ахейларга нисбатан озроқ куч билан забт этган Ҳеракл ва унинг сафдошларини назарда тутяпти.

517-сатр. *...тангриларнинг этагида ёгур...* — қадимги юнон мақоли. «Ҳали буни келажак кўрсатади» ёки «Худо билади», деган маънода ишлатилади.

#### *Ун саккизинчи қўшиқ*

313-сатр. *Бандалар-чун Арей бирдай* — яъни, ҳарбий омад ҳамма вақт ҳам муайян бир томонга кулиб боқавермайди, балки унга ҳамма ҳам мушарраф бўлиши мумкин; бугун унга бир томон эришса, эртага қарши томон сазовор бўлиши мумкин.

377-сатр. *Ясар эди йигирмата сепоя у бирваракайга* — яъни, у йигирмата сепояни — тангрилар тановул қиладиган, ўзи гилдираб юрувчи сеҳрли столчаларни бараварига ясай бошлади.

472-сатр. *...ишга буюрди* — Ҳефестнинг устахонасидаги босқон ҳам, у ўзи темирдан ясаган жория қизлар сингари, тангрининг амри билан ўз-ўзидан ҳаракат қиларди.

483-сатр. *Бешта қатлам бўлди қалқон...* — қалқондаги ҳар бир остки қатлам

устидаги қатламга нисбатан кенгроқ бўлган; бунинг оқибатида, қалқоннинг энг устки қатлами, яъни маркази доира шаклида бўладик, Ҳефест унда борлиқ олами тасвирлайди, бу олам атрофида, кенгайиб борган ҳар бир остки қатламнинг чеккаларида эса гир айланган минтақалар ҳосил бўлади ва бу минтақаларнинг ҳар бирида тангри маълум бир мавзунинг акси эттирилади.

489—491-сатрлар. *Арктос* — Етти оғайни (Катта айиқ) буржи; «арктос» сўзи юнончада «айиқ» демакдир. Орион — афсонавий овчи; Орион пайдо бўлганида Катта Айиқ буржи уфқдан кўтарилди бошлайди; сўнг осмонда у овчидан (Ориондан) қоча бошлайди.

...*Океанда ювинмоқдан ҳазар қилади* — яъни, Етти оғайни (Катта Айиқ) буржи ҳеч уфққа ботмайди.

552—553-сатрлар. *Соф олгиндан эди дала, аммо... шудгор қора тусдайди* — Ҳефест ҳатто олтинда ҳам шудгорнинг табиий қора тусини бера олган; чамаси, Ҳомер давридаёқ юнонлар сирлаш усули билан олтинни қорайтиришни ўрганган бўлиши керак.

### *Ун тўққизинчи қўшиқ*

124-сатр. *Эврисфей* — Персейзода Сфенелнинг мардона ўғли. — Зевс билан Данаядан туғилган Персейнинг учта ўғли бўлган: Сфенел, Алкей ва Электрион. Алкейнинг ўғли Амфитрион Электрионнинг қизи Алкменага ўйланган. Алкмена Зевсдан Ҳераклини туғиши керак эди; Зевс бу бўлажак ўғловини ҳоким қилиш ниятида, Персейзода авлодида биринчи туғилган чақалоқни ҳукмдор қиламан, деб сўз беради; бироқ Ҳеранинг ҳаракати билан биринчи бўлиб Ҳеракл эмас, Сфенелнинг ўғли, Персейнинг набраси Эврисфей туғилади. Кейинчалик, Ҳеракл шу Эврисфейнинг хизматини қилиб юриб ўзининг машҳур ўн икки жасоратини кўрсатади.

133-сатр... *одамларнинг меҳнатгоҳига* — яъни, одамлар томонидан ишлов берилган ерга.

418-сатр. *Қодир худо амри билан бир бандадан маҳв бўлғайсан* — Ахиллес Парис отган ўқдан ҳалок бўлиши керакки, уни тангри Аполлон йўналтиради.

### *Пигирманчи қўшиқ*

72-сатр. *Пойқанотли Ҳермес* — қадимги юнон мифологиясида тасвирланишича, худолар даракчиси Ҳермеснинг иккала оёғида қанотлари бўлган.

91-сатр. *Пелиаснинг найзаси* — Ахиллес найзасининг васфи (қаҳрамоннинг ватани — Фессалиядаги тоғнинг номидан олинган).

144-сатр. *Қора соч худо* — Посейдон.

148-сатр. *Аждаҳо гар... ҳужум қилса, яширинсин, дея* — Гессинаши емоқчи бўлган маҳобатли денгиз махлуқи; қизни ундан Ҳеракл қутқариб қолади (бешинчи қўшиқнинг 657—658-сатрларига берилган изоҳга қаранг).

307-сатр. *Бундан буён Трояга қодир Эней подшо бўлур* — ривоятларга кўра, Эней троялик қочоқлар билан Италия соҳилига сузиб келган ва у ерда янги салтанат барпо қилган. Римликлар ўз шаҳарларини Эней авлодлари томонидан қурилган деб ҳисоблаб, ўзларини «энеадлар» (Эней болалари) деб атаганлар.

Юлий Цезарь Энейни римликлар авлодининг муассиси (асос солувчиси) деб ҳисоблаган. Энейнинг қисмати Рим шоири Вергилийнинг «Энеида» поэмаси учун асос бўлган.

434-сатр. *Тангрилар этагида ётур, ҳали ушбу муаммо* —17-қўшиқнинг 517-сатрига берилган изоҳга қаранг.

### *Иигирма биринчи қўшиқ*

22-сатр. *Юнус балиги* — дельфин.

194-сатр. *Зевс ила на шоҳ Ахелой баҳслашмоққа журъат этади* — Ахелой — Юнонистондаги энг катта дарё; бу ўринда шоҳ Ахелой — ўшал дарёнинг тангриси демак.

487-сатр. *...фоний аёлларнинг устидан...* — юнонлар, агар аёл киши тўсатдан ўлса, у Артемиданинг камон ўқидан ўлди, деб ҳисоблардилар.

### *Иигирма иккинчи қўшиқ*

29-сатр. *Орионнинг ити* — Сириус, яъни нажми завол (ўн биринчи қўшиқнинг 61-сатрига берилган изоҳга қаранг).

128-сатр. *Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик...* — бирон гапни даромадидан бошлашни билдирувчи юнон мақоли.

Бундай мақолнинг вужудга келишига сабаб, энг қадимги юнонларнинг тасавури бўйича одамзод эмандан ё тошдан туғилганмиш. Достоннинг мазкур сатрларида Ҳектор, ҳозир Ахиллес билан Елена тўғрисида ва бу узоқ давом этаётган урушнинг сабаблари тўғрисида баҳс юритадиган пайт эмас, деб ўйлайди.

### *Иигирма учинчи қўшиқ*

44-сатр. *То сочимни кесмагунча...* — юнонлар аза тутяшганда ўз сочларини кесиб, жасад устига қўяр эканлар.

74-сатр. *Мен бесамар кезмоқдаман тангри Аид остонасида* — қадимги юнон ривоятига кўра, ўлган одамнинг руҳи то унинг жасади гулханда ёндирилиб, дафн маросими ўтказилмагунча, Стикс дарёсидан ўта олмас ва ўликлар салтанати — Аидга кира олмас экан.

136-сатр. *Кўмгандилар ўз кесилган сочлари-ла умар марҳумни* — шу қўшиқнинг 44-сатрига берилган изоҳга қаранг.

143-сатр. *Сперхийга назр қилиб ўстирганди авайлаб уни* — Сперхий — Ахиллеснинг ватани Фессалиядаги дарё. Таомил бўйича, фарзанд балоғатга етган кунда, унинг сочини кесиб, назр сифатида, маҳаллий дарё тангриси йўлига қурбонлик қилишар ва сувга оқизишар экан. Ахиллес ўз ватавини тарк этганида, ҳали гўдак бола эди. Шунинг учун, Сперхийга назр қилинган кожйли ҳали кесилмаган эди.

353-сатр. *...дубулгага ташлашди қуръа* — бундай қуръа ташлашдан мақсад шуки, биринчи қуръа олган суворий ичкариги, энг қисқа йўлдан, бешинчи қуръа олган эса, ташқариги, энг олис йўлдан чопади.

361—363-сатрлар. ... *кекса Фениксага.. бу пойгани кузатмоқликни... амр этган эди* — бурилиш марраси югуриш бошланган ердан қўринмагани учун, ўшал марра олдиға пойгачиларнинг ҳалол чопишини кузатувчи одам қўйилар эди.

445-сатр. ...*музд слолмайсан... онт ичмай туриб* — Антилох мусобақа охирида, Менелайнинг йўлини беихтиёр тўсдим, деб онт ичмоғи керак, акс ҳолда мукофотга мушарраф бўла олмайди.

572—573-сатрлар. ...*ҳукмронлик ҳассасини илқиға тутқазди* — (Биринчи қўшиқнинг 238—239-сатрларига берилган изоҳға қаранг).

682-сатр. ...*кадм эли.— тўртинчи қўшиқнинг* 397-сатрига берилган изоҳға қаранг.

687-сатр. *Тасма* — Юнонистонда муштлашувчи полвонлар муштларини маҳсус тасма билан ўрар эканлар.

772-сатр. *Зевс қизи* — Афина, Одиссейнинг доимий ҳомийси.

854-сатр. *Икки... қиррали болта* — икки томони ўткир болта.

### *Йигирма тўртинчи қўшиқ*

29—30-сатрлар. *Қишлоқда у кулбасига таширф қилган маъбудаларни таҳқирлаган ва бадшаҳват баши этганини шарафлаганди* — Париснинг ҳукми ҳақидаги афсонага ишора (маълумки, Парис «энг гўзал маъбудага» деб ёзилган олмани уч маъбудадан бири Афродитага тутқазган ва Афродита унинг бу яхшилиги учун унга соҳибжамол Еленани рўпара қилган эди. Бу ҳол Троя урушининг бошланишига сабаб бўлган эди).

55-сатр. ...*она-ерни, гунг тупроқни таҳқирламоқда* — ўлган одамнинг хоки, бу тупроқ демақдир.

81-сатр. *У ҳўқизнинг мўғизига боғланган* — бу ўринда ҳўқиз шохидан асалган қармоқ чўпи назарда тутилаётган бўлса керак.

110-сатр. *ул шарафни...*— яъни, «Ҳекторнинг ўзига ҳавола қилмоқ керак жасадни қайтариб беришни» демоқчи. (Гнедичнинг изоҳи.)

547-сатр. *Макар юрги — Лесбосда...*— Макар — Лесбоснинг эмг кўҳна афсонавий шоҳи; унинг исми «авлий» деган маънони билдиради.

755-сатр. ...*доим туман босган Лемнос* — Лемнос оролида вулқонли тор бўлган.

768-сатр. ...*йигирма йил бўлган бўлса ҳам* — «Илиада»да Троя жангининг ўнинчи йили тасвирланган; Елена ўғирланган вақтдан то уруш бошлангунгача ҳам ўртада ўн йил вақт ўтган. Бинобарин, Еленанинг Трояга келганига чинданам йигирма йил бўлган.

## Мифологик ва географик номлар ва исмлар луғати

*Абантлар* — Эвбея оролида яшовчи урушқоқ халқ.

*Абид (Абидос)* — Кичик Осиеда Хеллеспонт бўғози соҳилига жойлашган шаҳар.

*Авгий* — Элида вилоятининг подшоҳи; унинг йилқи уюрлари беҳисоб бўлган. Унинг ўттиз йил мобайнида тозаланмаган отхоналарини Херакл Алфей дарёсининг сувини шу томонга очиб юбориб, бир кунда тозалаб чиққан. Лекин Авгий паҳлавонга ваъда қилган хизмат ҳақини тўлашдан бош тортади, оқибатда шу хасислиги бошига етади: Херакл Авгийга қарши уруш очиб, Авгийнинг ва иттифоқдошларининг қўшинларини тор-мор келтиради.

*Аелида* — Беотиядаги бандаргоҳ; юнон қўшинлари Трояга жўнаш олдидан шу ерга йиғилишган эди.

*Автоликон* — Одиссейнинг она томондан бобоси, донғи кетган қаллоб ва ўғри. У ўз падари Хермесдан гоят ажиб эпчиллик, уддабуронлик ва муғомбирлик хислатларини мерос қилиб олади. Одиссей табиатидаги қувлик ҳам шу бобосидан ўтган.

*Автомедон* — Ахиллеснинг аравакаши.

*Агамеда* — Авгийнинг қизи, сеҳргар.

*Агамемнон* — Микена ва Аргос шоҳи, Атрейнинг ўғли, Спарта шоҳи Менелайнинг акаси. Троя остонасида, Агамемнон иттифоқдош юнон қўшинларининг олий бош саркардаси бўлган. Троя жангидан юртига қайтиб борган кuni ўз хотини Клитемнестра ва унинг ўйнаши Эгист томонидан ўлдирилган.

*Агенор* — Троя жанги қаҳрамони; Антенор билан Феанонинг ўғли.

*Адмет* — Фессалиядаги Фера шаҳрининг шоҳи. Худолар унинг ўрнига бошқа бирон одам ўлишга рози бўлган тақдирда, унинг ўлими фурсатини кейинга суршга имкон берадилар. Адметнинг хотини Алкеста эрининг ўрнига ўлишга рози бўлади, лекин бу пайт Адметникида меҳмон бўлиб турган Херакл Алкестани ажал худоси чангалидан қутқариб қолади.

*Адраст* — Адрастеялик саркарда, трояликларнинг иттифоқдоши. «Ҳалок бўлганлар рўйхати»да тилга олинган яна иккита троялик жангчининг исми ҳам Адрастдир.

*Адрастея* — Кичик Осийнинг Мизия вилотидаги шаҳар.

*Адрастлар* — қаранг: *Адраст*.

*Азий Гиртакзода (Гиртак ўғли)* — трояликларнинг Арисба шаҳридан келган иттифоқдоши.

*Азий ўтлоғи* — Кичик Осиеда, Лидиядаги дала.



*Аид* — Крон билан Реянинг ўгли, Зевснинг укаси, ўлганларнинг ерости салтанати худоси. Унинг исми «кўринмас» деган маънони билдиради ва одамларни диний даҳшатга солувчи ўзга ном (дўзах) билан ифодаланади. *Аид салтанати* ёки кўпинча соддагина қилиб *Аид* (дўзах) дейилганда, ўликлар салтанати, нариги дунё кўзда тугилади.

*Акамас* — Антенор ва Феонининг ўгли, дарданлар сардори; иккинчи Акамас — трояликлар билан иттифоқдош бўлган фракияликлар лашкарбошиси; Азий ўғлининг исми ҳам — Акамас.

*Акрополь* — Афина, Троя ва ўзга юнон шаҳарларида шаҳар ўртасидаги теппаликка ўрнатилган арк, ибодатхона.

*Аксий* — Македониядаги дарё.

*Акторзодалар* — Элидалик Акторнинг эгиз ўғиллари; бу қаҳрамонларнинг бадавлари бир-бирига туташ бўлган.

*Алалкомена* — Афина-Палладанинг номларидан бири; бу ном «ганимларни даф этувчи, ҳимоячи» деган маънони билдиради.

*Александр* — Париснинг иккинчи номи бўлиб, «Мардикуш» («мардларни таҳв этувчи») деган маънони билдиради. (қаранг: *Парис*)

*Алкеста* — қаранг: *Адмет*.

*Алкмедон* — мирмидонлик, Ахиллес кўшинида бешинчи бўлинма сардори ва Ахиллеснинг яқин дўсти.

*Алкиона* — Марписса билан Иднинг қизи — Клеопатра, Мелеагрнинг хотини; у эрининг ўлимидан сўнг қаттиқ қайғуга ботиб, алкионага, яъни чайкага айланиб қолган.

*Алкмена* — Микена маликаси. Микенадан Фивага қочган Тиринф шоҳи Амфитрионнинг хотини. У Фивадалик чоғида, эрининг йўқлигидан фойдаланган Зевс Амфитрион қиёфасида келиб, у билан қовушади. Алкмена Зевсдан Ҳераклга кўзи ёриydi.

*Алоей* — Жуда-жуда қадимда янчилган ғалла худоси ҳисобланган; уни Посейдоннинг ўгли деб айтишган. У Ифимедейнинг эри бўлиб, икковлари Отос ва Эфиальтес отли фарзандлар кўришган.

*Алоейзодалар* — қаранг: *Отос* ва *Эфиальтес*.

*Алфей* — Пелопоннесдаги дарё.

*Амазонкалар* — шимолда яшовчи урушқоқ сувора аёлларнинг афсонавий қабиласи. Улар билан Ҳеракл ва Тесейлар жанг қилишган; Троя жангида ҳам амазонкалар юнонлар билан адоватда бўлганлар ва Ҳекторнинг ўлимидан кейин, трояликларга ёрдамга келганлар, уларнинг маликаси Пентесилея Ахиллес томонидан ўлдирилган.

*Амаринк* — Ҳеракл билан жанг қилган Авгеасга (Авгийга) қўмаклашган фессалиялик аскар; шу хизмати учун Авгий унга ўз салтанатининг ярмини бахшида қилган.

*Амидон* — Македониянинг шимолидаги шаҳар.

*Амикла* — Пелопоннеснинг жанубида, Лаконик вилоятидаги шаҳар.

*Аминтор* — Ахиллеснинг мураббийси бўлмиш Феникснинг отаси.

*Амфигией* — Ҳефестнинг васфларидан бири.

*Амфитрион* — Алкменанинг эри, Ҳераклнинг ердаги отаси ҳисобланади (қаранг: *Алкмена*).

*Андромата* — Киликиядаги Фива подшоҳи Этионнинг қизи, Ҳекторнинг хотини.

*Антенор* — троялик қария, Приам шоҳнинг дўсти. Унинг ўн бир нафар ўғли бўлиб, ҳаммалари Троя мудофаасида иштирок этган. Антенор Еленани эри Менелайга қайтариб бериш ва шу билан урушга барҳам бериш тарафдори бўлган.

*Ангенорий (Ангенорзода)* — Антенорнинг ҳар битта ўғли шу ном билан аталади.

*Антилох* — Несторнинг катта ўғли, Троя жанги қатнашчиси, Патроклнинг ўлимидан кейин Ахиллеснинг жоважон дўсти. Урушнинг охириги кунларида ўз гавдаси билан кекса отасини пана қилган чоғда Мемнон томонидан ўлдирилади.

*Антиф* — Приамнинг ўғилларидан бири.

*Антия* — Претнинг хотини бўлиб, у *Беллерофонга* (қаранг) тухмат қилади.

*Анхиз* — Энейнинг отаси, Троя шоҳларининг кичик тармоғи вакили. Маъбуда Афродита ҳамиша худоларни одамзодни севишга ундар, аммо ўзи ҳеч бир бандани бирон марта ҳам севмаган эди. Унинг шу рафторидан ғазабланган худолар Афродитани Ида тоғида пода боқиб юрган Анхизни севишга мажбур этадилар. Маъбуда билан Анхиз ўртасидаги муҳаббатдан Эней дунёга келади. Афродита бу муҳаббат сирини овоза қилишни Анхизга ман этади, лекин Анхиз унинг амрига итоат этмайди ва шу итоатсизлиги учун уш яшин уриб майиб қилади.

*Анхиззода (Анхизий)* — қаранг: *Эней*.

*Аполлон ёки Феб* — Зевс билан Латона (Лето)нинг ўғли, доншшмандлик, санъат ва башорат худоси. Ҳомер Аполлонни трояликларга ён босувчи, юнонларга нисбатан эса бадқаҳр, бадмакр ва пурвахшат худо қиёфасида тасвирлайди. Аммо замонлар ўтиши билан Аполлон ижобий тангрига айлана боради. Юнонистонда уни энди ҳамиша қўлида кифара (қилли чолғу асбоби) ва бошида дафна гулчамбари билан тасвирлай бошлайдилар. У камонидан ўқ отиб одамларни жадал ўлимга йўллайди. Ҳомер дostonларида уни «*чўнг мерган*», «*кумушкамон*» деб васф қилиниши — унинг қирғиш келтирувчи моҳир мерганлигига ишора.

*Аргисса* — Фессалиянинг шимолидаги шаҳар.

*Аргос* — Ҳомер замонида Аргоида деб аталган бу жой Пелопоннес вилоятига жойлашган бўлиб, кейинчалик унинг ўрнида Аргос шаҳри қад кўтарган; баъзида бугун Пелопоннес «Аргос» сўзи билан ифодаланади.

*Аргосликлар* — Аргос аҳолиси, демак, Ҳомер юнонларни ҳам шу сўз билан номлайди. Аини пайтда, муаллиф юнонларни яна «*агейлар*» ва «*данайлар*» деб ҳам ифодалайди.

*Аргус* — минг кўзлик махлуқ; Ҳера Зевснинг маҳбубаси Иога рашк қилиб, уни сизирга айлантиради ва унга Аргусни пойлоқчи қилиб қўяди. Бироқ Зевснинг топшириғи билан Ҳермес Аргусни ўлдиреди; «Илпада»да кўппича Ҳермесга «*Аргускуш*» (Аргусни қотили) деб нисбат берилишига сабаб ҳам шудир.

*Аргускуш* — қаранг: *Аргус*.

*Арей* — Зевс билан Ҳеранинг ўғли, уруш худоси.

*Арейфоой (Арейфо)* — Беотиядаги Арна шаҳрининг шоҳи, ҳамиша улкан гурзи билан жанг қилган ва тор бир дарада қуролни қулочкашлаш имконидан маҳрум бўлиб ҳалок бўлган.

*Арет* — Несторнинг ўғли. Шунингдек, Пирриамнинг Автомедон томонидан ўлдирилган бир ўғлининг исми ҳам шундай.

*Арисба* — Троя салтанатида, Абидос яқинидаги бир шаҳар.

*Аркадия* — Пелопоннеснинг марказий қисмига жойлашган тоғлари ўрмонга бурканган вилоят.

*Арна* — Беотиядаги шаҳар.

*Артемида* — мангу бокира овчи маъбуда, Латона билан Зевснинг қизи, Аполлоннинг синглиси. Кейинчалик унга ой маъбудаси ва тўлғоқ тугганда кўмаклашувчи маъбуда сифатида сизина бошлаганлар. У ҳам акиси сингари камон ва ўқ билан қуролланган.

*Аскалаф* — тангри Арей билан Астиоханинг ўғли, Троя бўсағасидаги урушда иштирок этган беотиялик минийлар қабиласининг сардори.

*Аскамандр* — Троя яқинидан оқиб ўтиб Ҳеллеспонгга қўйилувчи дарё.

*Аскей қопқаси* — Троянинг ғарбий деворига жойлашган.

*Аскирос* — Эгей денгизидаги орол. Фетида ўз ўғли Ахиллесни урушга олиб кетишмасин, деб шу орол шоҳи Ликомеднинг қасрига яширади.

*Асклепий* — Аполлоннинг ўғли, шифокор тангри. Ҳомер асарида Асклепий — ҳали тангри эмас, балки фоний банда — ахей қўшинининг табиблари Махаон ва Подальрийларнинг отаси.

*Асон* — Беотиядаги дарёнинг номи, шунингдек, ўша дарёнинг худоси ҳам шу ном билан юритилади.

*Атрей* — Пелопснинг ўғли, Агамемнон билан Менелайнинг отаси. У ўз отаси Фiest билан довлашиб қолиб, ниҳоятда мудҳиш жипоятга қўл уради: Фiestнинг болаларини ўлдириб, уларнинг гўштидан таом тайёрлайди ва отасини меҳмон қилади, кейин унинг тирик қолган ўғли Эгисти ўз отасини ўлдиришга даъват этади. Ёскин Фiest билан Эгист Атрейнинг ўзини ўлдирадilar.

*Атрейон (Атрейвод)* — Атрейнинг ўғиллари: Агамемнон ва Менелай.

*Атэ* — маъбуда, Зевснинг қизи.

*Афина Паллада (Афина, Афинея)* — Зевснинг қизи. Жангчи илоҳа, мангу маъсума, донишмандлик маъбудаси, тўқимачилик қасбининг пуштинашоҳи. Унинг доимий васфи — «шаҳлокўз» аниқроғи — «уккикўз» бўлиб, бу жуда қадим замонларда, маъбудани укки қиёфасида тасаввур қилгәнларидан далолат берадики, кейинчалик келиб, укки маъбуданинг муқаддас тимсолига айланган эди.

*Афина* — Аттика вилоятининг асосий шаҳри, энг қадим замонлардан Афина Палладага сизинувчи марказ бўлган. Эрамиздан олдинги V асрдан бошлаб бутун Юнонистон маданиятининг маркази ҳисобланади.

*Афродита* — муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси; бир мифологик ривоятга кўра — Зевс билан Диопанинг қизи, бошқа ривоятга кўра — денгиз кўпингидан бунёд бўлган. У яна *Киприда* ва *Киферея* деб ҳам аталади. Яъни, асосан унга Кипр ва Кифера оролларида сизинадилар ва тангридек эъзозлайдилар.

*Ахайя* — ахейлар юрти.

*Ахейлар* — энг қадимий юнон қабиаларидан бири; бу қабила мамлакатнинг шимолидан келиб, унинг азалги аҳолиси — пеласглари забт этган ва улар билан қоршиб кетган. «Илиада»да юнонлар «ахейлар» деб ҳам аталади.

*Азелой* — 1. Этолияда бир дарё. 2. Сирил тоғидан бошланиб, Фригия вилоятдан оқиб ўтувчи дарё.

*Ахиллес (Ахилл)* — Троя жангининг асосий қаҳрамони, денгиз маъбудаси Фетида билан Фессалиядаги Фтия шаҳрининг шоҳи Пелейнинг ўғли. Юнон қаҳрамонларининг энг буюғи; у Троя остонасида беҳисоб жасоратлар кўрсатган, лекин урушнинг ўнинчи йилида Парис отган ўқдан ҳалок бўлади: Аполлон бу ўқни Ахиллес баданидаги ягона қалтис жойга — унинг товонига йўналтиради.

*Аякс Оилей ўғли* — Локрлар (қаранг) шоҳи ва Троя бўсағасида уларнинг саркардаси. Троя забт этилган чоғда у Афина маъбадида яширинган Кассандранинг зўрлаб олиб кетмоқчи бўлади; оқибатда, Афинанинг ғазабига учрайди; маъбуда унинг Троядан қайтаётган кemasига Зевс чақмоғини отади, Аякснинг ўзини эса Посейдон юксак қояга шарчилаб қўяди.

*Аякс Теламон ўғли* — Теламон — Саламин шоҳи ва Пелейнинг оғаси (демак, Аякс — Ахиллес билан амакивачча), Аякс — Троя жангида Ахиллесдан кейин турувчи энг қудратли жангчи... Ахиллес ўлимидан сўнг бу паҳлавоннинг яроқларини талашиб Одиссей билан тортишади; зеро Фетида, бу яроқларни ким Ахиллеснинг жасадини муҳофаза қилишда кўпроқ ўзини кўрсатган бўлса, ўшанга берилсин, деб айтган эди. Баҳсни ажрим қилишни асирга тушган трояликларга ҳавола қилишади. Улар Афинанинг таъсири билан, баҳсни Одиссей фойдасига ҳал қилишади. Бу ҳолдап қаттиқ ранжиган Аякс телба бўлиб қолади ва ахейларнинг подаларини ахей саркардалари деб ўйлаб қаттиқ савалай бошлайди. Кейин, ҳушнинг йиғиб олгач, ўз жонига қасд қилиб ўлади.

*Балий* — Ахиллеснинг боқий отларидан бири.

*Беллерофонг* — Химерани ситган қаҳрамон. Унинг тарихи «Илиада»нинг олтинчи қўшиғида (158—199-мисралар) батафсил баён қилинган.

*Беогия* — Ўрта Юнонистондаги бир вилоят.

*Борей* — Шимол шамоли.

*Бриарей* — ниҳоятда қудратли юзта қўли бор баҳайбат махлуқ Гея — ер ва Уран — осмонларнинг ўғли. *Эгеон* деб ҳам юрнтилади.

*Брис қизи Бриссида* — Ахиллес Лирнессни ғорат қилганида қўлга киритган асира.

*Вахс* — май худоси Дионисга ситгивутилди уни шу ном билан атайдилар.

*Ваткея* — Троя яқинидаги тепалик; уни амазонка (сувора) Миринанинг қабри деб ҳисоблардилар.

*Вупрасия* — Эпей элининг Элидадаги пойтахт шаҳри.

*Ганимед* — Троя шоҳи Троснинг ўғли бўлиб, уни ғоятда хушсуврат бўлгани учун, Зевс ажиб тулпорлар эвазига отасидан сотиб олади. Анча кейинроқ яратилган афсоналарга кўра, Зевс бургути Ганимедни ўғирлаб, Олимп чўққисига олиб чиқади. Бу ерда Ганимед боқийликка мушарраф бўлади ва тангрларнинг базмларида соқийлик қилади.

*Гаргар* — Ида тоғининг чўққиларидан бири.

*Гея* — Ер; ер маъбудаси.

*Гигей кўли* — Кичик Осиеда, Лидия вилоятида, Герм дарёсининг шимолдаги кўли.

*Главк* — Ҳипполиоҳнинг ўғли, ликияликлар шоҳи, Беллерофонтнинг наби-раси, Троянинг энг довюрак Ҳимоячиларидан бири. Унинг бобокалони Сизиф ўғлининг, яъни Беллерофонт отасининг исми ҳам Главкдир.

*Горгонлар* — сочлари илонлардан иборат қанотли мудҳиш махлуқлар. Ривоятларда айтилишча, уларга бир боққан одам тошга айланармиш. Ҳомер фақат битта Горгонани тилга олади. Медуза отли бу Горгона фоний бўлиб, уни Персей ўлдиради.

*Горгина* — Крит оролининг жапубидаги йирик шаҳар.

*Данайлар* — Арголидада яшовчи бир қабила. Ҳомер баъзан юнонларни шу ном билан ҳам атайд.

*Дардан* — 1. Зевснинг ўғли, Троя шоҳларининг бобокалони, Ҳектор ва Энейнинг умумий аждоди; 2. Ахиллес томонидан ўлдирилган троялик жангчи.

*Дардан дарвозаси* — Троя шаҳрининг дарвозаси. «Илиада»да у *Аскей дарвозаси* (қошқаси) деб юритилади.

*Дардания* — Кичик Осиеда Ҳеллеспонт соҳилидаги қадимий шаҳар; гўё уни Дардан бунёд этганмиш. Бизга маълум бўлган тарихий даврда бу шаҳар бўлмаган.

*Дарданлар* — Ида тоғи яқинига жойлашган ва Троя салтанатига тобе бўлган Дардания аҳолиси. Умуман, трояликларни ҳам Ҳомер дарданлар деб атайд.

*Девкалион* — 1. Крит шоҳи Миноснинг ўғли, Идомейнинг отаси; 2. Ахиллес томонидан ўлдирилган троялик жангчи.

*Дедал* — Афипада афсонавий ҳайкалтарош ва ихтирочи-уста. У ҳасаддан ўз кнйини ўлдириб, Крит оролига Мипос ҳузурига қочади ва у ерда Лабиринт (кирган одам қайтиб чиқиб кетиши маҳол бўлган йўлак ва эшиклари ғоятда қўп бўлган қаср) қуради. Минос Дедалнинг кетишини хоҳламайди. Шунда Дедал патлар билан мумдан ўзига қанот ясаб, бу даргоҳдан учиб қочиб кетади.

*Дейфоб (Дейфоб)* — Приамнинг ўғли, довюрак муҳориб. Парис ҳалок бўлгандан кейин Еленани шунга хотип қилиб беришган.

*Деметра* — Крон билан Реянинг қизи, ҳосилдорлик ва деҳқончилик маъбудаси, Персефонанинг (қаранг) онаси.

*Диоклес* — Орсилоҳнинг отаси, Пелопоннес вилоятида Фера шаҳрининг шоҳи.

*Диомед* — Тидей ўғли, ахейларнинг энг бузрук қаҳрамонларидан бири.

*Диона* — Афродитанинг онаси, энг қадимий таңгрлардан бўлиб, дostonда тасвирланган даврда унга деярли сизгинмай қўйган эдилар.

*Диорей* — Автомедоннинг отаси.

*Додона* — Эпир вилоятидаги шаҳар, у ерда Зевснинг соҳибқаромат коҳни бўлган.

*Дололар* — Фессалиядаги юнон қабиласи.

*Дриас* — Лапифлардан бирининг исми, шувингдек, Ликургнинг отаси ҳам Дриас бўлган.

*Дулихий* — Ҳомернинг таърифлашча, Итакадан унча узоқ бўлмаган орол. Лектин шоир у атрофдаги ороллардан қай бирини назарда тутган — бизга маълум эмас.

*Емел (Эмел)*— Фессалия вилоятидаги Фера шаҳри шоҳи Адмет билан Алкестанинг ўғли; Троя остонасида жанг қилган Фессалия қўшинининг саркардаси.

*Ерепил* — трояликларнинг энг сўнгги иттифоқдоши, кетейлар шоҳи Телеф билан Приамнинг сивглиси Астиоханинг ўғли; Астиоха акасининг ваъдаларига учиб, ўглини Троя жангига юборади, ҳолбуки унинг ўша жангдан тирик қайтмаслигини билган эди.

*Елена* — Леда ҳамда оққуш қиёфасига кирган Зевснинг қизи, Эллада аёллари ичида энг соҳибжамоли. Энг номдор паҳлавонлар унга совчи қўйишган, лекин қизнинг «фвий» отаси Тиндар, Одиссейнинг маслаҳатига кўра, қайлиқ танлашни қизининг ўзига ҳавола қилади, қолган даъвогар қайлиқларни эса, ўзаро дўст тутишиб, кези келганда Еленанинг эрига кўмаклашиш ҳақида қасам ичишга мажбур этади. Елена Атрей ўғли Менелайни танлайди. Менелай Тиндарнинг ўлимидан кейин Спартага шоҳ бўлган эди. Троя шоҳи Приамнинг ўғли Парис Афродитанинг кўмагида Еленани ўғирлайди; шунда Менелай Еленанинг собиқ қайлиқларини тўплаб, Трояга қарши уруш очади; Троя уруши шундай бошланган эди.

*Закиф* — Иония денгиздаги орол, Итакадан жануброқда, Элида соҳилига яқин жойлашган.

*Занжилар* — қаранг: *эфиоплар*.

*Зевс (Зевес)*— Крон билан Реянинг ўғли; у ўз отасини тахтдан ағдариб, бутун жаҳон ҳукмронлигини ўз қўлига олган. Зевс — худолар ва бандалар шоҳи, осмон, момақалдироқ ва чақмоқ худоси, энг олий адолатпаноҳ, ибодат қилувчилар ва мусофирлар ҳомийси. Трояда Ида тоғини маскан қилган Зевс айниқса, кўпроқ эъзозланади.

*Зелия* — Ида тоғи этагидаги шаҳар, Тандарнинг мулки.

*Зефир* — Ғарб шамоли.

*Иардан (Ярдан)*—1. Пелопоннес Элидасидаги дарё; 2. Крит оролидаги дарё.

*Ид* — Афарейнинг ўғли, Кастор билан Полидевкларнинг амакиваччаси ва сафдоши бўлиб, *Мартисса* (қаранг) учун Аполлон билан жанг қилади. Сўнг у амакиваччалари билан олишади ва Касторни ўлдиради, лекин Полидевк билан олишаётган чоғида Зевс отган яшиндан куйиб кул бўлади.

*Ида* — Кичик Осиёда Хеллеспонт бўғози тепасидаги ўрмонзор билан бурканган юксак тоғ тизмаси, Троя шу тоғ этагига жойлашган. (қаранг: *Зевс*.)

*Идей* —1. Шоҳ Приамнинг жарчиси; 2. Троя қозини, Ҳефестнинг ўғли.

*Идоменей* — Девкалоннинг ўғли, Крит оролидаги Кнос шаҳрининг султони, Троя урушида критликлар саркардаси.

*Из* — Приамнинг никоҳсиз туғилган ўғли.

*Икарый денгизи* — Ҳурта Ер денгизининг Самос ороли яқинидаги бир қисми бўлиб, Дедалнинг ўғли Икар шарафига шундай деб аталган; у Крит оролидан қочаётганида шу ерда ҳалок бўлган экан.

*Ил* — Троснинг ўғли, Лаомедоннинг отаси, Приамнинг бобоси; у Троянинг шоҳи бўлган ва бу шаҳар Илнинг шарафига Илион деб ҳам юритилади.

*Илион* — қаранг: *Троя*.

*Илифиялар* — тўлғоқ дардини қўзғаб, ҳомилалар аёлларнинг кўз ёришига кўмаклашувчи маъбудалар.

*Иней* — Калидон шаҳрининг шоҳи, Тидей билан Мелеагрнинг отаси, Диомеднинг бобоси.

*Ипподамия* — қаранг: *Хипподамия*.

*Ирида* — камалак таңгриси, таңгриларнинг қанотли даракчиси.

*Искион* — Пелопоннеснинг шимолидаги шаҳар.

*Итака* — Одиссейнинг ватани, Иония денгизида, Юнистоннинг ғарбий соҳилига яқин ерда жойлашган ҳамма ёғи тош мўъжазгина орол.

*Ифианасса* — Агамемновнинг қизи. Эҳтимол бу Ифигения исмининг бошқа бир шакли бўлса керак. Ифигения Авлидада маъбуда Артемида йўлига қурбон қилиниши лозим эди. Чунки Артемида Трояга кетаётган ахейларнинг кемаларига узоқ вақтгача боди мурад йўлламайди ва улардан Ифигенияни қурбон қилишларини талаб қила бошлайди (бир вақтлар Агамемнов отиб ўлдирган муқаддас оҳунинг хунини талаб қилган эди Артемида). Ҳомер бу афсонани мутлақо тилга олмайди, ҳатто Ифигения учун ўзга ном ўйлаб топади. Ифигенияни қурбонлик қилиш ҳақидаги афсовани биз Еврипиднинг «Ифигения Авлидада» номли фожиасида ўқиймиз.

*Ифигения* — қаранг: *Ифианасса*.

*Ифика* — 1. Фессалия вилоятида Филака шаҳрининг шоҳи, бевазир ва подир подалар соҳиби, одамлар орасида қиёси йўқ чопқир; 2. Ҳераклининг фоний иниси, унинг бир қатор жасоратлари ва ишларида ёрдамлашган.

*Иялген* — таңгри Арей билан Астioxанинг иккинчи ўғли, Троя бўсағасида жанг қилган Орхомен қўшинининг саркардаси.

*Кавколлар* — икки қабила шу ном билан юритилади; 1. Трояликларнинг қўшниси; 2. Пелопоннеснинг ғарбида яшовчи қабила.

*Кадм* — Финикия шоҳи Агенорнинг ўғли ва Зевс ўғирлаб кетган Европанин оғаси. Агенор уни синглисини қидириб топишга юборади. Лекин Кадм Европани топа олмагач, Дельфа ибодатхонасидаги коҳиннинг башорати билан ибодатхона яқинида учраган сигир бошлаб борган ерда шаҳар барпо қилади. Бу — Беотиядаги Фива шаҳриди (Беотия «сигиробод» деган маънони билдиради).

*Каистр* — Лидия вилоятидаги дарёнинг номи.

*Калидон* — Этолиядаги шаҳар, *Мелеагрнинг* (қаранг) ватани.

*Калхас* — Троя бўсағасига жанг билан келган ахейларнинг фол очувчиси (кошиф каромат).

*Капаней* — баҳайбат жуссали паҳлавон, димоғдорлиги ва фосиқлиги учун Зевс уни Фивага ҳужум қилган чоғида ёндириб кулга айлаптирган.

*Калликолона* — Троя яқинидаги жойнинг номи.

*Кастор ва Полидевк* — Леданин ўғиллари, Еленанин оғаси ва иниси; Полидевк Зевс фарзанди бўлиб, боқийлик хусусиятига эга эди. Тиндарнинг ўғли бўлмиш Кастор — фоний банда эди. Бу оға-инилар ҳамиша бирга бўлишган, жангларда бирга жасорат кўрсатишган. Кастор Ид билан олишиб ҳалок бўлганида, Полидевк ўз боқийлигини у билан баҳам кўришга таңгрилардан ижозат олади. Шундан буён бу оға-инилар умрларининг бир кунини Олимпада ўтказишса, бир кунини Аидда ўтказадилар; улар худди таңгрилардек иззат қилинадилар.

*Кассандра* — Приамнинг қизи, башорат соҳибаси. Бу ғазилатни унга Аполлон бахш этган. Бироқ у Аполлоннинг севгисини рад этгач, тангри шундай дуо қилганки, оқибат, одамлар Кассандранинг башоратига (гарчи у ҳамisha тўғри бўлса ҳам) ишонамаганлар. Агамемнон уни асира қилиб ўз юртига олиб кетади ва у ерда коҳина Агамемнон билан биргаликда Клитемнестра ва унинг ўйнаши Эгист қўлида ҳалок бўлади.

*Кария* — Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги вилоят.

*Кардамила* — Пелопоннесдаги шаҳар.

*Кебрион* — Приамнинг ўғилларидан бири.

*Кеней* — жангчи лапифлардан бири.

*Кентаврлар* — ярим одам, ярми от афсонавий махлуқлар.

*Кералар* — ажал руҳлари, ҳавода учиб юриб, кези келганда ўлаётган одамнинг жонини ўғирловчи аёл жинсидаги қанотли махлуқлар.

*Кефалления* — таркибида Итака, Зам, Закинф, Дулихий ороллари бўлган бир гуруҳ ороллarning умумий номи.

*Кефисс кўли* — Беотиядаги кўл.

*Киконлар* — Фракияда яшовчи қабила.

*Килла* — Троя яқинидаги бизга маълум бўлмаган орол ё шаҳар.

*Киллена* — Аркадиядаги тоғ, Ҳөрмес ўша ерда туғилган.

*Кинирас* — Кипрнинг энг қадимий афсонавий шоҳи; у ўз оролида Афродитани улуғловчи ибодатхона қурган.

*Кипр* — Ўрта Ер денгизининг шарқидаги орол; бу оролдаги Пафос шаҳрида Афродитанинг энг машҳур ибодатхонаси бўлган.

*Киприда* — Афродитанинг тахаллуси; афсонага кўра, у денгиз кўпиги орасида чикиб, даставвал шу Кипр оролида заминга қадам қўйган эмиш.

*Киссей* — Феонинг отаси.

*Кифера* — Пелопоннес соҳилига яқин бўлган орол; бу орол Афродита шарафига қурилган ва орол номи билан Киферра деб юритилувчи ўз жомеъси билан машҳур бўлган.

*Клеопатра* — Ид билан Марпсисанинг қизи, Мелеагрнинг хстини.

*Климена* — 1. Лапифлар шоҳи Пирифойнинг онаси бўлиб, у Елена қўлида асира бўлиб кун кечиради ва у билан бирга кемада Трояга сузиб кетади; 2. Филака шоҳи Ификлнинг онаси.

*Клит* — 1. Приамнинг ўғилларидан бири; 2. Полидамаснинг аравакаши.

*Клитемнестра* — Леда билан Тиндарнинг қизи. Агамемноннинг хотини. Қаранг: Агамемнон ва Орест.

*Клитий* — Приамнинг отаси, Аякс томонидан кема пойида ўлдирилган Калеторнинг отаси.

*Кнос* — Крит оролидаги шаҳар, афсонавий шоҳ Минос салтанатининг пойтахти.

*Копрей* — Ҳераклга шоҳ Эврисфейнинг буйруқларини етказиб турувчи чопар; Эврисфей паҳлавон Ҳеракл билан шахсан учрашишдан қўрқар эди.

*Коринф* — Пелопоннеснинг шимолидаги йirik шаҳар; у Пелопоннесни Болқон ярим оролининг қолган қисми билан улаб турувчи Истимий бўйига жойлашган.

*Креон* — Беотия Фиваси шоҳи, Эпикастанинг отаси.



*Крит* — Ҷрта Ер денгиздаги улкан орол, қадимги юнон маданиятининг маркази бўлиб, бу марказ Ҳомер давридан жуда илгари ҳам мавжуд бўлган.

*Крон* — Зевснинг отаси. Афсоналарда баён қилинишича, энг аввал жаҳонга Уран — само ҳукмронлик қилган. Ундан Ҳея — замни *титанларни* (қараг) туққан. Мана шу титанлардан бири Крон отасини тахтдан ағдариб, ўзи жаҳонга ҳоким бўлади; унинг ҳукмронлик даври олтин аср деб юритилади. Лекин Крон, ўз хотини Рея туғиб бераётган ўз фарзандларидан биронтаси уни тахтдан ағдарishi мумкинлигини ўйлаб, қўрққанидан, фарзандларини бирин-кетин ютиб юбораверади. Шу зайлда у уй-рўзгор маъбудаси — Ҳестиани, кейин Ҳерани, Деметрани, Аидни, Посейдонни ютади. Охириги фарзандидан ҳам жудо бўлишни истамаган Рея Крит оролидаги энг теран ғорга бориб кўзи ёриydi ва чақалоғини ўша ерга яшириб, Кронга тош тутади. Крон уни ютиб юборади. Уша қутқарилган чақалоқ Зевс эди. У ўсиб улгайгач, отасини тахтдан ағдаради, унинг қорнидан оға ва опаларини қутқаради ва жаҳонга ҳоким бўлади. Крон билан унинг тарафдорлари бўлган титанларни эса *Тартарга* (қараг) ҳибс этади.

*Ксанф* — Троя этагидан оқиб ўтувчи дарё; у, шунингдек Аскамандр деб ҳам аталади. «Ксанф» сўзининг ўзи «малла, кўнғир» деган маънони билдиради, шунинг учун бўлса керак, кўпинча отлар шу сўз билан номланади; чунончи, Ахиллеснинг ҳам, Ҳекторнинг ҳам оти «Ксанф» деб аталади. Шунингдек, Диомед томонидан махв этилган троялик жангчининг исми ҳам — Ксанфдир.

*Куретлар* — Калидон шаҳрига яқин ерда яшовчи бир қабиланинг номи.

*Лакедемон* — Пелопоннеснинг жануби-шарқидagi вилоят; унинг пойтахти — Спарта; шоҳ Менелайнинг салтанати.

*Ламп* — («сама» деган маънони билдиради). Ҳекторнинг тулпорларидан бирининг номи.

*Лаодамия* — Беллерофонтнинг қизи.

*Лаодика* — Приам билан Ҳекубанинг қизи. Яна, Агамемноннинг қизларидан бирининг исми ҳам шундай, лекин кейинчалик у билан Электрани битта қиз деб эътироф эта бошлаганлар.

*Лаомедон* — Троя шоҳи, Пирамнинг отаси.

*Лапифлар* — Фессалияда яшаган афсонавий халқ.

*Лариса* — Троя яқинидаги шаҳар.

*Латона (Лета)* — Зевсдан Аполлон билан Артемидани туққан маъбуда.

*Лазрт* — Одиссейнинг отаси.

*Леба* — Этолия шоҳи Тестийнинг қизи, Тиндарнинг хотини; у Тиндардан Клитемнестра билан Касторни, Зевсдан эса Елена билан Полидевкни туққан.

*Лект* — Кичик Осиёдаги тоғли буруч; у Лесбос оролининг қаршисига жойлашган.

*Лелеглар* — то ахейлар келгунча Болқон ярим оролида яшаган энг қадимий халқ; Ҳомер тасвирлашича, улар Кичик Осиёда, Ида яқинида истиқомат қилганлар.

*Лемнос* — Эгей денгиздаги орол, афсоналарда баён қилинишича, у ерда Ҳефестнинг темирчилик устахонаси бўлган.

*Лесбос* — Эгей денгиздаги орол.

*Лета* — қараг: *Латона*.

*Ликоан* — Пандарнинг отаси, Ликия шоҳи. Приамнинг ўғилларидан бирининг исми ҳам шундай. Мана шу Ликоонни Ахиллес асирга олиб, отасига сотган, кейинчалик у Трояга қайтганида, иккинчи марта қўлга тушириб, ўлдирган эди.

*Ликия* — «Илиада»да иккита вилоят: Кичик Осиёнинг жанубидаги ва Троя яқинидаги, Ида тоғи этагида жойлашган вилоятлар шу ном билан аталади. Ликоан билан Пандар шу кейинги Ликиядан чиққанлар.

*Ликомед* — Троя бўсағасида Бестия лашкарининг саркардаси.

*Ликург* — 1. Фракия шоҳи. Унинг тўғрисидаги афсона «Илиада»нинг олтинчи қўшиғида (133—144-сатрлар) баён қилинган; 2. Аркадия шоҳи, Арейфойни жангда енган.

*Лирнесс* — Кичик Осиёдаги Троя билан иттифоқдош бўлган шаҳар.

*Локрида* — локрлар ватани.

*Локр эли* — Ўрта Юнонистонда яшовчи халқ.

*Магнетлар* — Фессалиянинг шарқида Магнесия шаҳри яқинида яшовчи қабилла.

*Марписса* — Идний хотини, Клеопатранинг онаси (унинг тўғрисида тўққизинчи қўшиқнинг 567—570-сатрларини ўқинг).

*Махаон* — Асклепийнинг ўғли, Троя жангида ахей қўшинларининг табиби.

*Меандр* — ўз суви билан Иония ва Фригияни суғурувчи Кичик Осиёдаги дарё.

*Меганент* — Менелайнинг чўри хотиндан туғилган ўғли.

*Мегес* — Филейнинг ўғли.

*Медонт* — 1. Оилейнинг ўғли, Аякснинг ўғай укаси; 2. Ҳекторни кузатиб юрувчи ликиялик жангчи.

*Мекестий* — Аргос шоҳи, Эвриалнинг отаси. Яна бошқа бир Мекестий — Полидамас томонидан ўлдирилган ахей жангчиси.

*Мелеагр* — Колидон шоҳи Инейнинг ўғли. У туғилганида, қисмат плоҳалари унинг онаси Алфея қошига келишиб, ўчоқдаги косов ёниб бўлган заҳоти ўглининг жони узилди, деб қаромат қиладилар. Алфея косовни дарҳол ўчоқдан олиб сандиққа яшириб қўяди. Мелеагр катта йигит бўлади ва даҳшатли қобонни ов қилгани чиққан овчиларга бош бўлади. Иней ҳосил байрами пайтида Артемидани эъвозлаб қурбонлик қилмагани учун, Колидон ерларини пайҳон қилдиргани у қобонни Артемида юборган эди. Қобон ўлдирилади. Шунда Мелеагр билан тоғалари қобоннинг териси ва бошини талашиб жавжал бошлайдилар. Жавжал урушга айланади ва Алфеянинг акалари (Мелеагрнинг тоғалари) бошлиқ курет халқи Колидонни қамал қилади. Жангда Мелеагр ўз тоғаларидан бирини ўлдириб қўяди. Оқибатда, Алфея ўз ўғлини дуоибад қилади. Буни эшитган Мелеагр хафа бўлиб жангни тарк этади; фақат куретлар шаҳарга бостириб кира бошлашгандагина, хотини Клеопатранинг ёлвориларига қулоқ осиб, яна жангга киради ва куретлар ҳамласини қайтаради. Бироқ Алфея ўз акасининг қотили бўлмиш ўғлини кечирмайди; у сандиқдан ўша чала ёнган косовни олиб ёқиб юборади; косов ёниб бўлиши билан Мелеагрнинг ҳам жони узилди.

*Мемнон* — Эффиоплар (занжилар) шоҳи, маъбуда Эоснинг ўғли. Урушнинг ўзини йили у Приамга кўмаклашгани Трояга келади. Мемнон иқтидори беназир паҳлавон эди, унинг силоҳ-совутларини ҳам, Ахиллесники сингари, Ҳефест

ясаб берган эди. Мемнон жангда жуда кўп ахейларни, шу жумладан, *Ангилотни* ҳам (қаранг) маъв этди. Фақат шундан кейингина Ахиллес уни ўлдиришга журъат этади, чунки у Мемнон билан бўладиган, яккама-якка жангдан кейин ўзининг ҳам паймоваси тўлишини яхши биларди, шунинг учун ҳам у занжилар шоҳи билан олишишдан ўзини олиб қочиб юрарди. Занжилар шоҳи ҳақидаги эпизод «Илиада»га ҳам, «Одиссея»га ҳам кирмаган; бу бизга «Илиада»нинг давоми бўлмиш «Эфиопида» достонининг баёнидан маълумдирки, достоннинг ўзи бизга етиб келмаган.

*Менада* — луғавий маъноси: «фидойи аёл, савдойи аёл» демакдир; шароб тангриси Дионис байрамларида иштирок этиб, «муқаддас» жазавага тушган аёлларни шу ном билан атаганлар.

*Менелай* — Атрейнинг ўғли, Агамемноннинг иниси, Еленанинг шавҳари (қаранг: *Елена*).

*Менесфей* — 1. Петейнинг ўғли, Троя урушида Афина қўшинининг саркардаси. Менесфей буюк паҳлавон Тесеини тахтдан ағдаргач, Афинада ҳукмронлик қилган; 2. Арейфооининг Парис томонидан ўлдирилган ўғли; 3. Мирмидон саркардаларидан бири, Пелей қизи Полидора билан дарё тангриси Сперхийнинг ўғли.

*Менетий* — Патроклнинг отаси.

*Меония* — Лидиянинг қадимги номи.

*Мерион* — шоҳ Молнинг ўғли, критлик, Идомейнинг сафдоши ва ёрдамчиси.

*Мигдон* — Фригия шоҳи.

*Мизия* — «Илиада»нинг таржимони Гведич иккита бошқа-бошқа вилоятни (Кичик Осиёдаги Мизияни ва шимолий Юновистонда, Фракияга жойлашган Мёзияни) шу бир ном билан атайди.

*Микена* — Ҳомер замонда Арголида вилоятининг бош шаҳри, Агамемнон салтанатининг пойтахти.

*Милет* — 1. Крит оролидаги шаҳар; 2. Кичик Осиёдаги йирик шаҳар, Критдаги Милетнинг мустамлакаси.

*Минес* — Лирнесс шаҳрининг шаҳзодаси, Брис қизининг эри, Лирнесс забт этилган чоғда Ахиллес томонидан ўлдирилган.

*Минос* — Зевс билан Финикия маликаси Европанинг ўғли (Зевс буқа қиёфасига кириб, у маликани ўғирлаб кетган эди). Минос бениҳоя доно ва адолатли одам бўлган, шу боисдан у қазо қилгач, ўликлар салтанатида ҳакам этиб тайинланган эди. Минос Троя бўсағасида жанг қилган критликлар сардори Идомейнинг бобоси эди.

*Мирина* — амазонка, Троянинг юксак девори пойида унинг қабри бор. Лекин бу амазонка ҳақида бизга ҳеч қандай афсона маълум эмас.

*Мирмидонлар* — Фессалия Фтиясида, Пелей ва Ахиллеснинг салтанатида яшовчи қабила. Мифологияда баён қилинишча, Ахиллеснинг бобоси Эак, Ҳера юборган ўлат пайтида бутун халқидан жудо бўлган; лекин унинг илтимосига кўра, падари Зевс чумолиларни одамларга айлантирган; шунинг учун ҳам янги вужудга келган халқни «мирмидонлар» деб атай бошлаганлар («мпрекс» сўзи юнон тилида «чумоли» деган маънони билдиради).

*Мойралар* — қисмат маъбудалари. Ҳомер фақат битта Мойрани — муқаррар

ёзиқ тангрисини билади. Анча кейинги мифология таърифича улар учта бўлган: Клото ҳаёт ипини йнгиради; Лахесис қарамай туриб одам қисматига тушган қуръани олади; Атропос ҳаёт ипини узди.

*Мол* — Девкалионнинг ўғли, Мерионнинг отаси.

*Молионлар* — Акторнинг эгиз ўғиллари.

*Муза* — қўшиқ, мусиқа, рақс, шеърят маъбудаси. Музаларнинг аънанавий сони — тўққизта; улар Парнас тоғида истиқомат қиладилар; ҳар бир Муза санъатнинг муайян бир турига ҳомийлик қилади. Музалар отаси — Зевс, опаси — хотира маъбудаси Мнемозина. Ҳомер аксар пайт бир Музани тилга оладик, бу Муза санъатнинг барча турларини яхши билади ва оқибат, ундан илҳомланган санъаткор ҳам барча нарсадан воқиф бўлади.

*Наядалар* — чашма ва дарёларнинг саамлари.

*Нелей* — Посейдоннинг ўғли, Пилос шоҳи, Несторнинг отаси.

*Неоптолем* — Ахиллеснинг ўғли. Ривоятларга кўра, Фетида, ўғли Ахиллеснинг қисматига Троя жағида ҳалок бўлиш ёзилганидан воқиф бўлиб, уни аёллар либосида Аскирос оролининг шоҳи Ликомеднинг саройига, унинг қизлари орасига яширади. Ахиллес шоҳнинг шу қизларидан бирини Дайдамия исмли маликани севиб қолади. Ахиллес Троя жағига жўнаб кетгандан кейин Дайдамия ўғил туғди, унга Неоптолем деб от қўйдилар. Ахиллес ҳалок бўлгандан кейин Одиссей билан Диомед Неоптолеми ҳам Трояга олиб борадилар. Йигит ахейлар қўшини сафида мардона жанг қилади. Трояни забт этиш пайтида у ихҳоятда қаттиқ шафқатсизлик қилиб, шоҳ Приамнинг кўпчилик болаларини, охири, ҳатто шоҳнинг ўзини ҳам ўлдиради.

*Нерей* — «денгиз қарияси», Понт — денгиз билан Гей — ернинг ўғли.

*Нерейдалар* — денгиз саамлари, Нерейнинг эллик нафар қизи. Ахиллеснинг онаси Фетида ҳам Нерей қизи эди.

*Нерит* — 1. Итакада ўрмон билан қопланган тоғ; 2. Қаҳрамоннинг исми — тор шунинг шарафига «Нерит» деб аталган.

*Нестор* — Троя юришида иштирок этган ахей саркардаларининг энг кексаси, Нелейнинг ўғли, Пилос шоҳи. У ўзининг заковати ва сўзамоллиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

*Ниоба* — шоҳ Танталнинг қизи, Фива шоҳи Амфионнинг хотини. У олти қиз ва олти ўғил туққан. У ўн икки фарзанднинг онаси бўлганлигидан мағрурланиб, бор-йўғи икки фарзанди (Аполлон ва Артемида) бўлган Латонага сиғиниб уни ҳаққиға қурбонлик қилишдан бош тортади. Бундан қаҳрланган Латона ўз болалари Аполлон ва Артемидадан бу маликани жазога мустаҳиқ қилишни сўрайди. Оқибат, икки тангри ўз камонларидан ўқ ёғдириб Ниобанинг ҳамма болаларини ўлдирадилар; бу жудоликка дош бера олмаган шох Амфион ўз жонига қасд қилади. Ниобага эса тангрилар шафқат қилишиб, уни ўз ватани Лидиядаги Сипил тоғига олиб чиқиб тошга айлантирадилар. Бу тошдан мангу зилол булоқ суви оқиб туради, чунки Ниоба тошга айланган бўлса ҳам, ҳамон побуд бўлган фарзандларига аза гутишдан тўхтамайди.

*Нисса* — афсонавий тоғнинг номи.

*Нот* — жапуб шамоли.

*Одиссей* — Итака оролининг шоҳи, Лаэрт билан Антиклясининг ўғли; Троя урушининг қаҳрамонларидан бири.

*Оилей* — Локрида шоҳи, «чаққоноёқ» Аякснинг отаси.

*Океан* — 1. Ер курраси бўйлаб мангу оқувчи дарё. Океандан нарида — нариги дунё жойлашган; 2. Тангри Океан — Титан; Уран — само ва Гея — заминнинг ўғли, Крононинг акаси.

*Олимп* — боқий тангрлар маскани бўлмиш афсонавий тоғ. Олимпни Фессалиядаги юксак тоғ билан қиёс қиладилар.

*Онегор* — Трояда Зевс ибодатхонасининг коҳини.

*Опуит* — Локриданнинг марказий шаҳри, Патроклининг ватани.

*Орест* — Агамемнон билан Клитемнестранинг ўғли. Отаси ҳалок бўлгандан кейин у мусофир юртда тарбия кўрди, улғайиб кучи тўлишгач, отасини ўлдирган ўз онаси билан Эгистдан қасд олди, ammo кейинчалик унинг ўзини Эриния муттасил таъқиб қила бошлайди. Фақат Аполлон билан Афинагина уни Эриния уфурган изтиробли телбалик дардидан халос этадилар.

*Орион* — Беотиялик паҳлавон овчи, тонг маъбудаси Эоснинг маҳбуби; у Артемиданинг ўқидан ҳалок бўлади. Юлдузлар буржидан бири унинг номи билан аталади.

*Орхомен* — Беотиядаги шаҳар. Аркадиядаги бошқа Орхомендан фарқли ўлароқ, буни юнонларнинг мивий қабиласи шарафига мипийлар Орхомени деб аташган.

*Осса* — 1. Зевс даракчиси; 2. Фессалияда, Олимпдан унча узоқ бўлмаган бир тоғнинг номи.

*Отос ва Эфиальтес* — Ифимедея билан Алоейнинг болалари (бошқа ривоятларга кўра, улар Ифимедея билан Посейдоннинг фарзандлари). Улар тўққиз ёшга кирганида, мудҳишона бўй ва қудратлари билан ўзгалардан ажралиб турганлар; бу оғанини зиндонга ташлагап Арейни фақат Ҳермесгина озод эта олган. Отос билан Эфиальтес Пелион тоғини Осса устига тиклаб, шу йўл билан Олимпга чиқмоқчи бўлишган. Лекин Аполлон уларнинг бу ниятининг олдини олиб, ўз камонидан ўқ отиб икковини ўлдиради.

*Паламед* — шоҳ Навплийнинг ўғли. Юнонлар уни моҳир мусаввир сифатида эъзозлаганлар. У ўлчовлар ва тарозуни, шашка ўйинини кашф қилган, шунингдек, одамзодга маёқлар қуришни ўргатган.

*Паллада* — илоҳа Афинанинг яна бир номи.

*Пандар* — Ликаоннинг ўғли; Ликиялик шаҳзода, Троя қўшини сафида жанг қилган моҳир ёйандоз.

*Панопея (Паноп)* — Фокидадаги шаҳар.

*Панфой* — Троянинг энг ҳурматли оқсоқолларидан бири.

*Панфойгодалар* — Панфойнинг ўғиллари: Полидамас, Эвфорб ва Хиппофойлар.

*Парис* — Приам ва Ҳекубанинг ўғли; Ҳекуба шу ўғлига бўйида бўлганида, туш кўради, тушида лаққа чўе ўтин тугадик, бу чўғдан бутун Троя ёниб кул бўлади. Бу ғойибдан келган илоҳий ишора эди. Шунга амал қилишиб, янги туғилган чақалоқни Ида тоғига олиб бориб ташлайдилар. Лекин чақалоқ ўлмайди, уни ургочи айиқ эмизади, кейин чўпонлар уни тарбия қилиб ўстарадилар. Ол-

тин олмани талашган уч маъбуда шу Парисга мурожаат қиладилар. Парис улар ичида Афродитани афзал кўради; оқибат, Афродита уни Трояга қайтаради ва Еленани ўғирлашига кўмаклашади.

*Паркилар* — «Илиада»ни рус тилига таржима қилган шoir Гнедич қисмат маъбудалари Мойраларнинг (қаранг) римча номини янглиш ифодалаган.

*Патрокл* — Ахиллеснинг энг қадрдон дўсти; у Троя жангида Ҳектор томонидан маҳв этилади.

*Пафлагония (Пафлагонья)* — Кичик Осиёнинг шимолида, Қора денгиз соҳилига жойлашган вилоят.

*Пафлагонлар* — Пафлагония аҳолиси.

*Пеан* — худога, аксарият пайт Аполлонга бағишланган шукрона муножот: энг қадимги табиблик тангриси — худолар шифокорининг номи ҳам шундай аталган.

*Педас* — 1. Пелопоннесдаги бир шаҳар; 2. Троядаги Ахиллес вайрон қилган шаҳар; 3. Ахиллес Кичик Осиёдаги Фива шаҳрини тор-мор қилганида қўлга киритган отнинг исми.

*Пеласглар* — Юнонистонда ахейлар келмасдан олдин яшаган энг қадимий аҳоли.

*Пелей* — Эакнинг ўғли, мирмидонлар шоҳи. Уни денгиз қарияси Нерейнинг қизи Фетидага уйлантирадилар. Уларнинг никоҳ тўйига низо маъбудаси Эридадан бўлак ҳамма худолар таклиф этилади. Бу ҳолдан ранжиган Эрида тўй пайтида кириб келиб, «энг соҳибжамол маъбудага» деб ёзилган олтин олмани стол устига ташлайди. Бу олма туфайли учта маъбуда: Ҳера, Афина ва Афродита тортишиб қолишади. Улар масалани ажрим қилиш учун Троя шаҳродаси Парисга мурожаат қиладилар. Парис Афродитани афзал кўради, чунки у Парисга дунёда энг гўзал аёлнинг муҳаббатини ваъда қилган эди. Шу муносабат билан Афродита Париснинг Еленани ўғирлашига имкон яратиб берадики, бунинг оқибатида Троя жанги бошланади. Пелей билан Фетидадан Ахиллес (Ахилл) дунёга келган.

*Пелейон* — Пелейнинг ўғли, яъни Ахиллес.

*Пелион* — Фессалияда, Олимпдан йироқ бўлмаган тоғ.

*Пелопоннес* — Болқон ярим оролининг жанубидаги ярим орол.

*Пелопс* — шоҳ Танталнинг ўғли, Зевснинг набираси; Троя шоҳи Ил уни ўз ватани Сипил шаҳридан қувгин қилганида, у Юнонистоннинг, кейинчалик унинг номи билан аталган ери — Пелопоннесга (Пелопс ороли, демак) сузиб келади. Бу ерда у жинойий йўл билан Писа шаҳрининг шоҳи Эномайнинг қизи Ҳипподамияга уйланади ва ўзи бу шаҳарнинг ҳокими бўлиб олади. Лекин у ўзининг доимий жинойий қилмишлари билан худолар ғазабига учрайдики, бу ғазаб унинг бутун авлоди бошига офатлар ёғдиради; унинг ўғиллари Фиест билан Атрей бир-бири билан довлашиб, энг мудҳиш ёвузликларга қўл урадилар. Фиестнинг ўғли Эгист Атрейнинг ўғли Агамемнонни ўлдирди, сўнг ўзи ҳам Агамемноннинг ўғли Орест қўлида ҳалок бўлади. Пелопс ва унинг авлоди бошига ёзилган тангрилар ғазаби мана шундай қонли ва фожияли воқеалар билан ифодаланган эди.

*Пеней* — Фессалиядаги дарё.

*Пенелопа* — Икарийнинг қизи, Одиссейнинг хотини.

*Пеонлар* — Юнистоннинг шимолидаги Пиония ўлкасининг аҳолиси, кейинчалик Македония давлати шу ерда қад кўтарган.

*Пергам* — Троядаги акрополнинг номи.

*Пергамликлар* — трояликлар деган маънони билдиради.

*Пержота* — Троя шимолида, Хеллеспонт яқинига жойлашган шаҳар.

*Персей* — Зевс билан Данаянинг ўғли; у Горгона — Медузанинг қалласини чошиб ташлаб, денгиз махлуқи ейиши лозим бўлган малика Андромедани озод қилади. Персей Ҳераклининг бобокалони эди.

*Персефона* — Зевс билан Деметранинги қизи. Уни Аид ўғирлаб кетиб ўзига хотин қилиб олган; Деметра теран андуҳда қизини қидириб, бутун рўйи заминни кеза бошлайди; бу пайтда экинзорлар ҳеч қандай ҳосил бермайди. Бу ҳолни кўрган Зевс Деметрага тасалли бериш учун, Персефона ярим йил Олимпда, ярим йил Аидда яшайди, деган қарорга келади. Персефона ҳақидаги афсонани табиатнинг қишда ўлиб, баҳорда жонланиши рамзи деса бўлади.

*Петей* — Менесфейнинг отаси.

*Пиерия* — Юнистон шимолида, Македониядаги бир вилоят.

*Пилос* — 1. Нестор давлатининг пойтахти, Пелопоннеснинг жануби-ғарбидаги денгиз соҳилига жойлашган шаҳар; 2. Элидада, Алфейдан жануброққа жойлашган шаҳар.

*Пирифой* — Фессалиянинг афсонавий халқи — лапифларнинг шоҳи, Тесейнинг дўсти ва сафдоши. Унинг викоҳ тўйида маст бўлиб қолган кентаврлар лапиф аёлларига ташланадилар, бунинг оқибатида, кентаврлар билан лапифлар ўртасида мудҳиш жанг бошланади, бу жангга Нестор ҳам қатнашади. Пирифой, Персефонани ўғирлаш мақсадида, Тесей билан биргаликда Аид салтанатига тушади, лекин иккала қахрамон ҳам у ерда Аид таклиф қилган новб курсиларга ёпишиб қоладилар. Аид дарвозасини қўриқлаб турувчи уч бошли кўшпак Церберни ўғирлаб чиқиш учун ўликлар салтанатига тушган Ҳеракл (бу унинг ўн иккинчи жасорати эди) Тесейни озод қилади, ammo Пирифой шу қолганича Аидда қолиб кетади.

*Пифос* — Дельфа ибодатхонаси ва маъбадининг қадимги номи. (Дельфа шаҳри аҳолиси Аполлонга сўнгинган.)

*Плак* — Кичик Осидедаги тоғ.

*Плагей* — Беотиядаги шаҳар.

*Плеврон* — Этолиядаги шаҳар.

*Плеядалар* — юдузлар буржи.

*Подалир* — Асклепийнинг ўғли, ахей қўшинида табиб.

*Подарга* — Зефир билан қовушиб, Ахиллеснинг тулпорларини (Ксанф ва Балийни) туққан гарпийннинг исми.

*Подаркес* — Филакадан келган Фессалия қўшинининг саркардаси, Протесилайнинг отаси.

*Подес* — троялик жангчи. Ҳекторнинг дўсти.

*Полиб* — 1. Менелай билан Елена жаҳонгашталиқ қилиб юришганда, уларни ўз уйда меҳмон қилган мисрлик бойнинг исми; 2. Троялик жангчи, Антенорнинг ўғли.

*Поллидамас* — кўпинча Ҳектор билан ёнма-ён жанг қилувчи троялик қахрамон; Панфойнинг ўғли.

*Полидевк* — (қаранг: *Кастор ва Полидевк*).

*Полидор* — Приамнинг кичик ўғли.

*Полидора* — Пелейнинг қизи.

*Полипет* — Пирифойнинг ўғли, Троя жангтоҳига келган Фессалия қўшинининг саркардаларидан бири.

*Полиг* — Приамнинг ўғилларидан бири.

*Полифем* — лапифлар қўшинидаги жангчи.

*Посейдон (Посейдаон)* — денгизлар худоси, Крон билан Реянинг ўғли, Зевснинг отаси.

*Прет* — Беллерофонтни ўз салтанатидан қувғин қилган ва уни ўлдирмоқни кўзлаган Тириф шоҳи.

*Приам* — Троя шоҳи, пири бадавлат қария, эллик ўғил ва эллик қизнинг отаси; Парис, Ҳектор, Деифоб, Кассандралар шулар жумласидан.

*Прометей* — Титан (пахлавон), Иапетнинг ўғли. Зевс одамзод наслини қийратмоқчи бўлганида, у самовий оловни ўғирлаб, уни қамиш қавагига яширади ва одамларга олиб келиб беради. Прометей, шунингдек, одамни барча ҳунар ва илмларга ўргатади. У башорат қилиш қобилиятига эга бўлган. Олов ўғирлагани учун уни Зевс даҳшатли жазога мустаҳиқ қилади: уни юсак Кавказ тоғидаги қояга парчинлайди ва ваҳший Калхат бу занжирбанд жафокашнинг жигарини мудом чўқилаб азоб беради. Прометейни, кейинчалик, Ҳеракл озод қилади ва Зевс у билан ярашади.

*Протесилай* — Ификлнинг навқирон ўғли, Филакадан келган Фессалия қўшинининг саркардаси. Юнонлар Трояга етиб келишганида, Протесилай Троя соҳилига кемадан биринчи бўлиб сакраб тушади ва шу заҳоти Ҳектор отган ўқдан ҳалок бўлади.

*Рез* — Фракия шоҳи, трояликларнинг иттифоқдоши.

*Рея* — Уран — само билан Гея — заминнинг қизи, Кронинг отаси ва хотини.

*Родос* — Кичик Осиёнинг жануби-ғарбий соҳили қаршисига жойлашган катта орол.

*Саламин* — Атика соҳилидаги орол, Аякс билан Тевкрнинг отаси Теламоннинг ватани.

*Сам* — Фракия соҳилларига яқин ердаги орол.

*Самос* — Кичик Осиё соҳилига яқин жойлашган орол, Ҳерага сиғинувчи маъбадлар жойлашган.

*Санамлар* — табиат кучини ифодаловчи майда илоҳалар. Улар ўрмонларда (дрнадалар), тоғларда (ореадалар), булоқ ва дарёларда (наядалар) яшайдилар. Юнонлар санамларни навниҳол дилбар аёллар қиёфасида тасаввур қилганлар.

*Сангарий* — Кичик Осиёдаги дарё; у Қора денгизга қуйилади.

*Сарпедон* — Зевснинг ва Беллерофонт қизи Лаодамиянинг ўғли, Ликия шоҳи; у Троя остонасида трояликлар иттифоқдоши сифатида ҳалок бўлади.

*Сатнион* — Кичик Осиёдаги бир жойнинг номи.

*Селлалар* — Зевс кароматини олдиндан башорат қилувчи қоҳинлар; улар муқаддас эман япроқларининг шитирлаши ёки ул дарахтга қўнган қушларнинг сайрашига қараб келажак ҳақида башорат қиладилар.



*Сидон* — Финикияда йирик савдо шаҳри. Сидония — Финикия, демак.

*Сициф* — Коринфнинг айёр шоҳи; у ҳатто, жонини олгани келган Ўлимиа ҳам занжирбанд қилишга муваффақ бўлган. У тангриларга қарши қилган жиний рафторлари учун, Анд салтанатида оғир харсангтошни тоабад тоғ бошига думалагиб олиб чиқишга маҳкум этилгандиким, у энди тоғ бошига етдим, дега-нида тош яна дастга думалаб тушиб кетарди.

*Симоис* — Троя этагидан оқиб ўтувчи дарё, Аскамандрнинг ирмоғи.

*Синтийлар* — Лемнос оролида яшаган афсонавий аҳоли.

*Сминфей* — Аполлоннинг номларидан бири; «дала сичқонларини қийратувчи» деган маънони билдиради.

*Солимлар* — Кичик Осиёнинг жанубида яшовчи халқ; Солим тепаликлари шу мамлакатга жойлашган.

*Спарта* — Пелопоннесдаги шаҳар, шоҳ Менелайнинг пойтахти.

*Сперхий* — дарё тангриси.

*Стенгор* — ўз гулдурос овози билан довуқ қозонган ахей жарчиси.

*Стикс* — иккинчи қўшиқнинг 771-сатрига берилган изоҳга қаранг.

*Сфенел* — Троя урушининг иштирокчиси, Капанейнинг ўғли, Диомеднинг дўсти. Эврисфейнинг отаси, Персей билан Андромеда ўғлининг исми ҳам Сфенел эди.

*Схедий* — юнон жангчиси, Ифитнинг ўғли.

*Таврида* — ҳозирги Қрим.

*Таврлар* — Таврида аҳолиси.

*Талай* — Аргос шоҳи, Адрастнинг отаси, Эвриалнинг бобоси.

*Талфибий* — Агамемноннинг чопари, кейинчалик — унинг ўғли Орестнинг мураббийи.

*Таргар* — ер ости салтанатининг энг қуйи қатлами; тангрилар у ерга ўз ғанимларини ҳибс этардилар.

*Тевкр* — Теламоннинг никоҳсиз туғилган ўғли, Аякснинг ўғай укаси, моҳир новакандоз.

*Теламон* — Саламин оролининг шоҳи, Эакнинг ўғли ва Пелейнинг отаси, Аякс билан Тевкрларнинг отаси.

*Теламоний* — Теламон ўғли, яъни Аякс.

*Телемах* — Одиссейнинг ўғли. Унинг исми «йироқда жанг қилувчи» деган маънони билдиради.

*Тенедос* — Троя соҳилидан унча йироқ бўлмаган кичик бир орол; ахейлар пистирмада ёғоч от қолдириб, кўзбўямачилик қилиб чекинишганда, шу оролга яширинишган.

*Терсит* — юновлар қўшинидаги энг бадбашара ва беадаб жангчи бўлиб, унинг исми «густоҳлик», «безбетлик» деган маънони билдиради.

*Тесей* — кўч жасоратлар кўрсатган, худди Ҳеракл сингари, ўз ватанини баҳайбат махлуқлардан ва қароқчилардан тозалаган қудратли паҳлавон. Тесей — Афина шоҳи Эгейнинг хотини Эфра билан Посейдоннинг ўғли ҳисобланган, ўзи ҳам Афинада подшоҳлик қилган.

*Тестий* — Этолия шоҳи, Леданинг отаси. Баъзан Фестий деб ҳам юритилади.

*Тетфиса* — Уран билан Геянинг қизи, Океаннинг хотини.

*Тидей* — Инейнинг ўғли, Аргос шоҳи Диомеднинг отаси.

*Тидейзода* — Тидей ўғли, яъни Диомед.

*Тиндар (Тиндарей)* — Спарта подшоҳи, Леданинг эри. (қаранг: *Леда ва Елена*.)

*Тиринос* — Пелопоннес Арголидасидаги энг қадимги шаҳар.

*Титанлар* — Уран билан Геянинг болалари, Кроннинг оға ва инилари. Зевс ўз падари Кронни тахтдан ағдарганида, титанлар Кронни ҳимоя қилиб исён кўтардилар, лекин улар ёш тангрилардан мағлубиятга учрайдилар ва ҳамма-лари Тартар қаърига ҳибс этиладилар.

*Тифей* — Иккинчи қўшиқнинг 799-сатридаги изоҳга қаранг.

*Тифон* — тонг маъбудаси Эоснинг маҳбуби, Лаомедоннинг ўғли, Приамнинг оғаси, Мемноннинг отаси. Эос Тифонни ўғирлаб самога олиб чиқиб кетади ва у Олимпда боқийликка мушарраф бўлади.

*Тлиподем* — 1. Хераклининг Троя урушида жанг қилган ўғли; 2. Патрокл томонидан ўлдирилган троялик.

*Тмол* — Лидиядаги тоғ.

*Тригоена* — маъбуда Афинанинг номларидан бири, маъноси мавҳум.

*Троада* — Кичик Осиёда Троя теварагига жойлашган вилоят.

*Троил* — Приамнинг кичик ўғли; Троя урушанинг биринчи йили Ахиллес томонидан ўлдирилган.

*Трос* — Троя шоҳларининг бобоқалони; Троя шунинг номига қўйилган. Яна, Ахиллес томонидан маҳв этилган троялик жангчининг исми ҳам Тросдир.

*Троя (Илион)* — Кичик Осиёда Аскамандр дарёси бўйича жойлашган шаҳар. Парис Еленани шу Трояга олиб қочиб келади; шу сабаб бўлиб, иттифоқдош юнон қўшгинлари шаҳарга ҳужум қиладилар. Ун йил давом этган қамалдан сўнг ёғоч от билан уюштирилган найранг оқибатида шаҳар забт этилади ва вайрон қилинади.

*Уран* — само, осмон худоси; Гея (ер)нинг эри, титанларнинг падари ва оламнинг энг биринчи подшоҳи; уни ўғли Крон тахтдан ағдарган.

*Фамир* — Фракиялик афсонавий хонанда ва созанда; у қўшиқ айтишда Музалар билан беллашшга журъат этгани учун, тангрилар унинг кўзини кўр қилиб қўйганлар.

*Феа* — Элида вилоятида денгиз бўйидаги шаҳар.

*Феана* — Трояда Афинанинг қоҳинаси, Автенорнинг хотини.

*Феб* — Аполлоннинг диний исми.

*Феба* — Артемиданинг диний исми.

*Фемида* — одил суд маъбудаси.

*Феникс* — 1. Ахиллес билан бирга Троя урушига борган унинг мураббийи ва қадрдон дўсти; 2. Сидон шоҳи, Кадм билан Европанинг отаси.

*Фера* — Пелопоннесда, Пилос билан Спарта ўртасидаги шаҳар. Шундай номли шаҳар Фессалияда ҳам бўлган.

*Ферет* — Фессалиядаги Фера шаҳрига асос солган одам; Адметнинг отаси.

*Фессалия* — Ўрта Юнонистоннинг шарқидаги вилоят.

*Фест* — Крит оролидаги йирик шаҳар.

*Фестий* — (қаранг: *Тестий*.)

*Фестор* — Калхаснинг отаси.

*Фетида* — денгиз қарияси Нерейнинг қизи, Пелейнинг хотини, Ахиллеснинг онаси. Унинг никоҳ тўйида «адоват олмаси» туғайли уч маъбуда ўртасида низо вужудга келган.

*Фива* (*Фива*) — 1. Беотиядаги етти дарвозали шаҳар; 2. Мисрдаги юз дарвозали шаҳар — қадимги Мисрнинг пойтахти, у Нил дарёсининг ўрта оқимида жойлашган; 3. Трояда вилоятда Плак тоғининг этагига жойлашган шаҳар; у Андромаханинг ватани бўлиб, Ахиллес томонидан ғорат қилинган.

*Фиест* — Пелопоннинг ўғли, Атрейнинг укаси.

*Филак* — Фессалиядаги Филака (Филаки) ёхуд Филакия шаҳрининг афсонавий асосчиси, Ификлнинг отаси.

*Филакия* — (қаранг: *Филак*.)

*Филей* — Мегеснинг отаси, Ҳеракл отхоналарини тозалаб берган Авгийнинг ўғли. Авгий ваъда қилган мукофотини Ҳераклга беришдан бош тортганида, Филей қаҳрамон Ҳераклнинг ёнига олган ва шу қилмиши учун отаси уни уйдан ҳайдаган эди.

*Филотет* — Троя юриши қатнашчиларидан бири, Ҳераклнинг камони ва ўқларини мерос қилиб олган, унинг қадрдон дўсти. Қўшин Трояга кетаётганда Филотетни илон чақиб олади, оқибат бадани яра бўлиб, ундан шундай бадбўй ҳид тарқай бошлайдики, ахейлар уни тақир Лемнос оролига ташлаб кетадилар. Бу оролда у ов билан шуғулланиб ўн йил кун кечиради. Бироқ ахейлар, Трояни Ҳераклнинг камони ва ўқларисиз забт этиб бўлмаслигидан воқиф бўладилар; шундан кейин улар Филотетни олиб келиш учун Одиссей билан Неоптелемни юборадилар; улар ўксиган қаҳрамонни авраб-авраб Троя бўсағасига бошлаб келадилар. Бу ерда табиб Махаон унинг яраларини шиқолайди.

*Фоас Андремонвода* — Этолиядаги Плеврон ва Калидон шаҳарларининг шоҳи.

*Фокида* — Ўрта Юнонистоннинг марказига жойлашган вилоят.

*Фразимед* — Несторнинг ўғли.

*Фракия* — Юнонистоннинг шимоли-шарқида, Хеллеспонт ва Пропонтида (Мармар денгиз) соҳилларига жойлашган улкан вилоят.

*Фригия* — Кичик Осиёдаги катта бир вилоят.

*Фтия* — мирмидонларнинг бош шаҳри, Пелей ва Ахиллес салтанатининг пойтахти.

*Хариталар* — гўзаллик, назокат ва шодлик маъбудалари, улар уч нафар бўлиб, мангу навниҳол қиёфада тасвирланадилар.

*Химера* — Беллерофонт томонидан ўлдирилган даҳшатли махлуқ.

*Хирон* — Ҳеракл, Ясон, Ахиллес ва бошқа қаҳрамонларни тарбиялаб ўстирган донишманд кентавр (қаранг: *кентаврлар*).

*Хрис* — Аполлоннинг қоҳини.

*Хриса* — 1. Санам; 2. Аполлонга бахшида қилинган афсонавий орол.

*Хрисеида* — қоҳин Хриснинг қизи, Агамемноннинг аспираси.

*Хрисофемиса* — Агамемнон билан Клитемнестранинг қизи, Ифигения билан Лаодиканинг (Электранинг) синглиси.

*Эак* — Пелей билан Теламоннинг отаси. Ахиллес билан Аякснинг бобоси, Зевснинг дарё худоси Асоп қизин Эгинадан туғилган ўғли. Эак ўзининг адолатпарварлиги билан донг таратган эдиким, ҳатто тангриларнинг ўзлари ҳам ўртала-рида юз берган мувоҳасаларни ажрим қилишга уни тақлиф қилардилар (қаранг: *мирмидончлар*).

*Эвбея* — Эгей денгизда катта бир орол; у Ўрта Юнонистоннинг шарқий соҳилларига яқин жойлашган.

*Эней* — Лемнос шоҳи, Ясон билан Ипсилипанинг ўғли; у Троя жангтоҳида урушаётган ахейларга май ва озиқ-овқат олиб келиб, улардан ҳарбий ўлжаларни сотиб оларди.

*Эер* — шарқ шамоли.

*Эвриал* — 1. Мекестийнинг ўғли, аргослик саркардалардан бири; 2. Феакиялик шавкатли жангчи.

*Эрибат* — Одиссей билан Троя юришида иштирок этган унинг жарчиси.

*Эримедон* — 1. Агамемноннинг аробакаши; 2. Несторнинг хизматкори.

*Эрипил* — Фессалиядаги Армений шаҳрининг шоҳи.

*Эрисфей* — Микенанинг ғаддор ва қўрқоқ шоҳи («Илиада»нинг XIX қўшиғи, 123-сатрига берилган изоҳга қаранг).

*Эсфорб* — троялик қаҳрамон, Панфойнинг ўғли.

*Эвигея* — Адрастнинг қизи, Дномеднинг хотини.

*Эгида* — эчки терисидан ишланган қалқон («эгида» — эчки тери дегани). Ҳомер замонида бундай қалқон урфдан қолган бўлиб, фақат тангрилардан Зевс билан Афинага нисбат бериларди.

*Эгиох* — Зевс васфларидан бири, «эгида — ушлаган» деган маънони билдиради.

*Эгия* — 1. Посейдоннинг доимий маскани; 2. Пелопоннесда, денгиз бўйига жойлашган шаҳар — бу ерда Посейдон, айниқса, кўпроқ эъвозланган.

*Эзигет* — жуда узоқ умр кечириб, кексайганида ўлган бир трояликнинг исми.

*Эксадий* — лапифлардан бирининг исми.

*Элеон* — Беотиядаги шаҳар.

*Элида* — Пелопоннес ғарбидаги вилоят.

*Эллада* — (қаранг: *эллинлар*).

*Эллинлар* — юнонлар, демак, Юнонистон юнон тилида Эллада деб аталади. Дастлабки пайтларда Фессалиядаги бир шаҳар шу ном билан аталган. Лекин юнонларни эллинлар деб аталишидан Ҳомер беҳабар бўлган.

*Эн* — Фракиядаги шаҳар.

*Эней* — Анхиз билан Афродитанинг ўғли, Приамнинг қариндоши, Троя урушининг асосий қаҳрамонларидан бири, Троя таслим бўлгандан кейин, Эней, ён-гин чулғаган бу шаҳардан кекса отасини опичлаб ва ўғлини етаклаб қочиб қутулиб чиқиб кетади. У узоқ вақт жаҳонгашта бўлиб юргач, Италияда ўз салтанатини барпо қилади.

*Энио* — уруш маъбудаси.

*Эносигей* — Посейдоннинг васфи, «ерни тебратувчи» деган маънони билдиради.

*Эол* — шамолларни бошқарувчи кичик рутбадаги тангри.

*Эос* — тонг шафағи маъбудаси. У Ҳелиос (қуёш худоси)нинг синглиси, Ҳиперион билан Тейянинг қизи; Эос билан Астрейдан юлдузлар туғилган.

*Эпейлар* — Элидада яшаган энг қадимги қабила.

*Эпидавр* — Пелопоннес Арголидасидаги шаҳар.

*Эпир* — Юнонистон шимолидаги вилоят.

*Эпиг* — Аркадиянинг афсонавий шоҳи.

*Эреб* — аулматга бурканган ўликлар салтанати.

*Эревфалион (Эревфальон)* — ёшлик чоғида Нестордан мағлуб бўлган аркадиялик паҳлавон.

*Эретрия* — Эвбея оролидаги шаҳар.

*Эрибея* — Отос билан Эфиальтеснинг ўғай онаси.

*Эрида* — адоват маъбудаси.

*Эримант* — Пелопоннесда, Аркадия тоғлари.

*Эринийлар* — қотилларни таъқиб қилувчи интиқом маъбудалари.

*Эриона* — Оилейнинг хотини, «чаққоноёқ» Аякснинг онаси.

*Эрион* — Кичик Осиёдаги Фива шоҳи, Андромаханинг отаси.

*Этолия* — Урта Юнонистоннинг ғарбидаги вилоят.

*Эфиоплар* — афсонага кўра «ернинг икки чеккасида», шарқ ва ғарбда, Океанининг соҳилида яшовчи масъуд халқ.

*Эфира* — Коринф ва бошқа кўпгина шаҳарларнинг қадимги номи.

*Эфра* — Тесейнинг онаси; уни Кастор ва Полидевк асирга олиб, Еленага чўри қилиб беришган. Трояга ҳам у Елена билан бирга бориб қолган.

*Эхалия* — Этолиядаги шаҳар.

*Япет* — Прометей билан Атлантнинг отаси.

*Ҳализонлар* — Кичик Осиёнинг Қора денгиз соҳилида яшовчи халқ.

*Ҳарпиялар* (ўғри санамлар) — қуюн ва ўлим арвоқлари; кейинги афсоналарга кўра — боши ва сийнаси аёлники бўлиб, кўзга кўринмай учувчи ва одамларнинг жонини ўғирловчи қушлар.

*Ҳеба* — Зевс ва Ҳеранинг қизи, юнонлар таъбири бўйича, ўн саккиз ёшга тўлган одамларда зоҳир бўлувчи инсон ҳаётининг гуллаган даврини ифодаси бўлмиш мангу навнаҳол маъбуда.

*Ҳекатомба* — Биринчи қўшиқнинг 65-сатрига берилган изоҳга қаранг.

*Ҳектор* — Приам ва Ҳекубанинг ўғли, Троя шаҳрининг асосий ҳимоячиси.

*Ҳекуба* — Приамнинг хотини, ўн тўққиз ўғилнинг (шулар жумласидан Ҳектор ва Париснинг) ва аича-мунча қизнинг (жумладан, Кассандранинг) онаси.

*Ҳелен* — Приам ўғли, ғойибдан хабар берувчи башоратчи. Троя таслим бўлгандан кейин, Ахиллеснинг ўғли Неоптолемга қул бўлади, ўз соҳибининг ўлимидан кейин эса унинг давлатидан бир қисмига меросхўр бўлади ва Эпир вилоятида «кичик Троя» бунёд қилади. Яна бир Ҳелен ахей жангчиси бўлиб, у Ҳектор томонидан ўлдирилади.

*Ҳелика* — Пелопоннес шимолидаги бир шаҳар; у ерда Посейдоннинг йирик маъбади бўлган.

*Ҳелиос (Ҳелей)* — қуёш худоси, Эос — тонг ва Селена — ойнинг отаси, титан Ҳиперионнинг ўғли.

**Ҳеллеспонт** — Кичик Осиёни Фракия Херсонесидан ажратиб турувчи бўғоз (ҳозир Ҳаллиполи ярим ороли). Бугунги кунда у Дарданел бўғози деб аталади.

**Ҳера** — Крон билан Реянинг қизи, Зевснинг синглиси ва хотини, тангрилар маликаси ва никоҳларга ҳомийлик қилувчи маъбуда.

**Ҳеракл** — юнон мифологиясида энг севимли қаҳрамон, Зевс билан Алкменанинг ўғли. У кўп вақт Ҳеранинг таъқибида бўлади ва шу маъбуда уюштирган фитналар оқибатида, Микена шоҳи қўрқоқ ва нотавон Эврисфей қўлида хизмат қилади; унинг амри билан ўн иккита энг машҳур жасорат кўрсатади. У ер юзини мудҳиш махлуқлардан тозалайди, Прометейни озод қилади, ҳатто ўлим худосини ҳам енгади. Ҳеракл ўлганидан кейин, худолар уни Олимпга олиб чиқиб кетишади ва у боқий маъбудга айланади.

**Ҳерения** — Денгиз бўйига жойлашган Нестор қўл остидаги шаҳар. «Ҳерения чавапдози», «Ҳерения шахсувори» — Несторнинг васфларидандир.

**Ҳермес** — Зевс билан Майянинг ўғли, худоларнинг даракчиси, тижорат ва фосоҳат тангриси.

**Ҳермиона** — 1. Елена билан Менелайнинг қизи бўлиб, уни Ахиллеснинг ўғли Неоптолемга турмушга берадилар; 2. Арголидадаги шаҳарнинг номи.

**Ҳефест** — Зевс ва Ҳеранинг ўғли, олов худоси, темирчилик касбининг пуштианоҳи ва ўзи ҳам моҳир темирчи; юнонлар Ҳефестни ниҳоятда қудратли, аммо бадбашара ва иккала оёғи чўлоқ деб тасаввур қилганлар.

**Ҳилл** — Лидиядаги Герм дарёсининг ирмоғи.

**Ҳиперей** — Фессалиядаги чашма.

**Ҳипподамия** — Пирифойнинг хотини, унинг никоҳ тўйида лапифлар (қаранг) билан кентаврлар (қаранг) ўртасида жанг бошланади. Шунингдек, Анхиз қизи, Эней синглисининг исми ҳам Ҳипподамиядир.

**Ҳипполох** — 1. Беллерофонтнинг ўғли, Главкнинг отаси; 2. Троялик Антимахнинг ўғли, уни Агамемнон маҳв этади.

**Ҳиппомолглар** — қимиз ичиб кун кечирувчи халқ; бу сўзнинг том маъноси «бия соғувчилар» деган маънони билдиради. Тадқиқотчилар скиф қабиласи бўлса керак, деб фараз қиладилар.

**Ҳиппофоой (Ҳиппофой)** — шоҳ Приамнинг ўғилларидан бири. Троя бўсағасида жанг қилган пеласглар саркардасининг исми ҳам шундай.

**Ҳоралар (Оралар)** — йил фасллари маъбудалари, Олимп соқчилари, улар арш аълопинг булутлардан вужудга келган қопқаларини гоҳ очиб, гоҳ ёпиб турдилар.

## МУНДАРИЖА

Қўхна дунё қомуси. <i>Асқад Музтор</i> . . . . .	5
Троя жангининг ибтидоси . . . . .	10

### Илиада (Троя жангномаси)

Биринчи қўшиқ . . . . .	26
Иккинчи қўшиқ . . . . .	41
Учинчи қўшиқ . . . . .	63
Тўртинчи қўшиқ . . . . .	75
Бешинчи қўшиқ . . . . .	89
Олтинчи қўшиқ . . . . .	111
Еттинчи қўшиқ . . . . .	124
Саккизинчи қўшиқ . . . . .	136
Тўққизинчи қўшиқ . . . . .	150
Ўнинчи қўшиқ . . . . .	167
Ўн биринчи қўшиқ . . . . .	181
Ўн иккинчи қўшиқ . . . . .	201
Ўн учинчи қўшиқ . . . . .	212
Ўн тўртинчи қўшиқ . . . . .	232
Ўн бешинчи қўшиқ . . . . .	245
Ўн олтинчи қўшиқ . . . . .	263
Ўн еттинчи қўшиқ . . . . .	284
Ўн саккизинчи қўшиқ . . . . .	302
Ўн тўққизинчи қўшиқ . . . . .	317
Йигирманчи қўшиқ . . . . .	327
Йигирма биринчи қўшиқ . . . . .	339
Йигирма иккинчи қўшиқ . . . . .	354
Йигирма учинчи қўшиқ . . . . .	366
Йигирма тўртинчи қўшиқ . . . . .	378
Хотима . . . . .	406
Изоҳлар . . . . .	420
Мифология ва географик номлар ва исмлар луғати . . . . .	432

На узбекском языке

## Шедевры мировой литературы

ГОМЕР

ИЛИАДА

Перевод с издания «Художественная литература», М. 1967.

«ЖАД» нашри учун маъсуллар:

Ш. Усмонхўжаев

В. Барсукова

С. Азимова

Редантор А. Саидов, А. Қутбиддинов

Рассом В. Апухтин

Расмлар редактори В. Немировский

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Ш. Муҳиддинова

ИБ № 3779

Босмахонага берилди. 31.03.87. Босишга рухсат этилди 11.09.87. Формати. 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босмахона қоғоми №1. Оддий янги гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л.28,5. Шартли кр.—оттиск. 28,5. Нашр л. 28.83. Тиражи 10000. Заказ №1019. Баҳоси 3 с. 20 т. Шартнома №269—77 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129. Тошкент Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси 30.

84.Гр

Ҳ.63

Ҳомер.

Илиада. Русчадан Қ. Мирмуҳамедов тарж.; Масъул муҳаррир Х Даврон. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. —456 б. — («Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясининг таҳрир ҳайъати: Зулфия ва бошқ.)

Буюк ювон шоири Ҳомернинг «Илиада» эпоси жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб урин эгаллаган. Унда тарихий воқеалар шартли-романтик, афсонавий йўналишда талқин этилади.

Мазкур китоб ўқувчига ўзбек тилида ilk марта тақдим этилмоқда.

Гомер. Илиада.

84.Гр